

ГОМЕР

ОДИССЕЯ



2016/124
6698

ГОМЕР

ОДИССЕЯ



(Одиссейнинг саргузаштлари)



2016

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

821.14'02 - Грек ағ-ти


УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(4Гре)
Г 68

ЛОМЕ

REDDIA

Рус тилидан
Кодир Мирмуҳамедов таржимаси

(«Одиссея»ни ўзбек тилига ўгаришида, асосан В.Жуковскийнинг
ва қисман В.Вересаевнинг таржималаридан фойдаланилди)



Ташаккур
ISBN 978-9943-03-462-4

© К. Мирмуҳамедов (тарж.)
© Faafur Fулом номидаги
нашрят-матбаа ижодий уни,
2016

БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

- Сўйла, Музас¹, ул омилкор эр ҳақида менга ҳикоят,
Қайсики, ҳур ва муқаддас Трояни айлаб хароба,
Шаҳарларни кезді, күрди одамларни, таомилларни;
Үз жонини сақламоқ ва ҳамроҳларин ота юртига
5. Эсон-омон етказмоқ-чун дengизларда азоб чекли у;
Ва лекин минг уринса ҳам, асролмади ҳамроҳларини:
У нодонлар олиймақом Гелиосга шаккоклик қилиб,
Үтлоқдаги унинг құдсий буқаларин едилар сўйиб.
Бошларига бало бўлди уларнинг бу корибадлари.
10. Шул ҳақда сен бир нима де, Зевс қизи латифа Музас.
Унинг жангдан омон чиққан сафдошлари, қуролдошлари*
Денгиз сузиб, аллақачон юртларига етиб олганди;
Вале ёлғиз шу йигитни завжасидан ва ватанидан
Жудо айлаб, асраганди маҳобатли теран ғор ичра
15. Маъбудалар маъбудаси ойжамол қиз санам Калипсо,
Эрим бўлсин, дея. Аммо зое кетди ҳаракатлари,
Бу орада йиллар ўтиб, тангрilarнинг инояти-ла
Унинг она Итакага қайтадиган пайти ҳам келди.
Ва лекин у ўз хешлари даврасида ҳам изтиробдан
20. Халос бўла олмади ҳеч. Гарчи ҳамма боқий тангрilar
Раҳм қилган бўлсалар ҳам Одиссейга, лекин Посейдон
Бир лаҳза ҳам тўхтамади бечорани таъқиб этмоқдан.
Кув Одиссей йўлга чиққан чоғда қаҳҳор тангри Посейдон
Занжийларнинг бир қисми кун ботарда ва яна бир қисми
25. Кун чиқарда бўлган олис ўлкасида ишрат қиларди:
Ул ерга у ерли ҳалқдан ҳекатомба* (бўрдоқи қўйлар
Ва буқалар) ундиргани борган эди ўз одатича.
Бу аснода Зевс қошига тўпланганди ўзга маъбуллар.
Боқийлару фонийларнинг падари Зевс суҳбат қуаради;
30. Ҳаёлидан кетмасди ҳеч Агамемнонзода Орестнинг
Қўли билан ўлдирилган бадкор Эгист. Олимплик тангри
Шуни ўйлаб, боқийларнинг даврасида бир калом айтди:
«Ажаб! Нечун ҳар бир ишда бизга айб қўюр фонийлар?
Худолардан эмиш ҳамма бало-оффат; ахир ўзлари

¹ Исмлар ва жойларнинг номларига достон охирида алифбо тартибида изоҳ берилган.

* Белгиси қўйилган сўзлар ва ибораларга достонда учраш тартиби бўйича китоб охирида изоҳ берилган.

35. Эмасми шум балоларга дуч келувчи телбалик қилиб?
Эгист ҳам шу: Агамемнон ватанига қайтган ҳамоно
Дарров уни маҳв этдию хотинига уйланиб олди.
Биларди-ку оқибатин – биз Аргускүш* тангри Гермесни
Юборгандик ҳузурига: «Эгист, зинхор Агамемноннинг
40. Жонига қасд қилма, унинг хотинига уйланишдан ҳам
Ўзингни тий, зеро Орест балоғатта етиб, мероссхўр
Бўлиб яна ота юртга қайтганида сендан ўч олгай»—
Дея огоҳ қилганди у. Кор қилмади Гермеснинг гапи,
Эгист қулоқ солмади ҳеч унинг эзгу насиҳатига
45. Ва оқибат, қилмишига монанд олди у жазосини».
Деди шунда Зевс қизи Афина ўз бузрукворига:
«Эй отажон, эй Кроннинг қодир ўғли, олий ҳукмдор,
Гапинг тўғри, сазовордир Эгист шундай жазога филҳақ!
Ким ёвузлик қилса, шундай ҳалокатга учрас мұхаққақ!
50. Лекин ҳозир Одиссейнинг шум қисмати эзур қалбимни.
Кўпдан бери у юртидан, хешларидан жуда йироқда,
Денгизнинг қоқ киндиғида*, соҳилини тўлқин ялаган
Ўрмонзорли бир оролда яшамоқда чекиб изтироб.
Ҳокимадир у оролда дengiz тубин асрорларидан
55. Воқиф бўлган ва бир ўзи маҳобатли устунлар ила
Кўк гумбазин тираб турган мард Атлантнинг қизи Калипсо.
Бу ҳур санам маккорлик ва сехр ила хушомад қилиб,
Одиссейнинг хаёлидан ўчирмоқчи ота юртини,
Вале шўрлик йигит йиғлаб, кошки эди юртим қорасин
60. Узоқдан бир кўриб ўлсам, қолмас эди армоним, дейди.
Наҳот унинг шу ноласи ачитмаса юрагингни ҳеч?
У Троя заминида бандаргоҳда сенга бағишлаб
Қурбонликлар қилганди кўп – наҳот кўнглинг тўлмаган бўлса?
Сўзла менга: нечунун дандарғазабсан, эй Крон ўғли?»
65. Бузрук Зевс ўз қизига шундай дея қилди эътиroz:
«Кўп аломат сўзлар учди, қизим, сенинг дудоқларингдан.
Нечун мен ул тангри монанд Одиссейни – бандалар ичра
Ҳам идроки, ҳамда боқий тангриларга ихлосмандлиги
Кўп зиёда бўлган машхур паҳлавонни унутарканман?
70. Йўқ! У билан адоватда зилзилакор Досейдон фақат:
Кув Одиссей бир кўзли дев Полифемнинг кўзини кўр қилиб,
Посейдоннинг ғазабини кўзғаб кўйди (Зеро будевни
Поёни йўқ шўр дengизнинг ҳукмдори Форкнинг қизи
Ҳур Фооса туққан эди теран форда зилзилакордан).
75. Посейдон кув Одиссейни гарчи маҳв этолмаса ҳам,
Денгизларда қувар мудом, Итакага яқин йўлатмай.
Келинглар, биз ватанига қайтармоқни ўйлаб қўрайлик
Одиссейни. Зилзилакор ғазабидан тушмоги лозим,
Токайгача довлашади бизлар ила бу қаҳҳор тангри?»
80. Деди шунда Зевснинг шаҳло кўзли қизи дилбар Афина:
«Эй падарим, ҳукмдорлар ҳукмрони, Крон ўғлони!

- Саодатли тангрилар гар Одиссейнинг ота юртига
Қайтмоғига рози бўлса, унда бизнинг Аргускуш Гермес
Шу заҳоти Огигия оролига, гўзал санамнинг
85. Ҳузурига учиб бориб, айтсин унга қароримизни:
Машаққатларга бардошли Одиссейнинг энди уйига
Қайтар чоғи келди, десин. Мен бўлсан тез парвоз қилурман
Итакага – Одиссейзод Телемахнинг қалбидагизаб
Ўтин ёқиб, жасорат ва диловарлик уфурай унга:
90. Узун сочли* ахейларни машваратга чақирсин дарҳол
Ҳамда суллоҳ куёвларни қувсин буткул ота уйидан;
Шундоқ ҳам у очофатлар Одиссейнинг қанчадан-қанча
Қайрилма шоҳ буқалари, қўйларини еб битирдилар.
Сўнгра уни йўналтирай Спартаю қумлоқ Пилосга,
95. Токи топсин ўшал ёқда падаридан бирон бир даррак.
Шундай қилса эл ичида ном қозониб орттиргай обрў».
Шундай деб у ҳам уммон, ҳам замин узра шамолдек енгил
Учирувчи олтин анбар кафшларини илди пойига,
Сўнг илкига олди залвар ва бақувват мис тифли найза*,
100. Ки чақмоқдор Зевснинг қизи қаҳрамонлар шиддатини шу
Найза билан даф этарди. Ҳур маъбуда алҳол Олимпдан
Куюн янглиғ учиб тушди Итакага ва Одиссейнинг
Эшигида тафийликлар шоҳи Ментес қиёфасида
Меҳмон сифат турди ушлаб ўткир тифли мис найзасини;
105. Бунда суллоҳ шум куёвлар тагларига пўстаклар солиб
(Бу пўстаклар улар сўйиб еган моллар териси эди),
Давра қуриб, шашқол ўйнаб, қийқиришиб ўтирадилар;
Удайчилар, чаққон қуллар зир югуриб дастурхон тузар:
Бирор катта жомга қуйиб май ва сувни омухта қилар*,
110. Яна бирор апир-шапир ювиб артар хонтахталарни
Сўнг уларни бир-бирига туташтириб, майда тўғралган
Турфа гўштлар ҳамда нозу неъматлар-ла тўлдирап эди.
Маъбудани энт аввало тангрисифат Телемах кўрди.
Ўтиради у куёвлар даврасила маъюс ўй суриб:
115. «Қайда экан бузрукворим, тезроқ қайтиб келганда эди,
Тумтарақай қувар эди уйимиздан бу қузғуларни;
Салтанатни қўлга олиб яна юртга бош бўлар эди».
Шундай хаёл сурар экан Афинага тушди нигоҳи;
У ўрнидан сакраб туриб эшик томон шошиб юраркан,
120. Кўнгли қаттиқ ранжида бил мусофири куттирганидан.
Яқин бориб ўнг қўлидан ушлади ва найзасин олди,
Сўнг барадла овоз билан барқанот бир калима айтди:
«Хуш келибсан, эй мусофири; ичкари кир; бўл азиз меҳмон;
Бирор арзинг бўлса агар, зиёфатдан кейин айтарсан».
125. Шундай деб у йўл бошлади; Афина ҳам юрди ортидан.
Бошлаб кириб маъбудани базмгоҳга, у баланд устун
Томон юрди ва бу ерда силлиқ мармар тошдан ясалган

- Кўрхонага Афинанинг найзасини яшириб қўйди –
Бир вақтлар бул хонада мусибатга сабр-бардошли
130. Одиссейнинг найзалари сақланарди. Кейин Телемах
Афинани foят кўркам роҳат курси томон бошлади,
Гулдор мато ёзиб унга, ўтиришга таклиф қилди ва
Иzzат-икром қилиб уни, оёғига курсича қўйди;
Кейин меҳмон ёнига бир курси суриб ўзи ўтириди.
135. Ки Телемах жойни четдан олган эди бадмас түвалар
Шовқинидан иштаҳаси бўғилмасин, дея меҳмоннинг.
У билмоқчи эди яна аста-секин меҳмондан сўраб
Узоқ элда қолган отаси ҳақида бирон янгилик.
Бу аснода жория қиз мусофирга муздек сув тўла
140. Олтин қумғон ҳамда кумуш жом келтириб қўл ювдиргани.
Кейин силлиқ хонтахтага рўзгорбоши калитдор аёл
Захирадан нону намак, нозу неъмат келтириб қўйди.
Сўнг шарбатдор гўшт уюлган лаганларни баланд кўтариб
Келди; яна қўйди олтин қадаҳларни меҳмон олдига;
145. Бул удайчи тез-тез келиб қадаҳларга май қўйиб турди.
Шу чоғ авбош түвалар ҳам шовқин солиб кириб келдилар
Меҳмонгоҳга, савлат тўкиб ўтирилар ўз жойларига;
Удайчилар келганларга қўл ювгани сув келтирилар;
Жориялар сават-сават нон тортдилар хонтахталарга;
150. Қадаҳларга лим-лим қилиб май қўйдилар дастёр болалар.
Шу заҳоти таомларга қўл чўздилар суллоҳ түвалар;
Улар ёғли ва лаззатли таом ила тўлдиргач қорин,
Кўнгиллари тусаб қолди базм кўрки – хушоҳанг қўшиқ;
Удайчи ҳам соз тутқазди ашулачи Фемийга дарҳол:
155. Мажбур эди у түвалар хоҳиши-ла қўшиқ айтмоққа.
Мана у тор чертиб, гўзал бир қўшиқни куйлай бошлади.
Бу аснода, гапларимни эшитмасин бегона қулоқ.
Деб оҳиста ўгирилди Афинага ўғлон Телемах:
«Азиз меҳмон, хафа бўлма, дилимдаги гапни айтаман;
160. Улар ишрат қилмоқдалар; хаёллари фақат қўшиқда;
Бетамизлар: бирорларнинг молин текин еб ётибдилар;
Балки ҳозир бу бойликлар эгасининг оппоқ суюгин
Ёмғир ювар ё долғалар думалатар денгиз бўйида.
Қани энди бирдан келиб қолса эди у Итакага,
165. Ёв түвалар давлатни ҳам, олтинни ҳам унутиб қўйиб,
Тангрилардан сўрардилар оёқларин йўрға қилмоқни.
Лек у ўлган бўлса керак тақдирнинг шум тақазоси-ла.
Бизга таскин бермас ҳеч ким. Тўғри, баъзан, у қайтгай, дея
Далда бермоқ бўладилар бизга, лекин қайтмаса керак.
170. Энди менга айтчи, дўстим, яширмасдан ҳеч қандай сирни:
Кимсан? Қайси уруғдансан? Юртинг қайда? Ота-онанг ким?
Қай томондан қай кемада сузуб келдинг бу Итакага?
Сени қайси денгизчилар олиб келди бизнинг ўлкага?
Ха, биламан, келмагансан бу оролга яёв албатта.

175. Яна шуни очиқ айткы, ҳақиқатни билиб олайин:
Итакага биринчи бор келишингми ё илгари ҳам
Бўлганмисан Одиссейнинг бу уйидагиз мөхмони?
Бир пайтлар уйимизга кўп-кўп одам келиб турарди:
Мөхмоннавозликни жуда хуш кўрарди менинг падарим».
180. Жавоб қилди унга Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афина:
«Очиқ айтгум: мен доно шоҳ Анхиалнинг фарзандидурмен,
Исмим Ментес, эшкаксевар тафий ҳалқин ҳукмдориман;
Итакага мен кемада одамларим билан келганман;
Муддаом – олисдаги ўлкаларга саёҳат қилмоқ,
185. Темесага бориб, обдор темирга мис алмаштироқdir;
Хозир эса мен кемамни ўрмонзорли Нейон тогининг
Панасига, теран Ретра кўрфазига қўйиб келганман.
Бил, қадимдан мөхмон қилган бир-бирини аждодларимиз;
Бу тўғрида эшитгансан сен ўзинг ҳам бобонг Лаэртдан...
190. Дейдиларки, бобонг келмай қўйган эмиш энди шаҳарга,
Йироқдаги даласида ғамга ботиб кун кечирармиш.
Унга қараб, парваришлаб турар эмиш бир оқсоқ кампир,
У кун бўйи токзорида ишлаб ҳориб-чарчаб келганда,
Кампир уни кутиб олиб, иссиқ овқат билан боқармиш.
195. Келишимдан мақсал: отанг уйга қайтди, деб эшитгандим...
Назаримда йўлда ушлаб қолишган-ов уни тангрилар:
Олижаноб шоҳ Одиссей ҳали тирик, у ер юзида;
Эҳтимол у тутқинладир денгиз қучган бирон оролда,
Ёки уни зўрлаб ҳибс айламишлар йиртқич маҳлуқлар.
200. Сен қулоқ бер гапларимга: худовандлар дилимга солди.
Гарчи қушлар парвозига қараб мен фол очолмасам ҳам*,
Ё пайғамбар бўлмасам ҳам ўзим аниқ ишонаманки,
Падарингнинг азиз юртдан жудолиги энди узоққа
Чўзилмагай; бўлса ҳамки у кишанбанд мусофири юртда,
205. Уйга қайтиш иложини топмоқ учун етар қувлиги.
Энди менга айтчи, иним, яширмасдан ҳеч қандай сирни:
Сен чиндан ҳам ўғлимисан олижаноб шоҳ Одиссейнинг?
Жуда ўхшар унга юзинг ва чиройли кўзларинг сенинг;
Ёдимда, биз авваллари учрашардик у билан тез-тез;
210. Учрашардик ҳали отанг асл ахей ўғлонлари-ла
Трояга тик биқинли кемаларда сузуб кетмасдан.
Шундан бери мен ҳам уни, у ҳам мени кўрмадик ҳеч ҳам». Одиссейнинг фаросатли ўғли деди: « Эй азиз мөхмон,
Ҳамма гапни очиқ айтгум, ҳақиқатдан бўлгил хабардор:
215. Ӯнам дейди – Одиссейнинг ўғлимишман, аммо билмадим:
Ким билибди отасининг кимлигини? – Бу душвор бизга.
Қандай хурсанд бўлар эдим агар отам то қартайгунча
Ўз мулкида дориломон кун кечирган хушбахт зот бўлса.
Бас, сўрабсан, жавоб берай: дейдиларки, менинг падарим
220. Оламдаги одамларнинг энг бадбахти эмиш, ишонсанг»
Жавоб қилди унга Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афина:

- «Хонадонинг истиқболи порлоқ бўлгай, баски тангрилар Сендек ўғлон ато этган экан онанг – Пенелопага.
Энди менга очиқ айтгил яширмасдан ҳеч қандай сирни:
225. Бунда не ҳол юз бермоқда? Қандай байрам? Қандай маърака?
Тўйми бу ё зиёфатми? Ҳарифона ошга ўхшамас.
Назаримда, на диёнат, на уят бор меҳмонларингда,
Ки уларнинг бевошлигин кўрган ҳар бир покдомон одам
Ор деб билур ўтирмоқни бул нокаслар жамоасида».
230. Одиссейнинг фаросатли ўғли деди: «Эй азиз меҳмон,
Агар билмоқ истасанг сен, ҳамма гапни очиқ айтаман.
Бир замонлар уйимизда молу давлат беадад эрди;
Уй соҳибин барча бирдай эъзозларди уйдалигида.
Энди бўлса тангрилар шум ният ила бутун оламнинг
235. Нигоҳидан яширмишлар уни қора пардага ўраб.
Мен бунчалик қайфурмасдим агар отам ўлган бўлганда:
Агарда у Трояда оташ жангда ҳалок бўлсайди,
Ё жангдан сўнг дўстларининг қўлида жон берсайди, унда
Ахей аҳли* унинг қабри узра баланд тупроқ уярди.
240. Отам менга қолдиради мангу сўнмас буюк шон-шараф...
Гарпиялар олиб қочди* уни, ғойиб бўлди бедарак,
Қабри ҳам йўқ, унут бўлди бу оламда унинг номи ҳам;
Мерос бўлиб қолди фақат ўғлига ғам-алам, вовайло.
Лек ундан-да талх қайфуга солмиш мени боқий тангрилар:
245. Бизга қўшни оролларда: Дулихийу Заму Закинфда
Ҳамда тошлоқ Итакада яшагувчи муштуми зўр ва
Кибор ёшлар, биттамизга тегсин, дея зўрламоқдалар
Волидамни, кунда келиб бойлигимиз совурмоқдалар.
Онам манфур никоҳга ҳеч розимас, бу касофатлардан
250. Кутилгани йўл тополмай қийналмоқда; күёвлар эса,
Молимизни талашмоқда*, маҳв этгайлар бир кун мени ҳам».
Ҳур маъбуда Афинанинг қаҳри қайнаб бир қалом деди:
«Э воҳ! Ҳозир бу беҳаё күёвларни даф қилмоқ учун
Керак сенга олисдаги Одиссейнинг метин билаги.
255. Оҳ, кошкийди у юртига қайтиб келиб, анов эшикдан
Бошга кийиб дубулғасин, қалқон тутиб, мис тифли икки
Найза ушлаб кириб келса... Шу келбатда кўрган эдим мен
Одиссейни биринчи бор; у Мермерзод Илни зиёрат
Қилмоқ учун Эфирага бориб бизнинг уйда ўшанда
260. Хушвақт бўлиб май ичганди (отанг ўшал узоқ юртга ҳам
Ўзин учқур кемасида борган эди заҳар ахтариб;
Ўқларининг мис тифини заҳарламоқ эди нияти;
Ва лекин Ил мудом сергак худоларнинг қаҳридан қўрқиб,
Бермаганди унга оғу; менинг отам, дўстлик хурмати,
265. Берган эди Одиссейга заҳри қотил ўз бисотидан).
Агар ўшал қиёфада кириб келса отанг ногаҳон,
Күёвларга бу зиёфат оғу бўлур эди муқаррар.

Лекин отанг келармикин, күёвларни маҳв этармикин
Ёки йўқми? Бу сир фақат тангриларга аёндир, билсанг.

270. Энди сен ва мен иккимиз қандай қилиб хонадонингни
Бу нобакор күёвлардан покламоқни ўйлаб кўрайлик.
Гапларимга қулоқ бер ва эшитганинг сақла дилингда:
Эртага сен саховатли ахейларни кенгашга чақир,
Тангриларни шоҳид билиб, сўзлаб бергин бор ҳақиқатни;
275. Сўнг талаб қил: шум күёвлар уй-уйига жўна бетсиналар;
Гар онангнинг эр қилишга майли бўлса, унга айтгинки,
Соҳибқудрат отасининг даргоҳига қайтиб борсин у.
Ўз уйида отаси жон қизи учун мартабасига
Монанд бисёр сеп ҳозирлаб, кўрсин никоҳ тараддудини.
280. Агар қабул қилсанг, яна бир маслаҳат берайин сенга:
Битта пишиқ кема олиб, йигирмата эшкакчи билан
Ўз отангдан дарак топмоқ учун дарҳол сафарга жўна,
Эҳтимолки, ул ҳақда сен бирон хабар ёки Оссанинг
Башоратин эшитарсан. Бул муждачи Зевс каломини
285. Одамларга акс садодек тақрорлайди ҳамиша, ҳар он.
Сен аввало Пилосга бор, эшит, не дер тангриваш Нестор;
Сўнгра ўтиб Спартага, топ зулфизар шоҳ Менелайни –
У энг кейин қайтди жангдан мис совутли ахейлар ичра.
«Отанг тирик ва юртига қайтгай», деган хабар эшитсанг,
290. Қийналсанг ҳам, яна бир йил сабр қилиб чида; мабодо,
«Отанг ўлган, у энди йўқ», деган машъум хабар эшитсанг,
Шу заҳоти жондан азиз ота юртга қайтиб келгину
Қабр устига баланд тепа уйгил* отанг руҳин эъзозлаб
Ва маърака оши бергил элу юртга, одат бўйича;
295. Эр қилишга даъват эт сен кейин онанг Пенелопани.
Режангдаги барча ишни бирин-кетин бажариб бўлгач,
Уйингизни зўрлик билан ишғол қилган ёв күёвларни
Қандай қилиб базмгоҳда найранг билан ё куч ишлатиб
Маҳв этмоқнинг иложини ўйлаб топгин эҳтиёт бўлиб;
300. Энди гўдак эмассан сен, аллақачон чиқдинг у ёшдан;
Биласанку: пурфазилат ўсмир Орест соҳибишуҳрат
Оtasини макр ишлатиб маҳв этган қаттол Эгистдан
Қасос олиб ифтиҳорли бўлган эди бутун дунёда!
Сен ҳам, менинг азиз дўстим, қирчиллама йигит чоғингда
305. Иродали бўл – авлодлар фахр ила ёдлашсин сени.
Энди менга ижозат бер, бора қолай учқур кемамга,
Ҳамроҳларим ўйлимга қўз тиккандирлар интизор бўлиб.
Сен гапимга амал қилу ўз ғамингни ўзинг е, бўтам».
Одиссейнинг фаросатли ўғли деди: «Муҳтарам меҳмон,
310. Сен менга ўз ўғлинг каби ўғит бердинг фойдамни кўзлаб;
Билки, асло унутмасман сенинг эзгу ўғитларингни.
Лекин яна андак тўхта, шошаётан бўлсанг ҳам жуда;

Ҳаммомга туш, жисмингни ҳам, қалбингни ҳам
покла губордан.

Кейин, майли, эсдаликка мендан бирон дилингга ёққан

315. Тұхфа олиб кеманға қайт – бор-ку ахир шундай таомил:
Видолашар чоғда доим дүст дүстігі берар ёдгорлик».

Жавоб қилди унга Зевснинг шаҳло күзли қизи Афина:
«Йүқ-йүқ! Мени ушлама сен – ҳозир жуда шошиб турибман.

Бугун менга чин юракдан бермоқ бўлган армуғонингни

320. Қайтишимда кириб уйга олиб кетай бўлиб миннатдор,
Қимматбаҳо совғанг олиб, мен ҳам берай сенга тұхфамни». Шундай дея Зевснинг шаҳло күзли қизи йүқ бўлди бирдан,
Гүё кўзга кўринмас қуш учди бир бор мижжа қоққунча.
Афина ёш Телемахнинг юрагига мардлик, матонат

325. Уфурғанди отасини тилга олиб сұхбат чоғида;
Телемахнинг юраги ҳис этган эди: маъбуда ила
Бугун сұхбат құрганини – шуни ўйлаб қўрқиб кетди у,
Сўнгра барно йигит аста яқин борди куёвлар томон;

330. Ўтирганлар сукут сақлаб мароқ билан тингларди куйни;
Куйларди у ахейларнинг Троядан қайғуга ботиб
Қайтганини. Бир пайтлар аҳли юон жанг майдонидан
Шундай маҳзун қайтган эди – Афинанинг хоҳиши ила.
Иカリйнинг юқорида, ўз кўшкида ўтирган қизи –

335. Пенелопа эшитиб бу пурзавқ куйни, зинапоядан
Шоша-пиша тушиб келди икки каниз кузатувида;
Келиб кирди ишратгоҳга маъбудаваш бу дилбар аёл
Ва тўхтади баланд шифтга таянч бўлган устун тагида
Бошидаги зар рўмолин ҳижоб қилиб тортганча юзга;

340. Канизаклар эҳтиром-ла турди унинг икки ёнида;
Ўқсиб йиғлаб бундай деди хонандага шунда малика:
«Фемий, сен кўп биласанку худолар ва қаҳрамонларни
Шарафловчи қалбга ҳузур баҳш этгувчи куй-кўшиқларни;
Бу ердаги жамоага куйлаб бергин шулардан бирин;

345. Шунда улар шароб ичиб, сукут сақлаб қулоқ солгайлар;
Лек бу ҳазин қўшиғингни тўхтат шу он; уни эшитсан
Юраккинам эзилади; машъум савдо тушган бошимга;
Аргосдаю Элладада донг таратиб обрў орттирган
Шавҳаримдан жудо бўлиб, кеча-кундуз ғам чекмоқдаман».

350. «Онажон, – деб Одиссейнинг ўғли унга қилди эътиroz, –
Хонанданинг юрагидан қайнаб чиқиб бизларни хушнуд
Этаётган бу нашъали куйни нечун ман этмоқдасан?
Хонандада не айб, она? Олимпдаги Зевса ҳамма айб:
Тангрилардир бандаларга жўшқин илҳом ато этгувчи.

355. Кўй, куйласин данайларнинг жангдан маҳзун қайтгани ҳақда;
Кўряпсанку, тингламоқда уни барча жон қулоқ ила.
Тинглайдилар уни ҳар гал гўё янги куй эшитгандай;

- Сен ўзинг ҳам бул қўшиқда ҳасратингга топгайсан таскин:
Шоҳ Одиссей эмас фақат ўз юртидан йироқда қолган,
360. Не-не мардлар нобуд бўлмиш тангриларнинг хоҳиши ила.
Сен бор, она: рўзгорингда бекалик қил, жорияларнинг
Интизомин, не йигириб, не тўқишин кузат, яхшиси;
Сўз сўзламоқ ярашмайди хотинларга; бу – эрлар иши;
Ха, бугундан менинг ишим – энди менман бу уйда хожа» –
365. Деди ўғил; Пенелопа ҳайратланиб қайтди ортига;
У ўелининг бу бамаъни сўзларини дилга жо қилиб,
Юқорига – хобхонага чиқди; сирдош канизаклари
Даврасида Одиссейни қўмсаб, аччиқ-аччиқ ёш тўкли
То Афина кўзларига ширин уйку кўндирамагунча.
370. Бу пайт пастда ёв куёвлар шовқин солиб баҳслашардилар:
Қай биримиз эр бўлишга лойиқмиз, деб Пенелопага.
Одиссейнинг доно ўғли шундай деди уларга қараб:
«Кулоқ солинг, эй такаббур ва мақтанчоқ кўёв тўралар!
Келинг энди, шовқин солмай, тинч-хотиржам ишрат қиласлик;
375. Тангрилардек пурмаҳорат хонанданинг серзавқ, серфараҳ
Куйин тинглаб дилимизни шод этайлик. Эртага эса,
Барчангизни шаҳримизнинг майдонига тақлиф этаман.
Ўша ерда эл олдиди юзингизга шундай дейман мен:
«Жўнаб қолинг уйимиздан; бизнинг моллар ҳисобигамас,
380. Ўзингиз пул ҳаржлаб базм қуингизлар навбатма-навбат.
Агар сизга ўзгаларни хонавайрон қилиш хуш ёқса,
Бирвларнинг ҳисобига кун кўришдан уялмасангиз,
Бутун буду шудни, майли, қуритинглар; vale сизни мен
Худоларга солгум ва Зевс ғазабига олгай тез кунда:
385. Ана унда сиз ўзингиз форат қилган уйда муқаррар
Битта қолмай ҳалокатга учрагайсиз шармандаларча!»
У жим қолди. Лек куёвлар унинг бундай жасоратидан
Эсанкираб, лабларини тишладилар ҳайрон бўлишиб.
Эътиroz-ла жавоб қилди унга Евпейт ўғли Антиной:
390. «Тангриларнинг ўзи сени такаббур ва густоҳ бўлишга
Ўргатибди назаримда. Гар тўлқинлар оғушидаги
Итакага сен тангри Зевс хоҳиши-ла шоҳ бўлиб қолсанг, –
Тўғри, бунга ҳақлидирсан, – бошимизга бало бўлардин!»
Одиссейнинг доно ўғли жавоб қилди унга мулойим:
395. «Очиқ гапни айтгум сенга, хафа бўлма, дўстим Антиной:
Зевс подшолик ато этса, бажонидил қабул қиласдим.
Эҳтимол, сен подшоликни энг қабиҳ иш деб ҳисобларсан?
Йўқ, шоҳ бўлиш эзгу ишдир; агар шоҳни эъзозласа эл,
Сал вақт ўтмай, хазинаси ва давлати бўлгай зиёда.
400. Илло тўлқин қўйнидаги Итакага подшо бўлишга
Лойиқ ёшлар ва кексалар кўп топилур; ўзулар ичидан
Сиз ўзингиз подшо танланг, бас, йўқ экан энди Одиссей,
Ва лекин бу уй меники; бу ерда мен ўзим хожаман
Шоҳ Одиссей жанггоҳларда ўлжа олган қуллар устидан».

405. Телемахга жавоб қилди Полибийнинг ўғли Евримах:
«Эй Телемах, биз ғоғилмиз тўлқинларнинг оғушидаги
Итакага ким ҳукмрон бўлишидан – бу тангриларга
Аён фақат; шубҳа йўқки, ўз уйингда ўзингсан ҳоким;
Ишон, дўстим, яшар экан Итакада одамлар мудом,
410. Сенинг молу давлатингга қасд қилгувчи топилмас зинҳор.
Вале сендан мен бояги меҳмон ҳақда сўрамоқчийдим.
Исми нима? Қай мамлакат фуқароси экан у ўзи?
Қай уруғдан? Қайси авлод фарзандийкан? Қайда туғилган?
Ё хушхабар келтирдими падарингнинг қайтиши ҳақда?
415. Ва ёки ўз иши билан келибдими у Итакага?
Бирданига кетиб қолди, бизлар билан танишмади ҳам;
Кўринишдан ўхшамайди у хашаки, одми одамга».
Одиссейнинг доно ўғли жавоб қилди: «Дўстим Евримах,
Насиб этмас энди менга отам билан дийдор кўришмоқ;
420. На «падаринг қайтиб келгай» деган гапга, на онам уйга
Чақиртирган фолбинларнинг фолларига ишонгум энди.
Одиссейнинг дўсти бўлган экан боя келган мусофир;
У тафослик, исми – Ментес, соҳибдавлат Анхиал ўғли,
Ўзи эса эшкаксевар тафосликлар ҳукмдорийкан».
425. Одиссейзод шундай деса ҳамки, ўзи келган меҳмоннинг
Чин маъбуда эканига азтаҳидил ишонган эди.
Яна ўйин ва шўх куйга муқкасидан кетди күёвлар,
Уйни бошга кўтардилар шовқин солиб қош қорайгунча;
Қора чодрин ёпганда тун, барҳам бериб айшу ишратга,
430. Уй-уйига тарқалдилар харомхўрлар ухламоқ учун.
Шундан кейин Телемах ҳам күёвларни кузатиб бўлиб
Йўл олди ўз кўшки сари (бу гўшанинг деразасидан
Кўринарди кенг ҳовлининг ғоят ажиб манзаралари),
Бугун кўрган ва эшитган нарсалари ҳақида ўйлаб.
435. Машъал ушлаб эҳтиёткор юрди унинг йўлин ёритиб
Певсенорзод Опс қизи Евриkleя – оқила чўри;
Лаэрт уни қиз чоғида йигирмата шоҳдор буқага*
Олган эди; уни хушхулқ завжасидек эъзозлардии
Аммо-лекин кирмаганди бир марта ҳам унинг қўйнига
440. Хотини рашқ қилишидан кўрқиб. Машъал ушлаб борарди
Евриkleя; бу энага Телемахга болалигидан
Ўзга ҳамма оқсоchlардан кўра кўпроқ меҳрибон эди.
Евриkleя ҳашаматли хобхонанинг эшигин очди;
Ечди ҳарир кўйлагини тўшагига ўтириб йигит
445. Ва кампирга отди уни; Евриkleя уни текислаб,
Ғоят ажиб каравотнинг ёнидаги қозиқقا илди;
Кейин аста чиқди кумуш тутқичидан ушлаб эшикнинг;
Кампир зулфин қайишини маҳкам тортиб қўиди; сўнг кетди.
Ёш Телемах туни билан майнин пўстак устида ётиб,
450. Ўйлаб чиқди Афинанинг берган ўғит-маслаҳатини.

ИККИНЧИ ҚҰШИҚ

Тун қўйнидан балқиб чиқди гул бармоқли навниҳол Эос;
Одиссейнинг азиз ўғли ҳам ўрнидан турди шу маҳал;
У кийинди, елкасига осди дарҳол обдор шамширин,
Кейин оппоқ оёғига боғлаб ажиб кафшларини,

5. Чиқди уйдан – ул мунааввар тангри мисол эди жамоли.
Саройдаги янгроқ сасли жарчиларни чорлаб: «Майдонга
Узун сочли ахейларни тўпланг» дея амр этди у;
Жар солдилар; кенг майдонга тўпланди ҳалқ; ҳамма йигилгач,
Қўлга олиб мис найзасин эл олдига чиқди Телемах;
10. Ёлғизмасди у – ортидан чопиб келди икки кўппаги.
Унга чирой берган эди, хуснига хусн қўшиб Афина;
Буни кўриб, маъракага йигилганлар ҳайрон қолдилар.
Қариялар йўл очилар – инди ота мақомига у.
Олижаноб Египтий сўз олди шунда биринчи бўлиб:
15. Қадди дол бу чол умрида чеккан эди кўп мусибатлар;
Унинг ўғли найзабардор Антифонт шоҳ Одиссей билан
Бир вақтлар Трояга чўнг кемада сузиб кетганди;
Аммо уни маҳв этганди теран форда қаҳдор Полифем:
Ямламасдан ютиб уни сўнгги марта кечлик қилганди.
20. Чол уч ўғил билан қолди: бири базм қуарар қуёвлар
Даврасида; икки ўғил тўкарди тер ота ерида;
Вале марҳум ўғлин эслаб, ҳамон аза тутарди ота;
Ҳамон ғамгин, маҳзун эди; гап бошлади ҳозир ҳам маҳзун:
«Гапларимга қулоқ беринг, итакалик азиз фуқаро;
25. Шоҳ Одиссей жўнаб кетгач ўщал учқур кемаларида,
Бул майдонга бизлар ҳеч ҳам машваратга йигилмагандик.
Кимга керак экан мажлис? Бугун бизни чақиртирган ким?
Қирчиллама йигитми у? Ё улуғвор комил инсонми?
Эшитдими, юртни босиб келмоқда ёв, деган шум хабар?
30. Ҳамма гапни билиб энди бизни огоҳлантирмоқчими?
Ёки кўзлаб эл нафини, айтмоқчими бирон хуш таклиф,
Омон бўлсин! Билишимча, диёнатли зот бўлса керак;
Шундай эрса, унинг эзгу ниятига етказсин тангри».
Деди бобо. Хурсанл бўлди Одиссейнинг ўғли бу гапдан
35. Ва аҳд қилди жамоага нутқ айтмоқни ўрнидан туриб;
У олдинга чиқди; дарҳол хушсас жарчи доно мушовир
Певсенеор подшолик таёқчасин тутқазди унга*.
Йигит авват қарияга юзланди: «Эй покдомон бобо,
Билмасанг бил, сизларни бу маъракага чақирган – менман;

40. Не қилайки, мубталоман күпдан бери теран андуұға.
Эшитмадим юртимизга ёв бостириб келаётганин;
Бирон сирдан мен сизларни огохлантироқчи ҳаммасман.
Ё эл нафин күзлаб, бирон хуш таклиф ҳам айтмоқчимасман.
Тингланғ, сүзлай мен бошимга тушган икки бало ҳақида:
45. Бири шуки, сизларни ўз фарзандидек севган шоҳингиз
Одиссейдан — муруватли падаримдан жудо бўлдим мен;
Иккинчиси — яқин кунда хонавайрон қилиб уйимни,
Бутун молу давлатимни совурувчи қуюндеқ бало,
Яъни бунда ҳозир бўлган киборларнинг фарзандларири;
50. Улар хира паشا бўлиб онамга кун бермаётирлар;
Ундан кўра, тўғри бориб Икарийдан сўрашса эди,
Бобом тинглаб арзларини, гар хоҳласа, муносиб кўрган
Бирон эрга сепи билан узатарди эрка қизини.
Йўқ; бу суллоҳ куёвлар-чун уйимизга тўпланиб олиб,
55. Кун-уззу кун бўрдоқи қўй, семиз буқа ва эчкиларни
Сўйиб, токи ёрилгунча ейиш ҳамда майи ноб ичиш
Афзалроқдир. Оёқ ости бўлди уйим. Чунки бу уйда
Балоларни даф қилувчи Одиссейдек мард йўқдир энди.
Биз ўзимиз ожиздурмиз, бундан бўён яна беш баттар
60. Аянчлироқ ҳолга тушиб, ҳимоясиз қолурмиз мутлақ;
Агар кучим етганида додларини берардим ўзим;
Азобларим кундан-кунга ортиб борур; тоқат бўлди тоқ;
Уйимизни шафқат билмай талашмоқда. Вижлон азоби
Наҳот сизни қийнамаса? Ҳеч бўлмаса бегоналардан,
65. Атрофдаги чегара дош элатлардан уялсангиз-чи,
Тангриларнинг ғазабидан қўрқсангиз-чи — улар беомон
Ўч олгайлар сиздек нокас, сиздек суллоҳ бандаларидан.
Мен Зевсга ҳамда эрлар кенгашини таъсис этгувчи
Адолатли маъбудамиз Фемидага тавалло қилгум!
70. Ҳукуқимиз ҳурмат қилинг, ҳалал берманг ғам чекишимга.
Нима, менинг олижаноб отам бунда мис пойбанд* тақсан
Ахейларни бир вақтлар таҳқирлаганмиди атайлаб?
Балки ўшал таҳқир учун мендан қасос олмоқидирсиз
Уйимизни форат қилиб? Ундан кўра, яхши бўларди
75. Агарда сиз тирик моллар ва уйдаги захираларни
Зўравонлик билан тортиб олсангизлар; ана унда биз
Орқангиздан югуардик ялинганча қўчама-қўча
То қайтариб олмагунча сиздан ҳамма бойлигимизни;
Ҳозир эса умидсизлик азобидан вайрондир дилим».
80. Дея ўғлон ғазаб ила, ерга отди шоҳлик рамзини;
Кўзларидан тирқираб ёш оқди; ҳамма ачинди унга;
Эл гунг бўлиб ўтиради қилт этмасдан; ҳеч ким Одиссей
Фарзандига густохона сўз демоққа этмади журъат.
Фақатгина бир Антиной туриб олиб қаршилик қилди:
85. «Не деюрсен, эй Телемах — тили бурро, бежилов бола?
Ўзинг таҳқир этиб бизни, яна айбдор қилмоқчимисан?

- Сен айбни бизларгамас, айёр онанг Пенелопага
Кўймоинг шарт бутун ахей жамоаси олдида туриб, —
Уч йилдирки, мана, онанг ҳаммамизни умидвор қилиб
90. Алдаб келур: бошқа-бошқа ваъда берур ҳар биттамизга;
Шириш-ширин салом йўллар, лек нияти ёмон тамоман.
Ҳамма билсин ул бевафо қандай найранг ўйлаб топганин:
Ётоғига катта дастгоҳ ўрнатиб, у фоятда нафис
Мато тўқий бошлади ва бизни йиғиб шундай гапирди:
95. «Эй йигитлар, бугун эса — маъшуқларим, модомики шоҳ
Одиссей йўқ экан энди, никоҳга биз андак шошмайлик —
Аввало мен бу матони тўқиб бўлай охиригача;
Қайнотам тобутига ёпмоқ учун тўқилган уртуқ
Чол дунёдан кўз юммасдан олдин тайёр бўлмоғи керак,
100. Токи ахей аёллари бўлмасинлар мендан домангир,
Шундай азиз инсон гўрга уртуксиз дафн этилди, дея».
Деди онанг, гапларига биз ҳам рози бўлдик мардана.
Хўш, кейин-чи? У кун бўйи тўқиркану ўша уртукни,
Вале тунда чироқ ёқиб, тўқиганин сўкаркан қайта.
105. Уч йил давом этди алдов, уч йилгача ишондик унг;
Тўртинчи йил бошланганда бу сирни биз эшишиб қолдик
Бир оқсочдан; ўзимиз ҳам чиқиб қолдик найранг устидан
Мато сўкаётган чоғда; шундай қилиб у мажбур бўлди
Уртугини битиришга хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам.
110. Сен яхшилаб гапимизни қулогингга қуийб ол, ука;
Барча ахей жамоаси ҳам яхшилаб билиб қўйсинглар:
Сен онангни унат; айтгин — рози бўлсин эрга тегишга
Ичимиздан ўзига ва отасига ёққанин танлаб.
Агар бундан кейин ҳам у бизларни гсл қилмоқчи бўлса...
115. (Ха, Афина ато этмиш волидангга теран заковат;
У нафақат моҳир чевар, ҳатто қадим замонда сунбул
Сочли ахей аёллари ҳам билмаган айёриклардан
Воқифдирки, бу найранглар на Тиронинг, на Алкменанинг,
На обдор тож соҳибаси Микенанинг* ақлига келган.)
120. Агар онанг бизга яна зиён-заҳмат етказмоқ учун
Найранг ишлатмоқчи бўлса ва тангрилар кўнглига солган
Ниятида ҳамон қаттиқ тураверса, овора бўлур;
Шуни билки, рўзгорингни бизлар торож қиласерамиз.
Тўғри, онанг бул рафтори ила катта довруғ қозонур.
125. Вале зиён кўргайсан сен бутун молинг соврилиб елга;
Билиб қўй, то Пенелопа биттамизни танламагунча
Бир қадам ҳам жилмагаймиз ҳеч қаёқقا сенинг уйингдан». —
«Эй Антиой, — жавоб қилди Одиссейнинг
донишманд ўғли, —
Мени туғиб кўкрак берган волидамга, уйдан чиқиб кет,
130. Деб айтишга тилим бормас; бузрукворим — отам йироқда;
Тирикми ё ўлик — билмам; гар онамни қувсам мен уйдан
Зўрлик билан, мушкул бўлур Икарийга товон тўлашим*, —

Онам уйдан кета туриб мени қарғар, – Эриниялар
Таъқибига ва отамнинг ғазабига учрагум унда

135. Ва то абад эл олдида шармандаи шармсор бўлгум.

Йўқ, ҳеч қачон айттолмайман мен онамга бундайин сўзни;
Гар сизларни бир оз бўлса ҳам қийнаса виждон азоби,
Жўнаб қолинг уйимиздан; бизнинг моллар ҳисобигамас,
Ўзингиз пул харжлаб базм қуингизлар навбатма-навбат.

140. Агар сизга ўзгаларни хонавайрон қилиш хуш ёқса,
Бирорларнинг ҳисобига кун кўришдан уялмасангиз,
Бутун буду шудни, майли, қуритинглар; vale сизни мен
Худоларга согум ва Зевс ғазабига олгай тўхтовсиз:
Ана унда сиз ўзингиз форат қилган уйда муқаррар

145. Битта қолмай ҳалокатга учрагайсиз тўлов ҳам олмай*.
Деди йигит. Шунда бирдан чақмоқдор Зевс баланд қояли
Тоғдан аҳли жамоага йўналтириди икки бургутни;
Кушлар аввал, гўё шамол учиргандай, осмон-фалакда
Маҳобатли қанотларин кенг ёзганча ёнма-ён учди;

150. Кейин сурон соглан омма тепасига шўнғиб ногаҳон,
Жадал қоқиб қанотларин, чарх урганча уча кетдилар;
Халқнинг боши узра мудҳиши чақнар эди бургутлар кўзи.
Сўнг бу кушлар бир-бирига чангл солиб тиндалашди-да
Қанот қоқиб шаҳар узра ўнг томонга учиб кетишиди.

155. Ҳамма ҳайрон бўлиб, кушлар орқасидан кузатиб қолди.
Ўйлардилар: не балонинг аломати бўлди бу кушлар?
Халқ олдига чиқди шунда омилкор зот – кекса Алиферс;
Тенгқурлари ичра бу чол уста эди қуш парвозини
Кузатиб фол очишга ва келажакдан дарак беришга;

160. Шундай деди эзгу фикр соҳиби ўз юртдошларига;
«Эй Итака аҳли, тингланг гапларимни – илтимосим шу.
Аввало мен күёвларни этмоқчиман даъват инсофга;
Билинг: тезда ёғилгуси бошингизга бало-офатлар;
Одиссей ўз оиласи билан дийдор кўришгай тезда;

165. Ҳозир ҳам у шу ўртада пўсиб ётиб ўйлаётгандир
Қандай қилиб итакалик рақибларин маҳв этмоқни.
Келинг, дўстлар, күёвларни тизгинлашни ўйлаб кўрайлик;
Лекин яхши бўлур эди, гар ўзлари кирса инсофга;
Ўзларига наф келтирган бўлур эди бу рафторлари:

170. Келажакдан огоҳ бўлиб айтмоқдаман мен бу сўзларни;
Бир пайтлар мард ахейлар ва улар-ла оқил Одиссей
Кемаларда Трояга йўл олганда, мана шу ерда
Айтганларим, эслаб кўринг, тўла-тўқис ошди амалга.
Мен дегандим: узоқ юртда файритаъриф азоблар чекиб,

175. Дўстларидан жудо бўлиб, йигирма йил ўтгач, ватанга
Қайтиб келгай нотанишдай... Башоратим тўғри чиқмоқда».
Деди. Унга жавоб қилди Полибийнинг ўғли Евримаҳ:
«Сен, эзма чол, уйингга бор, гўдакларга пайғамбарлик қил,
Ки гирифтор бўлмасинлар тағин улар бирон балога.

180. Бизнинг ишда ўзим қилгум пайғамбарлик сендан яхшироқ;
 Кўп-кўп қушлар Гелиоснинг нурин эмиб кўкли учурлар;
 Лек уларнинг ҳаммаси ҳам шумқадаммас; подшо Одиссей
 Ҳалок бўлган ўзга юртда. Сен ҳам тўнғиз қўпсанг бўларди!
 Ана унда алланима балоларни башорат қилиб,
185. Фазабланган Телемахнинг қонин баттар қайнатмас эдинг –
 Ундан бирон музд олмоқлик илинжида оиласнг учун.
 Лекин эшиш, – эшиштаганинг бажарилгай аниқ албатта, –
 Агарда сен билимдонлик қилиб яна йигит фазабин
 Алангалаатмоқчи бўлсанг, шуни билки, бу дарғазаблик
190. Телемахнинг бошига энг машъум бало бўлиб ёғилур;
 Ҳаммамизга қарши у ҳеч қандай чора кўра олмайди.
 Ва лекин сен, эй овсар чол, тортилгайсан оғир жазога:
 Ҳали роса юм-юм йиглаб оҳ ургайсан бу қилмишингдан.
 Телемахга энг фойдали маслаҳатни, мана, мен бергум:
195. Жўнатсан у онасини Икарийнинг хонадонига,
 У ерда чол кўриб никоҳ тадоригин, эрка қизига
 Рутбасига монанд бисёр сеп ажратсан ўз бисотидан.
 Йўқса бизлар – аслзода ахейларнинг арзандалари, –
 Ҳадеб совчи қўявериб қилажакмиз онангни безор.
200. Бизни ҳеч ким: Телемахнинг баланд парвоз ваъзлари ҳам,
 Манов чолнинг жонга теккан сохта, қуруқ башорати ҳам
 Қўрқитолмас – фақат ортур нафратимиз сен вайсақига;
 Токи рози бўлмас экан Пенелопа биз қўйган шартга,
 Совурурмиз бойлигингни базм қуриб ҳар кун уйингда.
205. Агар онанг ичимииздан биттамизни танламас экан,
 Ҳеч қаёққа бормаймиз ҳам, бошқа қаллиқ қидирмаймиз ҳам». Одиссейнинг оқил ўғли жавоб қилди унга мудойим:
 «Эй Евrimах, сиз ҳам тингланг, номи улуғ қуёв йигитлар:
 Сизларга гап уқдирганим билан топмам асло барака;
210. Бари аён тангриларга, соҳибкарам ахейларга ҳам.
 Илтимос, сиз менга битта гумбур кема жиҳозланг ҳамда
 Денгизда кўп сузган сара йигирмата эшқакчи беринг:
 Спартага ва Пилосга бориб, азиз отам ҳақида
 Одамлардан бирон янги гап ё хабар ёки Оссанинг
215. Башоратин эшитарман – бул муждачи Зевс қаломини
 Одамларга аксессодек такрорлайди ҳамиша, ҳар он.
 «Отанг тирик ва юртига қайтгай», деган хабар эшиксам,
 Қийналсан ҳам яна бир йил сабр қилиб чидай; мабодо.
 «Отанг ўлган, энди йўқ у», деган машъум хабар эшиксам,
220. Шу заҳоти жондан азиз ватанимга қайтиб келибон,
 Қабр устига баланд тепа уяй отам руҳин эъзозлаб
 Ва маърака оши берай элу юртга, одат бўйича;
 Эр қилишга даъват этгум кейин онам Пенелопани».
 Сўзлаб бўлиб ўтириди жим. Ва ўрнидан тўрди бекусур
225. Одиссейнинг ҳамроҳи ва садоқатли ўртоғи Ментор.
 Шоҳ Одиссей кета туриб уйни унга қолдирган эди,

Лаэрт чолга қулоқ сол ва ундан хабар олиб тур, дея.

Шундай деди эзгу фикр соҳиби ўз юртдошларига:

«Эй Итака фуқароси, қулоқ беринг қаломларимга:

230. Бундан бүён биронта ҳам тождор подшо хушмуомала,
Беозор ва эзгу хулқли бўлмасин-да ҳақ йўлдан озиб,
Шафқат билмай, раиятга, майли, зулм ўтказаверсин, –
Баски сизлар саховатли подшо бўлган ва ўз ҳалқини
Дилдан севган Одиссейни унутворган бўлсангиз агар.

235. Бевош, суллоҳ куёвларни қоралашдан фойда йўқ энди;
Улар бузуқ ният билан Одиссейнинг уйини талаб,
Зўравонлик қиларканлар, уни, ўлган деб ўйлайдилар.
Ва лекин бу шум ўйлари бало бўлгай ўз бошларига.
Итакалик фуқаролар, энди сизга икки оғиз гап:

240. Нечун лоқайд ўтирибсиз куёвларнинг оғзига урмай?
Ахир сизлар кўпчиликсиз, улар эса фақат бир сиқим».«
Қаҳри қайнаб шовқин солди Евенорнинг ўғли Леокрит:
«Нималар деб вайсаяпсан, эй эси паст бадният Ментор?
Одамларга бизни тийиб қўймоқликни ўқтироқдасан;

245. Лекин бизни бўйсундириш маҳол – биз ҳам озчиликмасмиз.
Хатто агар ўша сенинг Одиссейнинг – Итака шоҳи
Бирдан кириб келиб, базм қураётган биз – аслзода
Куёвларни ўз уйидан қувишга жазм қилганида ҳам,
Уни узоқ йил интизор бўлиб кутган умр йўлдоши

250. Севинмасди бу ташрифдан: ки Одиссей биз куёвларни
Ёлғиз ўзи маҳв этмоқчи бўлса, ўлим топган бўларди;
Тутуруғи йўқ гапингнинг. Ҳей одамлар, уй-уйингизга
Тарқалинглар. Алиферс ва Ментор икков шоҳ Одиссейга
Содиқ қолиб, Телемахга ҳозирлашсин сафар жабдуғин;

255. Ўйлайманки, у сафарга жўнай олмай, ҳали узоқ вақт
Итакада қолиб кетур одамларнинг фийбатин тинглаб».Шундай деб бу ўзбошимча барҳам берди ҳалқ мажлисига;
Ҳамма тарқаб машғул бўлди ўз иши-ла; куёвлар эса,
Қайтдилар шоҳ Одиссейнинг данғиллама уйига яна.

260. Телемах бир ўзи ёлғиз қўмлоқ соҳил ёқалаб кетди.
Қўлин ювиб шўр сувда у, Афинага қилди илтижо:
«Эй маъбуда, сен меҳмоним бўлиб кеча бергандинг ўгит:
– Азиз отанг тўғрисида билмоқ бўлсанг бирон хушхабар,
Рутубатли дengизда суз, элу юрт кез, суриштир, дея.

265. Энди лутфан мадад бергил; фов бўлмоқда менга ахейлар;
Адоватли куёвлар-ку итдан баттар қутурмоқдалар».Деди йигит. Шу заҳоти пайдо бўлди рўпарасида
Ҳам сўзи, ҳам ўзи худли Ментор мисол шаҳло Афина.
У жарангдор овоз билан баландпарвозд сўз айтди шундай:

270. «Агарда сен падарингнинг олижаноб иқтидорини
Қалбингга жо қилган бўлсанг (отанг ҳар бир ишда ва гапда
Суянган шул қуввасига), сен оқил ва жасур фарзандсан;

- Ва етгайсан муродингга сафаринг ҳам бўлиб бехатар;
Бордию сен Одиссейнинг зурриёти бўлмасант, агар
275. Пенелопа тўлғоқ тутиб сени туққан бўлмаса, унда
Ниятингга етишмоқдан умидингни узавер буткул.
Фарзандларнинг камдан-ками ўхшайдилар оталарига:
Ҳа, уларнинг камдан-ками аъло бўлур отадан, аммо
Кўпчилиги арзимайди отасининг тирноғига ҳам.
280. Сен, Телемах, баски оқил ва жувонмард йигит экансан,
Жисму жонинг йўғрилганкан Одиссейнинг қувваси ила,
Бу хайрли ишда зафар қозонмоқдан узма умидинг.
Майли, аҳмоқ ёв қуёвлар безорилик қиласверсинлар –
Парво қилма; улар сўқир – ҳақиқатни кўрмайтилар,
285. Яқин келиб қолган машъум қисматлари – шўрлари қуриб,
Бир оқшомда ялписига ўлишларин сезмаётитлар.
Ва лекин сен алҳол ўшал сафарингга жўнашинг мумкин;
Мен отангнинг энг қадрдан дўстидурмен, шу боис сенга
Жиҳозлагум учкур кема ва ҳамроҳинг бўлгум сафарда.
290. Ҳозир эса сен қуёвлар олдига бор; жорияларга
Буюр: тезроқ озуқалар тайёрлашсин сафаринг учун,
Хумларга май қуишишин ва тўлдиришишин кўпроқ мешларни
Бахрийларнинг энг тўйимли озуқаси – арпа уни-ла*.
Унгача мен эшкакчилар ёллай бориб; кемалар эса
295. Итакада жуда сероб – янгиси ҳам, эскилари ҳам;
Ўзим танлаб олгум улар ичидан энг яхши кемани
Ва сафарга шайлаб уни туширгаймиз қудсий денгизга».
Шундай деди Телемахга чақмоқдор Зевс қизи Афина.
Соҳилни тарқ этди йигит маъбуданинг сасин эшишиб.
300. Уйга қайтиб келди дили вайрон бўлиб. Суллоҳ қуёвлар
Ошхонада эчки сўйиб терисини шилар эдилар,
Ўзгалари куйдирапди чўчқа тукин ҳовли саҳнида.
Шум Антиной яқин келиб Телемахга, унинг қўлидан
Ушлади ва отин айтиб деди аччиқ истеҳзо билан:
305. «Эй жиртаки, маҳмадона Телемах, сен эшият яхшилаб:
Бизга зарар етказмоқни келтирма ҳеч хаёлингга ҳам.
Ундан кўра, улфатчилик қил биз билан, ташвишни унут.
Шунда барча истагингни бажарурлар ахейлар сўзсиз:
Қарабсанки, сараланган эшкакчилар ва пишиқ кема
310. Хизматингда бўлгай ва сен билмоқ учун отанг ҳақида
Бирон хабар, зудлик билан йўл олурсан қудсий Пилосга». Одиссейнинг доно ўғли лўнда қилиб жавоб айлади:
«Йўқ, Антиной, мен ўзимни зўрлаб, сиздек суллоҳлар билан
Бир даврада ўтироммам ишрат қилиб бегам, беташвиш.
315. Шукр қилинг – фойдаланиб сизлар менинг гўдаклигимдан,
Совурдингиз не-не ноёб, асл молу давлатимизни.
Балоғатга етдим энди доноларнинг ўгитин тинглаб,
Ҳамма гапга тушундим ва диловарлик ошли қалбимда.
Энди бориб мен Пилосга, ё шу ерда топиб иложин,

320. Ҳаммангизни Кераларга дучор қилгум — ниятим қатыйи.
 Мен кетаман — ўйлайманки, бу сафарим бўлмас бесамар,
 Жўнаётган бўлсам ҳамки ёт кемада йўловчи бўлиб —
 Иложим йўқ (сизнинг касофатингиз-ла) кема ёллашга».
 Шундай деб у тортиб олди Антиойнинг қўлидан қўлин.
325. Бу аснода шум кўёвлар майшатни бошлаб юбориб,
 Аччиқ-аччиқ гаплар билан унинг дилин қилдилар вайрон.
 Мутакаббир кўёвларнинг баъзилари гап қотардилар:
 «Бу Телемах тушгур бизни бир балога учратмоқчи-ёв;
 Балки қумлоқ Пилосдан ва Спартадан у гала-гала
330. Мадад кучин бошлаб келар; йўрға бўлиб қолди оёғи.
 Эҳтимол у сермуҳассал Эфирага бориб у ердан
 Оғу олиб келмоқчиидир — май жомига солиб оғуни,
 Ҳаммамизни биратўла ўлдирмоқчи бўлаётгандир?»
 «Лекин, — дерди бошқалари истеҳзо-ла, — ким билсин яна,
335. Ҳали ўзи ҳам уммонма-уммон сузуб юриб, ватандан
 Олис ёқда отасидек гумдон бўлиб кетар эҳтимол.
 Ана унда ташвишимиз ортар яна: ки Телемахнинг
 Бутун молу давлатини тенг бўлашиб олишимизга
 Тўғри келар*; уйни эса қолдиurmиз Пенелопага
340. Ҳамда ўзи ичимиздан танлаб олган куёв йигитга».
 Дерди улар. Телемах йўл олди шунда шоҳ Одиссейнинг
 Омборига; симу зарлар тўп-тўп бўлиб ётарди бунда;
 Сандиқларда сақланарди зар либослар, муаттар мойлар;
 Узоқ йиллик илоҳий ва хуштам майи нобга лиқ тўла
345. Ҳумлар саф-саф турар эди девор бўйлаб; булар Одиссей
 Азоблардан, мاشаққатли синовлардан қутилиб, уйга
 Қайтганида зиёфатда ичиш учун сақланар эди.
 Қўштабақа, қўшқулфли эди мазкур омбор эшиги;
 Бунда мудом ҳүшёр бўлиб сидқидилдан тартиб сақларди
350. Опс қизи муҳтарама Евриkleя — қалитдор аёл.
 Телемах шу ерга чорлаб қалитдорни бир қалом деди:
 «Сен, энага, бизлар учун энг эъзозли инсондан кейин
 Энг азиз ва лазиз бўлган майга тўлдир ўн икки ҳумни,
 Бахти қаро Одиссейни ёдлагину, ҳам ажални, ҳам
355. Кераларни доғ қолдириб уйга омон қайтишин тила.
 Ҳумлар оғзин тиқин тиқиб маҳкам беркит; ундан кейин сен
 Пишиқ мешлар танлаб, тўлдир арпа уни билан уларни;
 Ун йигирма чора бўлсин ҳар бир мешда; ёлғиз ўзинг бил
 Буни, эна, ва бир ерга тўпла ҳамма айтганларимни;
360. Оқшом чоғи онам баланд хобхонада кўзига уйқу
 Илинганд, қайтиб келгум мен буларни олиб кетгани.
 Мен Спарта ва Пилосга бормоқчиман, азиз падарим
 Тўғрисида бирон янги, эзгу хабар эшиитмоқ учун».
 Жавоб қилди ўксиб йиғлаб Евриkleя — мушфиқ энага:
365. «Қайдан келди бундай фикр хаёлингга, азиз тойҷочим?
 Не қиласан бегона ва олис юртда, эй нури дийладам,

- Эй ёлғизим? Етмасмиди отангнинг ўз азиз ютидан
Йироқларда, ёв элатлар орасида маҳв бўлгани?
Гар сафарга кетсанг, суллоҳ куёвлар бу ерда бойлигинг
370. Таракана қилиб буткул, хонавайрон этгайлар сени.
Кетма, эркам, шу ерда қол; ҳеч ҳожат йўқ даҳшатли денгиз
Сафарига чиқишингга, бўронларга дош беришингга».
Одиссейнинг оқил ўғли шундай жавоб қилди кампирга:
«Кўрқма, азиз энага, мен тангриларнинг хоҳиши ила
375. Жазм қилдим бу сафарга. Сен қасам ич: мен кетгандан сўнг
То ўн бир ё ўн икки кун ўтгунгача, агар онам ё
Бошқа бирор сўрамаса мен ҳақимда, чурқ ҳам этмагин –
Онам йиғлаб ўз ҳуснига етказмасин дейман-да завол».
Евриклея қасам ичди тангриларнинг ҳаққига шу он;
380. Қасам ичгач, у хумларга қўйди лазиз муаттар майлар,
Қалин, пишиқ мешларни у арпа уни билан тўлдирди.
Йигит уйга қайтиб, кирди куёвларнинг жамоасига.
Афинанинг қалбida бир доно фикр туғилди шу он:
385. Учраганга мурожаат қилиб ширинсуханлик билан,
Даъват этди кўпчиликни оқшом учқур кема олдидা
Учрашмоққа. Шундан кейин Ноемоннинг олдига бориб,
Кемасини сўраганди – бажонидил рози бўлди у.
- Бу пайт қуёш ботиб, зулмат чулғаб олди ҳамма йўлларни
390. Ва маъбуда қушдек енгил кемани шўр сувга тушириб,
Унга орти сузиш учун зарур бўлган ҳамма анжомни.
Сўнг денгизнинг кўрфазига тайёр қилиб қўйди кемани.
Ҳамма таклиф этилганлар тўпландилар кема пойига.
- Янги фикр пайдо бўлди маъбуданинг дилида шу дам:
395. Кириб бориб у ҳимматли шоҳ Одиссей хонадонига,
Базм қурган куёвларнинг кўзларига уйқу уфурди,
Тортиб олиб қадаҳларин, хаёлларин қилди паришон;
Ҳаммалари уй-уйига тарқалдилар уйқу элитиб
- Ва хиёл вақт ўтар-ўтмас маст уйқуга ғориб бўлдилар.
400. Зевснинг шаҳло кўзли қизи Телемахни шунда муҳташам
Хонасидан чорлаб олиб, ҳам сўзлари, ҳам қиёфаси
Ментор мисол бўлиб деди: «Отланақол тезроқ, Телемах!
Тўпландилар бизнинг барча мис пойбандли ҳамроҳларимиз;
Улар сени кутмоқдалар эшқакларнинг бандидан ушлаб;
405. Жўнаш керак; ортга суриб бўлмайди ҳеч энди сафарни».
Деб Афина шаҳдам юрди Телемахнинг олдига тушиб;
Телемах ҳам шошганича маъбудага эргашди дарҳол.
Улар етиб келиб денгиз соҳилига, сузишга тайёр
- Турган кема яқинида учратдилар ҳамроҳларини.
410. Деди шунда дўстларига Телемахнинг құдсий құдрати:
«Биродарлар, қани, юринг, сафар учун зарур жамики
Озуқаю анжомларни тезроқ бориб олиб келайлик;

Улар уйда шай турибди; онам ғофил бундан мутлақо.
Жориялар ҳам бехабар; огоҳ бундан фақат биттаси».

415. Дея у тез юриб кетди, ҳамроҳлари эргашди унга.
Олиб келиб ҳамма юкни, Одиссейнинг азиз ўғлони
Буюргандек, жойладилар барин гумбир, пишиқ кемага.
Сўнг кемага чиқди йигит маъбуданинг ортидан юриб;
Жой олди Зевс қизи кема қўйруғидан, Телемах инди
420. Маъбуданинг яқинига. Эшкакчилар арқонни ечиб,
Тез кемага чиқдилар ва ўтиридилар ўринларига;
Сўнг уларга боди мурод йўллади Зевс қизи Афина.
Сарин Зефир эсди шунда – шўр денгизни тўлқинлатгувчи.
Ёш Телемах ёронларин ширин сўз-ла файратлантириб,
425. Амр этди анжомларни сафар учун ҳозирламоқни;
Улар елкан мачтасини кўтарибон бараварига,
Уясига ўрнатдилар, арқонларни ҳар ён тортдилар:
Кейин унга оқ елканни боғладилар қайишлар ила;
Шунда шамол елканни тез шиширди ва алвон тўлқинлар
430. Шовуллади кема пуштаги остида ваҳима солиб;
Тўлқинларнинг тўшин тилиб уча кетди кема жадаллаб.
Ҳамроҳларнинг жамоаси оқ йўл тилаб учқур кемага,
Қадаҳларни лазиз майга тўлдирдилар ва боқийларга
Сифинишиб, уларни ва шаҳло кўзли энг муazzама
435. Маъбудани ёдга олиб шароб паймо қилдилар дилдан.
Кема бутун тун ва тонгда кетаверди сузиб бехатар.



УЧИНЧИ ҚҮШІК

- Боқийларга ҳамда ушбу сермуҳассал рўйи заминда
Яшагувчи фонийларга нур таратмоқ учун Гелиос
Ажиб денгиз оғушидан балқди қўкнинг мис гумбазига*
Бу пайт кема шоҳ Нелейнинг ҳашаматли шаҳри Пилосга
5. Етиб борди. Халқ соҳилда зулфи сиё Посейдон учун
Қурбонликлар қиласи эди сўйиб талай қора буқалар*;
Тўққиз тўда ўтиради – ҳар тўдада беш юздан одам;
Қурбонликка тўққизтадан буқа сўйган ҳар қайси тўда.
- Халқ куйдириб моллар сонин, тотли ўпка-жигарларни еб
10. Турганида, бандаргоҳга сузиб кирди бизнинг баҳрийлар.
Елканларни туширдилар, лангар ташлаб, чайқалиб турган
Чўнг кемани тинчтдилар ва индилар қумлоқ соҳилга;
Телемах ҳам маъбудага эргашганча тушди кемадан.
- Афинея Ментор бўлиб Телемахга юзланди шундай:
15. «Сен, Одиссей ўғли, энди барҳам бергил торгинчоқликка;
Нечун чиқдик ахир дengiz safariga? Билмоқ учун-ку
Машъум қисмат падарингни қай юртларга улоқтирганин,
Дадил бор сен асов отни тизгинловчи Нестор олдига;
Бизлар унинг дилидаги сир-асорорни билмоғимиз шарт.
20. Ҳеч ҳайиқмай сўра ундан: айтиб берсин бор ҳақиқатни;
Зинҳор ёлғон сўзламагай буюқ зако соҳиби Нестор».
«Лекин, – дея жавоб қилди маъбудага доно Телемах, –
Қандай яқин борай унга? Саломлашай не деб унинг-ла?
Ҳали ҳеч ҳам мусоҳоба қурмаганман донолар билан;
25. Ёш йигитнинг қарияга гап қотиши одобданмасдир!»
Зевснинг укки кўзли* қизи Афинея жавоб айлади:
«Сен, Телемах, кўп гапларни ўз қалбингда зоҳир қилгайсан,
Кўпларини аён этгай кошифкарам тангрилар сенга;
Ки сен тангри хоҳиши-ла туғилгансан – унутма буни!» –
30. Деб Афина шаҳдам-шаҳдам юра кетди олдинга тушиб;
Юрди унинг орқасидан Одиссейнинг ўғли Телемах;
Пилосликлар жам бўлишган ерга яқин борди иккови.
Ўтиради Нестор ҳам ўз ўғиллари билан шу ерда;
Ёронлари зиёфатга ҳозирланиб куйманардилар:
35. Узун-узун сихларга гўшт тиқиб қабоб қилар эдилар.
Шунда улар кўриб қолиб келаётган ажнабийларни,
Пешвоз бориб кўришдилар ва даврадан жой кўрсатдилар.
Энг аввало Нестор ўғли Писистрат қумлоқ соҳилда
Карши олиб меҳмонларни, таклиф этди юмшоқ пўстакка –

40. Чол отаси ва акаси Фрасимедларнинг ёнига;
 Сўнг уларни меҳмон қилиб, муаттар май сузди қадаҳга
 Ва юзланди Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афинеяга:
 «Эй муҳожир, сифинмоғинг лозим энди шоҳ Посейдонга:
 Бугун байрам — биз қурбонлик қилмоқдамиз унга бағишлаб;
45. Таомилга амал қилиб дуо ўқиб, май паймо қилу*
 Ҳамроҳингга узат шаффоф илоҳий май тўла қадаҳни.
 У сифинса керак дейман тангриларга! Зотан ҳаммамиз
 Соҳибкарам тангриларнинг мададига муштоқ эрурмиз.
 Дўстинг сендан ёш экан; у, назаримда, мен билан тенгкур;
50. Шу сабабли аввал сенга тутмоқдаман олтин қадаҳни».
 Деб узатди Афинага муаттар май тўла қадаҳни.
 Афинани хушнуд этди йигитнинг бу хуш фаросати:
 Яъни аввал маъбудага узаттани май қадаҳини;
 У ширадор овоз билан Посейдонга қилди тавалло:
55. «Зилзилакор шоҳ Посейдон, қабул айла тавалломизни:
 Умидвормиз сендан, жами тилагимиз айла ижобат.
 Энг аввало фаровонлик Нестор ила ўғилларига
 Ато эт, сўнг сенга дилдан ҳекатомба қурбонлик қилган
 Барча Пилос аҳлига ҳам кўрсатгил мўл лутфу марҳамат;
60. Кейин мен ва Телемахни етказгилу ниятимизга,
 Эсон-омон қайтаргил ўз уйимизга чўнг кемамиизда».
 Ҳур маъбуда шундай дуо ўқиди ва май паймо қилди;
 Андин сўнг у Телемахга узатди қўшқулоқ қадаҳни;
 Одиссеининг эрка ўғли ҳам илтижо қилди тангрига.
65. Сўнг мезбонлар сарпанжанинг кабобини сихлардан олиб,
 Даствурхонга қўйдилар ва бошладилар зўр зиёфатни;
 Корин тўйиб, майдан диллар хушнуд бўлгач, мусофириларга
 Герения қаҳрамони Нестор* шундай такаллум қилди:
 «Мана энди, қорин тўйгач савол берсан сизга, меҳмонлар,
70. Уят бўлмас: айтинг, кимсиз? Денгиз оша қайдин келдингиз?
 Чиққанмисиз сафарга сиз бирор зарур иш юзасидан?
 Ёки енгил ўлжа излаб* ўз жонини хавфга қювчи,
 Халқ бошига famu кулфат ёғдирувчи такасалтанглар
 Каби санқиб юрибсизми ҳаммаёқда уммонма-уммон?»
75. Одиссеининг доно ўғли юрак ютиб жавоб айлади
 (Афинея кўмак бериб Телемахга, кекса Нестордан
 Бедарак йўқ бўлиб кетган ўз отаси ҳақида бирон
 Янги хабар сўраш учун юрагига журъат баҳш этди,
 Ки бул журъат ила йигит молик бўлгай эл ҳурматига):
80. «Аё Нестор Нелейзода, — ахейларнинг фахри-гурури,
 «Қайдансизлар, кимсизлар?» — деб савол бердинг;
 айтгум ростини:
 Биз серўрмон Нейон тоғин пойидаги Итакаданмиз;
 Юрtingизга келдик факат ўз хусусий ишимиз билан;
 Мен падарим тўғрисида бирон хабар эшишмоқ учун

85. Йўлга чиқдим; қайда экан мاشаққатларга бардошли ул
Шоҳ Одиссей? Билишимча, у сен ила бирга жанг қилиб,
Вайрон этган Илионни. Ул шаҳарни забт этганларнинг
Кўпчилиги, эшигтанмиз, нобуд бўлган ўзга юргларда;
Вале мудом Зевс бизлардан пинҳон тутур отам қисматин;
90. Ҳеч ким билмас падаримнинг қайларда жон таслим қилганин:
Шум ғанимлар уя қурган ердами ё Амфитританинг
Серталотум денгизида, совуқ тўлқинлар қаъридами.
Тизинг қучиб ёлбораман: сўзлаб бергил лутф кўрсатиб
Отамнинг талх қисматини: ўз кўзинг-ла не кўрган бўлсанг
95. Ё ногаҳон бегонадан не эшигтан бўлсанг – барини.
Шўрлик отам азоб чекмоқ учун келган экан дунёга.
Сен аяма мени ҳеч ҳам, истиҳола қилиб ўтирма,
Ўзинг шоҳид бўлган ҳамма воқеани муфассал сўзла,
Менинг олижаноб отам Трояда бўлган чоғида
100. (Сиз, ахейлар, у ерда кўп мусибатлар чеккан экансиз),
Сўзи ё бир иши билан қилган бўлса сенга яхшилик,
Жон отажон, хотирлаб кўр ва сўзлаб бер бор ҳақиқатни». Герения қаҳрамони Нестор шундай жавоб айлади:
«Сен, эй ўғлон, бир вақтлар олис юртда биз – ахейларнинг
105. Бошимизга тушган бало-офатларни ёдимга солдинг:
Биз ўшанда, бир қисмимиз рутубатли денгизда сузиб,
Кўп ўлжалар фамлагандик далир Ахилл бошчилигига,
Бир қисмимиз шиддатли жанг қилган эдик рақиблар ила
Приамнинг метин девор ўраб турган шахри пойида.
110. Ўшанда биз энг диловар йигитлардан бўлгандик жудо:
Бебок Аякс* ётур унда, гориб бўлмиш Ахилл ҳам унда,
Машваратда тангри мисол Патрокл ҳам таслим қилмиш жон,
Азиз ўғлим Антилоҳ ҳам нобуд бўлди бегона юртда –
У шерюрак ва энг абжир жангчи эди майдони ҳарбда.
115. Биз ул юртда яна турфа азобларни кечирдик бошдан,
Ки уларнинг адогига етиб бўлмас санаган билан.
Сен диловар ахейларнинг Трояда бошига тушган
Ҳамма дарду азобларни неча йиллар суруштиранг ҳам,
Фофил қолиб кўпларидан, уйга қайтган бўлардинг маҳзун.
120. Трояни маҳв этмоқ учун бизлар роса тўққиз йил
Уруш қилдик ишлатиб кўп ҳийла-найранг ва ниҳоят Зевс
Тугатмоққа қарор қилди бу офаткаш муҳорабани.
Одиссейга тенг келолмас эди ҳеч ким ақлу идрокда:
Жанггоҳларда доим ажиб найрангларни ўйлаб топарди
125. Сёнинг олижаноб отанг, – гар чин бўлса ўғли эканинг.
Ҳайратланиб боқмоқдаман жамолингга; фасоҳатда ҳам,
Ё тавба, сен ўз отангга жуда-жуда ўхшаб кетасан!
Бутун уруш давомида – жамоанинг мажлисларида,
Кенгашларда мен Одиссей билан доим ҳамфирк бўлдим;
130. Баҳамжиҳат бўлиб бизлар, пухта ўйлаб ҳар масалани,
Ахейларнинг фойдасини кўзлаб мудом иш қўрар эдик.

Лекин, э воҳ, Приамнинг азим шаҳрин айлаб ҳароба,
Бандаргоҳга қайтганимиз ҳамоно, Зевс бир-бири миздан
Жудо қилди ҳаммамизни: Крон ўғли ахей аҳлини

135. Дуч қилмоқчи бўлди бало-офатларга теран уммонда.
Йигитларнинг аксари кўп ақли ноқис, ноқобил эди.
Оқибатда, дучор бўлди шум тақдирга уларнинг кўпи –
Ки шаҳло кўз маъбуданинг фазабини қўзғагандилар*.
Атрейзодлар* ўртасига кучли нифоқ солди Афина:
140. Ака-ука бутун ҳалқни даъват этди зўр машваратга,
Лек машварат мавридимас эди*; күёш ботмоқда эди;
Кайфи тарақ ахей аҳли мажлисгоҳга тўпланди бир-бир.
Атрейзодлар бирин-кетин изоҳлашди йигин сабабин:
Шоҳ Менелай Аргос аҳдин шу заҳоти кенг денгиз оша
145. Она юртга қайтмоғини талаб қилди; лек Агамемнон
Қарши чиқди: ахейларни олиб қолмоқ истади яна:
У юмшатмоқ учун қаҳҳор маъбуданинг кўнглини, унга
Гекатомба бағишлашни ўйлар эди... Эҳ тентак йигит!
Билмасдик, маъбудани ҳеч қайтариб бўлмас аҳдидан:
150. Боқийлар ўз қарорини осонликча ўзгартирмаслар,
Бу мажлисда ака-ука бир-бирини талҳ сўзлар ила
Таҳқирлади; мис пойбандли мард ахейлар қаҳру фазаб-ла
Ҳайқирдилар, сакраб туриб бўлиндилар икки гуруҳга.
Биз ўша тун то тонггача отиб чиқдик бир-бири мизга
155. Таҳқир тошин: vale бизга жазо шайлаб қўйган экан Зевс
Бир гуруҳ эр тонгда олиб мўрчамиён асиralару
Ўлжаларни, суза кетди денгизда ўз кемаларидা.
Лек иккинчи гуруҳ эрлар лашкарбоши ва ҳалқ чўбони*
Агамемнон билан қолди бандаргоҳда. Биз сузуб кетдик
160. Ва кемалар күшдек учди ўркач-ўркач тўлқинлар узра:
Тангри денгиз долғаларин текислади кема йўлида.
Тенедосга етгач бизлар боқийларга қурбонлик қилдик –
Ота юртга бизни омон етказмоқни улардан тиляб.
Ва лекин Зевс ўз аҳдидан қайтмай, яна монелик қилди
165. Ахейларнинг ватанига қайтишига: у ўртамизга
Яна низо-нифоқ солди. Бир гуруҳ ҳалқ доно мушовур
Одиссейга эргашди ва кўп эшқакли чўнг кемаларда
Ортга – подшо Агамемнон ҳузурига қайтдилар шу он;
Мен шошганча суза кетдим шу заҳоти кемаларимда:
170. Сезган эдим тангри бизга не кулфатлар шайлаб қўйганин;
Жўнаб кетди Диомед ҳам одамлари билан юртига;
Кейин зулфизар Менелай ҳам сафарга отланган экан:
У Лесбосда орқамиздан етиб олди; биз ҳайрон эдик:
Тошлоқ Хиос тепасидан Псирани чапда қолдириб
175. Сузсакмикин, ё Хиоснинг пастроғидан шум қуюнларга
Бағри очиқ Мимант тоғи яқинидан ўтсак маъқулми?
Бирон белги кўрсат, дея биз тавалло қилдик Зевсга;

- У күрсатди белги бизга ва денгизнинг қоқ ўртасини
Кесиб ўтиб*, Эвбеяга йўл олмоқни маслаҳат берди:
180. Шундагина биз жон сақлааб қоларканмиз; хайрли шамол
Фуъ-фув эсири ва кемалар тунга бориб Герестга етди;
У ерда биз денгиздан соғ-омон чиққач, қурбонлик қилдик
Посейдонга бағишланган буқаларни сўйиб пайдар-пай.
Соҳибкудрат Диомеднинг кемалари тўрт кун деганда
185. Етиб борибди Аргосга, бандаргоҳда лангар ташлабди.
Бу пайт мен ҳам суза кетдим Пилос сари ва тангришим Зевс
Ато этган боди мурод эсири турди бир лаҳза тинмай.
Шундай қайтиб келдим уйга; аммо билмам мен ҳанузгача
Кимлар ҳалок бўлгану ким омон қайтган ўз ватанига.
190. Ва лекин мен ўз уйимда ўзгалардан эшиганимни
Хозир сизга сўзлаб бергум ҳаммасини яширмай-нетмай.
Эшигидики, уйларига қайтган эмиш Ахиллес ўғли
Неоптолем ила барча найзабардор мард мирмидонлар;
Дейдиларки, Филоктет ҳам тирик эмиш; Идоменей ҳам
195. Жанггоҳлардан омон чиққан ҳамроҳларин биттасини ҳам
Денгизларда нобуд қилмай, етган эмиш юрти Критга;
Агамемнон ҳақидаги шум хабарни эшигандирсиз:
У уйига қайтган ҳамон Эгист уни ўлдирган эмиш.
Лекин кейин қилмишига монанд жазо олибди қаттол.
200. Ҳалок бўлган отадан мард ўғил қолса қандай саодат!
У, шавкатли падарини бўғизлаган қотил Эгистдан
Қасос олган Орест каби, отасининг хунини олур!
Сен ҳам, азиз биродарим, камолотга етибсан бу кун;
Шиҷоатли эр бўлгинки, ҳамд айтсинлар сенга авлодлар».
205. Нестор сўзин тинглаб бўлиб жавоб қилди унга Телемах:
«Аё Нестор-Пелей ўғли, ахейларнинг фахри-гурури,
Ҳа, даҳшатли қасос олган у Эгистдан. Орестнинг номи
Элга достон бўлур энди, авлодлар ҳам ҳамд айтурсунга.
Оҳ кошкийди, шундай журъат ато этса менга ҳам тангри,
210. Мен ҳам қасос олар эдим куёвлардан — улар суллоҳлик
Қилиб вайрон этмоқдалар қалбимни ва хонумонимни!
Лек тангрилар бундай қарам кўрсатмоқни жоиз топмади
На отамга ва на менга — сабр-тоқат энди қисматим».
Герения қаҳрамони Нестор жавоб қилди йигитга:
215. «Азиз ўғлим, бу сўзларинг ила ўзинг эсимга солдинг;
Эшигидик биз, ёв куёвлар кўп шумликлар қилиб уйингда,
Соҳибидил волидангга қаттиқ азоб бераётганимиш.
Айт-чи менга: ўзинг хоҳиш билдиридингми бу бедодликка?
Ё тангрининг ҳукми ила хуш кўрмасми сени одамлар?
220. Биз билмаймиз; балки ҳали қайтиб келиб отанг, бир ўзи
Ё ахейлар кўмагида куёвларга қирон келтирас...
Оҳ қанийди, шаҳло кўзли маъбудамиз ул Трояда —
Ахейлар кўп оғатларга дучор бўлган жанг майдонида
Одиссейга қандай меҳр қўйган бўлса, сенга ҳам энди

225. Шундай меҳр кўрсатолса! Йўқ, тангрилар ҳеч вақт ҳеч кимни Одиссейга меҳр қўйган Афинадек севган эмаслар!
Маъбуданинг шундай меҳри насиб этса агар сенга ҳам,
Кўп кўёвлар воз кечарди уйланмоқдан сенинг онангга». Одиссейнинг оқил ўғли шундай жавоб қилди Несторга:
230. «Эй қария, юз бериши амири маҳол айтганларингнинг;
Фоят мушкул иш ҳақида сўзлайдурсен – уни на менинг
Хоҳишими на тангрининг иродаси ижобат этгай».
Жавоб қилди унга Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афина:
«Кўп аломат сўзлар учди лабларингдан сенинг, Телемах;
235. Тангри бизни, гар хоҳласа, йироқдан ҳам ҳифз эта олур;
Йўқ, уйига қайтиб бориб, хотини ва қаттол Эгистнинг
Найрангидан маҳв бўлган Агамемнон янглиғ ўлгандан,
Бегона, ёт ўлкаларда минг-минг азоб чекиб бўлса ҳам,
Ватанимга эсон-омон қайтиш баҳти афзалдир менга.
240. Вале ҳатто худолар ҳам ожиздирлар ўзлари учун
Азиз бўлган зотни унинг манглайига ёзилмиш мангу
Ухлатгувчи шум ўлимнинг чангалидан асраб қолишга». Одиссейнинг доно ўғли маъбудига жавоб айлади:
«Сўзламайлик бу борада, вайрон бўлса ҳам дилим, Ментор;
245. Насиб этмас энди бизга падаримни соғ-омон кўрмоқ;
Тангри уни шўрпешона айлаб, маҳкум этган ўлимга.
Ҳозир бошқа савол билан мен Несторга юзланмоқчиман –
Дейдиларки, кўриниши тангри монанд бу нуроний чол
Уч авлодга ҳукмронлик қилган пири бадавлат зотмиш.
250. Эй Нелейзод, айтгил менга пинҳон тутмай ҳеч бир нарсани;
Қандай нобуд бўлган эрди Агамемнон – соҳибсалтанат?
Қайда эди шоҳ Менелай? Айёр Эгист бу соҳибқудрат
Зотдан устун чиқмоқ учун қандай найранг ўйлаб топганди?
Ё Менелай ҳали етиб бормаганми эди Аргосга?
255. Балки шу ҳол унdagандир қотилликка қаттол Эгистни?
«Ўғлим, – дея жавоб қилди Телемахга донишманд Нестор, –
Ҳамма гапни очиқ айтгум, билиб ол сен бор ҳақиқатни;
Дарҳақиқат, сен айтгандай бўлган экан ҳамма воқеа;
Вале зулфизар Менелай Троянинг жанг майдонидан
260. Ватанига қайта туриб, оғасининг хонадонида
Агар тирик кўрса эди Эгистни, энг ёвуз гуноҳга
Кўл урган бул касофатнинг муртад жисми хору зор бўлиб,
Қузғуларга ва итларга ем бўларди, дафн этилмай
Узоқ дашту биёбонда; аёллар ҳам тутмасди аза.
265. Биз – ахейлар Илионнинг жанггоҳида жанг қилган пайтда
У нобакор Агамемнон завжасини хушомад ила
Тузогига туширибди. Маъбудаваш Клитемнестра
Аввалига жирканибди бундай қабиҳ зиногарликдан,
Сабабики, ҳеч қандайин қинғир ният йўқ экан унда;
270. Хизматида экан унинг бир хонанда – шоҳ Агамемнон
Трояга жўнаётуб, завжамга кўз-кулоқ бўлиб тур,

- Дея қаттиқ тайынлаган экан ўша қасидагүйга;
 Лек сал ўтмай нодон аёл илинибди зино домига;
 Шунда Эгист сургун қылган хонандани хилват оролга
275. Ва бояқиши ем бўлган зоф-қузгуналарга ўша ёқларда.
 Сўнг найрангбоз олиб кетган ҳамдил хотин Клитемнестрани
 Ўз уйига ва қўзлаган шум нияти амалга ошгач,
 Беруб унга талай тухфа – олтин қадаҳ, нафис матолар ...
 Қурбонгоҳда худоларга атаб бисёр сон гўшт қуидирган;
280. Бизлар эсак Троядан Атрейзода Менелай билан
 Биргаликда сузиб кетдик. Аттиканинг Суний бурнига
 Яқинлашиб қолган эдик; шу чоғ бирдан тангри Аполлон
 Менелайнинг кемасини мардонавор бошқараётган
 Моҳир дарға Онеторзод Фронтисин ўзининг сассиз
285. Ўқи ила маҳв этди*, ки ҳеч бир зот бўрон чоғида
 Ўз кемасин Фронтисдек моҳирона бошқаролмасди.
 Шоҳ Менелай шошаётган бўлса ҳамки, дўсти-дарғани
 Иzzат-икром ила дағн этмоқ учун соҳилга тушди;
 Кейин яна у ўзининг қора биқин кемаларида
290. Сиё денгиз тўшин тилиб сувганича, юксак Малея
 Бурнига тез етиб борди; шунда бутун олам-жаҳонни
 Дағдағага солгувчи Зевс Менелайни маҳв этмоқ учун
 Унга қарши мудҳиш шамол йўналтириб, сиё денгизда
 Тоғдек юксак, зилдек оғир долғаларга рўбарў қилди,
295. Кемаларни бир-биридан жудо айлаб, бир гуруҳини
 Крит томон ҳайдаб кетди (бу ўлкала Ярдан дарёси
 Соҳилида яшар эди кидон аҳли); Гортина шаҳрин
 Энг четида фоят баланд силлиқ қоя шўр денгиз узра
 Қад кўтариб турар эди. Нот шамоли бу ерда улкан
300. Долғаларни Фестнинг фарбий қирғоғига ҳайдаб келар ва
 Тоғ-долғалар толқон бўлар эди тўқнаши келиб тошларга.
 Кемалар шу ерга келиб қолган экан; одамлар зўрга
 Сақлаб қолган жон ва лекин жами кема садпора бўлган
 Урилиб сув остидаги қояларга долға зарбидан.
305. Қолган бешта қора тумшуқ чўнг кемани бўрон ўғирлаб,
 Азим Миср қирғоғига шилдат ила учириб борган.
 Менелай бу ёт ўлкани кўп кезибди, бисёр ўлжалар,
 Симу зарлар жамғарибли. Айни шу чоғ Эгист Аргосда
 Файримашру жиноятга қўл ургану Агамемнонни
310. Ўлдирган. Сўнг барча ҳалқлар унга сўзсиз итоат этган.
 Олтинга бой Микенада Эгист ҳоким бўлган етти йил.
 Саккизинчи йили унинг кушандаси тангриваш Орест
 Афинадан қайтиб келиб, бузрукворин ёвуз мақр ила
 Қатл этган қаттол Эгист жонин олган. Сўнг аргосликлар
315. Учун катта маърака ош бериб, хоин онаси билан
 Манфур Эгист икковини бир қабрга дағн эттирган.
 Менелай ҳам айни шу кун етиб борган экан Аргосга

- Тоғ-тоғ ўлжа ва бойликлар ортиб жами кемаларига.
 Лек сен, ўғлим, отанг мулкин харомхўрлар ихтиёрига
320. Қолдириб, кўп қолиб кетма ватанингдан анча йироқда;
 Йўқса, бутун давлатингни қийратурлар суллоҳ куёвлар;
 Ана унда бу сафаринг бўлгай бефайз. Лек маслаҳатим,
 Сен Атрейзод Менелай-ла учрашсанг қўп яхши бўларди;
 У яқинда қайтиб келди жуда олис бегона юртдан;
325. У ёқларга жўшқин шамол кучи билан денгизлар оша
 Бориб қолган ҳеч бир одам ўз юртига тирик қайтмаган,
 Ки ул ёқдан паррон этган энг учкур қуш биз томонларга
 Етиб келмас бир йилда ҳам – буюк уммон шундай беҳудуд.
 Сен Менелай ҳузурига ё денгизда дўйстларинг билан
330. Сузиб ёки, гар хоҳласанг, қуруқликдан етиб борақол:
 Бергум сенга от, ароба, ўғлимни ҳам қўшиб юборай –
 Элтур сени у Менелай салтанати Лакедемонга;
 Унда ўзинг барча гапни Менелайдан сўраб билурсан;
 Буюк зако соҳиби у, зинҳор ёлғон сўз сўзламагай».
335. Деди. Бу он қуёш ботди, ҳаммаёқни зулмат қоплади.
 Афина чол Нестор сари ўгирилиб бир қалом айтди:
 «О қария, кўп бамаъни ҳамма гапинг; пайт келди энди,
 Тилларни биз кесайлик-да* Посейдонга ҳамда жамики
 Тангриларга атаб паймо қиласлик май; сўнг ётиб ухлаб
340. Дам олайлик; қош қорайди; бундан ортиқ қудсий тановул
 Қилмоқ асло одобданмас бу соҳилда; бизлар борайлик».
 Маъбуданинг бул гапига қулоқ осди эл эҳтиром-ла.
 Қара-я сув қўиди барча ташриф этган ҳалқининг қўлига;
 Майи ноб-ла тўлдирилган қадаҳларни, одатга кўра,
345. Ўнгдан бошлаб суниб чиқди жамоага дастёр болалар;
 Ўтга ташлаб тилларни, тик турганча, май паймо қилдилар;
 Бул маросим тугаб, ҳамма қадаҳларни ичиб битиргач,
 Телемах ва Афина ўз кемалари томон боргани
 Отландилар. Шунда Нестор меҳмонларга бир қалом айтди:
350. «Билинг, боқий Зевс ҳам, ўзга тангрилар ҳам ризо бўлмаслар
 Сизларнинг ўз кемангизга бориб бу кун тунашингизга!
 Наҳотки мен қашшоқ бўлсам? Наҳот менинг хонадонимда
 Топилмаса азиз меҳмонларга момиқ ўрин-кўрпалар?
 Йўқ, кўшкимда фоят бисёр кийим-кечак, юмшоқ тўшаклар.
355. Баски тирик эканман мен, жигаргўшам – ўғлонларим ҳам
 Қодир экан меҳмонларни қучоқ очиб қарши олишга,
 Шоҳ Одиссей ўғлин кемада тунаши яхшими ахир?»
 Жавоб қилди унга Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афина:
 «Оқилона фикр айтдинг, мўътабар чол, майли, Телемах
360. Қолсин шунда. Мен розиман. Шундай қилса яхши бўлади.
 Ором олсин у кўшкингда. Ва лекин мен қайтай кемага
 Йигитларга ҳамма гапни сўзлаб бериб тинчитай барин.
 Кема аҳли ичига энг ёши улуғ мэнман; қолганлар
 Телемахга тенгқур ёшлар; ҳаммалари дўйстлик ҳурмати

365. Ушбу денгиз сафарида ҳамроҳ бўлмиш ўртоқларига.
 Шу сабабли ҳам мен ҳозир кемамизга қайтмоқ истайман.
 Қолаверса, эртага мен барвақт туриб далир кавконлар
 Ҳузурига бориб, қолдиқ эски қарзни ундиromoқчиман.
 Сен, қария, Телемахни эъзозлаган экансан чунон,
370. Бу ёғига ҳам, энг чопқир ва тўзимли тулпорларингни
 Аробага қўштиргин-да ўёлинг билан сафарга жўнат».
 Зевснинг қизи шундай дея, учди бургут қиёфасида.
 Халқ ҳайратда; мўъжизага шоҳид бўлган Нестор ҳайратда.
 Телемахни у илкидан олиб шундай лутф кўрсатди:
375. «Баски ҳали ёш бўлсанг ҳам, ҳамроҳ экан сенга худолар,
 Унда айтгум: сен қалби пок ва забардаст инсонсан, бўтам.
 Ҳозир бунда бўлган кимса нурли Олимп жамоасидан
 Зевснинг шаҳло кўзли қизи Тритогена* бўлиши керак.
 Падарингни фақат ўша тилга олди аргосликлардан.
380. О маъбуда, лутф кўрсат, дариф тутма марҳаматингни
 Мендан, яна садоқатли завжамдан ва фарзандларимдан;
 Эртага мен кенг яйловда шўх-шўх сакраб югуриб юрган,
 Бўйинтуриқ кўрмаган, дўнг пешона, бир ёшли тананинг
 Шоҳларига олтин қуйиб, сенинг учун қурбон қилгаймен».
385. У ёлборди шундай дея; ва Афина эшитди уни.
 Сўнг Нестор ўз ўғилларин ва ҳимматли куёвларини
 Эргаштириб, ҳашаматли қасри томон равона бўлди;
 Бу шоҳона безатилган шинам уйга Нестор ортидан
 Кириб боргандарнинг бари ўтирилар саф курсиларга.
390. Шунда Нестор хумда ўн бир йил сақланган майи ноб ила
 (Хум қопқофин эндиғина очган эди калитдор оқсоҷ)
 Олтин қадаҳларни лим-лим тўлдириди ва эгидабардор*
 Зевснинг қизи Афинага сифинганча май паймо қилди.
 Жамоа май паймо қилгач, қадаҳларни сипқорди бирга
395. Ва йўл олди ухлагани бирин-кетин хобхоналарга.
 Герения қаҳрамони Нестор ўзи шоҳ Одиссейнинг
 Доно ўғли Телемахни данғиллама кенг хобхонага
 Бошлаб кирди ва нақшинкор каравотни кўрсатиб унга,
 Саодатли, фароғатли энг оромбахш уйку тилади;
400. Сарвари мард, найзабардор, оғалари ичида ёлғиз
 Бўйдоқ йигит Писистрат меҳмон билан ҳамхона бўлди.
 Нестор эса бил шоҳона иморатнинг энг тўридаги
 Кўшкка кирди ва малика соглан момиқ тўшакка ётди.
 Ёйиб қирмиз бармоқларин балқди тонгда зулматдан Эос;
405. Герения қаҳрамони Нестор ҳам пар тўшакдан турди.
 Хобхонадан чиқибоқ у, баланд эшик яқинидаги
 Силлик қилиб тарашланган тош курсига аста ўтиради;
 Курси гўё ёғлангандек оппоқ бўлиб чақнаб турарди;
 Бир пайтлар ўтиради бу курсида донишманд Нелей;
410. Афсус, тақдир уни Аид даргоҳига рихлат эттириши.
 Энди эса бил курсида ўтиради ахейлар шоҳи

- Нестор. Унинг ўғиллари: Стратион, Ехефрон, Персей,
Аретосу гўзалликда тангримонанд ёш Фрасимед
Ва олтинчи кенжা ўғил Писистрат уйдан чиқишиб
415. Тизилишиб ўтиридалар падарларин икки ёнига.
Телемахга шоҳ Несторнинг биқинидан жой кўрсатдилар.
Герения қаҳрамони шундай деди йигилганларга:
«Болаларим, бажармоққа шошилинглар амримни дарҳол:
Аввало мен Посейдонга бағишиланган кечаги базмда
420. Даврамизда зоҳир бўлгандек туйилган Афинеядан
Бизларга лутф ва марҳамат кўрсатишин тиламоқчиман.
Биттанг шошил тез ўтлоққа ва подачи ажратиб берган
Фунажинни етаклаб кел; яна биринг Одиссейзоднинг
Кемасига бориб жами баҳрийларни (фақат иккита
425. Киши қолсин) уйимизга таклиф қилсин; учинчинг заргар
Лаэркосни бошлаб кел тез – қурбонликка аталмиш тана
Шоҳларини бежасин у асл олтин қўймаси ила.
Қолганлар мен билан қолиб, амр этсин жорияларга:
Меҳмон кутиш тадоригин кўрсин улар – хонтахталар ва
430. Курсиларни тартиб билан жойласинлар, ўчоқ бошига
Ўтиналарни фамласинлар ҳамда зилол сув келтирсанлар».
Деди Нестор; ўғлонлар ҳам киришдилар шошганча ишга.
Сал вақт ўтмай, бир танани чаманзордан олиб келдилар;
Бандаргоҳдан етиб келди Телемахнинг ҳамроҳлари ҳам;
435. Ҳозир бўлди моҳир заргар ўз асбоби-ускуналари –
Болға, сандон, омбур ҳамда ўзга зарур буюмлар ила.
Афина ҳам келди қудсий қурбонликни қабул этгани.
Шунда пири бузрук Нестор асл олтин берди заргарга;
Заргар тана шоҳларига қўйди олтин эритиб, токи
440. Маъбудага манзур бўлсин сўйилажак ушбу қурбонлик.
Стратион ва Ехефрон ушладилар тана шохидан;
Аретос қўл ювдиргани олиб чиқди. Шунда Нестор қўлини ювиб,
Арпа сепди қурбонликка аталмиш бу жонзот устидан,
Иқтидорли Фрасимед қўлда ўткир болтаси билан
445. Бу қурбонлик танани маҳв этмоқликка шай бўлиб турди;
Персей дастшўй олиб чиқди. Шунда Нестор қўлини ювиб,
Арпа сепди қурбонликка аталмиш бу жонзот устидан,
Сўнгра анинг бошидан бир парча этни кесиб олди-да
Ёниб турган ўтга ташлаб Афинага ибодат қилди;
450. Бошқалар ҳам дуо ўқиб арпа сепди тана устидан.
Несторзода соҳибқудрат Фрасимед тана бўйнига
Болта уриб, жон томирин шартта узди; тана қулади;
Шоҳ қизлари, келинлари ва мушфиқа малика хоним
Евридика буни кўриб бирдан айюҳаниос солдилар.
455. Йигитлар даст кўтардилар ер бағрида ётган танани,
Олийҳиммат Писистрат бўғизлади уни. Қора қон
Оқиб бўлиб жон узилгач, жониворни нимталадилар,

- Таомилга кўра, икки қават ўраб чарви ёғ ила
 Устихонни, устига гўшт бўлакларин қўйиб чиқдилар;
 460. Нестор уни ўтга қўиди ва устидан май сепиб турди;
 Панжшоҳлар* ушлаб турди ўғлонлари унинг ёнида.
 Куйдирилди сон гўшти ва ҳамма татиб кўрди мазали
 Е гўштидан; сўнгра қолган гўштни бўлак-бўлак майдалаб,
 Ўткир сихларга тортдилар ва лақقا чўғ устида аста
 465. Айлантириб кабоб қила бошладилар. Бу пайт Телемах
 Шоҳ Несторнинг кенжа қизи Поликаста қузатувида
 Ювингани ҳаммом борди; чўмилтириб бўлиб уни қиз,
 Баданига сурди хушбўй зайдун мойи; сўнгра Телемах
 Нафис қўйлак, узун плаш кийиб тангримонанд нурафшон
 470. Чехра ила чиқиб келди ва кўп эллар шоҳи Несторнинг
 Ёнбошига келиб инди. Кабоб бўлган сарпанжа гўшти
 Чиқардилар тиф-сихлардан ва тановул қила кетдилар;
 Қарол аҳли хизмат қилар экан тинмай югуриб-елиб,
 Олтин қадаҳларга майи ноб тўлдириб турдилар мудом;
 475. Кабоб еб ва шароб ичиб ҳамма қорнин тўйдиргандан сўнг
 Герения қаҳрамони Нестор деди ўғлонларига:
 «Қани, бўлинг, бўталарим, қўшинг алҳол ёлдор отларни
 Аробага, гар Телемах жўнамоқни ихтиёр қилса».
 Шоҳона амр бажарилди бир лаҳзада, Несторзодалар
 480. Қўшдилар тез бир жуфт ёлдор учкур отни жанграбага;
 Сўнг калитдор олиб чиқди аробага захира нон, май
 Ҳамда фақат шоҳларгина ризқ этгувчи турфа таомлар.
 Серҳашам жанграбага чиқди шунда далир Телемах;
 Эл сарвари Писистрат турди унинг ёнига чиқиб;
 485. У жиловни тортиб, шартта қамчи босди отлар сағрига
 Ва тулпорлар дала-даштдан мисли елдек чопа кетдилар.
 Сал вақт ўтмай гўзал Пилос кўздан фойиб бўлди тамоман.
 Отлар яшиндек елдилар то кечгача ликиллатганча
 Жанграба шотисини. Бу аснода қуёш ҳам ботиб,
 490. Ҳаммаёқни зулмат босди. Ёшлар етиб бориб Ферага,
 Тангри Алфей зурриёти Ортилохнинг сахий ўғлони
 Диоклеснинг ҳашаматли хонасида меҳмон бўлдилар.
 Олранг бармоқларин ёйиб балқиб чиқди навниҳол Эос.
 Аробага чиқди яна икки сайёҳ; йўлга тушдилар
 495. Куён мисол учкур отлар ва буғдойи гуркираб ўсган
 Далалардан елиб ўтиб тез манзилга етиб бордилар.
 Бу, пайт қуёш ботиб, зулмат қоплаганди барча йўлларни.

ТҮРТИНЧИ ҚҰШІК

Тизма тоғлар қучоғида ётган шаҳар Лакедемонга
Келиб улар күрдиларки, шоҳ Менелай ўз саройда
Бирга құшиб ҳам ўғлининг, ҳам қизининг никоҳ түйларин,
Хешу ақраболарига берар эди базму зиёфат.

5. Узатмоқда эди қизин Ахиллеснинг нодир ўғлиға*;
Ки Троя заминида бүлганида аҳд қылған эди
Ёвларни чилпора қылған Пелид* ила қуда бўлмоқни.
Мана, охир боғламишлар аҳли само никоҳ рищтасин.
Шоҳ қизига уюр-уюр йилқи, бисёр жанграбалар –
10. Сеп берибон, жўнатмоқчи мирмидонлар салтанатига –
Ҳоким эди ҳозир унда азиз күёв; яна Менелай
Ёши ўтиб қолганида чўри қиздан кўрган ўғлони
Мегапентга унаштириди спарталик Алектор қизин.
Лек Елена Афродитаваш хур қизи Гермионани
15. Туққандан сўнг бошқа фарзанд баҳш этмади унга тангрилар.
Тўйга келган қариндошлар, ёру дўстлар шоҳнинг муаззам
Саройида базм қуриб, яйраб, ҳузр қилар эдилар.
Пурзавқ машшоқ чертарди тор, жўр бўлиб тор куйига икки
Масхарабоз дик-дик сакраб, рақс тушарди. Айни шу маҳал
20. Зукко йигит Телемах ва Несторзода ёш Писистрат
Шоҳ қасрига кириб келиб тушдилар тез жанграбадан;
Энг аввало йигитларга Менелайнинг чаққон маҳрами
Этеон тез пешвоз чиқиб, қарши олди. Сўнгра бул ҳақда
Шоҳга хабар қылмоқ учун, чопиб кетди кўшклар оралаб;
25. Яқин бориб шоҳ ёнига у барқанот калима айтди:
«Эй шоҳим, Зевс дастпарвари, ҳузурингга икки ажнабий
Меҳмон келди, иккови ҳам Дий наслидан*. Нима қилайлик?
Чиқарайми отларини аробадан? Ёки кеткизиб
Юборайми, бошқа ерга бориб меҳмон бўлинглар, дея?»
30. Зулфизар шоҳ жавоб қилди маҳрамига қаҳру ғазаб-ла:
«Эй Этеон, ҳеч ҳам ақлинг бундай ноқис бўлмаган эди,
Бугун худди гўдак каби тутуруқсиз айтган гапларинг;
Кўрганмиз кўп меҳмоннавозликларни биз дарбадарликда
Ва Дий барҳам бериб энди биз кечирган мусибатларга,
35. Дориламон яшаб ором олмоқдамиз ўз уйимизда.
Сайёҳларнинг отларини чиқариб тез жанграбадан,
Ўзларини таклиф эт сен қасримизга – тўй базмимизга».
Шундай деди шоҳ Менелай. Этеон бир талай сергайрат
Маҳрамларни ўзи билан эргаштириб югурга кетди.

40. Терга ботган учқур отлар чиқарилиб жангаробадан,
Отхонага олиб кириб боғландилар охур ёнига.
Ем солдилар охурларга — буғдой, арпа омухтасини;
Шундан сүнг жангаробани оқ деворга тираб қўйдилар.
Мусофиirlар ҳашаматли шоҳ кўшкига таклиф қилинди.
45. Йигитлар Зевс арзандасин уйин кўриб ҳайрон қолдилар:
Шавкатли шоҳ Менелайнинг саройида жамики нарса
Ёғду сочиб турар эди мисли қоёш ё тўлин ойдек.
Бу ҳузурбахш манзарани кўриб тўйгач йигитлар кўзи,
Икковлари чўмилишди пардозланган ҳовузчаларда;
50. Жориялар ювинтириб, муаттар мой баданларига
Сургач, улар нафис хитон* ила бароқ плаш кийишиб,
Шоҳ Менелай ёнидаги курсиларга келиб чўқдилар.
Сўнг жория олиб келиб кумуш жом ва тилла обдаста,
Муздек зилол сув ила бу йигитларнинг қўлин ювдириб,
55. Силлиқ стол суриб қўиди олдларига; калитдор аёл
Хонаки нон, турли-туман тансиқ таом кўтариб келди;
Дастурхончи товоқларда ҳар турли гўшт келтириб қўйиб,
Меҳмонларни дастурхонга таклиф этгач, майи ноб тўла
Зар қадаҳлар сунди. Шунда саховатли сарой соҳиби
60. Бундай деди қўли билан таомларга ишора қилиб:
«Бизнинг нозу неъматлардан татиб кўринг, ош бўлсин, дўстлар;
Баъдаз таом сўрагайман кимлигингиз, қайданлигингиз.
Падарларингизнинг нуқси урган сизга — кўриб турибман.
Икковингиз ҳам албатта Зевс наслидан — шаҳзодаларсиз;
65. Туғилмагай сиздай нодир азаматлар аҳли авомдан».
Шундай дея, ўз улуши — қовурилган буқа гўштидан
Бир бўлагин олиб мезбон, йигитларнинг олдига қўйди.
Шоҳ берган бу лахим гўштга ёш меҳмонлар қўл узатдилар.
Улар тотли таом ошаб, хушбўй шароб ичиб тўйингач,
70. Телемах ўз ҳамроҳининг қулоғига энгашиб, ўзга
Одамларга эшиттирмай астагина пицирлаб деди:
«Нестор ўғли, менинг азиз биродарим Писистрат, сен
Қара, бу хушжаранг кўшкда мис анжомлар бамисли олтин,
Кумуш янглиғ, қаҳрабо, фил суюгидек чақнаб турибди;
75. Олимп шоҳи Зевсда бўлса керак фақат бундай кошона;
О бу қандай ажиб бойлик! Туман-туман! Мен ҳайратдаман».
Телемахнинг пицирини шоҳ Менелай эшитиб қолди
Ва ёшларга эшиттириб барқанот бир калима айтди:
«Болаларим, фоний банда Зевс ила ҳеч беллашолмагай.
80. Зоро унинг макони ҳам, бойлиги ҳам, ўзи ҳам боқий;
Баъзилар, ким бойроқ, дея беллашмоқчи бўлар мен ила,
Лек ҳаммамас; бардош бериб мен бемисл изтиробларга,
Дарбадар ва сарсон кезиб, саккиз йилдан сўнг ватанимга
Қайтиб келдим ўлжаларга тўлдирганча кемаларимни.
85. Финикия, Кипр, Миср тупроғида занжилар ила
Учрашдим мен, сидонлилар, эрембларнинг меҳмони бўлдим;

- Ливияда бўлдим яна. Кўзичоқлар унда шохдор туғилар экан,
 Эчкилару совлиқ қўйлар йилда уч бор болалар экан;
 У ёқларда заминдор ҳам, чўпонлар ҳам тўқ яшар экан –
90. Гўшту пишлоқ, суту қаймоқ сероб экан; у ернинг халқи
 Сигирлардан мўл сут соғиб олар экан йил – ўн икки ой.
 Мен олисда жаҳон кезиб, ўлжа ғамлаб юрган чофимда
 Азиз оғам Агамемнон ўз уйида ўз хотинининг
 Макри билан сирли тарзда ўлдирилган қотил қўли-ла.
95. Шундан буён жирканаман йиғган жами бойликларимдан.
 Лек бу ҳақда сўзлаб берган сизларга ўз оталарингиз...
 О бир пайт туман-туман бойлиги-ла довруқ қозонган
 Ул нурафшон хонадоннинг энди қандай фариб ва мискин
 Ҳолга тушиб қолганини кўрмоқ менга азобдир, азоб!
100. Рози эдим мен бойлигим учдан бири билан қолишга –
 Гар Троя жангиде маҳв бўлган эрлар яшайверишиша.
 Кўпинча мен ёлғиз қолиб уйимда, ул муҳорибларни
 Ёдга олиб, қайгураман, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкаман;
 Баъзи пайтда йифи билан юрагимга далда бераман,
105. Баъзан йифини тарқ этиб, унутаман қайфу-аламни,
 Зероки талх дарду алам толиқтирап биз фонийларни.
 Лек уларнинг барин эслаб қалбим қанча нола чекмасин,
 Сафдошлардан фақат бирин эслаганда уйқум қочади,
 Иштаҳам ҳам бўғилади, зеро барча ахейлар ичра
110. Ҳеч ким аччиқ азобларга учрамаган Одиссеячалик;
 У заҳмат ва ғам чекмоқлик учун келган экан дунёга;
 Менинг пешонамга эса чин дўстимнинг узоқ, бедарак
 Фойиб бўлиб кетишидан қайғурмоқлик ёзилган экан;
 Билмаймиз биз унинг тирик, ўликлигин; унинг отаси
115. Кекса Лаэрт ҳам, оқила Пенелопа ҳам, шоҳ Одиссей
 Ватанидан жангга жўнаб кетар чоғда йўргакла бўлган
 Телемах ҳам бетаскин ғам-андуҳ оғушига чўмғанлар».
 Шундай деб у билмай туриб Телемахнинг кўнглини ўкситди.
 Ўғил кўзидан ёш томди отасининг исмин эшитиб.
120. У қирмизи плаш бари ила икки кўзини тўсади;
 Буни дарҳол сезди шоҳ; у анчагача ақлан ва қалбан
 Тараддудда туриб қолди не қиларин била олмасдан:
 Йигитчанинг ўз отаси тўғрисида гап очишини
 Кутсинми ё ўзи сўраб ҳамма гапни билиб олсинми?
125. Шу хаёлга бориб подшо иккиланиб турган чоғида,
 Тушиб келди олий мақом, муаттар кўшкидан Елена;
 Ўхшарди у олтин тиф-ла қуролланган Артемидага.
 Жимжимадор роҳат курси қўйиб берди унга Адреста;
 Маликанинг пойига жун момиқ гилам ёзди Алкиппа;
130. Фило эса кумуш қути олиб чиқди соҳибасига –
 Бул кутини унга Миср Фивасининг бой фуқароси
 Полибнинг завжаси доно Алкандра тухфа қилганди.

- Полиб эса Менелайга бир жуфт кумуш ванна, иккита Сепоя ва нақ ўн талант* соф олтин ҳам совфа қилганди;
135. Еленага яна чўзиқ сандиқча ва соф тилла чархча
Берган эди мезбон хотин; бу сандиқча кумушдан бўлиб,
Хошияси заррин эди; Фило ана шу гиллиракли
Сандиқчани соҳибаси маликанинг олдига қўйди;
Сандиқчада йигирилган ип ва ол ранг момиқ устида
140. Тилла чархча ётар эди. Ҳур Елена роҳат курсига
Ўтирди-да оёғини таглик курси устига қуниди.
Сўнг юзланиб савол берди шавҳарига: «О пурмурувват
Атрейзод, Зевс дастпарвари шоҳ Менелай, била олдингми
Кимлигини бизга меҳмон бўлиб келган бу йигитларнинг?
145. Ҳақманни ё йўқми – билмам, илло қалбим сезиб туриди:
Бул меҳмонинг Одиссейзод Телемахга қуйиб қўйгандек
Ўхшайдики, на аёл, на эркак зоти жамоасида
Кўрганман мен бундай ажиб ўхшашликни (тонг қотиб қолдим);
Шоҳ Одиссей Трояга барча ахей эрлари ила
150. Мен беҳаё хотин учун жанг қилгани жўнаб кетганда
Бу азamat йигит ҳали йўргакдаги чақалоқ эди.
Шоҳ Менелай соҳибжамол Еленага жавоб айлади:
«Айтган барча гапинг тўғри, мен фикрингга қўшилишаман.
Икки томчи сувдай ўхшар падарига! Оёқлари ҳам,
155. Қўллари ҳам, кўз қараши, боши, ҳатто қалин сочи ҳам
Одиссейнинг ўзгинаси; боя унинг ҳақида сўзлаб,
Мен туфайли унинг қандай азобларга дуч келганини
Айтганимла, кўз ёшини кўрсатмаслик учун юзини
Эгнидаги плаш бари билан тўсди – мен пайқаб қолдим».
160. Хотам йигит Писистрат деди шунда шоҳ Менелайга:
«О улуғ шоҳ, худоларнинг арзандаси, ҳалқлар чўбони,
Дарҳақиқат, ҳамроҳим сен айтган зотнинг зурриётидир;
Лек камсуқум, эҳтиёткор бўлганидан, бир кўришаёқ
165. Гап-сўzlари илоҳий сас янглиг лазиз сендеқ зот ила
Дадил суҳбат қурмоқликни одобданмас деб ҳисоблар у.
Кекса отам Нестор мени унга ҳамроҳ қилиб юборди.
У хуш ўғит эшитмоқчи сендан – кўрсат унга йўл-йўриқ.
Отасиз ва ёру дўстсиз ўғсан ўғилнинг хонадони
170. Фамхонадир; Одиссейнинг ўғли ҳам шу аҳволга тушган:
Ота кетган; эл ичиди йўқдир бирон ҳимоячиси».
Шоҳ Менелай шундай жавоб қилди далир Писистратга:
«Ё тангрилар! Мен туфайли уқубатлар чеккан эъзозли
Рафиқимнинг ёлғиз ўғли келибдику мени кўргани!
175. Қаранг, бизлар кемаларда уйга қайтаётганимизда
Тангри Зевс йўл кўрсатган эди бизга. Шунда аввало
Одиссейни ўз уйимда кўрмоқликни ният қилгандим;
Мен Аргосда унга шаҳар ҳамда қаср қуриб берардим,
Кейин уни бутун молу мулки, ўғли ҳамда жамики

180. Халқи билан Итакадан күчиртириб олиб келардим;
 Мени шоҳ деб эъзозловчи халқим яшаб турган бирон бир
 Вилоятни унга туҳфа этар эдим; ана унда биз
 Қўшни булиб тез-тез дийдор кўришардик; ҳеч ким, ҳеч нарса
 Фов бўлолмас эди бизнинг дўстлигимиз, қувончимизга
185. Токи ўраб олмагунча бизни сиё ўлим кафани.
 Лек ҳасадгўй тангри бизга бундай баҳтни раво кўрмади –
 Одиссейнинг ўз юртига қайтишига йўл қўймабди у».
 Деб Менелай, ўзи билмай, гориб этди ҳаммани ғамга;
 Юм-юм йиғлаб кўз ёш тўкди чақмоқдорнинг қизи Елена;
190. Одиссейзод ҳам йиғлади, Менелайнинг қўзи намланди,
 Писистрат ҳам ўзини талх йиғидан тўхтатолмади:
 Мунаввар тонг шафафининг ўғли қатл этган паҳлавон
 Ақажони Антилоҳни эслаганди* Несторнинг ўғли.
 Эслаб туриб баландпарвоз бир гап деди у Атрейзодга:
195. «Шоҳ Менелай, сен энг доно инсондурсан фонийлар ичра.
 Шундай дейди отам Нестор оиласи суҳбат чоғида
 Сен ҳақингда гап бўлгандা. Бугун менинг галимни эшит:
 Ёқтирмам ҳеч кечлик овқат маҳалида кўз ёш тўкишини –
 Тонг яқин ва балқир Эос. Ана унда биз марҳумларни
200. Ёд айлаб кўз ёш тўксамиз жуда-жуда мақбул бўларди:
 Биз – азадор бандаларнинг фақат битта амали аниқ;
 Кўз ёш тўкиш, кесилган соч толасини қабрга қўйиш*.
 Мен акамни кўрмаганман; у аргослик мардлар ичиди
 Энг диловар йигит экан; сен кўргансан уни албатта;
205. Лекин акам, эшитгандим, бошқаларга ўхшамас экан –
 Бўлган экан чаққон оёқ, жанггоҳларда абжир муҳориб».
 Зулфизар шоҳ Атрейзода жавоб қилди Писистратга:
 «Дўстим, барча гапинг ҳақдир; сен, азизим, менга донишманд,
 Ёши улут бир инсоннинг гапларини сўзламоқдасан.
210. Гапларингдан сезмоқдаман – сен отангнинг шоист ўелисан;
 Одамзоднинг табиатин англаб етмоқ осондир, зеро
 У таваллуд топганида ё никоҳдан ўтган чоғида
 Анинг баҳти риштасини чақмоқдор Зевс йигириб қўюр*.
215. Йигиуркан, қариянинг оқил ва мард зурриётлари
 Даврасида унинг узоқ, шод яшашин ихтиёр қилур.
 Кединг, бизлар тарқ этайлик ҳасратни; кўз ёшини артиб,
 Яна хушбаҳт ўтирайлик; қўл ювгани сув келтиурлар;
 Эртага мен яна суҳбат қуражакман Телемах ила
220. Ана шунда поёнига етгай бугун бошланган суҳбат».
 Сув келтириди шоҳ надими эпчил Асфалион
 Меҳмонлар қўл узатдилар ғоят лазиз, хушхўр таомга.
 Шу чоғ дилбар Еленанинг миясига бир фикр келди:
 У ҳамманинг қадаҳига шарбат дори томизиб чиқди:
225. Уни ичган одамларда ғазаб сўнур, ғам унутилур;
 Бундай одам то кечгача қувноқ юрур, йиғлашни билмас,
 Ҳатто унинг падари ё волидаси кутилмагандা

- Қазо қилиб қолганда ҳам, күз оллода унинг оғасин
Ёки азиз ўғилчасин наиза санчиб ўлдирсалар ҳам.
230. Зевснинг дилбар қизида бу ажидар шарбатдори бор эди:
У Мисрда бўлганида Полидамна – Фоон хотини
Берган эди бу шарбатни; серунумдир Миср тупроғи –
Ҳам шифобаҳаш эзгу гиёҳ, ҳам оғули ўт ўсар унда;
Ҳамма халқи ҳозиқ ҳаким; улар Пеан наслидандирлар*
235. Бу элга тенг келолмагай заковатда ҳеч бир одамзод.
Зевс қизи шарбат томган қадаҳларни эгаларига
Узатишни буюрди-да, гапни яна давом эттириди:
«Шоҳ Менелай, Зевс эркаси, сизлар ҳам, эй ота ўғиллар,
Билингки, Дий раво кўрур турфа элга турфа хилдаги
240. Эзгулик ва ёвузликни. Зеро у ҳар ишга қодирдир.
Сизлар тўкин дастурхоннинг теграсида чақчақлашганча
Ҳузур қилинг; мен эса ўз ўтмишимни сўзлаб берайин.
Ожизман мен фоят оғир азобларга бардош беролган
Одиссейнинг жами жасоратларини баён этмоққа,
245. Ҳатто уларнинг барини битта-битта санаб ўтмоққа.
Ва лекин мен сиз, ахейлар жанггоҳларда кўп азоб чеккан
Ўшал олис Трояда Одиссейнинг худди қулдек ўзини ўзи
Аямасдан дарра билан уриб тилка пора қилганча,
Ёв шаҳрининг одамлар-ла гавжум бўлган кўчаларига
250. Ҳеч кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган абгор бир қиёфада
Кириб боргани ҳақила айтиб бермоқчиман сизларга.
Шубҳа уйғотмаган эди у ҳеч кимда бу қиёфада.
Уни фақат мен танидим; савол берсам индамади қув;
Сўнг мен уни ювинтириб, баданига хушбўй мой суриб,
255. Кийинтириб, токи унинг ахейларнинг қароргоҳига
Эсон-омон қайтгунича сирларини ғанимлар шахри
Трояда очмасликка қатъий қасам ичганимдан сўнг
Сўзлаб берди ахейларнинг маккорона режасин менга.
У мис тифли шамшири-ла трояликларнинг кўпини
260. Маҳв этиб, билиб олгач шаҳар сирин, қароргоҳига
Қайтиб кетди. Эрларидан бева қолган хотинлар аза
Тутиб узвос йиғладилар. Ва лекин мен суюнар эдим:
Зеро қалбим кўпдан бери талпинарди азиз Ватанга –
Мен маъбуда Киприданинг айби ила никоҳ тўшагим,
265. Қизим ҳамда фоят закий, фоят барно эримни ташлаб,
Трояга кетганимдан бери қумсар эдим юртимни.
Шоҳ Менелай деди шунда ўз нажиба маликасига:
«Ўтмушингдан сўзлаб берган гапларингнинг бари ҳақиқат:
Кўп мамлакатларда бўлдим, кўп одамлар билан кўришдим,
270. Илло асло учратмадим на ишлари, на тафаккури,
На-да хулқи-атвори-ла азобларга сабру бардошли
Одиссейга ўхшагувчи бирон зотни. Ўшандада бизлар
Улкан ёғоч от қорнида ўтиргандик; шунда Одиссей
Ғанимларни маҳв этмоқлик режасини тузиб чиққанди;

275. Ўшанда сен келган эдинг от ёнига (у ерга сени
 Ёв тарафин олгувчи шум ният тангри йўллаган балки).
 Тангримонанд Деифоб ҳам келган эди сенга эргашиб;
 Сен у билан маҳобатли от атрофин айланиб чиқдинг
 Ва пайпаслаб туриб унинг оёгини, ўз товушингни
280. Бизнинг хотинлар сасига тақлид қилиб, биттама-битта
 Исларимизни айтиб чақирдинг. Мен, Диомед ҳамда
 Тангриваш шоҳ Одиссейга ширин сасинг таниш туйилди
 Пистирмада бўлсак ҳамки ёғоч отнинг зулмат қорнида.
 Айни шу пайт сиртга чиқиш, ҳеч бўлмаса баланд сас ила
 Товуш бермоқ келди мен ва Диомеднинг кўнглига бирдан;
285. Лек Одиссей тек тўхтатиб қолди бизни – шошқалоқларни;
 Қолган ҳамма от қорнида теран сукут сақлаб ўтириди.
 Лек Антиклес сенга жавоб қайтармоққа чоғланган эди,
 Шоҳ Одиссей ўз бақувват кафти билан тентак оғзини
 Тўсиб, бизни асраб қолди фалокатдан; сен Афинанинг
290. Амри ила қайтиб кетгач, Антиклеснинг оғзи очилди».
 Одиссейнинг доно ўғли деди шунда шоҳ Менелайга:
 «О Зевснинг дастпарвари, Атрейзода, халқлар султони,
 Менинг отам метин юрак бўлса ҳамки, машъум тақдирдан
 Жонин сақлаб қололмабди – шу дардимга дард қўшар яна.
295. Вале етар, тўшакларга ётиб энди хузурли тушлар
 Кўриб ором олмоқ учун фурсат келди шекилли, дўстлар».
 Шундай деди у, Елена амр этди меҳмонлар учун
 Ровондаги каравотлар устидаги партўшакларга
 Қирмизи ранг патгиламлар тўшаб, яна устга ёпинмоқ
300. Учун бир жуфт пар ёстиқ ва бир жуфт кўрпа ёзишларини.
 Жориялар чироқ ушлаб чиқиб кетди емакхонадан.
 Меҳмонларга жой солингач, маҳрам бошлаб кетди уларни.
 Сокин уйқу оғушига олди икки азиз меҳмонни –
 Одиссейзод Телемахни ва Несторзод Писистратни.
305. Салдан кейин қаср ичилади Менелай ҳам пинакка кетди
 Узун кўйлакли малика Еленанинг ёнига ётиб.
 Ол бармоқларини ёйиб балқди кўкка навниҳол Эос;
 Саркардалар саркардаси зулфизар шоҳ турди ўрнидан;
 У кийиниб, елкасига дами ўтқир шамширин осди;
310. Сўнгра боғлаб оёғига нафис шиппак, чиқди ётоқдан –
 Жамолидан нур ёғилган тангриларга ўхшар эди у.
 Телемахнинг хонасига кириб салом берди ва сўрди:
 «Эй жувонмард Телемах, айт, ҳад-ҳудудсиз ленгизда сузуб
 Нима мажбур қилди сени Лакедемонимга келишга?
315. Халқинг ташвишими ёки ўз ташвишинг? Очиқ айт менга».
 Одиссейнинг азиз ўғли Менелайга жавоб айлади:
 «О Зевснинг дастпарвари Атрейзода халқлар султони,
 Мен падарим қисматини билмоқ учун келдим қошингга;
 Молу мулким қийратилди, хароб бўлди экинзорларим;

320. Уйим менинг тўлиб кетган ёв қуёвлар – босқинчиларга;
Очофтлар қўйу эчки, эгик шохли қорамолларим
Аямасдан сўйиб, мени хонавайрон қилиб ётирлар;
Биттамизни эр қил, дея волидамни қийнамоқдалар.
Ёлбораман тиззаларинг кучиб, менга отам ҳақида
325. Ўз кўзинг-ла кўрганларинг, ё бирон бир сайёҳ одамдан
Эшитганинг воқеа ё ҳодисани очиқ айтиб бер.
Отагинам азоб ва фам чекмоқ учун туғилган экан!
Менга раҳм қилма асло, барча кўрган-билгандарингни
Гапиравер ҳеч ерини ташлаб кетмай ё силлиқламай.
330. Гар ҳимматли отам менинг сиз, ахейлар узоқ Троя
Тупроғида азоб чеккан пайтингизда сенга сўз бериб,
Ўшал сўзин ҳақ гап билан ё иш билан бажарган бўлса,
Шуни эсла ва барини бекаму кўст сўзлаб бер менга».
Зулфизар шоҳ Атрейзода шундай деди фазаби қайнаб:
335. «Вой, бадбаҳтлар! Ҳали ўша қўён юрак такасалтанглар
Булғамоқчи бўлишдими диловар эр никоҳ тўшагин?
Она буғу янги туққан эмизикли болаларини
Қонхўр шернинг ўрмондаги уясида қолдириб, ўзи
Ўтлагани тоғ ёнбағри, дала-даштга кетсаю, бу пайт
340. Шер инига қайтиб келса, кўзи тушиб болакайларга,
Ҳаммасини аямасдан бир лаҳзада фажиб ташларди.
Куёвлар ҳам Одиссейдан ҳали шундай азоб кўурурлар.
О тангри Зевс, о маъбуда Афинея, о феб Аполлон!
Бир пайтлар шоҳ Одиссей одам ила гавжум Лесбосда
345. Филомиledger полвон билан кураш тушиб курагин ерга
Теккизганда, бутун ахей аҳли қандоқ мамнун бўлганди.
Гар Одиссей куёвларнинг даврасига шу важоҳатда
Кириб борса, уйланмоқлик оғу бўлур албат уларга.
Мен ҳам сенга сўзлаб бергум ҳамма кўрган, эшитгандарим;
350. Ҳақсўз денгиз қарияси нималарни гапирган бўлса,
Бир сўзини ҳам яширмай ҳаммасини айтгум рўй-рост.
Ватанимга қайтар йўлим тўғсан эди худолар ҳамон:
Бажармаган эканман мен ваъда қилган ҳекатомбани;
Ки худолар талаб қилур вафо қилмоқликни ваъдага.
355. Бир орол бор пўртанили денгизда, у Мисрга қўшни;
Унинг номи – Фарос; боди мурод эсган чоғда Мисрдан
Кема бир кун сузив ета оладиган масофада у.
Оролдаги ғоят ажиб бандаргоҳда тўхтаб кемалар,
Захирага ичимли сув фамлаб олиб сузив кетурлар.
360. Мен у ерда баҳрийларга матлуб ҳамроҳ бўлган шамонлинг
Тангриларнинг ҳоҳиши-ла Миср ёқдан эсишин кутиб,
Ватанимга жўнай олмай, йигирма кун тўхтаб қолгандим.
Захиралар тугаб, ҳамма одамларда руҳий тетиклик
Завол топа бошлаганда айёр денгиз қариясининг*
365. Соҳибжамол доно қизи Эйдофея кутқарди бизни.
Сўқмоқ йўлдан фамга ботиб ёлғиз кетаётганим кўриб,

Маъбуда раҳм қилди менга. Одамларим дengiz бўйида
Эгри қармоқ билан балиқ тутардилар – оч эди улар*.
Ҳур маъбуда яқин келиб деди менга мулойим сас-ла:

370. «Эй мусофир, кимсан ўзинг? Ақли йўқ бир болакаймисан?
Қўрқоқмисан? Ялқовмисан? Ё қоврилиб ўз ёғингга сен,
Ҳамроҳларинг дилин хушнуд қила олмай, бизнинг оролдан
Жўнаб кетиш иложини тополмай кам чекмоқдамисан?»
Шундай деди маъбуда ва жавоб қилдим мен унга бундай:
375. «Ким бўлсанг ҳам, эй маъбуда, айтгум сенга бор ҳақиқатни:
Бунда бекор ўтиришга мажбурман мен, хоҳламасам ҳам;
Эҳтимол мен билмай туриб, бирон гуноҳ ишга қўл уриб
Самодаги худоларнинг ғазабига учрагандирман.
Сен менга айт (сиз, тангрилар ҳар бир гапдан боҳабарсизлар),
380. Қайси боқий тангри менинг балифи мўл азим дengизда
Сузиб азиз ватанимга жўнашимга монеълик қилур?»
Шундай савол берган эдим, жавоб қилди маъбуда бундай:
«Ҳамма гапни очиқ айтгум, билиб ол сен бор ҳақиқатни:
Бу оролда кўпдан бери яшаб келар закий Протей –
385. Боқий сифат бу қария дengизнинг энг теран ва олис
Еригача тадқиқ этган. Посейдоннинг ҳукмига тобе.
Дейдиларки, менинг қондош отам эмиш бу мисрли чол.
Агар сен бу қарияни қўлга олиш иложин топсанг,
Ҳамма сирни очарди у: сувда қандай сузишингни ҳам,
390. Қанча вақтда ўз юрtingга соғ-саломат етишингни ҳам.
Гар хоҳласанг, ҳувиллаган совуқ, овлоқ дengизларда сен
Сарсон сузиб юрганингда ўз уйингда не воқеалар
Ва не ҳоллар юз берганин айтиб берур доно қария».
Шундай деди ҳур маъбуда, жавоб қилдим мен унга бундай:
395. «Бизга кошиф каромат бу чолни қандоқ қўлга олишини
Ўзинг ўргатки, у била олмасин ҳеч ниятимизни:
Одам учун мушкул ишдир қўлга олмоқ қодир тангрини».
Шундай дедим ва маъбуда бундай жавоб қайтарди менга:
«Очиқ айтгум ҳамма гапни, вазиятни англаб ол ўзинг;
400. Бу ерда ҳар кун Гелиос чиққанида тикка қиёмга,
Дабдурустдан шамол туриб кўпиргандада қора долғалар,
Бош кўтариб чиқар дengиз қарияси уммон қаъридан;
Сувдан чиқиб, дам олгани бориб ётар заҳ бир чуқурга,
Галалашиб чиқиб келган Алосинда зурриётлари –
405. Куракоёқ тюленлар ҳар ёққа бадбўй ис таратганча,
Қариянинг атрофига ётиб ухлаб кетурлар; тонгда
Яшираман сени тюленлар ичига; ундан олдин сен
Уч азамат ўртоғингни бошлаб келгин менинг қошимга.
Энди сени огоҳ этгум қариянинг жодуларидан:
410. Даставвал у тюленларни битта-битта санаб чиқади;
Сўнг ўзи ҳам худди кўйу қўзилари ичиди ётган
Чўпон янглиғ тюленларнинг орасига ётиб ухлайди.

- Сизлар унинг маст уйқуга ғарқ бўлганин кўрган заҳоти,
Астойдил қуч сарфлаб уни маҳкам ушланг; у типирчила
415. Кўлингиздан чиқмоқ бўлур – асло қўйиб юбора кўрманг;
Шунда у чол ер юзининг жонзотлари қиёфасига
Бирин-кетин кира бошлар, сув бўлур ва олов ҳам бўлур.
Лекин сизлар ҳеч қўрқмасдан уни маҳкам ушлаб туринглар.
Фақат агар у аввалги – сизлар кўрган қиёфасига
420. Кириб, яна одамлардек мурожаат қиласа сизларга,
Шу заҳоти қарияни қийнамасдан қўйиб юбориб,
Сўрагинки, қай тангрининг сенга қаҳри келган экан ва
Ўз юртингга денгиз оша омон етиб олармикансан».
Гапи тугаб маъбуданинг, шўнгиди тез денгиз қаърига.
425. Мен соҳилда қотиб турган кемаларим пойига бордим;
Улар машъум ташвишларга солиб мени, эзарди қалбим;
Бандаргоҳга етиб бордим; кечлик таом пиширадилар
Одамларим йигилишиб; қош қорая бошлаган эди;
Сўнгра бизлар ухлаб кетдик; алла айтар эди тўлқинлар.
430. Ол бармоқларини ёйиб балқиб чиқди зулматдан Эос.
Мен ёнимга уч азamat ҳамроҳимни олиб қумлоқ, нам
Соҳил бўйлаб бораракманман, ҳар қадамда тизимни букиб
Дуо ўқиб худоларга сифинардим; айни шу маҳал
Денгиз қариясин қизи Эйдофея денгизга шўнғиб,
435. Олиб чиқди тўртта тюлен терисини шилиб бизларга;
Отасига панд беришни кўзлаган бу дилбар маъбуда
Сув бўйида чуқур қазиб кутиб турар эди бизларни.
Маъбудани кўрган заҳот бордик унинг истиқболига.
У бизларни жойлаштириди чуқурчага ва устимизга
440. Ёпиб тюлен териларин, жим ўтиинг, дея буюрди;
Тюленларнинг сассифига чидаш азоб эди биз учун –
Бадбўй терини ёпиниб ётиш осон дейсизми ахир!
Лек маъбуда хушибўй анбар ислар пуркаб димогимизга,
Бир лаҳзада хаолос этди бизларни бу оғир азобдан:
445. Махлуқларнинг бадбўй ҳиди ғойиб бўлди димогимиздан.
Биз эрталаб чошгоҳгача юрагимиз зиқ бўлиб кутдик.
Мана, охир галалашиб чиқди сувдан тюлен подаси;
Чиқиб қумлоқ соҳилга ёнма-ён ётди бари чўзилиб.
Туш чоғида қария ҳам чиқиб келди денгиз тубидан.
450. Кўриб миқти тюленларин, санаб чиқди биттама-битта.
Аввало у пистирмада ётган бизни санади билмай;
Кейин ўзи ҳам махлуқлар орасига ётиб жойлашди.
Faflatдаги қарияга ташландик биз шунда ҳайқириб
Ba·бақувват қулларимиз билан уни қучоқлаб олдик;
455. Ишга солди жодугарлик хунарини шунда қария;
Энг аввал у кирди қонхўр ёлдор шернинг қиёфасига
Кейин аждар, важоҳатли қобон, қоплон, қутурган дарё,
Сўнгра азим дараҳт бўлли бутоқлари тарвақайлаган...
Биз қўрқмасдан чолни маҳкам ушлаб турдик чарчашни билмай;

460. Чолнинг сеҳр-жодулари иш бермагач, у ювош бўлиб
 Қолди ҳамда менга шундай савол билан тақаллум қилди:
 «Эй Атрейзод, мени найранг билан енгмоқ йўлини сенга
 Боқийларнинг қайси бири ўргатди? Айт, нима истайсан?»
 Шундай деди қария ва унга жавоб қилдим мен бундай:
465. «Эй чол, ўзинг биласанку (гапни ковлаб нима қиласан),
 Кўпдан бери кетолмасдан ўтирибман бу оролдан мен,
 Бошим қотган, ташвишдаман ҳамроҳларим кайфиятидан.
 Яхиси, айт (қодир тангри қодирдир ҳар ишни билмоқقا),
 Қайси боқий тангри менинг пўртанаали денгизда сузуб
470. Ватанимга қайтар йўлим тўсиб, ушлаб турибди бунда?»
 Деб сўрадим қариядан, жавоб қилди у менга бундай:
 «Сен юртингга омон қайтиб бормоқ учун кемаларингда
 Сиё денгиз сафарига чиқмай туриб, фарз ва қарз эди
 Зевс ва ўзга тангриларга ҳекатомба бағишламоғинг.
475. Билки, сен то Мисрдаги самовий сув* бўйига қайтиб,
 Ўша ерда чексиз фалак сultonлари Зевс ҳамда ўзга
 Тангриларга бағишлаган қурбонлиғинг қилмагунингча
 На суюкли ватанингни, на-да азиз қондошларингни
 Кўриш насиб этгай сенга ул шоҳона гўзал кўшкингда.
480. Акс ҳолда, боқийлар ҳеч очмагайлар ватанингга
 қайтар йўлингни».
- Қариянинг бу гапидан юрак-бағрим эзилиб кетди:
 Ваҳимали денгиз оша оғир, олис сафарга чиқиб
 Яна Миср сари қайтиб бориш даҳшат эди мен учун.
 Шундай бўлса ҳам, муғамбир қарияга жавоб айладим:
485. «О илоҳий қария, мен қилгум барча айтганларингни;
 Вале сен ҳам дегил менга ҳеч нимани сир сақламасдан:
 Трояда Нестор ва мен билан хайр-маъзур қилишган
 Ахейларнинг бари эсон-омон етиб боришганми ўз
 Юртларига кемаларда? Айтгил, қайси шўри қуриган
490. Ватанига ета олмай, чўкиб кетди кемаси билан?
 Қай муҳориб жароҳатдан қазо қилди дўстлар қўлида?»
 Деб сўрадим қариядан, жавоб қилди у менга бундай:
 «Шоҳ Менелай, мендан буни сўрамасанг яхини бўларди,
 Кўй, Атрейзод, ҳеч нимани билмагин ҳам, сўрамагин ҳам;
495. Агар ҳамма гапни айтсан, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўккайсан.
 Кўплар энди йўқ; тириклар ҳам кўп ҳали ёруғ жаҳонда;
 Мис совутли ахейлардан фақат икки саркардагина
 Ватанига қайта туриб аро йўлда нобуд бўлганилар;
 (Жанггоҳларда кимлар ҳалок бўлганини ўзинг биласан);
500. Учинчиси овлоқ денгиз оғушида асоратдадир.
 Оилейзод Аякс денгиз тўфонида узун эшқакли
 Кемалари билан бирга ҳалок бўлган; Посейдон унинг
 Кемасини улкан Гирей қоясига парчилаганди.
 Лек ўзини аяб сувдан чиқарганди, манфур бўлса ҳам

505. Афинага; Аякс эса хўб керилиб шаккоклик қилган:
 «Худоларнинг хоҳишига зид ўлароқ мен чўкмай қолдим»,
 Деб мақтандан. Посейдон бу густоҳона сўзни эшитган.
 Ул фазабнок зилзилакор уч айрили асоси* билан
 Бир' зарб уриб чўнг қояни икки ёққа бўлиб юборган;
510. Бир бўлаги бутун қолган, иккинчиси чилпарчин бўлиб
 Устидаги шаккок Аякс билан бирга сувга ғарқ бўлган;
 Бахти қаро Аякс шундай маҳв бўлган ўшр сувга бўкиб.
 Сенинг аканг Агамемнон тақдирга чап бериб, Геранинг
 Паноҳида сузиб яқин келганида азим Малея
515. Қоясига, бирдан бўрон кўтарилиб, унинг аянчили
 Фигонига парво қилмай, кемаларин салтанатининг
 Узоқдаги гўшасига олиб кетган – Фиест юртига;
 Фиестдан сўнг унинг ўғли Эгист эди ҳоким у ерда
 Аммо тезда дengиз тинган ва тангрилар муродбахш шамол
520. Йўллаганлар; боди мурод суриб келган Агамемнонни
 Ватанига. У юраги қувнаб азиз соҳилга тушган.
 Матлуб юртин кўриш насиб этганидан қайноқ ёш тўкиб
 Кўзларидан, ерга ётиб тупроғини ўпа бошлиган.
 Лекин уни кўриб қолган минорада турган пойлоқчи.
525. (Ёвуз Эгист унга икки талант олтин вадда қилганкан);
 Шу пойлоқчи шоҳ Атридинг ватанига қайтган пайтини
 Кўздан қочирмаслик учун йўл пойларкан бир йилдан бери.
 Пойлоқчи шум хабар билан чопган Эгист хонадонига.
 Шу заҳоти маккорона режа тузган бадният Эгист:
530. Халқ ичидан йигирмата азаматни танлаб олиб у,
 Шоҳ саройи атрофига йигитлардан пиширма қўйган;
 Ўзи кириб амр этган зиёфатга стол тузашни
 Кейин чиқиб аробага, юзда соҳта табассум ҳамда
 Диlldа ёвуз ният билан пешвоз борган Агамемнонга;
535. Ҳеч бир гапдан хабари йўқ акангга у хушомад қилиб
 Бошлаб кирган қасрга ва базм чоғи уни ўлдирган –
 Худди қассоб буқани ўз охурида бўғизлагандек;
 Аканг билан келганлар ҳам битта қолмай қириб ташланган,
 Эгистнинг ҳам одамлари маҳв бўлган улар қатори».
540. Юрагим чилпора бўлди қариянинг гапин эшитиб.
 Мен юзтубан ётиб юм-юм йиғладим кўп; ки яшаши ҳам,
 Қуёшнинг нуридан баҳра олишни ҳам хоҳламасдим ҳеч.
 Мен қирғоқда алам чекиб ҳўнграганча узоқ вақт ётдим.
 Лекин менга шундай деди гап сўнгидаги фаросатли чол:
545. «Шоҳ Менелай, бас, йиғлама, ўзингни кўп қийноққа солма;
 Кўз ўшларинг наф бермагай: сен яхшиси, тезроқ юрtingга
 Қандай қилиб ётиб бориш тўғрисида бошингни қотир.
 Борганингда, Эгистни ё соғ кўрасан, ё Орест келиб,
 Уни маҳв этган бўлур; сен кўмгани ётиб борасан».
550. Деди дengиз қарияси; қамраб олди қалбимни қувонч;
 Мен азадор бўлсан ҳамки, руҳлантириди чолнинг ўгити.

Шундан кейин савол бердим Протейга янгроқ сас ила:
«Икки киши ҳақида сен сўзлаб бердинг; энди денгизнинг
Оғушида ётган яна учинчи шахс ҳақида сўзла:

555. Тирик девдинг уни, ҳануз тутқундами? Ё энди йўқми?
Мен тайёрман эшитишга нечоёлиқ шум хабар айтсанг ҳам». Деб сўрадим Протейдан, жавоб қилди у менга бундай:
«У Лаэртнинг азиз ўғли, Итаканинг соҳиби тожи.
Маъбудалар маъбудаси оролида кўргандим уни,
560. Ҳашаматли бир гўшада юм-юм йиғлаб ўтирган эди;
Энди унинг ватанига қайтадиган йўли тўсиљган:
Жўшқин дengiz тўшин тилиб ота юртга қайтмоғи учун
Йўқdir унинг кемаси ҳам, ҳатто баҳрий ҳамроҳлари ҳам.
Лек тангрилар сенга, Атрид, бошқа қисмат тайёрлаганлар:
565. Сен ўлмайсан йилқилари мўл Арғосда; сени худолар
Заминнинг энг чеккасига, масъудларнинг маскани* бўлмиш
Малла сочли Радамантнинг ватанига юборажаклар
(масъудлар ул ерда мудом фароғатда кун кечиурулар,
Унда бўлмас на бўрону, на жалаю, на қиш аёзи;
570. Океандан эсган эзгу шаббодадек ҳузурбахш Зефир
Масъудларнинг дилларини хушнуд этиб турар дамодам),
Зероки сен Еленанинг эри, Зевснинг күёвидурсен*».
Шундай дея шўнғиб кетди у денгизнинг теран қаърига.
Мен баҳодир ўртоқларим бирла қайтдим кемаларимга;
575. Улар машъум ташвишларга солиб мени, эзарди қалбим;
Сув бўйига етиб бордим; кечлик таом пиширадилар
Одамларим йиғилишиб; қош қорая бошлаган эди;
Сўнгра бизлар ухлаб кетдик; алла айтар эди тўлқинлар.
Ол бармоқларини ёйиб балқиб чиқди зулматдан Эос.
580. Кемаларни итаришиб туширдик биз муқаллас сувға;
Кема мачтасини тиклаб елканларни ёйдик, жамики
Ҳамроҳларим гурра чиқиб эшқакларнинг бандин тутдилар
Ва баравар эшқак эшиб чўнг денгизни кўпиртиридилар.
Шунда яна кемаларни мен Мисрнинг самовий суви
585. Соҳилига йўналтиридим ва қурбонлик қилдим у ерда;
Гекатомба билан аҳди самоларни ризо қилгач, мен
Акам руҳин шод айламоқ учун уйдим қабр тупроғин.
Сўнг биз яна суза кетдик эзгу шамол ҳамроҳлигида;
Боди мурод олиб келди бизни азиз юртимизгача.
590. Сен Телемах, ўн-ўн бир кун менинида меҳмон бўлиб тур;
Кейин, майли, жўнатарман энг бебаҳо тухфалар билан:
Бергум учта учқир оту жанграба ва ноёб кўза;
Ул кўздан сен май паймо қилганингда мени эсларсан».
«Шоҳ Менелай, — дея жавоб қилди оқиқ Одиссейзода, —
595. Мени бунда кўп ушлама, ўз уйимга шошилмоқдаман;
Сенинида мен жон-жон деб бир йилгача тураверардим,
Ватанинга қайтиб бормай хешшаримнинг жамолин кўрмай —

- Сенинг лазиз суҳбатларинг, қаломларинг ром этди мени;
Вале мени ҳамроҳларим кутмоқдалар ҳозир Пилосда;
600. Сен бўлсанг, шоҳ, мени олиб қолмоқчисан олий қасрингда.
Менга шундай туҳфа берки, сақлаш мумкин бўлсин уйимда;
Отларингни уйга олиб кетолмайман: улар юртингнинг
Кўрки эрур; қолаверса, сенинг улкан далаларинг кўп;
Ерларингда йўнғичқа-ю, оқ буғдоиу, бошоқлари зил
605. Асл арпа баракали ҳосил берур; Итакада-чи?
Далалар ҳам, барра ўтлар бўлиқ ўсган яйловлар ҳам йўқ;
Тоғ бағридаги ўтлоқлар отларгамас, эчкиларга мос;
Денгиз қучган оролларда яйловлар кам, учқур тулпорлар
Яйраб-яшнааб ўтломаслар; лек Итака ундан-да абгор».
610. У жим қолди. Шоҳ Менелай жилмайганча Одиссей ўғлин
Юзига сал шапатилаб қўйиб деди мулойим бир сўз:
«Гапларингни тинглаб, ўғлим, билдим наслинг тозалигини;
Отлар эмас, бошқа совға бергум сенга. Бу қийин эмас;
Мен беадад бойликларим ичидан энг ноёб армуғон
615. Танлагайман; сенга ажиб зиёфатбоб май жомин бергум;
Кумушдан у жом ясалган, гир айланга лаби олтиндан;
Тангри Гефест санъати у; ўшал жомни сидонлар шоҳи
Муруватли меҳмоннавоз Федим менга туҳфа қилганди.
Ота юрга қайтаётиб, йўл-йўлакай унинг қасрида
620. Меҳмон бўлган кунларимда; шуни сенга қилгум армуғон». Улар шу тарз ширин-ширин суҳбат қуриб ўтиришганда
Шоҳ қасрига базм учун қўй, эчкилар етаклашиб ва
Майи ноблар кўтаришиб кириб келди азиз меҳмонлар
(Нонни эса меҳмонларнинг хотинлари юборгандилар).
625. Ҳашаматли шоҳ қасрида бошланганди тўй тараддути.
Айни шу чоғ Одиссейнинг ҳовлисида сурбет күёвлар
Вақтихушлик қиласилар лаппак отиб, найзалар санчиб.
Лек күёвлар раҳнамоси билаклари метин Антиной
Ҳамда ўқтам Евримахлар бир чеккала ўтиришарди.
630. Фронийзод Ноемон бу йигитларнинг ёнига келиб,
Ушбу савол ила улар икковини ҳайрон қолдириди:
«Телемахнинг қачон қайтиб келишини қумлоқ Пилосдан
Қай бирингиз менга айтиб берасиз? У менинг кемамда
Кетган эди – ҳозир керак бўлиб қолди кемам ўзимга».
635. Мен сераялов Элидага бормоқчиман; у ерда менинг
Ўн иккита биям билан тойчоқлари ўтлаб юрибди;
Бари асов; биттасини мен эгарга ўргатмоқчиман».
Бу хабардан ҳайрон қолди икки күёв; ки билмасдилар
Телемахнинг сувла сузиб кетганини; улар уни ё
640. Чўчқабоқарлар олдига ё эчкилар ҳол-аҳволидан
Хабар олмоқ учун кетган бўлса керак, деб ўйлардилар.
Ноемонга савол берди ғазаб билан шунда Антиной:
«Ростини айт! Қачон жўнаб кетди? Кимлар билан кетди у?
Итакалик фуқароми ҳамроҳлари ёки ўзининг

645. Ходимлари ё қуллари? Қайдан йиғди у одамларни?
 Яна бир гап: у кемангни сендан зўрлаб тортиб олдими
 Ёки ўзинг сўраганда ўз хоҳишинг билан бердингми?»
 Бундай деди Антийнга Фронийнинг ўғли Ноемон:
 «Ўз хоҳишим билан, албат; бошқалар ҳам худди ана шу
650. Ишни қилган бўлур эди, гар қайғуга фарқ бўлган бирон
 Мискин кас илтимос қилса — ҳеч ким унга йўқ деёлмасди.
 У ёллаган одамларнинг бари ёш-ёш аслзодалар;
 Ўзим кўрдим: Ментор ёки Ментор қиёфасига кирган
 Бирон тангри раҳнамолик қилар эди ул жамоага;
655. Сабабки мен куни кеча у Менторни яна шу ерда
 Кўриб қолдим, лекин у ҳам сузиб кеттган эди кемада».
 Шундай деб у жавоб бергач, қайтиб кетди ота уйига.
 Антий ва Евrimахни чулғаб олган эди ваҳима;
 Икки йигит атрофига йиғилишди барча қуёвлар.
660. Евпейт ўғли Антий бу қуёвларга юзланар экан,
 Ичини ит тирнагандай, ғазабланди, шунда кўкраги
 Кўпчиб-кўпчиб, кўзларида оғаткаш ўт чақнай бошлади:
 «Бу Телемах юрак ютиб жўнаб қопти олис сафарга;
 Аҳвол чатоқ! Кутмагандик ундан бундай жасоратни биз:
665. Бу зумраша бизга айтмай, мустаҳкам бир кемани топиб,
 Ёш-ёш йигитларни ёллаб шўх денгизда сузиб кетибди.
 Қолдик энди биз балога бу ярамас Одиссейзоддан;
 Кошки эди чақмоқдор Зевс олса унинг жонини тезроқ!
 Сизлар ҳозир бир кема ва йигирмата эшкакчи топинг.
670. Мен денгизга сузиб чиқиб Итака ва Зам орасида
 Пистирмада унинг қайтиб келишини пойлаб тураман —
 Отасини излагани ўз бошига бир бало бўлсин!»
 Унинг айтган гапларини маъқуллашди барча қуёвлар.
 Ҳамма гурра кўтарилиб Одиссейнинг уйига кирди.
675. Лек малика Пенелопа тез орада хабардор бўлди
 Телемахнинг жонига қасд қилмоқ бўлган ёв қуёвларнинг
 Маккорона фитнасидан; ҳамма гапни унга ўзининг
 Садоқатли кули Медонт айтиб берди: у қуёвларнинг
 Ҳамма айтган гапларини эшитганди девор ортидан.
680. Маликани бундан огоҳ қилмоқ учун у чопиб келди.
 Пенелопа кўриб уни бўсағада сўроққа тутди:
 «Айт, у бадбаҳт қуёвлардан не топшириқ келтирдинг, Медонт?
 Буюрайми: Одиссейнинг чўрилари бажараётган
 Ишларини ташлаб улар учун овқат пиширишсинми?
685. Қачон ахир қоралари ўчаркин, а? Қачон уларнинг
 Бизницида қилаётган ишратлари барҳам топаркин?
 Эй бизларни итдай талаб, Телемахнинг бутун бойлигин
 Каламушдай кемирувчи очофатлар, наҳотки гўдак
 Чоғингизда, Одиссейнинг қандай мушфиқ зот бўлганини,
690. Ҳеч кимсани сўзи ё бир иши билан ранжитмаганин
 Сизга сўзлаб бермаганлар ул донишманд оталарингиз?

- Ҳолбуки энг иқтидорли ҳукмдорлар, айниқса фоний
 Султонларнинг кўпчилиги кимни севиб, қайси кимлардан
 Нафратланган. Ва лекин ўз халқимиздан бирон киши ҳам
 695. Бирон таҳқир эшитмаган Одиссейдан. Биз эса сиздан
 Кўрмоқдамиз фақатгина беҳаёлик, беандишлиқ;
 Яхшиликни билмайсизлар, кўрнамаклар, малъун бандалар!»
 Оқил Медонт одоб билан жавоб қилди Пенелопага:
 «О маликам, кошки эди барча бало фақат шу бўлса!
700. Ёв күёвлар адоватли интиқомга қўл урмоқчилар
 Бизга қарши – Илоё, Зевс даф қилсин шум ниятларини!
 Улар тифдор шамшир ила Телемахни маҳв этмоқчилар
 Унинг қайтар чоғин пойлаб: у Пилосга ва Лакедемон
 Шаҳарига сузиб кетган отасидан хабар топгани».
705. Қалби ўртаб тиззалари қалтиради онаизорнинг;
 Анчагача лол қолди у, хиралашди кўзлари ёшдан,
 Мажоли ҳам қолмади бир сўз дейишга. Ва ниҳоят у
 Ҳушин йиғиб, сўроқ қилди садоқатли қули Медонтни:
 «Нима мажбур қилди ўғлим Телемахни жўнаб кетишга?
710. Ҳад-худуди йўқ денгизда баҳрийларни олиб юрувчи
 Сув отига қандай чиқди ўз жонини хатарга қўйиб?
 Ё, номимни ҳамма одам унутсин, деб шундай қилдими?»
 Маликанинг сўзин тинглаб оқил Медонт жавоб айлади:
 «Мен билмайман; илло тангри уқтиридими, ё ўзи шуни
715. Хоҳладими, падарини тақдир қайга жўнатганини,
 Нелар кечётганини шўрлик Одиссейнинг бошидан
 Билмоқ учун Итакадан сузиб кетди ўғлинг Пилосга».
 Шундан кейин чиқиб кетди оқил Медонт шоҳона кўшқдан.
 Маликанинг юрагини безиллатди бу мудҳиш андуҳ;
720. Ўтиради у кўшкига кирмай эшик остонасида,
 Ҳашаматли кўшкила кўп бўлса ҳамки момиқ курсилар.
 У йиғларди. Шу чоғ унинг ёшу қари жориялари
 Тўпланишиб жўр бўлиши ѹигисига соҳибаларин.
 Пенелопа аччиқ ғамга ботиб деди жорияларга:
725. «Азизларим! Тенгқурларим аёллардан ул чақмоқдор Зевс
 Фақат мени энг аламили изтиробга гирифтор қилди.
 Олдинига гориб бўлди данай аҳли жамоасида
 Жасоратлар кўрсатиб қўп, ҳам Эллада, ҳамда Аргосни
 Шону шуҳратга буркаган арслондек далир шавҳарим.
730. Энди бўлса жигаргўшам ўғлим ҳам йўқ; бўронлар уни
 Қайларгадир олиб кетган; мен ғофилман бу фалокатдан;
 Эй овсарлар, наҳот мени биттанглар ҳам ўйламагансиз
 Ўйғотишни? Ахир унинг кетишини билгансизлар-ку!
 Оҳ, не учун ҳеч ким менга шипшимади унинг ниятин?
735. Билганимда, ё ёнимда қоларди у, ёки ўзим жон
 Таслим қилган бўлардим бу ғамхонада. Қани, тез бўлинг,
 Боғбонимиз Долионни ҳузуримга чақириб келинг;

- Бу қария содиқ қулим; отам уни сеп қилиб берган
Одиссейга текканимда; у бофимни парваришлайды
740. Сидқидилдан. Қайнотамнинг олдига у физиллаб борсин
Ва Лаэртни бунда бўлган воқеадан боҳабар қилсан;
Шоядки, у ўйлаб кўриб бирон чора-илож топса-ю
Тангримонанд Одиссейнинг ўғли бўлмиш набирасини
Ўлдирмоқчи бўлган барча одамларга йиғлаб ёлборса».
745. Деди шунда Маликага Евриkleя – мушфиқ энага:
«О маликам, жоним, мени мис тиф ила қатл этсанг ҳам,
Ёки раҳм-шафқат қилиб аясанг ҳам яширмам сирни.
Ҳамма гапдан хабарим бор; Телемахнинг амри билан мен
Уларга нон ва май бердим йўлларига; то ўн икки кун
750. Ўтгунича, ёки онам мени бирдан сўрамагунча,
Ё бошқалар сирни ошкор қилмагунча чурқ этма ҳеч, деб
Ўғлинг қасам ичирганди; хоҳламовди ойдек жамолинг
Кўз ёшидан гулдай сўлиб қолишини. Ҳозир, маликам,
Сен ювиниб оҳорли-пок либос кийгил, сўнг жориялар
755. Билан бирга тепадаги кўшкка чиқиб*, тангри Зевс қизи
Афинага тизинг букиб ибодат қил. У Телемахни
Халос этгай фалокатдан; қайнотангни безовта қилма;
Шундоқ ҳам у ғамга ботган, эзилмасин; боқий тангрилар
Аркесийзод* авлодидан ҳали мутлоқ юз ўгирмаган;
760. Бил, бу авлод Итакада салтанатнинг, салтанатдаги
Барча ер-сув, ўрмонларнинг ҳукмдори бўлгай ҳамиша».
Шундай деди Евриkleя; қайфу кетди, кўз ёшлар тинди.
Пенелопа ювинди ва оҳорли-пок либос кийиб жориялари
Билан бирга тепадаги кўшкка чиқди ва саватга у
765. Арпа донини тўлдириб* Афинага илтижо қилди:
«Тингла зорим, о Зевснинг бокира-хур қизи Афина!
Гар соҳибтоҷ шоҳ Одиссей қачонлардир бу хонадонда
Сенга атаб бўрдоқи қўй, семиз буқа гўштин куйдирган
Бўлса, шуни эслагину қутқар унинг ёлғиз ўғлини,
770. Даф эт ундан ёвуз ният куёвларнинг дасисасини».
Дея қилди ибодат у ва маъбуда эшитди уни.
Куёвлар бу маҳал шоҳнинг саройида шовқин соларди.
Баъзилари роса оғиз кўпиртириб керилишарди
Тентаклардай: «Ха, матлуба маликамиз ҳозир никоҳнинг
775. Тадоругин кўраётган бўлса керак – кимни танларкин?
Билмайдик, биз ўғлига қандай совға тайёрлаганмиз».
Ўзларига қандай «совға» шай турганин билмасди улар.
Антиной бу мақтандоқлар гапин тинглаб деди қаҳр ила:
«Нима, жинни бўлганмисиз? Оғзингиздан бундай бемаъни
780. Гап чиқмасин; шов-шув бўлиб кетар агар бирор эшитса.
Яхиси, биз бу ердан тез кетайлик-да ҳали яқинда
Келишилган режамизни бажарайлик ими-жимида».
Антиной ҳалқ орасидан йигирмата йигитни танлаб,
Улар билан жўнаб кетди соҳилдаги кемалар ёққа.

785. Соҳил бориб туширдилар бир кемани суриб денгизга
Мачтасини тикладилар, абзалларни тартибга солиб,
Кийдирдилар эшкакларни чайир чарм халқаларга. Сўнг
Елқанларни кўтардилар. Содик қуллар қурол-аслача
Келтирдилар; ҳамма чиқиб тез кемага денгизда сузиб
790. Нари кетди. Кейин кечлик қилиш учун ҳозирлик кўриб,
Кеч киришин ва қоронги тушишини кутиб турдилар,
Бу аснода Пенелопа тепадаги хобхонасида,
Телемах чап берармикин ўлимга ё хоин қотиллар
Қўлида ёш умри ҳазон бўлармикин, деган аламли
795. Хаёлларнинг оғушида ётар эди туз ҳам татимай.
Овчиларнинг куршовида қолиб, ҳозир маҳв бўлишини
Сезган арслон қандай ваҳимага тушса, Пенелопа ҳам
Машъум ўйлар оғушида ётар эди юрак ҳовучлаб.
Лек роҳатбахш уйқу келиб аллалагач, у тинчиб қолди.
800. Эзгу ният зоҳир бўлди шу чоғ соҳибдил Палладада:
Яратди у Икарийнинг дилбар қизи (Пенелопанинг
Эгачиси) Ифтихарнинг шарпасини. Бир замонлар у
Фессалия ҳукмдори шоҳ Евмелнинг завжаси эди.
Афина бу руҳ шарпасин йўналтириди Атрид кўшкига.
805. Ифтима ҳасратда ётган Пенелопа бошига бориб,
Нозик-ниҳол бармоқлари билан унинг кўз ёшларини
Артмоғи ва лозим эди юрагига таскин бермоғи.
Жисмсиз руҳ тегмай эшик илгагига ётоққа кирди
Ва малика тепасида туриб шундай ширин сўз айтди:
810. «Ухла, синглим Пенелопа! Андуҳ чекиб жароҳатлама
Юрагингни. Ҳаловатда яшагувчи боқий тангрилар
Ман этурлар сенга кўз ёш тўқмоқликни, ғам чекмоқликни:
Телемахинг қайтиб келур шикаст кўрмай тезда ёнингга;
У худолар қаҳрига ҳеч учрамаган гуноҳ иш қилиб».
815. Тунги эзгу тушлар кўриб ҳаловатли уйқуда ётган
Пенелопа шундай деди жисмсиз руҳ – эгачисига:
«О, опажон, қандоқ келдинг бу ёқларга? Ахир сен жуда
Олисадсан. Онда-сонда бир келардинг бизни кўргани.
Айт, мен нега ғам чекмайин, йиғламайин? Бутун вужудим
820. Ва қалбимни қамраб олган ғам-аламни қандоқ тарк этай?
Олдинига ғориб бўлди данай аҳли жамоасида
Жасоратлар кўрсатиб кўп, ҳам Эллада, ҳамда Аргосни
Шону шуҳратга буркаган арслондек далир шавҳарим.
Энди бўлса жигаргўшам ўғлим ҳам йўқ; очлик-муҳтоҷлик
825. Нималигин билмаган ва ёт одамлар билан ҳеч қачон
Эллашмаган бу ғўр бола чўнг денгизда сузиб кетибди.
Кийнамоқда эримдан ҳам кўра унинг ташвиши мени;
Юрагим зор қақшамоқда, у хатарли денгизда ёки
Ёт юртда ёт одамлардан фалокатга учрамасин, деб.
830. Бунда эса ичи қора касофатлар ўғилгинамнинг
Ватанига қайтишини пойлаб туриб маҳв этмоқчилар».

Жисмиз руҳ жавоб қилди маликага аста пичирлаб:
«Тинчлан, синглим, бекорчи хавф билан қалбинг ўртама асло.

Ўғлингнинг зўр ҳамроҳи борки, ҳар банда ўзини унинг

835. Паноҳига топширмоқни баҳт деб билур; у ҳамроҳ ҳар бир
Ишга қодир — у чақмоқдор Зевснинг қизи Афинеядир.

Маъбуданинг раҳми келиб сенга, синглим, хуш хабар ила
Юрагингга таскин бермоқ учун мени йўллади бу кун».

Жавоб қилди Пенелопа опасининг руҳига шундай:

840. «Гар маъбуда бўлсанг сен ва гар маъбуда сасин эшигтан
Бўлсанг, сўзла Одиссейнинг ҳам аянчли тақдири ҳақда.

Қайди шўрлик? Қодирми у ҳали қуёш нурин кўрмоққа?
Ё энди у қазо қилиб, кетганмикин Аид юртига?»*

Жисмиз руҳ жавоб қилди Маликага аста пичирлаб:

845. «Мен Одиссей борасида аниқ бир гап айта олмайман;
Тирикми у ё ўлганми — билмам; қуруқ гапдан на фойда?»
Деди руҳ ва эшикнинг қулф тешигидан майнин шаббода
Янглиф учеби чиқиб кетди. Пенелопа кўзини очди.

Тўшагидан иргиб турди; ярим тунда кўзи олдида

850. Фоят лазиз туш намоён бўлганидан қалби қувонди.
Бу аснода ёв куёвлар сувда сузиб борар эдилар
Одиссейнинг ўғлин қандоқ ўлдиришни тасаввур қилиб.
Шўр дengизда, Итака ва тоғли Замнинг қоқ ўртасида

Қоялари мўл орол бор; номи Астер; у кичиккина;

855. Унинг икки ёғида ҳам кемаларнинг тўхташи учун
Бандаргоҳ бор. Ахейлар шу ерга қўйди пистирмаларни.



БЕШИНЧИ ҚҰШІК

Барно Тифон түшагидан барвақт турған Эос самога
Балқиб, масъуд боқийлару фонийларга таратди зиё.
Бу аснода само аҳли түпланғанди зёр анжуманға
Иқтидорли бузрук тангри чақмоқдор Зевс бошчилигіда.

5. Ҳұр Афина күпдан бери Калипсонинг асири бўлиб
Ётган шўрлик Одиссейга раҳми келиб сўзлай бошлади:
«Зевс, падарим, хукмдорим, сиз ҳам, масъуд боқий тангрилар,
Бундан бўён, майли, барча шаҳаншоҳлар ювош бўлсинлар,
Адолатдан юз ўтириб, раиятни эзаверсинлар,
10. Гар унуган бўлсангизлар Одиссейнинг саховатли шоҳ
Бўлганини, ўз халқини энг меҳрибон оталар янглиғ
Севганини. Уни тўфон маъбудалар маъбуласининг
Оролига улоқтирган. Асоратда яшамоқда у;
Қайтолмайди ватанига – йўл беркилган: жўшқин денгизнинг
15. Тўшин тилиб азиз ота ўлкасига қайтмоғи учун
На кемаси ва на баҳрий ҳамроҳлари бор у шўрликнинг.
Энди бўлса ёвлар унинг ёш ўғлини ўлдирмоқчилар
Телемахнинг келаётган йўлин тўсиги очиқ денгизда:
У муқаллас Пилосга ва Атрид* шаҳри Лакедемонга
20. Сузиб кетган, зора-мора отам ҳақда бирон хушхабар
Эшитолсам, деган ширин хаёл билан, эй бузрукворим».
Булатийигар Кронзода эътиroz-ла деди қизига:
«Кўп аломат сўзлар учди, қизим, сенинг дудоқларингдан.
Ахир ўзинг айтмабмидинг, доно қизим, агар Одиссей
25. Қайтиб борса, ул ғанимларнинг барини қийратади, деб?
Телемахни ҳозир ўзинг уйигача кузатиб қўйгил;
Етиб олсин у бешикаст ота юрга – эплайсан буни;
Ғанимлар ҳам қайтиб борсин Итакага ёвузлик қилмай.
Деди Зевс, сўнг юзланди азиз ўғли Гермесга шундай:
30. «Аё, содиқ даракчимиз, сен сунбул соч санам қошига
Учиб бориб, айтгил унга бизнинг қатый қароримизни:
Одиссейнинг азоб чекиши даври битди; у тангриларнинг
Кўмагисиз, бандаларнинг мададисиз гумбур сол ясаб,
Чиқсин денгиз сафарига; бардош бериб кўп хатарларга
35. Йигирма кун деганда у етиб олгай Схерияга;
Унда яшар феак аҳли – тангриларнинг акраболари;
Бу эл уни эъзозлагай худди боқий тангридек билиб:
У феаклар туҳфа қилган кемага мис, зар ва бебаҳо
Либосларни ортиб қайтгайки уйига, ҳатто Троя

40. Жанггоҳидан ҳам бу қадар күп ўлжалар ололмас эди.
Ниҳоят у азиз яқин хешларини, ота юртини
Ва муҳташам кошонасин күрүр тақдир ҳоҳиши ила».
Деди Зевс; хушдаракчи Аргускүш ҳам шайланди дархол:
У ҳам уммон, ҳамда замин узра қүшдек учиргувчи зар
45. Кафшларини боғлаб жадал оёғига, олди құлига
Сеҳрли тиғ, ки бу тиғ-ла фонийларнинг кўзларин юмиб
Ухлатар ё фафлат босиб ётганларни уйғотар эди.
Учиб кетди сеҳрли тиғ ушлаган бу қодир Аргускүш.
Пиерия осмонига у тез етиб бориб* қўқдан шўр денгиз сари
50. Шўнғиди ва сув юзига балқиб чиққан балиқни чаққон
Чангалига илаётib қанотини сувга ҳўллаган
Оқчорлоқдай учиб кетди пўртанали денгиз юзалаб.
Мана, Гермес нотинч денгиз узра қүшдек енгил учганча,
Етиб борди олисдаги кўзлагани эзгу оролга.
55. Куруқлиққа чиқди-да у бинафшаранг-сиё денгиздан,
Соҳил бўйлаб юра кетди қоронги фор сари жадаллаб –
Бу фор сунбулсоҳ санамнинг кўшки эли – у шунда экан.
Олов гур-гур ёнар эди ўчогида, бутун оролга
Таралганди кедр ҳамда ҳаёт дарахтининг* хуш атри
60. Санам эса олтин дастгоҳнинг ёнида ўтириб олиб,
Нафис мато тўқир экан куйлар эди янгроқ сас ила.
Шигил ўсган оқ тераклар, қандоғочлар, муаттар сарвлар
Фор атрофин қуршаб олган; яшил шохлар оралиғига
Турфа қушлар: қирғийлару, бойқушлару бақироқ денгиз
65. Қарғалари ин қурғанлар; улар шовқин кўтариб, қирғоқ
Бўйлаб дайдиб юрадилар, чўқигани овқат ахтариб.
Теран форнинг деворларин яшил тўрдек ток новдалари
Чирмаб олган; новдаларда ширин-шакар узум бошлари.
Бир эмас, тўрт зилол ҷашма ёндош бўлиб жилдирамоқда
70. Ҳар тарафга биланглабон; бутун атроф ям-яшил ўтлок,
Ошкўклару бинафшалар, ембоп ўтлар гуркираб ётур.
Гар бу ерга тасодифан боқий тангри ташриф буюрса,
Ҳатто у ҳам ҳайратланар, тўлар эди қалби қувончга.
Тангриларнинг даракчиси Аргускүш ҳам ҳайратда эди;
75. У ҳар ёқни қувонч ила, қойил қолиб кўздан кечиргач,
Теран форга кириб борди; шунда санам, маъбудаларнинг
Маъбудаси келган меҳмонни таниди бир қараашдаёқ
(Ки боқийлар бир-бирларин танимоги муқаррар эрур
Гарчи улар ҳеч кўрмаган бўлсалар ҳам бир-бирларини).
80. Лекин Гермес учратмади Одиссейни санам форида;
Ўтиради у серқоя соҳилда бир ўзи кун бўйи
Шўр денгизга тикилганча хўрсиниб ва аччиқ ёш тўкиб.
Маъбудалар маъбудаси Аргускүшга ғоятда нафис
Курсидан жой кўрсатди ва шундай савол ила юзланди:
85. «Хуш келибсан, олтин тиғли Гермес, менинг азиз меҳмоним!
Илгари ҳеч мени йўқлаб келмас эдинг; Нима истайсан?

- Жоним билан бажо этгүм истагингни, агар имконим
Бўлса, агар ижро этмоқ ҳуқуқига эга бўлсам мен.
Лекин ундан аввал сени, Гермес, меҳмон қилмоғим керак».
90. Санам шундай дея, меҳмоннинг олдига хонтахта қўйиб,
Тотли анбар таом ҳамда ол ранг обиҳаёт келтириди.
Гермес обиҳаёт ичиб, еди хуштаъм илоҳий таом.
Шундан сўнг у сунбул сочли маъбудага жавоб қайтарди:
«Сен – маъбуда мен – тангридан билмоқчисан
нечун келганим!
95. Мен амрингни вожиб айлаб сўзлаб бергум бор ҳақиқатни.
Ўз хоҳишим билан эмас, Зевс амри-ла келдим қошингга.
Айтгил, ким ҳам хоҳлар эди бизга атаб ҳекатомбалар
Бажаргувчи одамларнинг ҳеч қандайин уйи бўлмаган
Овлоқ денгиз узра шунча олис ёққа учиб келмоқни?
100. Аммо лекин чақмоқдор Зевс амрини ҳеч бир боқий тангри
Журъат қилмас рад этишга, бузишга ё менсимасликка.
Дийга аён: Приам шаҳри этагида тўққиз йил тўла
Уруш қилиб ўнинчи йил уни вайрон айлаган ҳамда
Юртларига сузиб кетган мардлар ичра энг шўрпешона
105. Муҳорибни сен горингда асоратда сақлар эмишсан;
Вале ўшал муҳориблар Афинанинг фазабин қўзғаб
Кўйганмишлар Троядан кетар чоғда; шунда маъбуда
Муҳорибларнинг бошига йўллаганмиш даҳшатли тўфон.
Оқибат у жудо бўлиб салоқатли ҳамроҳларидан,
110. Оқиб келган бу оролга маҳобатли долғалар ила.
Тангриларнинг талаби шу: уни озод қилмоғинг керак:
Ёзилмаган ўзга юртда ўлиш унинг пешонасига;
У юритига омон қайтиб, ҳашаматли қасрида хешу
Ёронлари ила дийдор кўришмоғи керак албатт».
115. Деди Гермес. Маъбудалар маъбудаси ҳаяжонланиб,
Баландпарвоз сўзлар билан Аргускушга жавоб қайтарди:
«Мунча ғайирысиз, тангрилар, ичи қора, бераҳмисизлар!
Ажибки, биз маъбудалар ўзимизга фоний эрлардан
Эр танлаб у билан бирга бир ёстиқقا бош қўйсак, сизлар
120. Рашқ қиласиз. Ҳа, бир пайт шафақ маъбудаси Эос ҳам
Орионни севган эди; vale сизлар, мудом ҳузуру
Ҳаловатда яшагувчи аҳли само, шўрпешонани
Кувгансизлар; токи уни олтин тахтли хур Артемида
Ортигия тупроғида маҳв этгунча қувавергансиз.
125. Сунбул сочли Деметра-чи? Танлаганди у Ясионни;
Бу маъбуда чин юракдан севиб уни уч марта шудгор
Бўлган ерда қовушганди ёри билан; сал вақт ўтмасдан
Буни Зевсга етказдилар ва у оташ чақмоғин отиб,
Ўлдирганди ошиқ эрни. Энди мен ҳам ҳадсиз-худудсиз
130. Ҳувиллаган шўр денгизда Зевснинг оташ чақмоқларидан
Тилка-тилка бўлган учқур кемасининг тахтапорасин
Кучиб олиб, долғаларга бардош бериб ушбу даргоҳга

- Сузиб келган фоний эрга ёрдам бериб, сиз, худоларни
Фазаблантирибман-да, а? Ҳолбуки, у ҳамроҳларидан
135. Жудо бўлган ва тўлқинлар зўри билан оқиб келганди
Оролимга. Паноҳ бердим мен бу эрга, ғамхўрлик қилдим,
Яна унга боқий ҳаёт, мангу ёшлик бахш этмоқчийдим.
Аммо лекин чақмоқдор Зевс амрини ҳеч бир боқий тангри
Журъат қилмас рад этишга, бузишга ё менсимасликка.
140. Ҳамонки Зевс шуни талаб қилас экан, майли, бевафо
Денгизда у суссин яна, унга кўмак бермасмен асло;
Одиссейнинг пўртанали бу денгизда хавф-хатарсиз
Сузиший-чун на кемаси, на-да баҳрий ҳамроҳлари бор.
Мен, эҳтиёт шарт, маслаҳат бергум унга ўз ватанига
145. Эсон-омон бехавотир қандай етиб олиш ҳақида».
Жавоб қилди Гермес санам Калипсога юzlаниб бундай:
«Зевс амрини бажо айлаб, дарҳол уни жўнатиб юбор,
Йўқса, бало орттирасан бошгинангга аҳли самодан».
Шундай дея учиб кетди тангриларнинг хушхабарчиси.
150. Соҳибжамол санам Зевснинг фармонини Гермес оғзидан
Эшитган он құдратли эр Одиссейнинг қошига борди.
Ўтиради қирғоқдаги қояда у; кўзларида ёш;
Дамодам у ота юртин кўмсаш билан ўтказар эди
Томчи-томчи ҳаётини; маъбудани хуш кўрмаса ҳам
155. Ётарди у санам билан теран форда ҳамтўшак бўлиб.
Кундузлари ўтиради у серқоя соҳилда ёлғиз
Шўр денгизга тикилганча хўрсиниб ва аччиқ ёш тўкиб.
Саховатли санам унга яқин келиб шундай гап қотди:
«Кўз ёшингни арт, азизим, энди бас қил қайғу-ҳасратни».
160. Сени озод этмоқчиман ўз хоҳишим билан, Одиссей.
Бергум сенга ўткир болта-дараҳт кесиб сол ясагайсан;
Хариларни туташтириб чандиб боғлаб тўрт қиррасига
Тутқич ўрнат қора тунда бехавотир сузмогинг учун.
Сафар чоги сени очлик ва ташналиқ қийнамасин, деб
165. Бергум сенга етарли нон, ичимли сув ва қирмизи май,
Кийим-кечак ҳам; йўллагайман орқангдан мен хайрли шамол;
Шунда азиз ватанингга эсон-омон етиб олгайсан
Агар само султонлари худовандлар хоҳиш билдиrsa –
Уларга тенг келолмасман мен ақлда ва куч-қудратда».
170. Деди санам. Азоб чеккан Одиссейнинг қаҳри қайнади;
Маъбудага бақириб у шундай баландпарвоз гап айтди:
«Мени озод қилишнимас, ёвуз ният туггансан дилга;
Ҳатто учқур кемалардан камдан ками Зевс бахш этган
Эзгу шамол кўмагида зўрга етиб олса манзилга,
175. Мен оддий бир солда қандай сузиб ўтгум тошқин денгиздан?
Йўқ, мен сенинг хоҳишингсиз сузмам асло хатарли солда
То сен, санам, менга қарши ҳеч қандайин ёвуз ниятинг
Йўқлигини тасдиқловчи олий қасам ичмагунингча».
Деди у ва маъбудалар маъбудаси жилмайиб қўйди;

180. Одиссейни астагина шапатилаб шундай сўзлади:
«Жоним, бирам айёрсанки, фаросатинг ўткир баоят;
Ҳозир менга фоят ажиб калом ила жавоб айладинг.
Майли, сенга она замин, чексиз само ва ҳаттоки ер
Остидаги Стикс суви ҳаққи* мудҳиш қасам ичайки
185. (Бу қасамни ҳадиксираб ичадилар ҳатто худолар),
Сенга қарши кек йўқ менда. Агар ўзим сенинг ҳолингта
Тушганимда, ўзимга ҳам шундай ўғит берган бўлардим;
Қадрлайман мен ҳам қудсий ҳақиқатни; ишон, кўксимда
Тепиб турган юрагим тош эмас, раҳм-шавқатлидир у».
190. Шундай деди Калипсо ва шоша-пиша форига кетди,
Одиссей ҳам маъбуданинг орқасидан эргашди жадал.
Форга кирди икковлари – боқий санам ва фоний банда;
Шоҳ Одиссей Гермес ўтирган серҳашам курсига чўқди.
Санам эса Одиссейнинг олдига бир дунё лаззатли
195. Фоний банда емишини қўйиб, унинг рўпарасига
Ўтирганди, жориялар унга анбар илоҳий таом
Ҳамда тансиқ обиҳаёт келтирдилар. Улар ҳузурбахш
Таомларга қўл чўздилар; еб ичишиб қоринлар тўйгач,
Маъбудалар маъбуласи Одиссейга такаллум қилди:
200. «Эй Лаэртзод шоҳ Одиссей, муғамбирлар муғамбири, сен
Мана, азиз ватанингга қайтмоқликни ихтиёр қилдинг,
Шошқалоқлик қилиб ташлаб кетмоқчисан мени – на чора!
Илло етиб боргунингча ватанингга, шўр пешонангга
Тақдир қандай уқубатлар битганини ҳис этсанг эди,
205. Қолар эдинг менинг билан шу оролда, оромгоҳ форда.
Қолсанг боқий бўлур эдинг тангрилардек. Лек сен вафодор
Хотинингнинг висолига етмоқ учун шошилмоқдасан –
Хаёлингда фақат завжанг. Мен на ҳусн, на-да сарвдек
Қалду бастда қолишмасам керак ундан; фоний хотинлар
210. Ахир қачон teng кептилар ҳуснда биз, маъбудаларга?»
Эътиrozли жавоб қилди Калипсога доно Одиссей:
«Дилбар санам, гапим тингла аччиғланмай; яҳши биламан
Мен ўзим ҳам: хотинимни бўлмайди ҳеч сенга қиёслаб,
Зеро фоний хотин ҳеч вақт ҳуснда ҳам, саҳт-сумбатда ҳам
215. Тенглашолмас асло мангум ниҳолдек ёш маъбудаларга;
Лек бари бир, ҳар кун, ҳар он мен уйимни қумсайвераман,
Юртим жамолин кўришдек баҳтни орзу қилавераман.
Агар бирон тангри мени шўр денгизда ғарқ этмоқликни
220. Қалқон қилиб чидагум бу азобга ҳам: мен денгизларда,
Жанггоҳларда дуч келганман кўп балою мусибатларга;
Майли, бу гал ҳам хоҳлаган азобини бераверсин Дий».
Деди. Бу пайт қуёш ботди, ёйилди ер узра зулмат тун.
Улар кириб фор ичига, бутун тун то тонг отгунгача
225. Икковлашиб муҳаббатнинг лаззатини баҳам кўрдилар.
Ол бармоқларини ёйиб балқди тонгда навниҳол Эос;

- Шоҳ Одиссей туриб дарҳол хитон билан кенг плаш кийди.
Маъбуда ҳам кумуш рангли нафис узун кўйлагин кийиб,
Гулдор заррин белбоғини боғлаб олди хипча белига
230. Ва бошига чодра ёпди. Сўнг сафарга шайлай бошлади
Одиссейни. Аввал санам зайдун бандли икки дамли мис
Ўткир болта* ҳозирлади маҳбубининг қўлига мослаб;
Кейин кескир ўроқранда бериб, орол ичкарисига
Бошлаб кетди Одиссейни: у ердаги улкан ўрмонда
235. Қора толлар, қандоғочлар, қариб-чириб қовжираб қолган
Кўкни тираб турган азим қарағайлар беҳисоб эди;
Пишиқ-пухта сол ясашга қулай эди бу қарағайлар.
Маъбудалар маъбудаси Одиссейга қай дараҳтларни
Кесмоқликни кўрсатди-да қайтиб кетди теран горига.
240. Одиссей тез енг шимариб бошлаворди дараҳт кесишни.
Йигирмата дараҳтни у қулатди ва маъбуда берган
Ўроқранда билан силлиқ қилиб шилди дараҳт пўстларин;
Сўнг аршин ип билан ўлчаб тенглаштириди жами ходани.
Бу аснода парма олиб келди унга санам Калипсо.
245. Одиссей тез пармалагач ходаларни, темир тирноқ ва
Ёғоч михлар кўмагида жипслаштириб маҳкамлаб чиқди.
Сол тубини кенг ва силлиқ ишлади у; моҳир кемасоз
Тожирларнинг олам-олам молларини денгизма-денгиз
Ташибувчи маҳкам, гумбур кемаларни шундай шижоат,
250. Файрат билан ясар эди. Сол сатҳига сип-силлиқ саҳн
Тўшади у қалин эман тахталарин текис рандалаб,
Баланд мачта ўрнатди сол ўртасига, елкан илгани
Кўндаланг дор қоқди унга. Сўнгра солни бошқариш учун
Рул ўрнатди. Солни сувдан муҳофаза қилмоқлик учун
255. Атрофига ғов тикди тол новдасидан ва сол саҳнига
Турли-туман оғир юклар ташлаб кўйди посанги учун.
Маъбудалар маъбудаси пишиқ каноп мато келтирди
Ва Одиссей елканни тез илиб дорга, унга ёйувчи
Ҳам ўровчи арқонларни боғлади-да, бақувват пишанг
260. Ёрдамида туширди солини суриб муқаддас сувга.
Ҳамма ишлар якун топиб тайёр бўлди тўрт кун деганда.
Бешинчи кун отлантириди санам уни олис сафарга.
Одиссейни у ҳаммомда ювинтириб, хушбўй лиbosлар
Кийдирди ва солга олиб келиб қўйди учта улкан меш:
265. Бири қирмизи май тўла, иккинчиси ичимли сувга,
Учинчи меш нону турли тансиқ таом ила тўлганди.
Кейин санам Одиссейга ҳамроҳ қилди хайрли шамол.
Қалби қувончга тўлган эр ёйди кема елканини ва
Тақдирини ҳамроҳ шамолга топшириб суза бошлади.
270. У солнинг дум томонида ўтирганча абжир қўллари
Билан рулни бошқаркан, мудом бедор эди кўзлари.
Узмасди у ҳеч кўзини Сарв буржидан, денгизга жуда

- Кеч ботувчи Воотдан* ва Орионнинг гир атрофида
Доимо чарх уриб ҳеч ҳам океанда чўмилмайдиган

275. Етти оғайни* буржидан; маъбудалар маъбудаси шу
Бурждан асло кўз узмасдан, доим уни чап қўл томонда
Қолдирганча бедор сузмоқликинунга тайинлаганди.
Мана, ўн етти кун бўлди унинг суза бошлаганига;
Ўн саккизинчи кун бирдан Одиссейнинг кўзи олиса

280. Схерия тоғларини кўриб қолди; туман қоплаган
Денгизда у тоғлар худди қора ғовдек бўлиб турарди.
Айни шу пайт зилзилакор қодир тангри Посейдон бирдан
Занжийларнинг ўлкасидан қайтаётиб Солим тоғидан
Одиссейни шўр денгизда кўриб қолди; уни таниди

285. Ва жингалак мовий сочли бошин силкиб деди қаҳр ила:
«Вой, бадбаҳт-е! Шуми ҳали тангриларнинг менга ҳурмати?
Улар менинг занжийларнинг ўлкасида юрганлигимдан
Фойдаланиб, Одиссейни кутқармоқчи бўлишибди-да?
У феаклар заминига етаёзган, гар етиб борса,

290. Мен йўллаган балолардан ҳалос бўлиб қолиши мумкин;
Вале ҳали улгураман уни қаттиқ азобламоққа».
Деб у қора булутларни уйғотди-ю учта айрили
Ҳассасини сувга тиқиб шўх денгизда қуюн кўтарди
Ҳар томондан чорлаб ёвуз шамолларни. Қора булутлар

295. Қамраб олди ҳадсиз денгиз ва заминни, зулмат тун тушди
Шу пайт бирдан тўрт тарафдан: жанубдан Нот,
шимолдан Борей,
Шарқдан Эвр, гарбдан Зефир шамоллари ёприлиб келиб,
Маҳобатли долғаларни кўтардилар осмон-фалакка.
Бу даҳшатдан Одиссейнинг тиззалири қалтираб кетиб,

300. Юрак-бағри зирқиаркан ғамга ботиб деди ўзига:
«Э воҳ! Яна қандай савдо солмоқ бўлур само бошимга?
Кўряпман мен, маъбудалар маъбудаси: «То ватанингга
Етгунингча, денгизда кўп фалокатга учрайсан ҳали»,
Деганида янгишмабди: у айтгани бўляпти бугун.

305. Сарпадар Зевс чексиз кўкни қаро булутларга буркади,
Шўр денгизни пармалади ва тўрт ёқдан шум шамолларни
Чорлаб қуюн кўтарди у. Куним битган кўринади-ёв!
О, Троя жанггоҳида Атрилларнинг* кўнглини хушлаб
Ўлим топган данай аҳди уч бор, ҳатто юз бор баҳтилир!

310. Мен жанггоҳда турганимда Ахиллеснинг жасали узра*,
Трояннинг мис қалқонли лашкарлари бошимга ўткир
Тиғли ўқлар ёғдирган чоғ куним битиб ўлганимдайди,
Иzzат билан дағн этишган бўлур эди ахейлар мени;
Вале бугун дуч этмоқчи шўр пешонам машъум ўлимга...»

315. Шу чоғ зилдай оғир долға Одиссейнинг бошига дўлдай
Ёғилди ва сол чирпирак бўлиб сувда айланга кетди;
Долға солдан юлқиб олиб Одиссейни отди денгизга;

- Бошқарувсиз қолди рул ҳам; чор тарафдан увиллаб келган
Шамолларга дош беролмай синиб тушди мачта ҳам бирдан;
320. Тилка бўлган елканни ва дорни дengиз оқизиб кетди.
Ҳолдан тойган Одиссей ҳеч сув қаъридан чиқа олмасди –
Ҳалал берар эди унга ҳам даҳшатли тўлқинлар зарби,
Ҳам маъбуда Калипсонинг тортиқ қилган заррин либоси.
Ахири у сувдан шўнғиб чиқа солиб қусиб юборди
325. Шўр сувларни; сув шариллаб оқар эди соч-соқолидан;
Хавотирга тушиб, солни эслади у ва кўриб қолди;
Тўлқинларга парво қилмай сузиб бориб тутди четидан
Ва саҳнга чиқиб олиб асраб қолди жонин чўкишдан;
Улоқтирап эди солни ҳар томонга золим тўлқинлар:
330. Куз шамоли қаҳдор Борей қовжираган чакамуғларни
Учиргандай сайҳонликда ҳар томонга, шум шамоллар ҳам
Ҳимоясиз солни ҳар ён отардилар худди коптоқдай;
Гоҳ Нот солни отар эди Борейга, гоҳ увиллаган Эвр
Жўшиб ўйнар экан уни, учирарди Зефир томонга.
335. Одиссейни кўриб қолди шу чоғ бирдан Кадмнинг қизи
Левкотея – бир пайтлар фоний бўлган хушатвор Ино.
Кейин эса у дengизда боқийликка мушарраф бўлган.
Раҳм қилди қаҳдор бўрон қийнаётган Одиссейга у
Ва дengиздан парқанот қуш ботқалдоқдек енгил учди-да
340. Солга келиб қўниб деди: «Вой, бечора! Қайси гуноҳинг
Учун сени қийнамоқда Посейдон бу азобга солиб?
Барибир у, минг уринсин, сени асло ўлдиролмайди.
Қолган ишлар сенга боғлиқ (ақли расо одамсан, кўрсам);
Эгнингдаги кийимни сен ечиб, солни шамолларга бер
345. Ва ўзингни сувга ташлаб дадил қулоч отиб сувганча
Феакларнинг ватанига етиб олсанг, фалокатлардан
Кутуласан; бергум сенга мўъжизали уртуқ; у билан
Кўкрагингни тўссанг ҳеч ҳам қўрқмагайсан чўкиб кетишдан.
Лек соҳилга қўл учингни теккизган он, уртуқни ечиб
350. Улоқтири тез дengизга ва нарироқ кет ортга қарамай».
Деб маъбуда ечиб берди Одиссейга ўз уртугини.
Сўнгра тошқин дengиз узра парвоз қилиб ботқалдоқ күшдай,
Сувга шўнғиб фойиб бўлди. Шоҳ Одиссей хәёлга толди;
Шундай деди у бардошли юрагига ташвиши ортиб:
355. «Э воҳ! Нечун бу маъбуда, солдан воз кеч, деб ўгит берди?
Менга қарши бирон найранг ишлатмоқчи эмасмикин у?
Йўқ, қилмайман айтганини; кўрдим, ҳали қирғоқ узоқда.
Ҳали бу сол бақват экан, ходалари ўтқир тирноқлар
Ёрдамида сочилмасдан жипслашганча маҳкам тураркан,
360. Бўрон билан олишаман, солдан ҳам воз кечмайман асло.
Агар тўлқин забтга олиб парчаласа солимни, унда
Мен ўзимни сувга отиб, сузай, майли, ноиложликдан».Одиссей ўз ақли билан юрагининг даъватларидан
Иккиланиб турганида шоҳ Посейдон дengиз қаъридан

365. Төгдек улкан ва даҳшатли бир тўлқинни қўпориб чиқиб,
 Одиссейнинг бошига зарб билан тўқди: қуюнваш шамол
 Эсганида бир тўп похол ҳар томонга сочилганидек,
 Маҳобатли бу тўлқин ҳам солни тилка-пора айлади
 Ва Одиссей бир ходани тутиб унга мингашиб олди
370. Уюридан қочган отни қувиб тутган чавандоз каби.
 У Калипсо торгиқ қилган эгнидаги либосни ечиб,
 Мўъжизали уртук билан қоплаб олди яланг тўшини.
 Сўнgra чўзиб қўлларини сузишга шай бўлиб турди-да
 Отди ўзин тўлқинларнинг қучоғига. Буни Посейдон
375. Кўрди ҳамда шундай деди мовий сочли бошини чайқаб:
 «Майли, жўшқин шўр денгизда эмин-эркин сузавер, токи
 Зевсга азиз бўлган феак аҳли сени хушламагунча;
 Бўлди, етар! Мендан рози бўлиб қолсанг қерак, албатта». Деб у учқур отларига қамчи уриб Эгиядаги
380. Ўзининг энг ҳашаматли саройига равона бўлди.
 Афинанинг кўнглига бир эзгу фикр келди шу дамда:
 Одиссейнинг ажалга ва Кераларга тутқич бермасдан
 Феакларнинг заминига омон етиб олиши учун,
 Шамолларнинг йўлини тўсиб амр этди тинчимоқликни;
385. Имкон берди фақат Борей шамолининг қутиришига;
 Қутирётган тўлқинларни эса ўзи жиловлаб қўйди.
 Шу зайлда икки кеча, икки кундуз уни тўлқинлар
 Ҳар томонга улоқтириб, ҳатто олаёзди жонини;
 Учинчи кун мунаvvар тонг – ниҳол Эос балқиганида
390. Бўрон бирдан тинчиди қолди, сиё денгиз ёришиб кетди.
 Одиссейни тўлқинлар ўз чўққисига қўттарганида
 У ўзидан сал нарида бир ер кўрди қорайиб турган.
 Жоҳил танғри оғир дарлга йўлиқтирган ва кундан-кунга
 Гулдай сўлиб бораётган отасининг кутилмагандага
395. Боқийларнинг хоҳиши-ла тез соғая бошлаганини
 Кўрган унинг болалари қандай шоду ҳуррам бўлсалар,
 Одиссей ҳам шундай қувнаб кетди қўриб ўрмонли ерни.
 У соҳилга етиш учун шоша-пиша суза бошлади.
 Лек яқинроқ масофага сузиб боргач эшитиб қолди
400. Қояларга ҳамла қилган тўлқинларнинг дағдағасини;
 Кўпик сочиб увилловчи қаҳри қаттиқ асов тўлқинлар
 Ҳужум қилиб чўнг соҳилга, бўқтирганди уни шўр сувга;
 Қоя тошлар қуршаб олган эди қирғоқ теварагини,
 На бандаргоҳ, на бир қўлтиқ, на саёз жой бор эди унда.
405. Одиссейни даҳшат қамраб, тиззалири қалтираб, қалби
 Зирқиради ва бардошли юрагига деди ҳасрат-ла:
 «Э воҳ! Мени Зевс рўпара қиласди деб ўйламагандим
 Тошлок ерга! Шу бўлдими шунча сузиб келиб топганим?
 Кўряпман мен, бу оролга яқин йўлаб бўлмайди асло;
410. Ҳар ёқда серқирра тошлар; асов қаҳҳор тўлқинлар келиб
 Силлик соҳилга урилиб бўлинмоқда заррачаларга.

- Қирғоқ бўйида сув чуқур; оёқ қўйиб бўлмас тубига.
 Агар оёқ қўймоқ бўлсам, сувга чўкиб кетишим аниқ.
 Гар соҳилга чиқмоқ бўлсам, қучиб олиб мени тўлқинлар,
415. Қояларга элтиб урар, зое кетар ҳаракатларим.
 Агар қирғоқ бўйлаб сузиб, ё қия ер, ё бирон қўлтиқ
 Қидиргудек бўлсам – бирдан кучли қуюн мени оқизиб
 Олиб кетиб теран денгиз оғушига чўқтиришидан
 Ёки бирон ёвуз Даймон* Амфитрита парвариш қилган
420. Энг даҳшатли маҳлуқни чўнг денгиз қаъридан
 Олиб чиқиб мени маҳв этишидан кўрқаман жуда.
 Ҳа, биламан, менга қарши адоватда тангри Посейдон».
 Одиссей ўз ақли билан юрагининг дაъватларидан
 Боши қотиб турганида тўлқин уни учирив кетди
425. Қирғоқ томон; унинг жамики вужуди жароҳатланган,
 Суяклари мажақланган бўлур эди агар Афина
 Солмаганди қай тарзда жон сақлаш йўлин унинг кўнглига.
 Одиссей бир улкан тошни қучиб олиб кута бошлади
 Шўх тўлқиннинг ортга қайтадиган пайтин; у қайтди ортга,
430. Вале яна шу заҳоти қайтиб келиб Одиссейни у
 Қоя тошдан юлқиб олиб улоқтириди теран денгизга.
 Гар полипни¹ ётогидан юлқиб олсанг, сўргичларига
 Анча-мунча майдо тошлар ёпишганин кўрасан албат:
 Одиссейнинг кафт териси ҳам шилиниб шу тарзда парча-
435. Парча бўлиб қоя тошга ёпишганди; шу чоғ тўсатдан
 Уни яна ўз домига тортиб кетди бешафқат тўлқин,
 Одиссей шўр сув қаърига чўкиб нобуд бўлган бўларди,
 Гар Афина у шўрликнинг қалбига рух бахш этмаганда.
 У қирғоқка урилётган тўлқинларга чап бериб ўтиб,
440. Чекка ёққа сузиб кетди кўзи олазарак бўлганча –
 Ахтарарди у нишаб жой ёки бирон саёз соҳилни.
 Кўриб қолли шу пайт бирдан Одиссей бир дарё мансабин.
 Сувдан сузиб чиқиши учун у жой қулай кўринди: унда
445. Тиғдор тошлар ҳам йўқ эди, эсмас эди шум шамоллар ҳам.
 Қодир дарё тангрисига нидо қилди* шунда Одиссей:
 «Ким бўлсанг ҳам, қодир тангри, Посейдоннинг
- таҳдидидан мен
- Қочиб, сенга, эй матлуб зот, ёлбораман: боқий тангрилар
 Фарибларнинг ноласини мудом ҳиммат ила тинглашган,
 Алалхусус, мен ҳам шундай бир фарибман, сенинг сувингга
450. Таъзим қилиб, тизинг қучиб ёлбораман, шафқат қил менга». Деб тавалло қилди у ва шунда дарё тангриси дарҳол
 Оқимини тизгинлади, сўнг денгизнинг қаҳрин юмшатиб,
 Шўрпешона Одиссейга очди дарёнинг мансабини.
 Вале унинг оёқлари қалтиради; чайир қўллари

¹ Полип – бир жойда қимирламай муқим яшовчи ковак ичакли денгиз ҳайвони.

455. Шалвиарди: дengiz uning қudratini қirқanди butkul;
Butun jismi shishi ketgan, ham ofzidan, ham burnidan shür
Suv kait қilar; oqibat u xushdan ketib iiqiliib tushdi;
Mana, oHIR u xushiga keliib, dili ravshanlashdi-yo
Kükragidan ma'budaning urtugini yolqib oldi-da
460. Uloqtirdi shür denqizga қuiylettgan azim darëga.
Bu matoni tez oqizib ketdi darë: uni ma'buda
Tutib oldi. Odissей-chi? U darëdan nariga ketib,
Qamiшzorga kirdi va er yipi unga uzala etdi.
Matonatli қalbiga u shunday dedi sünг famga botib:
465. «Э воҳ! Само мени яна не балога дучор қилмоқчи?!
Agar tunni ytkazsam men bedor etib darë bўyida,
Tonг shabnami va denqizdan kütarilgan aёzli tuman
Tamomila ma'� этгай bul bedarmon tanu жонимни:
Ki darëdan esgan shamol tonг chofida küp xatarlidir.
470. Agar anov tepalikda ўrmونдаги butalap ichra
Etib biroz mizfib olsam, tungisovuk qaқшатmas mени;
Yaxhi xordiq va mast uйку shifo bўlgay jismu жонимга;
Lekin yirtqich xayvonlarغا em bўliшdan kўrkaman unda».
Deb yllardи; unga қulai tuiyldi shu sünгti niyati;
475. U yўl oldi nariroqda қad kütargan қuoқ ўrmонга.
Ўrmonda u novdalari bir-biriiga tutashiб ketgan
Ikki zaytun (biри laziz mevali va biри ёвойи)
Daraхtinи kўrdi; ular tagiga na aёzli shamol,
Na charoғon қainoқ kүşh нури siziб kira olardi;
480. Ҳatто жала қuiyганда ham bir-biriiga mataшиб ketgan
Qalin shoh va япроқлардан siziб chakka tomonmas edi.
Odissей bu erda etgan ҳazonlarни tўplab, ulardan
Momiq tўshak ҳozirлади va zaytunlar tagiga etdi.
(Ҳazon shuncha küp эдик, ҳatто совук қiша bir emas
485. Uch kishi ham erkin-эмин ётса bўlar edi kўmiliib).
Ҳazonlarning kўpligidan dili jašnab ketgan Odissей
Ўzin tappa tashab unga boшdan oёқ bурkaniib oldi.
Kүsh xaylovchi deҳkon уzoқ dalasila nim sükhta bўlgan
Чўf-ўtingni ўt oliшdan saqlash учун kulg kümgendek,
490. Odissей ham isinmoқ-chun ҳazonlarغا kўmdi ўzinii.
Shunda Afina Pallada Odissейning йўқotgan кучин
Яна қaita tiklash учун laziz uйку baxsh etdi unga
Va shu zaҳot Odissейни ofushiiga oldi mast uйку.

ОЛТИНЧИ ҚҰШИҚ

Шундай қилиб, мудом азоб-уқубатда бўлган Одиссей
Хориб-чарчаб ухлаб қолди. Бу чоғ шаҳло кўзли Афина
Учиб тушди феак аҳлин кўп муҳташам, обод шаҳрига;
Гиперия заминида яшаганди қадимда бу халқ

5. Қўшни бўлиб авбош, ёвуз ва ёввойи циклоплар билан;
Бу зўравон халқ дамодам феакларга зуғум қиларди;
Шул сабабдан шоҳ Навсифой ўз халқини жами эл-юртдан
Четда бўлган Схерия оролига кўчириб ўтди.
Унда шаҳар атрофини юксак девор билан ўради,
10. Одамларга уйлар қурди, тангриларга ибодатгоҳлар,
Барчага teng ўлчаб берди бўлиқ тупроқли далаларни.
Анча бўлди унинг Аид даргоҳига кўчганига ҳам.
Энди бўлса унда зако шоҳ Алкиной ҳукмдор эди.
Ҳукмдорнинг саройига кириб шу чоғ шаҳло Афина,
15. Чиқиб борди соҳибжамол Навсекая хобхонасига,
Одиссейни ўз юртига тез жўнатмоқ ташвишин қилиб.
Маъбудамонанд дилбар қиз ором олиб ухлаб ётарди.
Хариталардек ёш икки ходима қиз эшик ёнида
«Пиш-пиш» ухлар, хобхонанинг эшиги зич, маҳкам ёпилган.
20. Афинея мисли руҳдек учиб кириб қиз бўлмасига,
Унинг боши узра турди; кирган эди у шоҳ қизининг
Дугонаси бўлмиш баҳрий Димант қизи қиёфасига.
Маъбуда шу қиёфада туриб деди Навсекаяга:
«Дугонажон, онанг сени бегам қилиб туғсанми дейман!
25. Ўйламайсан шинам кийимлар ҳақида; ҳадемай эрга
Тегасан-ку; сен ҳозирдан ҳам ўзингга, ҳам сени күёв
Ҳузурига кузатувчи хешларингга кийдириш учун
Шинам либос шайлаб қўйгил. Зеро бизлар эгнимиздаги
Либосимиз поклиги-ла қозонурмиз обрў-эътибор;
30. Саришталигимиз кўриб қувонурлар ота-онамиз.
Үйфонақол, Навсекая, эрта билан дарё бўйига
Бошлиб бор сен кир ювгани ходима-ю дугоналаринг;
Мен ўзим ҳам боргум албат сиз – қизларга кўмаклашгани,
Зеро сенинг бўйинг етган, яқин қолган никоҳ тўйингга;
35. Сендеқ олий мақом қизга бу шаҳарда суюқ қайлиғинг
Бўлиш орзусида юрган олий мақом йигитлар кўпdir.
Турақол тез, илтимос қил бориб отанг истиқболига:
Берсин хачир ва арава ёпинчиқлар, кийим-кечаклар,
Чойшабларни ортиб тезроқ сув бўйига олиб боргани.

40. Сен ўзинг ҳам яёв борма бошқалардек; уятку ахир
 Шоҳ қизига яёв юрмоқ – ҳовузлар ҳам анча йироқда». Деб Афина учди яна бўрон гулу кўтармайдиган,
 Ёмғир чак-чак томмайдиган, қиши чогида қор ёғмайдиган,
 Осмони соғ ферузадай, ҳар бир куни доим чароғон
45. Тангриларнинг оромгоҳи Олимпга. Ки ул ерда масъуд
 Само аҳли мудом ҳузур-ҳаловатда кун кечиргайлар.
 Шаҳло кўзли Афина ҳам учди тез шу арши аълога.
 Балқди олтин таҳти Эос ва уйғотди Навсекаяни.
 Шу заҳоти ёш малика ажабланиб кўрган тушидан,
50. Уни сўзлаб бермоқ учун ота-она хос хонасига
 Чопа кетди. Шоҳ завжаси яқин тутган надималари
 Даврасида ўтиаркан, нафис ол ранг ип йигиради;
 Остонада Навсекая отасига рўбарў келди –
 Йўл олганди у акобир феакларнинг анжуманига.
55. Қиз эъзозли падарига яқин бориб шундай гапирди:
 «Ота, амр эт, ҳозир гумбур ғилдиракли чўнг аравага
 Хачирларни қўшишсин; мен кўпдан бери йиғилиб қолган
 Либосларни ювмоқчиман олиб бориб дарё бўйига.
 Бўлганингда сен олий зот мансабдорлар анжуманида,
60. Хоҳлайсанку уст-бошинг пок бўлишини ҳамманикидан;
 Бир эмас, беш ўғил боқиб ўстирдинг сен бу хонадонда;
 Иккитасин уйлантирдинг, қолган учта ўғлинг ҳам бугун
 Шай турибди уйланишга; ўйин-кулги кечаларига
 Истайдилар пок-покиза либос кийиб боришни улар.
65. Ваҳоланки, ҳаммангизнинг ташвишингиз менинг зиммамда». Аммо кўнгли тусаб турган матлуб никоҳ тўйи ҳақида
 Гапиргани уялди қиз; ота ўзи сезди ва деди:
 «Қизим, ҳамма айтганларинг бир лаҳзада муҳайё бўлур.
 Мен қулларга буюраман – шайлагайлар гумбур ғилдирак
70. Аравани; кир солгани кажава ҳам бўлади унда». Деб қулларга амр этди у. Жиҳозланди катта арава;
 Сўнг қўшдилар аравага хачирларни етаклаб чиқиб.
 Навсекая кирхонада ётган барча кийим-кечакни
 Солди гумбур ғилдиракли чўнг арава кажавасига.
75. Қизим оч қолмасин, деб бир сават неъмат келтирди она;
 Яна бир меш асл шароб; турли-туман ширинликлар ҳам.
 Навсекая аравага чиқди; она олиб келган зар косадаги
 Зайтун мойин олди – қизлар чўмилгандан кейин дарёда
 Сурардилар ул муаттар мойни момиқ баданларига.
80. Сўнгра олди қамчи билан ипак тизгин ва шарақлатиб
 Қамчи босди хачирларга: улар йўртиб кетдилар жадал.
 Аравада жўнаб кетди кир кийимлар ва шоҳнинг қизи.
 Орқасидан юрди унинг чўрилари, дугоналари.
 Мана, улар жўшқин дарё мансабига етиб бордилар;
85. Бу соҳилла суви лим-лим ҳавзалар бор: ҳавза тубидан
 Қайнаб чиққан чашма суви кирларни поклар.

- Сув бўйига етиб келиб қизлар ҳорғин икки хачирни
 Чиқардилар аробадан ва уларни хушхўр ўтлардан
 Ўтлагани қўйвордилар майсазорга сув бўйидаги.
90. Кейин барча лиbosларни аравадан туширдилар-да
 Ҳовузларга бўқтиришиб ким ўзарга тепкиладилар*.
 Кейин кирларни ишқалаб чайдилар ва тўлқинлар ялаб
 Силлиқлаган соҳилдаги гардсиз тошлар устига бир-бир
 Ёйдиларда сўнг дарёда чўмилишиб баданларига
95. Муаттар мой сурдилар ва бу кирларни қуритмоқликни
 Юкраб қуёш зиммасига, ўтиридалар овқатлангани.
 Овқатдан сўнг Навсекая дугона-ю надималарга
 Таклиф қилди уртукларин ечиб қўйиб копток ўйнашни;
 Бошлаб берди бу ўйинни оқбилак Навсекая ўзи.
100. Найзабардор Артемида чўққиси мўл Тайгетни ва
 юксак Эримант
- Тоғин кезиб қобонлару буғуларни ов қилганида,
 Чопадилар унга ҳамроҳ бўлиб Зевснинг дилбар қизлари –
 Даалаю дашт санамлари – қувонади Латона кўриб;
 Унинг қизи Артемида санамлардан анча барқомат,
105. Устун тураг санамлардан ҳуснда ҳам шамойилда ҳам.
 Навсекая ҳам ҳуснда-латофатда баланд эди дугоналардан.
 Мана, қизлар чоғландилар жўнамоққа; икки хачирни
 Аробага қўшдилар ва кажавага солдилар кирни.
 Ана шунда Афинея Одиссейни теран гафлатдан
110. Уйғотмоқчи бўлди – ахир Навсекая уни кўриши
 Ҳамда шаҳар йўлин унга кўрсатиши лозим эди-да
 Навсекая копток отди қизлар томон ва лекин копток
 Афинанинг амри билан, бориб тушди жўшқин денгизга;
 Қизлар барадла қийқириб юбордилар; бу шўх қийқириқ
115. Одиссейни уйғотганди; у ўрнидан шахт туриб кетди;
 Ақли шошиб, қалби жўшиб деди тараппудда қолганча:
 «Э воҳ! Қандай заминга мен келиб қолдим? Балки бу замин
 Эзгуликни билмайдиган ёввойи халқ мамлакатидир?
 Ё бу ерда яшармикин хуштакаллуф, меҳмоннавоз ва
120. Худоларни эъзозловчи олижаноб фоний бандалар?
 Шу яқиндан қувноқ қизлар овозини эшитгандайман.
 Ёки бу ер юксак тоғлар, кенг ўтлоқлар ва сеҳрланган
 Дарёларнинг эгалари санамларнинг масканимикин?
 Ё, ниҳоят, етиб келдиммикин худди бизлар сингари
125. Гапирувчи мурувватли одамларнинг салтанатига?
 Чиқиб қарай; ўзим кўриб билиб олай қайга келганим».
 Шундай деб у буталарнинг панасидан чиқди оҳиста
 Ва мускулдор қўли билан синдириб бир бута новдасин
 Тўсганича уятини, сиртга чиқди – тоғу тошларнинг
130. Султони шер жала қуйган ёки шамол қутураётган
 Рутубатли дамда овга чиқар экан, ўт чақнатганча
 Кўзларидан, дала-даштда ўтлаб юрган қора моллар ё

- Күй-қўзилар подасига ҳамла қилар ёхуд ўрмонда
Буғуларга ташланар ва кўп пайтлар очликка ҳеч дош
135. Бера олмай, ҳужум қилар чўпонларнинг қурасига ҳам.
Одиссей ҳам дилбар қизларнинг кўзига яланғоч ҳолда
Кўринишга журъат этди, бошқа илож йўқ эди унда;
Баданида қотиб қолган сув ўтлари бу паҳлавонни
Ваҳимали бир маҳлуққа ўхшатганди; бу ҳолни кўрган
140. Қизлар дағ-дағ титраганча ҳар томонга қоча бошлади.
Лек шоҳ қизи Навсекая жилмади ҳеч турган жойидан.
Ки Афина уфурганди унга журъат, кўрқувни ҳайдаб.
Қаршисида қиз турарди; лек Одиссей аросатдайди:
Соҳибжамол бу қизнинг у тиззаларин бориб қучсинми?
145. Ё узокроқ туриб ундан ёлборсинми тавозе билан
Ёпинишга бирон кийим ва шаҳарнинг йўлини сўраб?
Ниҳоят, у олисроқда туриб қизга илтижо билан
Гапирмоқни мақбул кўрди (агар бориб кучса тиззасин,
Бу қилмиши маъсума қизнинг қаҳрини келтираси эди)
150. Ва мулоийим сўзлар билан шундай деди шоҳнинг қизига:
«Хоҳ маъбуда, хоҳ фоний қиз бўлсанг ҳамки, қилгум тавалло,
Агар само соҳибаларидан бири – маъбуда бўлсанг,
Бундай ҳусн-у тароватинг ҳамда сарвқоматинг ила
Ўхшайсан сен фақат Зевснинг бузрук қизи Артемидага;
155. Бордию, рўйи заминда яшагувчи фоний қиз бўлсанг,
Отанг, онанг ҳамда ақа-укаларинг сенинг гул янглиғ
Яшиаб ўсаётганингни ёки қизларнинг даврасида
Шўх рақсга тушганингни кўриб масъуд бўлсалар керак.
Вале никоҳ тўйингдан сўнг сени нодир сепинг-ла бирга
160. Ўз кўшкига олиб кетгувчи ул фоний банда энг масъуд
Кишиларнинг масъудидир. Йўқ, мен замин аҳли ичида
Кўрмаганман ҳеч ҳам бундай нафис ҳусн соҳибасини;
Ҳайратдаман жамолингдан. Мен бир марта Делосда (унда
Аполлоннинг меҳроби бор) кўрган эдим хуш қоматли бир
165. Ёш палмани – сенга жуда ўхшарди у (мен йўл-йўлакай
Кирган эдим ҳамроҳларим билан ўшал ибодатгоҳга;
Ки ул йўлда кечирганман бошимдан кўп уқубатларни);
Мен ҳайратда қолган эдим ёш палмага узок тикилиб:
Зеро ҳеч ҳам кўрмагандим бундайин хушқомат дараҳтни!
170. Лек ҳайратда бўлсам ҳамки, журъат этмам тизинг кушишга:
Фоят оғир фалокатлар оғушида бўлдим мен мудом.
Йигирма кун азоб чекиб фақат кеча чиқдим дengиздан:
Шу чоққача Огигия оролидан мени қувиб келган бўроннинг
Ўйинчоғи бўлдим; мени Даймон отди бу азобгоҳга –
175. Тангриларнинг азобига ҳали кўп бор дуч келсан керак.
Шафқат қилгил, о маликам; мен беадад фалокатларга
Бардош бериб, элдан бурун кўрдим сени, тингла зоримни;
Бу заминнинг одамлари таниши эмас менга мутлақо;
Айт, шаҳарга элтувчи йўл қайда, яна бирон увада

180. Бергил менга – қип яланғоч вужудимни ўрамоқ учун
(Ахир бордир шу кирларинг ичидә бир эски рўдапо).
Сенга ўзинг севган қайлиқ, обод ҳовли тотув оила
Ато этсин тангрилар ва вожиб қилсан сенинг жамики
Хоҳишларинг! Эр ва хотин бир жон, бир тан бўлиб уйини
185. Саранжом ва пок сақласа, ёру дўстлар қувонадилар,
Ўзлари ҳам ҳуррам яшар ғанимларнинг ичин қуидириб».
Одиссейга Алкинойнинг қизи шундай жавоб қайтарди:
«Эй мусофир, кўряпман, сен ақли расо мұтабар зотсан.
Олимпдаги Зевс ҳаммага: авомга ҳам, акобирга ҳам,
190. Ҳеч фарқ қилмай улашади саодатни ўз билганича;
Сен ҳам ато этганини қабул қилгил ройишлик билан.
Ҳамонки қисматинг экан бизнинг юрга ташриф этмоғинг,
Сендеқ бисёр азоб чеккан бечора ҳол дарбадар учун
Топилади кийим-бош ҳам ўзга зарур турфа анжом ҳам.
195. Сенга шаҳрим кўрсатаман, танитаман одамларни ҳам.
Феак ҳалқи шаҳарнинг ва бутун элнинг соҳиби эрур;
Мен қизиман эзгудил шоҳ Алкинойнинг; феаклар уни
Салтанатнинг адолатли султони деб эъзозлайдилар».
Сўнг юzlаниб деди барча чўрилару дугоналарга:
200. «Ҳой, тўхтанглар! Қочмангизлар бу ажнабий одамдан чўчиб!
Ёвуз одам эмасдир бу; сабаб йўқ ҳеч қочишингизга;
Биласизки, бўлмаган ҳеч, ҳозир ҳам йўқ ва бўлмайди ҳам
Бизга ёвлик қилувчилар; биз тангрилар арзандасимиз;
Бизлар жами элатлардан кўп узоқда, жўшқин денгизнинг
205. Энг четида яшаймиз ва бегоналар кам келур бизга.
Лекин бугун учратдик биз, шўрпешона инсонни бунда:
Унга ёрдам бермоқ лозим – Зевс ғарибу дарбадарларни
Юртимизга йўллаб турур*; оз мадад ҳам Зевсга хуш ёкур.
Бу одамга егулик ва ичкуликлар келтиринг, қизлар;
210. Аввал уни чўмилтиринг совуқ шамоли йўқ дарёда».
Юраклари дадил тортган қизлар шу он Навсекаянинг
Айтганидек, Одиссейни шамоли йўқ ерга ўтқазиб,
Нафис хитон ва мантия келтирдилар унинг ёнига.
Сўнгра хушиҳид зайдун мойи олиб келиб олтин косада,
215. Одиссейни зилол сувда чўмилишга таклиф қилдилар.
Андишали Одиссей бу таклифни рад этди ва деди:
«Дилбар қизлар, нари кетинг: баданимда қотиб қолган шўр
Сувўтларни ўзим ювиб, ўзим унга зайдун мой сургум;
Кўпдан бери кўрмаганди жисмим бундай муаттар мойни.
220. Лек чўмилмам сизларнинг кўз олдингизда азим дарёда;
Уяламан қип-яланғоч кўринишдан сизга, гўзаллар».
Шундай деди; қизлар нари кетдилар ва Навсекаяга
Етказдилар бўлган гапни. Сўнг Одиссей дарёга тушиб
Баданига ва жингалак соchlарига ёпишиб қолган
225. Балчиқли сувўтларини азза-базза ишқалаб ювди;
Оқар сувда поклангач, у сурди хуш ис мой баданига;

- Сүнгра шоҳнинг қизи берган либосларни кийди эгнига.
 Шунда маъбуда Афина Одиссейнинг қиёфасини
 Комил қилди, жуссасини тўлишитирди, қалин ва қўнғир
230. Сочларини силлиқлади худди сунбул барглари янглиғ.
 Палладага ва Гефестга шогирд тушган қўли гул уста*
 Кумушларга олтин билан жило бериб, машаққат чекиб
 Бунёд этган нафис санъат мўъжизаси ила ҳайратга
 Солганидек одамларни, маъбуда ҳам шоҳ Одиссейнинг
235. Юз-кўзию калласига ҳайратомуз ҳусн бахш этди.
 Ки Одиссей диловарлик қувваси ва латофатига
 Эришганди. Четга ўтиб ўтирди у қумлоқ соҳилга.
 Навсекая унинг кўркам жамолидан ҳайратга келди;
 Сўнг қалинсоҳ дугоналарига шундай такаллум қилди:
240. «Мен айтмоқчи бўлган гапни эшитинглар, оқбилик қизлар;
 Бу одамни бизнинг феаклар юртига оқизиб келган
 Олимпдаги жами боқий тангрилармас, мен ўйлашимча;
 Аввалига у менга ҳам кўринганди одми одамдек;
 Энди кўрсам, само аҳли — тангриларнинг ўзгинаси у.
245. Оҳ кошкийди, насиб этса менга шундай соҳибқудрат эр
 Ва келса-ю юртимизга, муқим қолса шунда биз билан!
 Ҳозир сизлар мусофирии еб-ичиринг, дугонаజонлар».
 Шундай деди Навсекая. Қизлар унинг амрин бажариб,
 Келтирдилар Одиссейга егуликлар ва қирмизи май.
250. Апир-шапир еди, ичди азобларга сабр-бардошли
 Шоҳ Одиссей: кўплан бери тотимаган эди у туз ҳам.
 Фунча очди ноёб фикр шунда шоҳнинг қизи дилида:
 У ювилган либосларни йиғиб ортди чўнг аробага,
 Кейин кўшиб унга чопқир хачирларни ўзи ҳам чиқди.
255. Ва юзланиб Одиссейга таклиф қилди уни юртига:
 «Биз шаҳарга кетмоқдамиз; тур, мусофири, орқамиздан юр;
 Кўрсатаман сенга отам хонадонин; унда сен яна
 Учратурсан феакларнинг энг аслзод одамларини;
 Вале аввал ўғитимни эшитиб ол (ақди расосан):
260. Мен дала-дашт, экинзорларни ёқалаб кетаётганда
 Қизлар билан биргалашиб аробамнинг ортидан эргаш;
 Сўнг кирамиз биз шаҳарга ... баланд девор ўраган уни;
 Унинг икки томонида бордир икки теран бандаргоҳ;
 Шаҳримизга кирап йўлни сиқиб қўйган ўнг ва сўлла
- турган кемалар.
265. Ҳар бир кема тим тагида; ўша ерда силлиқ йўнилган
 Харсанглардан қад кўтарган Посейдоннинг ибодатгоҳи;
 Ибодатгоҳ теграсида бордир улкан савдо майдони;
 У ердаги кенг ва юксак омборларда сақланур кема
 Абзаллари, анжомлари ва ясалур силлиқ эшқаклар.
270. Феакларга керакмас ҳеч садоқлар ҳам, камалаклар ҳам;
 Бизга елкан мачталари, эшқаклару учкур кемалар
 Бўлса басдир; теран уммонларда сузиш жони-дилимиз.

- Одамларнинг аччиқ пичинг гапларига мен чидолмайман;
Халқимизнинг тили заҳар! ҳали йўлда битта-яримта
275. Фисқ-фасодчи бизни бирга кўриб қолса дейиши мумкин:
«Ёш малика зўр бир улфат топибдику! Ким бўлди экан
Бу паҳлавон, ажнабий зот? Қайдан кепти? Бу күёвтўра
Қайси юртдан келди экан? Ёки денгиз тўфони уни
Буён қувиб келдимикин узоқ элдан (яқин атрофда
280. Биронта ҳам қўшни ҳалқ йўқ)? Балки бу зот Навсекаянинг
Таваллоси билан ерга инган бирон боқий тангридир –
Наҳот унга тегиб олса? Қайтага, у бизни тарк этиб,
Олис юртдан ўзи учун эр қидирса яхши бўларди;
У бу ерли йигитларнинг ҳеч бирини ёқтирмаляпти,
285. Гарчи бисёр бўлса ҳамки олий насаб йигитлар бизда». Шундай миш-миш гап тарқаши мумкин элда.

Мен чидолмайман.

- Тўғри... ота-оналари ҳаёт бўлган қизлар уларнинг
Розилигин олмай туриб, уялмасдан йигитлар ила
Эркин-эмин гурунглашса*, ундайларни айбга буюрган
290. Бўлар эдим мен ўзим ҳам. Ҳозир эса айтганимни қил
(Шунда отам сенга ёрдам қўлини чўзур ва сен албатта
Кўзлаганинг азиз юртга тез орада етиб олгайсан):
Афинага бағишлиниш теракзор бор йўл ёқасида;
Теракзордан оқиб ўтар зилол чашма кенг ўтлоқ томон;
295. Бор у ерда Алкинойнинг ҳовлиси ва мевазор боғи;
Шаҳримиздан бир ҳайқириқ эшитилар масофада у.
Сен кут бизни ўша ерда то биз бориб етгунимизча
Шоҳ қасрига; бизларни сен ўшал ерда кўрганингдан сўнг
Туриб шаҳар томон юр ва йўлингда дуч келган одамдан
300. Суриштиргин шавкатли шоҳ Алкинойнинг туар жойини.
Отам қасрин топиш осон: ҳали тили чиқмаган мурфак
Чақалоқ ҳам кўрсатиши мумкин уни; ҳеч бир феакда
Алкинойнинг қасри янглиғ ажиб бино йўқдир, албатта.
Сен кесиб ўт икки ёғи қатор уйлар бўлган ҳовлини
305. Ва тез юриб ўтиб залдан, маликанинг кўшкига киргин;
Ул гўшада ёлқин олов ёниб турган ўчоқ ёнида,
Азим устун яқинида муқарраба жориялари
Даврасида ғоят нафис қирмизи ип йигираётган
Онам бордир. Шоҳ курсиси ҳам шу ерда ўчоқ олдида.
310. Тангримоманд шоҳ майи ноб эрмак қилиб ичиб ўтирур
Сен отамни ёнлаб ўтиб, меҳрибоним онажонимнинг
Тиззаларин қуч ва унга илтижо қил: «Маликам, мендан
Тез уйимга жўнашимда дариф тутма ёрдамингни», де.
Гар малика лутф ила қабул этса илтижоингни,
315. Сенга суюк хешларингни, ойлангни, азиз юртингни
Ва ҷароғон саройингни кўриши насиб этгай албатта». Сўнг шоҳ қизи заррин қамчи босди чопқир хачирларига;

- Бир жуфт хачир дукур-дукур йўртиб кетди дарёдан нари;
Қоған ҳамма аробанинг орқасидан юрди пиёда;
320. Вале қизлар ва мусоғир ортда қолиб кетмасин учун,
Навсекая зар тизгинни қўлда маҳкам ушлаганича,
Хачирларни шоширмасдан аста-аста кетиб борарди.
Етганида улар Палладанинг хушбўй теракзорига,
Қуёш ботаётган эди. Одиссея ўшул заминда тўхтаб,
325. Ул чақмоқдор Зевснинг қизи Палладага тавалло қилди:
«О эгидабардор Зевснинг шаҳло кўзли қизи Паллада,
Зилзилакор тангрининг мен ғазабига учраб, тўлқинлар
Оғушида ўлаёзган пайтларимда илтижоимга
- Кулоқ солмай рад этгандинг уни; энди эшишт, маъбудам:
330. Хайриҳоҳлик ва бошпана юбор менга феак халқидан».
- У тавалло қилди шундай ва Паллада эшишти уни;
Лек маъбуда ўзин унга кўрсатмади, чунки қўрқарди
Тангримонанд Одиссейни то юртига етиб боргунча
Таъқиб қилишни қўймовчи ул бадқаҳр амакисидан*.

ЕТТИНЧИ ҚҮШИҚ

Шундай ибодат қиларди азобларга собир Одиссей.
Бу он шаҳарга элтарди шоҳ қизини чопқир хачирлар.
Навсекая етиб бориб шоҳнинг гўзал кошонасига,
Тўғри кириб борди унинг ҳовлисига чўнг аробада;

5. Унга пешвоз чиқди алҳол тангриваш ёш акажонлари;
Хачирларни чиқардилар аробадан, ювилган кирни
Киритдилар ичкарига. Шоҳ қизи ўз кўшкига кетди;
(Бу аёлни бир пайтлар Апирадан ўлжа мисоли
10. Олиб келиб Алкинойга туҳфа қилган эдилар, зеро
Барча феак халқи уни эъзозларди боқий тангридай,
Шу жория парваришлаб ўстирганди Навсекаяни).
Кечлик таом тайёрлади кампир олов ёқиб ўчоққа.
Одиссей бу пайт шаҳарга йўл олганди; лекин Афина
15. Уни қора булат билан ўраб, элга кўрсатмай қўйди –
Мутакаббир феаклар бу азаматни йўлда учратиб,
Кимлигини суриштириб ғаламислик қилмасинлар, деб.
Етиб келиб у шаҳарнинг жозибали бўсағасига,
Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афинани учратиб қолди –
20. Кирганди у кўза кўтарган гўзал қиз қиёфасига.
Шундай савол берди унга тангримонанд оқил Одиссей:
«Қизим, менга тангриларнинг арзандаси шоҳ Алкинойнинг
Истиқомат қилар жойи қайдалигин айтольмайсанми?
Мен бир фариб мусофиридан жуда олис элдан келганман;
25. Ҳеч ким менга таниш эмас бу шаҳарнинг одамларидан».
Жавоб қилди унга Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афина:
«Ҳа, мусофири, бажонидил кўрсатаман сенга шоҳ аркин;
Менинг соҳибдил падарим қўшни эрур шоҳ Алкинойга;
Юр мен билан индамасдан; йўл кўрсатгум юриб олдинда;
30. Вале тўқнаш келганларга қарама ҳам, савол ҳам берма:
Ажнабийларни хуш кўрмас, совуқ қарши олур халқимиз;
Меҳмондўстлик нималигин билмайди бу ер одамлари;
Улар учқур кемаларга жонларини ҳавола қилиб,
Посейдоннинг паноҳида сузадилар чўнг денгизларда;
35. Кемалари тезгир эрур мисли қанот ёхуд хаёлдек».
Деб Афина бошлаб кетди Одиссейни олдинга ўтиб.
Одиссей ҳам маъбудага шаҳдам-шаҳдам юриб эргашди.
У шаҳарнинг гавжум кўчалари бўйлаб бораётганда.
Феаклардан ҳеч ким уни кўрмади ҳам, учратмади ҳам –

40. Бу сунбулсоч Палладанинг иши эди: у Одиссейни
 Ҳар ёғидан қуюқ зулмат пардасига ўраб қўйганди.
 Одиссей қўш бандаргоҳни, у ердаги саф тортиб турган
 Кемаларни, халқ майдони ва шаҳарнинг гир атрофини
 Ўраб олган фоят гўзал, кўп сарбаланд ва ихотабоп
45. Зич терилган қозиқdevорларни кўриб ҳайратда қолди.
 У шавкатли Алкинойнинг ажиг қасри бўсағасига
 Келганида Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афина деди:
 «О мусоғир, сен қидирган кошонага етиб келдик биз;
 Ҳозир бунда Зевс бандаси шоҳ Алкиной ўз меҳмонлари
50. Даврасида зиёфатда ўтириби; киравер қўрқмай;
 Ҳеч бир ишдан қўрқмайдиган эркак қандай одам бўлмасин,
 Ҳатто мусоғир бўлса ҳам вожиб бўлгай барча хоҳиши.
 Энг аввал сен, кўшкка киргач, маликанинг ҳузурига бор;
 Аретадир унинг исми; малика ва унинг шавҳари
55. Олий мақом шоҳ Алкиной бир аждоднинг авлодларири;
 Олдинига севиб қолди зилзилакор тангри Посейдон
 Жаҳондаги барча қизлардан дилбарроқ Перибеяни.
 Перибея қизи эди соҳибқудрат Евримедонтнинг;
 Бир замонлар Евримедонт гигантларнинг сultonи эди:
60. Вале шаккок халқини ҳам, ўзини ҳам нобуд қилганди;
 Шул паҳлавон қизи билан қовушганди тангри Посейдон
 Ва дунёга келган эди икковидан ўғил Навсифой;
 Навсифойдан туғилганди Рескенор ва Алкиной – икков;
 Лек Рексенор ўғил кўрмай, иккинчи бор уйланган чоғда
65. Маҳв бўлди кумушкомон Аполлоннинг қаҳҳор тифидан
 Қизалоги Аретани етим қилиб; Алкеной унга
 Уйланганди. У завжасин мудом шундай эъзозлайдики,
 Эр меҳридан бундай хушнуд бўлган хотин йўқдир дунёда;
 Уни уйда қалб меҳри-ла севадилар болалари ҳам,
70. Алкиной ҳам; феак халқи билур уни маъбудасидек;
 У шаҳарда шоду хуррам эл ичиди юрган чоғида
 Доим қарсак чалиб уни қаршиларлар, ўраб олурлар.
 У ювош қалб соҳибаси бўлса ҳамки, ақзи баркамол,
 Майнин сўзлар айтиб ечур эркакларнинг мубоҳасасин.
75. Гар малика лутф ила қабул этса илтижоингни,
 Сенга суюқ хешларингни, оиласингни, азиз юртингни
 Ва ҷароғон саройингни кўриш насиб этгай албатта».
 Шу гапларни айтиб бўлгач, Зевснинг қизи кетди узоқлаб,
 У мўйсафид дениз узра учди алҳол Схериядан
80. Ва бир зумда Марафонга етиб борди; сўнг одамларга
 Гавжум бўлган Афинада шоҳ Ерехтей уйига кирди.
 Одиссей бу аснода шоҳ Алкинойнинг аркига етди;
 Туаркан мис бўсағада юраги кўп безовта эди.
 Гўё мовий осмонда ой ва ё қуёш порлаб тургандай
85. Зевс эркаси шоҳ Алкиной қасрининг ҳар ёғи нурафшон;
 Остонадан ичкарига йўналган мис девор* устига

- Түқ-яшил рангдаги ғоят ажиб карниз тортилган эди;
 Соф олтиндан қуйилганди күшк әшиги; мис останага
 Ўрнатилган кесакилар ҳам, ёндор ҳам кумушдан эди;
90. Ҳалқа эса олтин эди. Икки ёнда — ўнгда ва чапда
 Тангри Гефест маҳорати — бири олтин ва бири кумуш
 Иккита ит қўриқларди шоҳ Алкиной кошонасини;
 Итлар боқий эди, қанча вақт ўтса ҳам қаримасдилар.
 Гўзал роҳат курсилар саф тортган эди девор ёқалаб
95. Останадан ичкарига; қўллари гул чўрилар тиккан
 Кўрпачалар тўшалганди ҳар бирига; бу курсиларга
 Шаҳарнинг энг маълум, машҳур киборлари мансабга қараб
 Ўтиришар* ва шоҳона таомлар еб май ичишарди.
 Супачаларда турарди қаддин тиклаб тилла ўсмиirlар;
100. Лов-лов ёнган машъалалар ушлаб улар ёритардилар
 Тунда кўшкни, зиёфатда ўтирган шоҳ меҳмонларини.
 Хизмат қиласар эди бунда эллик нафар қўли гул чўри;
 Баъзилар қўл тегирмонда заррин буғдой тортиб ун қилса,
 Ўзгалари дастгоҳларда титроқ терак япроқларидек
105. Тизилишиб ўтириб ип йигирар ва мато тўқирди;
 Матолар шу қадар пишиқ бўлардики, мой сингимасди,
 Кема бошқаришда феак эрлар қандай моҳир бўлсалар,
 Хотинлар ҳам ўз касбининг моҳираси эдилар шундай;
 Уларни бу ҳунарларга ўргатганли Афина ўзи.
110. Улкан ҳовли ортида тўрт ботмон серфайз бир боғ бор эди
 Гир атрофи кунгурали баланд девор билан ўралган;
 Ўсади у боғда турли-туман лазиз мевали дараҳт —
 Олмалар-у ноклар, яна мевалари шигил анорлар;
 Йил — ўн икки ой муттасил қаҳратон қиш, саратон ёзда
115. Бу дараҳтлар ҳосил бераверар эди; ул боғда доим
 Илиқ Зефир эсиб, ғунча тугдирса гар битта бутада,
 Ҳил-ҳил мева етилтириб берар эди иккинчисида;
 Ул боғда нок кетидан нок, олмалар ортидан олмалар,
 Пишган анжирдан сўнг янги тутган анжир пишаверарди.
120. Унда барпо этилганди узумзор ҳам; пишиб этилган
 Кўп узумлар қуриб майиз бўлардилар офтоб тафтида,
 Баъзилари кутардилар соҳибкорнинг келиб узишин;
 Айримларин эзардилар; бошқалари гулларди ёки
 Гулин тўкиб олтин ранг касб этиб пиша бошлар эдилар.
125. Боғда қўшни полиздаги пушталарда турфа хил хушбўй
 Кўкатлар-у сабзавотлар ҳосил берар эди йил бўйи.
 Боғдан икки чашма оқиб ўтар; бири сабзавотларни
 Суғорарди, иккинчиси шоҳ қасрининг бўсағасидан
 Оқиб ўтар ва одамлар олиб кетар эди ичгани.
130. Алкинойнинг уйин шундай файзли қилган эди тангрилар.
 Одиссей бу ҳашамларга узоқ муддат тикилиб турди;
 У маҳдиё бўлиб жами безакларни томоша қилгач,

- Шаҳдам қадам босиб ўтиб остоңадан қасрға кирди.
 Үнда феак халқын асл сардорлари, оқсоқоллари
135. Чақмоқ күзли Аргускүшга бағишилаб май паймо қиларди*
 (Ки Гермесга сиғинарды ҳамма ётар чоғда уйқуга).
 Жадал юриб ўтиб кетди бу зиёфатгоҳдан Одиссей
 Афинанинг туманинга ўралганча у тўғри борди
 Аретанинг ҳамда подшо Алкиноининг истиқболига;
140. У малика тизларини қучганида, шу маҳал бирдан
 Тарқаб кетди Одиссейни чулғаб турган самовий зулмат.
 Бу забардаст паҳлавонни кўриб ҳамма лол бўлиб қолди;
 Одамлар жим; маликага ўтирилиб деди Одиссей:
 «Куч-қудратда тангриваш мард Рексенорнинг қизи Аreta,
145. Бугун сенинг тизинг қучиб, шоҳга ҳамда унинг эъзозли
 Меҳмонларига сиғингум мен ғарибу бенаво бандা.
 Сизга эзгу саодат-у узоқ умр ато этсинлар
 Тангрилар ва фарзандларингизга мерос бўлганчча қолсин
 Уй-жойингиз ҳам, халқингиз берган олий мартабалар ҳам.
150. Менга эса кўмак беринг, кўпдан бери ғаму ҳасратда
 Азоб чекиб соғинганим ота юртим, жигарларимни
 Кўрмоқ учун етиб борай бехавотир матлуб манзилга».
 Шундай деб у борди ўзоқ олдига ва кулга ўтириди*.
 Ҳамма сукут сақларди қилт этмай; сукут чўзилиб кетди.
155. Ва ниҳоят, феак аҳли ичида энг пири бадавлат
 Кўпни кўрган ширинсұхан акобир чол Ехеней деди:
 «Шоҳ Алкиной, бул мусоғир сендан нажот сўраб келибди;
 Яхши эмас ахир унинг қудсий ўзоқ кули устида
 Ўтириши бизларнинг кўз олдимизда. Сен фармон бергил:
160. Муруват ва илтифотлар кўрсатсинглар бу ажнабийга;
 Ўзинг уни кулдан турғаз ва таклиф қил бизларнинг сафга –
 Кумушоёқ курсиларга. Удайчингга амр эт сўнгра
 Қадаҳларга қирмизи май тўлдирсингни, биз ҳимояга
 Муҳтоҷ бўлган мусоғирлар паногоҳи само султони
165. Тангри Зевсга атаб паймо қилайлик ул ол ранг майларни.
 Калитдоринг бул меҳмонга олиб келсин егулик таом».
 Шундай деб у шоҳ қалбидан табаррук бир қувва жўшдирди;
 Шоҳ қайғуга асир бўлган Одиссейнинг қўлидан ушлаб
 Кул устидан кўтарди ва ўз ёнида ўтирган ўғли
170. Лаодамдан мусоғирга жой бўшатиб беришни сўраб,
 Одиссейни ўтқазди шул ҳашаматли роҳат курсига.
 Чўри хотин бежирим жом билан олтин обдаста тўла
 Муздай зилол сув келтирди Одиссейга қўл ювдиргани;
 Сўнг олдига силтиқ стол суриб қўйди; қатитдор бу стол устига
175. Хонаки нон, турли нозу неъматларни келтириб қўйди.
 Машақкатларга бардошли Одиссей бу таомларни еб
 Шароб ичиб, нафсини ва чанқофини қондирди охир.
 Ана шунда фармон берди удайчига феаклар шоҳи:
 «Понтоной, сен қадаҳларни майга тўлдир ва сун барчага,

180. Ҳимояга мұхғож бўлган жами мусофиirlар ҳомийси
 Ул чақмоқдор Зевс ҳаққига биз май паймо қилайлик энди». Деди шоҳ ва Понтоной бол мисол тотли қирмиз май ила Қадаҳларни тўлдиди-да суниб чиқди жами меҳмонга; Меҳмонлар тик турганича қадаҳдан май паймо қилдилар
185. Ва қолганин сипқордилар то охирги томчисигача.
 Деди шунда шоҳ Алкиной меҳмонларга: «О акобирлар, Қулоқ беринг, айтай қалбим ҳамда ақтим буюрганини. Базм тамом; энди ҳамма дам олгани борсин уйига; Лек эрталаб яна келинг қолган киборларни ҳам бошлаб.
190. Биз ҳаммамиз мусофиirlни куттаймиз ва худовандларга Гекатомба бағишилаймиз. Кейин эса азиз меҳмонни Олис йўлга жўнатишнинг тадоригин режа қиласиз, Токи бу зот бехавотир ва бешикаст ўзига матлуб Бўлган ерга тез фурсатда бизнинг событ ҳимоямизда
195. Етиб олсин, ўшал замин қанча йироқ бўлганила ҳам; Яна, у то ўз юртига етгунича, йўлда ҳеч қандай Бадбахтлик ё бадҳоҳликка учрамасин; юртига етгач У таваллуд топганида мойралар ё тақдирни азал Азиз умри риштасига ўриб қўйган эзгуликларнинг
200. Ҳаммасига ноил бўлсин. Аммо унинг шамойилига Кирган бирон боқий тангри ташриф этган бўлса бу ерга, Демак бирон мавхум ният билан келган у даврамизга. Зеро, доим очиқ-ошкор келадилар боқий тангрилар, Таклиф этсак уларни биз агар мўл-кўл ҳекатомбага;
205. Улар тановул қилганда бизлар билан мансабни асло Ўйламаслар; ҳатто бирон тангри бирон дайди феакка Дуч келса ҳам беркинмайди, ки худолар бизларни худди Циклоплардек, гигантлардек қадрдон дўст ҳисоблайдилар», Деди. Унга жавоб қилди уддабурон доно Одиссеj:
210. «Шоҳ Алкиной, ҳеч хавотир олма бундай хаёлга бориб; Поёнсиз кўк соҳиблари тангриларга ўхшамас асло Бўй-бастим ҳам, вужудим ҳам; мен оддий бир фоний бандаман;
- Фоний бандалар ичинда энг бадбахти, энг гарибиман. Боқийларнинг бу бошимга соглан азоб-уқубатлари,
215. Изтиробли жазолари ҳақида мен сўзлаб беришим Мумкин ўзга фонийлардан кўпроқ; илло мудом қийнайди Мени очлик; у вужудим кемиради шафқатни билмай. У тизгинлаб олиб бизни, ҳар соатда тан-жонимизга Дашибом берив эзғилайди. Қалбим менинг ғаму ташвишида
220. Бўлса ҳамки, очоғат оч қорним мудом овқат сўрайди Ва бошимга тушган барча савдоларни унутишимни Ҳамда фақат унинг ғамин ейишимни талаб қиласи. Шу боис мен ёлбораман, уйғонганде мунаvvар Эос, Ўйлаб кўринг мен бадбахти ватанимга жўнатиш йўлин;

225. Бардош бердим мен күп зулм, қийноқларга, энди ўлимга
Хам розиман, фақат олдин хонадоним, азиз оилас,
Күлларим-у мол-давлатим бирон марта күрсам кифоя»,
Деди; унинг илтижосин маъқуллашди аслзодалар
Ва ўз доно каломи-ла ҳаммани ром қилган бу эрни
230. Тез орада ватанига жўнатмоққа қарор қилдилар.
Сўнг ҳамма май паймо қилди ва сипқариб охиригача
Қолган майни, уй-уйига жўнаб кетди ором олгани.
Лекин қолди тангримонанд Одиссея шу зиёфатгоҳда;
Шоҳ Алкиной ва малика ҳам у билан қолдилар шунда;
235. Ходималар идишларни йигиштириб ола бошлади.
Шунда оқбилак Арета меҳмон билан суҳбат бошлади.
Одиссейнинг эгнида у ўзи уйда ходималари
Билан тиккан хитон билан мантияни таниган эди;
Шу боис у баландпарвоздан калом ила сўради ундан:
240. «Сен, мусофир, аввал менинг саволимга аниқ жавоб бер;
Кимсан ўзинг? Қайдан келдин? Этнингдаги либос кимники?
«Мени дengiz тўлқинлари олиб келди», деган эдингку».
Соҳибжамол маликага жавоб қилди оқил Одиссея:
«Маликам, мен кўхна Уран насабидан бўлган тангрилар
245. Амри ила бошгинамдан кечирганим фалокатларнинг
Ҳаммасини сўзламоққа қийналаман, – фақатгина бир
Ҳодисани аниқ айтиб бергум сизга: олис дengизда
Огигия ороли бор; алп Атлантнинг маккора қизи
Маъбудалар маъбудаси сунбул сочли санам Калипсо
250. Яшар унда; лек муроса қилмайди бу маъбуда билан
Тангрилар ҳам, фоний авом бандалар ҳам. Зевс поёни йўқ
Хилват дengиз ўртасида фалокатли чақмоғин отиб,
Кемамни маҳв қилганида айрилиб мен ҳамроҳларимдан
(Улар барин ютли дengиз), мажаҳланган кемамнинг битта
255. Пуштагини қучиб, тўққиз кун ўйинчиқ бўлдим дамодам
Тўлқинларга; ўнинчи кун тунда Даймон сувдан чиқарди
Мени санам Калипсонинг оролига – Огигияга.
Бу маъбуда лутфан қарши олиб мени парвариш қилди,
Ҳатто менга у боқийлик ҳамда мангу навқиронлик баҳш
260. Этмоқчиди. Лекин мени у ўзига ром қилолмади.
Хаётимнинг етти ўили ҳазон бўлди у оролда ва
Унинг берган кийимлари шилта бўлди кўз ёшларимдан.
Оқибатда тезгир вақтнинг саккизинчи ўили келганда
Санам бирдан оролни тарқ этишимни буюрди менга –
265. Зевс қаҳридан кўрқдими ё ўзгардими фикри, билмадим.
Ўзим ясад пишиқ бир сол унга чиқдим; маъбуда мени
Нон, хушбўй май ҳамда foят пишиқ кийим билан таъминлаб.
Боди мурод ҳам йўллади, ҳамроҳ бўлсин, дея ортимдан.
Ўн етти кун суздим тинмай дengизда мен; ўн саккизинчи
270. Кун келганда мен олисда кўрдим сизнинг ватанингизни;
Шунда не-не азобларни чеккан дилим беҳад қувонди;

Вале ҳали менга кўп-кўп ҳалокатлар тайёрлаб қўйган
Экан яна денгизларнинг ҳукмдори ўжар Посейдон:
У жамики шамолларни қутириди ва поёни йўқ

275. Денгиз сувин алғов-далғов қилиб, тўсди борар йўлимни;
Пўртанаалар ҳамласидан бошқаролмай қолдим солимни;
Тўфон солни пора-пора қилди ва мен ўзимни отиб
Серталотум дengизга, тез суза кетдим ҳолим етганча;
Мени жўшқин шамоллар-у тошқин дengиз қирғонингизга
280. Яқин олиб келди, унда қояларга ҳамла қилувчи
Алп тўлқинлар маҳв этиши мумкин эди мени мажақлаб;
Ва лекин бор кучим йигиб чекка ёққа суза бошладим;
Сал вақт ўтмай етдим дарё мансабига – у ер мутлақо
Сокин эди, тифли тошлар ҳам йўқ эди, шамол эсмасди;
285. Мен соҳилга чиқиб ҳұксиз мук йиқилдим; сиё пардасин
Ёпди шунда илоҳий тун; мен бу асно Зевс дарёсидан
Узоқлашиб, дарахтзорда хазонларга кўмилиб ётдим;
Шунда узок уйкуга гарқ этди мени бокий тангрилар.
Ухлабман мен ғамга ботиб ва баргларга кўмилганимча
290. Бутун кечада, эрталаб ва кун қиёmdан оғунигача;
Қўёш бота бошлаганди ширин уйқум бузилганида:
Денгиз соҳилида кўрдим қизинг билан борган қизларни;
Унинг билан ўйнардилар санамларга ўхшаш бу қизлар.
Мен қизингга ёлвордим; у шундай доно бир иш қилдики,
295. Насиб этгай бу донолик унга тенгқур бўлган қизларнинг
Айримига – ноқис эрур кўп ёшларнинг ақли, одатда.
Қизинг қорнимни тўйдирди тансиқ таом, хушбўй май бериб
Ва дарёда чўмилмоқни амр этди, сўнг эгнимдаги
Либосларни туҳфа қилди. Ҳамма бўлган гап шу, вассалом».
300. У жим қолди. Ана шунла муруватли Алкиной деди:
«Бил, мусофир, тар қизимиз сени ушбу саройимизга
Ўзи билан бирга бошлаб келганида яхши бўларди:
Ахир унга сен юзланган экансан-ку биринчи бўлиб».
Сўзлади шоҳ. Унга қараб шундай деди доно Одиссей:
305. «Ҳимматли шоҳ, таъна қилма сен оқила қизингга зинҳор;
У ўшанда мени таклиф қилган эди бирга келишга;
Мен рад этдим – уялгандим; боз устига, агар сен бизни
Бирга кўрсанг, қаҳринг қайнаб кетади деб ўйлаган эдим –
Биласанку, фонийларнинг сал нарсага қайнар зардасия».
310. Шоҳ Алкиной жавоб қилди Одиссеяга эътиroz ила:
«Йўқ, мусофир, кўксимдаги қалбим менинг бемулоҳаза
Жаҳолатга мойил эмас; илло тартиб бўлсин ҳар ишда!
О бузург Дий! О Аполлон! О Афина! Агар қизимга
Мен билан ҳамфир бўлган сендан куёв насиб этганда
315. Ва биз ила турганда у... Уй берардим, бемисл бойлик;
Гар ҳоҳласа бизнинг юртда яшайверарди; лек ҳеч кимни
Зўрлаб олиб қолмаймиз биз; тангри Зевсга шак келтирмаймиз.

- Эртагаёқ сенинг жұнаб кетишиңгә күргүм ҳозирлик;
Хотиржам бўл: сен бол уйқу оғушидә ётаверасан.
320. Кема эса тинч денгизда жадал сузиб, отанг юртига
Ёки сенга матлуб бўлган бирон узоқ заминга, ҳатто
Эвбеяга* элтиб қўюр; ундан нари ёқда малласоч
Радамант-ла сузиг борган энг довюрак баҳрийларимиз
Айтишича, ҳеч бир ер йўқ; Радамант у ёқса Геянинг
325. Ўғли Титийни кўргани борган; бу йўл қанчалик оғир,
Денгиз қанча теран бўлса ҳамки, улар фақат бир кунда
Эвбеяга бехавотир етиб бориб яна ортга қайтиб келганлар.
Кемамизнинг қандай учқурлигин, эшкакчиларимизнинг
Қандай эшкак эшишларин ҳали кўриб қойил қоласан».
330. Шундай деди; Одиссейнинг баҳридили очилиб кетди;
У жарангдор овоз билан тангри Зевсга тавалло қилди:
«Сарпадар Дий, Алкинойнинг менга берган ваъдаларини
Вожиб айла ҳамда уни шону шарафга фарқ этгил гўзал юртида!
Мени эса ватанимга беазият кузатиб қўйгил!»
335. Улар ширин сухбат қилиб ўтиридилар анча вақтгача
Сўнгра малика Аreta амр этди жорияларга
Равондаги каравотга қирмиз тўшак тўшамоқликни
Ва пат гилам ёзиб, момиқ кўрпа – бароқ ридо ташлашни.
Жориялар қўлларига чироқ олиб чиқиб кетдилар.
340. Юмшоқ ўрин тайёр бўлгач Одиссейга келиб дедилар:
«Эй мусоғир, момиқ тўшак сенга мунтазир».
Бу хуш таклиф севинтирди мадори йўқ шоҳ Одиссейни;
Равондаги жимжимадор каравотга ётиб, ниҳоят
У шифобахш, тотли уйқу лаззатидан баҳраманд бўлди.
345. Шундан сўнг шоҳ Алкиной ҳам ўз қўшкига кириб кетди ва
Ухлаб қолди вафодори – Маликанинг ёнига ётиб.



САККИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

- Балқиб чиқди қора тундан ол бармоқли навнихол Эос
Ва тарк этди тинч уйқуни шоҳ Алкиной — ҳокими мутлақ;
Шаҳарларни вайрон этган Одиссей ҳам турди уйқудан.
Ана шунда шоҳ Алкиной бошлаб кетди азиз меҳмонин
5. Феакларнинг саф-саф турган кемалари яқинидаги
Кенг майдонга. Ўтиридилар тош курсига улар ёнма-ён;
Бу аснода шоҳ жарчиси сумбатига кирган Афина
Жадал юриб кезар эди шаҳарнинг кенг күчаларини;
Одиссейнинг ўз юртига тезроқ қайтиб боришин истаб,
10. У дуч келган ҳар кимсага шундай дерди назокат ила:
«О эъзозли феак аҳли, ҳокимлару мушовирлар, сиз
Йиғилинг тез кенг майдонга гар кўрмоқни хоҳласангизлар
Куни кеча шоҳ қасрига кириб келган ажнабий касни:
Ул тангриваш мусофири билан оқизиб келмиш».
15. Шундай деб у ҳар кимсаннинг юрагида ҳавас, қизиқиш
Ўйғотди ва бир лаҳзада одамларга лиқ тўлди майдон;
Ўтиридилар. Одиссейга ҳамма ҳайрат ила боқарди:
Паллада бахш этган эди елкалари, юзи-кўзига
Файритавсиф хусндорлик ва қоматин улғайтирганди
20. Тўлиштириб жуссасини; зеро у бу жуссаси ила
Феакларда ҳам ҳалиқ, ҳам ҳурмат ҳиссин уйғотмоғи ва
Улар ташкил этган турли ўйинларда намойиш қилиб
Жисмидаги куч-құдратни ром қымлоғи шарт эди ҳалқни.
Эл йиғилиб майдон тўлгач, шоҳ Алкиной ҳамма-ҳаммага
25. Қилди шундай мурожаат: «Аё феак фуқаролари,
Диққат билан тингланг мени, сизга қалбим ва тафаккурим
Амр этган ҳақиқатни сўзлагайман. Бу машриқданми,
Ё мағрибдан сарсон бўлиб келиб қолган нотаниш меҳмон
Биздан кўмак сўрамоқда ўз юртига етиб олмоқ-чун.
30. Ёрдам берайлик ғарибга, амал қилиб удумимизга;
Зеро, ҳали мадад сўраб кириб келган ҳеч бир мусофири
Узоқ муддат зор-зор йиглаб ёлбормаган менга ҳеч маҳал;
Туширайлик биз муқаддас сувга ҳали денгиз кўрмаган
Қора биқин кемани; сўнг эллик нафар билаги бақват
35. Ёш эшкакчи йигитларни ҳалқ ичидан танлаб олайлик;
Улар боғлаб эшкакларни кеманинг чарм қайишларига,
Шоҳ қасрига йиғилсинлар ва ўzlари учун шошганча
Турли-туман лазиз таом пиширсинглар сафар олдидан;
Таклиф қилинг ёш эшкакчи йигитларни менинг номимдан;

40. Сиздар ҳам, эй салтанатнинг улуғлари, боринг уйимга,
Шафқатга зор мусофири биргаликда меҳмон қилайлик;
Ҳаммангизни таклиф қилгум, ҳеч бир кимса бормай қолмасин;
Яна ҳофиз Демодокни ҳам чақиринг: унга худолар
Кўшиқ кўйлаб бизни хушнуд этгувчи қалб ато этмишлар».
45. Шундай деб у юра кетди; ҳукмдорлар, ҳокимлар унга
Эргашдилар; Демодокни чақиргани чопди Понтоной.
Бу аснода шоҳнинг амри ила эллик нафар эшкакчи
Мудом нотинч шўр денгизнинг соҳилига тўпландилар-да
Яқин бориб қумда турган қора биқин кема пойига,
50. Биргаликда суриб уни туширдилар муқаддас сувга,
Сўнг маҷтани тикладилар, абзалларни жойлаштирилар,
Эшкакларни ўрнатдилар пишиқ, чайир кўн ҳалқаларга,
Елканларни ёйдилар ва қушдай енгил азим кемани
Денгиз бағрига чиқариб лангар ташлаб, сўнг ҳаммалари
55. Шоҳнинг таклифига кўра тўпландилар унинг қасрида.
Сал вақт ўтмай шоҳ аркида йўлаклар ҳам, кенг ҳовлилар ҳам,
Даҳлизлар ҳам тўлиб кетди ёшу қари одамлар билан.
Ўн иккита бўрдоқи кўй, эгри шоҳли икки буқа ҳамда саккизта
Семиз-семиз чўчқаларни сўйишни шоҳ буюрди элга;
60. Эпчил йигитлар молларни сўйдилар ва тез-тез нимталаб,
Пиширдилар сербарака ва серлаззат турфа таомлар.
Айни шу пайт Понтоной ҳам бошлаб келди машхур ҳофизни;
У туғилган чоғидаёқ Муза унга бахш этган эди
Эзгулик ва бахтсизликни – кўзини кўр қилган бўлса ҳам*,
65. Берган эди янгроқ овоз. Хонандага Понтоной курси
Кўйиб берди. У ўтиридан ҳалойиқа юз ўгириб ва
Йўғон устунга суяниб. Сўнг удайчи ҳофиз торини
Унинг қўли етадиган михга илиб, ўзи бир сават
Егуликлар олиб келди, суриб қўйиб тез хонтахтани,
70. Қадаҳига май тўлдирди, хоҳлагандан ичиши учун.
Бу аснода ҳамма қўлин чўзди тортилган таомларга.
Мана, охир қорин тўйли лазиз таом ва болдек майга;
Шунда Муза солди ҳофизнинг дилига лашкарбошилар –
Далир Ахилл, шоҳ Одиссей ҳақидаги ўша пайтларда
75. Овозаси кўкка етган қиссалардан биронтасини
Куйламоқни: ҳекатомба маросими чоғида улар
Икковлари жанжаллашиб бир-бирини таҳқирлагани
Ва бу икки машхур ахей ўртасида бўлган низодан
Агамемнон хурсанд бўлиб кетгани ҳақдаги қиссани:
80. Бу – хушхабар эди унга. Агамемнон боқий тангрилар
Башоратин эшитмоқ-чун Пифий ибодатхонасига*
Борганида, оstonадан ҳатлаган он соҳибкаромат
Коҳин унга эзгу хабар берган эди – ана ўшанда
Сарпадар Зевс ахейлар ва трояликларнинг бошига
85. Олам-олам фалоқатлар ёғдиришни бошлаган эди.
Куйларди шул ҳақда ҳофиз. Лек Одиссей ол мантиясин

- Этагини құлға олиб бутун бош-у юзин буркади!
У күз ёшин феакларга күрсатишни хоҳламаганди.
Хонанда бир оз муддатта тұхтатганда қүшиқ айтишни,
90. Одиссей күз ёшин артиб бошдан олди мантияни ва
Күшқадаңға* шароб қуиб, боқийтарга паймо қилди май.
Демодок тор олиб яна күйлай кетди унинг ширали
Овозига мафтун бўлган феакларнинг талаби билан;
Шоҳ Одиссей енги билан буркаб бошин яна йиғлади.
95. Бошқа ҳеч ким пайқамаган бўлса ҳамки йиғлаганини,
Одиссейнинг оғир-оғир хўрсинганин эшишиб турган
Ёнидаги шоҳ Алкиной пайқаб қолиб йифи сабабин,
Баҳр ҳалқи – феакларга шундай деди: «Эй фуқаролар,
Диққат билан тингланг менинг қаломимни: биз қалбимизни
100. Хушнуд этдик мўл-кўл тансиқ таомлар-у ҳар бир базмнинг
Энг бебаҳо нодир дўсти – ёқимли соз садоси билан;
Энди бизлар қудратимиз кўрсатайлик мусобақада,
Токи азиз меҳмонимиз ўз юртига қайтиб боргданда
Феакларнинг муштлашувда, сакрашда-ю тез югуриша
105. Ўзгалардан қанча устун эканини гапириб берсин
Уйидаги хотин, бола-чақасига биттама-битта».
Шундай деб у юра кетди, бошқа ҳамма эргашди унга.
Понтоной хушовоз созни хонанданинг қўлидан олиб,
Михга илди ва етаклаб чиқди уни зиёфатгоҳдан;
110. Сўнг етаклаб Демодокни одамларнинг ортидан юрди –
Феакларнинг беллашувин кўрмоқ истар эди бутун ҳалқ.
Майдон тўлди оломонга: беллашувнинг қатнашчилари
Олижаноб ўшларни ҳалқ ўраб олди шўх-шўх қийқириб.
Ҳалқ ичидан чиқди улар: Акреней*, Окиал, Элатрей,
115. Навтий, Примней, Анхиал-у, Эретмею, Анабесионей;
Улар билан бирга чиқди Понтеи, Фоон, Прореон-у
Амфиал ҳам (Полинийнинг ўғли Тектоннинг набираси);
Улардан сўнг ёш Эвриал, куч-қудратда Арейнинг тенги
Навболит ҳам (у бўй-бастда, шамойилда барча ҳалқлардан
120. Устун эди. Фақатгина Лаодамга тенг келолмасди).
Ва ниҳоят келиб қўшилди уларга Клитонеон,
Лаодам ва Галион – шоҳ Алкинойнинг учта ўғлони.
Югуришдан бошланди бу мусобақа: ҳамма чизиқдан
Баб-баровар чопа кетди кенг майдоннинг чангин тўзитиб.
125. Ҳамма чопқирлардан чаққон бўлиб чиқди Клитонеон;
Далада ер ҳайдаётган хачир тинмай қанча узоқлаб
Юриб борса, шунча узоқлаб кетганди Клитонеон
Рақиблардан ва энг аввал етиб келган эди маррага.
Бошқа ўшлар синааб кўрди ўз кучини оғир курашда.
130. Бу курашда полвонларнинг барин енгди жасур Эвриал.
Сакраш бўйича Анхиал ғолиб чиқди. Залвар лаппакни
Отиш мусобақасида Эретмей кўрсатди ўзини.

- Муштлашувда голиб чиқди шоҳнинг ўғли далир Лаодам.
 Ҳамма кўриб мамнун бўлгач бу ажойиб мусобақани.
135. Иигитларга шундай деди Алкинойнинг ўғли Лаодам:
 «Бўймасмикин уят агар биз меҳмондан мусобақанинг
 Қай турида қатнашишга мойиллигин сўраб кўрсамиз?
 У алпекелбат, кучга тўлган болдиrlари, бели, қуллари,
 Бўйни чайир, мушаклари метин; ёши унча каттамас;
140. Илло уни машаққатли ҳаёт қаттиқ эзган кўринур.
 Ки дengиздек қудратли ва маҳвкор куч йўқdir дунёда;
 У забардаст азamatни ҳам ямламай ютиб юборур».
 «Сен foятда доно фикр айтдинг дўстим, — деди Эвриал
 Лаодамга. — Энди ўзинг мусофирнинг олдига бориб,
145. Бизлар билан беллашувга таклиф қилиб кўр-чи, не деркин». Эвриалнинг бу гапига амал қилган Лаодам алҳол
 Тўпдан чиқди ва юзланиб Одиссейга шундай гапирди:
 «О хорижли ота, сендан илтимос: бу мусобақанинг
 Қай турини мақбул кўрсанг, ўша турда кўрсат ўзингни, —
150. Лек сен чапдаст бўлсанг керак барча турларда —
 Соғлом эр ўз оёқ-қўлин эпчиллиги, мускулларининг
 Метинлиги билан буюк шон-шарафга мусассар бўлур;
 Сен ҳам, ота, ҳасратни тарқ этиб, бизга иқтидорингни
 Намоён қил. Борар йўлинг яқин энди; учқур кема ҳам
155. Сувга тушган ва сен билан сузишга шай одамларимиз»,
 Деди. Шундай жавоб қилди унга ақли комил Одиссей:
 «Дўстим, бундай таклиф билан мени ранжитмоқчимасмисан?
 Юрагимга сиғмас асло ҳеч беллашув; изтиробдаман;
 Кўп оғату фалокатлар кечди бошдан, заҳматлар чекдим;
160. Энди бўлса сиз ва шоҳнинг мени қачон ота юртимга
 Жўнатишингизни кутиб ўтирибман ҳасратга ботиб». Лек Эвриал Одиссейни мазах қилиб шундай гап қотди:
 «Эй мусофир, қарасам, сен ўхшамайсан беллашувларга
 Майли бўлган баҳодирга; сен молини қимматга пуллаб.
165. Фақат кўпроқ фойда кўриш илинжида эшқаклари мўл
 Кемасига яна янги моллар ортиб дengизма-dengiz
 Сузиб юрган бирон тожир бўлсанг керак, менинг фаҳмимча». Беадабга маъюс боқиб, қовоқ солиб деди Одиссей:
 «Гапинг заҳар; дили қора одам бўлсанг керак албатта.
170. Худовандлар эзгуликни ато этмас ҳаммага бирдаёт.
 Ҳам заковат, ҳам мафтункор қомат ҳамда қудратли калом
 Ҳар кимга ҳам насиб бўлмас; бирор зоҳир қиёфаси-ла
 Ҳеч кимни ром қилмаса ҳам, худо унга латофатли нутқ
 Ато этган; унинг жўшқин ёки маъсум хуш каломлари
175. Одамларни қувонтирап; анжуманинг чиройидир у;
 Кўча-кўйдан ўтганда у тангриларга ўхшаб кетади.
 Бошқа бирор ўхшаса ҳам юзи-кўзи худовандларга,
 Фаривона сўзларида йўқdir асло шира, нафосат.
 Сен ҳам шундай бекусурсан, ҳатто Зевс ҳам бундан ортикроқ

180. Күрк беролмас; vale сенда йўқ заррача доно тафаккур.
 Сен ношоён гапинг билан кўксимдаги қалбим ўртадинг.
 Ва лекин мен, сен айтгандай, паҳлавонлар беллашувида
 Ҳеч ожизлик қилмаганман; ёш чоғимда доим ғалаба
 Қучар эдим – чайир мускулларим менга содиқ бўлганди.
185. Лекин энди қирқилгандир кучим оғир меҳнат ва ғамдан;
 Мен кўп жанг жадалларда бўлдим, золим сув оғушида
 Неча кунлаб азоб чекдим; кучим кесик бўлса ҳам шайман
 Беллашувга; мени қаттиқ таҳқирладинг густоҳ сўзинг-ла».
 Деб ўрнидан турди у ва мантиясин ечмаганича,
190. Ерда ётган лаппаклардан энг қалин ва энг залварини
 Танлаб олиб улоқтириди чайир қўли қувваси ила;
 Лаппак учди фувиллаб; лек дengизларнинг содиқ дўстлари
 Эшқаксевар феаклар бош эгди қўрқиб; лаппак сал олдин
 Отилган кўп лаппаклардан ҳам нарига бориб тушганди;
195. Афина бир чол русмида лаппак бориб тушган маррага
 Белги кўйиб Одиссейга шундай деди: «Азиз мусофири,
 Лаппагингни ҳатто кўр ҳам қўли билан топур бир пасда;
 Бориб тушган у жамики лаппаклардан анча нарига;
 Енгдинг сен бу беллашувда; бу ердаги ҳеч битта йигит
200. Отолмайди лаппагини сеникidan олис маррага».
 Бу сўзлардан Одиссейнинг қалби беҳад қувониб кетди,
 Хайрият-е, ҳеч бўлмаса битта ҳакам хайриҳоҳ экан
 Менга, деб. Сўнг кўнгли таскин топиб шундай деди ёнларга:
 «Сиз, йигитлар, аввал менинг маррамгача отиб қўринглар;
205. Сўнг мен бошқа лаппак отгум шу маррадан ҳам нарироққа.
 Бошқалар ҳам, агар қалби журъат этса уриниб қўрсин;
 Таҳқирландим мен эл ичра; ҳаммангизни даъват этаман
 Муштлашишга, югуришга, курашишга; энди тайёрман
 Ҳар ким билан беллашишга – лек Лаодам биланмас фақат:
210. Меҳмониман унинг – ахир дўстимга қўл кўтарай қандай?
 Кимки агар ўзга юртда ўз мезбони билан олишса,
 У эси паст, ўз нафини билмайдиган нонкўр одамдир;
 Лек бошқалар асло манфур эмас менга, ҳар йигит билан
 Олишиб мен ўз кучимни синамоққа тайёрман ҳозир.
215. Билингларки, тажрибам бор ҳар турида мардона жантнинг.
 Мен чилласи таранг торгилган камондан яхши отаман;
 Битта отган ўқим билан ёв ичидан ўзим танлаган
 Бир ғанимни маҳв этгум, гарчи уни ёнимда турган
 Ўртоқларим олган бўлса ҳам нишонга камонларидан.
220. Фақат доим филоктетдан енгилардим Трояда*, биз
 Камонлардан нишонга ўқ теккизишини машқ қилган чоғда.
 Қисқа гап шу, нон еб куни ўтаётган ҳеч битта фоний
 Банда менга teng келолмас нишонни мўлжалга олишда.
 Ва лекин мен ўтмишдаги қаҳрамонлар Геракл ёки
225. Моҳир мерган Еврит билан беллашишга журъат этмасдим;
 Қўрқмаганлар баҳслashiшдан улар ҳатто тангрilar билан;

- Евритни шу нобуд қилди – яшолмади у қартайгунча;
Аплонни мерғанликда тортишувга даъват этиб, у
Фебнинг ғашин келтирғанди; чиранчоқни маҳв этди тангри.
230. Найзамни ҳам отгум мен сиз отган ўқдан узоқроқ ерга
Аммо мени чопқир феак югуришда енгиши мумкин:
Мен тұлқынлар қүршовида ва нокомил солда узоқ вақт
Овқат емай, ухламай ва дам ҳам олмай, бутун күчимни
Сарфлаб бўлдим; заифлашиб қолган бутун аъзойи бадан».
235. Шундай деди; ҳамма одам сукут сақлаб тек ўтиради.
Лек Алкиной жавоб қилди Одиссейга эътиroz ила:
«Фаҳмладим, сен бу сўзинг ила бизни хафа қилмоқчи
Эмассан-у фақат бизга мавжуд күчинг кўрсатмоқчисан;
Битта аҳмоқ беадаблик қилиб сени ранжитиб қўйди –
240. Вале бунда ҳозир бўлган ақли расо феак ахлининг
Биттаси ҳам сени бадном қилмоқчимас. Сендан илтимос,
Гапларимни жонқулогинг билан эшиш, токи уйингга
Борганингда, бизнинг жасоратларимиз ҳамда Зевснинг
Марҳамати ила аждодларимиздан бизларга мерос
245. Колган фазлу камолотлар тўғрисида дўстларингга ҳам,
Хотининг ва болаларинг билан қувнаб овқат тановул
Килганингда уларга ҳам ҳаммасини сўзлаб берарсан.
Сенга айтсам, биз муштлашув ва курашда унча зўрмасмиз;
Лек чаққонмиз югуришда, денгизда ҳам эпчилмиз фоят;
250. Ёқтирамиз бизлар тансиқ таомлар-у куй, мусиқа, рақс,
Тоза либос, момиқ тўшак ва ҳузурбахш ҳаммомни жуда.
Қани, тезроқ олиб келинг раққосларнинг энг нодирини,
Токи азиз меҳмонимиз кўриб ҳузур қилсин ва уйга
Қайтганида ўз халқига сўзлаб берсин денгизда сузиш,
255. Рақс тушиш, қўшиқ айтиш, югуришда ҳаммадан афзал
Эканимиз тўғрисида. Демодокка янгроқ созини
Келтиришсин; у созини қолдирғанди менинг қасримда».
- Шундай деди шоҳ Алкиной ва удайчи унинг амрини
Бажармоқ-чун матлуб торни келтиргани югурга кетди.
260. Халқ сайлаган тўққиз ҳакам кузатгани ўйин тартибин
Тушиб майдон ўртасига, раққосларга жой ҳозирлади.
Удайчи ҳам бу пайт созни хонандага келтириб берди;
Бошлади у қўшигини; унинг ўнг-у сўлида чаққон
Раққослар рақс тушди оёқ ўйинига дик-дик сакрашиб.
265. Халқ қўшиққа жўр бўлиб, ер депсинарди, чапак чаларди;
Одиссей ҳам қойил қолди раққосларнинг эпчиллигига.
Сўнг Демодок соз торини жаранглатиб бошлади достон;
Киприда ва тангри Арей тўғрисида эди бу достон:
- Улар илк бор учрашишган тангри Гефест кошонасида;
270. Арей тақдим этиб бисёр тухфаларни Афродитага,
Гефестнинг пок тўшагини булғалаган; лекин ўткир кўз
Гелиос ишқ ишратига маст бўлган бу ошиқ-маъшуқлар

- Түғрисида Гефестта тез хабар қилган. Бу шум хабардан
Фазабланган тангри Гефест тайёрланган қасос олишга;
275. Устахонасига кириб у шошганча сандон устида
Энг пишиқ ва энг бақувват симдан симтүр ясай бошлаган.
Антиқа түр тайёр бўлгач, у Арейнинг шармандасини
Чиқаргани ўз уйига бориб унда шоҳона тўшак
Тўшалганин кўриб қолган. Шунида Гефест ўргимчак ини
280. Янглиғ ғоят нозик тўрни шифтдан пастга туширган ҳамда
Алҳол уни боғлаб чиқсан каравотнинг оёқлариға;
На бандалар, на тангриларнинг кўзига кўринар экан
Бу нафис тўр – ясалганди заргарона маҳорат-ла у.
Соҳибидрок Гефест тўшак атрофига тузогин қўйгач,
285. Дунёдаги энг азиз-у энг мўътабар Лемнос шаҳрига
Кетаётган бўлиб гўё* йўлга тушган. Лек олтин тожли
Сергак Ареј шу заҳоти билиб қолиб уста Гефестнинг
Жўнаб кетаётганини, соҳибжамол Афродитага
Азтаҳидил шайдо бўлиб, оқсоқ тангри хобхонасига
290. Томон борган. Бу аснода Олимпдаги падари Зевснинг
Хузуридан қайтиб келган Афродита дам олар эди.
Ареј унга яқин бориб, қўлин ушлаб, исмини айтиб
Шундай деган: «Жонгниам, юр, сурайлик биз ишқ нашъасини
Партўшакда; эринг Гефест жўнаб кетди овози дағал
295. Синтийларнинг юрти Лемнос оролига, менинг наздимда». Афродита ҳеч ийманмай Ареј билан ётган шу заҳот
Пар тўшакка. Сал вақт ўтмай икковлари ухлаб қолганлар.
Ана шунда Гефестнинг симтўри бирдан тепадан тушиб,
Ошиқларни исканжадек шундай маҳкам сиқиб олганки,
300. Иложлари бўлмаган ҳеч туришга ҳам, қимиirlашга ҳам;
Улар сезган қутулолмасликларини машъум тузоқдан;
Гефест ярим йўлга бормай, оқсоқланиб қайтган уйига:
Гелиос ҳам етказган шу он Гефестга бу бўлган гапни.
Юрагини алам ўртаб, тезда қайтиб келган уйига;
305. Келиб эшикни очган-у ғазаб оташида қоврилиб.
Тангриларга эшилтириб наъра қилган бор овози-ла:
«О сирпадар Диј, о масъуд худовандлар, тезроқ келинглар
Ва кўринглар бу энг жирканч, масхарали, манфур зинони –
Зевс қизи Киприданинг қаҳҳор Ареј билан қовушиб.
310. Мени – оқсоқ шавҳарини бадном қилиб лойга қорганин.
Тўғри, у хушқомат йигит, оёқлари бардам, бақувват:
Ва лекин мен тугма лангман – манда не айб? Айбордирлар
Бунга фақат ота-онам. Шўрим қурсин! Нега туғилдим?
Мана, кўринг, улар менинг тўшагимда ухламоқдалар
315. Ишқий ишрат оғушида. Буни кўриш мен учун азоб,
Ўйлайманки, насиб этмас бошқа бундай ётиш уларга;
Бир-бирларин дилдан қанча севмасинлар, бундай уйқуни
Хоҳламаслар: то отаси бу беҳаё қизий-чун олган
Бадал совғаларни менга яна қайтиб бермагунича*

320. Озод қилмам тузофимдан икковини. Тўғри, Зевснинг
 Қизи фоят соҳибжамол, илло қалби билмас вафони».
 Шундай деган. Тангрилар ҳам жам бўлишган мис кошонага;
 Етиб келган зилзилакор Посейдон-у яна эзгулик
 Улашувчи тангри Гермес, кумушкамон феб-Аполлон ҳам.
325. Маъбудалар эса, одоб сақлаб уйда қолган эдилар.
 Хобхонага кириб келган марҳаматли қодир тангрилар
 Рашқ ўтида ёнган Гефестнинг не найранг ўйлаб топганин
 Кўрганлар-у бирданига хандон ташлаб шўх-шўх кулганлар
 Кейин улар бир-бирлари билан шундай суҳбатлашганлар:
330. «Жаҳолатнинг фойдаси йўқ; эпчилликни енгибди сустлик;
 Гефест оқсоқ бўлса ҳамки, Олимпдаги тангрилар ичра
 Энг эпчили Арейни ўз тузогига илинтирибди.
 Ҳа, боллабди; жазоси шу булғаганнинг никоҳ тўшагин».
 Боқийлар ўзаро шундай сўзлашганлар бир-бiri билан.
335. Шу пайт Гермесга юзланиб деган Зевснинг ўғли Аполлон:
 «Муруватпеша тангрилар муждачиси о тангри Гермес,
 Айтчи менга азтаҳидил, шундай симтўр ичиди гўзал
 Афродита билан бирга ётишни сен хоҳларми эдинг?»
 Аполлонга шундай аниқ жавоб қилган Аргускуш Гермес:
340. «О Аполлон, агар менга шундай таклиф қилсалар эди,
 Бир эмас, уч қават тўрга ўрасалар рози бўлардим,
 Фақат гўзал Афродита билан ётсанм кифоя эди!»
 Шундай деган; ва тангрилар қаҳ-қаҳ уриб кулганлар чунон.
 Лек Посейдон ҳеч кулмаган; у Арейни машъум тузоқдан
345. Қутқаришни кўзлаб моҳир санъаткорга ёлворган-да сўнг
 Шундай баландпарвозда сўзлар айтган унга янгрок сас ила:
 «Кутқар уни; мен кафилман Арейга; сен қанча сўрасанг,
 Ҳаммасини тўлайди у* тангриларнинг шоҳидлигига».
 Оқсоқ тангри Гефест шундай жавоб қилган зилзилакорга:
350. «Йўқ, Посейдон, мендан буни талаб қилма, биласан ўзинг,
 Ёмонларга кафил бўлиш оқибати доим ёмондир.
 Агар озод бўлган Арей ҳақ тўлашдан бош товлаб қочса,
 Сен – кафилдан ҳақ сўрашга қандай журъат эта оламан?»
 Гефестга гап қотиб деган зилзилакор Посейдон шундай:
355. «Агар қодир Арей сенга ҳақ тўлашдан юзин ўгириб
 Қочиб кетса, унинг учун жаримани ўзим тўлайман».
 Оқсоқ Гефест соҳибқудрат Посейдонга жавоб қайтарган:
 «Илтимосинг рад қилолмам, рад қилишга журъат этолмам».
 Шу гапини айтиб бўлиб вайрон қилган у симтўрини.
360. Арей билан Афродита симтўр вайрон бўлган заҳоти –
 Тура солиб паргўшакдан, Арей учган фракияга,
 Олтин сочли Афродита Кипр сари равона бўлган* –
 Маъбуданинг меҳроби бор эди унда: Пафос шаҳрида;
 Киприда боргач у ерга, Хариталар чўмилиришиб,
365. Илоҳий гулбаданига боқийларнинг муаттар мойин
 Суриб, унга афсонавий ажиб либос кийдирибдилар.

Шул ҳақда куйлаган эди пурзавқ ҳофиз. Одиссей қалбан
Хушнуд бўлди уни тинглаб; денгизларнинг мард меҳмонлари
Феаклар ҳам Одиссейга қўшилишиб шод-хуррам бўлди.

370. Шоҳ Алкиной Галионт ва Лаодамга рақс тушишни
Амр этди: ҳеч бир раққос teng келолмас эди уларга.
Икковлари Полиб тиккан ола-чипор коптокни олиб
Текис майдон ўртасига йўналдилар; шунда бир раққос
Кулочкашлаб туриб тўпни улоқтириди осмон-фалакка,
375. Иккинчиси баланд сакраб илиб олди оёғи ерга
Тегмасидан. Шу тарзда тўп отиб кўкка ўшнашгандан сўнг
Бир-бирига жўр бўлишиб шўх рақсга тушиб кетдилар;
Томошабин ёшлар гурс-гурс ер тепишиб қарсак чалдилар,
Ки уларнинг теккисидан бутун майдон ларзага келди.
380. Бу рақсни мамнун кузатган Одиссей деди мезбонга:
«Шоҳ Алкиной, феак мардларининг марди, олиҳиммат зот,
Рақс тушишда бизга ҳеч ким teng келолмас, деб айтган эдинг;
Ҳақ сўзлабсан; ўз кўзим-ла кўрдим буни; тасанно сенга».
Шундай деб у Алкинойнинг файратига файрат улашиди.
385. Эшкаксевар феакларга мурожаат қилиб деди шоҳ:
«Гапларимга қулоқ беринг, эй ҳокимлар ва мансабдорлар;
Бу ажнабий меҳмонимиз заковатли зот кўринади;
Куттайлик биз уни мўл-кўл совфа билан, одатга кўра;
Салтанатни ўн иккита адолатли ҳоким бошқарур,
390. Ҳаммасига ўн учинчи ҳоким бошлиқ – бу менинг ўзим.
Ҳар бир ҳоким бир оҳорли кўйлак билан хитон яна бир
Талант олтин тақдим этсин бу эъзозли меҳмонимизга.
Айтинг, барча совғаларни келтиришсин шу кенг майдонга,
Сўнг ўзингиз ўз қўлингиз билан тақдим этинг совғани
395. Меҳмонгаки, зиёфатга борар экан дили яйрасин.
Сен, Эвриал, уни қаттиқ хафа қилдинг, кўнглини кўтар
Ҳам мулоим сўзинг, ҳамда ғоят нодир тортифинг ила».
Шоҳ таклифин маъқуллари барча ҳоким ва мансабдорлар;
Улар совға келтиргани удайчисин жўнатди уйга.
400. Эвриал ҳам бундай деди Алкинойга итоат эгиб:
«Шоҳ Алкиной, феак мардларининг марди, олиҳиммат зот,
Хоҳишингни бажо айлаб мусофирилнинг кўнглини кўтаргум.
Ҳа, меҳмонга совға қилай кумуш сопли мис шамширимни
Ясалган фил суюгидан унинг ғоят ажиб филофи.
405. Ўйлайманки, у тухфамни бажонидил қабул айлагай».
Шундай деб у кумуш сопли шамширини қўлига олиб,
Баландпарвоз сўзлар билан Одиссейга такаллум қилди:
«Қувон*, азиз отагинам! Сенга густоҳ сўз айтган бўлсам,
Ел учириб кетиб уни совурсин тез; сенга тилагим:
410. Узоқ жудоликдан кейин, тангрilarнинг ҳимоясида
Ватанингга етиб ол-у дийдор кўриш рафиқанг ила».
Деди; унга жавоб қилди соҳибидрок Одиссей шундай:

- «Кувон сен ҳам, тангриларнинг паноҳида бўлгил саломат.
Вале менга бул бебаҳо шамширингни армугон қилиб
415. Дилим хушнуд этганинг-чун ҳеч вақт асло таассуф қилма». Шундай деб у кумуш сопли мис шамширни осди елкага.
Қуёш ботди; барча эзгу армуғонлар йиғилиб бўлди;
Удайчилар шоҳ қасрига олиб кетди улар барини;
Алкинойнинг ўғиллари қабул қилиб бу совғаларни,
420. Оналари маликага топширдилар биттама-битта.
Бошлаб келди шоҳ уйига меҳмонни ва ўзга зотларни.
Келиб ҳамма ўтириди шоҳ қасридаги ўриндиқларга.
Ана шунда шоҳ Алкиной маликага юзланиб деди:
«Вафодорим, сандиқларим ичидан энг дурдонасини
425. Танлаб, жами мантия ва хитонларни унга жойлаштири.
Айт, дошқозоннинг тагига олов ёқиб сув иситсинглар –
Чўмилтирсинглар меҳмонни; сўнг у феак аҳлидан келган
Нодир совғаларни кўриб кўзи кулсин; ана шунда
Дили қувнаб ишрат қилас, қўшиқ тинглар биз билан бирга.
430. Ҳали мен ҳам тухфа этгум унга олтин кўза бебаҳо.
Бу кўзадан, у уйига борганида Зевсга ва ўзга
Тангриларга атаб паймо қилганда май, эслагай мени».
Шундай деди ва малика амр этди жорияларга
Ўт ёқиши сепояга ўрнатилган қозон тагига.
435. Дошқозонга сув тўлдириб ланғиллатиб олов ёқдилар;
Олов қамраб олди қозон атрофини, сув ҳам исиди.
Айни шу чоғ малика ҳам ичқаридан меҳмонга атаб
Гўзалликда мўъжизаваш бир сандиқни олдириб чиқди;
Тўлганди у либослару, олтинлару, кўп совғаларга;
440. Маликанинг ўзи ҳам мантия билан хитон қўшибди.
Сўнг Аreta Одиссейга деди шундай барқанот қалом:
«Сен сандиқнинг қопқофин ёп, тасма билан ўраб тугун туг,
Токи сафар чоғида сен қора биқин кемада ухлаб
Ётганингда бирон бир кас молингга кўз олайтирмасин».
445. Машаққатларга бардошли Одиссей бу гапни эшитиб,
Сандиқ қопқофини ёпди, тасма ўраб чийратма чигил
Тугун тугди (буни шадлод Цирцеядан ўрганган эди).
Шу чоғ келиб таклиф қилди калитдор қиз уни ҳаммомга;
Одиссейнинг баҳри дилин очди алҳол ҳузурбахш ҳаммом,
450. Кўрмаганди у Калипсо горини тарқ этгандан бери
Фароғатбахш ҳаммомни ҳеч – Одиссейни унда санамлар
Мудом парваришлардилар, илоҳ билиб эъзозлардилар.
Чўри уни ювинтиргач, баданига зайдун мой сурди.
Нафис хитон ва зарварақ мантияда Одиссей қушдай
455. Енгил бўлиб чиқди иссиқ ҳаммомдан ва май ичаётган
Меҳмонларнинг даврасига кириб борди – зиёфатгоҳга.
Латофатни маъбуллардан мерос олган қиз Навсекая
Тураг эди баланд шифтга таянч бўлган устун тагида.
У хусндор мусофирга ҳайратомуз нигоҳ ташларкан,

460. Янгроқ овоз билан шүндай баландпарвозда калима айтди:
 «Кувон, меҳмон; лек юртингга қайтиб боргач, мени эслаб тур;
 Ки жонингни сақлаб қолдинг фақат менинг шарофатим-ла». Шоҳ қизининг бу гапига жавоб қилди доно Одиссей:
 «Навсекая, Алкинойнинг гулдай яшнаб очилган қизи,
465. Агар менга чақмоқдор Зевс насиб этса ота юртимга
 Эсон-омон қайтишдек энг саодатли кунни кўришни,
 Ҳеч унутмам ва ҳар куни сени худди тангридек билиб
 Дуо қилгум: сен туфайли омон сақлаб қолдим жонимни». Шундай деб у шоҳ Алкиной ёнидаги курсига инди.
470. Гўшт тортилган, қадаҳлар май билан лиммо-лим тўлган эди;
 Удайчи шу чоғ хонанда Демодокни етаклаб келди.
 У муҳташам базмгоҳнинг ўртасига, азиз меҳмонлар
 Қаршисига бориб инди чўнг устунга суюнган ҳолда.
 Одиссей ўз лаганидан бир бўлак гўшт – ёғлиқ сарпанжа
475. Олиб, уни Понтонойга бериб деди: «Сен бу лаззатли
 Сўқим гўштнинг бўллагини олиб бориб бер Демодокка;
 Қалбим маҳзун бўлса ҳамки қадрлайман уни бафоят.
 Неъматга бой замин аҳли ҳурмат қилур хонандаларни;
 Қўшиқ куйлашни уларга соҳибсанъат Муза ўргатган;
480. Унинг ўзи ҳам чин дилдан севар барча хонандаларни». Шундай деди ва удайчи олиб борди у берган гўштни
 Демодокка; хонанда бу тортиқ учун миннатдор бўлди.
 Кейин ҳамма қўлин чўзди тортилган нозу неъматларга.
 Хушичим май ҳамда лазиз таомлардан қоринлар тўйгач,
485. Хонандага юзланганча деди соҳибидрок Одиссей:
 «О Демодок, сени барча фонийлардан афзат кўраман;
 Сен Диј қизи Музадан ё Аполлондан сабоқлар олиб,
 Трояда ахейларга не бўлгани, не ишлар қилиб
 Қандай машъум балоларга дуч келгани ҳақида бизга
490. Бир бошидан куйлаб бердинг; гё ўзинг ўз кўзинг билан
 Кўргандайсан ё кўргандан эшигтансан. Энди бўлса сен
 Эпеоснинг мўъжизали ёғоч оти (уни Паллада
 Кўмагида ясаганди) тўғрисида, шоҳ Одиссейнинг
 От қорнига ахейларни жойлаштириб, уни шаҳарга
495. Киритгани, оқибатда, бул ахейлар Троя шаҳрин
 Форат айлаб вайрон қилганлари ҳақда тараннум этгил.
 Агарда сен шул тўғрида куйлаб берсанг бор ҳақиқатни,
 Унда бутун ҳалқ олдида қайта-қайта айтгум баралла:
 Бу қўшиқни фақат худо солмиш сенинг кўнглингга, дея».
500. Шундай деди ва Демодок худо берган лаёқат ила
 Куйлай кетди: ахейлар шоҳ Одиссейнинг бошчилигида
 Энг диловар жангчиларни ёғоч от қорнида қолдириб,
 Ўзлари ўт қўйиб қароргоҳларига чўнг кемаларда
 Сузиб кета бошлийдилар; ёғоч отни трояликлар
505. Киритурлар шаҳарга ва ёғоч отнинг атрофин ўраб
 Бир қарорга кела олмай турадилар бошлари қотиб.

Үчта фикр түғилғанди трояликларнинг дилида:
Ё мақвкор мис силоҳлар билан ёғоч отни мажақлаш,
Ёки уни тортиб бориб тепаликка, жарга қулатиш,
510. Ё сулҳ нишонаси билиб Троянинг қоқ марказига
Үрнатиш ва уни боқий тангриларга баҳшида қилиш;
Ҳамма охирги таклифни маъқуллади, зеро тақдирда
Ёзилғанди: гар қорнига ахейларнинг сара кучлари
Яширингандай ёғоч отни киритсалар шаҳар ичига,
515. Троянинг ҳалокатга учрамоғи муқаррар, дея.
Сўнг ахейлар тап-тап сакраб тушадилар отнинг қорнидан;
Ғазабноклар шаҳарни ўз билганича форат қиласди;
Шоҳ Одиссей жангда гоят қаҳри қаттиқ Менелай билан
Деифобнинг ётоғига чақмоқ янглиғ кириб боради
520. Ва Афина кўмагида қонли жангда зафар қучади.
Демодок мадҳ этди шундай ахейларни; ҳаяжонланган
Одиссейнинг киприклари кўз ёшидан жиққа хўл бўлди.
Ўз ҳалқи ва оиласин шум қисматдан ҳимоя қилиб,
Шаҳар қопқаси олдиди жон-жаҳд ила тинмай олишиб
525. Ҳалок бўлган эр жасади тепасида ғаму ҳасрат-ла
Шундай кўз ёш тўқар бева қолган хотин; бу шўрлик аёл
Шавҳарининг жон талашиб титраганин кўриб, бағрига
Босар экан уни, оҳу фарёд чекар; ғанимлар эса
Бадбаҳт аёл ноласига парво қилмай, найзаларининг
530. Банди билан турта-турта ҳайдаб кетиб олис юртларга,
Узоқ йиллар аросатда сақлагайлар шўрпешонани,
Шунда гулдай сўлур у ғам-андуҳдан ва кўз ёшларидан.
Одиссей ҳам аччиқ-аччиқ кўз ёш тўқди қўшиқни тинглаб.
Буни ҳеч ким пайқамади; лекин зийрак Алкиной фақат
535. Сезиб қолди: у ёнида ўтирганди азиз меҳмоннинг
Ва эшигтан эди унинг ўқтин-ўқтин хўрсинишиларин.
Деди шунда у ўзининг эшкаксевар фуқаросига:
«Аё феак ҳокимлари, надимлари, тингланг сўзимни,
Демодок ҳам чертмай турсин янгроқ созин, куйламай турсин;
540. Айримларни хушнуд эта олмаяпти унинг хониши.
Гап шундаки, бу оқшомда ҳофиз қўшиқ қуйлай бошлаган
Чоғдан бери меҳмонимиз оғир-оғир хўрсинаётур.
Сезишимча, қайгу-алам қамраб олган унинг қалбини.
Ҳофиз хонишин тўхтатсин, шунда меҳмон биз бўлан бирдай
545. Вақтихушлик қила олур; шундай қилсанк мақбул бўлади.
Ҳамма нарса тайёрланган уни йўлга жўнатмоқ учун;
Дўстлик рамзи бўлган барча совғалар ҳам жойлаштирилган.
Мадад сўраб келган мискин тангрилардан муруват эмган
Ҳар бир фоний банда учун худди қондош оғадек азиз.
550. Қани, меҳмон, ҳеч нимани сир тутмасдан саволларимга
Жавоб берчи: биласанку, ошкоралик энг эзгу ҳислат.
Исмингни айт; сени не деб чақириурлар отангу онанг.

- Фарзандларинг ҳамда азиз юртингдаги жами фуқаро?
Зеро тирик одамларнинг ҳеч биттаси исмсиз бўлмас;
555. Ҳар ким – ҳо қул, ҳо шоҳ бўлсин, туғилганда, ота-онадан
Ислом олур ўзи учун энг лаззатли таомдек азиз;
Сўнг ватанинг, шаҳринг ҳамда ҳалқингни айт, токи кемамиз
Адашмасдан, сенинг амринг билан йўлни тўғри танласин;
Билки, бизнинг чўнг кемалар денгизларда сузар дарфасиз,
560. Зеро кема учун зарур бўлган жилов йўқдир уларда;
Денгизчилар ниятини ҳар бир кема ўзи билади;
Кема ўзи топиб борар одамларнинг масканларини;
У зулмат ва туман босган денгизлардан тез сузиб ўтар;
Бизнинг кема қўрқмайди ҳеч фалокатли пўртанаlardан,
565. Ё тўфонлар ҳамласига дуч келишдан. Ҳа, дарвоҷе, мен
Болаликда эшигандим бузрукворим шоҳ Навсифойдан:
У денгизда одамларни ташиб юрган феак аҳлидан
Посейдоннинг кўп дарғазаб эканлигин тез-тез эсларди.
Бир ғарибни ўз юргига элтиб қўйган феак кемасин
570. Қайтар чоғда зилзилакор парчалармиш ва шаҳримизнинг
Устига сарбаланд тоғни ағдарармиш, дер эди отам.
Посейдон бу ниятини бажарурми ё бажармасми –
Фақатгина тангри Зевсга ҳаволадир буларнинг бари!
Сен сир тутмай очиқ гапир, билиб олай бор ҳақиқатни;
575. Қайси денгизларда суздинг? Кўрдинг қандай юрт одамларин?
Сўзлаб бергил ул ўлкалар фуқаросин: борми эди улар ичидан
Бадқаҳрлар, ёввойилар, ҳақиқатдан юз ўғирганлар,
Мусофирни эъзозловчи меҳмоннавоз покдомон зотлар?
Айтгил яна, нечун аччиқ йиглајсан? Не учун маъюс
580. Тинглајсан ахейларнинг жанг-жадалда фориб бўлгани,
Троянинг вайрон қилингани ҳақда айтилган куйни?
Худовандлар ул шаҳидлар қисматига битмиш ўлимни,
Вале улар хотираси етиб боргай куй қанотида
Авлодларга. Сезишимча, сен Троя жангига кетган
585. Энг эъзозли қондош хешларингдан кейин иззат-икромли
Куёвинг ё қайнотангдан айрилгансан азим жанггоҳда,
Ё қалби пок, садоқатли ўртоғингми йўқотгандирсан,
Ки ўз оғанг каби яқин ва мўътабар бўлади сенга
Кулфатларда синалган бу хушмаслаҳат сергак ўртоғинг».



ТҮҚҚИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

Деди. Унга тангримонанд шоҳ Одиссей жавоб айлади:
«Шоҳ Алкиной, Феакия мардларининг соҳиби марди,
Хуш овози илоҳ сасин эслатувчи бу хонандангнинг
Құшиғини жонқулоқ-ла тингламоқлик мороқли менга.

5. Вақтичоғлик қамраб олмиш сенинг бутун салтанатингни;
Хамма ерда раиятинг ҳофизларнинг хонишин тинглаб
Айш сурмоқда; бу ерда ҳам меҳмонларинг ноз-неъмат тұла
Дастурхонлар теграсида савлат түкиб базм қурмоқда;
Күйилмоқда лим-лим жомдан қадағларга ҳузурбахш шароб –
10. Ки қалбларни мунаввар ва хуш этгувчи бундайин комил,
Халоватли, тотли ҳаёт йүқдир асло бутун жаҳонда.
Ва лекин сен юрагимни ўртаб ётган талх изтироблар
Түғрисида эшитмоқни истайдурсен. Айт, аввал нени,
Сұнгра нени, энг охири – яна нени сўзлаб берайин?
15. Кўп азоблар солди осмон тангрилари менинг бошимга.
Хўп, бўлмаса, исмим айтай, кимлигимни билгил даставвал
Битмасидан ҳали менинг ушбу ёруғ жаҳонда куним
Ватанимдан олис юртда сенга азиз меҳмонлигимда:
Одиссейман, Лаэрт ўғли, ажиб кошифкароматлигим
20. Ҳам антиқа найрангларим бутун элга бўлған овоза.
Порлоқ орол Итакадир ота юртим; ул заминдаги
Чўққилари қуюқ ўрмон Нерион тоғ кўзга ташланур
Денгизнинг ҳар тарафидан; чор атрофда яна бир талай
Бизга яқин қўшни бўлған ороллар бор: Зам ва Дулихий,
25. Ўрмонга бой Закинф яна; Итака энг чекка мағрибда
(Кўп ороллар кумуш Эос ва Гелиос балқиб чиқувчи
Машриқ ёқда); ери тошлоқ бўлса ҳамки, йигит-қизлари
Забардастдир; Итакадек азиз ер йўқ менга дунёда.
Маъбудалар маъбудаси ҳур Калипсо мени ўзига
30. Эр қилмоқ-чун чўнг горида бир неча йил асраб ўтириди.
Мўъжаз Эя оролининг ҳокимаси Цирцея эса,
Шавҳарим бўл, дея зўрлаб ҳеч қўймади ҳоли-жонимга;
Вале сохта хушомадлар қалбимни ром этолмадилар;
Ки биз учун бу дунёда ота юртдан, яқин хешлардан
35. Азизроқ ҳеч нарса йўқдир, гарчи узоқ бегона юртда
Мұхташам, бой кошонада ишрат қилиб ўтирсаниз ҳам.
Вале гар сен Троядан қайтаётган ҷофимизда Зевс
Бошимизга не савдолар солганини билмоқ истасанг,
Майли, эшит: шамол бизни киконларнинг Исмар шаҳрига

40. Ҳайдаб келди Илиондан чиққан ҳамон. Бул шаҳарни биз
Форат айлаб, маҳв этдик раиятин, лек аёлларни
Асраб қолиб, тенг ўртада тақсимладик жами ўлжани –
Токи ҳар ким эга бўлсин жамоада ўз улушига.
Сўнг дедим мен йигитларга: «Эс борида қочиб қолайлик!»
45. Лек рад этди эси пастлар менинг эзгу маслаҳатимни;
Улар айри шохли буқа ва бўрдоқи қўйларни сўйиб,
Шароб ичиб, майшатга мук кетдилар қумлоқ соҳилда.
Бу аснода, қочиб кетган кикон аҳли ён-атрофдаги
Қўшни ҳудуд йигитларин – жанг қилишга қодир мардларни:
50. Отлиқларни отга миниб, қолганларни пиёда ҳолда
Бизга қарши жанг қилмоққа унданбидилар, кейин билсамиз.
Тонг чогида босиб келди ёв лашкари мўр-малаҳдай;
Улар мисли дараҳтларнинг япроғидай, баҳорги турфа
Гуллар янглиғ кўп эдилар; ана шунда бошимизга Зевс
55. Беадад шум бадбаҳтиклар ёғдиргани тез аён бўлди.
Тонгдан бошлаб биз кемалар яқинида бир-биrimизга
Отиб тифдор найзаларни, беаёв жанг бошлаб юбордик;
Эрталаб то муқадлас Кун ёйилгунча биз фанимларнинг
Ҳамласин даф қилиб турдик; лек кеч кириб, Қуёш уфқа
60. Ботган, қўшдан ҳўқизлар ҳам чиқарияган чоғ киконларнинг
Қўли баланд келиб, бизни чекинишга мажбур этдилар.
Бу жангда мен ҳар кемадан олтитадан аскар йўқотдим;
Қолганлар талх қисматидан ва ўлимдан жон сақлаб қолди.
Кейин бизлар аза тутиб қурбон бўлган дўстларимизга
65. Ҳам ўзимиз машъум ажал дастидан соғ қолганимиздан
Хурсанд бўлиб, суза кетдик тубсиз денгиз тўшини тилиб.
Мен жанггоҳда жасадлари қолган марҳум дўстларимизнинг
Номларини уч марталаб ҳайқирибон чақирмагунча*
Учқур кемаларимизни ушлаб турдим қумлоқ соҳилда.
70. Шу чоғ бирдан булутийигар Зевс даҳшатли бўронкаш Борей
Шамолини йўналтириди бизга қарши; еру уммонни
Булут қоплаб, тушиб келди зим-зиё тун қаҳҳор самодан.
Чўнг кемалар тўлқинларнинг кўксин тилиб елиб борарди;
Асов бўрон елканларни тилкалади уч-тўрт марталаб.
75. Фалокат юз бермасин, деб елканларни йиғиштиридик-да,
Эшкак эшиб йўналтиридик кемаларни яқин соҳилга;
У ерда биз икки кеча, икки кундуз юрак-бағримиз
Хун бўлиб, кўп азоб чекиб вақт ўтказдик беҳол, бедармон.
Учинчи кун насиб этди бизга нурин заркокил Эос;
80. Тез ўрнатиб мачталарни, елканларни кўтариб алҳол,
Кемаларга чиқдик; улар суза кетди итоат этиб
Дарғалар ва шамолларга. Биз бешикаст ота юртига
Етиб борган бўлардик ҳам, гар Малея оролин ёнлаб
Ўтаётган чоғимизда долғалар ва Борей қудрати
85. Йўлимидан адаштириб, Киферадан четлатмаганда.
Жоҳил бўрон бизни тўққиз кун денгизда саргардон қилди;

- Үнинчи кун суриб борди лотофаглар мамлакатига.
Куруқтукка чиққан заҳот сув ғамладик, сўнг кемаларнинг
Яқинида давра қуриб, шоша-пиша тановул қилдик.
90. Сал-палгина бўлса ҳамки нафсизмизни қондирдик. Сўнг мен
Ушбу сахий заминда не ҳалқ яшашин билиб келгани
Жўнатдим тез икки абжир йигит билан бир муждачини.
Учратиби улар ювош ва беозор лотофагларни;
Орол аҳли очиқ юз-ла қарши олиб йигитларимни,
95. Мехмон қилиб сийлашибди таомлари – нилуфар билан;
Лек йигитлар болдек тотли нилуфардан тотиб кўрган он
Унутибди ҳар нарсани*, воз кечибди ота юртига
Қайтиб бориш ниятидан, лотофаглар ёнида қолиб,
Нилуфар еб кун кўрмоқни афзал билиб, хотирасидан
100. Чиқариби ватанини. Мен уларни зор йиглашига
Парво қилмай, олиб келдим кемаларнинг пойига зўрлаб
Ва буюрдим ҳар бирини курсиларга банд айламоқни;
Қолган барча садоқатли дўстларимга тез кемаларга
Чиқмоқликни амр этдим, тағин улар ҳам нилуфардан
105. Тотиб кўриб, ота юртга қайтишлан воз кечмасинлар, деб.
Ҳамма чиқиб кемаларга, эшқакларнинг бандидан тутди.
Эшқак эшди барча бирдай тўлқинлатиб сиё денгизни.
Бизлар яна суза кетдик ғамга ботиб ва етиб бордик
Ҳам қудратли, ҳам бешафқат биркўз циклоплар оролига.
110. Бу ҳалиқ боқий тангриларнинг паноҳида, ҳеч меҳнат қилмай,
Ер ҳайдамай, экин экмай яшар экан бегам, беташвиш;
Сахий тупроқ ҳайдалмайин, экилмайин ўзидан-ўзи
Буғдой, арпа, тариқтардан мўл-кўл ҳосил беравераркан.
Токлар шовул узум қиласар экан тангри Зевс ёмғиридан;
115. Бу ер ҳалиқ яшаб зулмаг форларда ё тоғ чўққисида,
Муроса ҳам, машварат ҳам қилмас экан бир-бири ила;
Ҳоким экан ҳар бир циклоп ўз уйи, ўз оиласида;
Ҳар ким фақат ўзин билар, ўзгаларга қайишмас экан.
Унда денгиз оғушида сокин, хидмат бир оролча бор –
120. У циклоплар оролига яқин ҳаммас, узоқ ҳам эмас,
Ҳаммаёни ўрмон унинг; утлаб юрар унда ёввойи
Эчкиларнинг галалари*; чўчитмаган уларни ҳеч вақт
Одам оёғи товуши; ҳеч бир овчи итин етаклаб
Дайдимаган ул оролнинг ўрмонида, тоғ чўққисида;
125. Йўқ у ерда қора моллар; ер бағрини тилмайди омоч;
Йил-узвзийил унда экин экилмайди, ер ҳайдалмайди;
Одам зоти ҳам йўқ унда; фақат чиллак оёқ эчкилар
Ҳеч нимадан ҳайиқмасдан гала-гала бўлиб юрурлар,
Зоро циклоп аҳли ҳали юфил эди ёруғ жаҳонда
130. Тўши қизил чўнг кемалар* борлигидан; улар ичида
Омилкор ва моҳир кемасоз усталар йўқ эди ҳали;
Бўлганида, улар ҳам биз, одамлардек денгизда сузиб,

- Элу элатларни күрар, одамларни англар эдилар,
Чаманзорга айлантирган бўлардилар бу овлоқ ерни;
135. Тупроқ унда баракали; баравж ҳосил бергай экинлар;
Майнин, барра ўт-ўланлар тифиз ўсган денгиз ёқалаб;
Токзор қилса бўлур унда кўп ерларни; омочга бағрин
Очган ушбу сахий ердан мўл-кўл ҳосил олса бўлади;
Бордир қулай бандаргоҳ ҳам кемаларнинг тўхташи учун
140. Ки шарт эмас лангар ташлаш ё кемани арқонлаб қўйиш
Кема, токи боди мурод эсгунича ё дарга амр
Этгунича бехатар қилт этмай тургай бу бандаргоҳда.
Кўрфаздаги фордан оқиб чиқаётган шаффоғ бир чашма
Теракзордан оқиб ўтиб қуиларди теран денгизга;
145. Биз шу ерга сузид келдик кемаларда; қоронги тунда
Соҳибкарам тангри бизга йўл кўрсатди: орол кўринмас,
Кемаларни туман чулғаб олган эди; ой нур сочмасди —
Ўраб олган эди уни қора булат юксак самода;
То кемалар соҳил бориб қадалгунча, биз қоронфида
150. Оролни ҳам кўролмадик, ўркач-ўркач долғаларни ҳам.
Кемалар тўхтаган заҳот елканларни туширдик жадал;
Сўнг ўзимиз қўндинг ерга ва тўлқинлар шовқинин тингл
Гелиоснинг балқишини кутиб ётиб уйқуга кетдик.
Қирмиз бармоқларин ёйиб балқиб чиқди навниҳол Эос
155. Шунда бизлар кезиб чиқиб оролчани, ҳайронлар қолдиган
Зевс қизлари ҳур санамлар шамол қучган баланд тоғлар.
Тўйимли ва тансиқ таом — эчкиларни ҳайдаб келдилар;
Бизлар дарҳол кемалардан олиб эгик камонлар билан
Ўткир тиғли найзаларни, бўлинишиб учта гуруҳга,
160. Ов бошладик; Зевс бизни тақдирлади бой ўлжа билан:
Ўн иккита кеманинг ҳар биттасига, куръа бўйича,
Тўққизтадан эчки тегди; мен ўзимга ўнтасин олдим;
Сўнг кун бўйи, то қоронги тушгунича майшат қиллик;
Хушхўр эчки гўштини еб, муаттар май ичдик мириқиб,
165. Ки кўп эди ҳали бизнинг кемамизда лаззатбахш шароб:
Киконларнинг шарофатли шаҳрини фатҳ этганимизда
Биз тўлдириб олган эдик майи нобга сопол хумларни.
Циклопларнинг оролидан қора тутун кўкка ўрлади;
Эшитилди қўй-эчкилар маърагани, дағал овозлар.
170. Бу аснода қуёш ботиб, ҳаммаёқни зулмат қоплади
Ва биз ухлаб кетдик шунда тўлқинларнинг шовқинин тингл
Қирмиз бармоқларин ёйиб балқиб чиқди навниҳол Эос
Шунда содиқ дўстларимни машваратга чорлаб, дедим ман
«Эй эъзозли ёронларим, сиз шу ерда қолиб туриңгиз;
175. Мен кемамда йигитларим билан бориб анов оролга,
Унда кимлар истиқомат қилишини билиб келайин;
Кўрайликчи, улар жоҳил, диёнатсиз ваҳшийлармикин,
Ё оққўнгил, соҳибтамкин, меҳмоннавоз одамлармикин!
Деб кемага чиқдим мен ва амр этдим йигитларимга

180. Арқонларни ечмоқликни; улар дарҳол чиқиб кемага,
Үтирилар курсиларга эшкакларнинг бандидан ушлаб
Ва баробар эшкак эшиб денгиз сувин кўпиртирилар.
Биз қирғоққа бориб тўхтаб, шундоққина денгиз бўйила
185. Пурваҳшат фор эди ичи; қўй, эчкилар кўп эди унда;
Фор ҳовлисин бесўнақай харсанглардан тикланган девор
Ҳамда тифиз ўсган эман, қарағайлар ўраб турарди.
Энг баҳайбат жуссали бир эр яшарди ул форда ёлғиз;
Адолатни тан олмасди бу бадқаҳр одамови зот;
190. Сурувларин боқарди у ҳеч ким билан муроса қилмай;
Бу маҳлуқ ҳеч ўхшамасди насибаси – нон одамларга,
Аксинча, у эслатарди дараҳтзорли сарбаланд тоғни;
Йигитларга буюрдим мен кемамизни дарҳол соҳилга
Тортиб чиқиб, бизни кутиб турмоқликни унинг пойида.
195. Сўнг ўн икки азamatни танлаб олиб, мен улар билан
Йўлга тушдим. Захирага бир меш хушкайф шароб ҳам олдик.
Бул шаробни Аполлоннинг Исмардаги ибодатгоҳин
Муҳофизи Еванфейзод коҳин Марон туҳфа қилганди.
Бизлар раҳм қилган эдик бу эъзозли зотнинг хотини
200. Ва ўғлига; коҳин у пайт Аполлоннинг соя ва салқин
Ўрмонида истиқомат қиласи эди; мени эса у
Қутлаганди энг фаройиб ва энг нолир совғалар билан:
Етти талант соғ олтин ва кумуш қадаҳ тортиқ қилганди,
Кейин яна ўн икки хум тўла шаффоғ муқаддас май ҳам.
205. Ўшал майдан ҳеч ким – қул ҳам, жория ҳам татиб кўрмаган,
Фақат ўзи, завжаси ва қалитдори ичаркан, холос.
Бул қирмизи майдан ичмоқ бўлган одам бир қадаҳига
Нақ йигирма ҳисса ғоят тиниқ сувни омухта қилса,
Ул шаробдан анқир эди энг лаззатли, энг муаттар бўй.
210. Ҳеч ким бундай нафис майни ичишдан юз ўгиrolмасди.
Мен шул майи нобдан бир меш ва бир ҳалта газак олволдим:
Кароматли қалбим менга, ўша куни эзгуликни ҳам,
Инсофни ҳам билмайдиган энг даҳшатли ва энг қудратли
Ёвуз бир зот ила учрашажагимни аён қилганди.
215. Тез бориб биз форга кирдик, лек у ерда циклоп йўқ эди;
Боқар эди у яйловда ўзининг қўй, эчкиларини.
Биз бу азим фор ичини дарҳол кўздан кечириб чиқдик;
Саватлар лиқ тўла эди пишлоқларга; қўзи, улоқлар
Бошқа-бошқа қўтонларга қамалганди ёшига қараб:
220. Катталари тенги билан, ўртанчалар ўз тенгқурлари
Тўдасида, кичкинтойлар кичкинтойлар жамоасида;
Ҳар хил идиш ва чеълаклар сут, қатиқлар билан лиммо-лим.
Ҳамроҳларим азтаҳидил ялиндилар менга: «Бул форда
Кўп қолмайлик, яхшиси, биз пишлоқлардан, семиз қўзичоқ,
225. Улоқлардан ўлжа олиб қайтайлик тез кемамизга ва
Сузиб чиқиб кенг денгизга, кетайлик бош олиб бу ердан».

Афсуски, мен бу фойдали маслаңатта қулоқ солмадим;
Ки циклопни күрмоқчыйдим, шояд меҳмон қилиб бизларни,
Тақдирласа совға-салом ила, дея умид қилгандим;

230. Вале бизга бу учрашув көлтиrmади ҳеч қандай құвонч.
Биз қурбонлик құлдик гулхан ёқиб; кейин пишлөқтардан еб,
Қорнимизни түйдирдик-да фор соҳиби бўлмиш циклопнинг
Ўз суруви билан қайтиб келишини кута бошладик.
Сал вақт ўтмай етиб келди у бир дунё ўтин орқалаб
235. (Кечлик таом пиширгани) ва итқитди барини форга;
Бизлар қўрқиб кетиб, тезда яшириндик бурчак-бурчакка;
Циклоп, ҳайдаб келган барча семиз эчки ва қўйларининг
Совлиқларин фор ичига киритди-да, такалар билан
Кўчқорларни ташқарида қолдирди. Сўнг бу фор оғзини
240. Тўсмоқ учун қоя мисол маҳобатли бир харсанг тошни
Кўтардики, уни ҳатто йигирмата тўрт фидиракли
Арава ҳам жилдиролмас эди жойдан; шу тош билан у
Фор оғзини тўсиб қўйиб, ҳам совлиқлар, ҳам эчкиларни
Бирин-кетин соға кетди; соғиб бўлиб қўзичоқлар-у
245. Улоқтарни олиб бориб эмиздирди оналарига.
У соғилган сут ярмини зич тўқилган саватчаларга
Куйиб қўйди – у қўйилиб пишлөқ бўлур бу саватларда;
Қолган сутни ҳар хил идиш-товоқларга тўлғазиб қўйди –
Эрталаб ё кеч ўтлоқдан қайтганида ичмоқлик учун.
250. Ҳамма ишни бажо этгач, лангиллатиб гулхан ёқди у.
Шу чоқ бизни кўриб қолиб савол берди дағдаға билан:
«Эй дайдилар, кимдирсизлар? Денгиз кечиб қайдан келдингиз?
Келганмисиз бир иш билан? Ё денгизда бекордан-бекор
Сандироқлаб юрибсизми? Қароқчилар шундай тентирааб
255. Юрадилар, одатда, ўз жонларини қўйиб хатарга
Ва бегуноҳ одамларнинг бошига кўп бало ёғдириб».
Деди циклоп; ҳаммамизнинг юрагимиз увушиб кетди
Унинг дағал овозидан ва баҳайбат қиёфасидан.
Ниҳоят мен йифиб олиб эс-хушимни, жавоб айладим:
260. «Ахейлармиз бизлар, олис Троядан келаётirmиз.
Бу томонга бизни бўрон ҳайдаб келди денгизда қувиб.
Қайтётган эдик азиз юртимизга, йўлдан алашдик;
Бу кўргилик қудратли Зевс иродаси эди, албатта.
Атрей ўғли Агамемнон саркардамиз; у буюк шаҳар
265. Трояни вайрон айлаб, маҳв қилди кўп ғанимларни,
Бутун жумла-жаҳон ичра донг таратди, обрў қозонди.
Биз тиз чўкиб оёғингга ёлборамиз сенга, о циклоп:
Қарши олиб қутла бизни силқидилдан туҳфалар ила,
Ахир шундай қиласику меҳмонларни кузатган мезбон.
270. Худолардан қўрқ; бу ерга биз бошпана излаб келганимиз;
Самовий Зевс мискин меҳмонлар қасдини олгай муҳаққақ,
Мусофиirlар паногоҳи, ҳомийсиdir меҳмоннавоз Зевс».

Шундай дедим; жавоб қилди жоҳил циклоп жаҳолат билан:
«Агар мени тангрилардан қўрқади деб, ёки уларни

275. Эъзозлайди деб ўйласанг, аҳмоқсан ё ғофил бандасан.

Тан оламиз биз на бузург худо Зевсни, на бошқа масъуд

Тангритарни; биз ўзимиз бузургроқмиз улар баридан;

Мен чақмоқдор Зевсдан қўрқиб биттангни ҳам аяб ўтирамм,

Кўнглим нени хоҳиш этса шуни қилгум ҳеч иккиланмай.

280. Қани, айтчи, қайга қўйдинг бунда сузиб келган кемангни?

У бу ердан узоқдами ё яқинда? Билишим керак».

Деб сўради у муғамбир; мен эҳтиёт бўлиб пурнайранг

Сўзлар билан жавоб қилдим: «Зилзилакор тангри Посейдон

Кемамни шу яқиндаги бир соҳилнинг метин тошига

285. Олиб келиб уриб, пора-пора қилди ва жўшқин денгиз

Тўлқинлари унинг жами пораларин оқизиб кетди.

Мен ва яна бироз одам ҳалокатдан қутилиб қолдик».

Шундай дедим; у ҳеч қандай жавоб қилмай, биз томон чўзиб

Чангалини, орамиздан юлқиб олди икки йигитни –

290. Гўё икки мурғак кучук болага чанг соглган ваҳшийдек;

Сўнг уларни ерга уриб, сочди мия қатиқларини,

Нимталауб у жасалларни, ўзи учун энг мудҳиш таом

Хозирлади ва оч шердек икковини ютоқиб еди;

Битта жаз ҳам, бир суяқ ҳам, ҳатто ичак-чавақларни ҳам

295. Қолдирмади шўрликлардан – бу мўнкирлик шоҳиди бўлган

Бизлар кўкка чўзиб қўлни, тангри Зевсдан паноҳ тиладик.

Ваҳший циклоп одам гўштин еб қорнини тўйдирив олгач,

Бу даҳшатли таомдан сўнг янги соғган сутлардан ичиб,

Кўй, эчкилар орасига кириб ётди узала тушиб.

300. Ана шунда яланғочлаб ўткир тиғли шамширимни мен,

Одамхўрнинг тепасига мардонавор ният-ла бордим –

Кўксидаги жигарини мўлжал олиб тиф санчмоқ учун.

Ҳамлага шай эди шамшир; лек бир фикр келди миямга:

Шундай қилсам ўзимиз ҳам ўлишимиз муқаррар эди,

305. Зоро, бизлар ҳаммамиз бир бўлганда ҳам горнинг оғзини

Тўсган зилдек қоя тошни жойидан ҳеч жилдиролмасдик.

Юрагимиз ҳаприқиб биз тонг отишин кута бошладик.

Қирмиз бармоқларин ёйиб балқиб чиқди навниҳол Эос.

Циклоп туриб олов ёқди, соғди бир-бир қўй, эчкиларни;

310. Сўнг улоқ-у қузиларни эмиздирди оналарига;

Барча рўзгор ишини у бажо айлаб, яна иккита

Йигитимни юлқиб олиб орамиздан, нонушта қилди.

Овқатланиб бўлгач, ҳайдаб чиқди фордан қўй, эчкиларни.

Сўнг забардаст қўли билан фор оғзини қоя тош ила

315. Тўсиб қўйди – садоқ оғзин осонигина ёпиб қўйгандай.

У сурувни ҳайдаб кетди ҳуштак чалиб тоғ яйловига.

Мен ҳибса қолиб, ёвдан қандай қасос олиш йўлини

Ўйларканман, Афинадан паноҳ истаб сифиндим унга.

Ниҳоят мен ўйлаб-ўйлаб шундай қатъий қарорга келдим:

320. Кўйхонада ётган эди циклопнинг бир катта таёғи –
Янги кесилган бу зайдун дарахтининг пўстлогин арчиб
Куритгани қўйганди у – юрмоқ учун унга таяниб.
Таёқ бисёр юклар ортиб денгизларда сузиб юрувчи
Кўп эшқакли кемаларнинг мачтасини эслатди бизга;
325. Чиндан ҳам у мачта янглиғ узун, йўғон ва залвар эди.
Бу таёқдан уч газини кесиб олиб шамширим билан,
Уни силлиқламоқчиликни амр этдим ўртоқларимга;
Таёқ дарҳол силлиқланди; мен тараашлаб учин чиқардим;
Кейин ўша ўткир учни чўғга тиқиб роса тобладик
330. Ва шошганча бул силоҳни бир бурчакда тоғдек уйилиб
Бижгиб ётган гўнг ичига кўмиб қўйдик эҳтиёт қилиб.
Ҳамма ишни қилиб бўлгач, дўстларимни қуръа ташлашга
Таклиф этдим. Шу йўл билан танламоқчи бўлдим ўзимга
Қиздирилган таёқ учин одамхўрнинг ёлғиз кўзига
335. Санчишимда менга кўмак берувчи мард ёронларимни.
Ушбу қуръа энг ишончли тўрт йигитни саралаб берди –
Мен кўзлаган йигитларни; кўшилдим мен бешинчи бўлиб.
Оқшом чоғи сурувини ҳайдаб келди ёвуз одамхўр;
Форни очиб ҳайдаб кирди ичкарига бутун сурувни;
340. Қолдирмади бу гал сиртда ҳеч бир така, ҳеч бир қўчқорни
(Балки унда бирон шубҳа уйғотгандир боқий тангрилар).
У фор оғзин тўсиб яна харсанг билан, она эчкилар,
Совлиқларни бирин-кетин соға кетди ва соғиб бўлгач,
Улокчаю қўзиларни эмиздирди оналарига.
345. Барча иши битгач, яна орамиздан иккитамизни
Юлқиб олиб уларни ҳам еди зумда аввалгилардек.
Шу маҳал мен юрак ютиб одамхўрга бир олтин жомда
Лим-лим тўла ғоят тотли май узатиб шундай гапирдим:
«Ич, циклоп, ич заррин майни, тўйганингда одам гўштига;
350. Билки, шундай беназир май бўлган эди менинг кемамда;
Уни сен-чун асрагандим, шояд менга раҳм қилсанг деб;
Аммо-лекин сен пайдар-пай худди итдек қутирмоқдасан.
Ўйла, қонхўр, агар ошкор бўлса ушбу ёвузликларинг,
Ким ҳам қўмсаб келар сени қўрмоқ учун бу фурбатгоҳга?»
355. Шундай дедим; у май жомин шартта олиб симириб ичди;
Унга ширин туйилди бу қудратли май; яна сўрали:
«Хой, қуй яна, сўнг исмингни менга айтки, бу яхшилигинг
Эвазига сенинг учун бирон совға ҳозирлаб қўяй.
Бизларда ҳам кўпdir жуда шовул ҳосил бергувчи токлар,
360. Улар бари Зевс амри-ла суғорилиб ҳосилга кирап;
Лекин бу май – оби ҳаёт янглиғ тотли ичимлик экан».
Деди циклоп; мен яна бир жом майи ноб узатдим унга.
Яна талаб қилди тентак, учинчи бор узатдим жомни.
Одамхўрнинг миясида оташ шароб ғулу бошлади.
365. Ана шунда мен мулоим гаплар айтдим хушомад қилиб:
«Менинг номвар исмим сени қизиқтириб қолдими, циклоп?»

Меҳмон қилиб қутламоқчи бўлсанг керак совғалар билан?
Исмим – Ҳечким; отам, онам шундай исм қўйишган менга.
Ўртоқларим ҳам мени шу исм билан чақирадилар».

370. Жавоб қилди менга циклоп ваҳшиёна истеҳзо билан:
«Аё, Ҳечким, энг кейинга қолдирман сени ейишни,
Дўстларингни еб битиргач – шудир сенга атаган совғам». Шундай деб фирт маст одамхўр гурс қулади чалқанчасига
Чайир бўйинин чапга буриб; соҳибқудрат Уйқу маҳв этди
375. Бу ваҳшийни; кайфи ошиб қолганидан ичган майни ҳам,
Еган одам гуштини ҳам варақ-варақ қуса бошлади.
Биз таёқни олиб, дарҳол ўткир учин оловга тиқдик;
У чўғ бўлиб яллиғланди; шунда содиқ ўртоқларимнинг
Юрагига далда бердим, бул хатарли ишда уларнинг
380. Менга ёрдам беришларин сўрадим. Биз оловга тиқсан
Таёқ уни, гарчи ҳали нам бўлса-да, чўғдек қизарди;
Биз ҳаммамиз биргаликла уни икки ёқдан кўтариб
(Бизга қудрат баҳш этганди само тангрилари, албатта),
Алҳол унинг ўткир учин фафлатдаги кўзга ботирдик;
385. Мен таёқни тикка ушлаб, худди тахта бурғилаётган
Кемасоздек айлантиридим – дўстлар ёрдам бердилар менга.
Яъни биз ҳам кемасоздек пармаладик ёвнинг кўзини.
У бўялди қайноқ қонга; киприклари жизғанак бўлди,
Куйди бароқ қошлари ҳам, кўз косаси ёрилиб кетиб,
390. Чўғда кабоб бўлган ёлғиз кўз отилиб чиқди қинидан.
Болта, ўроқ ё ойболта ясагувчи темирчи доим
Қизиб чўғга айланган ул қуролларни сувга тиқади
Тоблансин деб; совуқ сувда вишиллайди оташин асбоб;
Вишиллади одамхўрнинг косов таёқ ботган кўзи ҳам.
395. Ваҳшийсифат ўкирди у – фифонидан титраб кетди фор.
Ваҳимага тушиб бизлар, қочдик ҳар ён; қайноқ қонига
Беланган ёв ўз кўзига ботирилган косов-таёқни
Файритавсиф ғазаб билан тортиб олиб отиб юборди;
Сўнгра айюҳаннос солиб, атрофдаги теран форларда
400. Ва ейлардан бўса олмиш сарбаланд тоғ чўққиларида
Яшагувчи кўшнилари – циклоплардан ёрдам сўради.
Бул фарёдни эшиитган он кўп циклоплар елиб келишиди
Ҳар тарафдан ва тўпланиб фор оғзига савол беришиди:
«Эй Полифем, нечун бизни чақирадинг? Айт, нима гап ўзи?
405. Нечун буздинг уйқумизни ҳам илоҳий оромимизни?
Ё биронта кимса эчки, қўйларингни ўғирладими?
Ва ё ўзинг учрадингми бирон машъум бало-офатга?
Айт бизга, ким сени фириб ё куч ила маҳв этмоқчи?»
У қоронги фордан туриб циклопларга жавоб қайтарди:
410. «Ҳечким! Маҳв бўлмоқдамен ўз қусурим касрига қолиб;
Ҳечким мени енголмасди куч ишлатиб». Келган циклоплар
Бақиришиди: «Ҳеч ким, дейсан, унда нечун дод солмоқдасан?

- Хаста бўлсанг – бу Зевс амри, ундан қочиб қутуломайсан.
Сен отангни – зилзилакор Посейдонни ёрдамга чақир».
415. Шундай дея фор-форига тарқалдилар қўшни циклоплар.
Мен бул исмим билан барча дўстларимни қутқарганимдан
Хурсанд эдим. Циклоп нуқул оҳ-воҳ қилиб, нолалар чекиб,
Деворларни ушлаб-ушлаб, фор оғзига етиб борди-да
Залвар тошни четга суриб, остонаяга ўтириб олди;
420. Ташқарига чиқаётган қўй, эчкилар ичидан бизни
Тутиб олиш илинжида узатди у дастпанжасини;
Циклоп мени ўзи каби бефаросат ҳисоблаганди.
Бу аснода мен ўзимни ҳамда содик ўртоқларимни
Ҳалокатдан холос этиш чорасини кўраётгандим;
425. Миямга кўп ҳийла-найранг, турфа ишлар кела бошлади;
Лек фалокат яқин эди. Ўйлаб-ўйлаб келдим шу аҳдга:
Кўп эди қўйлар ичida юнги ўсиқ, йирик, бақувват
Нор кўчқорлар; чақмоқ мисол ярқиради уларнинг юнги.
Тортиб олиб мен циклопнинг қалин чипта тўшамасидан
430. Пўстлоқларни, улар билан ҳар уч қўйни, ими-жимила,
Бир саф қилиб боғладим; сўнг ўртадаги ҳар қўй қорнига
Садоқатли йигитларим боғландилар битта-биттадан;
Икки ёнда иккита қўй муҳофаза қилди уларни;
Ҳар уч қўйга бир кишидан тўғри келди; vale ўзимчи?..
435. Сурувда бир семиз, бўйдор, юнги ўсиқ қўчкор бор эди;
Шу қўчкорнига қорнига мен қапишганча, унинг ҳам узун
Ҳамда қалин юнгларидан маҳкам ушлаб қучоқлаб олдим;
Шу алпозда бизлар сабр-тоқат қилиб, оғир хўрсиниб,
Илоҳий тонг отишини юрак ютиб кута бошладик.
440. Қирмиз бармоқларин ёйиб балқиб чиқди навниҳол Эос;
Барча така ва қўчқорлар фор оғзига югурга кетди;
Лекин ҳали соғилмаган эчки, қўйлар қўраларида
Ҳазин-ҳазин маърашарди сут сачратиб елинларидан;
Циклоп эса, ўз ёнидан чопиб-чопиб ўта бошлаган
445. Жонворларнинг қуюқ юнгли елкаларин сийпалар эди;
Билмасдик, баъзи қўйлар дўстларимга ҳаммол бўлганин;
Энг охiri фор оғзига яқин борди менинг қўчқорим;
У ўзининг салмоғидан ҳамда теран андуҳга ботган
Мен фарибнинг залваридан секин-секин қадам босарди.
450. Деди циклоп қўчқоримнинг қалин, момиқ юнгини силаб:
«О, сенмисан, менинг эркам? Нечун бугун ҳаммадан кейин
Чиқмоқдасан? Илгари сен бундай тамбал эмас эдингку.
Энг биринчи бўлиб фордан виқор билан чопиб чиқардинг
Майсалари хушбўй, майин яйловларда озуқлангани;
455. Туш пайтида сув бўйига ҳам биринчи бўлиб бораардинг,
Кеч кирган чоғ энг олдинда кириб келар эдинг форга ҳам.
Илло бугун кеч қолибсан; назаримда, сен бечора ҳам
Сезгандайсан кўрлигимни; маҳрум қилди мени кўзимдан
Ёвуз одам; май ичириб, у хушимдан жудо айлади;

460. Унинг исми – Ҳечким; лекин ҳали қочиб кетганича йўқ!
 Кошкийди, сен гапиролсанг, биродарим, манфур ғанимнинг
 Қай бурчакка яшириниб олганини айтиб берардинг;
 Ана унда мен бошини ёриб унинг, мия қатигин
 Ўйнатардим, ўзини ҳам тилка-тилка қилиб ташлардим;
465. Дилим гул-гул қувнар эди қасд ололсам агар Ҳечкимдан».
 Шундай деб у қўчкоримни ташқарига қўйиб юборди.
 Фордан чиққач, мен оёққа туриб дарҳол ҳамроҳларимни
 Шоша-пиша ечиб олдим қўчкорларнинг қоринларидан.
 Сўнг биз така ва бўрдоқи қўчкорларни саралаб олиб,
470. Ҳаммасини ҳайдаб кетдик овлоқ йўлдан кемамиз томон;
 Дўстларимиз бизларни соғ-омон кўриб бўлдилар шодмон:
 Улар нобуд бўлган азиз ўртоқларнинг руҳин ёд этиб,
 Аза тутиб йиғламоқчи бўлгандилар, мен қўзим қисиб:
 «Мавридимас ҳозир асло йиғламоқнинг, сизлар кемага
475. Ортинг тезроқ барча қўчкор, такаларни!» – дедим уларга.
 Мен бу ердан тез бош олиб кетмоқчийдим денгизга чиқиб.
 Одамларим ўтиридилар эшкакларнинг бандидан ушлаб
 Ва баробар эшкак эшиб денгиз сувин кўпиртиридилар;
 Мана, бизлар инсон саси эшитиладиган маррага
480. Сузиб бордик; ана шунда мен циклопга ҳайқириб дедим:
 «Эй бераҳм қотил, эшит, энди сен ҳеч еялмайсан
 Ҳузурингга меҳмон бўлиб борган бирон мусофири ҳам;
 Зеро, ҳар ким қилган гуноҳ иши учун олгай жазосин;
 Сени, муртад, жазолади Зевс ва ўзга масъуд тангрилар».
485. Циклоп итдай қутирганча, узиб тоғдан бир қоя тошни,
 Улоқтири менинг сасим эшитилган томонга қараб;
 Қоя кема узра учиб ўтиб, унинг ёнгинасига,
 Сувга чўкли – сал бўлмаса мажақларди кема тумшуғин;
 Тўлқинланди денгиз, елди соҳил томон жоҳил долғалар;
490. Улар бизнинг кемани ҳам орол томон оқизиб кетди.
 Қирғоққа биз хода тираб кемамизни тўхтатиб қолдик;
 Мен бош иргаб дўстларимга, азтаҳидил эшкак эшмоқни
 Амр этдим – яқин қолган фалокатдан жон сақлаш учун.
 Ҳамма бирдан фоз қаддини букиб, эшкак эша бошлади.
495. Бу гал бизлар икки ҳисса узокроққа сузиб боргандик;
 Чақирдим шу ердан туриб одамхўрни. Йигитлар менга:
 Қўй, чақирма, безовта ҳам қилма уни, деб ёлбордилар.
 «Эй диловар, нечун қаҳрин келтирасан бу шум маҳлуқнинг? –
 Деди улар. – У отган тош сал бўлмаса ғарқ этардику
500. Кемамизни – сал қолганди ахир ҳалок бўлишимизга.
 Мабодо у бирон бир сас ёки бир сўз эшитиб қолса,
 Шу заҳоти маҳобатли харсанг отиб, биз ҳаммамизни
 Маҳв қилгай, якка-ёлғиз кемамизни садпора этгай:
 Зероки у отган харсанг бизни гориб этмоғи аниқ».
505. Ва лекин мен таҳқиромуз сўзлар ила густоҳлик қилиб,
 Тегавердим ёв жигига: «Эй горнишин, агарда бирон

Фоний банда: – Айт, ким жудо қилди сени ёлғиз кўзингдан,
Деб сўраса, дегил унга: Итаканинг олий султони,
Буюк фотиҳ, Лаэртзода шоҳ Одиссей кўзим ўйди, деб».

510. Шундай дедим. У ғазабга минганича деди ўкириб:
«Э воҳ! Бугун вожиб бўлмиш энг кўҳна бир қудсий башорат:
Бир замонлар бўлган эди бу оролда бузург ва закий
Донишманд зот – Евримиийзод Телам деган соҳибкаромат;
Фасоҳатли зот деб донғи кетган эди жумла-жаҳонга;
515. У циклоплар заминида башораттгўй бўлиб қартайди.
У бўлғуси амаллардан бизни огоҳ қилиб турарди;
Менга эса у башорат қилган эди: «Ёлғиз кўзингни
Шоҳ Одиссей ўйгай», – дея. Шу боис мен, бир кун қошимга
Важоҳати маҳобатли соҳибқувва бир фоний банда
520. Келади, деб ўйлар эдим... Э воҳ! Мени қумурсқа мисол
Рамақижон манфур бир кас жудо этди ёлғиз кўзимдан
Хоинона макр ишлатиб, май ичириб маст қилиб қўйиб.
Агар чиндан ҳам Одиссей бўлсанг, қайтиб келгин ёнимга,
Қутлай сени совға билан; Посейдондан илтимос қилай
525. Сенинг денгиз сафарингга ҳеч қандай хавф солмаслигини.
Мен ўғлиман Посейдоннинг; дейдиларки, у менинг отам;
Фақатгина у қайтариб бера олур менинг кўзимни;
Ундан ўзга на бир фоний, на бир тангри эплар бу ишни».
Жавоб қилдим Полифемга мен ҳайқириб: «Эй қабиҳ маҳлук,
530. Сени жондан жудо қилиб ва руҳингни Аид қаърига
Жўнатмоғим қанчали рост бўлса, билки, шоҳ Посейдоннинг
Ул кўзингни қайта тиклай олиши ҳам шунчали ростдир!»
Шу чоғ циклоп қўлларини юлдуз тўла осмонга чўзиб,
Ўз падари зилзилакор Посейдонга тавалло қилди:
535. «Эй қорасоч соҳибқудрат зилзилакор тангри Посейдон,
Агарда сен отам бўлсанг ва мен сенинг ўғлонинг эрсам,
Кўзимни кўр қилган мальун Одиссейнинг ўз ота юрти¹
Итакага омон етиб боришига берма ҳеч имкон,
Агар тақдир тақозоси билан у ўз салтанатига
540. Етиб бориб, яқин хеш-у дўстлари-ла дийдор кўришса,
Шундай қилки, учраб у кўп оғатларга, ҳамроҳларидан
Жудо бўлиб, ёлғиз ўзи ёт кемада борсин юргита
Ва ул ерда беадад ғам-андуҳларга мубтало бўлсин».
У шундай деб нидо қилди ва Посейдон эшитди уни.
545. Сўнг у яна ҳам пурваҳшат ҳарсанг олиб отди биз томон;
Ванғиллаб тез учиб келган бу машъум тош кеманинг шундоқ
Яқинига келиб тушди ва қутириди пуравж долғалар.
Ҳарсанг кема қўйруғини мажақларди сал бўлмаганда;
Ваҳимали тўлқинларнинг бу сираси бизнинг кемани
550. Оқизганча олиб кетди яқиндаги Эчки оролга;
Шу оролда турган эди бизнинг барча кемаларимиз;
Ҳамроҳларим ғамга ботиб бизни кутиб ўтирган экан.

- Етиб бориб чиқардик биз кемамизни құмлоқ қирғоққа;
Кейин күчли тұлқынлардан ҳайратланиб соҳилга индик.
555. Биз циклопнинг семиз әчки, қўйларини бир ерга жамлаб,
Бу ўлжани барча ёру дўстларга teng тақсимлаб чиқдик.
Хашаматли пойбанд тақсан дўстларимдан менга энг улкан
Қўчқор тегди ва биз уни курбон қилдик ул олий тангри
Зевс йўлига. Қўчқор гўштин кабоб қилиб унга бахш этдик.
560. Ва лекин Зевс биз бахш этган курбонликни қабул қилмади;
Кўзларди у мени энг талх азобларга учратмоқдикни,
Яна мени барча ёру дўстларимдан мосуво айлаб,
Жами кемаларимизни битта қўймай қийратмоқдикни.
Курбонликдан кейин бизлар эртадан то қаро кечгача
565. Мазали гўшт еб, лаззатбахш шароб ичиб қўнглимиз ёздики.
Бу аснода қуёш ботиб ҳамма ёқни қоплади зулмат;
Биз тұлқынлар шовқинини тинглаб ётиб пинакка кетдик.
Қирмиз бармоқларин ёйиб балқиб чиқди навниҳол Эос;
Шунда дарҳол йигиб барча дўстларимни, мен амр этдим
570. Арқонларни ечмоқни ва кемаларга чиқиб олмоқни.
Дўстлар чиқиб ўтирилар эшкакларнинг курсиларига,
Сўнг баробар эшкак эшиб денгиз сувин кўпиртирилар.
Бизлар аччиқ алам чекиб, нобуд бўлган дўстларимизни
Ёдга олдик ва ўзимиз бир ўлимдан қутилганимиз
575. Учун беҳад мамнун бўлиб, суза кетдик узоқ-узоққа.



ҮНИНЧИ ҚҰШИҚ

Бизлар тезда Эолия оролига етиб бордик; унда тангрилар Арзандаси Гиппотзот шоҳ Эол истиқомат қиларди.

Мудом юзиб турувчи бу орол юксак мис девор ила
Үралган ва бутун соҳил силлиқ тошлар қуршовидайди.

5. Ўн иккита фарзанд күрган эди Эол билан хотини:
Олти нафар ойжамол қызы ва олтита забардаст ўғлон.
Улар катта бўлганда шоҳ уйлантириди ўғилларини
Қизларига*. Энди улар кундузлари соҳибдил ота
Ҳамда мушфиқ оналари билан бирга битта дастурхон
10. Теграсида маст бўлиб най навосидан, хуштаъм таомлар
Еб ичурлар; тунда эса ҳар ким ўзин қўшгани билан
Момиқ гиламлар ёзилган тўшакларда хордиқ олади.
Эол шаҳрида биз унинг ҳашаматли аркига бордик;
У бизларни бир ойгача сидқидилдан меҳмон қилди ва
15. Ахейларнинг Трояда қилган жанги, уларнинг жангдан
Уйларига қандай маъюс қайтганлари тўғрисидаги
Қиссамизни тинглади жонқулоқ ила; мен ҳамма бўлган
Воқеани бошдан оёқ сўзлаб бердим битта қолдирмай.
Сўнг сафарга отланиб биз сўрагандик изн кетишга,
20. Эол лутған рози бўлиб, менга тўққиз ёшли буқанинг
Терисидан тикилган меш берди — унга жойлаган эди
Жами жўшқин шамолларни: у шамоллар хожаси эди
Тангри Зевснинг амри ила; гар хоҳласа бу шамолларни
Жиловлаши ё бўлмаса уйғотиши ҳам мумкин эди.
25. У кемамга келиб заррин каноп билан чандиб боғлади
Меш оғзини, бир қатра ҳам шамол сирқиб чиқмасин учун;
Бизга ҳамроҳ бўлмоқликни амр этди фақат Зефирга;
Ва лекин Дий моне бўлди ота юртга қайтмоғимизга;
Бошимизга бало бўлди бизнинг калтафаҳамлигимиз;
30. Биз тўққиз кун сувда суздик тиним билмай кечаю кундуз,
Ўнинчи кун келганида кўриб қолдик Итакамизни;
У ердаги чироқлар ҳам кўринганди яқин-яқиндан.
Худди шу пайт (аксни қаранг), мени ширин уйқу элитди.
Зеро доим мижжа қоқмай ўзим елкан арқонларини
35. Бошқаргандим ватанимга тезроқ етиб олмоғим учун.
Ана шунда, ҳамроҳларим гурунглашиб ўтиришаркан,
Шоҳ Эолдан менга қанча олтин, қумуш совға теккан, деб
Ўйлаганлар ва ўзаро шундай мулоҳаза қилганлар:
«Ё тангрилар! У қай ерда кимницида бўлмасин, фақат

40. Унигина тақдирларлар; Трояда ҳам у бир дунё
 Үлжаларни ғамлаганди; лекин бизлар у билан ҳар вақт,
 Ҳамма ерда бирга бўлган бўлсак ҳамки, уй-уйимизга
 Қуппа-қуруқ қайтмоқдамиз. Мана, Эол ҳам фақат унга
 Катта бойлик тухфа қилди; кўрайликчи, нима бор экан
45. Оғзи чандиб боғланган бу улкан мешда; ким билсин, балки,
 Лиқ-лиқ тўла бўлса керак унинг ичи олтин, кумушга».
 Шундай деган бабзи бирор, қолганлар ҳам қўшилган унга.
 Меш оғзини очган улар ва шамоллар отилиб чиқсан;
 Шунда қуюн кўтарилиб кемамизни оқизиб кетган
50. Яна ортга. Мен уйғониб кетдим шу чоғ ҳамроҳларимнинг
 Фарёдидан. Бошум гангид не қиласим
 билмай қолдим саросимада:
 Пўртанаалар қучоғига отиб ўзим, азиз жонимга
 Қасл қилайми ё, кемага тушганларнинг жони бир, дейми?
 Мен тақдирга тан бердим ва мантиямга ўралиб, кема
55. Тубида жим ётавердим. Қуюн яна Эолияга
 Ҳайдаб борди кемамизни. Қилмишига пушаймон бўлган
 Ҳамроҳларим хўнг-хўнг йиғлаб кемамиздан тушибилар ерга;
 Биз булоқдан сув келтириб бир озгина тамадди қилдик.
 Қорин тўйиб чанқов босилгач, мен битта ўртоғим ила
60. Муждачини олиб тўғри шоҳ Эолнинг қасрига бордик;
 Шоҳ завжаси ҳамда барча фарзандлари билан ўтириб,
 Овқат тановул қиласарди. Бизлар кириб емакхонага,
 Учовимиз шундоққина бўсағага ўтириб олдик;
 Таажжубда қолган шоҳ ва оиласи сўрадилар бараварига:
65. «О, сенмисан, шоҳ Одиссей? Нима бўлди? Ёвуз даймонга
 Дуч келдингми? Нима, сени ватанингга ёки хоҳлаган
 Манзилингга бетаҳтика омон етиб олишинг учун,
 Қани, айтчи, ҳамма тайёргарликларни кўрмаганмидик?»
 Деди улар; жавоб қолдим ўқсиб-ўқсиб, руҳан эзилиб:
70. «Ҳамроҳларим телбалиги ҳамда менинг машъум фафлатим
 Бошимизга бало бўлди; ёрдам беринг; қодирсиз бунга».
 Деб ёлбордим мен уларнинг юрагини ийдириш учун.
 Ҳамма сукут сақлаб қолди; лекин Эол тутоқиб деди:
 «Аё, мальян! Оролимни тарқ эт дарҳол; зероки масъуд
75. Тангриларга манфур бўлган фоний зотга ҳомийлик қилсак,
 Бу ишимиз оқибати яхши бўлмас; йўқол қўзимдан!
 Тангриларга манфур бўлган зотдан бизлар ҳазар қиламиз».
 Деб уйидан қувди Эол хўнграшимга парво ҳам қилмай.
 Сузиб кетдик бу оролдан қалбда аччиқ нола-фифон-ла
80. Бефаҳмликлари сабаб ёрдамлардан мосуво бўлган
 Ҳамроҳларим эшкак эшишдан толиқиб ғамга ботганди.
 Олти кечак-кундуз сузиб, еттинчи кун лестригонларнинг
 Кўп қопқали азим шахри Ламосга* биз етиб бордик.
 Унда кундуз сурув боққан чўпон қайтар экан ўтлоқдан

85. Подачини даъват этар кенг яйловга подаси билан;
Бедор чўпон икки ҳисса ҳақ олиши мумкин, агарда
Кундуз серюнг қўйларни ва тунда эгри шох буқаларни
Ўтлагани олиб чиқса: зеро, бир хил экан у ерда
Кундуз чўпонлик қилиш ва тунда пода боқиш иш ҳақи*.
90. Биз лиманга кириб бордик; саф тортганди юксак қоялар
Унинг икки тарафида, лиман оғзи торайган эди:
Сувдан бўртиб чиққан тошлар яқинлашиб икки томондан
Сузиб кириш ҳамда сузиб чиқиш йўлини ҳимояларди.
Одамларим сузиб кириб гўзал лиман ичкарисига,
95. Кемаларни соҳил бўйлаб сафладилар, унда ҳеч қандай –
На кучли, на заиф тўлқин жўшар эди, денгизнинг сатҳи
Бир текисда жимиirlарди. Мен кемамни лиман оғзида
Қолдирдим-да уни катта бир қояга банд этиб қўйдим,
Сўнг қояга чиқиб, ундан чор атрофга назар ташладим:
100. На ўтлоқда буқалар-у на далада деҳқон кўринди;
Фақат онда-сонда тутун ўрлар эди ердан осмонга.
Икки абжир ўртоғимга қўшиб сергак бир муждачини,
Юбордим мен бу заминда нон истеъмол қилгувчи қандай
Одамзодлар яшашини билмоқ учун айғоқчиликка.
105. Улар тезда арава из солган текис йўлга чиққанлар;
Халқ бу йўлдан тоғдан ўтин ташир экан араваларда.
Одамларим алпкелбат бир қизга дуч келганлар бирдан:
У шаҳардан чиққан экан сув олгани кўза кўтариб.
Йигитларим учрашганлар бу азамат алп қиз билан
110. Шаффофф Артакий чашмасин ирмоғида; шаҳарнинг бутун
Аҳолиси сув ичаркан шул чашмадан. Қизнинг олдига,
Яқин бориб сўрабдилар: «О, яхши қиз, айтчи бизларга,
Бу ўлканинг ва бул ерда яшагувчи халқнинг шоҳи ким?»
Қиз жавобан ўз отаси Антифатнинг уйин кўрсатган.
115. Улар кириб данғиллама уйга, шоҳнинг бўйи теракдек
Хотинини кўрганлар-у дағ-дағ титраб қўрқиб кетганлар.
Малика шоҳ Антифатни чақиртирган катта мажлисдан.
Шоҳ югуриб келиб, менинг одамларим шўрин қуритган,
Биттасига чанг солиб, тез еб юборган; қолганлар қўрқиб
120. Ура қочган ва кемалар турган ерга югуриб келган;
Бутун шаҳар ваҳимага тушган шоҳнинг дағдағасидан.
Антифатнинг ҳайқирифи йиғди алп лестригонларни;
Фонийларга ўхшамаган бу гигантлар тик қояларнинг
Чўққисидан зил тошларни отдилар кўп тошибурон қилиб;
125. Кемаларни ваҳшат қамраб олди бирдан – эшитиларди
Ўлаётганларнинг аччиқ нолалари, бузилаётган
Кемаларнинг фижирлаши; кейин бадбаҳт ҳамроҳларимни
Улар узун қозиқларга, сихга тортилган балиқлардек
Илиб, тановул қилгани шаҳар томон олиб кетдилар.
130. Ҳамроҳларим лиманда маҳв бўлаётган чоғ мен шамширим
Яланғочлаб кемам боғланган арқонни узиб юбордим

Ва теграмда құрқиб турған дүстларимга сүзсиз бош ирғаб
Эшкак эшишни амр этдім фалокатдан қутилиш учун;

Улар даҳшат қамровида жон-жаҳд ила эшкак эшдилар;

135. Кемам азим қояларни ёнлаб ўтиб, очиқ денгизга
Сузиб чиқди; қолған кемаларнинг бари вайрон бўлганди.
Бизлар аччиқ алам чекиб, нобуд бўлган дўстларимизни
Ёдга олдик ва ўзимиз бир ўлимдан қутулганимиз
Учун беҳад мамнун бўлиб, суза кетдик узоқ-узоққа.

140. Сўнг биз Эя оролига сузиб бордик. Ушбу оролда
Кўпдан бери маккор Эотнинг синглиси шириналом қиз
Маъбуда Цирцея яшаб қелар эди; улар отаси
Фонийларга зиё бахш этгувчи тангри Гелиос эди;
Оналари соҳибжамол Перса эди – Океан қизи.

145. Биз тик қирғоқ панасида кемамизни ими-жимида
Сокин лиманга киритдик: мушфиқ тангри бизга йўл очди.
Бу соҳилда икки кеча, икки кундуз тўхталиб қолдик;
Учинчи кун балқди бизга чилвир сочин ёйганча Эос.
Мен найзамни қўлга олиб, шамширимни елкамга осиб,

150. Қайга келганимиз билиш, бирон касни учратмоқлик ва
Бирон товуш эшитмоқлик ниятида қирғоққа бориб,
Қоя чўққисига чиқиб, чор атрофга кўз югуртирдим.
Мен олисда Цирцеяning улкан ўрмон орқасидаги
Гўшасидан кенг фазога ўрлаётган тутунни кўрдим.

155. Арғувон ранг тутун ўрлаётган ўшал ерга мен ҳозир
Борсаммикин ё йўқми, деб узоқ муддат тараалдулландим.
Ниҳоят, даставвал кемам турған ерга қайтиб боришни,
Унда ҳамма билан бирга овқатланиб, сўнг энг ишончли
Йигитларни айғоқлашга юборишни мақбул кўрдим мен.

160. Кемамизга яқин бориб қолганимда, бир мушфиқ тангри
Раҳм айлаб мен ғарибга, бир буғуни рўпара қилди –
Бул азимшоҳ, биққи буғу жазира машина
Чанқоғини босиш учун елиб келар эди дарёга
Ўтлоқ ўрмонни тарқ этиб. Мен ўтқир тиф отиб жонворнинг

165. Умуртқасин яраладим: найзам унинг баданин тешиб
Ўтди; у бир ингради-ю гурс ийқилиб жони узилди.
Мен ўлжани оёқ билан босиб, тифни унинг жисмидан
Тортуб олдим, кейин уни ўлик буғу ёнига қўйдим.

170. Шунда ўзим ниҳол қамишлардан юлиб, улардан уч газ
Узунликда арқон эшдим; сўнг чийратма бу арқон билан
Зилу замбил овнинг узун оёқларин чандиб боғладим;
Кейин буғу оёқлари орасига тиқиб бошимни,

- Уни елкамга илдим-да тиғдор найзамга таянганча,

175. Элтдим кемамиз пойига; овни қўлтиқлаб олиб бориши
Осон эмас эди – зилдай оғир эди. Кемага яқин
Бориб овни ерга қўйдим ва уйғотиб ҳамроҳларимни
Шундай дедим: «Бардам бўлинг, биродарлар, қисматимизга
Битилган энг охирги кун келмагунча Аид қаърига

180. Тушмагаймиз; ҳозир эса барҳам бериб ғамгин очликка,
Дилимизни хуш этайлик биз лаззатбаҳш таомлар билан
(Кемамизда кўпдир ҳали егуликлар, тотли шароблар)».
Шу заҳоти менинг амрим бажарилди; ҳамма одамлар
Устки кийимларин ечиб, қисир дengиз бўйига борди;
185. Улар ҳайратда қолдилар кўриб алп, биққи буғуни;
Сўнг кўзлари қувнаб кетиб ювдилар-да юз-қўлларини,
Шоша-пиша пиширдилар энг тўйимли тансик таомлар.
Биз соҳилда хушхўр гўшт еб, болдай totли май ичиб роса
Фароғатда вақт ўтказдик то кечқурун қош қорайгунча;
190. Мана, қуёш ботиб, ҳаммаёқни тунги зулмат қоплади;
Ҳамма ухлаб кетди заиф тўлқинларнинг аллалашидан.
Балқи кўкка қирмиз бармоқларин ёйиб навниҳол Эс.
Ҳамроҳларимни кенгашга йиғиб шундай дедим уларга:
«Аё содиқ ёронларим, тингланг менинг маҳзун гапларим:
195. Билмаймиз биз мағриб қайда, қайдан балқиб чиқади Эс;
Қайда ерга фориб бўлиб, қайдан балқир ёрқин Гелиос;
Келинг, баҳамжиҳат ўйлаб қўрайлик биз, бало-офатдан
Қутилмоқ-чун қандай чора кўрса бўлур; афсус, йўқ чора!
Мен бу қоя теппасидан ҳаммаёқни кўздан кечирдим:
200. Кўрдим фақат: ҳад-худудсиз дengиз суви ўраб олибди
Бу теп-текис оролни нақ гултоҷ каби; лекин узоқда
Зулмат ўрмон орқасидан қуюқ тутун кўтариларди».
Бу гапидан дўстларимнинг юраклари увушиб кетди.
Эсларига тушиб шунда Антифатнинг ёвузлиги ва
205. Бир кўзли дев мункир циклоп Полифемнинг одамхўрлиги,
Айюҳаннос солиб, дув-дув кўз ёш тўкиб йиглай кетдилар;
Лек уларнинг йиғиси ҳам, фарёди ҳам бесамар эди.
Ажратдим мен мис совутли дўстларимни икки гуруҳга;
Бир гуруҳга мен бош бўлдим; яна битта гуруҳга эса
210. Олиҳиммат мард Еврилоҳ тайинланди раҳнамо этиб.
Кейин биз мис дубулғага қуръа ташлаб уни силкитдик.
Илк бор қуръа соҳибқудрат Еврилоҳнинг қўлига чиқди
Ва у йўлга отланди тез йигирмата ҳамроҳи билан;
Улар йиғлаб йўлга тушди, биз ҳам йиғлаб кузатиб қолдик.
215. Кўп вақт ўтмай улар баланд тоғ ортида очиқ майдонда
Кўришибди Цирцеянинг тарашиланган силлиқ тошлардан
Курилган серҳашам уйин. Уй олдида йиртқич бўрилар,
Тоғ шерлари сандироқлаб юрган эмиш:
- ки Цирцея бу ҳайвонларни
Сеҳрлаган экан турфа гиёҳларнинг дамламаси-ла.
220. Бу жонворлар одамларга ҳамла қилмай, улар олдига
Чопиб келиб, думларини ликиллатиб суйкалишибди
Худди ит ўз соҳибини кўрганила гажак думини
Ликиллатиб суйкалгандек (боқарди-да уни эгаси
Доим қолдик овқат билан), соҳибчангат шерлар ва бароқ

225. Бўрилар ҳам келганларга худди шундай эркаланибди.
 Бундай мудҳиш ҳайвонлардан қўрқиб кетган йигитларимиз
 Сунбул сочли Цирцеяниг саройига шошилибдилар;
 Ичкарида хур маъбуда қўнғироқдай янгроқ сас ила
 Қўшиқ куйлаб, гўзал, нафис мато тўқиб ўтиарканки.
230. Бул илоҳий мато фақат маъбудалар амали экан.
 Шу пайт мардлар марди менинг энг содиқ ва энг азиз дўстим
 Политос ўз дўстларига юзланиб бир калом айтиби:
 «Оғайнилар, эшитинглар! Кимдир мато тўқиб ўтириб,
 Куйламоқда – хуш овози янгратмоқда бутун атрофни
235. Ким бўлдийкин? Маъбудами ё фоний қиз?
Биз чақирайлик».
 Дебди; ҳамма янгроқ сас-ла чақирибди хонанда қизни,
 Маъбуда тез чиқиб келиб лант очган-да обдор эшикни,
 Таклиф қилган йигитларни уйга; улар қўрқмай киргандар
 Ичкарига; ортда қолган иштибоҳ-ла Еврилох фақат.
240. Лек маъбуда меҳмонларни курсиларга ўтқазиб бир-бир,
 Пишлок, арпа уни, бол ва Прамнанинг тиниқ шароби*
 Омухтасин сунар экан, ҳар қадаҳга сеҳр-жодули
 Гиёҳларнинг дамламасин томизганки – уни ичган зот
 Тамомила унутаркан ватанини. Ҳамма татигач
245. Омухтадан, жодугар ўз ҳокималик таёқчаси-ла
 Йигитларни уриб чўчқа қўрасига ҳайдаб киритган;
 Киргач улар, баланларин тук қоплаган чўчқаникидай,
 Чўчқа тумшуқ бўлиб, бирдан тўнғизлардай хур-
хурлаганлар.
 Валекин эс-хушлари ҳеч йўқолмабди. Шунда афсунгар
250. Хурхурлаганлар олдига чўчқаёнгоқ яна қайиннинг
 Fўр ва пишган сўталарин ташлабдики, бу – тумшуқ билан
 Ер титишини ёқтирувчи чўчқаларга зўр таом эди.
 Бир пайт машъум хабар билан чопиб келди дўстим Еврилох.
 Ва лекин у кўп қийналди анчагача бир сўз айтольмай;
255. Кўзи ғилт-ғилт ёшга тўлиб, ўртанарди қалби аламдан;
 Ваҳимага тушиб уни сўроқ қилдик бизлар пайдар-пай;
 Ва Еврилох шундай сўзлаб берди менга элчиларимиз
 Дучор бўлган машъум фалокат ҳақида хўнг-хўнг йиғларкан:
 «О шавкатли шоҳ Одиссей, биз кўп юрмай очиқ майдонда
260. Цирцеяниг ҳашаматли уйин кўрдик тошдан тикланган.
 Уйда кимдир, ё маъбуда, ё фоний қиз янгроқ сас ила
 Қўшиқ куйлаб иш тикарди. Бизлар уни чақиридик алҳол;
 Маъбуда тез чиқиб келиб очди обдор эшигини ва
 Таклиф қилди бизни уйга; ҳамма кирди хавотирланмай
265. Ичкарига; кўнглим сезиб фалокатни мен ортда қолдим;
 Ҳамма кириб ичкарига фойиб бўлди, ҳеч ким қайтмади.
 Узоқ кутдим; ҳеч нимани била олмай қайтдим ахири».
 Шундай деди: мен шошганча кумуш бандли икки дамли мис
 Шамширимни илиб кифтга ва чилласи таранг тортилган

270. Камонимни олиб құлға, Еврилохга, мени кузатиб
Боришни амр этдим ўшал кошонага; лекин Еврилох
Құрқиб кетиб, тиз чүкканча хўнг-хўнг йиғлаб бир қалом айтди:
«Ижозат бер, шоҳим, мен сен билан бормай; сезмоқда кўнглим,
Борсанг, ўзинг ҳам қайтмайсан, дўстларни ҳам
қайтаролмайсан;

275. Ундан кўра, қочайлик тез бу оролдан дам ғаниматда,
Гар кетмасак, бошимизга оғир кулфат тушмоғи аниқ».
Еврилохнинг бу гапини эшитиб, мен жавоб айладим:
«Сени асло зўрламоқчи эмасман мен, дўстим Еврилоҳ;
Майли, кемам пойида сен таскин топиб еб-ичиб ўтири;

280. Лек мен боргум; виждан амри даъват этур мени боришига».
Шундай дея шоша-пиша жўнаб кетдим денгиз бўйидан.
Мен муқаддас олтин водий қучогига тушиб, афсунгар
Цирцеянинг гўшасига яқин борган чоғимда, бирдан
Кўлда олтин таёқчasi билан Гермес йўлимни тўсади;

285. У мафтункор эди ғоят, яноғида майин туклари
Энди сабза урган барно йигитчадек ҳусни бор эди.
У назокат билан менга қўл узатиб шундай гап қотди:
«Тўхта, нодон, сен тоғма-тоғ ёлғиз кезиб қайга борурсан?
Бу ер хавфли. Одамларинг Цирцеянинг асиридиirlар;

290. У ҳаммани чўчқаларга айлантириб қўрага қувган.
Сен уларни кутқаргани шошмоқдасан; лекин ўзинг ҳам
Жодугарнинг чанталидан соғ чиқмайсан. Сенинг бошингга
Ҳамроҳларинг куни тушур. Аммо эшиг: мен бу хатардан
Сени омон сақлаб қолгум; шундай ажиб гиёҳ берайки,

295. У билан сен Цирцеянинг уйига шахт кириб боравер;
Зероки бу гиёҳ сени омон асрар жами жодудан.
Мен маккора маъбуданинг найрангларин изоҳлай сенга:
Томизир у қадаҳингга гиёҳларнинг дамламасидан,
Илло сенга асло таъсир ўтказолмас унинг тилсими;

300. Тилсим кучин қирқади мен берган гиёҳ. Аммо унутма:
Маъбуда ўз сеҳргарлик таёқчасин сенга теккизгач,
Сен ҳам ўтқир шамширингни яланғочлаб, гўё ўлдирмок
Ниятида бўлган каби унга ташлан; у қўрқиб кетиб,
Таклиф қилур сени момиқ тўшагига – сен бу таклифдан

305. Юз ўғирма: у билан ҳамтўшак бўлсанг, ҳамроҳларингни
Фалокатдан қутқорурсан ва ўзинг ҳам ул жодугарнинг
Энг эъзозли меҳмонига айланурсан. Лекин даставвал
Сен илоҳий қасам ичир Цирцеяга – ҳеч бир ёвузлик
Кильмаслиги ҳақда сенга ваъда берсин. Йўқса, жодугар

310. Заифлатган қалбингдаги жасоратдан маҳрум бўласан».
Шундай деди тангри Гермас ва ердан бир гиёҳни юлиб
Узатаркан, тушунтириди унинг барча хислатин менга:
Гиёҳ илдизи қоп-қора, гули эса сутдай оқ эди;
Худовандлар уни моли* деб атаркан; лек фонийларга

315. Ердан ковлаб олиш уни хавфли экан, бокийларгамас.
Гермес сеҳрли гиёхни бериб менга, учди Олимпга.
Цирцеяниң уйи томон борарканман ўрмон ёқалаб,
Юрагимни ўртаб ётган машъум хаёл эзарди мени.
Мен сунбулсоч маъбуданинг эшигига бориб, баралла
320. Овоз билан чақирдим; у чиқди дарҳол обдор эшикдан
Ва лутф ила таклиф қилди уйига; мен ичкари кирдим;
У мени хос хонасига бошлаб кириб, ўтқазди ноёб
Кумуш оёқ ўтиргичга (оёғимга курсича қўйди);
Сўнг мен учун зар қадаҳга шароб қўйди; vale сал олдин
325. Ёвуз ният билан унга оғу дори томизган эди;
Сунгач менга у қадаҳни, мен бехатар ичгач шаробдан,
Цирцея тез афсун ўқиб, таёқчасин менга урди-да:
«Бор оғилга, чўчқа бўлиб ёт дўстларинг ичид», деди.
Шунда ўтқир шамширимни суруриб, мен шум жодугарни
330. Ўлдирмоққа чоғлангандай ҳамла қилдим; у шамширимга
Чап берди ва фарёд чекиб, ҳўнграб йиглаб, тиззаларимни
Қучганича, менга шундай калом айтди: «Кимсан сен ўзинг?
Қаерликсан? Ота-онанг ким? Қаерда сенинг ватанинг?
Ҳайратдаман, омухтамни ичиб зарра ўзгармадинг ҳам;
335. Ҳали ҳеч ким, ҳатто фақат лаб учини теккизганлар ҳам
Омон қолган эмас эди менинг сеҳру жодуларимдан.
Қалбинг метин экан, меҳмон. Ҳа, дарвоқе, сен – Одиссейсан.
Бир пайтлар сен ҳақингда олтин таёқ соҳиби Гермес
Шундай девди: «Трояни вайрон айлаб қайтар чоғида
340. Кув Одиссей сузиб келур оролингга қора кемада».
Сен мис тифли шамширингни филофга тиқ ҳамда мен билан
Ҳамтўшак бўл, ки ҳузурбахш тўшакда ишқ алангасида
Иккаламиз қовушайлик, сирлашайлик бир-биrimiz-ла».
Маъбуданинг бу сўзига жавобан мен шундай гап қотдим:
345. «Қандай қилиб, о Цирцея, сен билан мен сирдош бўлайин,
Чўчқаларга айлантириб қўйган бўлсанг ҳамроҳларимни?
Мени бўлса хобхонангга олиб кириб, сенга ҳамтўшак
Бўлишимни хоҳлаяпсан; шум ниятинг – мени маҳв этмоқ;
Кирсам, яланғоч чоғимда жудо бўлгум иқтидоримдан.
350. Йўқ, маъбуда, ётмам асло бир тўшакда сен билан, токи
Менга қарши ҳеч қандайин гайрлигинг йўқлигин айтиб,
Қатъий қасам ичмасант сен худоларнинг шоҳидлигида».
Шундай дедим ва Цирцея қасам ичди илоҳлар ҳаққи;
Қасам ичиб, қасамига амал қилгач, маъбуда билан
355. Бирга ётдим унинг холис хонасида момиқ тўшакда.
Бу аснода тўртта эпчил дилбар қизлар –

Цирцеяниң жориялари

Хизмат қилар эди тинмай кўшклар аро елиб-югуриб.
Улар бари чашмалар-у ўрмонларнинг ҳамда бор сувин
Теран денгизга элтувчи дарёларнинг қизлари эди*.

360. Бир қыз роҳат курсиларга ғоят нафис гиламлар түшаб.
 Устига бўз мато ёзи, суянгани ёстиқлар қўйди.
 Иккинчи қыз ҳар бир курси яқинига антиқа кумуш
 Хонтахтани суриб, олтин саватларда нон-намак қўйди.
 Учинчи қыз кумуш жомда қориштириб майни сув ила,
365. Хонтахтага асл олтин қадаҳларни битталаб терди,
 Ва ниҳоят тўртингчи қыз олиб келди муздек шаффофф сув;
 У ўт ёқиб сепояга ўрнатилган қозон тагига,
 Сув қайнатди; ва Цирцея қайноқ сувни совуқ сув билан
 Чапиштириб, чўмилтириди мени ушбу омухта сувда;
370. Оқибатда, жисмимдаги заифлашган руҳий лоҳаслик
 Фойиб бўлди. Мен поклангач, баданимга суриб зайдун мой,
 Кийдирдилар майин хитон, кенг мантия эгнимга. Кейин
 Бул маъбуда бошлаб чиқиб мени кўркам кўшкка, ғоятда
 Нодир курсига ўтқазди, оёғимга қўйди курсича.
375. Бу чоғ чўри қыз кумуш жом ва сув тўла олтин обдаста
 Олиб келди қўл ювгани, кейин силлиқ хонтахтани у
 Суриб қўйди; калитдор қыз хонтахтага хонаки нон ва
 Турфа таомлар келтириди захирадан, сўнг лутф айлабон,
 Меҳмон қилди мени; лекин бу лаззатли, тансиқ таомлар
380. Ўтмас эди томогимдан — ноҳуш хаёл оғушидайдим.
 Менинг ҳазин ўйга толиб, туз татимай ўтирганимни
 Кўрган маъбуда Цирцея яқин келиб бир қалом айтди:
 «Хаёлингни не банд этмиш, о Одиссей? Нечун маҳзунсан
 Гунг одамдай, емайсан ҳам, ичмайсан ҳам бу таомлардан?
385. Ёки мени бирон макр қилади деб қўрқмоқдамисан?
 Кўрқма асло, эшитдингку, ичдим сенга илоҳий қасам».
 Маъбудага жавобан мен шундай дедим ҳасратга ботиб:
 «О Цирцея, қайси одил, диёнатли эр томогидан
 Овқат ўтар ҳамроҳларин эркин-эмин кўрмагунича?
390. Гар хоҳласанг тортилган бу неъматлардан еб кўришимни,
 Кўрсат аввал менга барча дўстларимнинг озод бўлганин».
 Шундай дедим мен; Цирцея сеҳрланган таёқчасини
 Кўлга олиб чиқди кўшкдан; чўчқахона олдига бориб,
 Очди унинг эшигини, чиқиб келиб барча чўчқалар,
395. Маъбуданинг қаршисида тизилдилар; Цирцея ҳамма
 Чўчқаларнинг тумшуғига малҳам сурди навбатма-навбат;
 Шунда бирдан маъбуданинг сехри билан ҳамроҳларимнинг
 Баданини қоплаб олган қалин, қаттиқ чўчқа туклари
 Дув тўклиди. Ҳамма қайтди шу заҳоти асл аслига,
400. Боз устига, улар анча навқиронроқ ва ҳусндорроқ,
 Бўй-у бастда анча дароз бўлгандилар; дўстларим мени
 Таниб дарҳол қўл чўздилар ва аламдан талх йигладилар;
 Уларнинг бу фарёдидан бутун қаср ларзага келди;
 Маъбудалар маъбудаси Цирцеянинг юрагида ҳам
405. Меҳр-шафқат зоҳир бўлиб, шундай дея юзланди менга:
 «О Одиссей, соҳиби тож Лаэртзода, саховатпеша,

Дам ғанимат; сен соҳилга боргил алҳол, содиқ дўстларинг
Биргалишиб қум соҳилга тортиб чиқсин қора кемангни;
Сўнг ўлжалар, ускуналарнинг барини форга яшириб,

410. Ҳамма одамларинг бирла қайтиб келгил менинг қошимга».
Маъбуданинг бул амрига мен мардана итоат этдим.

Сўнг соҳилда турган кемамнинг олдига шошганча бориб,
Кўрдим унда ўқсиб йиғлаб нола чеккан ўртоқларимни.

Яйловларда ширадор ўтларга қорни тўйиб, даладан

415. Қайтаётган сигирларни молхонага ташлаб кетилган
Бузоқчалар кўрган заҳот, маърашганча шаталоқ отиб
Югуришар оналарин паноҳига; ҳамроҳларим ҳам
Қорамни кўрган ҳамоно менга пешвоз чопиб келдилар,
Гёё ўзимиз туғилиб ўсиб-унган азиз юртимиз

420. Итакага қайтган каби юраклари тўлиб қувончга.

Деди улар аччиқ кўзёш тўкиб менга барқанот сўзлар:
«О шоҳимиз, сени омон кўрганимиз қандай саодат;
Хушнудмиз биз худди ҳозир Итакага бориб қолгандек.
Лек очиқ айт, қайда дўстлар? Не балога учради улар?»

425. Деди улар аффон чекиб; жавоб қиллим йигитларимга:

«Аввал, дўстлар, чиқаринглар кемамизни кумлоқ соҳилга,
Сўнгра форга яширинглар мулкларни ҳам, анжомларни ҳам;
Ундан кейин мен сизларни Цирцеянинг хонадонига,
Дўстларингиз хузурига олиб боргум; сиз асло қўрқманг;

430. Дўстлар яйраб, еб-ичишиб, фароғатда яшамоқдалар».

Ҳамроҳларим бул амримни бир лаҳзада бажо айлашиди.
Лек Еврилоҳ терслик қилиб, олиб қолмоқ бўлди уларни;
У баралла овоз билан шундай деди ўртоқларига:
«Тўхтант, аё эси пастрлар! Нима, унга эргашиб қурқмай

435. Бормоқчимисиз Цирцея масканига? Лек у сизларни

Тўнғизларга ёки бароқ бўриларга ё ўрмон шоҳи
Ёлдор шерга айлантириб масканига соқчи қилур-ку;
Алп циклоп горида биз не балога дуч келган бўлсак,
Бу ерда ҳам шундай машъум савдо тушгай бошларингизга;

440. Эсланг: авбош Одиссей-ла кириб ўшал циклоп форига,

Дўстларимиз маҳв бўлди Одиссейнинг касофатига». Деб Еврилоҳ ғазабимни жўш урдирди; мен яланғочлаб
Шамширимни, нобакорнинг калласини узмоқчи бўлдим,
Гарчи яқин қариндошим бўлса ҳам у*; лек ҳамроҳларим

445. Кўлларимдан ушлаб қолиб, менга шундай бердилар таскин:

«Гар хоҳласанг, илоҳий зот, майли, қолсин Еврилоҳ кема
Пойида ва қилсин уни муҳофаза бедор ўтириб;

Биз сен билан Цирцеянинг масканига борурмиз бирга».

Мен кемамни тарқ этдим-у бошлаб кетдим ўртоқларимни;

450. Лек Еврилоҳ ёлғиз ўзи қололмади кема пойида —

Менинг пўписаларимдан дағ-дағ титраб эргашди бизга.
Бу пайт Цирцея уйида қолган дўстлар ҳаммомга тушиб

Чўмилишиб, зайдун мойи суребдилар баданларига,
Кийибдилар устларига харир хитон, бароқ мантия.

455. Биз боргандан улар лазиз таом ошаб ўтирадилар.
Дўстларини кўриб улар, бошларидан нелар кечганин
Йиғлаб-йиғлаб гапирдилар – фарёдлари ёйилди ҳар ён.
Бу чоф маъбуда Цирцея шундай деди ёнимга келиб:
«Соҳибидрок шоҳ Одиссей Лаэртзода, саховатпеша,
460. Фам чекишни, кўзёш тўкиб йиғлашни бас қилинг ҳаммангиз;
Биламан, сиз балифи мўл денгизда ҳам, ёвуз ва вахший
Одамлардан қуруқликда ҳам уқубат чеккансиз бисёр –
Энди қайгуни унутиб, то бир пайтлар азиз юртингиз
Итакадан Трояга жўнаётган чоғингиздаги
465. Қалбингизда зоҳир бўлган диловарлик яна қайтадан
Уйғонгунча еб ва ичиб ҳузур қилинг. Ҳозир бўлса сиз
Кўнгилхушликни унутиб, фақат машъум кечмишларингиз
Тўғрисида ўйлајапсиз – ҳа, дардингиз беадад эди».
Жасур қалблар бўйин эгди маъбуданинг бу қаломига.
470. Шундан бери биз ҳар куни то орадан бир йил ўтгунча
Тотли гўшт еб, болдай шароб ичиб ҳузур қилдик дамодам.
Лек ой-кунлар бир-бирини қувалашиб бир йил вақт ўтгач,
Ҳамроҳларим келиб, менга қатъият-ла шундай дедилар:
«Аё ғофил, Итакага қайтадиган пайтимиз келди.
475. Гар худолар насиб этса ҳаммамизга, сен ота юртинг,
Ойдин уйинг, азиз жигарбандларингни кўргайсан албат».
Шу куни биз то кечқурун шом тушгунча тотли гўштлар еб,
Болдай лазиз шароб ичиб вақтихушлик қилиб ўтиридик.
Мана, охир қуёш ботди, тунги зулмат босди ҳар ёқни,
480. Барча ҳамроҳлар қоронги хоналарда пинакка кетди.
Мен Цирцея хонасига қайтиб, унинг ёнига ётдим
Партўшакда ва сўзларим дикқат билан тинглай бошлаган
Маъбуданинг тизин қучиб қалом айтдим шундай барқанот:
«О Цирцея, бизни ота ютимизга қайтармоқликка
485. Сўз бергандинг, бажар энди ўшал берган илоҳий сўзинг;
Софинганмиз биз ватани; ҳамроҳларим (сен йўқ пайтларда)
Зор-зор йиғлаб, ёлборишиб, жон-ҳолимга қўймаётирлар».
Шундай дедим ва маъбуда менга бундай жавоб қайтарди:
«О Одиссей Лаэртзода соҳибидрок, олижаноб зот,
490. Мен истамам сени зўрлаб ўз уйимда ушлаб туришни.
Лек сен аввал йўлдан четга сузиб, Аид салтанатига
Боришинг шарт; қаҳри қаттиқ Персефона ҳокима унда.
Сен фивалик зеҳни ўтқир, кўзи сўқир кароматпеша
Тиресийнинг унда руҳин учратасан ва гап сўрайсан.
495. У ўлик, лек Персефона сақлаб қолган заковатини;
Фақат унда ақл мавжуд*; қолган ҳамма руҳлар беақл»
Маъбуданинг бу гапидан юрак-бағрим эзилиб кетди;
Мен тўшакда ўтирганча зор йиғладим; ҳаётим жирканч,
Самодаги қуёш буткул нурсиз, совуқ кўринди менга;

500. Мен ўзимни ҳар ён отиб, юм-юм йиғлаб тасалли топгач,
 Маъбудага шундай дея жавоб қилдим охир-оқибат:
 «О Цирцея, бу сафарда ким етакчи бўлади менга?
 Ҳали ҳеч ким кирмаган-ку кемасида ул жаҳаннамга».
 Маъбудага шундай дедим; бундай жавоб қилди у менга:
505. «О Одиссей Лаэртзода, соҳибидрек олиҳиммат зот,
 Йўл бошловчи топилади кеманг учун; ташвиш қилма ҳеч;
 Сен ўрнатиб мачталарни, ёйиб барча елканларингни,
 Шахт сузавер; кемангни мен бергум Борей ихтиёрига;
 Океани сен энига сузиб ўтиб, ясси соҳилга
510. Дуч келасан; унда Персефонанинг сен теракзори ва
 Толзорини учратасан; бул дараҳтлар ўз уругини
 Ерга сочур. Қора биқин кемангни сен шунда — Океан
 Долғалари шовуллаган паст соҳилга тираб қўйгин-у,
 Ўзинг қадам ранжида қил зулмат Аид салтанатига.
515. Олов дарё Пирифлегетон у ерда Стикс ирмоғи
 Коцит билан қўшилганча, Ахеронга бориб қуюлур;
 Унда улкан тош тагида икки жўшқин дарё туташур.
 Энди қолган гапни эшиш ва унутма: ул тош тагида
 Сен кенглиги бир газ ҳамда чуқурлиги уч газ келувчи
520. Ўра қази, сўнг чақириб арвоҳларни уч бор қурбонлик
 Паймо қилгил уларга сен; илк қурбонлик ширин бол бўлсин,
 Иккинчиси муаттар май, учинчиси эса сув бўлсин;
 Сўнгра сеп-у арпа унин паймоларга, ҳар ёнда учеб
 Юрган жонсиз арвоҳларга, уйга қайтгач уларга атаб
525. Қурбонликка қисир сигир сўйишинингга ва энг бебаҳо
 Буюмларинг гулхан ёқиб куйдиришга сен ваъда бергин;
 Тиресийни ҳаммадан кўп эъзозла-ю, бўрдоқи қора
 Бир қўчқорни қурбон қилишга сўз бергил унга бағишлаб.
 Майитларнинг руҳларига шундай ваъда қилганингдан сўнг
530. Қора совлиқ билан қора қўчқор бошин Эреб томонга
 Қаратгин-да, руҳсорингни Океанга ўгириб туриб,
 Сўй уларни; руҳлар шу он елиб келур сенинг тепангга;
 Сей амр эт дўстларингга: бўғизланиб қонга беланган
 Совлиқ билан қўчқорларнинг терисини шилиб, уларни
535. Ташласинлар оловга ва мудҳиш тангри Аидга қўшиб,
 Қаҳҳора Персефонани янгроқ сас-ла қилсинлар дуо;
 Ўзинг ўткир шамширингни яланғочлаб, ўра оғзида
 Ўтириб ол ва жони йўқ арвоҳларнинг қонли ўрага
 Яқин келишларига ҳеч имкон берма, токи Тиресий
540. Келиб жавоб бермагунча сенинг жами саволларингга.
 Сал вақт ўтмай у қошингда пайдо бўлур ва айтиб берур:
 Балиғи мўл денгизда сен қай томонга, қанча вақт сузиб,
 Охири ўз ватанингга эсон-омон етишинг ҳақда».
 Шундай деди; бу пайт олтин таҳтли Эос балқди самога;
545. Маъбуда ҳам кийинтириб менга хитон билан кенг плашч,
 Ўз эгнига кумуш рангли нафис узун қўйлак кийди-да,

- Хипча белига зар камар боғлаб, уртук ёпди бошига.
Мен хонама-хона юриб, садоқатли ўртоқларимни
Битта-битта уйғотдим ва саломлашиб шундай гап қотдим:
550. «Пайт келди, эй ёронлар, ширин уйқуни тарк этмоққа;
Туринг, кетдик; маъбуданинг ўзи бизга тилайди оқ йўл».
Шундай дедим ва итоат этди менга мардана қалблар;
Лекин бизлар бу ердан ҳам кетолмадик беташвиш, бе ғам:
Қўл остимда ҳаммадан ёш, жанггоҳда ҳам унчалик жасур,
555. Фаросатда ҳам айтарли зўр бўлмаган Елпенор отли
Бир йигитча бўлар эди; ёзда ҳаво иссиқ бўлгани
Сабабли, у ухлагани Цирцеянинг баланд томига
Чиқиб ётган. Тонгда сафар ҳозирлигин кўра бошлаган
Дўстларининг бақир-чақирларидан у уйғониб кетиб.
560. Дик ўрнидан сакраб турган, кайфи тарақ бўлгани учун
Орқасига ўгирилиб баланд томдан нарвон орқали
Тушишини ўйламасдан, уйқусираб олдинга юрган
Ва ииқилиб тушиб ерга умуртқаси чилпарчин синган;
У Аидга риҳлат этди. Бу маҳал мен дедим дўстларга:
565. «Сиз, ҳойнаҳой, ота юртга қайтяпмиз, деб ўйларсиз, дўстлар?
Йўқ, Цирцея бошқа ёққа йўналтмоқда бизларни бугун:
Мен қаҳҳора Персефона ҳокималик қилган Аидга
Тушиб, аввал Тиресийнинг руҳидан гап сўрашим керак».
Шундай дедим; дўстларимнинг юрак-бағри эзилиб бундан,
570. Ерга ётиб йиғладилар, соchlарини юмма юлдилар.
Лек йиғидан, оҳу воҳдан ҳеч қандайин фойда йўқ эди.
Бизлар қайғу-ғамга ботиб, аччиқ-аччиқ кўзёшлар тўқиб,
Кумлоқ соҳиллаги қора кемамизга равона бўлдик.
Цирцея бу пайт соҳилга қора совлиқ ва қора қўчкор
575. Олиб келиб боғлади-да ўзи аста ёнгинамиздан
Ўтиб кетди кўринмасдан... Агар тангри фоний бандага
Кўринишни хоҳламаса, банда уни ҳеч кўролмагай.



ҮН БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

- Биз түпланиб құмда турған қора кема теварагида,
Уни мұқаддас дengizga туширдик тез ҳамжиҳат бўлиб,
Мачтасини тикладик ва боғлаб чиқдик елканларини.
Кейин ҳамма ўксиб йиғлаб, ғамга ботиб, қора кемага
5. Чиқди шошиб бир совлиқ ва бир қўчқорни етаклаганча.
Бизга жўшқин долғаларда баҳрийларнинг содик ҳамроҳи,
Елканларни шиширувчи боди мурод етакчи бўлди.
Йўллаганди уни шириңсухан, сумбулсоч маъбудамиз;
Барча абзаллар тартибиға келтирилиб, тинч суза кетдик.
10. Кема елдек учди дарға ва шамолга итоат этиб,
Боди мурод тўйинтириди елканларни ўз нафаси-ла.
Бу аснода қуёш ботиб дengiz сатҳин зулмат қоплади.
Биз кўп ўтмай сузиб бордик Океанга – азим дарёға;
Киммерийлар ватани у – мудом туман ва қора булат
15. Буркаб ётур бу зимистон фурбатгоҳни; унда Гелиос
Жамолини ҳеч кўрсатмас одамларга, ҳатто юлдузлар
Чаманзори кенг фазога балқанла ҳам ва ёки ўша
Юлдуз тўла фазодан у ер баҳрига ботганида ҳам;
Беҳаловат тун буркамиш у ер аҳлин азат-азалдан.
20. Биз манзилга етгач, сувдан тортиб олдик кемани құмга;
Кўлимизга олиб қўчқор билан қўйни, Цирцея айтган
Аид томон Океанинг қирғогидан юра бошладик.
Курбонликка бағишлиланган икки қўйни Перимед билан
Еврилохга тутқазиб мен, тифи ўткир мис шамширимни
25. Яланғочлаб, эни бир газ, чуқурлиги уч газли ўра
Қазидим-да, Айлдаги майитларнинг руҳига уч бор
Паймо қилдим курбонликлар: аввал асал, ундан кейин май,
Охири – сув; сўнг арпа ун сепиб чиқиб улар устига,
Ваъда қилдим майитларнинг учиб юрган жонсиз руҳига:
30. Уйга қайтгач қисир сигир сўймоқликни уларга атаб
Ва гулханда куйдирмоқни энг бебаҳо буюмларимни.
Тиресийга подадаги энг бўрдоқи қора қўчқорни
Курбон қилиб, қадрлашга ваъда бердим ҳаммадан кўпроқ.
Ваъда бергач, дуо қилдим мен марҳумлар руҳи покини.
35. Сўнгра совлиқ ва қўчқорни бўғизладим ўра оғзида;
Оқди қора қон ўрага; шунда зулмат Эреб қаъридан
Майитларнинг арвоҳлари галалашиб учиб чиқдилар:
Келинчаклар, йигитчалар, қариялар фақат бир марта
Доғда қолиб, то ўлгунча ғамга ботган бокира қизлар.

40. Жангхөларда узун тиғли найзалардан жароҳатланиб,
Қалқонлари қонга ботган энг азamat жангчи аскарлар...
Хаммалари қаттиқ сурон күтарганча учиб чиқдилар
Галалашиб теран жардан; қоним қочди даҳшатдан менинг.
45. Сўйилган кўй билан кўчқор терисини шилиб, оловга
Ташламоқни ва Аиду Персефона ҳаққига янгроқ
Овоз билан ҳамду сано айтмоқлини тавалло қилиб.
Ўзим жонсиз арвоҳларни йўлатмаслик учун ўрага,
Шамширимни яланғочлаб чоҳ олдига ўтириб олдим
50. То Тиресий арвоҳидан саволимга жавоб олгунча.
Энг аввало Елпенорнинг руҳи ҳозир бўлди қаршимда;
Шўрлик ётар эди ҳали дағн этилмай рўйи заминда.
Елпенорни ерга кўммай, кўз ёш тўкиб аза ҳам тутмай,
Қолдиргандик Цирцеянинг ҳовлисида: шошгандик йўлга.
55. Кўриб унинг аҳволини раҳмим келиб йиғлаб юбордим.
Сўнг барадла овоз билан дедим унга барқанот сўзлар:
«Мунча шошиб келмасанг сен, эй оғайни, Аид юртига!
Биз кемада сузганлардан ҳам сен яёв келибсан тезроқ».
Шундай дедим; у оҳ уриб ҳазин, жавоб қайтарди менга:
60. «О Одиссей Лаэртзода, соҳибнайранг ва соҳибшавкат,
Мени ёвуз даймон ҳамда маст-аласлик маҳв айлади;
Баланд томда ухлаб қолган эдим қотиб, шунда унутиб,
Узун нарвондан тушишни, олға юриб пастга қуладим;
Заранг ерга тегиб энсам мажақланди, синди умуртқам;
65. Шу заҳоти учди менинг руҳим Аид салтанатига.
Ўтинаман сендан, дўстим, ул вафодор хотининг ҳаққи,
Сени боқиб катта қилган отанг ҳаққи ҳамда гўдаклик
Чоғида сен ташлаб кетган ўғлинг ҳаққи (менга аёнки,
Сен Аидни тарқ этгандан кейин яна қайтиб борасан
70. Ўз кемангда Цирцеянинг оролига), о Лаэртзода,
Саховатли шоҳ Одиссей, мени ўйла, аза тутилмай,
Дағн этилмай қолмай, агар сен қасоскор худовандларнинг
Фазабига учрамоқни истамасанг, жонсиз жисмимни
Барча силоҳларим ила ўтга ташлаб, мўйсафид денгиз
75. Соҳилида қабрим узра баланд қилиб тупроқ уйинг-да,
Қазо қилган бу эр янги авлодларга ибрат бўлсин-чун
Каминанинг бир пайтлар денгиз сатҳин тўлқинлантирган
Эшкагимни мазкур қабрим тепасига санчиб қўйинглар». Деб Елпенор нола қилди ва мен унга жавоб қайтардим:
80. «Ҳамма айтган гапларингни, шўрпешона, бажо айлагум». Икковимиз: шамширимни яланғочлаб, тўкилган қонни Арвоҳлардан қўриқловчи — мен ва тинмай гапираётган — Дўстим руҳи ҳазин сұхбат қуарар эдик бирга ўтириб.
Шу чоғ бирдан, — ўзим қўрдим, — яқин келди менинг қошимга
85. Онажоним Антиклея — бузрук Автоликоннинг қизи, — Тирик эди уйда онам Трояга кетаётганимда.

Йиғлавордим онам руҳин күриб юрак-бағрим ўртаниб;
Лек уни ҳам йўлатмадим қон олдига, ўртанган билан
Юрак-бағрим: мен гап кутар эдим ҳали башоратгўйдан.

90. Сал вақт ўтмай пайдо бўлди ул фивалик Тиресий руҳи;
Олтин таёқ ушлаганди у қўлига, мени таниди:
«Ие, — деди, — о Одиссей, соҳибнайранг, саховатпеша,
Нима сени мажбур этди, баҳти қаро, ёруғ жаҳондан
Юз ўгириб келишга бу ўликларнинг зимиstonига?
95. Сен ўрадан нарироқ тур, қонга яқин борай, имкон бер,
Тўйиб исчам қонни агар, айтгум сенга бор ҳақиқатни».
Шундай деди; мен ўрадан узоқлашиб, қинига солдим
Шамширимни; шунда қора қонни тўйиб ичган Тиресий
Ўгирганча менга юзин, ҳақиқатни башорат қилди:
100. «Сен, Одиссей, интизорсан уйга қайтиш баҳтин кўришга,
Лек Посейдон сафарингни мушкуллатур денгизма-денгиз
Таъқиб қилиб, зеро қаҳрин келтиргансан зилзилакорнинг
Сўқир қилиб арзандаси — ўғлонининг ёлғиз кўзини;*
- Таъқибларга қарамай ва кулфатларга бардош бериб, сен
105. Ватанингга қайтасан ҳам, гар ўзингни, ҳамроҳларингни
Гуноҳ ишдан тия олсанг; сен уларни қора кемангда
Тубсиз сиё денгиз оша жазирама Тринакрия
Оролига келтирасан; у оролда боқар доимо
Барча нарсани кўрувчи, эшитувчи ҳамда билувчи
110. Порлоқ Қуёш бикқи буқалари билан қўчқорларини.
Кўп мушкулотларни енгид етгайсан сен Итакангта ҳам
Гар Гелиос молларига қўл уришдан тийсанг ўзингни;
Мабодо қўл теккизсанг сен, кемангнинг ҳам,
- дўйстларингнинг ҳам
- Ҳалокатга учрашига белги бергум; аммо сен ўзинг
115. Ўлмай тирик қоласан ва шўх денгизда ҳамроҳларингдан
Жудо бўлиб, қайтажаксан ватанингга ғариб-бенаво
Қиёфада ёт кемада; кутар сени унда ҳам кулфат:
У ерда сен мол-давлатинг совураётган, Пенелопангни
Эрга тег деб зўрлаётган, никоҳ туҳфаларин келтириб
120. Ҳол-жонига қўймаётган авбошларга дучор бўласан;
Сен улардан ўч оласан. Лек уйингни забт этган суллоҳ
Куёвлардан найранг ёки куч ишлатиб одил интиқом
Олганингдан сўнг қўлингда эшкак билан сафарга жўна —
То денгизни билмайдиган, овқатини тузсиз ейдиган,
125. Тўлқинларнинг тўшин тилиб тез сузувчи қирмизи тумшуқ
Кемани ҳам, уни кучли қанот янглиғ денгизлар оша
Учирувчи эшкакни ҳам ҳеч кўрмаган одам зотига
Дуч келгунча тўхтама ҳеч — сенга аниқ белги айтаман:
Агар йўлда учратсанг сен йўловчини ва у сўраса:
130. «Эй мусофири, не белкурак кўтаргансан кенг елкангга» деб,
Ерга санч-у эшкак бандин, қарит узоқ сафаринг шунда.
Сўнг қудратли Посейдонга атаб қўчқор, буқа ва қобон,

- Құрбонлик қыл ва уйингга қайтиб бориб чексиз самонинг
Хокимлари Зевсга ҳамда қолған барча худовандларга
135. Атаб тартиб билан бир-бир дабдабали ҳекатомба қыл;
Шунда тошқын дengizдамас, ўз уйингда ўз раиятинг
Бахтин күриб, нуроний чол қадри билан сокин ўласан.
Мен айтган бу башоратлар битта қолмай ошур амалта».
Деб Тиресий яқунлади башоратин; мен унга дедим:
140. «О қария, қисматимга не ёзилған бўлса кўурман.
Энди менга бир гапни айт, яширмасдан битта ҳам сирни:
Кўряпман мен бу Аидда қазо қилған онам руҳини,
Қонга яқин ерда у гунг ўтирибди гўё ўғлига
Гапиргани ботинолмай бошин эгиб. Айтчи, қария,
145. Нима қылсам бул марҳума таний олур тирик ўғлини?»
Шундай савол бердим чолга; бундай деб у жавоб қайтарди:
«Саволингга жавобан мен осонгина йўл кўрсатаман:
Қонга яқин келишига йўл қўйганинг арвоҳларгина
Сенинг билан доно-доно суҳбатлашур; лекин сен қонга
150. Йўлатмаган руҳлар эса, аста нари кетур чурқ этмай».
Шундан кейин, тақдиримни ошкор қилған қария руҳи
Кириб Аиднинг қаърига ғойиб бўлди. Мен қимир этмай
Туриб қолдим; лекин унча кўп кутмадим; қон тепасига
Яқин келган онам руҳи қониб мени таниди.
155. Оғир-оғир хўрсинганча деди менга барқанот сўзлар:
«Вой, ўғлим, сен қандоқ кирдинг Аиднинг бу зулмат юртига –
Тириксан-ку! Тириклар-чун бунда ҳаммаёқ даҳшатгоҳdir;
Дарёлар кенг ва тез оқар, алалхусус, теран Океан;
Ҳеч ким сузиб ўта олмас, гар бўлмаса гумбур кемаси.
160. Ё сен тўғри Троядан қайта туриб, шунча узоқ вақт
Денгизларда сарсон кезиб, одамларинг билан кемангда,
Йўл-йўлакай тўхтадингми? Наҳот ҳали кўрмаган бўлсанг
Ота юрting Итакани, хонадонинг ва хотинингни?»
Шундай деди онам; мен ҳам жавоб қилдим унга бундай деб:
165. «Онажоним, зўр эҳтиёж йўналтириди мени Аидга;
Мен Тиресий руҳи билан сўзлашмоқ-чун келдим бу ерга.
Боролмадим ҳали ота юртимга мен; шоҳ Агамемнон
Йилқиси мўл Трояни маҳв этмоқ учун бизларни
Илионга бошлаб кетган чоғдан буён сарсон-саргардон
170. Кезиб юриб, юртим кўрмоқ менга ҳали насиб этмади.
Энди сен айт: қандай бадқаҳр Мойраларнинг илкига тушдинг?
Узоқ вақт бетоб ётиб жон бердингми? Ёки тўсатдан
Суғурдими жонгинангни Артемида сассиз ўқ ила?
Сўйла яна менинг отам, гўдак қолған ўғлим ҳақида:
175. Сақлашганми улар менинг шоҳлик рутbam? Ё бошқани шоҳ
Кўтагранми ҳалқим, мени аллақачон ўлган ҳисоблаб?
Яна айт-чи менга, завжам Пенелопа қандай аҳволда?
Ўғлим билан бирга яшаб вафодорми ҳануз эрига?
Ё никоҳдан ўтганми у бирон кабир ахейлик ила?»

180. Деб сўрадим волидамдан; бундай деб у жавоб қайтарди:
 «Содиқ ёринг Пенелопа кутар экан интизор бўлиб
 Қайтишингни, узун кунлар, бедор тунларни
 Ўтказмоқда мудом ҳасрат оғушида талх кўз ёш тўкиб;
 Подшоҳлик рутбанг омон сақлангандир; ўелинг Телемах
185. Бошқармоқда салтанатинг улуғ мансаб соҳиби бўлиб,
 Меҳмон кутар у дамодам, базмларга борур ўзи ҳам.
 Отанг Лаэрт келмай қўйган шаҳримизга; қишлоқда яшар
 Парчӯшаксиз, ёлингани кўрпасиз ва бошда болишсиз;
 Қишки ёғин-сочин пайти уй ичидагулхан ёнида
190. Қуллар билан ерда ётур жулдуровоқи кийим ёпиниб;
 Ёзинг иссиқ кунларида ё кечки куз палласида у
 Бое-роғда ва токзорларда ерни қоплаб тўкилиб ётган
 Ҳазонлардан ўзи учун юмшоқ тўшак ясар эринмай.
 Ясаркан у, сени эслаб оғир-оғир хўрсинганича,
195. Аламли кўз ёш гўкади; умри ўтур унинг ҳасратда.
 Мен ҳам шундай ҳасрат чекиб, тақдир экан,
 жон таслим қилдим.
- Вале мени Феб синглиси Артемида сассиз камони
 Ила зумда қийнамасдан маҳв этмади, шу билан бирга,
 Вужудимни забт этган дард узоқ муддат қийноққа солиб,
200. Ҳолсизланиб қолган заиф жоним тандан юлқиб олмади:
 Йўқ, Одиссей, соғинч ҳисси, заковатинг ва маъсум фелинг
 Кўмсашибарим анча барвақт жудо қилди мени жонимдан».
 Деб сукутга толди онам ва мен қалбим хоҳиши ила,
 Унинг нари кетаётган руҳин қучиб олмоқчи бўлдим;
205. Уч мартаба қучмоқ бўлиб онам руҳин, қўлларим чўздим,
 Уч марта ҳам у соядек ё хаёлдек қўлга илинмай
 Сирғалди-ю қочиб кетди мени зор-зор аффон чектириб.
 Ниҳоят, мен волидамга шундай дедим ғамзада бўлиб:
 «Эй онажон, нечун қочиб кетмоқдасан, қучмоқчи бўлсан
210. Аиднинг бул даргоҳида бошим қўйиб азиз сийнангга,
 Икковимиз мунгли сұхбат қурсак аста нима қилибди?
 Ё пурқудрат Персефона юборганими сенинг ўрнингга
 Ҳавол руҳни, дардимга дард қўшиб баттар қийнамоқ учун?»
 Шундай дедим; соҳибидрок онам менга жавоб қайтарди:
215. «Эл ичра энг баҳти қаро ўғлим-ей, бил, Зевснинг қизи
 Персефона сени мазах қилмоқликни ўйламайди ҳам.
 Жондан жудо бўлган жами ўликларнинг қисмати шудир:
 Заифлашган пайлар жипслай олмас ҳеч ҳам эт ва суюкни;
220. Шу заҳоти уни лов-лов ёнган олов ютиб юборур
 Ва боқий жон тандан чиқиб ғойиб бўлур бамисли тушдек.
 Сен, Одиссей, орқангга қайт, шошил тезроқ ёруғ оламга,
 Лек унутма айтганларим хотинингга сўзлаб беришни».
 Деб иккимиз сұхбатлашдик. Шунда пайдо бўлдилар бирдан
225. Хотин-халажнинг руҳлари – Персефона уларни менга
 Юборибди; улар бир пайт энг шавкатли муҳорибларнинг

- Хотинлари ва қызлари бўлган экан; ёприлиб келиб
Ҳар томондан ташландилар қонга улар; шунда ўйладим
Аёлларни қандай сўроқ қилишликни битта-битталаб;
230. Ва ниҳоят ўйлаб-ўйлаб топдим бунинг қулай йўлини:
Шу заҳоти узун тиғли шамширимни яланғочлаб мен,
Йўл кўймадим галалашиб келишига руҳларнинг қонга;
Мана, энди навбат билан келиб улар танитардилар
Ўзларини; осон бўлди ҳар бирига савол беришим.
235. Энг аввало Салмонейнинг қизи, Эолзод Крефейнинг
Рафиқаси олийнасаб Тиро келди қоннинг олдига;
Ҳамма гапни сўзлаб берди у бирма-бир ўзи ҳақида:
Ер юзида энг чиройли ва илоҳий дарё тангриси
Энипейга у ўз қалбин баҳш айлаган; сўнг ул табаррук
240. Сув бўйига тез-тез бориб тавоғ қилган; шунда Посейдон
Кўриб қолиб уни, кирган Эпипейнинг қиёфасига
Ҳамда дилбар Тиро билан ишқ лаззатин сурмоқчи бўлган;
Жўшқин дарё тўлқинлари ўрлаб баланд, ишком ясашган
Ва бегона кўздан тангри ила қизни пана қилишган.
245. Қизга уйқу йўллаб тангри, ечган унинг иффат камарин...
Ҳирси жўшиб шаҳватини қондиргач у, Тиро қўлидан
Ушлаб туриб исмин айтиб деган унга барқанот сўзлар:
«Қувон, тангри маъшуқаси! Сал кам бир йил ўтгач орадан
Бир жуфт эгиз ўқтам ўғил кўурсан сен (бесамар бўлмас
250. Тангри билан қовушмоқлик), тарбия қил уларни яхши.
Лек уйингда тий ўзингни менинг исмим тилга олишдан;
Фақат сенга айтгум уни: зилзилакор Посейдонман мен».
Шундай дея шўнғиган у чўнг денгизнинг теран қаърига.
Қиз ой-куни етганида икки ўғил кўрган эгизак:
255. Пелиас ва Нелей; улар Зевсга содиқ хизмат қилганлар.
Сурув-сурув қўйларга бой Иолкосда яшай бошлаган
Мард Пелиас; лек Пилосни ватан қилган ўзига Нелей.
Соҳибжамол Тиро яна Крефейдан уч ўғил кўрган;
Булар – Эсон, Ферет яна мард чавандоз Амифиондир.
260. Тиродан сўнг Асон қизи Антиопа келди қошимга.
«Зевс мени оғушига олганди», деб роса мақтанди:
Бу севгининг ҳосиласи Амфион ва Зефос бўлибди;
Улар илк бор етти қопқали Фивага асос солганлар
Гир атрофин юксак девор билан ўраб; ҳатто забардаст
265. Бўлсалар ҳам кенг Фивада ихотасиз туролмаганлар.
Шундан кейин Амфитрионнинг хотини Алкмена келди;
Зевс билан ҳалол қовушгандан кейин нодир паҳлавон
Ва шерюрак Гераклга ёриганди унинг кўзлари;
Кейин пайдо бўлди далир Креоннинг қизи Мегара;
270. Унинг эри жами синовлар ғолиби Геракл эди.
Мегарадан сўнг кўринди Эпикаста-Эдип онаси;
У энг оғир жиноятга қўл урганди билмасдан туриб:

Ўз отасин қатл этган ўз ўғлига хотин бўлганди.

Сал вақт ўтмай худовандлар фош этди бу макруҳ никоҳни.

275. Ҳаловатсиз мазлум Эдип Зевснинг маҳвкор амри ила
Маҳкум бўлганди Фивада ҳадик билан шоҳлик қилмоққа;
Эпикаста бўлса, Аид қопқасини ўзи очганди:

Ҳаётининг риштасини узганди у машъум сиртмоқни

Илиб шифтнинг тўсинига; Эдип эса ёлғиз қолганди

280. Золим эринияларнинг ғазабига учраб дамодам.
Кейин келди Хлорида; бир пайтлар Нелей бу қизнинг
Жамолига шайдо бўлиб, уни нодир совғалар билан
Ром қилганди; у минийлар юрти бўлган Орхомен шаҳрин
Подшоҳи Иасийзод Амфионнинг ҳур қизи эди;

285. Қумлоқ Пилос маликаси Нелейга мард азаматларни
Туғиб берди; булар – Нестор, Хромий ва Периклимендир;
Сўнг малика туққан эди соҳибжамол қизи Перани;
Ҳар томондан мард йигитлар совчи бўлиб кела бошлаган;
290. Вале Нелей қатъий туриб, ўз қизини шоҳ Ификлеснинг
Филакия яйловида ўтлаб юрган буқаларини
Битта қўймай ҳайдаб келган азаматга беражагини
Эълон қилган. Бу мардона вазифани фақат бекусур
Башоратгўй* бажармоққа бел боғлаган; ва лекин унга
Фов бўлганди ёвуз тақдир, кишанлар ва подачи аҳли.

295. Ҳуллас, кунлар кунни қувиб, ойлар эса ойларни қувиб
Ўтганда бир йил, Оралар олиб келган баҳор фаслини;
Бир илоҳий сирни очган маҳбус шоҳга; шунда Ификлес
Озод қилган уни банддан – Зевс қарори ошган амалга.

300. Тиндардан у икки ўғил кўрди; булар: асов отларни
Тушовловчи – Кастро ҳамда энг қудратли полvon –

Полидевк.

Икковларин ёш чоғила она замин бағрига олган

Ва иккови зулмат босган ер қаърида Зевс ардоғида;

Қунда улар жой алмашур: aka ўлса ука тирилур,

305. Зеро улар иккови ҳам боқийликка даҳлдор эди.
Сўнг кўринди Алоейнинг рафиқаси Ифимедея;
Мақтанганди, Посейдоннинг кучогида бўлганман, деб у.
Улар никоҳи меваси икки ўғил: илоҳий Отос
Ва Эфиалт бўлди (лекин қисқа экан улар ҳаёти).

310. Сахий замин эгизларни алп қомат қилиб ўстирди;
Хуснда беқиёс улар фақат ҳеч тент келолмасдилар
Орионга; улар тўққиз ўшга қадам қўйганларида
Энда тўққиз, бўйда эса ўттиз тўққиз газ бўлгандилар.
Шунда улар, биз Олимпга уруш очиб уни ларзага

315. Келтирамиз, дея таҳдид қилгандилар худовандларга;
Осмонни забт этмоқ бўлган эди улар Осса тоғини
Кўҳна Олимпга ўнгариб, ўрмонзорли тоғ Пелионни

- Осса устига құндириб; айтгандарин қылардилар ҳам
Сал каттароқ бўлишганда; лек Летанинг Зевсдан туғилган
 320. Ўғели* улар икковини маҳв этганди ҳали яноқ ва
Иякларида сабз уриб чиқмасидан майин туклари.
Келди яна Федра билан Прокрида; сўнг маккор Минос
Қизи гўзал Ариадна пайдо бўлди; баҳодир Тесей
Кўндириганди Афинага қочмоқликка уни Кипрдан;
 325. Лек қиз билан ишқ лаззатин суролмади; ки Артемида
Ўлдириганди уни сассиз ўқи ила Диј оролида
Вакх ифвосига учиб. Кўрдим яна Клименани,
Мойрани ва тилла маржон илинжида вафодор эрин
Қабиҳона сотган бадкор жиноятчи Эрифилани.
 330. Ҳаммаларин санаб адо қилолмайман; эслай олмайман
Ўтиб кетган қаҳрамонларнинг қизлари, хотинларини;
Тонг отгунча ҳам уларни бир-бир санаб чиқа олмайман;
Мен ухлашим керак энди ё сиз берган учқур кемага
 335. Бориб, ё шу ерда қолиб; сизлар эса ҳозирлик кўринг
Менинг йўлга чиқишимга ва маладкор бўлсин тангрилар».
Шундай деди шоҳ Одиссей — ҳамма теран сукутга толиб
Ўтиради базмгоҳда, қалблари жўш уриб ҳайратдан.
Шунда оқбилак малика меҳмонларга такаллум қилди:
«Айтинг, феак аҳли, сизга ёқдими бу ажнабий меҳмон?
 340. Бўй-басти ҳам, таъвати ҳам, идроки ҳам мақтовга лойиқ.
Меҳмон бўлса ҳам у менда, мезбонсизлар ҳаммантиз унга.
Уни йўлга жўнатишга шошилмасдан, саховат ила
Кўпроқ совға тортиқ қилинг — учраган у кўп жудоликка:
Беаладтир, тангриларнинг кўмаги-ла, мол-давлатингиз».
 345. Шунда киборлар қавмидан чол Эхсоной қалқди оёққа,
У замондош феакларнинг даврасида энг кекса эди.
«Маликанинг бу гаплари, — деди кекса, —
- бизнинг ниятлар
- Ила ғоят ҳамоҳангдир; этмоқ керак унга итоат;
Шоҳ Алкиной эса буни тезроқ ижро этсин амалда».
350. Жавоб қилди шоҳ Алкиной олижаноб бу қарияга:
«Тириклигим, феакларга шоҳ эканим қандай рост бўлса,
Шундай ростдир бунда айтилган гапларни бажармоғим ҳам.
Лекин меҳмон гарчи шошаётган бўлса ҳамки сафарга,
Яна бироз сабр қилсин; унгача биз йигиб бўлайлик
355. Жами совға-саломларни; кузатмоқлик уни юртига
Ҳаммамизнинг ва айниқса менинг бурчим:
- шоҳман мен ахир».
- Соҳибидрок шоҳ Одиссей жавоб қилди соҳиби тожга:
«Шоҳ Алкиной, феак мардларининг марди, олиҳиммат зот,
Агар совға-салом йигиб, сафар тадоригин кўриш-чун
360. Мени бунда бир йил ушлаб турсангиз ҳам рози бўлардим,
Зоро агар ота юртим Итакага бисёр совғалар
Билан борсам хешларим ҳам, бутун эл ҳам шоду хуррам ва

Иzzat-икром билан қарши олур чиқиб мени албатта».

У жим қолди; шундай деди шоҳ Алкиной унга жавобан:

365. «Шоҳ Одиссей, биз қиссангни тингларканмиз,

сени ҳар ёқда

Тентиб юриб, кўрганлари тўғрисида ёлғон-яшиқлар

Тўқиб доим мақтаниувчи саёқлардан деб ўйламаймиз.

Сен унақа одаммассан; ақтинг расо, нутқинг мафтункор.

Қиссанг foят дилрабодир; сен ахейлар саркардалари

370. Ва ўзингнинг талх кечмишинг борасинда заки ҳофиздек

Баён қилдинг; лек қиссангнинг давомини ҳам сўзлаб бер-да.

Ҳеч яширмай сўзла барин: Илионнинг жанггоҳларида

Сен-ла бирга жанг қилиб, сўнг шум тақдирнинг

қурбони бўлган

Иқтидорли дўстларингдан қай бирини қўрдинг Аидда?

375. Тун узоқдир; улгурамиз ҳали ухлаб ором олишга.

Сен қиссангни охирига етказ бугун; агар бошингга

Тушган оғир мусибатлар тўғрисида ҳикоя қилсанг,

Эшитишга тайёрман мен то балқунча нурафшон Қуёш».

Феакия султонига будай жавоб қилли Одиссей:

380. «Шоҳ Алкиной, феак мардларининг марди, олиҳиммат зот,

Вақт етарли ҳар бир ишга: гурунгга ҳам, дам олишга ҳам;

Вале агар тингламоқчи бўлсанг ҳозир қиссанг сўнгини,

Майли, сўзлаб берай кейин қандай оғир мушкулотларга

Дош берганим: бирдан барча ҳамроҳлардан жудо бўлганим,

385. Троянинг жанггоҳидан омон чиқсан қай аргосликнинг

Ватанига қайтиб бориб, қотил билан маккор хотини

Томонидан ваҳшиёна қатл этилгани ҳақида...

Зулмат Аид маликаси Персефона хотин-халажнинг

Руҳларига тарқалмоқни амр этди ва сочди ҳар ён –

390. Агамемнон руҳи шунда аста маҳзун чиқди қошимга;

Орқасидан галалашиб чиқиб келди Эгист уйида

Атрид билан биргаликда қатл этилган барча дўстлари.

Агамемнон қонга қонгач, шу он мени таниб қолди ва

Оғир-оғир, чуқур-чуқур хўрсинаркан ёшланди.кўзи;

395. Қўлларини чўзиб мен-ла қўришмоқчи бўлди; лек, э воҳ...

Бир пайтлар унинг жисми ва жонига мадалкор бўлган

Қўллар энди жонсиз эди, эгасига сунмас эди бўй.

Қўриб йиғлаб юбордим мен; раҳмим келди шўрпешонага;

Ўлик дўстимга юзланиб дедим шундай барқанот сўзлар:

400. «О элларнинг ҳукмдори Атрейзода шоҳ Агамемнон,

Қайси қабиҳ Мойра сени гориб этди мангу ўлимга?

Ё Посейдон денгиз қаърин ковлаштириб, қуюн кўтариб,

Долғаларга ғарқ этдими кеманг билан қўшиб сени ҳам?

Ё далада ўтлаб юрган эгри шоҳли буқалар билан

405. Қўчқорларнинг подасини ўғирлашга чоғланганингда

Ё забт этилган шаҳарнинг аёлларин асирга олиб,

- Кўп ўлжалар йиғанингда ғаним сени маҳв айладими?»
 Шундай савол бердим унга; жавоб қилди у мана бундай:
 «Соҳибнайранг, қув Одиссей Лаэртзода, саховатпеша!
410. Йўқ. Посейдон денгиз қаърин ковлаштириб қуюн кўтариб
 Долғаларга фарқ этмади кемам билан қўшиб мени ҳам;
 Қуруқликда ғаним билан олишиб ҳам маҳв бўлмадим;
 Тулки Эгист менинг разил хотиним-ла тил бириктириб,
 Ўз уйида базм чофи қатл этди мени касофат,
415. Худди қассоб молхонага кириб буқа бўғизлагандек;
 Шундай ҳалок бўлган эдим ва мен бирла содик дўстларим,
 Бамисоли меҳмоннавоз хонадонда зиёфат чоғи
 Ё никоҳда сўйлоқ тишли қобонларни пайдар-пайига
 Сўйишгандек, бўғизланган эди битта қолмай ҳаммаси.
420. Сен диловар йигитларнинг гоҳ қуршовда қолиб бир ўзи,
 Гоҳ оловли жангда қандоқ ҳалок бўлганларин қўрқмасдан
 Кузатгансан, — лекин Эгист уйида сен май жомларининг,
 Нозу неъматларга тўла столларнинг ораларида
 Бизнинг қора қонга ботиб ётганимиз кўрганингдайди,
425. Қўрқиб кетиб, рангинг ўчиб, шамдек қотиб қолардинг тилсиз.
 Ёнгинамда Приамнинг доно қизи Кассандрининг
 Дод-фарёди эшитилди: тиф санчибди Клитемнестра
 Шўрлик қизнинг кўкрагига; мен чалажон ҳолда қўлимга
 Шамширимни олмоқ бўлдим; лекин қабиҳ, беҳаё хотин
430. Аид сари кетаётган мендан юзин ўғирди лоқайд,
 Хира тортган қўзимни ва очиқ қолган оғзимни ёпмай.
 У илоҳий никоҳ билан қўшилишган ўз шавҳарини
 Ўлдирдики, бу бадният ва бадқаҳр хотиндан баттар
 Разилроқ ва қабиҳроқ ҳеч нарса йўқдир ёруғ жаҳонда.
435. Гар юртимга қайтиб борсам, бола-чақам, қариндошларим
 Севинурлар, деб ўйлаган эдим, лекин аксинча бўлди:
 Бундай манфур ишга қўлин урган маккор Клитемнестра,
 Ҳам ўзини, ҳам бекусур ўзга жами аёл зотини
 Қабиҳона бадном айлаб, шармандаи шармсор қилди».
440. Шундай деди Агамемнон; бундай жавоб қилдим унга мен:
 «Э воҳ! Олий тангри Зевс атрей уруғлари тақдирин
 Бадкор хотинлар қўлига топширибди ўйинчоқ қилиб;
 Не-не далир қаҳрамонлар нобуд бўлди Еленани деб;
 Хотининг ҳам сенга ўлим ҳозирлаган узоқда туриб».
445. Бу гапимни эшитиб шоҳ Агамемнон жавоб қайтарди:
 «Сен, Одиссей, хотинингга унча ҳам кўп ишонаверма;
 Билган ҳамма сиринг очиқ айтмагин ҳам ишониб унга;
 Битта гапни ошкор айтсанг, қолганини сақла дилингда.
 Ва лекин сен фаросатли хотинингдан хавфсирамасанг
450. Ҳам бўлади; кекса Икарийнинг қизи Пенелопа кўп
 Оқила ва оққўнгилдир; сен навниҳол бу гўзал қизга
 Уйландинг-у жўнаб кетдинг Трояга бир йилдан кейин,
 Ҳали тили чиқмаган фур ўғилчангни қолдириб унга;

- Үша мурғак гүдак энди жамоага сардордир албат;
455. Уйга қайтгач сен у билан күришасан; ота кўксига
У бошини қўйиб ҳали изҳор этур фарзандлик меҳрин...
Вале менга азиз ўғлим жамолини кўрсатмади ҳам
Разил хотин; уйга кирган ҳамон мени чавақладилар.
Сен ўғитим тингла, ўртоқ ва ҳамиша сақла дилингда:
460. Итакага қайтганингни элдан сир тут, кемангни эса
Бандаргоҳга яшириб қўй; вафо йўқ ҳеч хотин зотида:
Энди ўзинг менга айт-чи яширмасдан ҳеч қандай сирни:
Менинг ўғлим ҳақида сен бирон хабар эшитолдингми?
Қаер экан турган жойи? Орхоменми? Кумлоқ Пилосми?
465. Ё шавкатли амакиси Менелайнинг Спартасими?
Сезмоқдаман, оқил ўғлим Орест тирик ёруғ жаҳонда».
Шундай деди Агамемнон; бундай жавоб қилдим мен унга:
«Мен ҳеч бир гап эшифтадим, Агамемнон, ўғлинг ҳақида;
Тирикми ё ўлик – билмам; қуруқ гапни айтиш на фойда?»
470. Биз ёнма-ён ўтиришиб, ўтмиш одамлари ҳақида
Маҳзун суҳбат қурап эдик, кўз ёшларга чўмиб юзимиз.
Сўнг қошимда Пелей ўғли Ахиллеснинг руҳи кўринди –
Патрокл ҳам, Антилоҳ ҳам, Теламоннинг бекусур ўғли
Аякс ҳам бирга эди; Аякс ахей мардлари ичра
475. Мардонавор жуссаси ва қудрати-ла ҳаммадан устун
Эди, фақат Ахиллдан сўнг. Шунда Эак набирасининг
Руҳи* туриб рӯпарамда ҳўнграганча шундай гапиди:
«Соҳибнайранг, кув Одиссей Лаэртзода, нечун бундасан?
Бундан ортиқ яна қандай жасоратга қўл урмоқчисан?
480. Қазо қилган марҳумларнинг ҳиссиз, жонсиз руҳларигина
Эсиб юрган Аиднинг бу даргоҳига қандай киролдинг?»
Шундай савол берди Ахилл; бундай жавоб қилдим мен унга:
«О Пелайнинг жасур ўғли данайларнинг соҳиби марди,
Бу ерга мен башоратгўй Тиресийдан билгани келдим
485. Азиз тошлоқ Итакамга қандай омон етиб олишни;
Ахей элида мен ҳали бўлганим йўқ; ота юртимни
Ҳам кўрмадим; ҳар ёқларда азоб чекиб дайдиб юрибман.
Сенчи – сендеқ баҳтли инсон ўтмишда ҳам ҳеч бўлган эмас,
Бундан кейин ҳам бўлмайди; ҳаётлигинг пайтида сени
490. Тангрилардек эъзозлардик; бу ерда ҳам шоҳсан руҳларга;
Шу боис сен, о Ахиллес, ўлганингга асло ўқинма».
Шундай дедим; Ахилл бундай жавоб қилди чуқур хўрсиниб:
«О Одиссей, уринма ҳеч мен – ўликка таскин беришга;
Ўлик ҳолда бунла жонсиз мурдаларга шоҳ бўлганимдан
495. Тирик бўлиб қотган нон еб, мардикорлик қилсан яхшийди.
Энди, дўстим, менга кувонч баҳш эт ўғлим ҳақида сўзлаб*
Қатнашдими у жангларда? Олишдими олдинги сафда?
Яна айтчи, эшитолдингми бирон хабар отам ҳақида?
Хозир ҳам у, аввалгидек, мирмидонлар ютига шоҳми?

500. Ёки энди мункиллаган, құл-оёғи шалвираган чол
 Эллада-ю Фтияда ўз қадрини йўқотдимикин?
 Афсус, энди ер юзида қиломайман уни ҳимоя;
 Бир пайтлар Трояда кўксим қалқон қилиб дўстларни
 Муҳофаза қилган, ёвни қийратган куч қолмади менда.
505. Агар ўшал журъат билан бир зумгина отам уйида
 Бўлолсайдим, шоҳ Пелейнинг кексалигин қадрламаган
 Бадбинларни шу қўлларим анжир қилиб эзган бўларди».
 Шундай деди Ахиллес; мен унга бундай жавоб қайтардим:
 «Хеч бир хабар эшифтадим бузрук отанг Пелей ҳақида;
510. Илло сенинг азиз ўғлинг Неоптолем ҳақида, дўстим,
 Мен муфассал сўзлаб бергум анча-мунча янгиликларни.
 Ўзим уни ўз кемамда Скиросдан олиб боргандим
 Трояга, мис совутли данайларнинг жамоасига;
 Унда доим саркардалар йигинида Илион ҳақда
515. Гап бўлгандা ўғлинг доно мулоҳаза юритар экан,
 Фақат менга ва донишманд Несторга бас келолмас эди.
 Троянинг майдонида биз ажалкаш силоҳлар билан
 Жанг қилганда ўғлинг ҳеч вақт олмас эди ўзин панага,
 У отилиб олга ўқдай, қийратарди фаним сафларин
520. Қирғин-барот жангларда у маҳв этди беҳисоб ёвни.
 Ўғлинг Троя жангиде қалқон бўлиб аргосликларга,
 Қанча ёвни қирганини айтолмайман, санолмайман ҳам;
 У Телефзод Еврипилни ер тишлиатди қаттол тиф ила
 (Хуснда у фақат тангриваш Мемнонга тенг келолмасди).
525. Бу ёш сардор теграсида бўлган кетейлар ҳам қирилди –
 Ҳаммалари олтинга ўч бир хотиннинг касофатига*.
 Ўғлинг ўзга саркардалар билан ажиб отнинг қорнига
 Яшринганди*, қорин эшигини очиш, ёпиш, қўриқлаш
 Вазифаси менда эди; отнинг ғовак қорнига кирган
530. Саркардалар йиғлашарди, қалтиарди оёқ-қўллари;
 Фақат ўғлингда кўрмадим қўрқув, ҳадик аломатини;
 Бир марта ҳам ранги ўчиб титрамади, кўз ёш тўкмади.
 Неча марта ўнг қўлида икки дамли шамшир сопидан,
 Сўл қўлида мис найзасин маҳкам ушлаб, трояликлар
535. Билан қонли жанг қилгани чиқиш учун изн сўради...
 Приамнинг буюк шаҳри таслим бўлгач, у бой ўлжалар
 Ва фахрли армуғонлар билан сузиб кетди юргига;
 Лек Арейни хушнуд этгувчи жангларда рўй берадиган
 Фалокатлар: на олисдан учган найза, на-да яқиндан
540. Ўткир тиғли узун шамшир жароҳатлай олди ўғлингни».
 Шундай дедим; Ахилл руҳи ўғлонининг жасоратидан
 Фахрланиб шаҳдам-шаҳдам юра кетди асфоделзордан*.
 Бошқа машхур марҳумларнинг руҳлари ҳам кела бошлашди;
 Ўз дардларин айтиб менга, улар маҳзун сухбатлашдилар.
545. Теламон ўғли Аякснинг руҳи фақат сал нарироқда
 Ёлғиз ўзи жим турарди қаҳри қайнаб, Пелей ўғлининг

Силоҳларин аргосликтар менга ҳукм этганларий-чун*.

Фетида амр этган эди силоҳларни энг зўр жангчига

Бермоқликини; ҳакам бўлди мағлуб ёвлар; Афина эса

550. Гап уқтириди ҳакамларга... Нега ахир рози бўлдим мен?

Шундай эрни ер қаърига киритди-ку менинг ютуғим!

Фориб бўлди Ахилесдан ўзга барча ахей аҳлидан

Ҳуснда ҳам, мардликда ҳам устун турган диловар Аякс.

Мен мулоийим, юпатувчи сўзлар билан юзландим унга:

555. «О Теламон ўғли соҳибқудрат Аякс, наҳотки ўлган

Бўлсанг ҳам сен фазабдасан мендан ҳануз, бошларимизга

Ҳазор оғатлар ёғдирган ўша малъун силоҳларни деб?

Бизнинг суянган тоғимиз бўлган сени Пелей ўғлидек

Доим эслаб, барвақт қазо қилганингдан қўп қайгурамиз;

560. Бунга ҳеч ким айбормас, айбординг фақат тангри Зевс;

Найзабардор данайларга у пурдаҳшат оғат йўллади

Ҳамда сенинг қисматингга рано кўрди бевақт ўлимни.

Сен яқинроқ келгил, Аякс; иккаламиз чақчақлашайлик

Бир зумгина; дилингдаги адованти ҳайдада тамоман».

565. Шундай дедим; у гапимга жавоб бермай, бошқа арвоҳлар

Орқасидан маъюс кетди ва ғарқ бўлди теран Эребга.

Эҳтимол, у мен билан ё мен у билан гаплашармидик*,

Агар кўнглим ўзга номвар мархумларнинг руҳлари билан

Учрашмоқлик ниятида бўлмагандан. Сал вақт ўтмасдан

570. Мен дўзахда кўриб қолдим Зевснинг оқил ўғли Миносни;

У подшолик олтин таёқласин қўлда ушлаб ўтириб

Майитларни суд қиласди; Аиднинг кенг уйида улар

Суд хукмини кутардилар, бирор туриб, бирор ўтириб.

Миносадан сўнг пайдо бўлди Орионнинг баҳайбат руҳи;

575. Асфоделзор бўйлаб ҳайдаб борарди у бир тўп ҳайвонни –

Авваллари унинг ўзи маҳв этганди бу жониворларни

Хилват тоғлар чўққисида синмас темир таёфи билан.

Мен машҳура Гея ўғли Титийни ҳам кўрдим у ерда;

Маҳобатли гавдаси-ла тўққиз ботмон ерни эгаллаб

580. Кимир этмай ётарди у; икки калхат қўниб устига,

Меш қорнини ковлаштириб, жигарини чўқирли тинмай.

Қолмаганди унинг ҳоли қўл силташга. У Пифий сари

Кетаётган Зевс завжаси Латонани бадном қилганди

Панопейнинг ўтлоғида. Кейин кўрдим фоятда мудҳиш

585. Азобларга маҳкум бўлган энг очоғат шоҳ Тантални мен;

Кўлнинг зилол сувига у бўйнигача ботиб турарди;

Ҳароратга дош беролмай, оғзи қуриб сувга эгилар;

Лек шу заҳот лим-лим тўлиб турган кўлнинг суви шовуллаб

Йўқ бўларди; пастда, оғзи остида қолган қаро ер

590. Бир лаҳзада қатқалоққа айланарди даймон амри-ла.

Унинг боши узра олтин меваларин кўз-кўз қилганча

Новдаларин эгган эди олма, анор, нок дараҳтлари,

- Яна шовул мева түггән шириң анжир, сермой зайдунлар.
 Очлик азобидан Тантал меваларга құл узатган он
595. Барча новда құкка парвоз қылар эди бирварақайға.
 Күрдим яна мен даҳшатли изтиробга маҳқум Сизифни:
 Мускулларин таранг қилиб, ерга тираб оёқтарини,
 Тепаликка думалатар эди зилдек харсанг тошни у;
 Лек тепага энди етайдеганида оғир юқ ила,
600. Мавхұм бир күч маљүн тошни яна пастта думалатарди.
 Яна қайта олиб чиқмоқ бўларди у тошни тепага
 Кучанганча, бутун жисми терга ботиб, чангга беланиб...
 Ниҳоят мен күрдим унда Гераклнинг қудсий қуввасин;
 У ҳавои соя эди; ўзи бу пайт тангрилар ила*
605. Мунаввар Олимп кўшкida рафиқаси – олтин бошмоқди
 Сармалика Гера билан Зевснинг дилбар қизи Гебея
 Ҳузурида саодатли, ҳаловатли кун кечирарди.
 Ўликлар нақ ҳурккан қонхўр қушлар каби
- шовқин кўтариб
- Учди шу чоғ Гераклнинг боши узра; у тим қоронғи
610. Тунга ўхшар; камалакнинг чилласини таранг тортганча,
 Ўқ узмоқчи бўлиб ҳар ён алантларди; унинг кўксини
 Қиё кесиб ўтган мудҳиш зар тасмада кундай ярақлаб
 Мавжланарди заргарона тасвирангган сўйлоқ тиш қобон,
 Чақмоқ кўзли шерлар, ўрмон айиқлари, жанг жадаллар:
615. Ушбу санъат мўъжизасин яратган зот минг уринса ҳам
 Бундан комилроқ ҳеч асар бунёд эта олмагай ҳеч вақт.
 У менга ялт этиб қараб, шу заҳоти билди кимлигим;
 Сўнг аянчли бир уҳ тортиб деди менга барқанот сўзлар:
 «Соҳибнайранг, қув Одиссей Лаэрт ўғли, олижаноб зот,
620. Сен шўрликка ҳам шум тақдир ўз кучини кўрсатибди-да
 Худди менга кўрсатгандек ул серқеёш ёруғ дунёда?
 Мен Зевс ўғли бўлсам ҳамки, қутулмадим
- сонсиз-саноқсиз
- Азоблардан; пешонамда бор экан бир ношоён зотнинг*
 Қули бўлиш. У зиммамга мушкул ишлар юклай бошлади.
625. Бу ерга ҳам мен уч бошли итни* олиб кетгани келдим.
 Эплолмайди машаққатли бу амални, деб ўйлаганди.
 Лек эпладим бу ишни ҳам – ўғирланди Аиднинг ити;
 Кўмак берди менга Гермес ҳамда Зевснинг қизи Афина». Шундай деди руҳ ва юра кетди Аид салтанатига.
630. Мен қилт этмай турарканман ўз жойимда,
- қадимда машхур
- Бўлиб ўлган қаҳрамонлар келишини кута бошладим.
 Мен ўтмишда яшаб ўлган улуғларни – худо наслидан
 Бўлган шонли шоҳ Тесейни, Пирифойни ва бошқаларни
 Кўрсам девдим; лек шу маҳал галалашиб учиб келишган
635. Сон-саноқсиз руҳлар бирдан ҳайратомуз шовқин солдилар;
 Наҳот зулмат ер қаъридан Персефона даҳшатли маҳлук

Горгонанинг қалласини менга қарши жүнатган бўлса,
Деб вужудим қақшаб, рангим ўчиб кетди бу ваҳимадан.

- Мен кемага чиқиб, ортимдан эргашган ўртоқларимга
640. Кема арқонин ечишни амр этдим, сўнг улар чиқиб
Кемага тез, ўтирилар эшкакларнинг бандидан тутиб.
Азим дарё – Океанда бизлар жадал суза бошладик –
Аввалига эшкак эшиб, кейин боди мурод-ла бирга».

ҮН ИККИНЧИ ҚҰШИҚ

«Океаннинг оқимини тикка кесиб ўтиб, шўр денгиз
Тўлқинларин тилиб яна қайтдик Эя оролига биз;
Бунда Эос ўз кўшкида уйғонади субҳи содиқда

- Шўх Оралар даврасида, Гелиос ҳам балқир шу ердан;
5. Етиб келиб биз кемани чиқардик тез қумлоқ соҳилга;
Сўнг ўзимиз гаранг бўлиб тўлқинларнинг шовуллашидан,
Faфлат уйқусига чўмдик эрталабки шафақни кутиб;
Қирмиз бармоқларин ёйиб балқди кўкка навниҳол Эос.
Шунда ҳамроҳларимни мен Цирцеяning хонадонига
10. Жўнатвордим Елпенорнинг жасадини олиб келгани.
Биз кўп дараҳт кесиб келиб, соҳилдаги бир тепаликда
Елпенорга аза тутиб дағн маросимин ўтказдик;
Жасад ўтда куйдирилгач силоҳ-аслаҳалари билан,
Қабр устига баланд қилиб тупроқ уйиб, хотира учун
15. Чўққисига санчиб қўйдик тарашланган силлиқ эшкакни:
Бажарилди мұқаддас дағн маросими. Лекин Цирцея
Эшитибди бизнинг Аид ўлкасидан қайтганимизни.
Бир зумда у етиб келди қошимизга; унинг ортидан
Надималар нон, гўшт ҳамда қирмизи май олиб келдилар;
20. Маъбудалар маъбудаси деди бизга яқинроқ келиб:
«Эй Аиднинг юртин тирик бўлиб кўрган, бир марта эмас,
Икки марта ўлгувчи сиз – азаматлар, тарқ этинг фамни,
Бугун то қош қорайгунча еб-ичинглар бегам, беташвиш;
Эртага тонг отганида сиз сафарга жўнайсиз яна;
25. Сизга эзгу йўл кўрсатгум, бергум яна хайрли ўгит –
Эси пастлик қилиб яна, ё денгизда, ё қуруқликда
Бирон маниъум фалокатга учраб ўтирманглар, дейман-да». Шундай деди у; итоат этди унга мардона қалблар.
Биз қурбонлик паймо қиллик тангрilarга, сўнг то кечгача
30. Хушвағт бўлиб, хуштаъм тансиқ гўштларни еб, тотли май ичдик.
Бу аснода қуёш ботиб тунги зулмат босди ҳар ёқни.
Одамларим кема турган ерда ётиб ухлаб кетдилар;
Лек Цирцея қўлларимдан ушлаб, мени сал нарироққа
Бошлаб борди, қумга ётди ва саволга кўмиб ташлади;
35. Ўтирволиб сўзлаб бердим унга ҳамма бўлган ишларни.
Шундан кейин ўзи менга гап уқдира кетди маъбуда:
«Бу ишни сен пухта қилдинг; энди диққат билан эшитгин
Колган гапни; буни ҳали эслатади сенга тангри ҳам.
Даставвал сен дуч келасан париларга; улар сеҳр ила

40. Илинтиар ёnlаридан сузуб ўтган денгизчиларни.
 Кимки билмай, яқин бориб эшитгудек бўлса афсунгар
 Париларнинг сермаҳлиё куйларини, шу он унтур
 Хотин, бола-чақасин ҳам, ватанига қайтишини ҳам:
 Парилар хуш овозлари билан уни мафтун этурлар
45. Майсазорда ўтиришиб; бу ўтлоқда сочилиб ётар
 Одамларинг суюклари, чириб кетган терилари ҳам.
 Париларга яқин ердан сузуб ўтаётганингизда
 Одамларинг хушсас куйни эшитмасин учун, уларнинг
 Қулоғига асалари мўмини қуй; мабодо ўзинг
50. Эшитмоқчи бўлсанг ўша машъум куйни, буюрки, сени
 Боғласинлар маҳкам елкан устунига пишиқ арқон-ла;
 Ана шунда сен бешикаст эшитасан офаткаш куйни.
 Гар арқонни ечишларин сўрагудек ё буюргудек
 Бўлсанг, айтки, сени яна маҳкам чандиб боғлаб ташлашсин.
55. Париларнинг манфур оролидан ўтгач, рўпарангизда
 Иккита йўл ҳосил бўлур; мен маслаҳат беролмайман
 Қай йўл сизга бехатарроқ бўлишини; ўзинг ўз ақлинг
 Билан ҳал қил. Ўша икки йўлни сенга таърифлаб берай:
 Денгиз узра қад кўтарган қояларни кўрасан аввал;
60. Кўккўз Амфитрита мудом мавжланади улар пойида;
 Тангрилар бу қояларни дайди *тоғлар** деб атаганлар;
 Ҳеч битта қуш, ҳатто Зевсга тумшуғида илоҳий анбар
 Келтирувчи кабутар ҳам бехавотир учиб ўтолмас
 Бул қоялар яқинидан; қояларнинг зарбидан ҳар гал
65. Маҳв бўлар бир кабутар. Ўлган қушнинг ўрнини Зевс
 Тўлдиради яна янги кабутар-ла. Бу қояларга
 Яқин борган кема ҳалок бўлар барча одами билан;
 Фақат тахтапоралар-у жондан жудо бўлган жасадлар
 Тошқин денгиз тўлқинида сузуб юрар ўйинchoқ бўлиб.
70. Ёлғиз битта шонли кема – шоҳ Ээтни зиёрат қилиб
 Қайтаётган Арго азим қоялардан омон ўтолган;
 Лек Аргони ҳам тўлқинлар мажаҳларди қояга уриб
 Гар Ясонни ёқтирувчи Гера паноҳ бўлмаганида.
 Кейин яна икки қоя учратасан; бирининг ўткир
75. Тик чўққиси тираб туар кенг фазони; ўшал чўққини
 Буркаб олган булатлар ҳеч тарқалмайди; у ерда ҳеч вақт –
 На ёзда, на олтин кузда кўрсатади жамолин фазо;
 Ҳеч бир банда, йигирмата қўли, йигирмата оёғи
 Бўлганда ҳам, бу сип-силлиқ қояга на чиқа олур, на
80. Ундан пастга туша олур; бу қоянинг қоқ ўртасида
 Теран оғзи фарбга, зулмат Эреб томон очилган фор бор;
 Сен, Одиссей, кемангда шу фор ёнидан сузуб ўтасан;
 Лек денгизда турган ўткиркўз мерган ҳам ўз камонидан
 Отган учқур ўқини ҳеч етказолмас бу фор комига;
85. Форда даҳшатли Сцилла* яшар кўпдан; бу маҳлуқ доим
 Ангиллаб ит боласидай, ҳамма ёққа солади даҳшат.

- Унга яқин боришдан нафақат банда, ҳатто боқийлар
 Ҳам күркүрлар. Ўн иккита панжаси бор ул малъун итнинг,
 Елкасидан олти дона гажак бўйин ҳам ўсиб чиққан;
90. Ҳар бўйинда биттадан бош, ҳар бир бошнинг оғзиза ўтири,
 Зич тизилган тишлар ажал нафасини уфуриб тура;
- У орқасин форга тиқиб ва кўкрагин фордан чиқариб,
 Кузатади ҳамма боши билан ҳамма ёқни ҳамиша.
 Денгиз ювган қояни у панжалари билан пайпаслаб,
95. Тутиб ейди Амфитрита салтанати жониворларин:
 Делфинлару, тюленлару ҳам сув ости маҳлуқларини.
 Ўтолмаган бешикаст ўз кемасида унинг ёнидан
 Ҳеч бир баҳрий: Сцилла бир йўла очиб олти оғзини,
 Ўғирлайди олтитадан азаматни ҳар бир кемадан.
100. Бу қояга яқин яна бир қоя бор — у анча пастроқ;
 Оралари узоқ эмас: етиб борар камалак ўқи.
 У қояда ёввойи бир анжир ўсар шохларин ёйиб.
 Қоя тагида Харибда даҳшат солиб улкан денгизга,
 Шўр сувини кунда уч бор ютиб, уч бор қайта қусади.
105. Яқин йўлай кўрма асло у сув ютаётган чоғида:
 Посейдон ҳам бу офатдан сени халос эта олмайди;
 Сен Сцилла қоясига яқин бориб учқур кемангда
 Шитоб сузиб ўт ёнидан: яхшимасми олти одаминг
 Йўқотганинг, кемангдаги ҳамма эрлар маҳв бўлганидан?»
110. Шу гапдан сўнг Цирцея жим бўлиб қолди; мен унга дедим:
 «Сен, маъбуда, менга очиқ сўзлаб бергил бор ҳақиқатни:
 Агар қочиб қутулолсам Харибданинг ютоқишидан,
 Куч ишлатиб Сцилланинг ҳамласин даф қилоламанми?»
 Деб сўрадим; жавоб қилиб бундай деди менга маъбуда:
115. «Вой, тентак-е, яна жанг-у жасоратни ўйлаб қолдингми?
 Ҳатто тангрилар билан ҳам жанг қилишдан
 тап тортмайсан-а —
 Лек билиб қўй: Сцилла ҳеч қачон ўлмас, у — боқий офат.
 Бу очофат ва бадқаҳр маҳлуққа ҳеч тенг келиб бўлмас.
 Жасоратдан наф йўқ; ундан фақат қочиб қутулоласан.
120. Гар жанг қилмоқ учун бир зум тўхтаб қолсанг, ҳолинг харобдир:
 Зулмат фордан чиқариб у олтида бош, яна кемангдан
 Олти эрни илиб кетур ем қилгани; сен ҳеч тўхтамай
 Шошилиб ўт фор ёнидан; мадад сўра Кратеядан:
 Одамларга бало-қазо бўлган қизнинг иккинчи бора
125. Ҳамласидан фақат она — Кратея асрashi мумкин.
 Салдан кейин Тринакрия оролини учратасан сен;
 Гелиос кўп замонлардан бери унда хушхўр ўтлоқда
 Биққа семиз буқалар-у қўчқорларни боқар муттасил:
 Етти пода буқалару* етти сурув қора қўчқорни;
130. Ҳар подада элликта бош; камаймас ҳам, кўпаймас ҳам у;
 Сунбул сочли ҳур санамлар Фаэтуса ва Лампетия
 Боқалилар подалару сурувларни кечаю кундуз.

- Бул санамлар Гелиос ва Нееранинг қизларидурлар.
Она ушбу қизларини катта қилгач, Тринакрияга
135. Жўнатганди одам оёғи етмаган овлоқ оролда
Отасининг буқалари, кўйларини бедор боққани.
Ха, кўп мушкулотни енгиб етгайсан сен Итакангга ҳам
Гар Гелиос молларига қўл уришдан тийсанг ўзингни;
Мабодо қўл теккизсанг сен, кемангнинг ҳам,
дўстларингнинг ҳам
140. Ҳалокатга учрашига белги бергум, аммо сен ўзинг
Ўлмай тирик қоласан ва ватанингга ёлғиз қайтасан».
Шундай деди. Балқди бу он олтин тахтли Эос самога;
Видолашиб маъбуда мен билан, жўнаб кетди уйига.
Мен кемамиз турган ерга бориб, ҳамма ҳамроҳларимга
145. Амр этдим тез кемага чиқмоқликни; арқон ечилгач;
Ҳамма чиқиб кемага тез, инди эшкак курсиларига;
Бақват эшкаклар баробар шўр денгизни кўпиртирилар.
Бизга жўшқин долгаларда баҳрийларнинг содиқ ҳамроҳи,
Елканларни шиширувчи боди мурод етакчи бўлди.
150. Йўллаганди уни шириңсухан, сунбулсоҳ маъбудамиз;
Барча абзаллар тартибига келтирилиб, тинч суза кетдик.
Кема елдек учди дарға ва шамолга итоат этиб.
Фам-аламга ботиб қалбим, шундай дедим ҳамроҳларимга:
«Аё дўстлар, бир ё икки кишигамас, биз ҳаммамизга
155. Маъбудалар маъбудаси лутфан қилди доно башорат.
Ҳамма гапни очиқ айтгум, ки билсангиз қисматингизни,
Ё ҳеч қўрқмай маҳв ўлгайсиз, ё ўлимдан ва шум Керадан
Жонни омон сақлагайсиз; маъбудамиз бизга даставвал
Париларнинг мафтункор шўх хонишларин тингламасликни
160. Ва уларнинг ўтлоғига чиқмасликни қатъий уқтириди;
Рози бўлди фақат менинг тинглашимга парилар сасин;
Лек сиз аввал мени кема мачтасига чандиб боғлангки
Пишиқ арқон билан, ҳолим қолмасин ҳеч қимир этишга;
Гар, ечинглар мени, дея сўрасам ё буюрсам, сизлар
165. Икки ҳисса маҳкам чандиб боғланг дарҳол қўл-оёғимни».
Шундай деб мен очдим фақат дўстларимга тегишли гапни.
Бу аснода кемамизни ҳамроҳимиз майнин шаббода
Яқин олиб борган эди париларнинг юрти – оролга;
Шу чоғ бирдан шамол тиниб, сукунатга ғарқ бўлди денгиз;
170. Даймон жўшқин долгаларга дазмол босиб текислаб чиқди.
Ҳамроҳларим дарҳол пастга туширишиб ўраб қўйдилар
Кераги йўқ елканларни, сўнг ўтириб жой-жойларига,
Силлиқ эшкаклари билан сокин сувни кўпиртирилар.
Мен бир бўлак асалари мумин олиб шамширим ила
175. Қиймаладим ва кафтимда эзғиладим; ҳаётбахш тангри
Гелиос шу он-оқ оташ ёғду билан юмшатди уни.
Мен ҳамманинг қулоғига чаплаб чиқдим асал мумини;

- Кейин кема мачтасига мени шундай боғладиларки,
Хол қолмади қимирлашга. Сүнг ўтири ҳамма жойига;
180. Эшкакларнинг зарбасидан яна сиё денгиз кўпирди.
Лек шу маҳал парилар ўз ороллари ёнгинасидан
Сузиб ўтаётган бизнинг кемамизни кўриб қолдилар;
Кўрдилару шу заҳоти янгроқ сас-ла хониш қилдилар:
«О ахейлар ифтихори тангримонанд Одиссей, бизнинг
185. Оролга кел кеманг бирла; париларнинг хуш овозидан
Бахраманд бўл; ҳеч бир баҳрий эшитмасдан бизнинг ўтлоқда
Янграгувчи хушоҳанг куй – қўшиқларни ўтиб кетмайди;
Куйларимиз эшитганлар уйга қайтур кўп хабар ила.
Биз Троя заминида содир бўлган барча ишлардан,
190. Тангриларнинг хоҳиши-ла ахейлару трояликлар
Бошига не машъум кунлар тушганидан, хулласи қалом,
Ер юзида не ҳоллар юз берганидан воқиф эрурмиз».
Улар бизни шундай ширин куйлар куйлаб жазб этардилар.
Париларнинг хонишига мафтун бўлиб, одамларимга
195. Мени ечишни буюрдим, vale улар сузавердилар
Жон-жаҳд ила; лек Перимед ва Еврилоҳ қелиб ёнимга,
Икки карра маҳкам чандиб боғладилар қўл-оёғимни.
Бизнинг кема узоқлашгач париларнинг оғат куйлари
Эшитилмас масофага, ҳамроҳларим қулоқлардаги
200. Асал мумин олдилару мени озод қилдилар банддан.
Фойиб бўлди хушхон парилар ороли. Шу пайт мен бирдан
Тутун кўрдим ва эшитдим ваҳимали мудҳиш суронни.
Кўрқиб кетган эшкакчилар эшкак бандин ташлаб юборди
Ва эшкаклар ўйин бўлди тўлқинларга; кема тўхтади;
205. Зоро, уни елдирувчи жами эшкак қилт этмас эди.
Кема бўйлаб юрдим мен ва ҳар одамим олдидা тўхтаб,
Хуштакаллуф сўзлар билан улар кўнглин кўтариб дедим:
«О қайғудош ҳамроҳларим, чидалик биз кўп азобларга
Мардонавор; энди бунда бизни кутиб турган фалокат
210. Қонхўр циклопнинг горида кўрганимиз уқубатчали
Оғир эмас. Ўшанда мен ҳаммангизни халос этгандим
Оқилона маслаҳат-у, жасорат-у, найранг кўрсатиб;
Эсингизда бўлса керак! Бардам бўлинг бугун ҳам шундай
Ва итоат этинг менинг фармонимга, гап қайтармасдан.
215. Эшкакчилар, куч аяманг, зарб-ла уринг эшкагингизни
Тошқин сувга; шояд Зевс паноҳига олиб бизларни,
Ёрдам қилса ҳалокатга учрамай соғ қолишимизда.
Хушёр бўлиб тур, сен, дарға; энг масъул иш
- сенинг зимманга –
- Сен кемани бошқарганда, уни тутун ва тўлқинлардан
220. Четроқقا ол; йўлдан адашмаслик учун анов қояни
Мўлжал қилки, акс ҳолда, кема ҳалок бўлур муқаррар». Дедим мен ва айтганларим тез ва пухта ижро этдилар;

- Сциллани гапирмадим: биз ҳеч четлаб ўтолмас эдик
У маҳлуқни; одамларим билса буни, қўрқанларидан
225. Эшкакларни ташлавориб мутлақ сузмай қўярдилар-да
Фуж бўлишиб туардилар Сцилланинг ҳамласин кутиб.
Лек мен ўзим, Цирцеянинг, жанг қилишга шайланишимни
Ман этганин ўйламасдан, совутларни елкамга илдим,
Илкимга бир жуфт ўткир тиф найза ушлаб кема тумшуғи
230. Томон кетдим – мен очофат Сциллани ўшал тумшуқда
Ов қилишин кутган эдим. Қоядаги фор ичига мен
Астойидил тикилганча унинг пайдо бўлишин кутдим.
Бизлар даҳшат қамровида тор бўғоздан ўта бошладик;
Таҳдид қиласди бир ёқда Сцилла ва иккинчи ёқда
235. Ютоқсанча симиарди шўр денгизнинг сувин Харибда;
У қусганда, сув каттакон дошқозонда қайнаётгандек
Биқирларкан, кўпираркан кўпиклари иккала қоя
Бошигача ўрлар эди; лек Харибда азим денгизнинг
Шўр сувини ютаётган чоғда оғзи ланг очиларди
240. Ва чор ёқдан оқиб келган пўртанаалар тиқилишарди
Харибданинг ўра мисол кенг очилган оғзи олдила.
Қалашганди горнинг теран ва тимқора кекирдагида
Лойу кум ва сувўтлари; биз даҳшатдан дағ-дағ қалтираб,
Худди сеҳрланган каби тикилардик ажал комига;
245. Айни шу чоғ олти нафар энг азамат йигитимизни
Сцилла бир ҳамла билан кемамиздан ўғирлаб кетди;
Алаҳлаган ҳолда бирдан кўриб қолдим мен бошим узра
Йигитларнинг жон ҳолатда питирлаган оёқ-қўлини:
Улар отим айтиб мени чақирдилар жон аччиғида.
250. Балиқчи ҳам балиқ тутиш учун тошлоқ соҳилга келиб,
Узун эгри қармоғига хўрак илиб сувга ташлайди,
Сўнг илинган балиқни у қармоғидан ажратиб олиб,
Ерга ташлаган чоғида шўрлик балиқ тиширчилайди;
Суқ Сцилла ўғирлаган йигитлар ҳам питирлардилар
255. Бошим узра; сўнг Сцилла, қўлларини мен томон чўзиб
Фарёд солган йигитларни фор оғзида ямламай ютди.
Кўрмагандим мен ҳеч қачон бундай оғир, машъум даҳшатни
Гарчи неча-неча йиллар мудом азоб-уқубатларга
Дучор бўлиб кезганимда ҳам кўп элни сарсон-саргардон.
260. Сцилланинг қоясидан нари кетиб, ютоқ Харибда
Ютимидан жон сақлаб биз етиб бордик ниҳоят Қуёш
Худосининг оролига; унда яшил яйловда тотув
Ўтлардилар эгри шохли буқалар ва қора қўчқорлар.
Мен кемамда туриб анча узоқроқдан аниқ эшитдим
265. Буқаларнинг вазмин-вазмин маърашини ва қўчқорларнинг
Шўх-шўх ба-ба қилишини; ана шунда тушди эсимга
Фивалик кўр башоратчи Тиресийнинг ва Цирцеянинг
Менга айтган ўгитлари; улар менга тайинлаганди
Ул ҳаётбахш Гелиоснинг оролида тўхтамасликни.

270. Дедим шунда ғам-аламга ботган баҳтсиз ҳамроҳларимга:
 «Аё содик ўртоқларим, қулоқ беринг ғамгин сўзимга:
 Сизлар соҳибкаромат кўр Тиресийнинг ва Цирцеяниңг
 Айтганларин билинг энди: улар менга фоний бандалар
 Паноҳгоҳи Гелиоснинг оролида тўхтамасликни
275. Амр этганлар: унда бизни кутар эмиш кўп фалокатлар.
 Шу боис, биз ул оролни кемамизда четлаб ўтайлик».
 Шундай дедим; бу хабардан дўстлар қалби ўртаниб кетди.
 Жавоб қилди шунда менга эътиroz-ла авбош Еврилоҳ:
 «Сен, Одиссей, тошбагирсан; беададдир куч-иктидоринг;
280. Темирданми дейман жисминг, толиқиши билмайсан сира.
 Бизни эса оғир меҳнат, бедор тунлар қийнаб юборди;
 Нега ахир сен монелик қилмоқдасан соҳилга чиқиб
 Тансиқ таом пишириб еб, ҳузурбахш дам олишимизга?
 Сен таваккал қилиб, зулмат шўр денгизда сузишимизни
285. Хоҳлайсанми? Биласанку, қаро тунда қутура бошлар
 Кемаларнинг кушандаси Нот ва Зефир! Айт бундай чоғда
 Ким ҳам жонин сақлай олур, тангриларни ҳам писанд қилмай.
 Кемаларни сиё дengизнинг қаърига фарқ айлагувчи
 Бундай разил шамоллардан? Ундан кўра, яхшиси, бизлар
290. Зулмат тундан паноҳ излаб, бул оролда манзил қурайлик
 Ва кемамиз яқинида овқатланиб хордиқ олайлик.
 Эртага тонг отганида бизлар яна сузиб кетайлик».
 Шундай деди Еврилоҳ ва ҳамма маъқуллади гапини;
 Шунда бизни даймон машъум фалокатга дуч қилажагин
295. Ҳис этдим-у Еврилоҳга барқанот сўз айтдим баралла:
 «Мен яккаман, шу сабабли сен густоҳлик қилмоқдадурсан.
 Эшитинглар: гар сиз яшил яйловларда шоҳдор буқалар
 Подасига ё қўчқорлар сурувига дуч келсангизлар,
 На бир буқа, на-да битта қўчқорни ҳам шаккоқлик қилиб
300. Сўймасликка, худовандлар ҳаққи, менга қасам ичингиз.
 Маъбудамиз бизга берган озуқалар ҳали кўп жуда».
 Ҳамроҳларим қасам ичди шу заҳоти. Улар муқаддас
 Қасам ичиб, амал қилгач бул қасамга, қора кемамда
 Сузиб кирдик биз оролнинг осуда ва тинч кўрфазига*.
305. Чашма яқин экан бунда; ҳамроҳларим тушиб соҳилга,
 Емак учун тотли таом пиширдилар елиб-югуриб;
 Ҳамма тўйиб еди-ичди, барҳам топгач очлик, ташналиқ.
 Суқ Сцилла кемамиздан олиб қочиб ямламай ютган
 Йигитларимизни эслаб, аза тутдик, юм-юм йиғладик.
310. Кейин оғушига олди ҳаммамизни оромбахш уйқу.
 Туннинг тўртдан учи ўтиб, кенг фазода юлдузлар буржи
 Фориб бўла бошлагандা, бирданига чақмоқдор Зевес
 Йўналтириди биз томонга даҳшатона увиллаётган
 Борейни, сўнг булут буркаб олди денгиз билан заминни;
315. Тушиб келди зим-зиё тун ул пурваҳшат осмон-фалакдан.
 Балқи кўкка қирмиз бармоқларин ёйиб навниҳол Эос;

Биз бўрондан яширдик бор панасига ўз кемамизни
(Бу ер дала санамларин вақтичолик маскани экан).

Айни шу чоғ мен ҳаммани машваратга чақириб дедим:

320. «Кемамизда егулик ва ичкиликлар ғамланган бисёр,
Оролдаги молларга сиз қўл теккизманг – қўрқинг гуноҳдан;
Бу ердаги буқалару қўчкорларнинг соҳиби бузург
Порлоқ тангри Гелиосдир; у оламда бор нарсаларнинг
Ҳаммасини кўрувчидир, билувчидир, эшитувчидир».
325. Шундай дедим ва итоат этди менга мардона қалблар.
Лек Нот бир зум ҳам тинмасдан бир ойгача қутираверди;
Ўзга шамоллар гунг эди; фақат Евр сал уйғонарди
Онда-сонда; нон ва майга қониқ қилган содиқ дўстларим
Гелиоснинг молларига тегишни ҳеч ўйламасдилар;
330. Лекин овқат захирасиз одоқ бўла бошлагач улар,
Очлик мажбур қилганидан, овга чиқиб илвасинларни
Отиши ё эгри қармоқ билан балиқ тута бошлиши.
Бир куни мен дўстларимдан узоқлашиб орол ичига
Кириб бордим; ки тавалло қилмоқчидим аҳли самога,
335. Йўлимизни очинг, дея; мен тинч жойни топиб, қўлларим
Ювдим, сўнгра Олимп соҳиблари боқий худовандларга
Азтаҳидил илтижо-ла нидо қилдим. Лекин бераҳм
Тангри шу чоғ пуркаб қўйди тотли уйқу қовоқларимга.
Ана шунда одамларни йўлдан уриб дебди Еврилоҳ:
340. «Содиқ дўстлар, ғамга ботган бўлсангиз ҳам тингланг сўзимни;
Бизга, фоний бандаларга манфур эрур ҳар қандай ўлим:
Лек ўлимлар ичида энг даҳшатлиси – очликдан ўлиш.
Келинглар, биз Гелиоснинг подасидан танлаб энг сара
Буқаларни*, чексиз само соҳиблари худовандларга
345. Атаб қурбонлик қилайлик. Кейин азиз Итакамизга
Қайтиб боргач, тепамизда кунда сузиб юрувчи тангри
Гелиос-чун ҳашаматли ибодатгоҳ барпо этайлик
Ҳамда уни безатайлик энг бебаҳо туҳфалар ила;
Лек борди-ю буқалардан жудо бўлган дарғазаб тангри
350. Ўзга илоҳлар ила тил бириткириб, теран денгизда
Фарқ этмоқчи бўлса агар кемамизни, бунда очликдан
Сирилганча узоқ муддат жон талашиб ўлгандан кўра
Сувга чўкиб бир лаҳзада ўлганимиз минг қарра афзал».
Шундай дебди Еврилоҳ ва ҳамма маъқуллабди гапини.
355. Сўнг нодонлар бизнинг кема яқинида ёйилиб юрган
Дўнгпешона шоҳдор семиз буқаларни қуршаб олишган;
Кейин улар Олимп аҳли – тангриларга тавалло қилиб,
Азим эман баргларини юлганлару (бизнинг кемада
Қолмаганди захирада арпа уни) ибодатдан сўнг
360. Буқаларни бўғизлашиб териларин шилганлар шошиб,
Гўштлар нимта-нимта қилиб майдалангач, устихонларни
Чарви ёғга икки қават қилиб ўраб, устига қолган

- Конли гүштларни терганлар. Лекин энди май йўқлигидан
Паймо қилганлар оддий сув; ундан кейин ичак-чавақлар
365. Пиширилган; сон гүштлари куйдирилиб, ичак-чавақлар
Татиб кўрилгандан кейин, қолган гүштлар сихга тортилган...
Айни шу пайт қочди бирдан кўзим юмган лаззатбахш уйқу.
Мен уйғониб соҳилдаги кемам томон йўл олдим жадал;
Яқин бориб қолганимда, димогимга урилган хушбўй
370. Кабоб ҳиди солиб кўйди вужудимни тамом ларзага,
Мен оҳ уриб Олимпдаги тангриларга маломат қилдим:
«О сарпадар чақмоқдор Зевс, аё масъуд боқий тангрилар,
Нечун фафлат уйкусини уфурдингиз киприкларимга?
Йўқлигимда ҳамроҳларим шаккок ишга қўл урибли-ку».
375. Бу орада узун кўйлак кийган санам Лампетиэя
Гелиосни огоҳ қилган буқалари сўйилганидан
Ва у қаҳру ғазаб ила нидо қилган худовандларга:
«О сарпадар чақмоқдор Зевс, аё масъуд боқий тангрилар,
Шикоятим Лаэрт ўғли Одиссейнинг одамларидан:
380. Улар менинг энг суюкли буқаларим маҳв этишибди —
Мен самога балқандა ҳам, кенг самодан рўйи заминга
Ботгандা ҳам мароқланиб кузатардим доим уларни;
Агарда сиз тортмасангиз жазога бу шаккоклар аҳлин,
Ботиб зулмат Аидга мен ёғду сочгум жонсиз руҳларга».
385. Қаҳҳор қуёш худосига Зевс шундай жавоб қилибди:
«Сен, Гелиос, боқийларга ҳам, шунингдек, ҳаётбахш замин
Бандалари фонийларга ҳам баҳузур ёғду сочавер.
Мен аларнинг қора биқин кемасини теран денгизда
Оташи чақмоқларим ила тилка-пора қилгум ҳадемай».
390. (Эшитгандим буларни мен Калипсадан; унга бу гапни
Айтиб берган экан Зевснинг муждачиси Аргускүш Гермес).
Қайтиб келиб мен соҳилга, йиғдим барча одамларимни
Ва ҳар бирин жаҳл ила койий кетдим; лекин хатони
Энди ўнглаб бўлмас эди; сўйилганди зотли буқалар.
395. Боз устига, аҳли само белги бериб бизни қўрқитди:
Терилар шўх ўрмалади, сихларга тортилган гүштлар ҳам,
Сиҳдан олингандлари ҳам буқалардек маърай бошлиди.
Лек безори ҳамроҳларим Гелиоснинг буқаларини
Сўйиб, олти кунгача ҳеч андишасиз еявердилар.
400. Еттинчи қун келганида Крон ўғли Зевс йўналтирган
Шамол тинди, жўшқин бўрон увилламай кўйди тамоман.
Биз кеманинг мачтасини тез тикладик, елканни ёйик
Ва денгизда суза кетдик. Лекин орол олисда кўздан
Фойиб бўлиб, қуруқлиқ ер тамомила кўринмай қолиб,
405. Чор атрофла денгиз суви осмон билан туташганида,
Крон ўғли чақмоқдор Зевс зилдай вазмин сиё булатни
Шундоққина бизнинг кемамиз устида қуюқлаштириди,
Денгиз суви қора тусга кирди булат кўланкасида;
Кема ортиқ сузолмади. Мағриб ёқдан увиллаб келган

410. Жоҳил Зефир мудҳиш довул кўтарганча ваҳима солди:
Бир ҳамлада чирт-чирт узди у мачтанинг арқонларини;
Мачта синди, у елканлар билан бирга ағдариларакан,
Дарғамизнинг бошчаноғин мажаҳлади. У ғаввос каби
Бирданига шўнғиди-ю сувга, руҳи жисмин тарк этди;
415. Шу чоғ Зевс чақмоқ чақиб, унинг тифин йўналтди бизга;
Завол топган кема гир-гир айланди ва тутай бошлади.
Ҳамроҳларим сувга отди ўзларини бирваракайга;
Улар кема теграсида худди денгиз зоғлари янглиғ
Суза-суза, фарқ бўлдилар шўр уммонга – Крон ўғли Зевс
420. Маҳрум этди ҳаммаларин ота юрга етиб боришдан.
Мен кеманинг бўлаклари қуршовида суза бошладим;
Маҳобатли долға шу пайт юлқиб олиб кеманинг тахта
Қопламасин, уни мачта билан бирга оқизиб кетди.
Мачтадаги елканларни боғлайдиган чарм тасмалар
425. Оқиб бораради дум бўлиб; мен тасманинг учидан тутиб,
Мачта билан қопламани бир-бирига чандиб боғладим,
Сўнг мачтага мингашдиму ҳадсиз уммон ихтиёрига
Топширдим ўз ҳаётимни. Зефир тинди; шахтидан қайтди
Қаҳдор бўрон; лекин жўшқин Нот уйғониб ваҳима солди:
430. У Харибда томон мени яна елдек оқизиб кетди;
Нот бир лаҳза ҳам тинмади. Тун чекиниб қүёш балқандада
Мен Харибда ва Сцилла орасида қўрдим ўзимни.
Худди шу пайт Харибда шўр сувни ича бошлаган эди;
Мен қояннинг биқинида ўғсан азим анжир дараҳти
435. Шоҳларига кўршаппаррак каби маҳкам осилиб олдим,
Оёқ қўйиш учун жой йўқ эди – фақат қўлга осилдим.
Анжир чуқур илдиз отган бўлиб, унинг шоҳ-новдалари
Тарвақайлаб, Харибданинг атрофини чирмаб олганди;
Шу алфозда мен қилт этмай осилганча кута бошладим
440. Мачта билан қопламанинг Харибданинг ўпқон қорнидан
Қайтиб оқиб чиқишини – узоқ кутдим; ниҳоят, судъя
Маҳкамада даъвогарнинг ишин ажрим қилиб, уйига
Қайтгунича ўтадиган вақт ичida Харибда охир
Оғзидан қайт қилди мачта ҳамда тахта қопламаларни.
445. Шунда мен қўл-оёқларим ёйиб, пастга – мачта устига
Сакраб тушдим. Сўнгра унга миниб олиб суза бошладим
Кафтларимни эшкак қилиб. Сцилланинг қўзига мени
Кўрсатмади сарпадар Зевс – кўрсатганда маҳв бўлардим.
Мен тўққиз кун сузиб юрдим шўр денгизда; ўнинчи куни
450. Қаро тунда тўлқин мени ул сунбулсоҳ санам Калипсо
Салтанати Огигия оролига оқизиб борди.
Мени очиқ чехра билан қарши олди дилкаш маъбуда.
Лек бу ҳақда мен гапириб ўтирумайман: ҳаммасин кечадеб берган эдим сенга, малиқага; ҳадеб бир гапни
455. Жаврайвериши одобданмас, боз устига, зерикарлидир».

ҮН УЧИНЧИ ҚҰШИҚ

- Шундай деди шоҳ Одиссей. Күшкда меҳмон бўлган жамоа
Теран сукутга толганча мароқланиб тинглади уни.
Ана шунда шоҳ Алкиной мусоғирга юзланиб деди:
«Ҳамонки сен, олижаноб шоҳ Одиссей, менинг мисдевор
5. Кошонамга қадам ранжида қилибсан, имоним комил, —
Бефалокат етажаксан ватанингта, гарчи илгари
Бошгинангга кўп азоблар, шум савдолар тушган бўлса ҳам.
Энди сизлар тингланг гапим, кун-уззу кун менинг қасримда
Олранг шаффоф шароб ичиб, хонанданинг янгроқ созини
10. Ва хонишин мен-ла бирга тинглаётган эй феак аҳли:
Рост, меҳмонга ажр этилган либослару тилла идишлар
Яна феак ҳокимлари совға қилган ўзга буюмлар
Аллақачон жойлаштирилган бўлса ҳам кемага, сизлар
Унга яна бир донадан сепоя-ю дошқозон қўшинг;
15. Қоплагаймиз бу заарни халқдан солиқ йиғиб олганда*;
Ёлғиз одам кўрсатолмас ҳеч ҳам бундай улкан саховат».
Шундай деди шоҳ Алкиной; ҳамма унинг бу таклифини
Мақбул кўриб уй-уйига кетди ухлаб ҳордиқ олтани.
Қирмиз бармоқларин ёйиб балқди кўкка навниҳол Эос.
20. Ҳокимлар мис анжомларни кўтарганча шошли соҳилга;
Анжомларни Алкинойнинг шахсан ўзи эҳтиёт қилиб
Ўриндиқларнинг тагига жойлаштириди — эшқакчи ёшлар
Эшқак эшган чоғда тағин пачоқ қилиб қўймасин учун.
Кейин ҳамма жам бўлди шоҳ Алкинойнинг кошонасида.
25. Шу куни шоҳ булатқувар Зевсга атаб қурбонлик қилди
Бир буқани; сон гўштлари қурбонгоҳда куидирилгандан
Кейин дарҳол дабдабали базми жамшид бошланиб кетди
Ва эл севган машҳур ҳофиз Демодок бу меҳмонлар учун
Хузурбахш хушсас созини жаранглатиб қўшиқ куйлади.
30. Лек Одиссей кўз узмасди ул зиёдор порлоқ қуёшдан —
У ботган чоғ бошланарди Одиссейнинг бугун сафари.
Кун бўйи ер бағрин бир жуфт ҳўқиз ила тилган қўшчи ҳам
Оромбахш кеч киришини кута бошлар интизор бўлиб
Ва кузатар ботаётган Гелиосни зўр қувонч билан;
35. Сўнгра чарчаб уйга қайтиб, емак учун таом ҳозирлар.
Одиссей ҳам кузатаркан кун ботишин, шундай қувонди.
У шоҳга ва барча меҳмон феакларга юзланиб деди:
«Шоҳ Алкиной, феак мардларининг марди, эй ҳимматли зот,
Тангриларга атаб паймо қилингу май, мени жўнатинг.

40. Соф бўлинглар. Ҳамма нарса: ҳам кема, ҳам совға-саломлар
Сафарга шай; жами Уран авлодлари менга марҳамат
Қилсинлару ватанимга соғ-саломат етиб борай ва
Хотинимни пок-бекусур, хешларимни саломат кўрай;
Сизлар эса ўз суюкли завжангиз ва фарзандларингиз
45. Билан роҳат-фароғатда яшангизлар; боқий тангрилар
Саодатли ҳаёт ато этган бўлсин ҳаммангизга ҳам;
Ҳеч қандай шум фалокатга учрамасин ҳеч ким ҳеч қачон».
Деди; унинг оқилона нутқига ром бўлган жамоа
Шу заҳоти эзгу сафар тадоригин кўра бошлади.
50. Шунда феак элин шоҳи Понтонойга юзланиб деди:
«Қадаҳларни сен шаробга тўлдириб сун ҳамма меҳмонга,
Токи бизлар Крон ўғли тангри Зевсга ибодат қилиб,
Кузатайлик ўз юртига оқ йўл тилаб азиз меҳмонни».
Деди шоҳ ва Понтоной тез қадаҳларни майга тўлдириб,
55. Меҳмонларга суниб чиқди; кейин ҳамма бепоён фазо
Султонлари тангриларга бағишлаб май паймо қилдилар.
Соҳибидрок Одиссей шоҳ завжасига ўрнидан туриб
Кўшқадаҳда май сунаркан шундай деди янгроқ сас ила:
«О маликам, мудом шод бўл, то ҳар кимнинг пешонасига
60. Муҳрланган кексалик ва вақти қазо етиб келгунча
Бутун умринг ўтсин ширин фарзандларинг, яқин хешларинг
Ва саховатпеша ёринг шоҳ Алкиной жамоасида».
Шундай деб у шошганича ҳатлаб ўтди мис осто надан.
Шоҳ Алкиной амр этди Понтонойга азиз меҳмонни
65. Қумлоқ соҳилдаги кема пойигача қузатмоқчиликни.
Малика ҳам уч канизин йўналтириди меҳмон ортидан.
Канизларнинг биринчиси энг саришта соф либосларни,
Иккинчиси ҳашаматли, жимжимадор бир сандиқчани,
Учинчиси қирмизи май ва егулик озуқаларни
70. Кўтарганча қумлоқ соҳилга бордилар ва эшкакчилар
Қизлар олиб келган жами тухфаларни кема саҳнига
Жойладилар тартиб билан; сўнгра кема қўйруғидаги
Силлиқ саҳнига патгилам билан оппоқ чойшаб ёзилар –
Мусофирнинг ором олиб ухлаший-чун. Шунда Одиссей
75. Чиқди учқур кемага ва астагина ётди гиламга.
Эшкакчилар тартиб билан ўтиридалар жой-жойларига
Ва ечдилар тешик тошига банд этилган кема арқонин*;
Сўнг баробар энгашганча эшкакларни урдилар сувга.
Бу пайт Одиссей кўзига кўнди ширин, оромбахш уйқу,
80. Оқибатда фафлагт уйқуси элитди уни тамоман.
Жангаробага қўшилган тўрт от* устма-уст ёғилувчи
Қамчига дош бера олмай шитоб билан елиб бораркан,
Ерга тегмас туёқлари; кема ҳам кўтариб тумшуғин,
Шиддат билан шундай олға учардики, унинг ортида
85. Шовуллаган ва қўпирган из қоларди – бундай кемани
Ҳатто учқур қуш лочин ҳам қувиб ета олмагай асло.

- Кема шундай шитоб билан сузив борар эди денгизда –
Қонли жанг жадалларда, серталотум пүртана ларнинг
Куршовида азоб-уқубатлар чеккан бу тангримонанд
90. Соҳибақт мард ётаркан маст уйқуда, фаромуш қилган
Эди буткул ўтмишида бошга тушган изтиробларин.
Субҳидамда уйғонувчи шафақ – Эос яқинлигини
Билдирувчи тонг юлдузи балқди кўкка; бу маҳал кема
Денгиз оғушида бўлган Итакага етиб борганди.
95. Бу ерда бир кўрфаз бордир – у қария Форкка аталган;
У кўрфазга кириш учун сувга туртиб чиққан иккита
Курукъикнинг ўртасидан ўтиш керак. Ушбу бандаргоҳ
Кўрфазнинг тинч сувин жўшқин тўлқинлардан ихота қилур.
Учқур кема сузив кириб манзил қурди шул бандаргоҳда
100. Ва қилт этмай туриб қолди боғланмаса ҳам у қозиқقا.
Япроқлари узун зайдун ўсар эди кўрфаз тўрида,
Дараҳт ёнида зим-зиё антиқа фор бўлиб, ичига
Ўрнатилган эди санамларнинг ажаб ибодатгоҳи.
Сопол хумлар, тош сандиқлар терилганди у ерга яна;
105. Боларилар ғамлардилар шул форда ўз асалларини.
Унда яна бир қанча тош дастгоҳ бўлиб, бу дастгоҳларда
Тўқир эди наядалар қирмизиранг ажаб лиbosлар;
Фордан тинмай оқиб чиқар эди булоқ суви айқириб;
Унга фақат икки йўлдан кириш мумкин: фоний бандалар
110. Борей томон очилувчи йўлдан кирап; тангрилар учун
Фақат Нотга қараган йўл очиқдирки, ҳеч қандай banda
Унга, яъни боқийларнинг йўлагига яқин йўлолмас.
Буни билган денгизчилар шу кўрфазга сузив кирдилар;
Қумлоқ соҳилга қуондек кириб борди кеманинг ярми –
115. Эшқакчилар шитоб билан уни ўқдай учиргандилар.
Иқтидорли кема соҳилга тиралиб тош қотиб қолди.
Денгизчилар фафлатдаги Одиссейни гилами билан
Қум соҳилга ётқиздилар астагина кўтариб тушиб;
Сўнгра феак аҳли тухфа қилган барча армуғонларни,
120. Тағин ўтган-кетган бирон кас бу ухлаб ётган одамнинг
Молларини ўмармасин, деб уларни гавжумроқ йўлдан
Овлоқ ерга, азим зайдуннинг тагига жойлаштиридилар
Эҳтиётлаб. Сўнг ўzlари ортларига қайтиб кетдилар.
Лек азобу уқубатларга сербардош шоҳ Одиссейни
125. Мудом ғазабига олган ул бадқаҳр Посейдон, шунда
Аламига чилай олмай чақмоқдорга қилди тавалло:
«Эй ҳукмдор сарпадар Зевс, баски фоний феаклар (улар
Ўз илоҳий аймогимиз* бўлсалар ҳам) мени ҳақорат
Қиларканлар, энди боқийлардан ҳам мен иззат кўрмасмен!»
130. Шоҳ Одиссей кўп азобу уқубатни кечириб бошдан,
Фақат шундан кейингина ватанига бориши керак.
Мен тамоман маҳрум этмоқчи эмасман уни уйидан:

- Сен, сарпадар, ҳам бу ҳақда ўз ҳукмингни чиқарган эдинг.
 Вале бугун феаклар шоҳ Одиссейга не-не олтин, мис
135. Ва бебаҳо либосларни тортиқ қилиб уни Итака
 Соҳилига олиб бориб қўйдилар ўз кемаларида.
 Ваҳоланки бу қадар кўп ўлжаларни у Троядан
 Тўғри уйига қайтса ҳам асло олиб бора олмасди».
- Қаҳри қаттиқ Посейдонга шундай деди булут жамлар Зевс:
 140. «Эй қудратли зилзилакор, айтган гапинг жуда аломат;
 Энг улуғ, энг кучли бўлган Посейдонни боқий тангрилар
 Иззат қилмас эканларми? Мумкин эмас бундай бўлиши.
 Агар фоний бандалардан биронтаси густоҳлик қилиб
 Сени эъзозламас экан, ҳеч аямай жазола уни.
145. Хуллас, дилинг тортган ишни қил сира ҳам тараддулланмай». Шу заҳоти жавоб қилди чақмоқдорга тангри Посейдон:
 «О булутлар султони Зевс, айтганингдай иш тутардим ҳам
 Агар сенинг ғазабингга йўлиқишидан кўрқмаганимда;
 Шу бугун-оқ Одиссейни ватанига кузатиб қўйиб
150. Орқасига қайтаётган кемани мен мажақлагумки,
 Бундан буён феак эли одамларни ташимасинлар
 Денгизларда; сўнг ўрагум улар шаҳрин юксак тоғ билан».
 Қаҳри қаттиқ бу тангрига шундай деди чақмоқдор Зевес:
 «Аё дўстим, агарда сен яқин келиб қолган кемани,
155. Унинг шаклин сақлаганча, феакларнинг кўзи олдида
 Қоя тошга айлантиранг*, бўлар эди ажиб мўъжиза;
 Ҳайратомуз бу ишинг-ла феакларни тонг қолдирардинг.
 Лек шаҳарни ўрамай тур ҳозирча сен баланд тоғ билан».
 Соҳибқудрат зилзилакор бу каломни эшитгани он
160. Учиб кетди кемани қарши олгани Схерияга.
 Мана, яқин сузуб келиб қолди денгиз сайёхи кема.
 Зилзилакор тез кемага яқин бориб ўз кафти билан
 Денгиз тубига михлади айлантириб уни қояга;
 У кўзлаган ниятини бажарди-ю сўнг жўнаб кетди.
165. Денгизларнинг меҳмонлари Феакия аҳолиси бу
 Мўъжизадан ҳайрон бўлиб шундай сұхбат қурди ўзаро:
 «Э воҳ! Яқинлашиб қолган кемамизни тошлек қотирган
 Ким бўлдийкин? Кўриб турган эдик унинг яқин келганин». Не бўлганин тушунолмай улар шундай гаплашардилар.
170. Бу гурунгни тинглаётган шоҳ Алкиной деди уларга:
 «Ё феаклар, бу фалокат! Бир пайтлар падарим менга,
 Одамларни денгизларда бехавотир ташиётган мард
 Феаклардан Посейдоннинг кўп дарғазаб эканлигини
 Ва у бир кун келиб, бирон мусофирини ота юртига
175. Элтиб қўйиб орқасига қайтаётган бизнинг кемани
 Шўр денгизда маҳв этишин, шаҳримизнинг атрофин эса
 Баланд-баланд тоғлар билан ўрашини гапирган эди.
 Мана, отам айтганлари юз бермоқда. Аё феаклар,
 Менинг ушбу гапларимни қуйиб олинг қулоғингизга:

180. Бундан буён юртимизга келиб қолган мусофиirlарни
Денгиз оша уйларига кузатмаймиз зинҳор-базинҳор;
Посейдонга атаб ҳозир ўн иккита буқани қурбон
Қилайликки, у бизлардан шафқатини дариф тутмасин
Ва шахримиз теграсини ўрамасин юксак тоғ билан».
185. Деди шоҳ ва ваҳимага тушган омма елиб-югуриб
Тангрilarга қурбонлик баҳш этмоқ учун шайланада кетди.
Ҳокимлару, киборлару, мўйсафидлар олий қурбонгоҳ
Атрофилда туриб олиб Посейдонни дуо қилдилар.
Ухлаб ётганда юртига келтирилган Одиссей бу пайт
190. Кўзин очди, лекин азиз ватанини танимади ҳеч –
Кўп бўлганди бу заминданд кетганига; бунинг устига,
Зевснинг қизи Афинея туман билан қоплаган эди
Ҳамма ёқни – то Одиссей куёвлардан ўч олмагунча,
Уни ҳеч ким: на хотини, на дўстлари, на-да шаҳарли
195. Бирон кимса таниб қолмаслиги керак эди албатта;
Шу сабабли Одиссейга сўқмоқ йўл ҳам, силлиқ қоялар
Куршовида бўлган суви ҳаловатли ажиб кўрфаз ҳам,
Дараҳтларнинг кенг ёйилган шоҳлари ҳам бегона эди.
У ҳар ёққа олазарак бўлиб боқди ўрнидан туриб,
200. Изтиробли аламдан у икки қўлин икки сонига
Шап-шап уриб наъра тортиб шундай ҳайқирди:
«Э воҳ! Қайга келиб қолдим? Қандай элнинг юрти ўзи бу?
Ҳақиқат не билмайдиган ёввойи халқ яшарми бунда
Ё худотарс, меҳмоннавоз, хушдил халқлар масқанимикин?
205. Э худо, мен қандай юрга келиб қолдим? Энди қаёнга
Яширайин молларимни? Нега ахир қолавермадим
Феакларнинг ватанида? Агар бирон қудратли ўзга
Зотдан паноҳ топсан, менга раҳм қилиб ўз Итакамга
Элтиб қўйган бўлармиди! Не қиларим билолмай қолдим:
210. Ўтган-кетган ташмалагай, гар қаровсиз қолса совғалар.
Шўрим қурсин! Алкиной ҳам, Феакия ҳокимлари ҳам
На донишманд, на-да ҳақгўй экан – энди кўзим очилди:
Ана шулар мени азиз Итакамга элтиш ўрнига,
Лақиллатиб мутлақо ёт мамлакатга ташлаб кетишли;
215. Ҳаммаларин мусофиirlар паногоҳи, ёвузлик қилган
Бандаларни жазоловчи Зевс газабга олсин, илоё!
Яхшиси, мен совғаларни санаб чиқай – бутмикин бари,
Денгизчилар ўмарид кетмадимикин бирон буюмни».
- У қозону, сепояю, барча олтин буюмларни-ю
220. Қимматбаҳо либосларни санаб чиқди – бари бут эди;
Лекин оғир ғамга ботиб тентиб юрар экан соҳилда,
Серталотум шўр денгиздан кўзин узмай юм-юм йиғларди.
Шу чоғ яқин келди унга чўпон йигит қиёфасида
Афинея; у хушчехра шаҳзодага ўхшаб кетарди;
225. Кийган эди эгнига у қўшқаватли мантия ҳамда
Оёғига пошналари майин кағиш. Одиссей уни

- Күрган заҳот юраги чоғ бўлди, сўнгра яқин борди-да
Янгроқ сас-ла барқанот бир калом айтди унга юзланиб:
«Салом, дўстим, бу бегона юртда илк бор сени қўрдим; мен
230. Мусофириман; раҳминг келсин, ҳимоя қил бу молларимни
Ва ўзимни; ёлбораман, азиз дўстим, тизингни қучиб:
Менга рўй-рост гапир билай қандай юртга келиб қолганим.
Бу не ўлка ва қандай халқ яшар бунда? Бу бир оролми
Ё денгизга туртиб чиқсан, тоғ ўраган бирон қитъами?».
235. Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афинея жавоб айлади:
«Ё олисдан келгансан, ё тентак бўлсанг керак чамамда –
Танимадинг-а бу ерни! Ҳолбуки ер юзидағи кўп
Мамлакатлар ва халқларга: ҳатто Эос ҳамда Гелиос
Үйғонувчи машриқдаги ва зулмат тун ўлкаси бўлган
240. Мағрибдаги жами фоний бандаларга маълум бу замин;
Тўғри, бунда тоғ ҳаммаёқ, отлар учун текис йўллар кам,
Лек юрт қашшоқ эмас, экин майдонлари сербаракадир,
Унчали кенг бўлмаса ҳам; бугдойзорлар мўл ҳосил берар,
Тез-тез ёғиб турган ёмғир ва шабнамлар узумзорларга
245. Файз киритар; бу ўлкада ўрмонлар ҳам, йил бўйи тинмай
Айқирувчи шўх сойлару анҳорлар ҳам, қора моллару
Эчкиларнинг ўтлаший-чун яйловлар ҳам кўп эрур, билсанг.
Ҳа, мусофири, Итаканинг донги ҳатто Трояга ҳам
Етиб борган, бизнинг юртдан у кўп олис ёқда бўлса ҳам».
250. Деди. Бу гап Одиссейнинг юрагига малҳамдай ёқди.
Эшитиб у ўз ватанин хуш номини чақмоқдор Зевснинг
Шаҳло кўзли қизи доно Афинадан, севиниб кетди
Ва жарангдор овоз билан маъбудага айтди бир калом
(Ва лекин у Афинадан сир сақлади бор ҳақиқатни –
255. Эҳтиёт шарт, истиқболин ўйлаб ҳийла-найранг ишлатди):
«Мен Итака номин илк бор эшитгандим азим Критда;
Мана энди у ўлкага ўзим етиб келибман бугун
Анча-мунча ўлжа билан, яна шунча бойликни уйда
Болаларимга қолдириб. У ёқдан мен Идоменейнинг
260. Чопқир ўғли Орсилохни маҳв этиб қочиб келганман
. (Ютганди у югуришда азим Крит оролидаги
Барча омилкор эрларни); сабабки у менинг Троя
Жанггоҳида қўлга олган барча-барча ўлжаларимни
Тортиб олмоқ бўлган эди (сенга айтсам, мен осонликча
265. Эришмаган эдим ўшал ўлжаларга: қонли жангларда
Не-не далир эрлар билан олишгандим, тошқин денгизда
Энг даҳшатли долгаларнинг зарбасига дучор бўлгандим);
Яна шуки, Трояда мен муҳориб бўлиб жанг қилган
Кезларимда, Орсилохнинг отасига бўйинсунмасдан
270. Алоҳида кўшин тузиб олгандим ўз хоҳишим ила.
Бир куни мен Орсилохни дўстим билан пойлаб турдим-да
Мис тиф билан маҳв этдим уни уйга қайтаётганида;

- Зим-зиё тун буркаб олган эди күкни: ҳеч кимса бизни
Күролмасди; Билмаса ҳам ҳеч ким қотил мен эканлигим,
275. Рақибимни мистиф найзам билан маҳв этганимдан сүнг
Саховатли сидонликларнинг кемаси турган қирғоққа
Чопиб бориб, катта тортиқ эвазига, кемаларида
Мени Пилос оролига ё эпейлар табаррук юрти
Элидага олиб бориб қўйишларин илтимос қилдим;
280. Лек ёв шамол баҳрийларнинг хоҳишига монеълик қилиб,
Бизга насиб этмади ул заминларга боришимизни;
Бу ўлкага келиб қолдик қоронғида йўлдан адашиб;
Кўрфазга биз эшкак эшиб кириб келдик; қоринларимиз
Оч бўлса ҳам, ўйламади ҳеч бир одам овқат ҳақида.
285. Биз кемадан тушибоқ тез ухлаб кетдик қумлоқ соҳилда;
Мен толиқиб қаттиқ ухлаб қолибман; лек сидонлик эрлар
Ўлжаларимни кемадан туширишиб, шундоқ ёнимга
Бир-бир териб қўйғанлар ва мени ёлғиз қолдирганлару
Ўзлари тез жўнаганлар гавжум шаҳар Сидонияга».
290. Деди. Шунда Афинея сарвқомат, соҳибжамол қиз
Сиёқида қўринди-ю жилмайганча оқ кафти ила
Одиссейнинг яноғига аста-секин шапатилади
Ва жарангдор овоз билан деди шундай барқанот сўзлар:
«Фақат дамдуз ва муғамбир одам сен-ла баҳслаша олур.
295. Зеро сен-ла баҳслашмоқлик осон эмас танириларга ҳам.
Айт, наҳотки сен, эй маккор ва найрангбоз, ўз ватанингга
Келиб ҳамки ташламасанг ёшлигингда одат қилганинг
Ёлғончилик, дудмал сўзлаш, муғамбирлик қилиқларингни?
Лек мавриди эмас ҳозир бу борада гаплашмоқликнинг;
300. Икковимиз ҳам айёрмиз. Заковатда, муғамбирана
Кувликда мен биринчиман боқийларнинг жамоасида,
Лек фонийлар ичра сен ҳам ер юзида ақлу идрокда,
Фасоҳатда тенгизсанку, мушкул аҳволга тушганингда
Сенга доим мадад берган, рутубатли обу ҳавода
305. Паногоҳинг бўлган, яна феакларнинг кўнглида сенга
Мехр уйғотган Афинани қандай қилиб танимадинг-а!
Мен бу ерга сенинг билан баҳамжиҳат келишиб олиб,
Саховатли феакларнинг, сен сафарга отланганингда
Қилган барча тұхфаларин саранжомлаш учун келганман;
310. Қолаверса, билки, сени ўз қасрингда кутмоқда яна
Фоят машъум фалокатлар; сен қўрқма ҳеч, лек эҳгиёт бўл:
Бунда ҳеч ким: на аёл, на эркак зоти ушбу заминга
Дайдиб келиб қолган чол — сен эканлигинг била қўрмасин.
Ҳар қандайин мазамматга чида тишига қўйиб тишингни,
315. Парво қилма масхарағат кулсалар ҳам сенинг устингдан».
Шаҳло қўзли Афинага шундай жавоб қилди Одиссей:
«Эй маъбуда, сени закий фоний банда учратганда ҳам,
Асло-асло таний олмас: беададдир қиёфаларинг,
Ҳа, эсимла, биз Троя заминида жанг қилган чоғда

320. Менга күп-күп марҳаматлар кўрсатгандинг, лек Приамнинг
Азим шаҳрин вайрон айлаб кемаларга қайтганимизда
Жоҳил тангри жудо қилди иккимизни бир-биrimиздан.
О Дий қизи, бизлар ҳеч ҳам учрашмадик ўшандан бери;
Сен кемамга чиқиб мени қутқармадинг ҳалокатлардан;
325. Мен дилпора бўлиб ҳеч бир ҳимоясиз юрдим саргардон;
Ва ниҳоят, ҳајос этди азоблардан мени боқийлар.
Фақатгина бой-бадавлат феакларнинг салтанатида
Бўлганимда, эзгу каломларинг билан кўнглим кўтардинг;
Ростини айт, падаринг Зевс ҳаққи, сенга қилгум илтижо
330. (Итакага эмас, ўзга вилоятга келдим мен шекил;
Хазил қилдинг сен албатта, ақтим синааб чалғитмоқ учун),
Ҳа, рост гапир, мен чиндан ҳам азиз отам юртидаманми?»
Зевснинг шаҳдо кўзли қизи Афинея жавоб айлади:
«Ҳанузгача сақлар қалбим сенга бўлган мурувватимни;
335. Асло ташлаб кетолмайман бу ҳолда сен шўрпешонани:
Идроклисан, ўғитимга бажонидил кулоқ соласан,
Мардонавор бажаряпсан менинг барча айтганларимни;
Ёт юртларда кўп йил кезиб юрган одам ўз ватанига
Қайтганида, хотин, бола-чақасини кўргани шошур.
340. Сен, Одиссей, шошма асло, ҳеч нимани суриштирма ҳам;
Аввал синааб кўр завжангни; бу вафодор қалб соҳибаси
Узун кунлар, бедор тунлар ҳасрат чекиб ва кўз ёш тўкиб,
Сени ғамхона уйида кутар мудом интизорликда.
Ҳа, шубҳасиз, билардим мен сенинг жами ҳамроҳларингдан
345. Жудо бўлиб Итакага ёлғиз ўзинг қайтажагингни;
Ва лекин мен падарим Зевснинг оғаси Посейлон билан
Адоватда бўлолмасдим – у амаким; сен уни қаттиқ
Ғазаблантиргансан ўғли Полифемнинг кўзин кўр қилиб.
Кел, ҳозир мен сенга очиб кўрсатайин ўз Итакангни.
350. Мана бу ер – денгиз қарияси Форкка баҳишида кўрфаз;
Кўрфаз тўрида сен зайдун дарахтини кўриб турибсан;
Ёнидаги ним қоронғи хушҳаво фор-чевар санамлар
Масканидир (бу салқин фор ичиди сен наядаларга
Неча марта ҳекатомба бағишлиған эдинг, эслаб кўр);
355. Анов' қуюқ ўрмон билан бурканган тоғ – Нерион тоғи».
Деб маъбуда гуманларни тарқатди ва атроф очилди;
Буни кўриб Одиссейнинг қалби эзгу қувончга тўлди
Ва суюкли юртин азиз тупроғини ўпа бошлади;
Сўнг илкини кўкка чўзиб нидо қилди наядаларга:
360. «Эй санамлар, Зевс қизлари, умидимни узган эдим мен
Сизни яна кўришимдан; энди тингланг шодон аҳдимни:
Гар маъбуда Афинея менинг жоним омон сақласа
Ва ўғлимни асраса ўз паноҳида фалокатлардан,
Сизларни мен қайта-қайта қутлагаймен эҳсонлар ила».
365. Зевснинг шаҳдо кўзли қизи Афинея жавоб айлади:
«Хотиржам бўл; лек ҳозир сен бу ҳақдамас, совфага олган

Бойлигингни фор ичига яширишни ўйлашинг керак.

Кейин пухта ўйлаб кўриб, қўл ургаймиз фойдали ишга».

Деб маъбуда форга кирди, унинг хилват деворларини

370. Пайпаслади; Лаэрт ўғли эса феак аҳлин тухфаси:

Мис анжомлар, зар лиbosлар, олтинларни йиға бошлади;

Булар барин булатқувар Зевснинг қизи Афина форга

Жойлаштириб, фор оғзини ёпиб кўйди харсанг тош билан.

Сўнг ўтириб зайдун тагига иккови, манфур безори

375. Куёвларни қандай маҳв этмоқликни фикрлашдилар.

Одиссейга Зевснинг шаҳло кўзли қизи шундай гап қотди:

«Эй Одиссей Лаэртзода, соҳибкарам ва пурхиммат зот,

Уч йил бўлди, уйингни забт этган баттол, шилқим куёвлар

Хотинингга совчи қўйиб, шўрликка кун бермаётирлар;

380. Сен уларни қандай жазоламоқликни яхши ўйлаб кўр;

Лек хотининг Пенелопа сени қўмсаф ғам чекар экан,

Куёвларнинг ҳар бирига бошқа-бошқа мактублар йўллаб,

Қалбан ҳазар қилаётган бўлса ҳам бу касофатлардан,

Ҳаммасига ҳам тегишга ёлғондакам ваъдалар берган».

385. Маъбудага шундай дея жавоб қилди доно Одиссей:

«Э воҳ! Мен ҳам ўз уйимда бамисоли Агамемондек

Энг аянчли ўлимга дуч келар эдим, аё маъбудам,

Агарда сен хўб вақтида кўзларимни очмаганингда!

Куёвлардан қандай қасос олмоқликни ўргатгил ўзинг

390. Трояда менга мардлик уфургандек; биз маҳв этдик

Ул шаҳарни сен уфурган ўшал мардлик қувваси ила.

Шундай мадад бер ҳозир ҳам менга ўзинг; агар ҳомийлик

Қилсанг менга, ул илоҳий қувванг ила уч юз азамат

Муҳорибга қарши қўрқмай жанг қилишга ҳам тайёрдурман».

395. Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афинея жавоб айлади:

«Мен ҳозир ҳам ҳомийингман; ўйлайманки, ушбу табаррук

Замин яқин кун ичиди суғорилур уйингни форат

Қилаётган куёвларнинг қони, мия қатифи ила.

Лек олдин мен қиёғангни тамомила ўзгартираман:

400. Силлиқ, таранг юзингни ва баданингни ажин-ла қоплай,

Тўсадай қора соchlарингни қириб ташлай, елкангга ямоқ,

Жулдур кийим илай, ўтдай чақнаб турган шу кўзларингни

Мутлақ хира тортирайки, сени кўрган ёв куёвлар ҳам,

Хотининг ҳам, гўдак чоғида сен уйда қолдириб кетган

405. Ўғлонинг ҳам жиркансиnlар танимасдан Одиссейлигин.

Сен аввал бош чўчқабоқар олдига бор бу ердан тўғри.

Чўчқаларингни боқади, қўриқлади; ҳамон содиқдир

У сенга ҳам, завжангга ҳам, азиз ўғлинг Телемахга ҳам;

Чўчқабоқар Аретуса чашмасининг ёнгинасида

410. Азим Коракис қояси биқинида чўчқа боқади;

Чўчқаларинг чўчқаёнғоқ еб, булоқдан зилол сув ичиб,

Этларига эт қўшилиб ва ёғ битиб семирмоқдалар.

- Сен у билан гаплаш, сўра ва суриштири ҳамма нарсанни.
Мен бу маҳал соҳибжамол қизлар шаҳри Лакедемонга
415. Учид бориб, азиз ўғлинг Телемахни бошлаб келайин;
Ўғлинг гавжум Спартага кетган эди шоҳ Менелайдан
Сен тўғрингда бирон янги эзгу хабар эшишмоқ учун».
Афинага шундай калом ила жавоб қилди Одиссей:
«Ҳамма гапни биларкансан, нечун олдин айтмадинг ростин?
420. Ахир ўғлим юлгичларга ташлаб уйни, хавфли денгизда
Сузяётганда фалокатга дуч келиши мумкин эди-ку».
Зевснинг шаҳло кўзли қизи Афинея жавоб қайтарди:
«Сен, Одиссей, бу тўғрида сира-сира хавотирланма —
Ўзим унга йўлдош бўлдим, юрт кўрсин ва эл ичидан ном
425. Қозонсин деб; ўғлинг ҳозир кўзлагани барча ишларни
Килиб бўлиб, ишрат қилур Менелайнинг кошонасида.
Рост, кўёвлар ўғлингни маҳв этмоқ учун, кемаларида
Шўр денгизга сузиб чиқиб унинг йўлини пойламоқдалар;
Лек кўнглинг тўқ бўлсин сенинг, улар ҳеч нима
430. Қилолмаслар; олдинроқ ер тишлагайлар уларнинг ўзи».
Деб маъбуда ўз илоҳий таёқчасини Одиссейга теккизиб қўйди.
Шунда бирдан қовжиради унинг жисми, ажин қоплади
Яноғини. Бошидаги қалин сочдан асар қолмади.
Зирқираган суюкларин ғижимланган тери қоплади,
435. Хира тортиб қолди унинг чўғдай чақнаб турган кўзлари,
Сўнг маъбуда Одиссейга ҳамма ёғи йиртиқ ва ямоқ,
Бадбўй ислар анқиб турган увалани кийинтириди-да
Елкасига ёпинтириди ҳамма туки тўклиб кетган
Тақир буғу терисини; сўнг тутқазиб унинг қўлига,
440. Сербутоқ бир таёқ — ҳасса ва серямоқ тўрвани, ўзи
Парвоз қилди Телемахни келтиргани Лакедемонга.



ҮН ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

Бу аснода у айланма сүқмоқ йўлдан ўрмон оралаб
Борар эди Афинея тушунтирган ҳовлига томон;
Яшар эди унда шоҳнинг мулкларин кўз қорачуғидай
Асрагувчи чўчқабоқар Евмей; ҳозир ўлтиради у

5. Уй олдида бўсағада ишин қилиб; Ҳайҳотдай ҳовли
Атрофига тизилганди молхоналар. Бу қўтонларни
Евмей ўзи харсанг тошлар ташиб келиб ясаган эди
Соҳибининг йўқлигига, маликадан, кекса Лаэртдан
Изн сўраб ўтирасдан; сўнг у ҳовли теварагига
10. Эман дараҳтларин кесиб, пўстин артиб, зич териб чиқиб,
Метин девор тиклаганди. Ҳовлидаги ўн иккита кенг
Ва каттакон қўтонларнинг ҳар биттаси эллик нафардан
Ҳомилали чўчқаларнинг жойи эди; лекин қобонлар
Анча камроқ бўлиб, улар ётар эди сиртқи қўрада.
15. Шу қобонлар сўйиларди куёвларнинг зиёфатига:
Евмей ҳар кун жўнатарди улар учун энг семизларин.
Қолган эди Ахта қобон ҳозир фақат уч юз олтмишта.
Энг балқаҳр тўрт қопоғон ит қўриқлар эди уларни;
Бу итларни Евмей ўзи боқиб катта қилганди; ҳозир
20. У ҳўкизнинг терисидан ўзи учун кавш тикарди
Остонада ўтироволиб. Йўқ эдилар бошқа қароллар:
Учта қарол боқар эди чўчқаларни кенг сайҳонликда,
Тўртинчисин Евмей ўзи жўнатганди азим шаҳарга
Семиз қобон етаклатиб, куёвларнинг майшатига —
25. Евмей дилдан оғринса ҳам мажбур эди шундай қилишга.
Шу чоғ бирдан Одиссейни кўриб қолиб қопоғон итлар,
Хуриб унга ташландилар; Одиссей бу хатардан чўчиб,
Аста ерга чўққайли-ю тушиб кетди ҳассаси қўлдан.
У аянчли ўлим топган бўлар эди ўз заминида,
30. Агар Евмей қилаётган ишин ташлаб югурча чиқиб
«Ҳай-ҳай»лаганча, итларни тошлар отиб ҳайдамаганда.
У юзланиб Одиссейга шундай деди: «Эй чол, агар мен
Сал кечиксам, тилка-пора қилар эди сени бу итлар;
Ана унда маломатга қолар эди бу маҳзун дилим —
35. Шундоқ ҳам тангрилар мени ботирмишлар ғаму андуҳга;
Мен бу ерда соҳибимнинг қисматидан нолалар чекиб,
Мальунларни қобонларим гўшти билан боқиб ётибман,
Бу пайт унинг ўзи ўзга ўлкаларда ўзга забонли
Эл ичиди бошпанасиз, очу наҳор кезиб юргандир

40. (Гар ўлмаган, баҳра олаётган бўлса қоёш нуридан).
 Юр, қария, кулбамга кир; хордиқ чиқарганингдан кейин
 Кимлигинги қайданлигинг, қайда қандай фалокатларга
 Ураганинг тўғрисида менга бир-бир сўзлаб берарсан».
 Деб оқкўнгил чўчқабоқар Одиссейни ўз кулбасига
45. Бошлиб кетди ва у ерда меҳмонини янги кесилган
 Япроқлари мўл ва майин новдалардан муҳайё бўлган
 Тўшамага таклиф қилди; бундан олдин бу тўшамада
 Евмей ўзи ухлаганди ёпинволиб эчки терисин.
 Мезбоннинг бу хушдиллиги Одиссейнинг кўнглин ёритди:
50. «Сен тавозе билан қарши олдинг мени, бу ҳимматинг-чун
 Барча худовандлар сенга ато этсин бисёр эзгулик».
 Деди меҳмон. Сен, эй соҳибидил Евмей, дединг у чолга:
 «Уйимизга келган меҳмон, бўлса ҳамки сендан-да абор,
 Бурчимиздир, дўстим, уни иззат билан қарши олмоқлик —
55. Зевс юборур мудом бизга қашшоқларни, мусофиirlарни;
 Мен уларга, сал бўлса ҳам, сидқи дилдан ёрдам бераман
 (Ки мақбулдир тангри Зевсга дил эҳсони, оз-моз бўлса-да).
 Биз қароллар кўп ҳам сахий бўлолмаймиз, чунки қўрқамиз
 Тепамизда ҳукмронлик қилаётган бойваччалардан,
60. Зевс лутфкор соҳибимни маҳрум этди уйга қайтишдан;
 Гар у ҳозир бўлганида, менга ҳовли, экинзор дала,
 Яна сепи мўл хотин ҳам — хуллас, соҳибқудрат ҳукмдор
 Тангрилардан мадад олиб ҳалол хизмат қилган қулини
 Нелар билан тақдирласа саҳоват-ла, ҳукмдорим ҳам
65. Менга шундай марҳаматлар кўрсатарди гар Итакада,
 Ўз уйида бўлганида кексайган чоғ; лекин у йўқ... Оҳ!
 Нечун қирон келмади-я Еленанинг бутун наслига!
 Шу аёлнинг касрига жанг майдонида ҳалок бўлдилар
 Бизнинг шонли қаҳрамонлар; менинг хожам шоҳ Менелайнинг
70. Кўнгли учун, ҳамма эрлар билан ўшал йилқиларга бой
 Илионга жанг қилгани кетган эди, хоҳламаса ҳам».
 Шундай деб у белин тасма билан боғлаб нарироқдаги
 Чўчқа болалари ётган молхонага борди-да бир жуфт
 Дўмбоқ-дўмбоғини танлаб олиб келиб сўйди икковин;
75. Сўнг куйдириб улар тукин, гўштларини майдалади-да,
 Сихга тортди; чўғда қоврилган кабоблар устига арпа
 Уни сепиб, сихи билан узатди у азиз меҳмонга,
 Сўнгра заранг қалаҳини болдай тотли майга тўлдириб,
 Мусофиirlининг қаршисига ўтириди-да уни овқатга
80. Таклиф қилди: «Аё меҳмон, фақирона таомимиздан
 Тамадди қил — чўчқа боласи гўшти бу, ахта қобонлар
 Жўнатилур ул очофат кўёвларнинг жигилдонига —
 Қўрқмайдиям ярамаслар дуч келишдан тангри қаҳрига;
 Зоган масъуд худовандлар ёқтираслар нопок амални;
85. Улар учун эзгу ишу пок виждонли кишилар азиз;
 Ҳатто ўзга ўлкаларни торож қилиб, кемаларида

- Мүл-мүл ўлжа билан, Зевснинг паноҳида, ўз уйларига
Қайтиб келган қароқчилар, қўрқанидан юрак ўйноғи
Бўлиб қолур; лек куёвлар — соҳибимнинг ўлгани ҳақда
90. Бирон илоҳий башорат эшитганми, айтолмайману,
На кетишни ўй лайдилар уйларига, на тўй бошлишни.
Бильакс, улар майшат ва талончилик қилиб ётурлар.
Бу ҳам оздек, кун-уззу кун бадмастиликдир улар қилмиши;
Бизлар бўлсак, ёв куёвлар оғзин мойлаш учун ҳар куни
95. Қанча-қанча қобонларни сўймоқдамиз; хожамнинг уйи
Беадад кўп бойликларга тўла эди; акобирлардан
Ҳеч бир кимса — ҳо Замда, ҳо Итакада бўлсин, барибир,
Соҳибимга teng келолмас эди асло бадавлатликда;
Ҳатто ўнта боёндан ҳам давлатмандроқ эди бир ўзи;
100. Эшит, хожам бойлигини бир-бир санаб чиқмоқчиман мен:
Қайрилма шох буқалар ўн икки пода, қўйлар ҳам шунча,
Цўчқалар ҳам; ҳатто эчкilar суруви ҳам каммас бундан;
Яна турли яловларда эчкilarнинг маҳсус ўн битта
Сурувлари ўтлаб юрар чўпонларнинг назоратида;
105. Ул чўпонлар олиб тушар шаҳарга ҳар кун семиз серка;
Яна мен — бош чўчқабоқар ҳам мажбурман ҳар кун энг семиз
Битта ахта қобонни ёв куёвларга юбормоқликка».
Деди Евмей; меҳмон бу он гўшт еб, шароб ичар эди-ю
Куёвлардан ўч олишни ўйлаб, сукут сақларди пақкос.
110. Мана, қорни тўйиб унинг, руҳи енгил тортгандан кейин,
Шароб тўла қадаҳини уй соҳиби Евмейга сунди —
Чўчқабоқар мамнуният билан қабул қилди қадаҳни;
Шунда меҳмон баландларвоз сўзлар билан унга юзланди:
«Дўстим, сўзлаб берчи менга ўшал мушфиқ хожанг ҳақида,
115. Айтишингча, ул бадавлат ва қурдатли зот Менелайнинг
Қасдин олиш учун бориб Трояга, ҳалок бўлиди;
Билсам девдим — балки уни бирон ерда учратгандирман?
Зевс ва ўзга тантриларнинг хоҳиши-ла, шояд бирон гап
Айта олсан у тўғрида — дарбадарман кўп йилдан бери».
120. Одиссейга жавоб қилди қаролларнинг сардори Евмей:
«Йўқ, меҳмон, ҳеч бир дарбадар лақиллата олмайди энди
Малика ва унинг ўғлини олиб келган янги гап ила.
Кўп дайдилар, зора меҳмон қилиб, бирон совға берсалар,
Деган умид билан чўпчак тўқишишмоқда эгам ҳақида;
125. Турфа юртларни кезган ҳар қандай одам Итакамизга
Келар экан, маликамнинг ҳузурига бориб, соҳибим
Тўғрисида эртак айтмоқчи бўлади; шунда маликам
Ҳаммаларин очиқ юз-ла қарши олиб, эртакларини
Азтаҳидил тинглар экан, шашқатор ёш тўкур кўзидан —
130. Суюк эри олис юргда нобуд бўлган бева хотиндек.
Сен ҳам, эй чол, бирон хитон ё бир жулдур кийим ундириш
Илинжидаги уйдурмалар тўқигани келгандирсан-да.

- Йўқ, аниқки, хожам жисмин қузғунлар ё итлар хомталаш
Қилгандирлар аллақачон – руҳи жисмин тарқ этган энди,
135. Ё балиқлар еган уни, ёки бирон денгиз бўйида
Суяқлари кумга ботиб чириб ётар; у маҳв бўлган
Барча жигаргўшаларин, алалхусус, мени қайгуга
Фориб этиб; энди қайда яшамай мен, ундан баҳиммат
Соҳибни ҳеч топа олмам, ҳаттоки Зевс ҳоҳиши ила
140. Бирдан ўзим туғилган ва болалигим ўтган кулбада
Азиз отам, мушфиқ онамнинг бағрида бўлиб қолсан ҳам.
Лек гарчи мен отам, онам қиёфасин ўз кулбамиизда
Кўрмоқликни истасам ҳам, ҳозир кўпроқ олис элдаги
Соҳибимга қайғураман; йироқларда бўлса ҳамки у,
145. Мехрибоним исемин тилга ололмайман, эй азиз меҳмон;
Ҳижронзада бўлсак ҳам биз, уни азиз жигарим дейман».
Соҳибнайранг шоҳ Одиссея шундай жавоб қилди Евмейга:
«Ҳамонки сен, эй биродар, мусофирилар келтирган гапга
Ишонмасдан, энди хожам қайтиб келмас, деган фикрингда
150. Қаттиқ туриб оларкансан, сенга бошқа ҳеч гап демайман;
Лек онт ичиб айтаманки, яқин кунда Одиссея қайтур
Итакага; унинг уйга келганини ўз кўзинг ила
Кўргандан сўнг, менга кўйлак, хитон, плашч совға қилурсан;
Унгача ҳеч нима олмам, усту бошим жулдур бўлса ҳам;
155. Аид дарвозаси менга қандай манфур бўлиб туйилса,
Ёлғон сўзловчи каслар ҳам шунча жирканч кўринур менга;
Мен Зевс ҳаққи, меҳмон қилиб берган лазиз таоминг ҳаққи
Ва Одиссея хонадонин энг табаррук ўчоги ҳаққи,
Қасам ичиб айтаманки, бунда сенга айтган гапларим
160. Тез орада вожиб бўлур; худди шу йил, самода завол
Кўраётган ой ўз ўрнин ҳилол ойга бўшатмасидан
Кириб келур шоҳ Одиссея; келади-ю ўз ўғлонини,
Завжасини таҳқир қилган куёвлардан қасос олади».
Мусофирига сен, эй Евмей, шундай дея жавоб айладинг:
165. «Йўқ, қария, бу хабаринг учун биздан ҳеч қандайин музд
Ололмайсан, зеро эгам қайтмас энди ота юртига;
Сен май ичу ўзингни бос, гаплашайлик бошқа мавзуда;
Ҳукмдорим тўғрисида гап эшитиш кўп азоб менга;
Бирон бир кас келиб хожам тўғрисида хушхабар айтса,
170. Юрак-бағрим вайрон бўлур; лек сен қасам ичма, қария;
Биз ҳаммамиз – Пенелопа, кекса Лаэрт, ул тангримонанд
Телемах ва мен – орзиқиб кутганимиздек, хожам қайтиб
Келадими ёки йўқми, билмаймизу лек ҳозир мени
Кўпроқ ташвишга солувчи соҳибимнинг ўғли Телемах;
175. У тангрилар паноҳида ёши ниҳолдек парвариш топди;
Кези келганда у алӣ йигит бўлур, бўйи-басти ва
Чехраси-ла отасига ўхшаб кетур, деб ўйлагандим –
Афсус, ёвуз даймонми ё қандайдир бир шумният банда
Эсин ўғирлаб қўйдики, у отаси ҳақида бирон

180. Янги хабар эшитгани сузиг кетди қумлоқ Пилосга;
Бунда бўлса ёв куёвлар Телемахни пойламоқдалар
Пистирмада, уни қайтар чогида маҳв этиб ахiri
Итакада Аркесийнинг наслин буткул қуритмоқ учун.
У куёвлар тузогига илинурми ё Зевс уни ёв
185. Найрангидан қутқорурми – бу гапларни қўйиб турайлик.
Хозир менга сен бошингдан не азобу, не эзгуликлар
Кечганини сўзлаб бергил – билиб олай бор ҳақиқатни:
Кимсан? Қандай элатдансан? Уйинг қайда? Отанг, онанг ким?
Итакага қай томондан сузиг келдинг, қандай кемада?
190. Кимлар эди баҳрийларинг? Биламанки, сен Итакага
Яёв юриб келмагансан, чунки денгиз қучган оролни».
Деди Евмей. Соҳибнайранг шоҳ Одиссея жавоб айлади:
«Ҳаммасини очиқ айтгум, рост гапни сен билиб оласан.
Гар сен билан икковимиз қаролларни ишга жўнатиб,
195. Анчагача етадиган озуқа ва тотли май ғамлаб,
Ишрат қилсак биргаликда ва мен само тангриларининг
Бу бошимга соглан азоб-уқубатлари қиссасини
Сенга ҳар кун айтаверсам, бир йилда ҳам тугатолмасдим
Уни. Фаҳр билан айтгум – мен Критнинг фуқаросиман;
200. Ҳа, бойвачча йигит эдим, лекин бошқа акаларим ҳам
Бўлиб яна, падаримнинг никоҳида бўлган хотини
Туққан эди ҳаммасини. Гарчи мени кул бозоридан
Келтирилган каниз туққан бўлса ҳамки, падарим Кастро
Главкзода эъзозларди ўз қонуний ўғли сингари;
205. У мард ўғлонлар отаси, соҳибдавлат ва соҳибқудрат
Зот бўлгани учун, Крит аҳолиси уни илоҳдай
Қадрларди... Э воҳ, ўлим элчилари Кералар уни
Олиб кетдилар Аидга; акаларим эса отамнинг
Мол-давлатин ўзларича қуръя ташлаб бўлиб олдилар,
210. Менга эса, бир амаллаб яшаш учун хужра бердилар;
Яхшиямки, бадавлат бир хонадоннинг дилбар қизига
Ўйланволдим – мени афзал кўрганди у ўзга жамики
Оғиз соглан куёвлардан, жасур йигит бўлганим учун;
Мен оқил ва ҳарб ишила абжир эдим... ўтди ҳаммаси;
215. Энди буғдои поясиман фақат, аммо пояга қараб
Унинг қандай бошоқ түгганини билиш қийин эмасдир;
Энди қашшоқ дайдиман мен. Бир пайтлар тангри Ареј ва
Афина меҳр уйғотганди юрагимда жангариликка;
Кўп марта жанг қилганман мен ёвуз ният ғанимлар билан;
220. Ўлимни ҳеч ўйламасдим; жанггоҳларда доимо ёвни
Қувиб етиш учун олға отилардим биринчи бўлиб;
Жангда абжир эдим-у, лек ёқтиримасдим дала ишини
Ва оила тутиб, фарзанд тарбиялаб кун кечиришни;
Жону дилим эди менинг кўп эшкакли азим кемалар;
225. Лек одамлар қалбин даҳшатга солувчи жангу жадаллар,
Учар ўқлар, чақмоқ мисол ярақловчи мис найзаларга

- Менда ҳавас уйғотганди само аҳли. Одамлар ҳар хил:
Бирор уни маңқул күрса, бошқа бирор буни ёқтирур.
Ахей ўғлонлари кабир Трояга кетмасдан олдин
230. Мен кемамда жасур йигитларим билан ўзга юртларни
Түккүз марта талаганман – доим баланд келган құлымиз
Бу жангларда; мен ўзимга олардим энг асл ўлжани,
Яна қуръа бўйича ҳам анча-мунча ўлжа тегарди;
Шу тариқа, мол-давлатим кўп зиёда бўлиб, охири
235. Энг қудратли ва иззатли одам бўлдим Крит элида;
Лек қодир Зевс ахейларни фалокатли жангга йўллаб, кўп
Мард йигитлар тиззасини титратганда, Критнинг ҳалқи
Илионга жўнатганди кемаларда шоҳ Идоменей
Билан мени; мумкин эмас эди бундан бош товламоқчи:
240. Бу ҳалқ ҳукми эди. Түккүз йил жанг қилдик биз Трояда;
Ўнинчи йил Приамнинг улуғ шаҳри забт этилгач, биз
Кемаларимизга қайтдик; шунда тангри бир-бири миздан
Жудо қилди. Зевс менга кўп мусибатлар атаган экан.
Бир ойгача уйда хотин, бола-чақаларим билан мен
245. Куч кечирдим роҳатланиб жамғарганим ўлжаларимдан;
Сўнг Мисрга йўл олмоқни жуда-жуда тусали кўнглим;
Мен энг далир йигитларни жамлаб, түккүз кема сафарга
Хозирладим; ҳаммасини жиҳозладик; содиқ ҳамроҳлар
Кемаларга чиққандан сўнг, биз сафарга жўнаш олдидан
250. Нақ олти кун ишрат қилдик. Шунда тангриларга бағишлаб
Буқалару қўчкорларни сўйдирдим-да одамларимни
Мириқтириб меҳмон қилдим; еттинчи кун бошланганида
Сузиб чиқдик кенг денгизга ва шиддатли Борей шамоли
Кўмагида енгил суздик, матлуб оқим оқизганидек;
255. Заррача ҳам шикаст кўрмади кемалар; улар шамолга
Ва дарғага тобе бўлиб елдек учиб боравердилар
Омон сақлаб менинг азиз, хушвақт, тетик ҳамроҳларимни.
Беш кунда биз етиб бордик Мисрнинг энг соғ дарёсига;
Биз бу дарё қирғоғида манзил қурдик кемалар учун,
260. Сўнг саралаб одамларни, амр этдим кемаларимиз
Кўриқлашни; қолганларга яқиндаги тепаликлардан
Чор атрофни кузатишни буюрдим мен. Ва лекин улар
Кибру ҳавога берилиб, мўмин-қобил мисрликларнинг
Далаларида етилган ҳосилларни торож қила* ва
265. Хотинлару болаларни асир ола, эрларни эса
Ваҳшиёна қатл эта бошладилар – бу фожианинг
Дарагини эшитибди шаҳарликлар ва тонг чоғида
Мис силоҳли муҳориблар ҳам жанграбаларда ҳамда
Яёв ҳолда етиб келиб тўлдирдилар бутун майдонни:
270. Момақалдирогини Зевс гумбурлатиб, одамларимни
Чекинишга мажбур этди, ҳеч битта кас ҳеч бир қаршилик
Кўрсатолмай, қуршаб олинди ҳар ёқдан шармандаларча;

- Ўшанда кўп йигитларим маҳв бўлди мис найзалардан,
Кўпларини асир олиб, шаҳар томон ҳайдаб кетдилар.
275. Бу аснода соҳибқудрат Зевс дилимга сингдирган эди
Бошимдаги обдор чарм дубулғамни ва кўксимдаги
Қалқонимни ечиб, ўткир мис найзамни тупроққа отиб,
Яқин бориб мисрликлар шоҳи турган жанграбага,
Тизларини кучиб, унга азтаҳидил ёлбормоқликни;
280. (Оҳ, нечун мен тақдирга чап бердим, нега ўлақолмадим
Ўшал ерда? Шайлаб қўйган экан-ку Зевс менга бадбаҳтлик!)
Подшо мени ўлдирмади, раҳм қилди кўз ёшим кўриб,
Яна жанграбасида олиб кетди мени қасрига;
Мисрликлар мени маҳв этмоқ учун жанграбанинг
285. Орқасидан наъра тортиб, гала бўлиб қувласалар ҳам,
Фиръавн мени бир ўлимдан асраб қолди – қўрқар эди у
Меҳмоннавозликни ғоят хуш кўрувчи, ёвуз ниятли
Кишиларни жазоловчи олий тангри Зевснинг қаҳридан*.
Мен у ёқда қолиб кетдим нақ етти йил. Миср ҳалқидан
290. Анчагина музллар йиғдим; жуда сахий ҳалқ экан улар;
Ва ниҳоят бошланганда саккизинчи йил, Мисрга бир
Финикиялик фирибгар, бадҳоҳ ғийбатчи кас келди-ю
Кўп одамлар балога дуч бўлди унинг қасофатидан.
У сержило нутқи билан мени авраб, Финикияга –
295. Ўз уй-жойи бўлган ерга таклиф қилди – у ерда бир йил
Меҳмон бўлдим. Ойдан ўтиб ой, охирлаб қолганида йил,
Олиб келди ҳур Оралар яна ниҳол баҳорни; шунда
У дедики, агар унинг кемасида биз Ливияга
Сузиб борсак, молларимни яхши нархга пуллар эканмиз;
300. Лек аслида, молимнимас, сотмоқчийкан мени қул қилиб;
Сузиб кетдим мен у билан, кутмасам ҳам бу сафардан хайр.
Изфиринли аёз Борей бизга лутфан ҳамроҳлик қилди;
Ана, Крит ҳам олисда қолиб, кўздан йўқолди буткул...
Ва лекин Зевс бир тўп оғат ғамлаб қўйган экан бизларга;
305. Гир атрофда денгиз суви осмон билан туташганида
Кронзода чақмоқдор Дий зилдай вазмин қора булутни
Шундоққина кемамизнинг тепасида қуюқлаштириди,
Денгиз суви қора тусга кирди булут кўланкасида
Ва Зевс чақмоғин тифини йўналтириди бизнинг кемага,
310. Завол топган кема гир-гир айланаркан, тутай бошлади.
Ҳамма ўзин сувга отиб бирданига, денгиз зоғлари
Янглиғ кема атрофида суза-суза теран уммонга
Фориб бўлди – Зевс уларни жудо этди ортга қайтишдан.
Ёлғиз мен – шўрпешонани ғарқ этмасдан, дилимга солди
315. Синиб тушган маҳобатли мачтани тез кучиб олишни;
Мен мачтага боғлаб ўзим, шаддол шамол ихтиёрига
Тортиқ қилдим жонгинамни. Мени тўққиз кун пўртаналар
Ҳар ён отиб, ўнинчи кун ярим тунда феспротларнинг
Ўлкасига олиб келди; бу юрт шоҳи донишманд Федон

320. Бир мунча қун меҳмон қилди ўз қасрида мени савобга;
Мен очликдан силлам қуриб сув бўйида фужанак бўлиб
Ётганимда, Федонзода кўриб қолиб, етаклаб кетди
Отасининг саройига; унда менга хитон ва плашч
Бердилар. Шу ерда илк бор эшитгандим Одиссей ҳақда;
325. Шоҳ дедики, Одиссей ўз ватанига кетаётганда
Унинг меҳмони бўлибди; у кўрсатди менга Одиссей
Олиб келган бойликларни: олтин, мис ва темир анжомлар;
Одиссейнинг омонатга ташлаб кетган бойлиги шунча
Кўп эдики, етти пуштига ҳам етиб ортиб қоларди;
330. Ўзи, шоҳнинг айтишича, Додонага жўнаб кетибди
Дийнинг муқадлас эмани коҳинидан* Зевс кароматин
Билмоқ учун – ўз юртига ошкорами ё хуфиёна
Боришин – у Итакада бўлмаганди кўп йилдан бери.
Шоҳ май паймо қилатуриб, қасам ичиб менга айтдики,
335. Одиссейни ота юртига кузатиб қўйишлик учун
Шай турғанмиш бандаргоҳда учқур кема ҳамда баҳрийлар;
Лек мени у сал олдинроқ жўнатди; бу пайт феспротлар
Дулихийга буғдой олиб кетаётган экан кемада.
Шоҳ буюрди баҳрийларга, мени Акаст салтанатига
340. Омон элтиб қўйишликни. Лекин ичи қора бу қаслар
Келишволиб, бошгинамга машъум кулфат солмоқ бўлдилар.
Кема соҳилдан сал нари узоқлашгач, баҳрийлар мени
Бозорда қул қилиб сотиш ниятларин ошкор қилдилар,
Улар хитон ва плашчим ечиб олиб, менинг елкамга
345. Ташладилар увадаси чиқиб кетган исқирт бир кўйлак.
Мана, ўша увадани ўзинг кўриб турибсан ҳозир.
Кеч кирганда етиб келдик биз Итака қирғоқларига.
Шунда арқон билан маҳкам чандиб боғлаб оёқ-қўлимни,
Ҳаммалари кечлик таом пиширгани тушдилар ерга.
350. Мени само соҳиблари озод қилди чайир тушовдан.
Йиртиқ кўйлак билан ўраб мен бошимни, оҳистагина
Куйруқдаги йўғон арқондан сирғалиб тушлим денгизга;
Сўнг шошганча икки қўллаб суза кетдим кема аҳлининг
Назаридан узоқлашдим; қуруқлиқقا чиқиб олдим-да
355. Қалин бута орасига кириб ётдим фужанак бўлиб;
Мени қидирган малъунлар бақиришиб ўтиб туришиди
Ёнгинамдан; ниҳоят, бу ахтаришдан наф йўқлигини
Тушиниши-ю кемага қайтиб чиқиб сузиб кетишиди;
Мана, мени тангрилар ўз паноҳида асрабон, сенинг
360. Масканингга йўлладиларки, ҳали мен ўлмас эканман». Мусоғирга сен, эй зако чўчқабоқар, жавоб қайтардинг:
«Оҳ бечора, сен бошингдан кечирган кўп саргузаштлар ва
Кечмишларинг билан менинг юрагимни чил-парчин қилдинг.
Фақат битта гапинг қизиқ: Одиссейни нега эсладинг?
365. Айт, кексайган чоғингда сен нечун ёлғон сўзламоқдасан?
Аминманки, энди бунда соҳибимни кўрмоқлик менга

- Насиб этмас; қаттиқ таъқиб қилмоқдалар тангрилар уни;
 Агарда у Трояда жангда ҳалок бўлганида ё
 Қайтиб келгач урушдан, бу ерда ёру дўстлар қулида
 370. Таслим қилгандайди жонин, ахей эли унинг қабрига
 Баланд тупроқ уярди ва у ўғлига оламшумул шон-
 Шавкат мерос қолдиради... Лекин уни ўғирладилар
 Гарпиялар, ғойиб бўлди дом-дараксиз диловар хожам.
 Мен бу ерда маҳзун зоҳидек яшайман чўчқалар билан;
 375. Шаҳарга ҳам Пенелопа чақиртиrsa бораман фақат –
 Агар бирон келгинидан янги хабар эшишиб қолсан;
 Шунда ҳамма – соҳибимни дилдан севиб интизорликда
 Кутаётган одамлар ҳам, унинг бутун бойликларини
 Итдай талаб ётганлар ҳам, мусофири ўраб олишиб,
 380. Саволларга кўмиб ташлар эдиларки, мени бир куни
 Юртимизга дайдиб келиб қолган битта этилиялик
 Алдагандан бери (у қатл этилишдан қўрқиб бу ёқقا
 Келган экан), хоҳламайман ҳеч бир гапни сўраб билишни;
 Ҳолбуки, мен у одамни иззат ила қарши олгандим;
 385. «Мен Критда шоҳ қасрида Одиссейни кўрдим, – девди у, –
 Таъмирларди денгизларда шикастланган кемаларини.
 У менга, шу ёз ё кузда Итакага дўстларим билан
 Кўпдан-кўп ўлжалар билан боражакмиз, деб айтган эди».
 Сен, эй шунча мушкулотларга дош берган чол, Дий элчиси
 390. Бўлсанг ҳамки, ўйлама ҳеч чўпчак айтиб дилим хушилашни;
 Сени иззат қилишимга сабаб бошқа, мен меҳмоннавоз
 Зевс қаҳридан қўрқаман ва ачинаман сенга шу боис»,
 Деди. Унга шундай жавоб қилди соҳибидрок Одиссей:
 «Азиз хожам, назаримда, сен бадгумон касга ўхшайсан,
 395. Ишонмаётган экансан қасам ичиб айтган гапимга,
 Кел, унда сен билан битим тузайлик биз, майли, олимплик
 Худовандлар кафил бўлсин: гар соҳибинг, мен айтганимдек.
 Қайтиб келса уйга, мени жондан азиз Дулихиямга
 Жўнатасан, хитон, плашч туҳфа этиб; борди-ю айтган
 400. Гапим вожиб бўлмай, хожанг қайтмаса – сен барча чўпонлар
 Кўмагида олиб чиқиб мени юксак қоя бошига,
 Теран жарга улоқтирики*, биронта ҳам дарбадар одам
 Бўлар-бўлмас чўпчак айтиб сизларни ҳеч лақиллатмасин». Сен, мўътабар чўчқабоқар, мусофирига жавоб айладинг:
 405. «Дўстим, қизиқ, сени азиз меҳмондек зўр зиёфат қилгач,
 Дабдурустдан ширин жонингни маҳв этсам, бу рафторимни
 Жумла жаҳон достон қилган бўларди-ку оғиздан қўймай;
 Унда Зевсга сифинардим виждонимни покламоқ учун.
 Кечлик таом пайти яқин. Ҳали замон қайтгай даладан
 410. Подачилар; кейин бошлаб юборамиз зиёфатни ҳам».
 Улар шундай гурунглашиб ўтиридилар турфа мавзула.
 Дала-даштдан чўчқаларни ҳайдаб келди чўчқабоқарлар;

Чүчқалар ҳар ёқни бошга күтаришиб хур-хурлашганча,
Бир-бирларин туртиб-сурит болхонага кира бошлашди.

415. Шунда Евмей шогирд чүчқабоқарларга юзланиб деди:
«Сизлар семиз бир қобонни танлаб сўйинг – азиз меҳмонни
Сийлагаймиз, у баҳона, иниларим, ўзимизни ҳам;
Тавба, биз бу жониворларни боқиб заҳмат чекмоқдамизу
Заҳматимиз хузурини кўрур бели оғримаганлар».
420. Шундай деб у болта олиб ўтиналарни ёра бошлади.
Чўпонлар беш ёшли семиз бир қобонни ўчиқ бошига
Келтирдилар; пок қалб Евмей ёдга олиб аҳли самони,
Қобон бошидан бир тутам тукни кесиб ўтга ташлади;
Ана шунда бул солиҳ зот тангриларга тавалло қилиб,
425. Одиссейни ватанига соғ-саломат етказишларин
Тилаб, қобоннинг бошига гўла билан уриб ўлдириди.
Ёшлар олдин қобон тукин куйдиришди, сўнг нимталашди.
Шунда Евмей ҳар нимтадан бир бўлакдан гўшт кесиб олиб,
Чарви ёғга ўради-да, арпа уни сепиб устига,
430. Барин оловга ташлади. Қолган ҳамма гўштни майдалаб,
Тифдор сихларга тортлилар, чўф устида айлантирганча,
Кабоб қила бошладилар; пишган гўштлар сихдан олиниб,
Тахта патнисга уйилди ва уларни батавфиқ Евмей
Тенг ажратди етти тўпга: энг биринчи тўп – санамларга,
435. Иккинчиси Майя ўели Гермесга баҳш этилди дилдан;
Қолганлари тақсимланди чүчқабоқарлар ўртасида;
Энг лаззатли сарпанжа гўшт узатилди азиз меҳмонга.
Бундай хушдил эҳтиромдан қалби мамнун бўлган Одиссей
Деди янгроқ овоз билан сен, покдомон чүчқабоқарга:
440. «Эй Евмей, мен, афтодаҳол қарияни қанчали иззат
Қилган бўлсанг, Зевс ҳам сендан марҳаматин дариф тутмасин».
Сен, покдомон Евмей, шундай жавоб қилган эдинг меҳмонга:
«Эй аломат меҳмоним, ол, сен еявер, ош бўлсин, фақат
Кўнглинг тўлса бўлди бизнинг зиёфатдан; Зевс не хоҳласа
445. Шуни қилур: бандасига бирон бир баҳт ато этаркан,
Дариф тутар уни ўзга саодатдан – у қодир бунга».
Шундай деб у биринчи гўшт бўллагини само аҳлига
Бағишлиди ва қадаҳни қирмизи май ила тўлдириб,
Одиссейга узатди-да ўз ўрнига бориб ўтириди;
450. Икковига нон келтириди қул Месавлий; бу қулни Евмей
Соҳибининг йўқлигига ўз пулига тафосликлардан
Сотиб олган эди изн сўрамасдан маликадан ҳам,
Лаэртдан ҳам. Мана, ҳамма қўл узатди хушхўр таомга.
Одамлар еб-ичиб тўйигач қоринлари, Месавлий қолган
455. Бурда нонни йигишириб олди. Нону гўштга тўйинган
Подачилар ётиб ухлаш тадоригин кўра бошлашди.
Бошланди ой балқмайдиган қоронги тун ва бирдан шаррос
Күя кетди Зевснинг аёзли ёмгири, Зефир қутириди.
Ана шунда шоҳ Одиссей уни дилдан эъзозлаган уй

460. Соҳибидан, ё ўзининг, ё бошқа бир чўчқабоқарнинг
Мантиясин тунда ёпингани сўраб, шундай ибратли,
Аломат бир воқеани сўзлаб берди бу жамоага:
«Эшит, Евмей, тингланг сиз ҳам, биродарлар, мен бир антиқа
Қилган ишим тўғрисида сўзлаб бермоқчиман сизларга.
465. Май тилимни бийрон қилди; беаладдир унинг қудрати:
У энг жиддий олимни ҳам кулдиради ва куйлатади,
Дилидаги сўзларини тили билан гапиртиради.
Мен бор гапни сўзлаб берай – баски, тилим қичиган экан.
Оҳ, нега мен ёш эмасман, қайда қолли Троядаги
470. Куч қудратим?.. Биз бир кеча пистирмада ётгандик писиб
Атрейзода Менелай ва Лаэрт ўғли Одиссей билан;
Улар мени сафларига тортгандилар учинчи қилиб;
Бизлар машхур бу шаҳарнинг чўнг девори тагига келиб,
Қиёқлардан ҳосил бўлган қалин бутазорнинг ичидаги
475. Устимизга қалқонларимизни ёпиб жим ётар эдик.
Рутубатли зулмат тунда совуқ шамол эса бошлади,
Шундан кейин паға-паға қор ёғдирди Зевс изфирини,
Қалқонларимиз устини муз қатлами қоплади аста;
Ҳамма ахейлар эгнига хитон ҳамда иссиқ мантия
480. Кийган эди: улар қалқонлар тагида тинч ухлардилар;
Лек мен тентак тунда совуқ қотишимни ҳеч ўйламасдан,
Пистирмага қалқонимни қўлга олиб, эгнимга фақат
Хитон билан белбоғ* кийиб келибман-а! Туннинг учинчи
Қисми завол топиб, само юлдузлари мағрибга бота
485. Бошлаганда, ёнимдаги Одиссейни тирсагим ила
Туртиб дедим: «Эй соҳибнайранг Одиссей, чол Лаэрт ўғли,
Изфириинли, кучли шамол ва аёз қор мени музлатди;
Даймон фақат хитон кийишни кўнглимга солгани учун
Мантиямни олмагандим келатуриб; бадқаҳр совуқ
490. Суякларим сирқиратиб, вужудимни қалтиратмоқда».
Дедим мен; у аҳволимга тушунди ва иложин топди
Кўп ҳам ўйлаб ўтирасдан. Зероки у доно маслаҳат
Беришда ҳам, диловарлик қилишда ҳам беназир эди.
У пичирлаб деди менга: «Ухлаб ётган ахей ўртоқлар
495. Эшитмасин галимизни, сен жимгина қимир этмай ёт».
Сўнг у шундай деди тираб туриб доно бошин қўлига:
«Биродарлар, мен илоҳий бир туш кўрдим, башоратли туш;
Кемаларимиз узоқда қолди жуда; агар сизлардан
Бирор киши халқ чўбони Агамемнон олдига бориб,
500. Бизлар учун мадад кучи сўраса, кўп яхши бўларди».
Андремон ўғли Фоас кўзин очиб ўрнидан турди;
У қуюндеқ елмоқ учун эгнидаги қирмизи рангли
Мантиясин ечиб ташлаб, чопа кетди бандаргоҳ томон;
Мен у ечган мантияни кийиб олиб то тонг шафағи
505. Балқигунча мазза қилиб ухлаб олдим. Эҳ, қайда қолди
Ёшлиқдаги иқтидорим! Гар забардаст йигит бўлсайдим,

Чўпонларинг мени азиз дўст билиб, ё иқтидоримни
Хурмат қилиб, ечиб берган бўлардилар мантияларин.

Ахир ким ҳам жулдур кийим кийган чолни хурмат қиласарди?»

510. Мусофирига сен, мўътабар Евмей, шундай жавоб айладинг:
«Азиз меҳмон, бизга сўзлаб берган қиссанг фоят мароқли,
Унинг ёмон жиҳати йўқ ва фойдадан ҳам холи эмас;
Нажот излаб келган фариб бандалардан биз ҳеч нимани –
Ош-нонни ҳам, кийимни ҳам аямаймиз ҳиммат кўрсатиб;
515. Лек эртага шу увада либосингни киясан яна;
Бизда ортиқ мантия йўқ; ҳа, юпунмиз; бизнинг кийимлар
Фақатгина эгнимизда: бўлгунича чириб дабдала,
Ечмаймиз ҳеч. Одиссейнинг нодир ўғли қайтиб келганда
Сенга хитон ва мантия туҳфа этиб кийинишингга,
520. Сўнг юрагинг орзу қилган ватанингга жўнатади ҳам». Деб ўрнидан турди у ва яқинига бориб гулханинг,
Меҳмон учун қўй териси пўстагини ва юнгдор эчки
Терисини ёзиб тўшак ҳозирлади; Одиссей ётди;
Евмей унинг устига бир иссиқ қалин мантия ёпди;
525. Қишининг совуқ кунларида унинг ўзи киярди буни;
Одиссей бу тўшамада ҳузур қилиб ухлади; бошқа
Чўпонлар ҳам ётиб унинг атрофига ухлаб кетдилар.
Фақат Евмей на ётди ва на ухлади хавотирланиб;
У қўлига қурол олиб кенг далага чиқмоқчи бўлди.
530. Одиссей бу ходимининг қайдалиги маълум бўлмаган
Хожасига садоқатин кўриб, беҳад қалби қувонди.
Евмей эса елкасига илиб шамшир, кийди мантия
Ва устидан улкан серка терисини ёпинди шошмай;
Сўнг итлар ва дайдиларни қувмоқ учун найзасин олиб,
535. Борей шамолин тўсувчи юксак қоя тагида ётган
Оқтиш чўчқалар ёнига кетди ётиб ухлаб олгани.



ҮН БЕШИНЧИ ҚҰШИҚ

- Бу аснода Афинея чол Лаэртнинг набирасини
Ота юрти Итакага тез қайтишга унатмоқ учун
Учиб борди экинзорлари мүл ўлка Лакедемонга;
Бориб күрса, Телемах шоҳ Нестор ўғли билан икковлон
5. Менелайнинг ҳашаматли ровонида ухлаб ётарди.
Писистрат шириң үйқу оғушыда қимир этмасди,
Лек Телемах безовтайди үйқусида: ушбу илоҳий
Тунда ўйлаб у отасин, юрак-бағри эзилар эди.
Шу чөф маъбуда Афина яқин келиб бир қалом деди:
10. «Эй Одиссей ўғлони, сен олижаноб отанг мулкини
Талончиларга қолдириб, ўзга юртда не қилмоқдасан?
Бу кетишда, ул бадкорлар бутун мулкинг қиіратурлар-ку!
Ана унда сафарингдан наф бўлмас ҳеч. Тез тур ўрнингдан,
Менелайдан илтимос қил, жўнатсан у сени уйингга,
15. Шоядки бекусур топсанг онажонинг Пенелопани.
Зеро, уни зўрлашмоқда Евримахга эрга тегишга
Отаси ва акалари. Евримах ҳам ҳеч канда қилмай
Волидангга ташиб ётур сон-саноқсиз нодир совғалар.
Бунақада сен мосуво бўлажаксан бор бисотингдан;
20. Биласан-ку, аёл қалби беқарордир: янги эрининг
Үйин шинам безамоққа киришаркан, марҳум эрин ҳам,
Ундан ёлгор бўлиб қолган ўғлонин ҳам эсдан чиқарур.
Сен ҳозироқ қайтиб бориб ўз уйингга, энг диёнатли
Жориянгни мулкларингга нозир қилки, токи тангрилар
25. Қовуштиргмагунча сени энг беназир қайлигинг ила,
Қўриқласин давлатингни ҳамиша кўз қорачуғидай.
Энди менинг гапим эшишт, эшигтганинг сақла дилингда:
Куёвлар ўз тўласидан саралаб кўп довюракларни,
Пистирмага қўйдилар Зам ва Итака оралиғида;
30. Улар сени хоинона маҳв этмоқчи ота юртингга
Қайтар чоғда. Лек мен бунга йўл қўймайман; ундан олдинроқ
Давлатингни кемирётган қуёвларнинг кўпин ер ютгай;
Лек сен четлаб ўт тунда бу оролларни*: ҳомийинг бўлган
Одил тангри боди муролни йўллагай сенинг ортингдан.
35. Вале тошлоқ Итаканинг соҳилига етиб борган он
Сен кемангни одамларинг билан бирга шаҳарга жўнат;
Ўзинг эса қирғоқда қол, кейин тўғри чўчқаларингнинг
Қўриқчиси салоқатли хизматкоринг Евмей олдига
Бориб унинг кулбасида тунаб қол-да, эртаси куни

40. Уни онанг ҳузурига жүнатки, у сенинг соғ-омон
Ва бешикаст Итакага қайтганингни етказсин унга». Деб маъбуда парвоз қилди ул мунааввар Олимп тогига. Телемах мост уйқудаги Несторзодни оҳиста тутиби Уйғотаркан, шундай деди: «Писистрат, очгил кўзингни;
45. Турақол тез, гумбуртуёқ отларни қўш жангаробага;
Ха, қарида сафаримиз – жўнаш керак энди бу ердан». Шоҳ Несторнинг одил ўғли Телемахга монеълик қилди: «Телемах, минг шошаётган бўлсанг ҳамки, бу қора тунда Ножоиздир узоқ сафарга чиқмоқлик; тонг отсин олдин;
50. Қолаверса, биз аввало соҳибидил Менелай билан
Дилдан хайрлашайлик ва у сен билан менга атаган
Совғаларин олдин бизнинг аробага олиб чиқсинки,
Бундай хушдил мезбон билан хайрлашган меҳмон ҳеч қачон
Унутмасин унинг зиёфатда қилган такаллуфларин».
55. Деди. Мана, олтин тахтли Эос кўкни чароғон қилди.
Шу пайт келди шоҳ Менелай йигитларнинг истиқболига –
Эндинина турганди у Еленанинг пар тўшагидан.
Унинг келаётганини кўриб қолган Одиссейзода
Шоша-пиша кийиб олди тоза хитон ва кенг мантия;
60. Одиссейнинг тангримонанд мурувватли ўғли Телемах
Менелайни оstonада қарши олиб деди бир калом:
«О шавкатли шоҳ, тангрилар дастпарвари, ҳалқлар чўбони,
Ижозат бер, кета қолай азиз ота юртимга тезроқ;
Софиндим мен ўз уйимни, оиласми – бу қалб қўмсови»,
65. Деди. Унга жавоб қилди соҳибқудрат мезбон Менелай:
«Эй Одиссей зурриёти, масканингни интизор бўлиб
Кўмсаётган экансан, мен сенни зўрлаб олиб қололмам.
Мен ўзим ҳам ёқтирамайман керагидан ортиқ ҳушомад
Қиладиган мезбонларни: меъёр шартдир ҳар бир амалда;
70. Яна шуки, ҳали кетиш нияти йўқ меҳмонни тезроқ
Жўнатворсак ва уйига шошаётган меҳмонни эса
Кўйвормасдан олиб турсак – бу яхшимас: айтмоқчиманки,
Сен уйингда меҳмон бўлиб турганларга мулозамат қил,
Лек очиқ юз, ширин сўз-ла кузат кетаётган меҳмонни.
75. Йўқ, Телемах, ўшма, сенга атаганим совғаларимни
Аробангга қўяй олдин, жорияга буюриб, сизга
Нонуштага тансиқ таом тайёрлатай сафар олдидан:
Узоқ сафарга отланган меҳмонларнинг қорнин тўйдириб,
Оқ йўл тилаб қолган хона соҳибига ҳамду санолар!
80. Гар Аргосга Элладани четлаб ўтиб бормоқчи бўлсанг,
Отларимни аробага қўшиб сенинг ҳамроҳинг бўлай;
Шаҳарнинг кўп одамларин танитардим; улар эъзозлаб
Меҳмон қилур ва ҳеч кимса жўнатмагай бизни совфасиз –
Улар ё мис сепоялар, ёки метинтуёқ хачирлар,
85. Ё кўшиқулоқ олтин жомлар тақдим этиб кузатгай бизни». Одиссейнинг доно ўғли жавоб қилди шоҳ Менелайга:

- «О шавкатли Атрейзода, Зевс бандаси, халқлар чўбони,
Мен ҳозироқ тўппа-тўғри ўз юртимга қайтишим керак –
Назоратсиз қолган унда ҳам уйим, ҳам молу давлатим;
90. Мен бу ёқда падаримни излаб юрган чоғ бирон кулфат
Юз берса ё бирон молим ўғирланса яхши бўлмайди».
Шоҳ бу гапни эшитган он ҳамтўшаги Еленага ва
Ходимларга амр этди базмгоҳда бугун сафарга
Жўнаётган йигитлар-чун лазиз таом ҳозирламоқни.
95. Шу чоғ Менелай олдига Воэф ўғли Этеон келди;
Шоҳ кўшкига яқин уйда ухларди у; ҳозир турганди.
Амр этди Этеонга тез ўт ёқиб гўшт қовуришни;
Шоҳ амрини бажонудил бажаришга киришди ошпаз.
Шоҳнинг ўзи малика ва азиз ўғли Мегапент билан
100. Зина пиллапоясидан тушди хушбўй омборхонага;
Бу омборда foят нодир ҳазиналар сақланар эди;
Шоҳ кўшқават қадаҳ олди*, Мегапентга эса кумушдан
Ясалган жомни олдириди; лек фонийлар ичра маъбуда
Саналмиш шоҳ ёстиқдоши яқин бориб сандиқлар томон
105. (Сандиқларда Еленанинг ўзи тиккан нафис, чиройли
Кийимликлар сақланарди), ранго-ранг бежирим кўйлаклар
Орасидан қуёш янглиг энг ҷароғон либос танлади;
У сандиқнинг энг тубида ётган эди. Шундан сўнг улар
Учовлари сарой кўшклари ичидан ўтиб боришиб,
110. Телемахга дуч келдилар ва зулфизар Менелай деди:
«О дўстимнинг мурувватли ўғли, сени Зевс рафиқаси
Гера кўнглинг хушнуд этиб, юртингга соғ-омон етказсин!
Ҳазинамдаги бойликлар ичидан мен энг асилини
Видолашув армуғони сифатида танладим сенга –
115. Бу бебаҳо қадаҳ фақат кумушдандир, лек гир айлана
Лаби – олтин; тангри Гефест санъатидир бу базм қадаҳи;
Буни менга Финикия шоҳи Федим тухфа қилганди
Мен меҳмони бўлганимда; шуни тортиқ қиласман сенга».
Шундай деб у Телемахга тухфа қилди қўшқават қадаҳ;
120. Шоҳнинг ўғли Мегапент ҳам тангри Гефест ижоди бўлган
Пақкос кумушдан ясалган гаройиб жом келтириди унга.
Нафис кўйлак олиб келган соҳибжамол Елена деди:
«Азиз ўғлим, бу либосни никоҳ тўйинг маросимида
Маҳбубангга кийдиргин ва мудом мени хотирлаб юргин;
125. Лекин никоҳ тўйинггача асраб кўйисин уни волиданг;
Ҳозир эса ота юртинг Итакага шодмон бўлиб қайт».
Деб кўйлакни узатди у ва Телемах ташаккур айтди.
Писистрат совғаларни эҳтиётлаб жангаробага
Жойлар экан, ҳар бирини ҳайрат билан томоша қилди.
130. Сўнг ҳаммани базмгоҳга бошлаб кетди зулфизар Атрид;
Ҳамма одам тартиб билан жой-жойига ўтириди. Шу чоғ
Бир ходима кумуш бандли жом ва салқин сув тўлдирилган

- Тилла қумғон олиб келди мәхмонарға құл ювдиргани;
Сүнгра суриб қўйди обдор столларни; ва қалитдор қиз
135. Захирадан олиб келди хонаки нон билан турфа хил
Егуликлар; Воэф ўғли пишган гўштни майдалаб тўғраб,
Мәхмонарға қўйиб чиқди; шоҳнинг оқил ўғли Мегапент
Олтин қадаҳларни бир-бир майи нобга тўлдириб чиқди;
Таомларга қўл чўздилар; ҳузурбахш май, тансиқ таомлар
140. Еб-ичилиб қорин тўйгач, Одиссейнинг ўғли Телемах
Ва Несторзод Писистрат икки отни жангаробага
Қўшилар-да кенг ҳовлидан тўппа-тўғри юксак равоқли
Дарвозага йўл олдилар; зулфизар шоҳ Менелай азиз
Мәхмонарни олис йўлга кузатмоқ-чун май паймо қилиш
145. Ниятида, ўнг қўлида муаттар май или лиммо-лим
Олтин қадаҳ билан отлар қаршисида турди-да майдан
Ҳўплаб олиб шундай деди: «Омон бўлинг, эй бўталарим,
Сиз элатлар паногоҳи Нелейзода Несторга мендан
Салом айтинг; биз ахейлар шаҳри азим ул Трояда
150. Жанг қылган чоғ Нестор менга ўз отамдек ғамхўр бўлганди». Одиссейнинг суюк ўғли жавоб қилди шоҳ Менелайга:
«Буюк Нестор ҳақида сен айтган эзгу калималарни
Бориб унга етказурмиз. Оҳ, кошкийди, мен ҳам уйимга
Қайтиб бориб, бузрукворим Одиссейга мени сен қандай
155. Шодон кутиб, қандай ноёб буюмларни туҳфа этганинг
Тўғрисида худди шундай қувнаб-қувнаб сўзлаб беролсан!»
Деди. Айни шу аснода ҳовлидаги битта оқ ғозни
Чангалига илган бургут тўсдай қора қанотларин
Патиллатиб ўнг томондан учиб чиқди;* арк ходимлари
160. Ҳай-ҳайлашиб ўғри қушни қува кетди; қуш жангароба
Тепасидан учиб ўтиб, парвозини йўналтди ўнгга.
Бу хайрли башоратни кўриб ҳамма қувониб кетди.
Соҳибидил Несторзода Писистрат деди мезбонга:
«Эл султони шоҳ Менелай, тушунтиричи, Крон ўғли Зевс
165. Бу белгини кимга аён қилди экан: сенгами, бизга?»
Тангри Ареј арзандаси Менелай бу қалтис саволга
Аниқ жавоб бермоқ учун бир лаҳзага ўйланиб қолди.
Ундан олдин ғапни илиб кетди соҳибжамол Елена:
«Тингланг ғапим, солди уни юрагимга боқий тангрилар;
170. Гапим аниқ, у албатта вожиб бўлур, худди шунингдек,
Баланд тоғда дунё кўриб, полапонлар очган бу бургут
Хонадонда боқилган оқ ғозни олиб қочди бу ердан;
Одиссей ҳам кўп йиллар дарбадар юриб қайтгач уйига,
Худди шундай қасос олур; эҳтимол у ҳозир уйдадир,
175. Куёвларни маҳв этиш режасини тузатгандир».
Одиссейнинг доно ўғли маликага жавоб айлади:
«Гар Геранинг бузрук эри чақмоқдор Зевс хоҳласа, сени
Мудом эслаб сифингайман тангриларга сифинганимдек».
Деб у қамчи босди отлар сағрисига – улар ел мисол

180. Учиб ўтди азим шаҳар кўчалари, далаларидан.
Жанграба шотисини ликиллатиб отлар кун бўйи
Югурдилар. Бу пайт қўёш ботиб, йўлни зулмат қоплади.
Йигитлар Ферага етгач, Диоклеснинг уйида манзил
Курдилар; у Орсилохнинг ўғли эди Алфейдан бўлган;
185. Диоклес бу йигитларни меҳмон қилди, жой солиб берди.
Ол бармоқларини ёйиб зулматдан бош кўтарди Эос.
Яна обдор аробага чиқиб олиб сайёҳ йигитлар.
Отларга дам-бадам қамчи босиб, ўқдай учиб чиқдилар
Юксак равоқнинг тагидан; югуради отлар шамолдек.
190. Тезда улар буюк Пилос шахрига ҳам етиб бордилар;
Одиссейнинг ўғли шунда деди дўсти Писистратга:
«Несторзода, илтимосим бажаришга сўз берасанми?
Оталаримиз дўстлиги энди бизни бир-биримизга
Энг азалий меҳмон қилди; боз устига, бизлар тенгқурмиз;
195. Бугунги йўл иккимизни ҳеч узилмас дўстлик риштаси
Билан чамбарчас боғлади. Дўстим, кемам ёнида тўхта;
Бандаргоҳда қолишимга ижозат бер, токи падаринг
Менга бўлган эҳтироми юзасидан, олиб қолишга
Уринмасин тағин мени — жуда шошиб турибман уйга».
200. Писистрат бу ваддани қандай қилиб бажармоқликни
Била олмай тараддудга тушиб қолди ақлан ва қалбан;
Ўйлаб-ўйлаб, ахийри у жарангтуёқ отларни қумлоқ
Соҳил томон, бандаргоҳга йўналтмоқни муносиб кўрди.
Бандаргоҳда у Менелай тортиқ қилган олтин буюмлар,
205. Либосларнинг ҳаммасини олиб чиқиб қўйди кемага.
Сўнг дўстининг юрагига далда бериб бир калом айтди:
«Бўл, Телемах, одамларинг жамул-жам, тез кетақолинглар,
Мен уйимга етиб бориб ҳамма гапни бузрукворимга
Айтишга улгурмасимдан; аминманки, қайсар табиат
210. Отам сенинг хайрлашмай кетишингга асло йўл қўймас;
Гар эшитса жўнаб кетаётганингни, ўзи тез келиб,
Олиб кетур сени уйга; у ҳеч ёлғиз қайтмас бу ердан».
Деб у ёлдор отларига қамчи босиб, жониворларни
Азим Пилосга елдирди ва бир зумда етди уйига.
215. Шунда боҳиммат Телемах деди содиқ ҳамроҳларига:
«Эй ёронлар, қора биқин кемамизни тезроқ жиҳозлаб
Чиқинг унга — бўлақолинг, бугун уйга жўнаймиз бизлар».
Эзгу буйруқ бажарилди зудлик билан ва денгизчилар
Эшкак бандлари ёнига ўтирилар кемага чиқиб.
220. Телемах бу пайт кеманинг қўйруғида ибодат қилиб
Афинага қурбонлик баҳш этар экан, унинг ёнига
Яқин келди бир ёт одам; башоратгўй эди бу кимса;
У Аргосда бир кишини қатл этиб қочиб келибди.
Соҳибкаромат Мелампнинг шажарасин у энг охирги
225. Новдасийди. Меламп бир пайт яшаганкан қумлоқ Пилосда
Ва шаҳарнинг халқи ичра энг басавлат бой саналганкан;

- Илло кейин мажбур бўлган у юртини тарк айламоқقا;
Зеро фонийлар ичиде энг қудратли ва энг такаббур
Нелей унинг молу мулкин йил айланиб охирлагунча
230. Ўз қулида олиб қолиб, қувган экан уни Пилосдан;
Бу пайт Меламп филак шоҳи зинданда азоб чекарди –
Унинг қалбин вайрон қылган эди мудҳиш Эриниялар
Нелей қизин ўғирлашга мажбур этиб. Лекин ахийри
У Кералар таъқибидан жон сақлабон. Филакиядан
235. Шоҳ подасин ҳайдаб келган маъратиб ва манфур Нелейдан
Қасдин олиб, укасига унинг қизин олиб берган-да
Кейин ўзи бошқа юртга – йилқилари бисёр Аргосга
Жўнаб кетган – ёзган экан тақдир унинг пешонасига
Шу ўлкада истиқомат қилиб ҳалққа сарбон бўлмоқни;
240. Меламп бунда ҳашаматли аркда яшаб оила қурган
Ва иккита ўғил кўрган: Антифат-у паҳлавон Мантий.
Антифатдан мард Оиклей, Оиклейдан азамат ўғлон
Амфиарай туғилибди. У Аполлон ҳамда чақмоқдор
Тангри Зевснинг эркасийди; лек тангрилар насиб этмади
245. Унга етиб бормоқликни кексаликнинг бўсағасига:
Хотинининг олтинпарастлиги уни маҳв этган эди*.
Икки ўғил кўрганди у: Алкмеон ва далир Амфилоҳ.
Мелампнинг кенжা ўғлони Мантийдан ҳам туғилган эди
Икки ўғил: башоратгўй Полифейд ва ҳусндор Клит.
250. Лекин олтин тахти Эос мафтун бўлиб Клит ҳуснига,
Олиб қочган эди уни боқийларнинг жамоасига.
Амфиарай ўлгандан сўнг, Феб Аполлон кибр-ҳаволи
Полифейдга авлиёлик қучин бериб, уни фонийлар
Даврасида машҳур қилди; ва лекин у ўз бузруквори
255. Мантий билан келишолмай, кўчиб кетди Гиперияга
Ва ул ерда қилди фоний бандаларга башоратгўйлик.
Телемахнинг кемасига яқин келган мусоғир одам –
Феоклимен эди, яъни башоратчи Полифейд ўғли;
У қурбонлик қилаётган Телемахнинг ёнига бориб,
260. Шундай лазиз ва барқанот сўзлар билан илтижо қилди:
«Дўстим, сени шул илоҳий вазиятда учратарканман,
Бу қурбонлик ва қурбонлик бағишлиланган тангрилар ҳаққи,
Сенинг азиз бошинг, содиқ ҳамроҳларинг ҳаёти ҳаққи,
Ёлбораман: айт ҳеч битта сирни пинҳон сақламай: кимсан?
265. Ота-онанг кимлар? Қайда сенинг юрting? Қайдан келурсан?»
Одиссеининг оқил ўғли унга шундай жавоб қайтарди:
«Ҳамма гапни очиқ айтгум, ҳақиқатни билиб олурсан:
Ота юртим Итакадир; бир пайтлар тангриваш отам
Шоҳ Одиссей бўлган эди; ёвуз ўлим маҳв этган энди;
270. Кўпдан бери бедарак бу отамни мен излаб, ул ҳақда
Бирон хабар топмоқ учун кезмоқдаман денгизма-денгиз
Дўстларимни ҳамроҳ қилиб қорабиқин кемада мудом».

- Тангримонанд Феоклимен деди Лаэрт набирасига:
 «Мана, мен ҳам дарбадарман – Аргосда бир зотни ўлдириб.
275. Кералардан жоним сақлаб қочиб келдим; ўлган одамнинг
 Унда хешу ёронлари кўпдир ахей аҳли ичида;
 Улар мендан ўч олмоқчи; ёлбораман, мен дарбадарни
 Кеманғга ол, йўқса, ёвлар тутиб мени маҳв айлагайлар».
 Одиссейнинг доно ўғли жавоб қилди Феоклименга:
280. «Эй биродар, жоним билан сени олиб кетгум кемамда.
 Ёруғ юз-ла қутлагайлар сени меҳмоннавоз уйимда».
 Шундай деб у мусофириларниң қўлидан мис тиғли найзани
 Олиб, кеманинг саҳнига қўйди. Ундан кейин ўзи ҳам
 Денгизларнинг тўшини чок айлагувчи кемага чиқиб
285. Қўйруғига ўтириди ва таклиф қилди Феоклименни
 Ўз ёнига. Эшкакчилар арқонларни ечдилар жадал.
 Телемах ҳам руҳлантириб ҳамроҳларин, узоқ сафарга
 Шайлланмоқни амр этди; ҳамма унинг амрин бажарди:
 Бирварақай кўтаришиб ўрнатдилар улар мачтани
290. Уясига ва ҳар ёнга ундан узун арқон тортдилар;
 Сўнг мачтага оқ елканни боғладилар тасмалар билан;
 Зевснинг шаҳло қўзли қизи кенг фазони чок айлагувчи
 Боди муродни йўллади ҳамроҳ қилиб бул баҳрийларга;
 Кема шўр ва тубсиз уммон бўйлаб учди мисоли қушдай.
295. Мана, улар сузиди ўтди Круна ва Халкис ёнидан;
 Бу аснода қўёш ботиб, ҳаммаёқни зулмат қоплади.
 Зевс шамолин ҳамроҳ қилган кема Феа ёнидан ўтиб,
 Эпейларнинг қудсий юрти Элидага етиб ҳам борди
 Ва Телемах оролларнинг ваҳимали қирраларини
300. Қўриб жуда қўрқиб кетди*, сузаркан у ороллар томон,
 Ё ўламан шу ёқларда, ё қоламан дея ўйларди.
 Шоҳ Одиссей бу пайт Евмей ҳамда ўзга чўпонлар билан
 Кечлик овқатни тановул қилардилар. Тўйимли, лазиз
 Овқатларга ҳамма тўйгач, гап бошлиди бирдан Одиссей
305. (Билмоқчиди у Евмейнинг ниятини: ўз меҳмонини
 Кўймай олиб қолармикин ё, шаҳарга кетаман, деса,
 Дарров рози бўлиб, уни совуққина жўнатармикин):
 «Эшит, соҳиби бил Евмей, сиз ҳам тингланг, дўстлар: эртага
 Эрталаб мен шаҳар бориб тиланчилик қилиб кўраман,
310. Токайгача сизнинг ошу нонингизга шерик бўламан!
 Сен, хўжайин, айтгил бирон одамнингга, кўрсатсан менга
 Шаҳар йўлин. Кўчаларни кезиб юрсан, шоял бирон зот
 Бир қултум май ё бир бурда нон садақа қилса ачиниб;
 Сўнг шавкатли Одиссейнинг қасрига ҳам бориб, ундаги
315. Ходимларга ҳамда унинг завжасига эри ҳақида
 Эзгу хабар келтирганим айтмоқчиман. Пенелопага
 Оғиз соглан баттол куёвлар олдига ҳам бормоқчиман;
 Ўйлайманки, мени қуруқ қайтармаслар текинтомоқлар.
 Кейин, улар не буюрса ҳаммасини ижро қиламан.

320. Шуни билки, барча фоний бандаларга фақат эзгулик.
 Гўзатлик ва шону шавкат улашувчи худовандларнинг
 Муждачиси Гермес менга ўргатганди кўп ҳунарларни:
 Чаққон олов ёқишида ҳам, овқат пиширмоқчи бўлганда
 Куруқ ўтиң топишда ҳам, меҳмонларга май сунишда ҳам,
325. Гўшт тўғраша ҳам, хулласи, улуғларнинг ҳар бир хизматин
 Бекаму кўст бажаришда тополмайсиз мендай абжирни». Сен, тангриваш Евмей, қаҳринг қайнаб унга жавоб айладинг:
 «Уялсангчи, эй мусофири, қайдан келди телба бошингга
 Бундан манфур хаёлотлар? Бевошлиги, беҳаёлиги,
330. Очкўзлиги ҳатто темир осмонни ҳам ларзага соглан
 Ёв кўёвлар хизматини қилмоқ бўлсанг – эсингни ебсан;
 Улар хизматида бўлган югурдақлар сенинг тенгингмас;
 Ҳаммалари чаққоноёқ, жингалаксоч, тўқис кийинган
 Йигитчалар; у ердаги обдор силлиқ хонтахталарда
335. Нону гўштлар, олтин қадаҳларда майлар тоғ-тоғ уйилган.
 Сен, яхиси, биз билан қол; шуни билки, ҳеч биримизга:
 На менга, на қаролларга оғирлигинг тушмайди асло.
 Одиссейнинг азиз ўғли қайтиб келса, у сенга хитон
 Яна ўзга либослар ҳам тортиқ қилур; кейин ниҳоят
340. Соғинганинг ўшал матлуб ватанингга жўнатади ҳам».
 Лаэрт ўғли унга шундай жавоб қилди: «Эй мушфиқ хожам,
 Мен бенаво мусофирига шунчали раҳм қилган экансан,
 Тангри Зевс ҳам сени шундай ардоқласин. Рўйи заминда
 Дарбадарлик қандай азоб, лек оч қорин беш баттар азоб.
345. Яхши, Евмей, мен жон-жон деб кутгум бунда Одиссей ўғлин;
 Лек сен менга соҳибинингнинг волидаси ҳақида сўзла,
 Ундан кейин, у отасин кексаликда ташлаб кетибди;
 Сен у чолга не бўлганин сўзлаб бергин ҳеч сир сақламай –
 Агар улар ҳануз қуёш нурин эмаётган бўлсалар;
350. Ёки энди йўқми улар, кетганимилар Аид юртига?»
 Тангримоманд Евмей* шундай жавоб қилди Лаэрт ўғлига:
 «Яхши, дўстим, мен яширмай ҳаммасини сўзлаб бераман:
 Олижаноб Лаэрт тириқ, лек ҳеч тинмай Зевсга илтижо
 Қилиб ётур заифлашган жисмидаги жонин олишини;
355. У кўпдан беному нишон бўлган ўғлин кўмсаб дамо-дам,
 Қазо қилган энг оқила ва суюкли ёстиқдошига
 Мудом аза тутиб, жуда ҳолдан тойган – бу шўрлик она
 Жигарбанди – ўғлин кўмсаб, зор-зор йиғлаб, ёруғ жаҳондан
 Бевақт риҳлат этди-кетди. О тангрилар, менинг қадрдон
360. Дўстларимдан ҳеч кимсани бундайин талх ҳасрат эзмасин!
 Маликамнинг фамга ботган мунгли умри давомида мен
 Унга таскин бермоқ учун, тез-тез борар эдим шаҳарга,
 Чунки унинг кичик қизи Климена билан иккимиз
 Маликадан бирдай меҳр кўриб, бирга катта бўлгандик;
365. Лек балофат ёшига қиз етганида, уни Самосга
 Узатдилар олиб не-не қимматбаҳо қалин молларин.

- Менга эса хламида, янги хитон, бежирим шиппак
 Ҳам бердилар түёнага; сўнг маликам мени далага,
 Мол боққани жўнатворган бўлса ҳам, мен билан у доим
 370. Жуда яхши муомала қиласкерди илгаригидай.
 Ҳа, ҳаммаси ўтди-кетди. Лек, шукрки, масъуд тангрилар
 Садоқатли хизматим-чун менга омад баҳш этмоқдалар.
 Шу омадим бокур мени, мен ҳам меҳмон қилурмен келган
 375. Дилга яқин инсонларни. Лек бостириб киргандан бери
 Уйимизга талончилар, мен соҳибам Пенелопанинг
 На сўзда, на бирон ишда дили ёришганин кўрмадим;
 Қанийди, биз хизматкорлар баъзан уни кўргани борсак,
 Дардимизни айтиб унга гурунглашсак шоҳ ластурхони
 Атрофида эркин-эмис ўтиришиб, кейин ҳар кунги
 380. Ишимизга шодон қайтсак, таскин топар эди дилимиз»,
 Деди Евмей. Жавоб қилди соҳибнайранг Одиссей унга:
 «Бундан чиқди, Евмей, сени ёшлигингда ота-онангдан,
 Ватанингдан жудо айлаб олиб келган эканлар-да, а?
 Бас, энди сен сўзлаб бергин менга бутун кечмишларингни:
 385. Нима, вайрон бўлганмиди сенинг ота-онанг яшаган
 Одамларга гавжум шаҳар; ё бир ўзинг далада пода
 Боқиб юрган маҳалингда сени денгиз қароқчилари
 Тутиб олиб келиб бунда согтганмиди кекса Лаэртга?»
 «Дўстим, — деди меҳмонига ул тангриваш Евмей, — агар сен
 390. Жуда билгинг келаётган бўлса, майли, айтиб бераман;
 Сен жимгина хушбўй майдан ичиб қулоқ сол гапларимга;
 Кечалари узун ҳозир, улгурамиз биз мусоҳаба
 Қилишга ҳам, ухлашга ҳам; ухлагани барвақт ётмаймиз:
 Керагидан оптиқ уйқу танга зарар, лекин уйқуси
 395. Келганларга, майли, рухсат; фақат барвақт туриб, тамадди
 Қилсинглару чўчқаларни тез далага ҳайдаб кетсинлар;
 Биз бўлсак баҳузур бунда еб-ичиб ўз кечмишларимиз
 Борасида гурунглашиб сал бўлса-да юрак ёзамиш;
 Зеро узоқ вақт дарбадар юриб, азоб-уқубатларга
 400. Бардош берган одамлардан кўп янгилик билса бўлади.
 Майли, мен ҳам, гар хоҳласанг, ўз кечмишм сўзлаб берайнин:
 Билсанг керак, Сира деган бир орол бор Ортигиядан
 Тепароқда; қуёш ўша ердан ортга қайтади доим;
 Сира ҳалқи унча кўпмас, лек яшайди доим фаровон;
 405. Унда шоҳдор подалару, сурув-сурув қўйлар беҳисоб,
 Баракотли тупроғи кўп ҳосил берур буғдой, узумдан;
 Очарчилик деган офат қийратмайди ҳеч вақт бу элни;
 Унда ҳеч ким йўлиқмайди ҳеч қандайин дардга ҳеч қачон;
 Кексаликнинг бўсағасин босиб ўтган чалажон каслар
 410. Аполлон ва Артемиланинг ўз кумуш камонларидан
 Отган сассиз ўқларидан ҳеч қийналмай вафот этурлар.
 Сирада икки шаҳар ва ҳар шаҳарнинг ўз вилояти

Бор; ана шу вилюятлар ҳукмдори менинг тангриваш
Отам бўлиб, унинг исми Орменонзод Ктесий эди.

415. Бир кун бизнинг бу оролга сузиб келди финикиялик
Айёр ва қув савдогарлар арzon-гаров моллар сотгани.
Бизницида сидонлик бир қадди-басти келишган, гўзал,
Чевар чўри хотин хизмат қилар эди. Финикиядан
Келган маккор савдогарлар зумда уни ром қилишибди.
420. Чўри денгиз бўйида кир юваётган чоғ бир сидонлик
Хуштор йигит у билан тил биринтириб, махфий қовушган –
Биласанки, севги доим энг бекусур пок аёлни ҳам
Телба қилур бир лаҳзада. Ошиқ йигит чўри хотиннинг
Кимлигини, қайси юртдан эканини суриштирибди,
425. Шунда чўри хотин деган менинг отам уйин кўрсатиб:
«Ватаним – мисга бой Сидон; у ўлкада отам Арибант
Энг бадавлат киши эди; мен даладан қайтаётганимда
Шум қароқчи тафосликлар мени асир олиб, шу ерга
Келтирдилар ва сотдилар савдолашиб қиммат баҳога».
430. Финикиялик қув йигит унга шундай жавоб қилибди:
«Гар биз билан ватанингта қайтиб борсанг хурсанд бўлардинг;
Яна отанг-онанг билан данғиллама хонадонингда
Яшар эдинг; улар ҳануз бой-бадавлат кун кечирмоқда».
Чўри хушторин гапига бундай дея жавоб қилибди:
435. Агар мени юртимга бешикаст олиб бориб қўйишга
Дилдан қасам ичсангизлар, мен жон-жон деб рози бўлардим».
Айёр сидонликлар қасам ичибдилар; ҳамма бирма-бир
Қасам ичиб бўлгач, чўри хотин шундай дебди уларга:
«Сиз эҳтиёт бўлинг энди ва чурқ этманг; биронтангиз ҳам
440. Менга зинҳор дуч келмангиз – на кўчада, на сув бўйида:
Гар бирон кас қўриб қолса бизнинг бирга турганимизни,
Дарров хожамга етказгай, ана унда хожам даргазаб
Бўлиб, мени қамаб қўйгай, сизларни ҳам омон қўймагай.
Шунинг учун тилни тийинг; тезроқ савдони тутатинг-да
445. Кемани молга тўлдириб, тез ҳозирланг сафар жабдуғин
Ва қасрга бориб, хабар қилинг менга тайёрлигингиз.
Мен қасрдан кўпроқ олтин олиб чиқкум кўтарганимча;
Яна, сизлар учун ноёб бир армуғон ҳозирлаганиман:
Сизга айтсам, шоҳнинг гўлак ўғлига мен энага ҳамман;
450. Зеҳни ўткир бола жуда; у мен билан ҳар кун саройдан
Ўйнагани чиқар; уни кемангизга олиб бораман;
Кейин уни бошқа юртда яхшигина нархга пуллайсиз».
Деб қайтиби чўри уйга. Сидонликлар оролимизда
Бир йилгача савдо қилиб ва кемани харид қилинган
455. Моллар билан лиқ тўлдириб, сафарга отланганларида
Чўримизга бу хабарни билдиргани даракчи келди.
У олтин ва қаҳраболар шодасини олиб келганди.
Сарой аёллари: онам, жориялар уни бирма-бир
Ушлаб кўра ва нарх қўя бошладилар; даракчи эса

460. Бу фурсатдан фойдаланиб, секин имо қилди чўрига
Сўнг кемага қайтиб кетди насия қилиб хайр-маъзурни.
Кейин чўри хотин маҳкам ушлаб менинг нимжон қўлимдан,
Ташқарига етаклади; у шошарди; ва лекин шоҳнинг
Азиз меҳмонлари учун ясатилган зиёфатгоҳдан
465. Ўта туриб (бу пайт барча мансабдорлар мажлисда эди),
У ердаги саф-саф бўлиб порлаб турган турфа хил олтин
Қадаҳлардан учтасини секингина қўйнига солиб
Олиб чиқиб кетди. Менчи, ўзи нима бўлаётганин
Тушунмаган бола, унинг орқасидан эргашиб кетдим.
470. Бу он қуёш ботиб, ҳаммаёқни теран зулмат қоплади.
Мана, бизлар шоша-шоша бандаргоҳга етиб ҳам олдик;
Кутаётган эди унда Финикия кемаси бизни;
Ҳамма чиқди кемага ва чўри билан мени олган бу
Қорабиқин кема сувда суза кетди; тангри Зевс бизга
475. Ҳамроҳ шамолин йўллади; олти кеча ва олти кундуз
Суздик бизлар; еттинчи кун дабдурустдан Зевс амри ила
Артемида кумуш камон ўқи билан хоин чўрини
Маҳв қилди: у оқчорлоқ қуш сингари денгиз қаърига
Чўкиб кетди – балиқлару тюленларга емак бўлгани;
480. Энагамдан айрилиб мен ғамга ботдим; бизнинг кемани
Ҳамроҳ шамол ва тўлқинлар Итакага оқизиб келди.
Кекса Лаэрт ўғрилардан сотиб олди бу ерда мени.
Ўшанда мен Итакани кўрган эдим биринчи марта».
Евмей қиссасин эшитиб шундай жавоб қилди Одиссей:
485. «Саховатли дўстим Евмей, сенинг барча кўрган-кечирган
АЗобларинг эшитиб мен, юрак-бағрим эзилиб кетди;
Лек шафқатли Зевс нафақат ғаму кулфат солган бошингга,
Айни чоғда бу сарпадар тангри сени бир мушфиқ зотнинг
Масканига йўллабдики, ул мўътабар саховатпеша
490. Сени беҳад эъзозлаган, еб-ичирган, парвариш қилган;
Мана энди, биродарим, ҳуррам ҳаёт кечирмоқдасан;
Вале тамом бошқачадир менинг мунгли ва талх қисматим –
Қишин-ёзин жаҳон кезиб бошпанасиз дайдиб юрмоқлик».
Улар шундай суҳбат қуриб ўтиридилар ўтмиш ҳақида;
495. Сўнг пинакка кетди улар; лекин қисқа бўлди бу уйку:
Олтин тахтли Эос балқди. Айни шу пайт ёш Телемахнинг
Ҳамроҳлари йиғишириб кемадаги жами анжомни,
Мачтани ҳам қулатдилар, сўнг кемани соҳилга томон
Эшкак эшиб йўналтдилар, улар лангар ташлаб, кемани
500. Арқон билан қирғоққа банд айладилар; ўzlари эса
Тўлқинларнинг ҳамласидан мудом нотинч соҳилга тушиб,
Лазиз таом пиширишиб, май ичишиб, қоринларини
Тўйдирдилар; сўнг Телемах шундай деди ёронларига:
«Кемамизни сиз шаҳарга эшкак эшиб олиб кирингиз;
505. Мен далага бориб хабар олмоқчиман чўпонларимдан,
Кейин ўзим кеч кирганда яёв қайтиб тушгум шаҳарга.

Лек эртага, менга ҳамроҳ бўлган дўстлар, ҳаммаларингни
Миннатдорлик билдиримоқ-чун зиёфатга таклиф қиласан».

Тангримоманд Феоклимен Телемахдан сўради шунда:

510. «Бўтам, айт-чи, мен бу тошлоқ Итаканинг қайси еридан,
Қай кимсанинг кулбасидан паноҳ излай? Ёки малика
Пенелопа ҳузурига тўппа-тўғри бораверайми?»
«Феоклимен, — жавоб қилди Одиссейнинг идрокли ўғли, —
Гар бошқа пайт бўлганда, мен ҳеч ўйламай, тўғри уйимга
515. Олиб борган ва яхшилаб меҳмон қилган бўлардим сени;
Аммо менсиз у ерда сен хор бўласан; зоро онамни
Кўролмайсан; кўёвларга кўринмаслик учун у доим
Ўз кўшкида якка-ёлғиз мато тўқиб ўтирур тун-кун;
Кўёвлардан фақат бири маъқул менга. Сен уникига
520. Борсанг бўлур. У соҳибдил Евримахдир Полибий ўғли;
Итакада фақат уни ҳурмат қилур бутун халойик.
Тангриларга сифингандай. У куёвлар ичida анча
Дуруст инсон; у онамни ҳурмат қилур ҳаммадан қўпроқ;
Волидамга уйланиб, у отам ўрнин эгалламоқчи;
525. Лекин фақат самодаги Зевс билади унинг тақдирин —
Уйланурми у онамга ё учарми шум фалокатга»,
Деди. Шу пайт ўнг тарафдан Аполлоннинг содиқ элчиси
Улкан лочин ваҳимали чинқирганча фазога учди;
Бир кантарни чанглаб у патин юлиб учиб борарди;
530. Бечора қушнинг патлари ўрта йўлга учиб тушарди.
Буни кўрган Феоклимен Телемахнинг қўлидан ушлаб
Нарироққа олиб кетди ва пицирлаб шу гапни айтди:
«Бил, Телемах, ўнг томондан учган лочин — Зевс иродаси;
Мен кўрдиму фаҳмладим пуркаромат қуш эканини.
535. Итакада сиздан афзал шоҳона зот бўлмагай ҳаргиз;
Тоабад бу салтанатда сизлар ҳоким бўлиб қолгайсиз». Одиссейнинг зукко ўғли жавоб қилди Феоклименга:
«Эй мусофири, агар вожиб бўлса айтган бу башоратинг,
Бизнинг азиз меҳмонимиз бўлажаксан ва энг бебаҳо
540. Армуғонлар оласанки, бундай саодатли тухфани
Кўрган одам сенга ҳавас қилур». Сўнг у деди Пирейга:
«Клит ўғли соҳибдил Пирей, билки, мен-ла Пилосга
Борган ўртоқларим ичра сен қалбимга энг яқинисан;
Шундай бўлиб қолажаксан бундан сўнг ҳам. Бу мусофирини
545. Сен уйингга таклиф қил, то ўзим бориб чақирмагунча
Сеникида яшаб турсин». Пирей шундай жавоб қайтарди:
«Ҳамма айтганингни қилгум, у ҳеч қачон менинг уйимда
Ҳеч нимага муҳтоҷ бўлмас — мудом азиз меҳмоним бўлгай». Деди Пирей ва кемага чиқиб, ҳамма ўртоқларига
550. Амр этди арқонларни ечишни ва тез кемага чиқиб олишни.
Ҳамма чиқди кемага ва эшкакларнинг ёнига инди.
Одиссейнинг ўғли заррин шиппакларин кийиб, қўлига

Мистиғ найзасини олди; денгизчилар арқонни ечиб,
Ялписига эшкак эшиб шаҳар томон суза кетдилар.

555. Бу аснода Одиссейнинг ўғли юриб-юриб ахийри
Етиб борди қўтонлари чўчқаларга тўла қўрғонга.
Бунда ухлаб ётар эди Одиссейнинг энг содик қули
Чўчқаларнинг қўриқчиси тангриоманд Евмей тинчгина.



ҮН ОЛТИНЧИ ҚҰШИҚ

- Одиссей бу пайт тангриваш Евмей билан саҳарда туриб,
Тез нонушта ҳозирлади олов ёқиб. Чүчқабоқарлар
Овқатланиб, молларини дала-даштга ҳайдаб кетдилар.
Шу чөф итлар Телемахга пешвоз чопиб бориб, сакрашиб
5. Эркалана бошладилар. Шахдам-шахдам келаётган бу
Оёқ товушин эшитиб, Лаэрт ўғли Евмейга деди:
«Эшитяпсанми, хұжайин? Кимдир келур, у сенинг дүстинг
Е танишинг бўлса керак, итлар думин ликиллатишиб
Вовулламай унга эркаламмоқдалар. Ана ўзи ҳам...»
10. У гапириб улгурмасдан, кириб келди эшиқдан... ўғли;
Уни кўриб Евмей иргиб турар экан, қўлидаги жом
Тушиб кетди: бу жомда у қирмизи май ила чашманинг
Шаффофф сувин чапиштираётган эди. У соҳибига
Ташланди-ю, унинг юзи-кўзи, боши ва қўлларини
15. Ўпар экан, тирқираб ёш оқа кетди мунгли кўзидан;
Кексаликда кўрган ёлғиз ўғли ўн йил бедарак кегиб*,
Дабдурустдан уйга кириб келганида, интизор ота
Қандай файритавсиф меҳр ила қарши олса ўғлонин,
Кул Евмей ҳам Телемахни шундай меҳр билан бағрига
20. Босиб, худди ўлган ўғли тирилгандай, ҳамма ёғини
Ўпаверди; кейин хўнг-хўнг йиғлаб деди у хожасига:
«Вой, сенмисан, нури дийдам Телемахим? Пилосга сузиб
Кетганингдан сўнг умидим узган эдим сени кўришдан.
Қани, бўтам, ичкари кир, дийдорингни кўриб тўяйин;
25. Авваллари чўпонларнинг олдига сен кам келар эдинг;
Кўпроқ вақтинг эл ичида ўтар эди; наҳот жонингга
Тегмади ёв күёвларнинг уйингдаги безорилиги?»
Одиссейнинг зукко ўғли жавоб қилди чўчқабоқерга:
«Ҳақ гапирдинг, ота; бугун фақат сенинг ёнингга келдим
30. Кўришгани, сўрашгани: айтчи, менинг онам ҳалиям
Уйдами ё аллақачон күёвлардан биронтасига
Эрга тегиб, бузрукворим Одиссейнинг хобхонадаги
Тўшагини бўш қолдириб, ис бостириб ташлаб кетдими?»
Тангриноманд чўчқабоқар Телемахга жавоб қайтарди:
35. «Ул вафодор онажонинг Пенелопа қўзи тўрт бўлиб
Кутар экан сени уйда, узун кун ва бедор тунларни
Фам-ҳасратда йиги билан ўтказмоқда шўрлик дамо-дам».
Деб у олди Телемахнинг қулидан мис тиғли найзани
Ва Телемах остонаядан хатлаб кирди кулба ичига.

40. Уни кўриб дик ўрнидан туриб кетди шу чоғ Одиссей;
Лек Телемах хоҳламади мусофири уринтиришни:
«Кимирлама, — деди унга, — ўтиравер; менга шундоқ ҳам
Жой топилур бу гўшада; бизнинг сахий хўжайинимиз
Евмей зумда менга юмшоқ жой тайёрлаб бергай албатта».
45. Шундай деди у; Одиссей ўз ўрнига қайтиб ўтириди;
Евмей эса бир қучоқ ҳўл новдаларни кўтариб келиб,
Ерга солди, устига пўстак тўшади; ўғлон ўтириди
Шу пўстакка; чаққон Евмей ёғоч патнис тўла пишган гўшт
Ҳамда катта сават тўла нон келтириб, унинг олдига
50. Кўйди; заранг қадаҳни ҳам мисли болдай тотли май ила
Лим тўлдирди; сўнг дастурхон тадоригин кўриб бўлгач, у
Яқин келиб тангримонанд Одиссейнинг ёнига инди.
Ҳаммалари таомга қўл узатдилар. Қоринлар тўйгач,
Савол берди Евмейга ўгрилиб бирдан зукко Телемах:
55. «Отагинам, бу мусофири мөҳмоминг ким? Қандай кемада
Сузиб кепти Итакага? Қай баҳрийлар олиб келибди?
Биламанки, юртимизга у пиёда юриб келмаган».
Телемахга тангримонанд Евмей шундай жавоб қайтарди:
«Ҳаммасини очиқ айтгум, ҳақиқатни билиб ол сен ҳам;
60. Экинзорлари кенг, текис Крит экан унинг ватани,
Қисматига ғариблик ва дарбадарлик битилган экан;
Айтишича, у кўп гавжум шаҳарларни кезиб чиқибди;
Ва ниҳоят у бадният феспротларнинг кемасидан
Қочиб чиқиб бизнинг факир кулбамизга кириб келибди;
65. Уни, ўғлим, изминингга ол — умидвор у ҳимоятингдан».
Одиссейнинг зукко ўғли жавоб қилди чўчқабоқарга:
«Эй оққўнгил ота, маҳзун бу гапларинг ўртади қалбим;
Шўрпешона мөҳмомингни қандай таклиф қилай уйимга?
Ҳали ёш ва фўрман, ота, мени таҳқир қилиб, дилимни
70. Оғритувчи ғанимлардан ўч олишга етмайди кучим;
Фаросатли онам эрса, тараддулда ақлан ва қалбан:
У мен билан қолиб, порлоқ уйимизга гард юқтирумасдан,
Одиссейнинг тўшагин пок сақлаб, элу юрт ҳурматини
Оқласинми, ё биронта адолатли ва саховатли
75. Куёвни хуш кўриб охир, энди унга тегиб олсинми —
Боши қотган; лек мен албат мөҳмомингга тухфа қилгайман
Мантия ва кўркам хитон, оёғига яна шиппак ҳам;
Тағин мендан олади у икки дамли ўткир шамшир ҳам;
Кейин уни ўз суюкли ватанига жўнатвораман;
80. Ҳозирча у сеникida яшаб турсин, яхши боқ уни;
Мөҳмомингга кийим-кечак жўнатаман уйимдан; яна
Озуқа ҳам юбораман — сенга малол келмасин боқиш.
Ҳозирча у бормай турсин куёвларнинг олдига зинҳор;
Улар баттол, ўлгудек қўрс, беадаб ва авбош ҳаммаси;
85. Агар уни хафа қилиб қўйсалар, мен қаттиқ ранжийман;
Тизгинлашга ожизман бу қузғунларни: фоят забардаст

Одам ҳам гар ёлғиз бўлса, маҳв этишга заифлик қилур
Кўпчиликни; биласанку, кўпчиликдир куёв тўралар».

Телемахга соҳибнайранг шоҳ Одиссей жавоб айлади:

90. «Сен бир оғиз сўз айтишга изн бергил, азиз биродар:
Беандиша қуёвларнинг уйингизга бостириб кириб,
Сени назар-писанд қилмай, сарой аҳдин таҳқирлашларин,
Хўрлашларин эшитдим-у юрак-бағрим қон бўлиб кетди.
Айт-чи менга: ўзинг хоҳиш билдиридингми бу бедодликка?
95. Ёки халқинг, тангри амри билан, сени хуш кўрмайдими?
Эҳтимол, сен хафалурсан азиз ақа-укаларингдан,
Бошим ғамга ботганида ёрдам қўлин чўзмадилар, деб?
Гар мен сендеқ ёш ва жасур бўлсанм эдим, ёки бўлмаса,
Одиссейнинг ўғли ёки унинг ўзи бўлиб, қолсайдим
100. (Унинг омон қайтишига ишонаман), майли, бошимни
Чопсинлар кундага қўйиб, гар мен Лаэрт ўғлини қасрига
Кириб бориб, суллоҳларни битта қўймай қийратолмасам.
Ҳа, кўпчилик бўлиб мени маҳв этсинлар, майли, розиман –
Бу даргоҳга не мақсадда келганини унутиб қўйган
105. Куёвларнинг кун-уззу кун зўравонлик қилишларини,
Маликанинг азиз меҳмонларин таҳқир этишларини,
Саройдаги жориялар номусини булғашларини
Сенинг барча озуқаю шаробларинг текин еб-ичиб
Совурётганларин кўрганимдан кўра, ўз масканимда
110. Бу дунёдан кўз юмишга ҳам кўрқмасдан рози бўлардим». –
«Азиз меҳмон, – деди унга Одиссейнинг донишманд ўғли, –
Ҳақиқатни билмоқ бўлсанг, ҳамма гапни очиқ айтаман:
Йўқ, йўқ, мени ёмон кўрмас Итаканинг фуқаролари,
Ақа-укаларим ҳам йўқ менга ёрдам қўлин чўзувчи:
115. Зевес бизнинг авлодларни якка-якка қилиб яратган.
Катта бобом Аркесий бир ўғил кўрган – бобом Лаэртни,
Лаэрт ҳам бир ўғил кўрган – Одиссейни; Одиссей эса
Пенелопага уйланиб битта ўғил кўрибди – мени;
Отам жангга кетганида мен чақалоқ бўлган эканман.
120. Кейинчалик уйимизга кўп ғанимлар бостириб кирди.
Атрофдаги ороллардан: Дулихию, Заму, Закинфдан
Кёлган, яна бизнинг тошлоқ Итакадан чиққан мансабдор,
Катта оғиз бу одамлар менинг онам Пенелопани,
Эрга тег, деб қистамоққа, бизнинг жами давлатимизни
125. Таламоққа киришилар; онам эса хоҳламаяпти
Манфур эрга тегишини ҳам, бу зуғумга қандай қилиб чек
Кўйишни ҳам билмаяпти; улар бўлса бойлигимизни
Совурмоқда; бу кетишида ўлдирсалар керак мени ҳам.
Лек кўқдаги боқийларнинг ниятлари аёнмас бизга.
130. Энди, Евмей, сен онамнинг хузурига физиллаб бориб,
Пилосдан соғ ва саломат қайтганимни хабар қил унга.
Мен бу ерда қолгум бугун; сен тезроқ қайт лекин оғзингга

Эҳтиёт бўл. Қайтганимни фақат онам билсин, вассалом.

Сабабки, кўпдир шаҳарда мени ўлдирмоқчи бўлганлар».

135. Сен, тангриваш чўчқабоқар Евмей, шундай жавоб қайтардинг:
«Ҳа, биламан, тушунаман, бажарилур ҳамма айтганинг;
Илло бир гап сўрамоқчи эдим сендан: бу хушхабарни
Бобонг Лаэртга етказсан нима дейсан — қаршимасмисан?

- Бечора чол! Шу чоққача у ўғлини қўмсаб фам чеккан
140. Бўлса ҳамки, далағаги ишларга бош-қош эди доим,
Қуллар билан бирга овқатланар эди қорни очгандা.
Лек Пилосга сузиб кетганингдан бери қора кемада
Емай-ичмай қўйибди у, далаға ҳам чиқмасмиш энди,
Чўпдай озиб кетган бобонг уйда ётиб зор-зор йиғлармиш».

145. Одиссейнинг зукко ўғли жавоб қилди чўчқабоқарга:
«Шўрлик бобом! Ачинаман унга жуда; лекин ҳозирча
Уйга қайтиб келганимни унга айтмай турақолайлик;
Гар ҳар бир иш фоний банда хоҳиши-ла вожиб бўлслайди,
Мен отамнинг Итакага қайтишини хоҳлардим жуда.

150. Келганимни волидамга айт-у тез қайт; бобом олдига
Бора кўрма; лек онамга айтсанг бўлур: у оқсочини
Бобом олдига юборсин қайтганимни хабар қилгани». У Евмейнинг кетишига рухсат берди. Ва чўчқабоқар
Оёғига шиппак боғлаб жўнаб кетди. Унинг шаҳарга

155. Йўл олгани шу заҳоти Афинага намоён бўлди
Ва маъбуда соҳибжамол, сарвқомат, навниҳол бир қиз
Бичимида пайдо бўлди бўсағада; у ичкарига
Кирап экан, Одиссейга кўринди-ю лек Телемахга
Кўрсатмади келганини; аҳли само ҳаммамизга ҳам

160. Ошкор кўринавермайди; лек Одиссей бу маъбудани
Аниқ кўриб туар эди; уни яна итлар кўрдилар,
Лек хуришга журъат этмай, қочдилар тез ингиллашганча.
Афина бош иргаб аста имо қилди. Одиссей уни
Тушунди ва уйдан чиқиб, маъбуданинг девор тагида

165. Турганини кўрди; унга шундай қалом айтди Афина:
«О Лаэртнинг азиз ўғли соҳибнайранг, зукко Одиссей,
Сен ўзингни энди мумкин танитишинг оқил ўғлингга.
Сўнг тузинглар куёвларни қандай маҳв этиш режасин.
Шаҳарга сиз бирга боринг; мен ҳам тезда орқаларингдан

170. Етиб боргум; сўнг бошлаймиз биргаликда интиқом жангин». Деб у олтин таёқласин Одиссейга аста теккизди:
Шу он Одиссей эгнида пайдо бўлди оҳорли хитон;
Бўйи-басти тикланди ва юзидағи ажин йўқолди,
Яноқлари таранглашиди, қора соқол босди иягин.

175. Сўнг маъбуда ғойиб бўлди, Одиссейни келтиргач асл
Холатига; Лаэртзода уйга кирди; Телемах ерга
Тикди кўзин ҳанг-манг бўлиб: боқий тангри деб ўйлаганди

- Отасини. У ҳайиқиб барқанот бир қалима деди:
«Эй мусофири, қандай қилиб пайдо бўлдинг бу қиёфада?»
180. Уст-бошиңг ҳам, юз-кўзинг ҳам тамомила ўзгарган энди;
Сен, чамамда, бўлсанг керак само султонларидан бири;
Биздан дариф тутма меҳринг: сенга атаб биз ҳекатомба
Қилажакмиз олтинлардан, раҳм қилгил, эй қодир тангри». Уғлонига жавоб қилди кўп мashaққат чеккан Одиссей:
185. «Йўқ, мен тангри эмасман, сен боқий дея кўрма ҳеч мени!
Ўз падаринг Одиссейман; мени деб сен ёв күёвларнинг
Қийноғига чидаб, шунча вақтдан бери азоб чекибсан». Деб ўғлини ўпар экан маҳкам босиб уни бағрига,
Кўзларидан шашқатор ёш оқди тинмай. Лекин Телемах
190. Қаршисида орзиқиб кутган отаси турганлигига
Ҳеч ишонмай, гап қайтарди: «Йўқ, сен отам Одиссеймассан,
Балки сеҳринг билан кўзим қамаштирган бирон даймоисан;
Сезмоқдаман — мени баттар изтиробга солмоқчисан сен;
Фоний банда ҳеч қачон ўз ақли билан бундай мўъжиза
195. Яратолмас; фақат тангри иродаси бир сонияда
Айлантира олур чолни ёш йигитга, ёшни кексага;
Боя жулдур кийим кийган чол эдинг сен; лек энди бўлса
Чексиз само соҳибларидан бирига ўхшамоқдасан». Жавоб қилди соҳибнайранг Одиссей ўз ўғлига шундай:
200. «Йўқ, бегона ҳисоблама, ўғлим, уйга қайтган отангни,
Бу юз берган мўъжизани кўриб ҳам сен ҳеч ажабланма;
Шуни билки, узоқ йиллар жаҳон кезиб, охир йигирма
Йилдан кейин, тангриларнинг хоҳиши-ла, ота юртига
Қайтиб келган мендан бошқа ҳеч қандайин ўзга Одиссей
205. Уйингизга кириб келмас. Энди менинг бу ўзаришим
Иқтидорли ўлжатопар Афинанинг хизмати* эрур;
У ҳар ишга қодир илоҳ; аввал мени у жулдурвақи
Фарид чолга айлантирган эди, кейин эса уст-боши
Покиза навқирон эрга айлантириди. Чексиз самонинг
210. Соҳиблари учун осон фонийларга ҳусн-тароват
Бахш этиш ҳам, ё уларни бадбашара қилиб қўйиш ҳам». Деб ўтириди у жойига; ҳаяжонга тушган Телемах
Бирданига юм-юм йиғлаб қучди маҳкам ўз падарини.
Сўнг икковлон ўпкалари тўлиб ўқсиб-ўқсиб йиғлашга
215. Тушарканлар, айюҳаннос солиб нола чекдилар чунон;
Ҳали темир қанот бўлган полопонларини инидан
Овчи ўғирлаганини сезган лочин, ё соҳибчангл
Бургут қандай фарёд чекиб бутун кўкни бошга қўтарса,
Булар ҳам кўзёш тўкишиб, қаттиқ ҳунграб йиғлар эдилар.
220. Ботаётган қуёш шундай кайфиятда кўрган бўларди
Икковини, гар Телемах отасидан сўрамаганда:
«Айтчи, ота, сен қай тарзда, қай томондан қандай кемада
Сузиб келдинг Итакага? Олиб келди қайси баҳрийлар?
Биламан мен, бу заминга сен пиёда келмагансанку».

225. Жавоб қилди машаққатларга бардошли Одиссей унга:
 «Үғлим, ҳамма гапни сенга очиқ-оидин сүзлаб бераман;
 Шонли феак баҳрийлари олиб келди мени бу ерга;
 Улар савоб иш қилурлар ёрдам құлин чўзиб ҳаммага.
 Кема етиб келганида Итакага, уйқудайканман;
230. Аста-секин туширганлар мени ерга (саховатпеша
 Бу халқ йўлга жўнатаркан менга, олтин мис ва бирталай
 Фоят ноёб либос совға қилган эди; уларнинг бари
 Соҳилдаги теран форга қўйилгандир, тангрилар шоҳид).
 Мени маъбуда Афина юборди бу ерга; энди биз
235. Икковимиз ёвларни маҳв этмоғимиз лозим аямай.
 Айт менга сен куёвларнинг кимлигини, қанчалигини;
 Улар кимлар, қайдан келган, кўпчиликми? – билишим керак.
 Сўнг иккимиз бошқаларнинг кўмагисиз у малъунларни
 Маҳв эта оламизми ё ёрдамга чақирамизми
240. Дўстларни – шу тўғрида биз пухта ўйлаб кўрамиз, ўғлим».«
 Шундай деди. Жавоб қилди отасига доно Телемах:
 «Эшигтанман, ота, сенинг жантгоҳдаги жасоратларинг,
 Машваратда донолигинг, моҳир найзаандозлигинг ҳам.
 Лек сен ҳозир айтган гапдан наф чиқмайди; биз икковимиз
245. Сони ва куч-кудрати беадад ёвга бас келолмаймиз.
 Улар ўнта, йигирмата эмас, ота – жуда ҳам кўпdir;
 Мен бирма-бир сенга санаб берай барин. Эшиг: Дулихий
 Оролидан эллик иккита бойвачча олти ходими
 Билан келган; йигирмата йигит Закинф оролидан; сўнг
250. Йигирма тўрт киши Замдан: ҳаммалари бадавлат зотлар;
 Ундан кейин, итакатик йигирмата куёвларни ҳам
 Шу ҳисобга қўшайлик биз; ҳофиз Фемий, удайчи Медонт
 Ва иккита эпчил қул ҳам хизматида бу куёвларнинг.
 Гар жанг қилмоқ бўлсак шунча фаним билан,
- ҳолимиз «вой»дир;
255. Фалокатга учрайсан сен ўз уйингга етиб келгандা;
 Яхшиси, сен ўйлаб кўргин, шояд бизга ёрдам қўлини
 Чўзадиган бирон сахий, илтифотли одам топилса!»
 Машаққатларга бардошли Лаэртзода ўғлига деди:
 «Диққат билан гапим эшиг, эшиганинг ёдингда сақла:
260. Ҳамонки, Зевс ва Афина бизга мадад берар эканлар,
 Лозиммикин излашимиз бошқа ёқдан кўмакчиларни?»
 Шундай деди. Жавоб қилди тангримонанд Телемах унга:
 «Гапинг тўғри, бул илоҳлар энг ишончли ёрдамчилардир;
 Фақат олис фазодалар; иккови ҳам пурдаҳшат жуда
265. Нафақат биз фонийларга, самодаги боқийларга ҳам».Жавоб қилди мешаққатларга бардошли Одиссей унга:
 «Биздан йироқда бўлмагай бу илоҳлар, саройимизда
 Куёвларни маҳв этувчи қассос жангни бошланганида.
 Эртага сен эрта тонгда Эос балқиб чиқсан заҳоти

270. Шаҳарга бор ва унда ёв күёвларнинг даврасида бўл.
 Сендан кейин мен ҳам Евмей билан гариб чол сиёқида
 Шаҳар боргум. Шунда мени ўз уйимда ҳақорат қилиб
 Хўрласалар, меҳринг жўшиб, асло менга ён боса кўрма,
 Майли, судраб оёғимдан ташқарига улоқтирисинлар,
275. Майли, менга бирон қаттиқ нарса отиб яраласинлар –
 Парво қилма. Фақат баъзан күёвларни тинчтиш учун
 Бирон луқма гап айтиб кўр – сенга қулоқ солмайди улар;
 Лек сабр қил. Уларнинг маҳв бўладиган пайти яқинидир!
 Энди бошқа гапим эшит, эшитганинг сақла дилингда:
280. Афинея сирли ўғит пуркар ҳали менинг қалбимга.
 Шунда сенга бош ирғайман ва сен алҳол катта залдаги
 Барча жангбоп силоҳларни олиб чиқиб тепа қаватга,
 Бирон ерга уйиб кўйгин. Гар күёвлар базмгоҳдаги
 Силоҳларнинг йўқолганин пайқаб қолиб, қани улар, деб
285. Сўрасалар, сен уларга дегин: «Бу ер тутун жуда ҳам*;
 Куроллар бу ерда отам Трояга жўнаб кетгандан
 Бери туриб, ҳар кун ёнган машъаллардан ва гулханлардан
 Курум босиб зангламоқда. Сарпадар Зевс кўнглимга солди
 Менинг жуда-жуда ҳушёр бўлмоғимни: ким билсин тағин,
290. Кайф устида бирданига низолашиб қоларсиз балки;
 Ана унда, совчилик ҳам, бу ажойиб базми жамшид ҳам
 Тағин қонга булғанмасин, дейман-да, дўстлар.
 Бундай пайтда беихтиёр чўзилади қўллар қуролга».
 Сен мен билан иккимизга икки найза, иккита шамшир,
295. Яна бир жуфт: хўқиз териси қолланган қалқон шайлаб қўй –
 Ҳужум бошлаганимизда улар бизга асқотажаклар;
 Ўша пайт Зевс ва Афина оғдиурлар күёвлар эсин.
 Буёғини эшит энди, эшитганинг қалбингда сақла:
 Агар чиндан ҳам сен менинг ўғлим бўлсанг, қайтиб келганим
300. Азиз отам Лаэртдан ҳам, чўчқабоқаринг Евмейдан ҳам,
 Саройдаги маҳрамлардан, ҳатто онанг Пенелопадан
 Ҳам сир сақла; фақат сен ва мен – иккимиз жорияларни
 Кузатамиз; яна талай қулларни ҳам синааб кўрамиз:
 Кимнинг сен ва менга содиқ эканини, кимнинг дилида
305. Бизга қарши кек – адоват борлигини билиб оламиз».
 Одиссейга эътироз-ла жавоб қилди зукко Телемах:
 «Ота, тезда сен қалбимнинг қандайлигин билиб оласан;
 Аминманки, руҳан тетик эканлигим ҳам кўражаксан.
 Лек менимча, наф йўқ ҳамма одамларни синааб кўришдан,
310. Бу ҳақда сен тузуккина ўйлаб кўрсанг яхши бўларди:
 Жами ҳалқни синаш учун бизга кўп вақт керак бўлади;
 Биз ҳаммани битта-битта синаш билан машгул бўлганда
 Сенинг молу давлатингни ёвлар итдай талайверади;
 Вале мен ҳам аёлларни синааб кўриш тарафдориман;
315. Билиш керак: кимда ҳаё, вафо бору, кимлар бадаҳлоқ;
 Лек қулларни битта-битта синааб кўриш қийин бўлади –

- Улар тарқоқ яшайдилар; кейин ўзинг синайверасан
Бўш вақтингда, гар Зевс сенга берган бўлса эзгу башорат». Ота-бала кўп нарсалар тўғрисида сұхбатлашдилар.
320. Айни шу пайт Телемахни ўртоқлари билан Пилосга
Олиб бориб келган кема Итакага кириб ҳам келди.
Денгизчилар теран бандаргоҳга олиб кириб кемани,
Биргалишиб қуруқлиққа чиқардилар; югурдак қуллар
Кемадаги шоҳ Менелай совғаларин олиб тушдилар
325. Ва барини олиб бориб жойладилар Клит уйига.
Сўнг даракчи юбордилар денгизчилар Пенелопага
(Онаизор ўғлин кўмсаб, бекорга кўзёш тўкмасин, деб)
Ўғлин қайтиб келганини ва кемани шаҳар жўнатиб,
Ўзи даштга кетганини айтиш учун. Йўлда даракчи
330. Телемахнинг амри билан маликанинг истиқболига
Кетаётган Евмейга дуч келиб қолди ва икковлари
Шоҳ Одиссей саройига биргаликда кириб бордилар.
Жориялар билан турган маликага деди даракчи:
«О маликам, қайтиб келди Итакага суюк ўғлонинг».
335. Вале Евмей яқин бориб соҳибаси Пенелопанинг
Қулогига Телемахнинг топшириғин пицирлаб айтди.
У гапини айтиб бўлиб тарқ этди шоҳ саройини ва
Шошганича қайтиб кетди чўчқалари ёнига яна.
Ёв куёвлар бу хабарни эшиштган он руҳлари тушиб,
340. Базмгоҳдан ташқарига чиқдилар-да ғов тагидаги
Сип-силлиқ тош курсиларга ўтиридилар қатор тизилиб.
Куёвларга деди шунда Полибийнинг ўғли Евримаҳ:
«Аҳвол чатоқ! Телемахдан кутмагандик бундай мардона
Жасоратни – у сафардан соғ қайтибди. Энди биз дарҳол
345. Пистирмада пойлоқчилик қилаётган дўстларимизни
Итакага қайта олиб келиш учун учқур кемада
Абжир йигитларимизни жўнатаильик!» Еврилоҳ гапин
Ҳали тамом қилмасидан, Амфином ўз ўрнидан туриб,
Бандаргоҳга эндинигина сузуб кирган кемани кўрди;
350. Кема аҳли – денгизчилар йифиштира бошлагандилар
Анжомлару эшкакларни. Кулиб туриб деди Амфином:
«Хожати йўқ энди кема юборишнинг; ана, ўзлари
Қайтиб келди. Назаримда, бирон тангри кўнгилларига
Солган ёки ўзлари ҳам Телемахнинг учқур кемасин
355. Кўриб қолиб, орқасидан қувганлару етолмаганлар». Шундай деди; ҳамма туриб ўрнидан, йўл олди соҳилга.
Мана, қора биқин кема қирғоққа ҳам чиқарилибди.
Куллар зумда кемадаги силоҳларни олиб кетдилар;
Ҳамма куёвлар майдонга жам бўлдилар зеро ҳеч кимса
360. Ҳеч ким билан мусоҳаба қилмаслиги шарт эди ҳозир.
Ана шунда Евпейт ўғли мутакаббир Антиной деди:
«Эҳ, уларга тангриларнинг ўзи паноҳ бўлибди, аттант!

Бизлар ҳар күн шамол бўса олаётган чўққига чиқиб,
Йўлларини пойлагандик; қўёш ботгач эса доимо

365. Бутун тун то тонг отгунча уни кутиб, дарҳол жонини
Олиш учун ҳар тарафга сузар эдик учқур кемада.
Афсус, даймон уни бу пайт Итакага олиб ўтибди.
Сизга айтсан, бу ерда ҳам биз амалга оширишимиз
Мумкин ўшал режамизни; биздан қочиб қутулолмайди;
370. Лек у тирик экан, ета олмагаймиз ниятимизга:
У улгайган, пухта энди тафаккури, қилган ишлари;
Итакаликлар ҳам энди аввалгидай мойилмас бизга;
Биз биринчи галда гумдон қилишимиз керак зумраша
Телемахни – улгурмасдан у халқидан мадад сўрашга;
375. Гар кечиксак, аминманки ижро этур у ниятини
Ва ғазаби қайнаб бутун элга ошкор қилур бизларнинг
Хуфиёна режамизни; билингки, халқ маъқулламагай:
Ғазаб отига миниб, у бизни қувғин қилиши мумкин
Ота юртдан; унда бизлар ҳар томонга тарқаб кетамиз.
380. Келинг, уни бирон пасқам жойда ёки овлоқ қўчада
Маҳв этайлик; ана шунда унинг бутун молу давлати
Тақсимланур ўртамизда; уйни эса берақоламиз
Пенелопа билан унинг танлагани янги эрига.
Агар менинг маслаҳатим сизга маъқул бўлмаса ва сиз,
385. Телемахнинг ўзи эга бўлсин ота мулкига, дея
Жонига қасд қилишдан бош товласангиз, барҳам топажак
Саройдаги кунда бўлиб турган айшу ишратларимиз.
Унда ҳамма уй-уйига тарқаб кетиб, ҳар ким совчисин
Юборади бисёр совға-салом билан ва Пенелопа
390. Ичимиздан энг оқкўнгил, қўли очиқ бирон азамат
Йигитга ўз ихтиёри билан дарров тегиб олади».
Шундай деди у; қолганлар қулоқ солиб жим ўтирилар.
Лек малика Аретанинг насабидан бўлган Нис ўғли
Олижаноб Амфином шу пайт юзланиб мажлис аҳлига,
395. Гап бошлади; зироатзор Дулихийдан келган эди у
Итакага ва ўҳшамас эди бошқа куёвларга ҳеч.
Унинг доно нутқи, эзгу ниятлари Пенелопага
Кўпроқ мақбул бўлар эди; у мажлисга юзланиб деди:
«Йўқ, дўстлар! Мен Телемахнинг жонига қасд қилмам
ҳеч қачон;
400. Шоҳ ўғлини қатл қилиш энг даҳшатли разолат эрур;
Аввалимбор, тангриларга сифинмоқ ва улар хоҳишин
Билмоқ зарур; гар Зевс маъқул тонса бизнинг ниятимизни,
Ўзим уни маҳв этишга рози бўлгум, бошқаларни ҳам
Шунга даъват этгум албат; мабодо Зевс маъқул топмаса,
405. Менинг сизга маслаҳатим: ўзингизни тийинг бу ишдан».
Шундай деди; ва бошқалар маъқуллаши унинг таклифин.
Кейин ҳамма яна қайтди Одиссейнинг базмгоҳига

- Кириб келиб ўтирдилар юмшоқ курсиларга күёвлар.
Лек оқила Пенелопа бир режани күзлаб, күшкидан
410. Баттол күёвлар олдига тушиб келди; эшиганди у Телемахни маҳв этмоқчи бўлганларин – бу гапни унга Айтганди оққўнгил Медонт; Пенелопа зинапоядан Шоша-пиша тушиб келди икки каниз кузатувида; Кириб борди базмгоҳга маъбудаваш бу дилбар аёл
415. Ва тўхтади баланд шифтга таянч бўлган устун тагида Юзин заррин уртуқ билан тўғсанича ва Антиойга Юзланиб у шундай деди: «Эй найрангбоз бевош Антиой, Одамларнинг айтишича, Итакада сен энг донишманд Зот эмишсан күёвларнинг орасида гапда ва ишда;
420. Лекин айт-чи, қани ўша эл мақтаган чўнг заковатинг? Кутирган ит! Телемахни ўлдиргани чоғланганмишсан! Сабаб нима? Нима учун сен Зевснинг арзандалари – Етимларга паққос зуфум қилмоқчисан? Ё билмайсанми, Фақат бадбин одамгина ўз дўстига чоҳ қазишини?
425. Ё эсингдан чиқдими, айт, тафий қароқчилари билан Иноқлашиб, садоқатли дўстларимиз феспротларнинг Юртин форат қилганий-чун эл қаҳрига учраган отанг Кўрқиб қочиб келганини шавҳаримнинг паноҳига, а? Халқ отангга шафқат қилмай юрагини суғуриб олиб,
430. Бутун молу давлатини буткул торож қилмоқ бўлганди; Шоҳ Одиссей отанг ёнин олиб халқни тинчитган эди; Сенчи – эрим давлатини итдай талаб, унинг завжасин, Эрга тег, деб қийнаяпсан, ўлдирмоқчи бўляпсан ўғлин. Йўқ, ҳаддингдан ошма! Сен ҳам, ўзгалар ҳам бўлсин эҳтиёт».
435. Полибиининг ўғли шундай жавоб қилди Пенелопага: «Хотиржам бўл, эй қария Икарийнинг оқила қизи Пенелопа; нечун бундай ваҳимага тушмоқдасан сен? Тангриларнинг арзандаси Телемахни ўлдирмоқ учун Кўл кўтарган одам бизда бўлган эмас, йўқ ва бўлмас ҳеч.
440. Ҳа! Мен тирик эканман, шу пок заминни кўзим кўраркан, У ўлмайди – ҳамма гувоҳ бўлсин менинг айтган гапимга; Вожиб бўлгай гапим албат – ўшал қотил менинг найзамдан Ўз қонига ғарқ бўлажак. Ҳеч унутмам – Одиссей мени Бир пайтлар тиззасига ўтқазволиб май ичиради.
445. Гўшт берарди эркалаб. Йўқ, Телемахни ҳеч ким маҳв этмас, Алалхусус, биз күёвлар. Лек тақдирдан қочиб бўлмайди». Унинг тили шундай деди, лекин дили бошқача эди. Пенелопа мунаvvар хобхонасига қайтиб чиқди ва То Афина кўзларига ширин уйқу уфурмагунча,
450. Ўз маҳбуби Одиссейни эслаб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Кекса Евмей Одиссей ва унинг ўғли истиқболига Қайтганида қош қорая бошлаганди. Ота ва бола Битта чўчқа боласини сўйиб кечлик пиширадилар. Лекин ундан сал олдинроқ бу қўрага келган Афина

455. Олтин таёқчасин яна Одиссейга аста теккизиб,
Айлантириб қўйган эди уни жулдурувақи бир чолга, –
Ичиди сир ётмайдиган Евмей таниб қолса гар уни,
Маликага бу хабарни етказмоқ-чун дарров шаҳарга
Чопарди-да. Ёш Телемах кўриб уни сўроққа тутди:
460. «Евмей, қайтиб келдингми? Айт, нима кўрдинг?
Не гап эшиитдинг?
Пистирмадан қайтиб келибдими анов куёв тўралар?
Ё ҳали ҳам йўлим пойлаб ўтирганми экан, нодонлар?»
Телемахга олижаноб Евмей шундай жавоб айлади:
«Куёвларни суриштириш хаёлимга ҳам келмаганди.
465. Менинг ишим – шаҳар бориб, тезроқ сенинг топшириғингни
Бажаришу тезда ортга қайтиб келиш эди, чироғим.
Лек саройга кета туриб, сенинг ҳамроҳларинг юборган
Чопарга дуч келдим йўлда – аввало у Пенелопага
Ҳамма гапни баён қилди; ва лекин мен ўз кўзим билан
470. Кўрганим бир воқеани сенга сўзлаб беришим мумкин:
Мен шаҳарга яқин бориб, баланд Эрмей тепалигидан
Бир кеманинг бандаргоҳга сузиб кираётганин кўрдим;
Унда баҳрийлар кўп эди; ярақларди қуёш нурида
Қалқонлару икки дамли мис найзалар; тағин ким билсин –
475. Аниқ бир гап дейёлмайман; назаримда, ўшалар эди».
Деди Евмей. Ва Телемах астагина табассум қилди
Отасига, лекин буни сездирмади чўчқабоқарга.
Кечлик пишди, ҳамма тановул қилгани келиб ўтирди;
480. Ушбу лазиз хушхўр таом хушнуд этди барчанинг дилин;
Ва тангрилар ато этди барчага тинч, оромбахш уйқу.



ҮН ЕТТИНЧИ ҚҮШИҚ

- Кирмиз бармоқларин ёйиб балқди күкка навниҳол Эос.
Тангриларнинг арзандаси олиҳиммат Одиссейзода
Телемах зар шиппакларин боғлаб ажиб оёқларига,
Қўлга олди жанговар мис тиғли ўткир найзасини ва
5. Жўнамоққа шайланаркан, буйруқ берди Евмейга шундай:
«Мен шаҳарга кетмоқдаман, онам ила юз кўришгани;
Гар дийдорим кўрмаса у, қўмсаб мени йиглайверади;
Мусофири эса сенга топшираман; уни шаҳарга
Сен олиб бор, майли, йифиб садақа у боқсин ўзини;
10. Ахир кимдир, раҳми келиб, бир бурда нон, ё бир қултум май
Хайр қилар, дейман унга. Лек мен ҳомий бўлолмам барча
Қашшоқларга; шундоқ ҳам, ўз ташвишларим ошган бошимдан;
Гар меҳмонинг хафа бўлса бу ганимдан, ўзига қийин;
Биласанку, ҳеч кимсага қилмайман мен тилёғламалик».
15. Соҳибнайранг шоҳ Одиссей унга шундай жавоб айлади:
«Азиз дўстим, мен ўзим ҳам хоҳламайман бунда қолишни,
Гадонинг кун кечириши даладамас, шаҳарда осон,
Зеро, унда кўпdir хайр қилувчилар бу ердагидан.
Ёшим ўтиб қолган менинг, чўпонларга кўмак беролмам,
20. Улар қиладиган оғир ишга энди кучим етмайди.
Сен яхши бор, биродарим, мен сал кейин, кун исиганда,
Бироз гулханда исиниб, кейин хожам билан жўнайман;
Йўқса, жулдур кийимда мен совуқ ейман — тонгги изфирин
Баданимни жунжитади; шаҳар анча узоқ эмишкү»,
25. Деди ота. Ва Телемах, қандай қилиб ёв куёвларни
Маҳв этишни ўйлаганча, шаҳдам-шаҳдам юриб, ҳовлидан
Чиқиб кетди ва уйига эсон-омон етиб ҳам борди.
У жанговар найзасини тираб қўйиб азим устунга,
Остонадан ҳатлаб уйга кирап экан, даставвал унинг
30. Кўзи тушди ўз меҳрибон энагаси Евриклеяга:
Кампир ором курсиларга тўшар эди майин пўстаклар;
Телемахни кўриб йиглаб юборди у; буни эшишиб
Саройдаги оқсоchlару жориялар чопиб келдилар
Ва йинглашиб шаҳзоданинг боши, қўли, елкаларини
35. Қучиб ўпа бошладилар. Чиқди шу пайт хобхонасидан
Онажони Пенелопа; латофатда нусҳа олганди
У маъбуда Афродита ва навниҳол Артемидадан;
Ўғлонини у оналик меҳри ила босиб бағрига,
Ўпар экан унинг юзи, кўзи, боши ва қўлларидан,

40. Кўп барқанот сўзлар айтди: «Нури дийдам, яхши келдингми? Нечун менга ҳеч гап айтмай жўнаб кетдинг қумлоқ Пилосга Бирон янги хабар топиш ниятида отанг ҳақида? Кетганингни эшитдиму, оҳ ўғлимдан жудо бўлдим деб. Ҳеч ўзимни босолмадим, йифлайвериб бағрим хун бўлди.
45. Қани, гапир ҳаммасини, нима кўрдинг, нелар эшитдинг?» Мехри жўшиб жавоб берди Одиссейнинг зукко ўғлони: «Оҳ онажон, фалокатдан аранг омон қолган қалбимни Ваҳимага солиб яна ўртамагин; ундан кўра, сен Тез ювиниб тоза лиbos кий ва барча жорияларинг
50. Билан чиқиб хобхонангга, тангриларга тавалло қил-да, Гар ёвларни маҳв этишда мадад берса бизга тангри Зевс, Гекатомба бахш этмоққа ваъда бергил аҳли самога. Мен майдонга бориб ҳозир, топай йўлда ҳамроҳим бўлган Бир одамни: кеча уни жўнатгандим Пирейга қўшиб,
55. То даладан қайтгунимча уницида туриб турсин, деб». Пенелопа ўғлонининг гапи билан, ювиб-таранди, Тоза лиbos кийиб, боқий тангриларга тавалло қилди, Гар ёвларни маҳв этишда чақмоқдор Зевс мададкор бўлса, Гекатомба бахш этишга ваъда берди аҳли самога.
60. Бу аснода Телемах шоҳ саройидан чиқди майдонга Найзасини қўлга олиб, эргаштириб икки итини; Афинея унга шундай нодир ҳусн бахш этгандики, Ўтган-кетган қўриб унинг тароватин ҳайронлар қолди. Авбош куёвлар тез уни ўраб олиб, шакар тил ила
65. Хушомадни дўндирдилар, лекин заҳар эди диллари. Телемах кўп ўтирумади улар билан; у садоқатин Одиссейга мудом сақлаб қолган Ментор ёнига борди; Ўтиради у Антифат ва Алиферсларнинг ёнида; Телемах шу акобирлар даврасига келиб ўтириб,
70. Сўзлаб берди ўз бошидан кечган жами саргузаштларни. Салдан кейин Пирей келди Феоклимен ила бу ерга; Улар шаҳар кўчаларин сайр қилиб қайтган эдилар; Одиссейзод бот-бот эслаб турганди бу башоратгўйни, Яқин борган Телемахга авват Пирей такаллум қилди:
75. «Меникига юбор жорияларингни, қадрдон дўстим, Менелайнинг совғаларин саройингга олиб кетсинлар». Жавоб қилди Одиссейнинг тангримоманд ўғли Телемах: «Содиқ дўстим, пешонага не ёзилган – бизлар фофилиз; Балки ҳали маҳв этурлар ўз уйимда мени куёвлар,
80. Кейин бизнинг бутун бойликларимизни бўлиб олурлар; Шундай бўлса, куёвлармас, сен меросхўр бўл туҳфаларга; Лек, тангрилар амри ила, гар маҳвкор Кера уларни Жонларидан жудо қилса, унда ўзинг ул совғаларни Олиб бориб саройимга, юрагимни қувонтирасан».
85. Шундай деб у бошлиб кетди ўз уйига кўп машақатлар Чеккан фарид мөхмонини. Етиб боргач улар саройга,

- Дарров ечиб кийимларин, курсиларга таҳладилар-да
Гир атрофи сип-силлиқ тош ҳовузчага тушиб икковлон
Чўмилдилар. Чўри хотин ювинтириди, баданларига
90. Зайтун мойи сурди. Шундан кейин улар эгниларига
Нафис хитон ва мантия кийдилар-да, ҳаммомдан чиқиб
Курсиларга ўтиридилар. Алҳол оқсоч хотин бу ерга
Кумуш дастшў билан салқин сувга тўла бир тилла қумғон
Келтирди қўл ювдиргани; кейин суриб қўйди столни;
95. Бу столга захирадан нону намак, турфа таомлар
Қўйди азиз меҳмон учун саховатли қалитдор аёл.
Сал нарида, қўштавақа залвар эшикка яқин жойда
Пенелопа ип йигириб ўтиради ором курсида.
Йигитлар қўл узатдилар дастурхонга. Лазиз таомга
100. Тўйгач улар, фаросатли Пенелопа деди ўғлига:
«Гар сен ҳозир шум қуёвлар йўқлигида менга падаринг
Тўғрисида янги бир гап айтмоқликни хоҳламаскансан,
Майли, ўғлим, унда онанг ўз эрининг Менелай учун
Қасд олгани Трояга кетганидан бери, кўзёши,
105. Оҳ-ноласи, фам-ҳасрати маскани ва гувоҳи бўлган
Тепадаги хобхонага чиқиб ётақолсин жимгина;
Айт, тирикми азиз отанг? Итакага қайтиб келганми?»
«Оҳ онажон, — жавоб қўлди Одиссейнинг донишманд ўғли, —
Эшит, ҳеч сир яширмасдан ҳаммасини сўзлаб бераман.
110. Биз Пилосга бордик аввал, у ерда ҳалқ чўбони Нестор
Ўз муҳташам саройида мени худди кўп йил куттириб,
Охир қайтиб келган азиз ўғлонини қарши олгандай,
Очиқ чеҳра, самимий меҳр ила кутиб олди. Несторнинг
Ҳамда Несторзодаларнинг илтифоти беқиёс бўлди.
115. Лекин отам ҳақила чол ҳеч янги гап айтаолмади;
Тирикми у, ё дарбадар юрибдими рўйи заминда,
Ёки ҳалок бўлганмикин — бу ҳақда ҳеч гап эшитмабди.
Кейин Нестор менга гумбур жангароба ва отлар бериб,
Спартага, шоҳ Менелай хузурига юборди. Унда
120. Мен минг-минглаб ахейлар ва сон-саноқсиз трояликлар
Ўлимига, тангриларнинг амри билан, сабабчи бўлган
Аргослик ҳур Еленани кўрдим. Атрид Лакедемонга
Не мақсадда келганимни сўраб-сuriштира бошлади.
Мен уйимда бўлаётган баҳтсизликлар ҳақида унга
125. Бутун тафсилоти билан сўзлаб бердим ҳеч сир яширмай.
Шоҳ Менелай менга шундай гаплар билан жавоб айлади:
«Вой бадбаҳтлар! Ҳали ўша қўёнюрак такасалтанглар
Булғамоқчи бўлишдими диловар эр никоҳ тўшагин?
Она буғу янги туққан эмизикли болаларини
130. Қонхўр шернинг ўрмондаги уясида қолдириб, ўзи
Ўтлагани тоғ ёнбағри, дала-даштга кетса-ю, бу пайт
Шер инига қайтиб келса, кўзи тушиб болакайларга,

Ҳаммасини аямасдан бир лаҳзада ғажиб ташларди.

Күёвлар ҳам Одиссейдан ҳали шундай азоб кўурлар.

135. О тангри Зевс, о маъбуда Афинея, о Феб Аполлон!

Бир пайтлар шоҳ Одиссей одамлари гавжум Лесбосда
Филомилед полвон билан кураш тушиб, курагин ерга
Теккизганда бутун ахей аҳли қандоқ мамнун бўлганди.
Гар Одиссей күёвларнинг даврасига шу важоҳатда

140. Кириб борса, никоҳ тўйи оғу бўлур албат уларга.

Мен ҳам сенга сўзлаб берай ҳамма кўрган, эшигтанларим;
Ростгўй денгиз қариясидан нимани эшигтан бўлсан
Бир сўзини ҳам яширмай, барин айтгум; – у деган эди:
– Мен Итака хукмдори Лаэртзода шоҳ Одиссейни

145. Маъбудалар маъбуласи оролида кўриб қолгандим,

Ҳашаматли бир гўшада юм-юм йиглаб ўтирган эди;
Энди унинг ватанига қайтадиган йўли тўсилган:

Шўх денгизнинг тўшин тилиб ота юрга қайтмоғи учун
Йўқdir унинг кемаси ҳам, ҳатто баҳрий ҳамроҳлари ҳам».

150. Шу гапларнинг ҳаммасини сўзлаб берди менга Менелай.

Спартани тарқ этиб мен қайтдим уйга, тангрилар бизга
Боди мурод йўлладилар ва биз омон етдик ватанга».

Пенелопа ваҳимага тушди ўғлин бу қиссасидан.

Шунда заки Феоклимен маликага юзланиб деди:

155. «Икарийнинг доно қизи Пенелопа, ваҳима қилма;

Ўғлинг кўп гапдан бөхабар; қулоқ согил менинг гапимга:
Мен сизларга юз беражак воқеани башорат қилгум;
Сарпадар Зевс ҳаққи, сизнинг меҳмоннавоз таомингиз ва
Одиссейнинг уйидаги қудсий ўчоқ ҳаққи, мен қасам

160. Ичаманки, шоҳ Одиссей ҳозир ота юртидадир, у

Бирон ерга ёки уйга пўсиб кириб, кузатаётир

Ҳар ёқни ва күёвларни маҳв этишни режалаётир.

Денгиз бўйида кўрганим башоратли қуш келажакни

Менга аён қилди ва мен ҳамма гапни айтдим ўғлинга».

165. Соҳибкароматга жавоб қилди шунда доно малика:

«Эй ажнабий меҳмон, агар башоратинг рўёбга чиқса,
Бизларга сен энг эъзозли дўст бўлурсан ва кўп тухфалар
Олурсанки, бундай баҳтни кўрган ҳар ким ҳайратда қолур». Кўп нарсалар тўғрисида улар дилдан суҳбатлашдилар.

170. Одиссейнинг тош терилган ҳовлисида бу пайт күёвлар

Шангиллашиб ҳалқа ва тиф отиш билан машғул эдилар.

Бу маҳал ҳар тарафдаги далалардан чўпонлар эчки

Ва кўйларни ҳайдаб келди, ҳар кундаги одат бўйича.

Күёвларнинг югурдаги Медонт таклиф қилди ҳаммани

175. Ичкарига: «Хой йигитлар, етар шунча ўйнаганингиз;

Келинг энди, биргаллашиб тушлик таом пиширайлик биз –

Икки карра лаззатлидир ўз вақтида ейилган овқат».

Күёвларнинг жони-дили эди овқат, улар ичкари

Кириб, устки либосларин курсиларга ташладилар-да

180. Бўрдоқи қўй, эчкиларни бирин-кетин бўғизладилар.
Семириб жиққа мой бўлган қобонларга тифлар тортдилар;
Яна битта катта буқа ҳам сўйилди. Куёвлар овқат
Пиширишга киришдилар. Бу пайт Евмей билан Одиссей
Йўлга отланар эканлар, деди мезбон Лаэрт ўғлига:
185. «Азиз меҳмон, мен хожамнинг амри билан сени шаҳарга
Олиб боргум. Хоҳлайсанми ўзинг шуни? Ростини айтсам,
Сени бунда соқчи қилиб олиб қолсам яхши бўларди;
Лек хожамнинг буйругини бажармасам, қолгум балога;
Яхши эмас, гар соҳибинг сўкса сени. Бўлди, кетдик. Вақт
190. Тушдан оғди; кечга бориб изғирин ҳам эса бошлайди»,
Деди Евмей. Жавоб қилди соҳиби дил Одиссей унга:
«Ҳа, биламан, биламан мен, тушунарли ҳамма гапларинг,
Бажараман айтганингни; қани, кетдик, бўл кузатувчим.
Лек олдин сен таянгани ҳассабоп бир таёқ топ менга;
195. Йўл оғир ва анча узоқ, йиқилмайин тағин қоқилиб».
Шундай деб у елкасига илди ямоқ-ясқоқ тўрвасин
(Бу тўрванинг боғичлари тасма эмас, арқондан эди).
Сўнг чўпонлар ва итларни уйда соқчи қилиб қолдириб,
Икковлари йўлга тушди – чўчқабоқар ўз хожасини
200. Шаҳар сари бошлаб кетди. Бу аснода унинг хожаси
Кирган эди қинғир ҳассага таяниб, оёғин судраб
Босаётган рамақижон фариб чолнинг қиёфасига.
Улар ўнқир-чўнқир йўлдан аста-аста юриб, шаҳарнинг
Чеккасига етдилар. Бу ерда шаффоф чашма бор эди;
205. Гир атрофи сип-силиқ тош бу илоҳий зилол чашмадан
Сув ичарди шаҳар аҳли. Бир замонлар Итак, Нерион
Ва Поликтор бу ҳовузни қургандилар; унинг лабида
Қандоғочлар сувга соя солиб турад ва муздай чашма
Суви санамлар меҳроби турган қоя бошидан оқиб
210. Тушар эди; Ўтган-кетган одамлар бу жойда тангрилар
Шарафига қурбонликлар қиласдилар. Лаэртзода ва
Евмей бунда эчкибоқар Меланфийга тўқнаш келдилар;
У сурувдан танлаб семиз эчкиларни, дўстлари билан
Ҳайдаб кетаётган эди куёвларнинг зиёфатига.
215. У Евмей ва Одиссейни кўриб қолиб, икковларини
Ўдағайлаб сўка кетди, Одиссейни ғазаблантириб:
«Ё тавба, бир маҳлуқ яна бир маҳлуққа ҳамроҳ бўлиди.
Тангрилар ҳам, ўҳшатмасдан учратмас, деб ҳақ гапирганлар.
Эй бефаҳм, қайга бошлаб кетяпсан бу ювиндихўрни?
220. Қасмоқ босган елкасини ишқаб эшик кесакисига
Қашинувчи бу мараз гар тиланчилик қилса шаҳарда,
Сийлагайлар ит емаган сарқитларни қилиб садақа.
Гар юборсанг эди бизга, соқчи бўлиб молхоналарга,
Тезакларни тозаларди, улоқларга похол тўшарди;
225. Қарабсанки, қатиқ, сутдан жири битиб, қорин қўярди.
Лек тер тўкиб меҳнат қилиш ёқармиди бу текинхўрга!

Ундан кўра, тиланчилик қилиб топган садақани еб,
Пуч қорнини қаппайтириш осонроқку бу очофатга.
Ха, қуйиб ол қулоғингга – айтгандарим ижобат бўлгай;
230. У Одиссей саройига кирса агар, куёвлар отган
Курсичалар дўл мисоли ёғилажак унинг бошига,
Кейин судраб оёғидан, синдирурлар қовурғаларин».
Шундай деб у яқин келиб Одиссейнинг сонига тепди,
Лек Одиссей йиқилмади, қилт этмади турган жойида.

235. Густоҳликдан ғазабланган Лаэртзода эчкибоқарнинг
Орқасидан қувиб, уни ҳасса билан маҳв этишга ҳам,
Ҳатто ерга уриб бошин, миясини мажақлашга ҳам
Тайёр эди. Лек ўзини тийди бундан. Евмей чўпонни
Койир экан, кўкка чўзиб қўлларини тавалло қилди:
240. «О пок чашма санамлари, Зевс қизлари, гар шоҳ Одиссей
Бир пайтлар эчки ва қўйларин сўйиб, улар сонини
Чарви ёфга ўраб, сизга қурбонликлар баҳш этган бўлса,
Тавалломни қабул айлаб, Одиссейни қайтаринг бизга;
Шояд уни бошлаб келса ватанига хушатвор Даймон!
245. Ана унда таъзирингни берарди у сен чиранчоқнинг;
Кейин ҳадеб ишни ташлаб канда қўймас эдинг шаҳарга».
Лек Меланфий жавоб қилди Евмейга бул эътиroz ила:
«Намунча, ит, акиллайсан! Бирон жоду ўйлаб топдингми?
Шошма ҳали, сени олиб кетиб қора биқин кемада,
250. Бегона юртда қул қилиб сотмасам гар юрган эканман;
Бунда эса, Телемахни Аполлоннинг овозсиз ўқи
Маҳв этажак, ёки куёвлар шамшири жонин олажак,
Худди ўзга заминларда тентиб юриб, ота юртига
Қайтишдан бенасиб бўлган ўз падари Одиссей каби».
255. Шундай деб у жўнаб кетди икковлонни йўлда қолдириб.
Меланфий шоҳ саройига етиб борди ва базмгоҳга
Кириб, тўғри Евrimахнинг қаршисига бориб ўтириди –
У қўпроқ шу Евrimахга қилар эди хушомадгўйлик;
Дастёр унга гўшт келтириди; нон ва ўзга егуликларни
260. Захирадан олиб келиб қўйди унга калитдор аёл.
Бу пайт чўчқабоқар билан Одиссей ҳам етиб келдилар
Шоҳ қасрига; шунда улар қулоғига базмхонадан
Соз навоси эшитилди, кейин унга жўр бўлди қўшиқ –
Фемий куйлар эди. Лаэрт ўғли ушлаб Евмей қўлидан
265. Деди: «Дўстим, биз шавкатли Одиссейнинг уйига келган
Бўлсак керак. Уни таниш осон ўзга уйлар ичидан:
Бу ёруғ ва кенг хоналар, кунгирали деворлар билан
Ўралган бу тош саҳни текис ҳовли, бу залвар қулфли
Қўш тавақа дарвоза... Бу жойни ҳеч ёв забт этолмагай.
270. Ичкарида овқатланишмоқда чоғи; хушбўй гўшт иси
Димоғимни қитиқлади; яна менга эшитилмоқда
Тангриларнинг хоҳиши-ла яратилган шўх зиёфатлар

Кўрки — ажиб хушоҳанг соз торларининг садолари ҳам».

Одиссейга тангримоманд Евмей шундай жавоб қайтарди:

275. «Гапинг рост, сен ҳаммасини тўғри топдинг —

донишмандсан-да;

Лек биз олдин пухта ўйлаб кўрмоғимиз керак бу ерда

Не қилишни: айт, олдин сен кириб куёвларнинг кўзига

Кўринишинг ва бу ерда мен қолишим керакми, ёки

Сен ҳовлида ёлғиз қолиб, ичкарига мен кирсаммикин?

280. Агар қолсанг, тағин битта-яримта кас ҳезланиб, бирон
Нима отиб сени майиб қилмасин-да — ҳушёр бўл, дейман». Кув Одиссей жавоб қилди янгроқ сас-ла чўчқабоқарга:
«Ҳамма гапингта тушундим; сен олдин кир фақат бир ўзинг;
Ҳозирча мен шу ҳовлида қола турай; мен ҳаётимда

285. Кўп марта калтак еганман, кўп тошбўрон қилишган мени;
Азобларга, денгиздаги тўфонларга, жанггоҳлардаги
Энг даҳшатли жангларга ҳам дош берганман; мана, ҳозир ҳам
Майли, вожиб бўлаверсин Дий ҳоҳиши. Лек фақат қорин
Талабини ҳеч қондириб бўлмас экан. Фоний бандани

290. Мудом қийноққа солувчи бу суқ золим амри-ла ҳатто
Қовурғалари бақувват кемалар ҳам ювош элларни
Хонавайрон қилиш учун* кезадилар денгизма-денгиз». Икковлари кўп нарсалар тўғрисида гурунглашдилар.

Аргус номли ит эшитиб улар сасин, қулоқ чимириди

295. Бош кўтариб; илгари у Одиссейнинг кўппаги эди;
Шоҳнинг ўзи боқиб катта қилган бўлса ҳамки Аргусни,
Ҳеч шикорга чиқмаганди. Чунки сузиб кетган эди у
Илионга. Ёшлир бугу, қуён ҳамда ёввойи эчки
Ов қилдилар Аргус билан. Энди уни унутворганлар;

300. Эгаси ҳам йўқ. Қопқанинг ёнбошида хачир, сигирлар
Гўнги баланд уйилганди; ҳар йил кузда уни Одиссей
Даласига ўғит қилиб тўкардилар. Чалажон Аргус
Ётар эди гўнг тепада одамларга «пуф сассик» бўлиб.
Вале сезиб Одиссейнинг исин, аста ғимирилаб кўйди,

305. Қулогини чимириди ва думин ликиллатди кувониб;
Лек мажол йўл эди унда эгаси пойига судралиб
Бориш учун. Шоҳ Одиссей қиё боқди вафодорига
Ва Евмейга сездирмасдан кўзёшини артди-да леди:
«Қизиқ, анов гўнгтепада ит ётибди — зотли қўринур,

310. Лек чопишда, эпчилликда ҳам зотига тортганмикин у,
Ё киборлар зийнат учун боқадиган итмикин фақат?»
Одиссейга жавобан сен, Евмей, шундай такаллум қилдинг:
«О, бу олис ўлкаларда нобуд бўлган хожамнинг ити;
Гар у ҳозир ҳам, Одиссей Трояга жўнаётган чоф

315. Уйда қолган ҳолатида бўлганлайди, чопқирилигини,
Мардлигини кўриб ҳайрон қолар эдинг; ўрмонзордаги
Илвасинлар ундан қочиб ҳеч бир ерга беркинолмасди;

Ха, бағоят сезгир эди, энди эса ташландик матоҳ;

Эгаси ҳам қазо қылган ёт ўлкада; чўри, оқсоchlар

320. Шўрлик итни унуганлар, аҳволидан хабар олмаслар.

Қул ялқовдир; гар соҳиби уни зўрлаб ишга солмаса,

Меҳнат қилиш учун унда йўқдир асло хоҳиш-ирода:

Зероки Зевс қай бандасин маҳкум қылган бўлса қулликка.

Уни эзгу хислатларнинг ярмисидан айлагай маҳрум».

325. Шундай деб у кириб кетди ичкарига, куёвлар ишрат

Қилаётган базмгоҳга. Худди шу пайт Мойра, йигирма

Йилдан кейин ўз соҳибин энди кўрган итни маҳв этди.

Энг аввало ҳар ён аланг-жаланг боқиб юрган Евмейни

Ёш Телемах кўриб қолди ва бош ирғаб уни чақириди;

330. Евмей олиб бўш турган бир ўтиргични (унда куёвлар

Баковули ўтиради), Телемахнинг рўпарасига

Олиб келиб инди унга; бир югурдак Евмей олдига

Пишган гўшт ва нон келтирди. Шу пайт тангриваш Одиссей ҳам

Елкасига тўрва осган гадо бир чол қиёфасида

335. Қингир ҳассасин таяниб оёғини судраб босганча,

Меҳмонхона эшигидан кириб келди базур имиллаб.

У ўтириб бўсағада, обдор эшик кесакисига

Суянди (бу кесакини болта билан моҳир дуродгор

Йўниб, ўроқ-рандаси-ла силлиқ қилиб пардозлаганди).

340. Телемах бу пайт саватдан нон танлади ва анча-мунча

Мазали гўшт олиб, шундай бир гап айтди чўчқабоқарга:

«Буларни сен, Евмей, чолга олиб бориб бер ва айтгинки,

Овқатланиб бўлгач, ҳамма куёвларнинг олдига бориб,

Хайр-садақа сўрасин – муҳтоҷликда кун кечиравчи

345. Фариблар-чун тиланчилик қилиш асло уят эмасдир».

Евмей унинг амрин тинглаб, Одиссейнинг ёнига борди.

Яқин бориб баландпарвоз қалом айтди у Одиссейга:

«Буни сенга хожам бериб юборди ва тайинладики,

Куёвлар олдига бориб сўрармишсан хайр-садақа –

350. Фарибларнинг тиланчилик қилишлари уятмас, деди».

Шундай дея жавоб қилди соҳибнайранг Одиссей унга:

«Телемахга ато этсин тангри Зевс роҳат-фарофат?

Дилидаги унинг барча ниятлари бўлсин ижобат!»

Шундай деб у нон ва гўштни икки қўллаб аста олди-да,

355. Қўйиб тўрваси устига, тановулни бошлаб юборди;

Бу пайт ҳофиз Фемий қўшиқ куйлай кетди эҳтирос ила.

Одиссейнинг қорни тўйган, Фемий қўшиқни тугатганда,

Яна шовқин кўтардилар меҳмонхонадаги куёвлар;

Афинея Лаэрт ўғлин тепасига кўринмай келиб:

360. «Тур ўрнингдан, столларни айланиб сен тиланчилик қил» –

Деб амр этди: синаб кўрмоқчи эди у бу куёвларнинг

Қайси бири ҳожатбарор, қайси бири бадкирдорлигин;

Аммо раҳм-шавқат қилмоқчи эмасди бировига ҳам.

Одиссей ўрнидан туриб, гадо сифат қўлларин чўзиб

365. Юарар экан, күёвлардан хайр-эхсон сўрай бошлади.
Базм аҳли шўрлик чолга раҳм қилди ва билмоқ бўлди
Унинг қайдан келганини, кимлигини. Куёвлар билан
Улфатчилик қилаётган можарокаш Меланфий деди:
«Эй ҳимматли маликамиз ошиқлари, тингланг гапимни –
370. Кўрган эдим бу гадони ҳали келаётганимда мен;
Назаримда, уни чўчқабоқар Евмей бошлаб келган-ов;
Вале билмам кимлигини, юрти қайда эканлигини».
Шундай деди. Ва Антиной ўдағайлаб берди Евмейга:
«Хей ярамас, нечун бизнинг шаҳримизга бундай баттарин
375. Дайдиларни бошлаб келдинг? Ўзимизнинг ювинидхўрлар
Камми эди? Соҳибингнинг давлатини кемираётган
Бу ердаги ўзимизнинг ҳаромхўрлар етмаганидай
Сен яна бир ялангоёқ очофатни бошлаб келибсан!».
Евмей деди Антинойга эътиrozли қалима билан:
380. «Сен, Антиной, тутуруқсиз ва номақбул гап айтдинг менга;
Ахир ким ҳам таклиф қилур ўз уйига ҳеч фойдаси йўқ
Бегонани? Фақат зарур одамларни таклиф этурлар:
Фолбинлару табибларни, меъморларни, ёки илоҳий
Овози-ла қаъбимизни хуш этгувчи хонандаларни –
385. Бизлар учун фоят азиз инсонлардир уларнинг бари;
Аммо қашшоқ тиланчини ким уйига чақирап эди?
Сен, bemexr, Одиссейнинг ходимлари ва қулларини
Доимо энг кўп хўрлайсан, таҳқиrlайсан; айниқса, мени;
Йўқ, мен бундан ранжимайман, токи бунда ҳаёт эканлар
390. Маликам ва ўз соҳибим Телемах, мен икковларин
паноҳидаман».
- Одиссейнинг доно ўғли қисқа танбеҳ берди Евмейга:
«Бас қил, Евмей, сен у билан ўчакишма, яхши биласан
Антинойни, у жizzаки; пулга сотиб олур жанжални,
Низо қўзғашга уста у одамларни ўчакишириб».
395. Сўнг Телемах Антинойга ўгирилиб шу гапни айтди:
«Аё дўстим Антиной, сен отам каби менга фамхўрлик
Қилмоқдасан, шоҳона амр ила қувиб қасримга келган
Ёт одамни; бу ишингни маъқул кўрармикин тангри Диј?»
Сен ҳам унга садақа бер – мен розиман; ҳатто ўзим ҳам
400. Хайр қилгум бу гадога; онамдан ҳам кўрқма, шунингдек.
Саройимиз ходимлари сени айбга буюргайлар.
Тўғри, сенга бегонадир бундай фикр: сен ўзингники
Қилмоқчисан бойлигимиз, бошқаларни қуруқ қолдириб».
Шундай жавоб қилди унга Евпейт ўғли жоҳил Антиной:
405. «Эй Телемах, не деюрсан сен такаббур бебашвоқ бола?
Гар бу гадо йиғиб олса садақа ҳар битта күёвдан,
Уч ойгача қорасини кўрсатмаган бўларди бунда».
Шундай дея оёғининг тагидаги жажжи курсини
Кўлга олиб ўқталди у тиланчига отмоқчи бўлиб.

410. Қолғанлар нон, гүшт садақа қилиб унинг жулдур тўрвасин
Тўлдирилар. Кўнгли қонган Одиссей бу садақаларни
Емоқ учун энди яна остоная бормоқ бўлди-ю
Лекин ўйлаб туриб, аввал Антинойнинг олдига бориб,
У йигитга икки оғиз барқанот сўз айтмоқчи бўлди:
415. «Сен ҳам бирон нима бергин. Сени бунда мен ахейларнинг
Энг сараси ва машхури ҳисоблайман; шоҳга ўхшайсан!
Саховатпешалик сенга ярашади, хотам бўлмоқлик
Сенга осон; бундан бўён бутун рўйи заминга сени
Мадҳ айлагум. Бир пайтлар мен ўзим ҳам номвар зот эдим,
420. Барча мусофирилар учун ҳашаматли уйим эшиги
Доим очиқ бўлар эди, муҳтоҷларга хайр қиласардим;
Кулларим кўп эди менинг, мол-давлатим беадад эди,
Бой-бадавлат одам бўлиб дабдабали кун кечирардим.
Ҳаммасини барбод қилди Крон ўғли – сўнг у дилимга
425. Ўз диловар йигитларим билан олис Мисрга бориш
Истагини солди... Э воҳ, Зевс фалокат тайёрлаб қўйган
Экан менга ўшал ерда... Ҳамма кемаларимизни биз
Миср дарёси бўйига банд айладик ва манзил қурдик.
Сўнг саралаб одамларим, амр этдим кемаларимни
430. Кўриқлашни; қолғанларга яқиндаги тепаликлардан
Чор атрофни кузатишни буюрдим мен. Ва лекин улар
Кибру ҳавога берилиб, мўмин-қобил мисрликларнинг
Далаларида етилган ҳосилларни торож қила ва
Хотинлару болаларни асир ола, барча эркакни
435. Ваҳшиёна қатл эта бошладилар – бу фожианинг
Дарагини эшишибди шаҳарликлар ва эрта тонгда
Мис силоҳи мухориблар ҳам жанграбаларда, ҳамда
Яёв юриб етиб келиб, тўлдирилар бутун майдонни;
Зевс гумбурлатиб момақалдириғин, йигитларимни
440. Чекинишга мажбур этди, ҳеч бир одам ҳеч бир қаршилик
Кўрсатолмай, қуршовга тушди ҳар ёқдан шармандаларча;
Ўшанда кўп йигитларим маҳв бўлди мис найзалардан,
Кўпларини асир олиб, шаҳар томон ҳайдаб кетдилар.
Мени – Крит фуқаросин бир Кипрдан келган одамга
445. Пулладилар; у Кипрнинг ҳукмдори Дметор экан.
Мен Кипрда кўп азоблар чекиб, охир келдим бу ерга».
Евнейт ўғли Антинойнинг қаҳри қайнаб ўшқирди унга:
«Базмларнинг кушандаси бу вабони Даймон юборган
Бўлса керак! Мендан нари ол ўзингни, агар Миср ва
450. Кипрдаги кулфатлардан баттарига учрамай десанг.
Қандай хира пашша ўзи бу уяти йўқ ялангоёқ!
Сен суллоҳга ҳамма хайр қилди бунда ўз емишидан –
Саховат бу, леб ўйлама: олдилари тўла таомга.
Ўзгаларнинг молин хайр қилиш осон. Бас, даф бўл кўздан!»
455. Жавоб қилди Лаэрт ўғли Антинойдан нарироқ кетиб:
«Афсус! Ақлинг жамолингга монанд эмас экан мутлақо:

Ҳамонки, сен нозу нематларга тұла стол ёнида
Бирорларнинг овқатини еб ўтириб, бир тишлам нонни
Менга раво күрмадингми, мабодо мен уйнингга хайр

460. Сүраб борсам, ҳатто чимдим тузингни ҳам қизғанаркансан».
Шундай деди. Антиойнинг күзларидан ўт чақнаб кетди
Ва ўқрайиб қарап экан Одиссейга, деди ўшқириб:
«Сен қўполлик қиляпсанми менга ҳали, эй ялангоёқ!
Таъзиiringни бергум энди – соғ чиқмайсан бугун бу ердан».
465. Деб отди у қўлидаги курсичани – у Одиссейнинг
Елкасига тегди қаттиқ зарба бўлиб, лек Лаэрт ўғли
Қоя янглиғ қилт этмасдан тураверди. У индамай, бош
Иргаб қўйди дилда мудҳиш фалокатни режалар экан.
Кейин яна қайтиб бориб оstonага ўтириб олди
470. Ва тўрvasin ерга кўйиб куёвларга шундай сўзлади:
«Кулоқ беринг гапларимга, соҳибжамол маликамизнинг
Хушторлари, айтай ақлим ва қалбимнинг буюрганини:
Ўз бойлиги, буқалари, кўйларини ҳимоя қилиб,
Оғир жароҳатлар олиб таҳқирланган одам ранжиши
475. Керак эмас, ва лекин мен замин аҳлин фалокатларга
Дуч қилувчи қабоҳатли ва очофат шу қорнимни деб,
Зарба едим Антиойдан. Гар тангрилар ва Эринийлар
Қашшоқларни қўлласалар, эй Антиой, сен – дилозорни
Никоҳ тўйи эмас, балки машъум ажал кутиб турибди».
480. Ўдағайлаб жавоб қилди унга Евпейт ўғли Антиой:
«Хап ўтириб нонингни е, ё қочиб қол эсинг борида;
Йўқса, густоҳлик қилганинг учун сени оёқларингдан
Ташқарига судраб чиқиб сүякларинг мажаҳлагайлар».
Лекин унинг пўписасин ҳеч бир меҳмон маъқулламади.
485. Шундай деди ситамгарга олижаноб ўшлардан бири:
«Сен, Антиой, бу гадони ҳақоратлаб яхши қилмадинг;
Мабодо у тангриларнинг бири бўлса, ҳолинг не кечур?
Биласанку, само аҳли, бандалардан ким адолатли,
Ким бетавфиқ эканини кўриш учун, фариб-ғурабо
490. Одамларнинг сиёқида кириб борур улар ичига».
Лек Антиой йигитларнинг сўзларига парво қилмади.
Ёш Телемах таҳқирланган отасининг аҳволин кўриб,
Юрак-бағри эзилди ва қайғусига шерик бўлди-ю
Кўрсатмади дийдасига ёш қалқанин; фақат индамай
495. Бошин иргаб қўйди, мудҳиш фалокатни дилда режалаб.
Лек оқила Пенелопа уйда меҳмон бўлган фарибнинг
Таҳқирланганин эшишиб шундай деди жорияларга:
«Оҳ кошкийди, кумушкамон Феб Аполлон уни маҳв этса!»
Кекса калитдор оқила Евринома шундай сўз қотди:
500. «Бизнинг истагимиз ила вожиб бўлса, маликам, ҳар иш,
Эртанги тонг шафагини кўролмасди битта ҳам куёв».
Ва оқила Пенелопа унга шундай жавоб қайтарди:

«Мен улардан йирғанаман, ҳаммалари бадхоқ одамлар.
Антинои-ку энг баттари – ёвуз Кера дейсан мисоли:

505. Ўша шўрлик мискин одам муҳтоjлиқдан меҳмонхонада
Кезиб юриб, куёвлардан хайр-эҳсон сўраган экан,
Ҳеч ким қуруқ қайтармабди уни. Фақат баттол Антиной
Гадога курси отибди, бир бурда нон бериш ўrniga».
Шундай деди оқсоchlарга малика ўз хобхонасида.
510. Одиссей бу пайт ўтириб бўсағада овқатланарди.
Пенелопа чақиртириди ўз ёнига шу пайт Евмейни.
«Евмей, – деди у, – сен бориб, ҳузуримга ўз меҳмонингни
Бошлаб келгил; ундан сўраб кўрмоқчиман – эrim ҳақида
Бирон бир гап эшиитмадимикин, ё у билан қайдадир
515. Учрашмадимикин: кўпни билган одам кўринади у».
Тангриноманд Евмей шундай жавоб қилди Пенелопага:
«О маликам, агар анов меҳмонларинг бир лаҳзагина
Жим турсалар, қувонтирган бўларди у маҳзун қалбингни.
Менинг фарид кулбамда у уч кеча-ю уч кундан бери
520. Яшамоқда; феспротлар кемасидан қочиб келибди.
Ҳали у ўз кечмишларин менга айтиб тутатгани йўқ;
Тақдирга тобе бандалар хонанданинг тангри баҳш этган
Лаёқат-ла хониш қилган қўшиқларин қандай завқ билан
Тингласалар, мен ҳам азиз меҳмонимнинг қиссаларини
525. Қимир этмай ўтирганча шундай мароқ билан эшиитдим;
Унинг отаси Одиссей билан қалин меҳмондўст экан;
У шоҳ Миноснинг ватани зироатзори кўп Критда
Туғилибди. Бу ерга у ўша ердан келаётганда
Машаққатлар чеккан жуда, лек эл берган хайр-садақа
530. Унга анча мадор бўлган; кейин йўлда эшитибдики,
Кўп ўлжалар билан уйга қайтаётган Одиссей ҳозир
Итакага қўшни бўлган феспротлар юртида эмиш».
Деди Евмей. Фаросатли Пенелопа такаллум қилди:
«Чақириб кел уни, ўзи сўзлаб берсин барча эшиитган,
535. Кўрганларин, куёвларнинг ишрат билан банд бўлганида.
Бу очкўзлар уйларида емайдилар, ичмайдилар ҳам –
Тежайдилар ўзларининг озуқа-ю шаробларини;
Бадбаҳтларга маза – ҳар кун уйимизга ёприлиб келиб,
Бўрдоқига боқилган кўй, эчкилару говмиш буқалар
540. Гўштини еб ёрилгунча, май ичурлар то қайт қилгунча.
Мўр-малаҳдай қийратмоқда улар бутун бойлигимизни,
Зеро Одиссей йўқ энди – давлатимиз ҳимоячиси.
Агар қайтиб келса эди, ўғли билан бош қовуштириб,
Қасос олган бўлар эди яшшамагур ҳаромхўрлардан».
545. Малика шундай деганда, аксирворди пастда Телемах*.
Шундай қаттиқ аксирдики, гумбурлади бутун кошона;
Пенелопа жилмайди ва тез Евмейни чорлаб қошига,
Барқанот сўз айтди унга: «Покдил Евмей, тезда бошлаб кел
Меҳмонингни; акса урди Телемахим; энди аниқки,

550. Қирон келур күёвларга; биттаси ҳам қочиб қутилмас
 Шум тақдирдан ва қасоскор Кераларнинг чанглаларидан.
 Гапим эшит ва дилингда маҳкам сақла эшитганингни.
 Гар у менга рост гапириб хушхабар-ла кўнглим кўтарса,
 Унга хитон ва мантия бергум, яна бир жуфт пойабзал»,
555. Деди. Евмей маликанинг амри билан Лаэрт ўғлига
 Яқин борди ва барқанот сўзлар айтди унга пи chirлаб:
 «Кулоқ солгин, отагинам, Телемахнинг онаси, бизнинг
 Бафаросат маликамиз чорламоқда сени қошига;
 Сендан эри ҳақида у сўрамоқчи – кечаю кундуз
560. Фаму ҳасрат чекиб мудом қўмсагани-қўмсаган уни.
 Гар сен унга рост гапириб, хушхабар-ла кўнглин кўтарсанг,
 Сенга хитон ва мантия берур, яна бир жуфт пойабзал.
 Қорнингни тўйдирмоқ учун, топгайсан нон-насибангни сен
 Кўча-кўйда тентиб юриб – муруватли одам кўп бунда».
565. Кув Одиссея мана бундай деб Евмейга жавоб қайтарди:
 «Икарийнинг фаросатли қизи бўлмиш Пенелопага
 Ҳамма кўрган-билганларим ёлғон кўшмай айтган бўлардим;
 Унинг эри тўғрисида кўп биламан; биз иккимиз ҳам
 Бир хилда зулм, азоб чекдик. Лек кўрқаман бошвоқлари йўқ
570. Жоҳил, бадбин күёвлардан; бадбаҳтларнинг беҳаёлиги,
 Очкўзлиги, кўполлиги етган ҳатто темир осмонга;
 Ўзинг кўрдинг, мен ҳеч кимга тегмай аста кетётганимда
 Ўша манфур қутирган ит урди мени курсича билан –
 Ким ёнимни олди? Ҳеч ким. Одиссейнинг нодир ўғли ҳам
575. Чурқ этмади. Шунинг учун Пенелопа жуда бесабр
 Бўлса ҳамки, то Гелиос ботгунича қаноат қилсин;
 Ана унда мен исиниб ўтирганча ўчоқ олдида,
 Маликанинг йироқ элла юрган эри ҳақида барча
 Билганларимни батафсил сўзлаб бергум. Уст-бошим абор –
580. Хабаринг бор, кийим-бошни даставвал мен сендан сўрадим». Шундай деди. Евмей туриб маликанинг қошига борди;
 Остонада кутиб турган Пенелопа ундан сўради:
 «Ие, нима, келмадими? Нечун хоҳламади келишни?
 Кўрқдими ё менинг кўнглим оғритишдан? Ё уялдими
585. Ўз ҳолидан? Ҳа, уятчан бўлса қашшоқ – яшashi қийин». Сен, тангриваш Евмей, шундай жавоб қилдинг Пенелопага:
 «Йўқ, у доно фикр айтди, сен ҳам унга рози бўлурсан;
 У, маликам, кўрқаётир бадбин, бошвоқсиз күёвлардан
 Ва Гелиос ботгунича кутишингни илтимос қилди;
590. Менинг фикрим ҳам шу, агар сен, маликам, мусофири билан
 Ёлғиз ўзинг суҳбатлашсанг, аминманки, яхши бўларди». Бу фикрни тинглаб доно Пенелопа деди Евмейга:
 «Мусофиринг, ким бўлмасин, у донишманд одам кўринур;
 У ҳақ – күёвлардай мараз, беҳаё-ю бадкирдорларни
595. Топиш маҳол дунёдаги барча фоний банда ичидан». Шундай деди. Евмей ҳамма фикрларин гапириб бўлиб,

- Базмгоҳга тушиб кетди; Телемахни у ошхонада
Учратди ва яқин бориб қулоғига пичирлаб деди:
«Үәлим, энди борақолай; чүчқалару уй-у жамики
600. Захиралар қўриқчисиз қолган; бунда сен эҳтиёт бўл,
Тағин бирон фалокатга учрамагин; теварагингда
Ичи қора, бадҳоҳ одамлар кўп жуда. Шояд тангри Зевс
Ҳаммаларин маҳв айласа, учратмасдан бизни балога!»
Деди. Унга жавоб қилди Одиссейнинг донишманд ўғли:
605. «Ота, мақбул бўлди менга маслаҳатинг; лекин ўзинг ҳам
Уйда тунаб, тонгда қайтгин, қурбонликка чўчқа етаклаб.
Қолган ишни ўзим қилгум тангрilarнинг мадади ила».
Шундай деди. Евмей обдор ўриндиқда иштача билан
Овқатланди; сўнг бақириб қўшиқ айтиб рақс тушаётган
610. Куёвларнинг шовқинидан ларзаланган шоҳ саройидан
Чиқиб, тўғри даладаги чўчқалари олдига кетди;
Бу пайт зулмат тун пардасин ёйган эди рўйи заминга.



ҮН САККИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

- Кириб келди шу чоғ уйга битта саёқ; у тиланчилик
Қилиб кунин ўтказарди, очқұзлиги, текинхүрлиги,
Бадмастилиги билан бутун Итакага танилганды от
Қашқасидай; бўйи дароз бўлса ҳамки, куч-қудратда у
5. Заиф эди. Арнеон деб исм қўйган эди онаси
Туққанида; vale уни ҳамма Ир деб чақирап эди* –
Одамларга дастёрлик ва югурдаклик қилгани учун.
У эшикдан кириб келиб, Одиссейни кўрди-ю уни
Ҳайдамоққа чоғланаркан, деди унга ўшқириб шундай:
10. «Түёғингни шиқиллат, чол, йўқса бундан судраб чиқурлар;
Ана, ҳамма имлаб менга сени қувиб чиқаришимни
Сўрайти, лек хоҳламам сени уриб қўлим булғашни;
Тур, жўнаб қол, гар кетмасант тумшуғингни эзиб таштайман».
Қовоқ остидан хўмрайиб, шундай деди унга Одиссей:
15. «Эй эси паст, мен ёмонлик қилмаяпман ҳеч бир одамга;
Сенга қанча кўп садақа берсалар ҳам ҳасад қилмасмен;
Иккимиз ҳам сифамиз бу остоңага; ҳеч фойдаси йўқ
Тортишувнинг. Сен ҳам ҳудди мендек саёқ беватан одам
Кўринасан; иккимиз ҳам қашшоқмиз. Лек фақат тангрилар
20. Ато этур бойликларни. Маслаҳатим – сен ўз қўлингта
Эрк берма кўп; қари чолман: лек қонимни қайнатсанг агар,
Қовурғангни мажаҳлайман, тумшуғингни қонга булғайман;
Ана унда, эртага бу остоңада ўзим баҳузур
Ўтираман. Зероки сен бошқа қайтиб кела олмайсан
25. Ва Одиссей саройида зўравонлик қила олмайсан».
Саёқ Ирнинг қаҳри қайнаб Одиссейга бақириб берди:
«Вой, очофат донишманд-е, мунча ошпаз кампир сингари
Ғўлдирайсан! Шошмай тур сен, адабингни бериб қўяйин,
Экинларни пайҳон қилган чўчқа тишин мажаҳлагандай,
30. Чакагингга мушт тушириб тишлигингни қоқиб олайин.
Тур ўрнингдан; чиқ ҳовлига, қани, кўрсат ўша кучингни,
Кўрайликчи, енга олармикансан сен Ир паҳлавонни».
Шу зайлда бошланганди бўсағада даҳанаки баҳс
Икки гадо ўртасида. Антинойнинг кўзидан четда
35. Қолмади бу мубоҳаса. У барадла хоҳолаб кулиб,
Шундай деди қуёвларга: «Аё дўстлар, қаранглар, анов
Остоңада бўлаётган можарога. Бунақасин ҳеч
Кўрмаганман; Дий баҳш этмиш бугун бизга қизиқ томоша:
Ир тортишиб қопти қари гадо билан, ҳозир ҳовлида

40. Жанг бошланур; юринглар, биз гижгижлайтик икковларини». Шундай деди; күёвлар тез туриб, бориб ўраб олдилар Уст-бошлари йиртиқ-ямоқ бу иккита рақиб гадони. Ана шунда күёвларга Евпейт ўғли Антиой деди: «Гапларимга қулоқ беринг, азиз дўстлар, илтимос сиздан;
45. Эчки ичак-чавақлари қўрда ётур, биз ҳаммасини Жиққа мой ва қонга булғаб кечлик учун қолдирган эдик; Лек таклиф бор: гадолардан қайси бири ғолиб чиқса, у Майли, олсин сингиб пишган ичакларни; кейин биз уни Таклиф қиласхакмиз ҳар кун бўлиб турган зиёфатларга;
50. Мағлуб гадога кўрмаймиз рано ҳатто нон ушоқни ҳам». Антиойнинг бу таклифин маъқуллари ҳамма күёвлар. Бир қувликни дилга туғиб деди шунда доно Одиссей: «Фарибона кун кечириб, тинка-мадорсиз қолган бир чол Бу навқирон йигит билан куч синаша олурми, дўстлар?
55. Лек оч қорним, мушт есанг ҳам туш курашга, деб зўрламоқда. Бир шартим бор: сиз илоҳий қасам ичинг, Ирга ён босиб, Уни ғолиб қилиш учун, қирқмагайсиз менинг кучимни». Ҳамма бир-бир қасам иди Одиссейнинг қўйган шартига;
60. Тангримоманд Телемах ўз отасига юзланиб деди: «Баски, ўзинг хоҳиш билдириган экансан бу олишувга, Кўрқувни қув юрагингдан: ҳеч ким сенга қарши бормагай. Кимки сенга қарши чиқса, кўпимизнинг душмани бўлур. Мен хожаман бу даргоҳда, меҳмонимни ҳимоя қилгум.
65. Антиою, Евримаху ўзга дўстлар ҳаммаслак мен-ла», Деди. Ҳамма маъқуллари унинг гапин. Шунда Одиссей Ечиб жулдур кийимини, лунги қилиб ёпди уятин. Мана, ошкор бўлди унинг кенг яғрини, қалқон кўкраги, Метин оёқлари, чайир билаклари: кўзга кўринмай
70. Яқин келган Афина чол қоматини адл қилганди. Күёвлар бу мўъжизадан ҳайратомуз ҳолга тушдилар Ва ўзаро бир-бирлари ила шундай гурунглашдилар: «Энди Ирнинг ҳолигавой; густоҳлиги бошини ейди. Жулдуровоқи гадо чолнинг мушаклари чайир экан-ку!»
75. Ирни ваҳшат қамраб олди. Қуллар унинг белини боғлаб, Хоҳдамаса ҳам, мажбуrlаб ташқарига олиб чиқдилар; Ранги ўчган Ир қалтираб оёғила зўрга турарди. Шунда унга ўғирилиб деди Евпейт ўғли Антиой:
- «Ҳамонки, сен қашшоқликда азоб чеккан бу қари чолдан
80. Кўрқаётган экансан, Ир, ўлганинг, ё туғилмаганинг Яхши эди. Лекин эшиш, эшитганинг ошур амалга: Агар мағлуб бўлсанг чолдан, билки, сени қора кемада Кенг заминга*, одамларнинг кушандаси қонхўр Эхетнинг Ҳузурига жўнатаман, олдин қулоқ-бурнинг кесур у.
85. Кейин қийма қилиб сени, итларининг олдига ташлар». Шундай деди у. Ир қалбин энг бешафқат ваҳима босди. Қуллар уни кенг майдонга чиқардилар. Мушт дўлайтирди

- Икки рақиб. Савол берди ўз-ўзига шунда Одиссей:
 – Бир мушт уриб уни жудо қылсаммикин жонидан ёки
 90. Раҳм қилиб, секин уриб, аста ерга йиқитсаммикин?
 Ўйлаб-ўйлаб, маъқул кўрди аста уриб йиқитмоқликини.
 Акс ҳолда, уйғотарди у күёвлар кўнглида шубҳа.
 Жанг бошланди; Одиссейнинг елкасига мушт туширди Ир.
 Одиссей ҳам урди унинг энсасига – қулоқ ортига;
 95. Қаттиқ зарбдан ичга ботган суюқ Ирнинг томирин эзди
 Ва варактаб оқди қора қон оғзидан; у ингради-ю
 Гурс йиқилиб тишларини фижирлатди ва типирчилаб
 Товони-ла тепди ерни. Ир аҳволин кўрган күёвлар
 Ичаклари узилгудай қота-қота хандон кулдилар.
 100. Олижаноб Лаэртзода эса ушлаб Ир оёғидан,
 Судраб олиб ўтди сарой ҳовлисидан ва дарвозанинг
 Равоқига етиб бориб, чалажонни деворга суюб
 Ўтқизаркан, ўзин қинғир ҳассасини унинг қўлига
 Тутқазди-да, ғазбланиб, қони қайнаб бир қалом деди:
 105. «Ўтири шунда ит ва чўчқаларни ҳайдаб; бундан кейин сен,
 Гадо, ўзга гадоларни бировларнинг уйидан қувиб
 Зўравонлик қила кўрма, йўқса ҳолинг бўлур баттарин».
 Шундай деб у арқон бандли ҳаммаёғи ямоқ тўрвасин
 Елкасига илиб яна қайтиб борди ўз манзилгоҳи –
 110. Бўсағага ва ўтири. Ҳамма уни шўх кулги билан
 Қарши олиб, уйга бирга кирдилар-да шундай дедилар:
 «Бизлар Зевсга ҳамда ўзга тангриларга илтижо қилиб,
 Дилингдаги энг хайрли орзунингни ушалтишларин
 Сўрагаймиз. Шаҳримизни халос этдинг сен энг бадкирдор
115. Очафатдан. Энди уни жўнатурмиз катта заминга –
 Одамларнинг кушандаси қонхўр Эхет ихтиёрига»,
 Деди улар. Бу башорат қувонтириди Одиссей қалбин.
 Антиной бу пайт қўрдаги ёғ ва қонга чўмилтирилган
 Ичак-чавақларни олиб Одиссейга узатди кулиб.
120. Амфином ҳам саватдан бир жуфт нон олиб Лаэрт ўғлига
 Берар экан, қадаҳга май тўлдириди-да деди табриклаб:
 «Эй қалби пок ота, қувон! Муҳтоҷликда кўп эзилгандинг;
 Энди сенга ато этсин аҳли само фаровон ҳаёт».
 Соҳибнайранг қув Одиссей шундай деди унга жавобан:
125. «Сен, Амфином, фаросатли йигит бўлсанг керак албатта;
 Эшиздим, сен шон-шавкати чор атрофга овоза бўлган
 Дулихийлик энг бадавлат олижаноб Нис ўғлимишсан.
 Мен ўзим ҳам шоҳид бўлдим кўнгли очиқ йигитлигинга.
 Гапим эшийт, ўғлим, кейин эшийтганинг ўйлаб кўр дилда:
130. Бу дунёда омонатдир ҳар бир нарса: ўсимликлар ҳам,
 Жонзотлар ҳам; лек одамзод энг омонат фоний бандадир;
 Тангри баҳш этган саодат оғушида яшар экан у,
 Ҳали не-не кулфатларга дуч келишин ўйламайди ҳам.
 Агар само аҳли унга раво кўрса мусибатларни,

135. Фазабланур, лек тақдирга тан берибон, қаноат қилур;
Зеро жами бокийлару фонийларнинг ҳукмдори Зевс
Нени ато этган бўлса бизга – замин бандаларига,
Тишни тишга қўйиб бардош бермоғимиз шарт ҳаммасига.
Бир пайтлар мен ҳам жуда бой-бадавлат одам бўлгандим;
140. Ўшандада куч-құдратимга ишониб, мен оғаларим ва
Падаримнинг паноҳида қилган эдим кўп гуноҳ ишлар.
Биласанки, гуноҳ ишга қўл урганнинг аҳволигавой!
Лек фарз бизга само аҳли ато этган ҳар бир неъматни
Мутеона қабул қилмоқ. Мен кўряпман, бунда қуёвлар
145. Безорилик қилмоқдалар, шоҳ давлатин совурмоқдалар,
Унинг содиқ завжасига тинчлик бермай қийнамоқдалар;
Ваҳоланки, шоҳ ҳадемай қайтгай азиз салтанатига.
Яқин қолди. Оҳ азизим, кошки эди, халоскор Даймон
Сени тезроқ бу даргоҳдан ўз уйингга олиб кетолса.
150. Шоҳ қайтганда кўрмагани яхши эди сени бу ерда:
У ўч олур қуёвлардан – қон тўқилгай саройда албат».
Шундай деб у майи нобни паймо қилгач, симириб ичди
Ва қадаҳни Амфиномга қайтарди. У бошин ҳам қилиб
Аста юриб борар экан, гўёки бир машъум фалокат
155. Юз беришин ҳис этгандай, қалбин андуҳ қамраган эди;
Лек ўлимдан қочолмали. Ки Афина хоҳиши ила
Маҳкум эди у Телемах найзасидан маҳв бўлишга.
У бепарво кайфиятда қуёвларнинг жамоасига
Қайтди. Бу пайт шаҳло кўзли Афинея Пенелопанинг
160. Юрагига, базмгоҳга тушиб, чўғдай латофати-ла
Куёвларнинг қалбida ишқ алангасин ловуллатмоқни,
Айни чоғда, ўз эрига ҳамда азиз ўғли кўзига
Яна шоистароқ бўлиб кўринмоқни уфурган эди*.
Малика сал жилмайганча деди кекса Евриномага:
165. «Тушмоқчиман ёв қуёвлар даврасига ўзимни зўрлаб
Ҳамда ўгит бермоқчиман Телемахга: бу баттол ва қўрс
Муттаҳамлар билан ҳеч ҳам улфатчилик қилмасин энди.
Улар ширинсухан, аммо ичи қора бадният бари».
Унга қунтли калитдори Евринома жавоб айлади:
170. «Қизим, ҳамма айтган гапинг ҳақиқатдир, адолатлидир.
Майли, тушиб оқилона маслаҳат бер нуридийдангга.
Лекин аввал ювиниб, сен муаттар мой сургин юзингга;
Кўзёшлардан буришган юз билан тушсанг яхши бўлмайди;
Сурункали ғам-ғуссадан гулдай сўлур ойлек жамоллар.
175. Мана, ўғлинг катта бўлиб, орзуларинг ушалди охир,
Тангри иродаси ила сабза урди соқол-муртлари».
Пенелопа жавоб қилди садоқатли калитдорига:
«Йўқ, эгачи, яшшамагурлар олдига мен пардоз-андоз
Қилиб тушмам ҳеч вақт. Зеро, Олимпдаги тангрилар мени
180. Жудо этгандилар ҳусну жамолимдан, эрим Одиссей
Йироқдаги Трояга жўнаб кетган кундан бошлабон.

Лек сен бориб Автоноя билан бирга Гипподамия
Икковини чақир — мени базмгоҳга бошлаб тушсинлар:
Уяламан эркакларнинг ҳузурига ёлғиз тушмоқдан».

185. Шундай деди Пенелопа. Евринома икки оқсочни
Соҳибаси ҳузурига чорлагани югуриб кетди.
Бу пайт Афина қалбидаги пайдо бўлди доно бир фикр:
У уфурди ширин уйқу маликанинг қовоқларига;
Уйқу учуб келиб, уни аллалади ва Пенелопа
190. Ухлаб қолди ўзин роҳат курсисида; шунда маъбуда
Уйқудаги маликага эркакларни шайдо қилгувчи
Барча ҳусну тароватни баҳш айлади: унинг жамоли
Бошига гулчамбар тақиб, Хариталар ила рақс тушган
Афродитаники янглиғ мисли ойдай ёришиб кетиб,
195. Ҳам мафтункор, ҳам илоҳий бир гўзаллик кашф этган эди;
Маликанинг қадди сарвдек тикланди ва бутун вужуди
Фил суяги янглиғ нафис, шукуҳли ва беғубор бўлди;
Унинг ҳуснин жозибали қилгач, жўнаб кетди маъбуда.
Хобхонага қийқиришиб чопиб кирган икки оқбилак
200. Жория қиз уйғотворди уйқусидан соҳибасини
Ва малика кафти билан юзин ишқаб деди қизларга:
«Бирам ширин ухлабманки, ғам-андуҳга ботган чофимда;
Кошки менга Артемида шундай ширин ўлим йўлласа;
Ана унда, ахейлар ичра энг далир бўлган шавҳарим
205. Одиссейни қумсайвериб, ҳазон қилмас эдим умримни».
Деб зинадан пастга тушди Пенелопа икки жория
Билан бирга. Гўзалликда маъбудага ўхшаб кетувчи
Ҳур малика кириб бориб күёвларнинг ишратгоҳига,
Шифтга тиргак бўлган устуннинг тагида турди, зарварақ
210. Рўмолини ол юзига ҳижоб қилиб; жориялар ҳам
Унинг икки ёнбошида тик турдилар эҳтиром ила.
Маликанинг тароватин кўрган күёвларнинг тизлари
Титраб кетди — қалбларида Пенелопа билан ҳамтўшак
Бўлмоқликка талпинувчи шаҳвоний ҳирс аланга олди.
215. Пенелопа ўз ёнига Телемахни чақириб деди:
«Ўғлим, нима бўлди сенга? Қани ақлинг? Гўдаклигингла
Ақллироқ ва хушхулқроқ бола эдинг! Мана, энди сен
Йигит бўллинг, кучга тўлдинг; сени кўрган бегонами, ё
Таниш одам, бўй-бастингга, жамолингга тикилар экан,
220. Бу азamat олижаноб зот фарзанди бўлса керак-ов,
Деб ўйлайди. Вале ақлинг қайда қолди? Қани инсофинг?
Уйингдаги мусофири мусофири мусофири мусофири
Бу не қилиқ? Паноҳингга келган шўрлик бир мусофири
Ҳар ким сўкса, бадном қилса, маломатга сен қоласанку».
225. Онасиға жавоб қилди Одиссейнинг хирадманд ўғли:
«Онажоним, ҳамма айтган гапинг ҳақдир, айб ўзимда;
Ҳамма гапга тушундим мен; эзгуликни ёвуз ишлардан

Энди фарқтай олажакман; түгри айтдинг — гүдак эмасман;
Лек ҳозир ҳам баъзи пайтда доно фикр юритолмайман.

230. Мудом ақлим чалғитурлар чақирилмаган бу меҳмонлар —
Қора ният ҳаммалари; йўқdir менинг йўл қўрсатувчим.
Лек Ир билан мусофири уриштирган куёвлар эмас;
Билсанг, она, бу олишув олий ҳакам иродасидир.
О бузрук Дий! О Аполлон! О Афина! Кошкийди ҳозир
235. Бизниги зиёфатга келган ҳамма куёвтўралар
Қасрнинг ҳар тарафида жароҳатдан чалажон бўлиб,
Бошларини ҳам қилганча ўтирасалар худди анави
Дарвозанинг орқасида беҳуш ётган дайди Ир янгли!
У бошини чайқар бадмаст одам қаби, кучи қолмаган:
240. На ўтира олади у, на уйига эмаклаганча
Аста юриб бориш учун оёғига тура олади.
У адойи тамом бўлган: бундан буён жанг қилолмайди».
Телемах ва Пенелопа сұхбат қуар эди шу тарзда.
Шунда яқин келиб деди маликага маккор Евримаҳ:
245. «О қария Икарийнинг доно қизи Пенелопа, гар
Бутун Аргос ахейлари ҳозир сени кўрганларида,
Сенга ошиқ бўлиб келган куёвларнинг сони икки бор
Кўпаярди. Зеро сенинг латофатинг, қадду қоматинг
Ва чароғон фаросатинг йўқdir рўйи заминдаги ҳеч
250. Битта фоний аёлда ҳам: сен ҳаммадан аълороқдирсан»,
Деди йигит. Пенелопа унга шундай жавоб қайтарди:
«Йўқ, Евримаҳ, ул шавҳарим Тангримоманд Одиссей ахей
Мардлари-ла Трояга кемаларда сузуб кетган кун
Жудо қилганди тангрилар мени ҳусну латофатимдан.
255. Гар Одиссей қайтиб келиб паноҳига олсайди мени,
Ортиб обрў-эътиборим, ҳусним яна зеболашарди.
Вале даймон мени гулдай сўлдирмоқда ғамга ботириб.
Трояга жўнаб кетаётган куни эрим Одиссей
Ўнг қўлимдан ушлаб шундай деган эди видолашаркан:
260. Мис пойбандли ахейларнинг бари ҳам бу муҳорабадан
Ватанига эсон-омон қайтиб келур, деб умил қилма;
Эшитгандим: Троянинг лашкарлари жангу жадалда
Абжирмишлар, улар найза санчишда ҳам, камонлардан ўқ
Отишида ҳам, рақибларнинг тақдирин тез ажрим қилувчи,
265. Ҳеч кимга раҳм айламовчи улуғ жангда қўш от қўшилган
Жанграбаларда уруш қилишга ҳам моҳир эмишлар.
Дий уйимга мени омон қайтаруми, ё Трояда
Ҳалок бўлиб кетаманми — билмам. Энди бу хонадонда
Ўзинг бош-қош бўлажаксан. Отам билан азиз онамга
270. Аввалгидан ҳам ортиқроқ ғамхўрлик қил мен йўқлигимда.
Ўғилчамиз катта бўлиб камол топгач, ўзинг биронта
Кўнгит қўйган йигитинг-ла турмуш қур-да бу уйни тарқ эт».
Шундай деган эди менга хайрлаша туриб Одиссей.
Рост чиқмоқда айтганлари. Манфур никоҳ оқшоми яқин.

275. Зевс бебаҳра қилди мени фоний ҳаёт фарофатидан;
 Қалбим теран изтиробда, мен шўрликнинг ҳоли не кечур?
 Бир пайтлар шундай удум бўлган экан: агар машхура
 Тул хотинга, ё бадавлат қизга совчи қўймоқ бўлсалар,
 Күёвлар бир-бирларидан ўзиш учун, унаштирилган
280. Қизникига бирор буқа, бирор қўчкор етаклаб келиб,
 Меҳмон қилар экан ёру дўстларини; қаллиқларига
 Химмат билан кўп совғалар берарканлар; лек ҳақ тўламай
 Ўзга нонин емоқдикдан истиҳола қилар эканлар»,
 Деди. Унинг күёвлардан нафратланиб туриб, улардан
285. Совфа-салом ундириши Одиссейни қувонтирганди.
 Маликага Евпейт ўғли мутакаббир Антиной деди:
 «О қария Икарийнинг зукко қизи Пенелопа, сен
 Күёвларнинг ҳамма қилган тортигини қабул қиласвер.
- Берганинг бетига боқма, деган нақл бор, лек сен шуни
290. Унутмаки, биз бу ердан ҳеч қаёққа кетмаймиз, токи
 Ичимиздан биттамизни, шавҳарим шу, демагунингча».
 Антинойнинг бу гапига қўшилдилар барча күёвлар.
 Сўнг ҳар бири жўнатди ўз муждачисин уйига, совфа
 Келтиргани. Антинойнинг муждачиси гулдор мантия
295. Олиб келди соҳибига; бу либосни ўн икки дона
 Тилла илгак ҳамда шунча эгри изма безаган эди.
 Евrimахга ҳар донаси зарҳалланиб, мисли қуёшдек
 Чақнаб турган қаҳраболар шодасини олиб келдилар.
 Евридамнинг хизматкори олиб келли бир жуфт исирға,
300. Ҳар бирини уч донадан қирмизи ранг кўз безаганди;
 Ноёб кўзлар худди шотут мевасига ўхшаб порларди;
 Поликторзод Писандрга ниҳоятда зебо бир маржон
 Келтирдилар; қолганлар ҳам шу тариқа ўз саховатин
 Кўрсатдилар. Пенелопа қабул айлаб бу совғаларни,
305. Тепадаги ўз кўшкига чиқиб кетди яна зинадан;
 Тортиқларни кўтарган ёш жориялар эргашди унга.
 Күёвлар то кеч киргунча шовқин солиб яна базмни
 Қиздирдилар, қийқиришиб жўр бўлдилар ҳофиз куйига.
 Қош қорайиб тун пардасин ёпгач, улар меҳмонхонанинг
310. Ўртасига учта манқал қўйиб, унга мис болта билан
 Майдаланган тарашалар қалаб ёқиб, қатронга бўккан
 Машъалларни гуриллаган гулханлардан ўт олдирдилар.
 Манқалларга тез-тез ўтин қалаб туриш шоҳ Одиссейнинг
 Уйидаги оқсоchlарнинг зиммасига юкланган эди.
315. Қув Одиссей деди шунда оқсоchlарга: «Эй ходималар,
 Сиз, яхшиси, соҳибангиз маликанинг олдига чиқинг,
 Унинг маҳзун юрагига таскин бериб қўнглини овланг,
 Биргаликда ип йигиринг, ё жун титинг ҳамнишин бўлиб.
 Бунда ўзим қараб тургум гулханларга, ёп-ёруғ бўлур
320. Меҳмонхона, күёвлар то тонг отгунча айш қилсалар ҳам.
 Мен ҷарчашни билмайман ҳеч; одатимдир қаноат қилмоқ».

- Одиссейнинг бу гапига хандон ташлаб қулди оқсочлар;
 Шу чоғ оқсоч қыз Меланфо (уни гүдак чоғидан бошлаб
 Пенелопа тарбиялаб ўстирганди, ўйинчоқлар ва
325. Ширинликлар бериб; лек у маликанинг дардига дармон
 Бўлмади ҳеч; Евримахнинг у хуфия жазмани эди)
 Чакаги очилиб бирдан жоврай кетди: «Ҳой ялангоёқ,
 Эс-хушингни еб кўйганга ўхшайсан, чол; биронта иссиқ
 Жойга бориб: темирчилик дўконими, қовоқхонами,
330. Молхонами топиб ётсанг яхшику; йўқ, сен очофатга
 Шу ер қулади; шароб ичиб миянг ачиб қолган шекилли:
 Кибор зотлар билан қўрқмай довлашдинг-а; айт, тутуруқсиз
 Гапни жовраш туғма одатмикин сенга сут билан кирган,
 Ёки Ирни енганингдан қўтарилиб кетдими бурнинг?
335. Эҳтиёт бўл: ҳали Ирдан қудратлироқ полвонга тўқнаш
 Келурсанки, у мушт уриб жағларингни мажақлаб ташлар
 Ва пўстагинг қоқиб, сени қонга белаб думингни тугар».
 Деди унга қув Одиссей хўмрайганча қовоқ остидан:
 «Эй лайча ит, Телемахга арз қиласман сенинг устингдан;
340. У сен шанғи жувонмаргни қийма-қийма қилиб ташласин».
- Оқсочларнинг ранги ўчиб қони қочиб, тизи титради
 Ва шошганча чиқиб кетди ҳаммалари меҳмонхонадан:
 Бу гадо чол айтганини қилади, деб қўрққан эдилар.
 Лек Одиссей кузатаркан манқалларда ўг ёнишини,
345. Куёвлардан кўз узмасди ва гасаввур қилиб турарди
 Қандай машъум офат кутаётганини ҳаммаларини.
 Афина ҳам бу аснода Одиссейнинг қалбидаги талҳ
 Адоватни баттар ўт олдирмоқ учун, ёв куёвларни
 Кутиртириб, бетамизлик қилмоқдикка ундали барин.
350. Ана шунда Полибийзода Евримах бир гап бошлади
 (У гадони мазах қилиб, унинг дилин оғритмоқчи ва
 Дўстларини кулдирмоқчи бўлган эди): «Эй маликанинг
 Жазманлари, қулоқ беринг гапларимга, ақдим ва қалбим
 Буюрганин айтай сизга. Аминманки, бу мусофири
355. Бизга Даймон юборган-ов, базмимизни ёритсин, дея;
 Мана, ҳамма нарса чўғдай чақнамоқда, лек машъаллармас,
 Гадонинг кал силлиқ боши бу гўшани чароғон қилмиш».
 Шундай деди. Сўнг ўгрилиб Одиссейга илова қилди:
 «Менга қара, ҳой мусофири, агарда мен сени даламда
360. Ишлагани яхши пулга ёлласам, айт, борарми эдинг?
 Тиканакли буталардан ғов ясадинг, кўчат экардинг;
 Қишин-ёзин тўқ яшардинг, уст-бошинг ҳам, пойабзалинг ҳам
 Бут бўларди. Аммо сендан яхши ходим чиқмаса керак,
 Зероки сен дангасасан, санқиб юриб, садақа сўраб
365. Кун кўришни ёқтирасан ва еб тўймас бу курсофингни
 Йил-ён икки ой тер тўқмай, ҳақ тўламай қаппайтирасан».
 Шундай деди. Жавоб қилди унга соҳибнайранг Одиссей:

«Гар бэллашадиган бүлсак ким ўзарга биз иккаламиз»,
Кунлар узун бүлгэн баҳор чоғи, майли, сен билан менга
370. Бир хил ўткир чалғи бериб, эрта тонгдан қош қорайгүнча
Үтлоқда ўт ўрдирсингилар, ё бүлмаса, ҳар биримизга
Ширадор ўтлар еб ўсган, қудрати ҳам, ёши ҳам бир хил
Важоҳатли бир жуфт буқа тортадиган сүқа беришиб,
Майли, шудгор қилдирсингилар тўрт пайкалти қўриқ майдонни,

375. Кўрап эдинг шунда сўқам метин тиши замин бағрини
Қандай чуқур тилишини. Гар сарпадар Кронзода Зевс
Бу даргоҳда уруш ўтин ёқмоққа жазм қилгудек бўлса
Ҳамда менга қалқон, бир жуфт тифдор найза билан бошимни
Асрар учун мис дубулға берсалару жангга солсалар,

380. Кўрап эдинг мени жангнинг энг шиддатли издиҳомида;
Шундан кейин миннат қилмас эдинг менга еб тўймас, дея.
Сен такаббур, бадният ва қалби нопок одамсан; фақат
Нотавон ва забун каслар даврасида ўзингни ўта
Нуфузли ва иқтидорли одам қилиб кўрсатмоқдасан.

385. Вале агар бирдан бунда пайдо бўлиб қолса Одиссея,
Сезяпман мен, меҳмонхона эшикларин моҳир дурадгор
Қанчали кенг қилиб қурган бўлса ҳамки сенинг бу ердан
Тирақайлаб қочишингга торлик қилиб қолади улар».
У жим қолди. Евримахнинг қаҳри қайнаб, қовоқ остидан

390. Одиссейга ўқрайганча, деди икки оғиз аччиқ сўз:
«Шошма, мараз ялангоёқ, ҳозир додинг бериб қўяман.
Сен киборлар билан кўрқмай довлашяпсан; айт, тутуруқсиз
Гапни жовраш туғма одатмикин сенга сут билан кирган,
Ёки Ирни енганингдан кўтарилиб кетдими бурнинг?

395. Эҳтиёт бўл!» – деб курсича олиб отди у Одиссейга;
У энгашиб Амфиномнинг тиззасига қўйди бошини;
Курсича «фув» учиб ўтиб, соқийнинг ўнг қўлига тегди
Ва лиммо-лим майга тўла коса ерга тушиб тўкилди;
Соқий эса инграганча «гурс» йиқилди чалқанчасига.

400. Фира-шира базмгоҳда яна шовқин солиб куёвлар,
Гурунглаша бошладилар бир-бирлари билан ўзаро:
«Бу номатлуб меҳмонни тўнғиз қўпгандайди агар олдинроқ,
Улфатчилик гуркирарди, бўлмас эди бу машмаша ҳам.
Ҳа, зиёфат барҳам топди шу гадонинг касофатидан;

405. Энди ким ҳам кўнгилхушлик қилас эди бу тўполонда?»
Ана шунда куёвларга таъна қилиб деди Телемах:
«Нима, жинни бўлдингларми, эй бебошлар,
кайфларинг ошиб?
Ёки Даймон қутирияптими сизни? Шундоқ ҳам роса
Мириқдинглар зиёфатга, энди уйга бориб ухланглар.

410. Ким кетмоқчи бўлса агар, зўрлаб ушлаб ўтирамм уни».
Шундай деди. Телемахнинг шижаатли бу гапларидан
Хайрон қолган ёв куёвлар лабларини тишлаб қолдилар.

- Бу чоғ Арет насабидан бўлган Ниснинг ўғли Амфином
Дўстларига шундай деди: «Биродарлар, у тўғри айтди;
415. Хафа бўлманг унинг одил сўзларидан; саёқ чолга ҳам
Бошқа зуғум қилмангизлар; Одиссейнинг саройидаги
Қолган ходимларга ҳам ҳеч озор берманг. Яхшиси, соқий
Қадаҳларни хушбўй майга тўлдирсину бизлар бу майни
Тангрилар-чун паймо айлаб, қолганини сипқарайлик-да
420. Кетайлик уй-уйимизга; мусофири ни эса шу ерда
Қолдирайлик Телемахнинг мақомида – майли, ухласин;
Биласизку, у соҳибдил дўстимизнинг меҳмони эрур».
Амфиномнинг бу таклифи мақбул бўлди куёв аҳлига.
Шундан кейин Амфиномнинг дулихийлик содиқ қароли
425. Мулион қирмизи майни зилол сув-ла омухта қилиб,
Қадаҳларни лим-лим қилиб тўлдирди-да ҳамма меҳмонга
Суниб чиқди; улар масъуд тангриларга паймо қилдилар
Бул шаробдан ва қолганин сипқардилар томчисигача;
Шундан кейин улар бари ором олиб ухламоқ учун
430. Бирин-кетин бу даргоҳдан жўнадилар уй-уйларига.



ҮН ТҮҚКИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

Ҳамма кетди; базмгоҳда Афина ва ёв күёвларни
Битта қўймай қийратишни кўзлаётган Одиссей қолди.
Телемах ҳам шу ердайди; деди унга ота – Одиссей:
«Ўғлим, бунда қолдирмаслик керак энди қурол-яроқни.

5. Гар яроқлар йўқлигини пайқаб қолиб, қайда улар деб
Сўрасалар, күёвларга дейсан: «Бу ер тутун жуда ҳам;
Силоҳлар бу ерда отам Трояга жўнаб кетгандан
Бўён туриб, кунда ёнган машъаллардан ва гулханлардан
Қурум босиб зангламоқда. Сарпадар Зевс қўнглимга солди
10. Менинг жуда-жуда хушёр бўлмоғимни: ким билсин тағин,
Кайф устида бирданига низолашиб қоларсиз балки;
Ана унда совчилик ҳам, бу антиқа зиёфатлар ҳам
Жаҳл устида қора қонга белашмасин, дейман-да, дўстлар.
Бундай пайтда беихтиёр чўзилади қўллар қуролга».
15. Шундай деди. Телемах ҳам отасининг амрин бажариб,
Бир лаҳзада топди мушфиқ энагаси Евриkleяни;
«Она, – деди у, – кўз-қулоқ бўлиб тургин, то мен отамнинг
Силоҳларин юқорига олиб чиқиб яширгунимча
Оқсоchlарни кўрмай бунда; ҳа, қуроллар қаровсиз қолган
20. Қурум босиб; отам ҳам йўқ; илгари мен нодон болайдим,
Лекин энди биламан бу силоҳларни қайда бешикаст
Сақлаш йўлин», Деди. Кампир Евриkleя жавоб қайтарди:
«Балли, эркам! Эс-хушиングни йиғиб энди отанг бойлигин
Асра кўзинг қорасидай; лекин оқсоқ қизлар хонадан
25. Чиқмасинлар дер экансан, ким йўлингни ёритиб туар
Чироқ тутиб?» Жавоб қилди энагага доно Телемах:
«Манави чол; ахир боқавераманми уни бекорга?
Олис юртдан келган бўлса ҳам, ҳалоллаб есин нонини».
Унинг гапин Евриkleя фаҳмлади бир эшлишида
30. Ва оқсоchlар хоналарин эшигини занжиirlab қўйди.
Шундан кейин Одиссей ва унинг ўғли мис дубулғалар,
Дўнг қалқонлар, тифдор узун найзаларни болаҳонага
Олиб чиқа бошладилар; Афинея кўзга кўринмай,
Ота-бала йўлин олтин чироқ билан ёритиб турди.
35. Ўғил ҳайрон қолиб бундан, Одиссейга деди: «Отажон,
Кўп ажойиб мўъжизалар юз бермоқда кўз олдимизда;
Бу ердаги ҳамма нарса: деворлар ҳам, теваракдаги
Маҳобатли устунлар ҳам, шифтнинг жами тўсиллари ҳам
Ярақлаб кўз қамаштирур худди ёнғин бўлаётгандай, –

40. Балки бирон тангри ташриф буюргандир бизга кўринмай?»
Деди ўғил; жавоб қилли соҳибнайранг Одиссей унга:
«Ҳеч нимани сўрама сен, қўрққил ҳатто буни ўйлашдан;
Олимп соҳиблари бўлмиш тангриларда бор шундай одат.
Энди бориб ором олгин, бу ерда мен бир ўзим қолиб,
45. Оқсоқ қизлар хулқ-атворин кузатгум ва Пенелопанинг
Кўзёш тўкиб берган барча саволига жавоб қайтаргум».
Шундай деди. Телемах ҳам қўлга олиб ёниқ машъални,
Чиқиб кетди базмгоҳдан; у ўзининг хобхонасига
Кириб бориб ётди-ю тез ухлаб кетди то тонг отгунча.
50. Одиссей бу пайт ҳувиллаб қолган улкан меҳмонхонада
Афинея билан икков күёвларни маҳв этмоқликни
Ўйлар эди. Ётоғидан тушиб келди шу чоғ малика –
Пурлатофат Кипридага ва навниҳол Артемидага
Ўҳшаб кетган эди ҳозир унинг ойдек ҳусни-жамоли.
55. Чўрилар бир курси олиб келиб қўйди манқал ёнига:
Фил суягидан ясалиб, кумуш билан жилоланган ва
Момиқ пўстак тўшалган бу ўтиргичга уста Икмалион
Оёқ қўйиш учун жажжи курсича ҳам ясаган эди.
Фаросатли Пенелопа шул курсига келиб ўтирди.
60. Унга ҳамроҳ бўлиб келган бир нечта оқ билак оқсоchlар
Ҳаммаёқни: бўш қадаҳлар, бурда нонлар сочилиб ётган
Столларни ҳамда идиш-товоқларни йигиштиришга
Киришдилар; сўнг манқаллар кулин тўкиб қуруқ ўтинлар
Қаладилар, меҳмонхона исисин ва ёргу бўлсин-чун.
65. Лек Меланфо деди яна Одиссейнинг жигига тегиб:
«Ҳалиям шу ердамисан, хирапашша? Сен жориялар
Орқасидан ўғри мушук каби тентиб, ҳар ишимизни
Кузатмоқчимисан дейман тинчлик бермай бизга тунда ҳам?
Йўқол бундан, ялангоёқ! Қаппайтириб олдинг қорнингни.
70. Энди даф бўл! Гар қорангни ўчирмасанг бу кошонадан,
Ўзим сени сўхта ўтин билан уриб бошинг ёраман».
Деди унга қув Одиссей маъюс қараб қовоқ остидан:
«Нега бунча акиллайсан, манжалаки, кутирган итдай?
Ё кўнглингни айнитдими исқирилтигим, йиртиқу ямоқ
75. Уст-бошим ва муҳтоҷликдан тиланчилик қилишим менинг?
На қилайки, мен гадоман! Мудом ғамга ботиб, беватан
Санқиб юрмоқ тақдир экан биздек ғариб қашшоқлар учун.
Бир пайтлар мен ҳам эмас эдим бундай саёқ тиланчи;
Данғиллама обод уйим бўлар эди, жамики келган
80. Мусоғирлар учун доим очиқ эди менинг эшигим;
Қуруқ кетмасди мискинлар; қулларим ҳам кўп эди жуда.
Ҳа, бадавлат хожа эдим; мол-давлатим беадад эди.
Жудо бўллим мен уларнинг ҳаммасидан Зевс амри ила.
Сен ҳам, тентак қиз, бир кунмас-бир кун келиб
бойлигинг бўлган

85. Ниҳол ҳуснинг йўқотурсан ва соҳибанг жирканур сендан;
Бу орада, Одиссей ҳам қайтар балки – умид қиласиз;
Гар у ҳалок бўлган бўлса, ҳали бунда унинг ўғлони
Телемах бор – Аполоннинг дастпарвари; у боҳабардир
Ходималар атворидан; энди ундан яширолмаймиз
90. Биронта ҳам сирингизни, зеро гўдак эмас у энди».
Шундай деди. Мусофирнинг нутқин тинглаб ғазаби ошган
Пенелопа койиб берди бетгачопар ходимасини:
«Эй беҳаё, мунча итдай қутурасан? Менга аёндир
Сенинг барча қилмишларинг; жазоингни оласан ҳали.
95. Нима, билмасмидинг, бадбаҳт, бу чолни мен таклиф қилганим
Суюк эрим тўғрисида янги ҳабар эшитмоқ учун?»
Шундан сўнг у амр этди қалитдори Евриномага:
«Пўстак тўшалган курсини яқинроқقا келтириб қўй сен –
Қулай бўлсин бир-биrimизни тингламоқ иккимизга ҳам».
100. Евринома олиб келди юнгдор пўстак тўшалган курси;
Одиссейни ўтиришга таклиф қилди унинг хотини.
Шундан кейин гап бошлади Пенелопа унга юзланиб:
«Азиз меҳмон, сен жавоб бер олдин менинг саволларимга:
Кимсан ўзинг? Отанг ким-у волиданг ким? Қай юртда улар?»
105. Жавоб қилди соҳибитож Лаэртзода рафиқасига:
«О маликам, эллар сенинг довруғингни кўкка қўтарур
Ҳад-худудсиз бу заминда; ўҳшайсан сен сону саноқсиз
Фуқаронинг мурувватли ва батавфиқ, закий шоҳига;
Бундай шоҳнинг давлатида арпа, буғдој мўл ҳосил берур,
110. Бошин эгур шовул мева тутган дараҳтларнинг шоҳлари,
Қора моллар, қўй, эчкилар ўтлар унинг яйловларида,
Балиқларнинг кони эрур салтанатин дарё, кўллари;
Фароғатда кун кечиур бу жонқуяр шоҳнинг ҳалқлари.
Лек маликам, мендан бошқа нарсаларни сўрайвергин-у
115. Сўрама ҳеч: юртим қайда, оиласам-у отам-онам ким?
Гар уларни эсга олсам, юрагимга нишдай санчилур
Андуҳларим; кўп изтироб чекканман мен. Билки, бегона
Хонадонда сұхбат чоғи йиғламоқлик одобдан эмас.
Кўзёш асло малҳам бўлмас фам-кулфатнинг жароҳатига.
120. Оқсоchlарнинг, ҳатто сенинг ҳам кўнглингга келиши мумкин,
Чолнинг кайфи ошиб қолиб йиғламоқда, деган ёт фикр».
Одиссейнинг бу гапига шундай жавоб қилди малика:
«Отагинам, менинг эрим тангримонанд Одиссей ахей
Мардлари-ла кемаларда Трояга сузиб кетган кун
125. Жудо қилганди тангрилар мени ҳусну тароватимдан.
Гар Одиссей қайтиб келиб паноҳига олсайди мени,
Ортиб обрў-эътиборим, ҳусним яна зеболанаарди.
Илло даймон мени гулдай сўлдирмоқда фамга ботириб.
Атрофимиздаги Зам-у ўрмони кўп Закинф, Дулихий
130. Оролларин энг нуфузли йигитлари, яна серқоя
Итакамизнинг давлатманд ёшлари, бўл, сен эрга тег деб

Мени мажбурламоқдалар, бойлигимиз қийратмоқдалар;
Лек менга ҳеч ким керакмас: на ҳимоя сүраб келганлар,
На мусофир, на-да элга муждачилик қылган одамлар;

135. Менга матлубдир Одиссей, фақат унга талпинар қалбим.
Анавилар, эрга тег деб ҳар кун мени зўрламоқдалар.
Бир пайтлар лақиллатмоқчи бўлгандим бу куёвларни;
Даймон кўнглимга соганди: хобхонамга дастгоҳ ўрнатиб,
Қора ва кенг уртуқ тўқий бошлагандим ва куёвларнинг
140. Ҳаммасини чақиририб хобхонамга, шундай дегандим:
«Эй йигитлар, бугун эса – маъшуқларим, модомики шоҳ
Одиссей йўқ экан энди, никоҳга биз андак шошмайлик –
Аввало мен тўқиб бўлай бу матони охиригача;
Қайнотам тобутига ёпмоқ учун тўқилган уртуқ
145. Чол дунёдан кўз юммасдан олдин тайёр бўлмоғи керак,
Токи ахей аёллари бўлмасинлар мендан домангир,
Шундай азиз инсон гўрга уртуксиз дафн этилди дея».
Шундай дедим, гапларимга ҳамма рози бўлди мардана.
Вале кейин мен кун бўйи тўқирдиму ўша уртуқни,
150. Кечалари чироқ ёқиб, тўқиганим сўкардим қайта.
Уч йил давом этди алдов, уч йил лақиллатдим уларни;
Тўртинчи йил бошланганда яшшамагур битта оқсоғим
Бу сиримни ошкор қипти куёвларга; улар ўзи ҳам
Мен уртуқни сўкаётган чоғ устимдан чиқиб қолдилар;
155. Сўнг уртуқни битиришга мажбур бўлдим, хоҳламасам ҳам.
Энди кучим етмайди рад этмоққа бу манфур никоҳни:
Эрга тег деб зўрлашмоқда мени хешу ақраболарим.
Лек йўқ демоқ учун ҳеч ҳам бирон ҳийла тополмаяпман;
Ўғлим ҳам ёв куёвларнинг зуғумидан зор қақшамоқда;
160. У камолга етган энди, оилани бошқара олур,
Зевс ҳам меҳр уйғотмоқда одамларда Телемахимга.
Энди ростин айтчи менга: кимсан ўзинг? Ҳар ҳолда, кўҳна
Эман оғочи ё қоя тош эмасдир наслу наسابинг.
Маликага деди тангриваш Одиссей эътиroz ила:
165. «О қария Икарийнинг зукко қизи Пенелопа, сен
Менинг наслу наسابимни билмоқчисан. Майли, айтаман
Сенга бутун кечмишимни, гарчи бу талх, аламили қиссам
Юрак-бағрим ўртаса ҳам. Узоқ вақт ўз оиласидан,
Ватанидан йироқдаги заминларда ҳасратга ботиб
170. Бошпанасиз тентиб юрган ғариларнинг ҳоли-аҳволи
Қандай бўлса, мен ҳам шундай шароитда кун кўрмоқдаман.
Лек, маликам, жавоб бергум сенинг барча саволларингга.
Шароб рангли денгизнинг қоқ ўртасида Крит ороли
Бор. У жуда бадавлат юрт; ҳалқи ҳам кўп; улар тўқсонта
175. Азим шаҳар фуқароси; ҳаммаёқда турфа забон ҳалқ*:
Булар – ахейлар салафи бўлмиши крит қабилалари;
Жингалаксоч дорийлару, киконлару, Кнос шаҳрининг

- Фуқароси Пеласлар. Зевс ҳамнишини бобом шоҳ Минос Тўққиз йиллаб ҳукмронлик қилган экан салтанатига*.
180. Шоҳ Миноснинг ўғли бўлмиш бузрук отам Девкалионнинг Ўғиллари эдик оғам Идоменей билан мен икков; Идоменей шоҳ Менелай билан бирга гумбур кемада Трояга сузуб кетди; ҳа, айтгандай, исмим Аитон; Рост, бўлганди шоҳ Одиссей Критда; мен уни эъзозлаб
185. Меҳмон қилган эдим. Уни жўшқин бўрон қувиб келганди Биз ёқларга; Трояга кета туриб, Малея бурни Яқинида бўронга дуч келиб қолган ва ўз кемасин, Тангриларнинг паноҳида, зўрга олиб кириб Амнисий Лиманига, Илифия чўнг қояси ёнбошидаги
190. Энг хатарли бандаргоҳга банд айлаган у бир амаллаб. Шаҳримизга у акамни сўраб келди; бир вақтлар акам Уни меҳмон қилган ва дўст тутинган-кан бу меҳмон билан. Лек акамнинг Трояга кетганига ўн ё ўн бир кун Бўлган эди. Ўзим қарши олиб уни шоҳ саройида,
195. Меҳмон қилдим хотамона; егуликлар кўп эди бизда; Одиссейнинг ҳамроҳлари ҳам шоҳона меҳмон қилинди Халқдан йифилган нон-намак*, ол ранг май ва семиз буқалар Гўшти билан; бу ахейлар ўн икки кун меҳмон бўлдилар. Борей тинмай қутиради; шўр денгизда сузиш у ёқда
200. Турсин, ҳатто қуруқликда ҳам оёқда туриб бўлмасди; Бу даймоннинг иши эди; ўн учинчи кун бошланганда, Машъум шамол тинди охир ва меҳмонлар сузуб кетдилар». У ёлғонни худди ростдай қилиб сўзлаб берди ҳаммага. Аёллар ёш олди кўзга; азим тоғнинг булутлардан ҳам
205. Юксакдаги чўққисида Зефир олиб келган илиқ Евр Шамолидан қорлар эриб, дарёлар лим-лим оққанидай, Маликанинг латиф яноқларидан ҳам оқа бошлади Шашқатор ёш – Пенелопа айни чоғ ўз рўпарасида Ўтирган яккаю ёлғиз суюк эрин қўмсаб йигларди.
210. Хотинининг аччиқ нола чекишидан эзилиб кетган Шоҳ Одиссей мижжа қоқмай, кўзларини тошдай қотириб Завжасига тикиларкан, уринарди йиғламасликка. Пенелопа ўқсиб-ўқсиб йиғлаб бўлгач деди меҳмонига: «Сен, мусофир, Одиссейим билан унинг ҳамроҳларини
215. Ростдан ҳам шоҳ саройида меҳмон қилғанмисан, ё йўқми – Ҳозир ўзим синов қилиб ҳаммасини билиб оламан. Қани, айт-чи, қандай либос кийган эди ўшанда эрим, Кўриниши қандай эди, ҳамроҳлари ким эди унинг?» Жавоб қилди мاشаққатларга бардошли Одиссей унга:
220. «О маликам, аниқ жавоб айтиш қийин саволларингга; Орадан кўп йиллар ўтди; эринг бизнинг ватанимизда Меҳмон бўлиб кетганига йигирма йил бўлди чамамда; Лекин айтгум хотирамда қолган жами кўрганларимни: У эгнига кийганди қўшқават олранг мовут мантия;

225. Мантияга қүш илгакли тилла түқа қадалган эди;
Түқа сиртида мусаввир тасвирилаган эди бир този
Итнинг нимжон ёши буғига ҳамласини; худди тириклем
Титрарди у; ит кўзидан ўт чақнарди; буғу тозининг
Чангалидан қутулмоқ-чун оёқларин питирлатарди;
230. Түқа ҳайратга солғанди ҳаммани. Лек Одиссей кийган
Хитон пиёз пўсти каби жуда нафис ажиб матодан
Тўқилганди ва кўзингни қамаштирап эди қуёшдек;
Уни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолгандилар бизнинг аёллар.
Ва лекин мен бундай нодир хитонни у қайдан олганин
235. Билолмадим. Трояга жўнаш чоғи уйда кийганми?
Ё бирон зот тортиқ қилганми эрингта сафар олдидан?
Ё у меҳмон бўлган жойда туҳфа қилганмикинлар унга?
Одиссейни кўплар ҳурмат қиласа экан; ҳеч битта ахей
Тенг келолмас эди унга иқтидорда, одамийликда.
240. Мен ҳам унга кўши қаватли қирмизи ранг мантия билан
Нафис хитон, яна қўшдам мистиф шамшир армуғон этиб,
Кузатвордим қора биқин кемасида узоқ сафарга.
Унинг битта маҳрами бор эди, ёши сал ўтиб қолган;
Кўз олдимда сиймоси: у жингалаксоч, қоратўридан
245. Келган букир одам бўлиб, унинг исми Еврибат эди:
Эринг уни қадрларди барча ҳамроҳларидан ортиқ
Ва бу закий одам билан ҳар бир ишда ҳаммаслак эди»,
Деди меҳмон. Кўнгли бир хил бўлиб кетди Пенелопанинг:
Чол эрининг барча аломатларини аниқ таърифлаб
250. Берган эди. Пенелопа узоқларда саргардон юрган
Суюк ёрин согинчида йиғлай-йиғлай кўнглин бўшатгач,
Шундай дея гап бошлади: «Эй мусоғир, шу ҷоқҷача мен
Сенга фақат ачингандим; лекин энди сен энг мўътабар
Ва ардоқли одам бўлиб қолажаксан хоналонимда;
255. Сен таърифлаб берган ўша мантияни ўзим қазноқдан
Олиб чиқиб, унга тилла түқа қадаб безатган эдим.
Э воҳ, энди уни ҳеч ҳам кўролмасмен ўз масканимда!
Нечун ташлаб кетди бизни! Йўқ, йўқ, уни бадният даймон
Олиб кетди фалокатгоҳ Илионга денгизлар оша».
260. Завжасига жавоб қилди тангримонанд Одиссей шундай:
«О қария Икарийнинг доно қизи Пенелопа, сен
Кўп фам чекиб ой жамолинг ҳазон қилма; эрингни қўмсағ
Дилинг вайрон этаверма. Йўқ, мен таъна қилмоқчимасман.
Дилдан севиб турмуш қурган ва фарзандлар кўрган эридан
265. Жудо бўлган ҳар бир хотин теран фамга ботиши аниқ.
Сенинг эринг илоҳий ҳусн соҳибимиш, айтишларича.
О маликам, фамни тарқ эт ва қулоқ бер ушбу гапимга:
Ҳеч бир сирни яширмасдан фақатгина ростин айтаман.
Эшитдим мен, Одиссейнинг ватанига қайтаётганмиш,
270. Айни чоғда у бу ерга яқин бўлган феспротларнинг
Зироатзор ютидамиш ва кемаси лиқ тўла эмиш

Унинг турли ўлкалардан йигиб келган ўлжаси билан;
Лекин содик ҳамроҳлари йўқмиш энди; сабабки, улар
Гелиоснинг энг ардоқли ва муқаддас буқаларини

275. Сўйиб еганлари учун, тангри Зевс ва чароғон Қуёш
Оташ чақмоқларин отиб, ҳаммаларин маҳв айлаганмиш;
Лек Одиссей кема тахтапорасини қучоқлаб олиб,
Етиб борган тангри севган масъуд феаклар оролига;
Бу халқ уни эҳтиром-ла кутиб олган тангридек билиб;
280. Сўнг феаклар унга мўл-кўл совға бериб Итакага ҳам
Олиб келмоқчи бўлганлар. Ана унда аллақачон у
Ўз юртига етиб келган бўлар эди; лек эринг пухта
Ўйлаб кўриб, олдин турли ўлкаларни айланиб чиқиб
Кўпроқ бойлик ғамламоқни маъқул кўрган. Мен эшигандим,
285. Биронта ҳам фоний банди эрингга тенг келолмас экан
Ўз фойдасин кўзлашда-ю тежамкорлик, тадбиркорликда.
Шундай деган эди Федон тангриларга май паймо қилгач
Ва онт ичиб айтгандики, Одиссейни ота юртига
Кузатиб бормоқлик учун учқур кема жиҳозланганмиш,
290. Бахрийлар ҳам бу сафарга ҳозирланиб турган эмишлар;
Лек у мени сал олдинроқ кеткизворди Дулихийимга:
Бизга буғдой элтаётган кема тайёр экан сузишга.
Федон менга Одиссейнинг бойликларин кўрсатган эди.
Улар шунча кўп эдики, етар эди етти пуштига;
295. Ўзи, шоҳнинг айтишича, Додонага жўнаб кетибди
Дийнинг муқаддас эмани коҳинидан, она ватаним
Итакага қай йўсинда борай, дея сўрамоқ учун.
Кўряпсанки, эринг тирик; у яқинда азиз юртига
Қайтиб келур; у суюкли оиласи ва ватанидан
300. Йироқдамас; қасам ичиб тасдиқлашга тайёрман буни;
Тангриларнинг падари Зевс номи билан ва Одиссейнинг
Уйидаги қудсий ўчоқ ҳаққи қасам ичаманки, бу
Айтганларим зоҳир бўлур тез орада: кўқдаги қўёш
Сафарини тугатмасдан ва ўроқ ой навниҳол ҳилол
305. Ойга ўрнин бўшатмасдан кириб келур уйга Одиссей».
Пенелопа унга шундай жавоб қилди: «Гар башоратиниг
Тўғри чиқса, сени, азиз меҳмон, менинг хонадонимда
Совға-саломларга кўмиб, ажабтовур қутлагайларки,
Бундай хушиҳол саодатни кўрган одам қолур ҳайратда.
310. Вале менинг изтиробга ғориб бўлган қалбим сезмоқда:
Йўқ! Одиссей ватанига қайтмас энди, сен ҳам юрtingга
Кетолмайсан: уйимизни забт этмишлар ёвуз одамлар.
Бизниги келган барча мусофирни очиқ юз билан
Кутиб олиб, ҳаммаларин хотамона еб ичирувчи
315. Одиссейдек мурувватли зот йўқ энди менинг уйимда.
Сизлар уни, жориялар, ювинтириинг, сўнг тўшагига
Иссиқ мантия ташлангки, совуқ қотмай ухласин токи

- Олтин тахтли Шафақ қўкка балқунича. Эрталаб эса,
Бу меҳмонни чўмилтириб баданига хушбўй мой суринг,
320. Ки нонушта чоғида у ошхонада ўғлим ёнида
Ўтирганида ўзи ҳам, уст-боши ҳам покиза бўлсин.
Илло унинг дилин яна ким оғритса, мен раҳм-шафқат
Қилмам унга, гарчи бўлса ҳамки унинг фифони фалак.
Ўзинг ўйла, агар менинг фаросатим ва заковатим
325. Авом аёлларнидан фарқ қилмаса, сени исқирит ва
Юпун ҳолда ўтқазсамиз ёнимизга овқатлангани,
Қандай била олар эдинг кимлигимни? Ўзингга аён,
Бу дунёда фоний бандаларнинг умри қисқадир жуда;
Ким тошбағир одам бўлса, йўқдир унда меҳр-оқибат;
330. У бу ёруғ дунёда ҳам, ўлиб кетганидан кейин ҳам
Учраг доим одамларнинг қарғишига, маломатига.
Вале кимнинг қалби пок ва аъмоллари бекусур бўлса,
Мусоғирлар уни мақтаб бонг ҷалурлар жумла жаҳонга
Ва эл-элат уни иззат қилиб деюр: «саҳоватпеша».
335. Жавоб қилди тангримонанд Одиссей ўз рафиқасига:
«О қария Икарийнинг зукко қизи Пенелопа, мен
Эшқаклари кўп кемамда сузиди чиқиб очиқ денгизга,
Ота юртим Критнинг қор бурқаб олган юксак тоғларин
Кўздан йўқотганим чоғдан бери иссиқ мангияни ҳам,
340. Кўрпа, ёстиқ, тўшакни ҳам мутлақо хуш кўрмай қолғанман.
Изн бергил, мен шу ерда тақириш шолча устида ётай.
Кўп аламли, машаққатли тунларни мен бедор ўтказдим
Олтин тахтли субҳидамнинг қўкка балқиб чиқишин кутиб;
Оёғимни ювишларин ҳам ёқтирам; алалхусус, шоҳ
345. Одиссейнинг уйидаги ҳеч битта ҳам жория қизнинг
Оёғимни ювишига йўл қўймайман. Айтчи, маликам,
Худди мендек яхши-ёмон кунларни кўп бошдан кечирган
Бирон мушфиқ ва куйгунчак кампир йўқми? Фақатгина шу
Қариянинг оёғимни ювишига рози бўлардим».
350. Одиссейнинг саволига шундай жавоб қилди малика:
«Бил, мусоғир, уйимизга кўп меҳмонлар ташриф буюрган
Узоқ-яқин ўлкалардан, вале ҳеч ҳам учратмаганман
Сен каби сермулоҳаза одамни мен улар ичидা.
Уйимизда кўп оқила, маслаҳатгўй битта кампир бор;
355. Бахти қаро эримнинг у энагаси; эрим дунёга
Келганида, уни йўргаклаган экан. Сени ўшанга
Топшираман, энди унинг дармони сал қочган бўлса ҳам;
Тур, айланай Евриkleя, соҳибингнинг тенгдоши бўлган
Бу одамнинг оёғини сен ювиб қўй; Одиссейим ҳам
360. Ҳозир шундай афтодаҳол бўлиб қолган бўлса ажабмас:
Одамзодни бахтсизлик ва мاشаққатлар тез қаритади».
Шундай деди. Евриkleя кўзин ёпди кафтлари билан —

Бармоқлари орасидан сирқиб чиқди аччиқ күзёши;
«Нуридийдам! – деди кампир хұнг-хұнг ииғеб. –
Қайда юрибсан?

365. Нечун сени чақмоқдор Зевс ғазабига олган, чирофим?
Ахир қайси худотарс зот худди сендеқ садоқат ила
Буқаларин сүйиб Зевсга баҳш этганды әкетомбалар,
Кексайғанда ўз уйимда ўғилчамни бағримга босиб,
Осуда кун күришимга ижозат бер, деб сиғинганди?
370. Кор қымлади таваллоинг; сенга насиб этмади қайтиш
Ўз уйингга. Э воҳ! Энди сен биронта бегона юртда
Ёт одамлар орасида, бирон бойнинг хонадонида
Манавиндай бадбинлардан дакки еб ва қарғыш эшитиб
Дилафгордирсан, оҳ бўтам; шунинг учун ҳам, сен, мусофири,
375. Бу итларга оёғингни ювдиришни хоҳламагансан;
Маликам менга амр этди оёғингни ювиб қўйишни;
Майли, мен жон-жон деб ювгум. Нафақат бу Пенелопанинг
Фармойиши бўлганий-чун, балки сенинг ўзинг учун ҳам:
Юрагимни ҳаяжонга солиб қўйдинг. Шу сабабли мен
380. Ўз фикримни сенга очиқ айтмоқчиман, яхшилаб эшит:
Уйимизда оч ва юпун мусофиirlар кўп бўлган жуда;
Лек юрагим дарак берур: уларнинг ҳеч бири овози,
Бўйи, басти, оёқ-қўли билан менинг Одиссейимга
Ўхшамаганди сенчалик. Шу ҳайратга солмоқда мени»,
385. Деди кампир. Жавоб қилди кув Одиссей энагасига:
«Гапинг тўғри, онагинам, мен ўзим ҳам кўп эшитганман
Иккимизни кўрганлардан, кўп жиҳатдан бир-биримизга
Ўхшаб кетар эканмиз биз, худди ҳозир сен айтганингдай».
Шундай деди. Евриkleя сув келтириб, мис тоғорани
390. Яримлади, кейин уни чапиштириди қайноқ сув билан.
Лаэртзода ўчоқ ёнига ўтириб, юзин тескари
Буриб олди: кампир унинг оёғини юваётганда
Кўриб-нетиб қолса агар ўзи билган чандиқ изини,
Унинг сири очилиши аниқ эди. Лек Евриkleя
395. Хожасига яқинлашган заҳот, кўзи тушди чандиқقا...
Бир пайтлар у Парнасга бобосини кўргани бориб,
Тоғалари билан овга чиққанида, бир вахший тўнғиз
Яралаган эди сўйлоқ тиши билан унинг оёғин...
Автоликон (тангри Гермес бу одамга учига чиққан
400. Муғамбирилик, ёлғончилик, қасамхўрлик хислатларини
Бахши этганди, зеро у бул пурмурувват тангри ҳаққига
Кўп эчки ва қўйлар сонин қурбонгоҳда куйдирган эли)
Итакага келганида суюқ қизин кўзлари энди
Ёриганди чақалоққа. Евриkleя бобо бўлмишнинг
405. Овқатланиб олишини пойлаб туриб, унинг тизига
Олиб келиб қўяр экан неварасин шундай деганди:
«Автоликон, сен невара тилагандинг илтижо қилиб

- Тангри Зевсга; мана, адо этди тангри бу тилагингни.
Энди ўзинг от қўйиб бер неварангга». Шунда Автолик
410. Деган эди қуёвига ва қизига: «Ўғилчангизнинг
Исми тайёр; мен бу ёқقا келаётганимда сизларни
Кўриш учун, юртимнинг кўп одамлари жаҳлим чиқарди.
Неварамга Одиссей деб от қўяман* – яъни жаҳлдор.
У улғайиб йигит бўлса, бобосидан хабар олгани
415. Парнасадаги уйимизга борур, шунда уни эъзозлаб
Меҳмон қилгум ва қутлагум бисёр совға-саломлар билан»...
Мана, гўдак улғайди ва бобосини кўргани борди.
Бобо билан ўғиллари Одиссейни шод-хуррам бўлиб,
Хуштавозе ширин-шакар сўзлар билан кутиб олдилар.
420. Бувижони Амфитея юм-юм йиғлаб набирасининг
Юзу кўзи, азиз боши, қўлларини ўпти дам-бадам.
Автоликон, дабдабали зиёфатга ҳозирлик кўринг,
Деб амр этди ўғлонларга. Улар ота амрин бажариб,
Ходимларга, яйловдан беш ёшли буқа ҳайдаб келишни
425. Буюрдилар. Сўнг бўғизлаб, шилдилар-да буқа терисин,
Нимталаб ва сихга тортиб унинг гўштин кабоб қилдилар;
Сўнг кун бўйи то кечгача кабобхўрлик қилиб ўғиллар,
Май ичдилар. Куёш ботиб зулмат тушгач, пар тўшакларга
Ётиб ҳамма баҳра олди тангрилар баҳш этган уйқудан.
430. Мана, балқиб чиқди кўкка ол бармоқли навниҳол Эос.
Автоликнинг ўғиллари кўриб шикор тадоригини,
Чақирдилар итларини. Одиссей эш бўлди уларга.
Овчилар кўп юриб, ҳаммаёғи ўрмон билан бурканган
Парнас тогин серизирин дарасига етиб бордилар.
435. Нурбахш қуёш аста балқиб Океанинг теран қаъридан,
Дала-даштни эндиғина ёритганди зиёси билан.
Ёш овчилар пастқам чангальзор ичига кириб бордилар;
Този итлар олдинда из қидиришиб чопиб борарди;
Узун, тифдор найзалар-ла қуролланган овчилар билан
440. Лаэртзода тез-тез чопиб борардилар итлар ортидан.
Бир баҳайбат ваҳший тўнғиз кириб олган эди ёввойи
Буталарнинг орасига: навдалари айқашу уйқаш
Бўлиб кетган бу буталар орасидан ҳеч қандай зарра:
На аёзли изгирин, на Гелиоснинг оташ нафаси,
445. На-да шаррос қуйган ёмғирлар томчиси сизиб кираради.
Унда барглар гилам бўлиб тўшалганди. Итлар хуришин
Ва югуриб келаётганлар товушин эшитган тўнғиз
Тукларини диккайтириб ва кўзидан олов чақнатиб,
Чиқди бута орасидан ва овчилар йўлини тўсди.
450. Лаэрт ўғли яқин бориб қолган эди унинг олдига.
У тўнғизга зарб бергани найзасини кўтарган эди,
Ўнг томондан ҳамла қилган ваҳший қобон эпчилик қилиб,
Одиссейнинг тиззасига ботирди-да сўйлоқ тишини,
Бир бўлак эт юлиб олди; хайриятки, суяқ бут қолди.

455. Лаэртзода түнгизнинг ўнг елкасига санчди найзасин;
 Найза тешиб чиқди чапдан; түнгиз қулаб жони узилди.
 Автоликнинг ўғиллари Одиссейнинг жароҳатини
 Бөгладилар авайлаб ва афсун ўқиб оқаётган қонни
 Тұхтатдилар. Сүнг қайтдилар ҳаммалари ота уйига.
460. Одиссейнинг ярасини тоғалари даволадилар;
 У тузалиб күчга киргач, мүл-күл совға-саломлар билан
 Одиссейнинг дилин хушлаб құзатдилар уни юртига.
 Ота-она омон қайтган ўғлин күриб севиндилар ва
 Оёғининг жароҳати сабабини суриштирилар.
465. У батағсил сўзлаб берди, тоғалари билан Парнасда
 Ов қылғани ва шикорда тиззасини қутирган түнгиз
 Тишлаб жароҳатлагани түғрисида бир сўз қолдирмай...
 Мана, кампир Одиссейнинг оёғидан ушлаган эди,
 Қўли чандиққа тегди-ю туширворди оёқни жомга;
470. Сув тўқилиб кетди ерга. Ҳам қувонч, ҳам қайғу қамради
 Кампир қалбин, хиralашди филт-филт ёшга тўлган кўзлари.
 У Одиссей иягидан ушлаб туриб бир қалом деди:
 «Чирофим, сен Одиссейсан! Сени сира танимагандим
 То мана бу оёғингга қўлим бориб тегмагунича!»
475. Шундай деб у маликага юз ўғирди, эрининг қайтиб
 Келганини айтмоқ учун. Лек малика нигоҳин четга
 Бурган эди... Афина жалб қылған эди унинг диққатин.
 Одиссей ўнг қўли билан хиппа бўғиб энагасининг
 Томоғидан, пичирлади имлаб уни сўл қўли билан:
480. «Ўчир унинг! Мени ҳароб қиласанку. Ҳа, Одиссейман;
 Сен меҳрибон энагамсан; кўп азобу уқубатларни
 Кечириб шўр манглайимдан, мен тангрилар ҳоҳиши ила,
 Йигирма йилдан сўнг отам ватанига ахири қайтдим.
 Лекин очиқ экан сенинг зийрак кўзинг, жим бўл! Бу ерда
485. Ҳеч зоғ билмаслиги керак қайтганимни! Акс ҳолда, сен
 Яхши билки, гар Зевс менга қутурган ул ёв куёвларни
 Маҳв этишда мадад берса, оқсоchlарим устидан ҳукм
 Чиқарганим чоғ сени ҳам, гарчи менга тарбия бериб,
 Парваришлаб улғайтирган бўлсанг ҳамки, аяб ўтирумам».
490. Евриkleя шундай дея жавоб қилди Лаэрт ўғлига:
 «Кўп аломат гаплар учмиш лабларингдан, ўғлим Одиссей;
 Биласанку ўзинг, руҳим тетик менинг, иродам бақват;
 Ҳамма гапинингга чидагум тош бўлиб ё темир мисоли.
 Сен, ўғлоним, тинглаб маслаҳатларимни сақла дилингда.
495. Гар Зевс сенга мадад берса маҳв этишда итдай қутурган
 Куёвларни, ҳузурингга йигғум барча оқсоchlарингни;
 Ўзинг синаб, суриштириб билиб олгил — ким бадаҳлоқу,
 Ким ҳаёли ва пок ният соҳибаси эканлигини».
- Қув Одиссей шундай дели бу кампирга эътиroz ила:
 500. «Йўқ, энага, сен уларни йигаман деб овора бўлма.
 Ҳаммасини ўзим кўриб, ўзим суриштириб биламан.

Сен чурқ этма. Қолган ишлар тангриларнинг ихтиёрида». Шу гапдан сўнг кампир чиқиб кетди илиқ сув келтиргани – Олдин олиб келган иссиқ суви ерга тўкилган эди.

505. Одиссейнинг оёғини ювиб майн май сурди кампир;
Лаэртзода курсисини суриб қўйиб манқал ёнига
Ўтириди-да чандигини ёпди йиртиқ этаги билан.
Унга шундай деб юзланди заковатли ёри малика:
«Авваламбор, жавоб бер сен менинг баъзи саволларимга:
510. Фарофатли уйқу пайти яқинлашди, ҳатто дилпора
Одамлар ҳам тотли уйқу оғушида саодатманддир.
Мени эса фам-андуҳга банд айлади фанимим даймон.
Кундузлари ўксисб ўиғлаб юрагимга таскин бераман;
Иш тикаман ва назорат қиласман уй-рўзфор ишларин,
515. Жориялар хизматини кузатаман; ва лекин ҳамма
Маст уйқуга кетиб, атроф сукунатга фарқ бўлганида,
Ёлғиз ўзим тўшагимда юрагимни ваҳм босганча,
Титраб-қақшаб ўтираман мижжа қоқмай ва юм-юм ўиғлаб.
Сўлим баҳорнинг муаттар қунларида Пандарнинг қизи
520. Аида ҳам ўиғлар* тинмай: у Зефосдан туқсан ягона
Арзандаси Итилосни, билмай туриб, ўлдирган эди;
Шу ўғлининг соғинчидаги ўрмонларда ўксисб ўиғлар у.
Мен ҳам ўиғлайман фам чекиб ва билмайман
не қилишимни, –
Шавҳаримнинг пок тўшагин бегард сақлаб, эл ҳурматини
525. Оқлаб, ўғлим билан бирга уйимизни, бойлигимизни
Омон сақлаб, кузатайми оқсоҷларнинг қадам олишин?
Ё бўлмаса, менга уйланишни дилдан ихтиёр қиласан,
Совға-салом билан тинмай бу қўнглимни кўтариб турган
Саховатли бирон куёв билан охир турмуш қурайми?
530. Ўғлим гўдак бўлганида онасидан ҳеч айрилмасди,
Шу сабабли эрим уйин тарқ этишни хоҳламагандим;
Мана, етиб камолга у қирчиллама йигит ҳам бўлди,
Энди менинг бу даргоҳдан кетишимни талаб қилмоқда.
Сабабки у изтиробда уйин торож бўлаётганидан.
535. Эшит ғапим: мен туш кўрдим; шу тушимни сен таъбирлаб бер;
Йигирмата хонаки ғоз бор уйимда; улар барини
Буғдои бериб боқаман мен; бу ғозларнинг сувда сузиши,
Шўнғишидан завқланаман; мен туш кўрдим: тумшуғи эгик
Бургут тоғдан учиб тушиб, ўлдирганмиш ҳамма ғозларни,
540. Ўлиб ётганмиш бу ғозлар чўзилишиб ҳовли саҳнида,
Бургут бўлса учиб кетганмиш осмонга. Мен дод солибман
Ҳўнг-ҳўнг ўиғлаб; бошқа хотин-халажлар ҳам аза тутишиб,
Уввос солиб ўиғлаганмиш. Лекин шу пайт бургут осмондан
Учиб тушиб уй томига қўнганмиш-да тилга кирганмиш
545. Одамлардай: «Кекса Икарийнинг қизи Пенелопа, сен
Хафа бўлма; бу фақат туш; балки у чин ҳақиқатдир ҳам;
Ғозлар – сенинг хушторларинг, ул ғозларни маҳв этган қуш

- Бургутмас, мен – Одиссейман, худовандлар қайтариб берди
Мени сенга ва амр этди күёвларни қириб ташлашни».
550. Унинг гапин эшиздим-у уйқум қочиб уйғониб кетдим.
Күзим очиб ҳар ён назар ташлагандим, барча фозларим
Жам бўлишиб, ҳовлидаги охурдан дон чўқилашарди». Деди тангриваш Одиссей фаросатли рафиқасига:
«Маликам, шарт эмас асло таъбирлаш бу кўрган тушингни;
555. Шундоқ ҳам у кундай равшан; ҳеч ниҳоний сир йўқ бу тушда;
Ҳамонки, ёв күёвларни қийратмоқни Одиссей ўзи
Сенга аён қилган экан, башорати чиққай рўёбга.
Ҳеч ким қочиб қутулолмас тақдирдан ва Кера зуғмидан». Пенелопа шундай жавоб қилди эри шоҳ Одиссейга:
560. «Тўғри, меҳмон, мавҳум маъноли тушлар ҳам кўрамиз бизлар;
Яна, ҳамма тушларимиз ҳам ўнгидан келавермайди.
Хобимизда кўрадиган ўлик тушлар фақат иккита
Дарвозадан кириб келур: бир дарвоза фил суюгидан,
Иккинчиси мугузлардан ясалгандир; фил суюгидан
565. Бунёд бўлган дарвозадан фақат ёлғон, ўнгмайдиган туш
Кириб келур; ҳеч ҳам унга ишонмаслик керак, албатта;
Аммо мугуз дарвозадан кирган тушлар – ҳаққонийдурлар;
Улар доим ўнг келурлар. Лек мен кўрган бу антиқа туш
Мугуз дарвозадан кириб келмаган-ов – гар у ўнг келса,
570. Мен учун ва ўғлим учун баҳш этарди беадад қувонч.
Энди бошқа гап айтаман сенга, уни сақла дилингда:
Эртага энг разолатли кун бошланур фоний умримда –
Мени эримнинг уйидан кеткизишга чоғланмоқдалар;
Лек мен таклиф қилмоқчиман күёвларга ҳалқа ўйинин:
575. Шоҳ Одиссей ўн иккита чўпга илиб ўн икки ҳалқа,
Ҳаммасини бир текисда, бир-биридан узоқроқ қўйиб,
Камонидан отган ўқин бирин-кетин барча ҳалқалар
Тешигидан ўтказарди. Күёвларни чорламоқчиман
Шу мерганлик ўйинига: Одиссейнинг метиндеқ қаттиқ
580. Камонини ким эголса ва чилласин тортиб боғлаб, ўқ
Отганида, ўқ биронта ҳалқага ҳам тегмай, ичидан
Учиб ўтса, мен баҳтимни топган ушбу чароғон уйдан
Чиқиб кетиб, хотин бўлгум ўшал мерган күёвга, илло
Бутун умр яшагайман Одиссейим соғинчидан мен».
585. Завжасига эътиroz-ла жавоб қилди Лаэртнинг ўғли:
«О қария Икарийнинг доно қизи Пенелопа, сен
Кулоқ бергил гапларимга ва бошлайвер мусобақани
Ишон менга, биронта ҳам күёв обдор камонни олиб,
Уни эгиб, чилласини тортиб боғлаб, ҳалқалар ичра
590. Ўқ узишга ултурмасдан эринг етиб келур уйига». Одиссейга жавоб қилиб шундай деди зукко малика:
«Гар сен, меҳмон, кўнглим хушлаш учун эрим кошонасида
Мен билан то тонг отгунча мусоҳаба қилганингда ҳам
Зарра уйқум келмас эди; ва лекин биз, фоний бандалар

595. Мудом бедор яшолмаймиз — уйқу тангри неъмати эрур.
Барча илоҳий неъматлар рўйи замин кишиларига
Меъёрида улашилган. Шунга кўра, мен ҳам тепага —
Ётогимга чиқиб, эрим Одиссей шўр денгизлар оша
Офат кони Илионга жўнаб кетган ул машъум кундан
600. Бери менга ҳамдард бўлган ва талх кўзёшларимни эмган
Тўшагимга ётиб бироз ором олай; сен бўлсанг меҳмон,
Ўзингга жой солиб, ёки тақир ерда ётақол шунда».
Деб малика зина пиллапоясидан чиқа бошлади.
Барча жориялар унга эргашдилар; у тепадаги
605. Ётогида муқарраба жориялар жамоасида,
Одиссейнинг соғинчидаги аччиқ-аччиқ кўз ёшлар тўқди,
То Паллада уфургунча ширин уйқу дийдаларига.



ЙИГИРМАНЧИ ҚҮШИҚ

Куб Одиссей пишиқ ҳұқыз терисини ёзіб дағлизга,
Икки-учта қүй пўстагин тўшади-да устига ётди
(Бу пўстаклар ёв куёвлар сўйиб еган қўй-қўчқорларнинг
Терисийди). Евриклея кўрпа ёпли унинг устига.

5. Лаэрт ўғли мижжа қоқмай ётар экан, бош қотиради
Куёвларни қай тарзда маҳв этишини била олмай ҳеч.
Шу маҳал у қўриб қолди қаҳ-қаҳ кулиб, шарму ҳаёсиз
Гаплар қотиб дарвозадан чиқаётган жорияларни –
Куёвларнинг хуфиёна ўйнашийди бу шармандалар.
10. Беҳаёлар қаҳқаҳаси Одиссейни ғазаблантириди.
У анча вақт на ақли, на қалби амрин ижро этолмай
Хуноб бўлди – ҳозир туриб бу уятсиз жорияларнинг
Орқасидан қувиб бориб, ҳаммасини маҳв этсинми,
Ё сўнгги бор йўл қўйсинми бу уятсиз фоҳишаларнинг
15. Хушторлари билан ишрат қилишига? У ғазабдайди.
Энди туққан мурғакларин ёт одамдан ҳимоя қилган
Она ит қай ғазаб билан ирилласа, Лаэртзода ҳам
Тайёр эди ҳаёси йўқ оқсоchlарин ғажиб ташлашга.
У кўксига мушт ураркан, шундай деди қаҳҳор қалбига:
20. «Эй юрак, сен тий ўзингни; циклоп шўрлик ёронларимни
Шафқат билмай ғажиганда чидовдингку бу қабоҳатга
Ва биз машъум фордан омон чиққан эдик ақл ишлатиб».
Деб Одиссей таскин берди ўз қалбига, қалби итоат
Этди унга: шунда унинг дили яна бардошли бўлди;
25. Вале ёғ ва қонга бўккан гўштни яхши қовурмоқ учун
Уни олов узра ҳар ён тез ағдариб турганларидаи,
Одиссей ҳам мудом у ё бу ёнига ағдариларкан,
Ваҳимага тушар эди; ёлғиз ўзи куёвларнинг бу
Тўдасини қандай қилиб қийратишини ҳеч била олмай.
30. Айни шу чоғ соҳибжамол навниҳол қиз қиёфасида
Кўқдан тушган Афинея аста келиб Лаэртзоданинг
Тепасига, деди: «Аё баҳти қаро фоний банда, сен
Нечун ухламаётурсан? Ахир сен ўз уйингдасанку!
Ё хотининг бевафолик қилибдими сен, шавҳарига?
35. Ўелинг катта бўлган, уни қўриб ҳамма ҳавас қилмоқда:
Кошки эди менинг ўғлим ҳам шундайин комил бўлса, деб»
Шаҳло кўзли маъбудага жавоб қилди Одиссей бундай:
«Ҳақ сўз айтдинг, о маъбудам; лек сенга мен очигин айтай:
Дилим қаттиқ хавотирда, бошим қотган – манфур куёвлар

40. Шунча күпки, ҳаммасига бир ўзим бас келармикинман!
Улар доим галалашиб келадилар менинг уйимга.
Яна бошқа бир ваҳима юрагимни безовта қилур:
Кел, сенинг ва тангри Зевснинг мадади-ла мен күёвларни
Енгдим дейлик кейин қандай жон сақтайман уларнинг ўчга
45. Ташна қариндошларидан? Сен, маъбудам, шуни ўйлаб кўр». Зевснинг шаҳло кўзли қизи Одиссейга жавоб айлади:
«Қизиқсан-а! Гар одамлар учрасалар бирон кулфатга,
Қўлидан иш келмайдиган, маслаҳат ҳам беролмайдиган
Бандаларнинг қўмагига кўз тикурлар, — мен маъбудаман,
50. Сени доим ҳифз этурман ҳар қандайин фалокатлардан.
Мана, эшит: гар элликта ғаним чиқиб пистирмасидан
Бизга ҳамла қилмоқ бўлса, улар кўзин бақрайтириб биз
Шартта ўғирлаб кетардик қўй-у эчки, буқаларини.
Энди ухла, ҳеч хавотир олма: тунда мижжа қоқмасдан
55. Ётавериш яхши эмас; ғам-ташвишинг тезда аригай». Шу сўзлардан сўнг маъбуда юмди унинг дийдаларини
Ва Олимпга парвоз этди. Бизни ғамдан фориғ айловчи,
Жисмимизга дам берувчи уйқу уни бағрига олди.
Вале унинг рафиқаси ваҳимали туш қўриб, бирдан
60. Уйғонди-да тўшагида аччиқ кўзёш тўкиб ўтириди;
У аламнок юрагига йиғлаб-йиғлаб тасалли бергач,
Фарёд солиб шундай таваллолар қилди Артемидага:
«Эй чақмоқдор Зевснинг қизи Артемида, бузрук маъбудам,
Мени сассиз ўқинг билан маҳв айлабон, тез жонимни ол.
65. Оҳ, кошкийди, қуюн мени учирганча олиб кетса-ю
Улоқтиrsa Океанинг сарчашмаси бошланган ерга!*
Ахир Пандар қизларин ҳам қуюн олиб қочган эди-ку!
Тангрилар маҳв айлагач бу ҳур қизларнинг ота-онасин,
Қизлар етим қолгандилар уйларида; шунда маъбуда
70. Афродита уларни сут, муаттар ва тотли май или
Боқди; Гера ақл, чирой ато этди — фоний қизларга
Ўҳшамасликлари учун; Артемида энг жозибадор
Қадду қомат бағишлади; Афинея санъат илмидан
Сабоқ бўрди. Лек Киприда бу бокира иккита қизга
75. Саодатли никоҳ ато этмоқдикни сўрамоқ учун
Олимпга, Зевс ҳузурига чиққанида, бандаларига
Яхши, ёмон амалларни улашувчи ва ҳар нарсадан
Боҳабар Зевс амри билан, гарпиялар қизларни олиб
Қочиб кетиб, бергандилар эринийлар ихтиёрига.
80. Оҳ, қанийди, Олимп тангрилари мени ҳам жондан жудо
Айласалар, ё бўлмаса, Артемида камон ўқи-ла
Жоним ола қолса-ю мен ёмон эрга тегишдан олдин
Қаро ер қаърида азиз Одиссейим билан кўришсам!
Лек биз аччиқ кўзёш тўкиб, ғам-ҳасратда кунни кеч қилиб
85. Тунда ухлаб кетарканмиз, кўзимизни шифобахш уйқу
Юмган заҳот унутамиз бошга тушган мусибатларни;

- Вале даймон уйқумда ҳам менга мудҳиши тушларни йўллаш
 Қийнамоқда; мен хобимда ўз эримга жуда-жуда ҳам
 Ўхшагувчи одам билан ётганмишман; у Трояга
 90. Кетаётган куни қандай бўлса шундай қиёфадамиш;
 Мен суюниб, бу туш эмас, деб айтдим-у уйғониб кетдим»,
 Деди у. Шу чоғ самога балқиб чиқди зулғизар Эос.
 Одиссейнинг қулогига эшилди аянчли нола;
 «Ие, завжам мени таниб қолибдику», деди Одиссей
95. Ва дилида ёри унинг боши узра тургандай бўлди.
 У қўрпани отди устдан, пўстакларни йигиб харракка
 Тахлаб қўйди, хўкиз терисини эса ёйди ҳовлига.
 Сўнг қўлларин чўзиб кўкка тангри Зевсга илтижо қилди:
 «Эй сарпалар Зевс, ҳамонки мени кўп-кўп уқубатларга
100. Дучор айлаб бўлса ҳамки замонлару уммонлар оша
 Ватанимга соғ-саломат етказибсан, бугун энг барвақт
 Faфлатни тарқ этган каснинг кароматли калимасини
 Тинглашимга имкон ярат ва қалбимни шодумон айла
 Белги бериб». Крон ўғли Зевс эшилди бу илтижони
105. Ва юлдузлар чараклаган соғ осмонда у ваҳимали
 Момақалдироқларини гумбурлатиб Одиссей дилин
 Хушнуд этди. У биринчи калимани тегирмонда ун
 Тортаётган бир оқсоқдан эшилди; ўн иккита оқсоқ
 Ҳар кун эрта тонгдан то қош қорайгунча арпа, буғдойдан
110. Ун тортарди. Ҳозир ҳамма ухлар эди ишин битириб.
 Фақат битта энг ожиза оқсоқ турган эди барвақтроқ –
 Чала ишин тугатгани. У тегирмон тошини қўлдан
 Кўйиб, шундай кароматли бир калима деди зорланиб:
 «Эй осмонлар соҳиби Зевс, осмонингда қатра булат йўқ
115. Ва юлдузлар чақнаган-у гулдиратиб момақалдироқ,
 Ваҳимага солиб элни кимга белги бермоқ бўласан?
 Шояд бугун вожиб бўлса илтижоим: илоё барҳам
 Топсин тезроқ Одиссейнинг уйидаги бу зиёфатлар!»
 Оқсоқнинг бу дуосидан Одиссейнинг қалби қувонди,
120. Зевснинг момақалдироғи эса уни умидвор қилди.
 Одиссейнинг уйидаги жориялар хоналаридан
 Чиқиб бу пайт ланғиллатиб ўт ёқдилар катта ўчоққа.
 Одиссейзод Телемах ҳам туриб, кийди кийимларини,
 Боғлаб ажиб шиппагини оёғига, обдор шамширин
125. Елкасига илди, мистиг наизасини қўлига олди;
 У эшикдан чиқар экан шундай деди Евриkleяга:
 «Энагажон, мусофирнинг зиёфатдан кўнгли тўлдими?
 Тинч-осуда ухладими? Ё бепарво бўлдиларингми?
 Мен онамнинг одатини биламан; у фоят оқила
130. Бўлса ҳамки, четдан келган бадбинларни иззат қилар-у
 Диёнатли кишиларни назарига илмас тамоман». Телемахнинг бу гапига Евриkleя жавоб қайтарди:

- «Йўқ, сен, бўтам, волидангни айблама бекордан-бекор;
Онанг билан меҳмон бунда чақчақлашиб майхўрлик қилди;
135. Лек воз кечди у овқатдан, қорним тўқ, деб. Сўнг ухламоқчи
Бўлганида, маликам у учун юмшоқ тўшак солишни
Амр этди оқсоchlарга. Лек у мискин ва шўрпешона
Бир дайдидек, хоҳламади ухламоқни юмшоқ тўшакда;
У даҳлизда ҳўқиз терисин ва икки пўстакни ёзиб
140. Тақир ерда ухлаб қолди; мен устига кўрпа ташладим».
Шундай деди Евриkleя. Телемах бу пайт найза ила
Қуролланиб чиқди уйдан; икки ити унга эргашди.
У ахейлар йифингоҳи бўлган майдон сари йўл олди.
Бу чоф Опснинг доно қизи Евриkleя шоҳ Одиссейнинг
145. Саройдаги оқсоchlарин йигиб, амр этди уларга:
«Қани, ишга киришинглар! Хоналарни йифиштиринг ва
Ҳаммаёққа сув шакароб қилиб сепиб, супуриб чиқинг,
Харраклар-у курсиларга қирмизи ранг мато тўшанглар;
Столларни юмшоқ сочиқ билан артиб чиқинг тозалаб;
150. Май жомларин яхши чайиб ювиб арting; чукур лаганлар
Ва қўшиқулоқ қадаҳларни тозаланглар. Қолганлар тезроқ
Чашмадан сув келтирсинглар, зеро бугун күёвтўралар
Анча барвақт келадилар: Бугун катта байрам бўлади».
Шундай деди Евриkleя. Йигирмата жория қизлар
155. Унинг амрин бажаргани чашма томон елиб кетдилар;
Қолган жориялар уйда хоналарни йифиштиридилар,
Идишларни ювиб арта бошладилар. Айни шу маҳал
Куёвларнинг анча-мунча қароллари ҳам етиб келди;
Улар дарҳол ўтин ёра бошладилар ишга киришиб.
160. Мана, оқсоchlар чашмадан муздай зилол сув келтирдилар.
Чўчқабоқар Евмей ҳайдаб келган учта семиз қобонни
Қамадилар чипта девор-ла ўралган қўра ичига.
Кейин Евмей Одиссейдан ҳолу аҳвол сўради кириб:
«Куёвлар сен билан сал-пал мулоимроқ гаплашдиларми?
165. Ёки кеча бўлганидек яна сени таҳқирлашдими?»
Шундай деди Лаэртзода қув Одиссей унга жавобан:
«Дўстим Евмей, илоҳо, итдай кутириб ўзгалар мулкин
Талон-торож қилаётган бу лаънати безориларни
Фазабига олсин тезроқ Олимпдаги қодир тангрилар!»
170. Икковлари кўп нарсалар тўғрисида гурунглашдилар.
Шу он уларнинг олдига эчкибоқар Меланфий келди;
У иккита дўсти билан меҳмонларнинг зиёфатига
Биққа семиз эчкиларни танлаб ҳайдаб олиб келганди;
Маъраб жонга тегаётган жониворларни у усти ёпиқ
175. Бўсағага боғлаб қўйиб, Одиссейга ўшқирди яна:
«Вой, ярамас, ҳали ҳам шу ердамисан, суллоҳ тиланчи?
Бунақада жонимизга тегасанку хира пашшадай;
Қани, жўна; туёғингни шиқиллат бу даргоҳдан тезроқ;
Гар қорангни ўчирмасанг, таъзиiringни ўзим бераман;

180. Ана унда шапалогум мазасини татиб күрасан;
 Жонга тегдинг; энди бошқа жойга бориб тиланчилик қил». Шундай деди. Лек Одиссей индамади: фақат бошини Чайқаб қўйди ва қалбида лов-лов ёнди интиқом ўти.
 Бу пайт подачи Филойтий яқин келди улар олдига —
185. Ҳайдаб келди у бўрдоқи эчкилар ва бир қисир сигир.
 Бу молларни олиб келган эди ҳаммол баҳрий йигитлар Ўзларининг кемасида денгиз оша қўшни оролдан.
 Филойтий бу сигир билан эчкиларни саройнинг силлиқ Йўлагида қолдирди-да ўзи Евмей ила юзланди:
190. «Айт-чи, Евмей, сен шаҳарга бошлаб келган бу мусофири ким?
 Қай қабила қавмидан у? Ота юрти қаёқда экан?
 Ўзи қайда туғилибди? Ялангоёқ қашшоқ гадога
 Ўхшаса ҳам, лек шоҳона қиёфа бор бу мусофирида.
 Тангрилар кўп хўрлайдилар ғариб саёқ бандаларини;
195. Ҳатто улуф шоҳларга ҳам етказурлар улар азият».
 Сўнг Одиссей олдига у яқин келиб, ўнг қўлин чўзиб Кўришди ва жилмайганча деди шундай барқанот сўзлар:
 «Кувон, азиз отагинам, гарчи ҳозир кўп мусибатлар
 Чекаётган бўлсанг ҳамки, ҳеч бўлмаса, истиқболингни
200. Саодатли, порлоқ қилсин Олимп аҳли бўлмиш тангрилар!
 Эй Зевс, сен энг бешафқатсан Олимпдаги тангрилар ичра!
 Бандаларингга ҳеч раҳм қилмайсан сен. Бизни яратган Ўзингсанку! Нечун ҳадеб ёғдирасан бошларимизга
 Пайдар-пай қайғу ҳасрату оғир азобу уқубатлар?
205. Сени кўриб, эй мусофири, шоҳ Одиссей эсимга тушди
 Ва кўз олдим хиралашиб, баданимни совуқ тер босди;
 Эҳтимол у бечора ҳам худди сендеқ ётишга жойи
 Бўлмай, жулдур кийим-бошда ҳар ёқларда тентиб юргандир.
 Кўраётганмикин қуёш нурини у? Ва ёки энди
210. Аллақачон қазо қилиб рихлат этганмикин Аидга?
 О меҳрибон шоҳим, менга бир пайтлар Кефалленъяда
 Сигирларинг топширгандинг, бўлсам ҳамки ҳали фўр бола;
 Ҳозир улар кўпайишган; бу атрофда ҳеч битта одам
 Эга эмас боши тошдан бўлган шунча кўп сигирларга.
215. Э воҳ! Афсус, мажбурман мен бу ердаги очофатларнинг Курсофини тўйдиргани шоҳ молларин ҳайдаб келишга.
 Ярамаслар шоҳ ўғлини ўз уйидаги хўрламоқдалар;
 Тангриларнинг разабига учрамоқдин қўрқмайин, улар
 Ўзи йўқ шоҳ давлатини пароканда қилмоқ бўлурлар.
220. Баъзан, ҳамма сигирларни ҳайдаб бошқа бирон ўлкага
 Жўнаб кетсан не бўларкин, деган фикр келар кўнглимга.
 Йўқ-йўқ, мақбул фикрмас бу: ахир бунда меросхўр борку!
 Мен учун энг оғир азоб шоҳнинг зотли сигирларини
 Сўйдиргани бу даргоҳга ҳайлаб келиш; мен аллақачон
225. Бу ҳақсизлик ҳукм сурган салтанатдан подаларимни
 Олиб, ўзга бирон шоҳнинг хизматига борар эдим-у

Лек ҳали ҳам ишонаман: хожам қайтиб келиб бир куни
Шафқат билмай қириб ташлар бу касофат ғоратгарларни»,
Деди. Үнга қув Одиссей шундай жавоб қайтарди дилдан:

230. «Эй ҳимматли подачи, сен насаби пок одам экансан;
Күряпман мен, мuloҳазанг теран, қалбинг умидвор ғоят;
Сенга бир хушхабар айтгум, ростлигига қасам ичаман,
Сарпадар Зевс ҳаққи, ушбу меҳмоннавоз хонадон ҳаққи,
Бу уйдаги қудсий ўчоқ ҳаққи қасам ичаманки, сен
235. Ҳали қайтиб кетмасингдан олдин етиб келур Одиссей;
Ана унда, истасанг, ўз кўзинг билан кўришинг мумкин
Унинг қандай ҳисоб-китоб қилишини куёвлар билан».
Шундай деди. Жавоб қилди бош подачи Филойтий унга:
«Гар рост бўлса айтган гапинг, эй мусоифир,
- Дий вожиб қиссин;
240. Кўрасан, мен ҳам бир четда турмагайман қўл қовуштириб».
Чўчқабоқар Евмей эса тангриларга сифиниб шунда,
Одиссейни ватанига қайтаришни илтижо қилди.
Кўп нарсалар тўғрисида гаплашдилар улар четроқда.
Ёвлар бу чоғ Телемахни ўлдирмоқлик режасин тузиб
245. Бўлгандилар; лек шу маҳал сўл томондан бир бургут қўкка
Учиб чиқди, чангалида питирларди битта кабутар.
Дўстларига деди шунда ваҳимага тушган Амфином:
«Дўстлар, бугун Телемахни ўлдиришни қўйиб турайлик.
Яхиси, биз зиёфатга ҳозирликни бошлайлик тезроқ».
250. Шундай деди. Маъқул бўлди куёвларга унинг таклифи.
Ҳамма кириб бориб шунда Одиссейнинг кошонасига,
Устки либосларин ечиб курсиларга тахладилар-да
Бўрдоқига боқилган қўй, эчкиларни ва хирсадай-хирсадай
Чўчқаларни бир-бир сўя бошладилар ва сигирни ҳам.
255. Олдин ичак-чавақларни қовурдилар; жомлар лиммо-лим
Тўлдирилди олранг май ва зилол сувнинг омухтасига.
Чўчқабоқар қўшқулоқли қадаҳларни тарқатиб чиқди,
Сўнг подачи Филойтий ҳам саватларда нон олиб келди
Ва Меланфий қадаҳларни хушбўй шароб билан тўлдириди.
260. Кейин ҳамма қўл узатди тортилган хушлаззат таомга.
Телемах бир найранг кўзлаб, отасини кенг остонаяга
Ўтқазди-да унга кичик курси билан одми бир ҳаррак
Суриб қўйиб, олиб келди қовурилган ичак-чавақлар;
Сўнгра деди тўлдириб у хушбўй майга олтин қадаҳни:
265. «Сен шу ерда ўтиргин-да майхўрлик қил меҳмонлар ила;
Кўрқма, ота, сени ҳеч ким хафа қила олмайди бунда;
Энди мен ҳеч йўл қўймасмен куёвларнинг қутиришига;
Менинг уйим маразларнинг ишратгоҳи қовоқхонамас,
Шоҳ Одиссей қасри эрур. Сиз, куёвлар ҳам, тилингизни
270. Тийинг энди таҳқирловчи сўз айтмоқдан, қўлингизга ҳам
Эрк бермангиз, йўқса бунда катта favio қўтариларажак».
Деди. Бутун куёв аҳли бу мардона сўзни эшитиб,

Ранжидилар ва аламдан лабларини тишлаб қолдилар.

Куёвларга шунда бир гап айтди Евпейт ўғли Антиой:

275. «Йўқ, биз, дўстлар, Телемахнинг гапларига парво қилмайлик; Майли, таҳдид қиласверсин! Зевс тўғаноқ бўлмагандайди, Аллақачон овозини ўчирадик бу жаврақининг». Лек Телемах унинг айтган бу гапини писанд қилмади. Айни шу пайт муждачилар қурбонлик мол етаклаб ўтди
280. Гекатомба қилмоқ учун шоҳ кўчадан*. Бу пайт ахейлар Оломони йигилганди кумуш камон Феб Аполлоннинг Соя-салқин ўрмонида бўладиган бу маросимга. Куёвлар бу пайт сихлардан олиб пишган сарпанжа гўштни, Ҳаммага тенг улашибон, бошладилар зўр зиёфатни.
285. Одиссейга ҳам шундай гўшт келтирдилар эпчил дастёrlар – Бу шоҳ ўғли фаросатли Телемахнинг фармони эди. Шу чоғ Афинанинг ўзи Лаэртзода қалбидаги талҳ Адоватни баттгарроқ ўт олдирмоқ-чун ёв куёвларни Кутиртириб, беадаблик қилмоқликка ундаи бошлади.
290. Бунда Замдан келган қўпол, беандиша Ктесипп отли Зот бор эди. У жуда кўп кериларди бойлиги билан Ва Одиссей хотинига уйланишда ўзин ҳаммадан Муносиброқ ҳисобларди. Шу бетавфиқ Ктесипп деди: «Биродарлар, қулоқ беринг мен айтмоқчи бўлган гапларга:
295. Бу чолга ҳам, худди биздек, гўштнинг сара бўлаги тегди; Бинобарин, адолатдан бўлмас эди, агар бирон кас Телемахнинг меҳмонини маҳрум қилса бундай иззатдан. Мен ҳам унга бермоқчиман садақамни, токи у ўзин Чўмилтирган жорияга ҳадя этсин бирон мукофот,
300. Ё Одиссей уйидаги бирон қулга қилсан мурувват». Шундай деб у саватдаги сигир сонин олиб қўлига, Одиссейга улоқтириди; лек Одиссей чап бериб қолди Ва фазабнок истеҳзо-ла лабин бурди; сон гўшти эса Шундоқ қулоғи ёнидан учиб ўтиб деворга тегди.
305. Телемахнинг қони қайнаб Ктесиппга деди ўқрайиб: «О, хайрият, сен мўлжалга уролмадинг – Зевсга шукр қил. Яхшиямки, чол чап бериб қолди; йўқса мен ўзим сени Найзам ила маҳв этардим, хато қилмай; оҳ, ана унда Отанг никоҳ тўйинггамас, жанозангга тайёрланарди.
310. Ҳамма билсин: бундан буён ҳеч бир одам менинг уйимда Адабсизлик қила кўрмас; энди гўдак эмасман мен ҳам; Ҳаммасини тушунаман ва биламан нима қилишни. Тўғри, мен қўй-эчкилару, ғамлаб қўйган озуқалару, Шаробларимизга қирон келтиришларига чурқ этмай
315. Чидамоққа мажбурдурман ҳали, зеро бу куёвларнинг Тўдасига ёлғиз ўзим бас келолмам; лек маслаҳатим: Мени энди ранжитишга сира-сира уруна кўрманг. Вале мени ўлдирмоқчи бўлсангизлар, майли, розиман. Ки шоҳнинг бу ҳашаматли саройида ҳар кун, ҳар соат

320. Бўлаётган бадкорликлар – меҳмонларим таҳқирлашларин
Ва шаҳвоний ҳирс-ла ходималаримнинг номусин булғаб
Бадном этишларин кўрганимдан кўра ўлганим яхши».
Шундай деди. Ҳамма толиб қолган эди теран сукутга.
Мана, Дамасторнинг ўғли Агелай сўз олди ниҳоят:
325. «Дўстлар, унинг гапи тўғри; энди дашном бермайлик унга
Бу ҳаққоний гапи учун; анов кекса мусофирикни ҳам
Тинч кўйилик; бу уйдаги бошқа ҳамма ходималару
Ходимларни ҳам арзимас айби учун эзавермайлик.
Менинг ўзим Телемахга ҳамда унинг онажонига
330. Бермоқчиман дилларига хуш ёқувчи эзгу маслаҳат:
Она-бола икковингиз, само аҳли тавалломизни
Қабул айлаб, Одиссейни ўз уйига омон қайтаргай,
Дея умид қилгандингиз шу чоққача; никоҳ муддатин
Ҳадеб кетга сураверишингиз бизга ҳеч ёқмаса ҳам
335. Ранжимадик. Ҳа, сиз ақл амри билан иш кўргандингиз
(Одиссей тўй ўтгандан сўнг бирдан кириб келса не бўлур?)
Энди аниқ биламизки, у уйига қайтиб келмайди.
Сен, Телемах, ҳозир бориб онангга айт: у ичимиздан
Қўли очиқ, энг мурувватпеша бўлган зотни танласин.
340. Шунда отанг уйида сен эркин нафас олиб яшайсан;
Волиданг ҳам шунда ўзга хонадоннинг бекаси бўлгай».
Одиссейнинг ақли расо ўғли жавоб қайтарди унга:
«Йўқ, Агелай, мен Зевс ҳаққи ва отамнинг (у ҳо тирик, ҳо
Ўлик бўлсин) талх ёзмиши ҳаққи, сенга сўз бераманки,
345. Волидамнинг бошқа эрга тегишига қарши бўлмам ҳеч.
Аксинча, мен ўзим уни кўндираман шундай қилишга
Ва бир дунё сеп бераман; лекин уни бу уйдан зўрлаб
Кетқизмайман: бу ишимни сарпадар Зевс маъқулламайди».
Деди Одиссейнинг ўғли. Ва Афина ёв куёвларни
350. Довдиратиб телба қилди; улар қаҳ-қаҳ уриб кулдилар;
Қарашлари ҳам ўзгариб, хом гўштларни ғажий кетдилар;
Филт-филт ёшга тўла кўзлар хиралашди; энг оғир ҳасрат
Қамраб’олган эли барча куёвларнинг юракларини.
Башоратгўй Феоклимен деди шунда ўрнидан туриб:
355. «Эй бадбахтлар, қанлай офат, фалокатга учрамоқдасиз!
Титроқ тиззаларингиз ҳам, бошингиз ҳам кўринмай қолди;
Оҳу фифон қилмоқдасиз, юз-кўзингиз жиққа-жиққа ёш.
Деворларга қон сачраган, қон оқмоқда шифтдан шариллаб,
Даҳлизлару ҳовли Эреб қаърига йўл олган руҳларга
360. Тўлиб кетган*, қуёш юзин буркамоқда сиё кўланка,
Мана энди зулмат қамраб олаётир бутун заминни»,
Деди у. Лек куёвлар қаҳ-қаҳ уриб кулди телбаваш.
Ана шунда гап бошлади Полибийзод Евримах туриб:
«Дўстлар, манов ажнабий зот эсдан оғиб қолган кўринур;
365. Уни олиб чиқини керак ташқарига, бу ер қоронги
Кўринибди бу кишимга, майли, чиқсин очиқ ҳавога».

- Тангримонанд Феоклимен Евримахга деди ўгрилиб:
«Йўқ, Евримах, керак эмас кузатувчи менга сира ҳам;
Менинг икки оёғим соғ, кўзим кўрмас, қулоғим зийрак,
370. Эсим оғган эмас асло, хотирам ҳам пишиқ ва пухта.
Ўзим қочиб кетгум бундан, Одиссейнинг хонадонини
Форат қилиб ётган аё ноинсофлар, шум фалокатнинг
Кудратига энди ҳеч ҳам чап бериб, жон сақтай олмайсиз».
375. Деб у шошиб чиқиб кетди ва Пирейнинг уйига борди.
Пирей уни кутиб олди аввалгидек очиқ чехра-ла.
Куёвлар истеҳзо ила бир-бири-ла гурунглашаркан,
Телемахнинг асабига тегиб мазах қила бошлишди
Унинг азиз меҳмонларин: «Сен доимо, — дер эди улар, —
380. Фақат қабиҳ одамларнигина меҳмон қиласан, тавба;
Олдин манов ер юзида ортиқча юқ, ишга яроқсиз
Ялангоёқ, сарқитхўр ва нимжон сассиқ чол келган эди;
Бу эси йўқ меҳмон бўлса нукул ёлғон башорат қилди.
Сен, яхиси, эй Телемах, маслаҳатимизга киргин-да
385. Бизга бер шу олижаноб меҳмонларинг, биз икковини
Кемамизда секелларга олиб бориб пуллаб келайлик».
Телемах бу гапларга ҳеч парво қилмай, отаси ёққа
Ўгирилди: бу ярамас юлғичларнинг тўдасини маҳв
Этиш учун Одиссейнинг имосини кутаётганди.
390. Бу пайт қўшни хонада чол Икарийнинг оқила қизи
Пенелопа ёлғиз ўзи ўтиради роҳат курсида;
Куёвларнинг барча гапи эшитилиб турарди унга.
Уларнинг ўзлари учун бу мўл таомларни тайёрлаб
Уюштирган зиёфати фарофатли беташвиш шодлик,
395. Кувноқ гурунг, қаҳ-қаҳ кулги, куй, қўшиқлар макони эди.
Лек ҳеч қачон, ҳеч ерда ва ҳеч бир кимса ҳеч бир одамни
Фазабонок эр Одиссей ва Афинанинг, ҳақ-ҳақиқатни
Доим топтаб келган суллоҳ меҳмонлар-чун тайёрлаётган
Зиёфатидаги каби «сийлаб» меҳмон қилмаган эди.



ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

- Зевснинг шаҳло күзли қизи Афинея Пенелопанинг
Юрагига ўз шавҳари Одиссейнинг камони билан
Ҳалокатли ўқларини олиб келиб ёв куёвларни
Нишонга ўқ отиш мусобақасига даъват этмоқни
5. Уфурдикі, бу – куёвлар ажалининг ибтидосиди.
Пенелопа шошганича юқорига чиқди зинадан;
Дастаси фил сұяғидан бўлган гўзал мис қалитни у
Момиқ қўлларига олиб, кириб борди омборхонага
Оқсоchlари билан бирга. Бу омборда шоҳ Одиссейнинг
10. Жами асл бойликлари: мўъжизаваш олтин, мис, темир
Анжомлари сақланарди. Шоҳнинг зарант камони ила
Ажалкаш ўқларга тўла садоғи ҳам шу ерда эди.
Бу камонни ва ўқларни бир пайтлар Лакедемонда
Меҳмон бўлган Ифит тухфа қилган эди Лаэрт ўғлига.
15. Учрашганди икковлари Ортилохнинг Мессенадаги
Саройида. Одиссей шу мессеналик фуқаролардан
Ўз ҳақини ундиргани борган эди ушбу шаҳарга:
Бу ер халқи Итакадан анча-мунча қўю эчкилар
Ва уч юз бош бигиз шоҳли буқаларни чўпонлари-ла
20. Қўшиб олиб кетгандилар қароқчилик кемаларида.
Топди у шу ўғриларни. Кучга тўлган бу йигитчани
Ўғирланган ҳамма молни топиши учун жўнатгандилар
Лаэрт ила оқсоқоллар. Ифит ҳам у ерга ўзининг
Ўн иккита биясини тойчоқлари билан ва ишчи
25. Хачирларин қидиргани борган эди. Топди уларни.
Лек топгани ўз бошига бало бўлди. У Зевснинг қаҳдор
Ўғли бўлмиш Гераклнинг қулбасига кириб борганда,
Жасоратларга бой бу мард тангриларнинг шоҳидлигин ҳам,
Меҳмон учун ёзилган бой дастурхонни ҳам писанд қилмай,
30. Ёш Ифитнинг янгроқтүёқ отларига эга бўлиш-чун
Хоинона қатл этди у шўрликни уялмай-нетмай.
Шу отларин излаб Ифит Мессенага борган чоғида
Одиссей-ла танишганди ва отаси Еврит камонин
Унга тухфа қилган эди; бузург Еврит жон таслим қилар
35. Чоғда уни мерос қилиб қолдирганди бадбаҳт ўғлига.
Одиссей ҳам шамшир билан найза тортиқ қилди Ифитга,
Доим азиз меҳмон бўлиши орзусида бир-бирларига.
Лек уларга буормади меҳмон бўлиши; зеро тошбагир
Геракл маҳв этган эди Еврит ўғли шўрлик Ифитни.

40. Лек Одиссей Ифит тортиқ қилган камон билан ўқларни
Жангхөхларга ҳеч ҳам олиб бормаганди; азиз дүстининг
Руҳин доим ёдда сақлаб, уйда асрар эди камонни;
Лек юртида қайга борса, бирга олиб юрарди уни.
Пенелопа омборхона эшигига яқин борди-да
45. Эман тахтадан ясалған бўсағага қўйди оёғин
(Бу тахтани уста силлиқ рандалаган ва эшикнинг кесакисини
Унга жойлаб, эшикнинг қўш тавақасин ўрнатган эди);
Малика қулф тешигини ёпиб турган чарм тасмани
Юлиб олиб калит солди ва зулфинни суриб эшикни
50. Очди; гумбур эшикнинг занг босган ошиқ-мошиғи қаттиқ
Фижирлади; эрта билан кенг яйловга ҳайдаб чиқилган
Шохдор буқа маърар худди бўғизланётгандай инграб;
Ошиқ-мошиқлар ҳам шундай ваҳимали фижирлаб кетди.
Пенелопа тахта супага чиқди-да (бу супадаги
55. Ажабтовур сандиқларда сақланарди нодир либослар),
Оёқ учида турганча қўлин чўзди шоҳ Одиссейнинг
Қозикдаги камонига; у чиройли филофда эди;
Уни филофдан чиқариб тиззасига қўйди малика;
У анча вақт аччиқ йиғлаб, таскин топгач ғамзала қўнгли,
60. Одиссейнинг эгилиши қийин бўлган камони билан
Ўққа тўла садофини кўтарганча зотдор қуёвлар
Ишрат қилаётган жойга аста юриб кирди ниҳоят.
Жориялар мис ва темир силоҳларга тўла сандиқни
Бекалари орқасидан кўтаришиб олиб кирдилар.
65. Пенелопа баланд шифтга тиргак бўлган устун тагида
Туриб, заррин уртугининг учи билан юзин беркитди;
Унинг ўнг ва сўл ёнида турди икки содиқ жория.
Ва малика суллоҳ, авбош қуёвларга юзланиб деди:
«Эй акобир қуёвлар, сиз қулоқ беринг менинг гапимга;
70. Сизлар бунда кун-уззу кун ишрат қилиб, узоқ муддатга
Ватанидан олис ёқда қолиб кетган эрим мулкини
Хонавайрон қыммоқдасиз, бўлмаса ҳам бунга ҳаққингиз.
Ниятингиз — мени фақат рози қилиш манфур никоҳга —
Мажбур бўлсам ҳам танлашга ичингиздан биронтангизни.
75. Мана, бугун сиз ўзингиз бажарурсиз қуёв танлашни.
Майли, бошланг беллашувни, мана, ютуқ қаршингизда. Бу
Одиссейнинг камонидир; кимки унинг чилласин тортиб,
Боғласа ва отган ўқи ўн иккита ҳалқа ичидан
Ҳеч бирига тегмай ўтса, мен баҳтимни топиб оила
80. Курган азиз ва чароғон бу гўшадан, гарчи бир умр
Уни қўмсаబ ўтсам ҳамки, бошим олиб чиқиб кетаман
Ўшал ғолиб бўлган мард-ла». Шундай деб у чўчқабоқарга
Одиссейнинг камонини ҳам, ўқ тўла садофини ҳам
Куёвларга топширмоқни амр этди. Евмей камонни
85. Олиб ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча қуёвларга топширди уни;
Филойтий ҳам бу камонни таниб қолиб ўксиб йиғлади.

Антинойнинг жаҳли чиқиб шундай деди йиғлаганларга:
«Вой нодонлар, эртанги кун ҳақида ҳеч ўйламайсиз-а!

Не сабабдин йиғлаяпсиз? Бекангизнинг ғамига яна

90. Ғам қўшмоқни истайсизми? Шундоқ ҳам у ғаму ҳасратга
Ботиб яшар, кўпдан бери шавҳарини кўрмаганидан;
Жим ўтириңг-у еб ичинг; йиғламоқчи бўлсангиз агар,
Беллашувга келтирилган камон билан ўқларни бизга
Қолдириңг-да чиқиб кетинг бу хонадан. Лек мен бу қайсар
95. Ёй чилласин осонгина тортиб боғлай олгувчи одам
Борлигига ишонмайман. Ичимизда Одиссейдек мард,
Иқтидорли азamat йўқ. Уни гўдак болалигимда
Бир-икки бор кўрган бўлсам ҳамки ҳануз яхши эслайман».
Шундай деса ҳам бошқалар ҳақида у, камон чилласин
100. Ўзи осон тортишига, отган ўқи, ҳеч бир ҳалқага
Тегмай учиб ўтишига ич-ичидан ишонган эди.
Вой, сўқир-а! Одиссейни ўз уйида тупроққа қориб
Таҳқирлаган, бошқаларни ҳам шу ишга ўчакиширган
Бу нодон зот ўша таҳқир этилганнинг биринчи отган
105. Ўқиданоқ ер тишлаши аниқлигин ўйламас эди.
Шу чоғ тангриваш Телемах күёвларга юзланиб деди:
«Э воҳ! Мана, Крон ўғли эс-хушимни олиб қўйибди!
Менинг зукко онам бошқа эрга тегиб, бу саодатли
Хонадонни тарқ этмоқчи; мен қувониб худди телбадек
110. Кулмоқдаман. Баски, шундай экан, қани, тайёрланингиз
Сўнгги жангга. Бутун ахей заминида йўқ бундай келин, –
Ул муқаддас Пилосда ҳам, Аргосда ҳам, Микенада ҳам,
Бизнинг Итакамизда ҳам, ҳатто бутун ер юзида ҳам.
Сиз ўзингиз хўб биласиз буни; қани, шоҳ Одиссейнинг
115. Камонини олинглар-да кўрсатинглар қудратингизни.
Мен ҳам синаб кўрмоқчиман кучимни бу мусобақада.
Агар камон чилласини торта олсам ва отган ўқим
Ҳамма ҳалқалар ичидан учиб ўта олса, унда мен
Отамнинг бу маҳобатли силоҳидан фойдаланишга
120. Иқтидорим борлигидан, волидамнинг ёт эрга тегиб,
Бу уйдан бош олиб чиқиб кетишига кўп қайфурмасмен»*.
Деб ўрнидан турди у ва қирмизиранг мантиясини
Ечиб ташлаб, мис шамшири билан кесди обдор тасмани;
Сўнгра ҳалқа чўпларини ҳар биттаси учун ковланган
125. Чуқурларга бир текисда каноп тортиб ўрнатиб чиқиб,
Тагларини тепкилади, қимир этмай туришларий-чун;
Телемахнинг бу нотаниш вазифани билағонлардек
Бажаргани ҳайрон қилди күёвларни. Мана, Телемах
Бўсағага бориб турди ва камонни қўлига олиб,
130. Чилласини тортиб боғлашга уринди; камонни уч бор
Эгди у, лек уч марта ҳам чилласини боғлай олмади.
У бор кучин ишга солиб, тўртинчи бор камон чилласин

Боғламоққа шайланганда шоҳ Одиссей уни тўхтатди
Имо қилиб; ва Телемах отасига зорланиб деди:

135. «Э воҳ! Заиф туғилибман, заиф бўлиб ўтсам керак мен
Бу дунёдан. Ҳали ёшман. Менга озор берган ёвлардан
Афсус, қасос ололмадим. Энди сизга навбат, күёвлар.
Бақватроқсиз; сиз Одиссей камонини олиб, кўрсатинг
Кучингизни». Шундай деб у обдор эшик тавақасига
140. Тиради-да эгилиши қийин бўлган қайсар камонни,
Темир патли* ўқни эшик тутқичига қистириб қўйди;
Сўнг күёвлар даврасига – ўз ўрнига бориб ўтириди.
Дўстларига ўгирилиб деди Евпейт ўғли Антиной:
«Ўнг қўлдан – май сузилувчи жойдан бошлаб битта-биттадан
145. Келаверинг». Антинойнинг бу таклифин маъқулладилар.
Турди аввал Ейноп ўғли Леодей. У қурбонлик учун
Келтирилган молни кўриб, қиласар эди дарров башорат*
Унинг мақбул ё номақбул эканлигин ва базм чоги
Шароб жоми яқинида ўтиради. У ёқтирмасди
150. Куёвларнинг бебошлигин, аччиғланиб танбех берарди
Уларга кўп. Ҳозир навбат бўйича, у биринчи галда
Камонни қўлга олишга мажбур бўлди ва бўсағага
Бориб турди; лек камонни эга олмай, нимжон қўллари
Увушди ва аччиқ алам билан деди таассуф қилиб:
155. «Йўқ! Камонни эголмадим; уннаб кўрсин энди бошқалар;
Вале ҳали завол топур кўп зотларнинг жисми ва жони
Бу камондан. Фикрим шуки, бизни ҳар кун ушбу даргоҳга
Жазб этувчи ширин орзуларимиздан мосуво бўлиб
Яшаганимиздан кўра, ўлганимиз яхши албатта.
160. Ҳаммамиз ҳам умидвормиз, ҳаммамиз ҳам Пенелопага
Уйланиш иштиёқида ёнмоқдамиз; лек ҳар биримиз
Одиссейнинг камонини эгиш учун сарфлаб бор кучни,
Қалбда аччиқ алам тўла бошқа бирон ахей қизини
Совға-салом билан қутлаб уйланамиз унга оқибат.
165. Пенелопа эса танлаб бирон қўли очиқ боённи,
Тегиб олур». Шундай деб у обдор эшик тавақасига
Тиради-да эгилиши қийин бўлган қайсар камонни,
Битта патли ўқни эшик тутқичига қистириб қўйди;
Сўнг күёвлар даврасига – ўз ўрнига бориб ўтириди.
170. Шунда унга ғазабланиб деди Евпейт ўғли Антиной:
«Эй Леодей, лабларингдан ҳам аянчли ҳамда даҳшатли
Сўзлар учди; истамайман эшитишни. Шоҳ Одиссейнинг
Камонидан кўп зотларнинг жон ва тани завол топажак,
Дединг боя. Сабабки, сен ўзинг уни эга олмадинг;
175. Онанг сени қурбсиз қилиб туққан экан камон эгишига;
Лекин уни күёвларнинг аксари забт этишга қодир».
Шундан сўнг у эчкибоқар Меланфийни чақириб деди:
«Сен бу ерда гулхан ёққин ва оловга яқин суриб қўй
Пўстак тўшалған хараккни, сўнг бир бўлак чўчқа ёғини

180. Келтириб қўй – биз қиздириб ўша ёғни қайсар камонга
Сурайликки, шояд шунда уни эгиш осонроқ бўлса».
Шундай леди. Меланфий ҳам ланғиллатиб гулхан ёқди-да
Пўстак тўшалган харракни суреб қўйди оловга яқин;
Сўнг бир бўлак чўчқа ёғи олиб келди; мана, ёғ эриб,
185. Куёвлар у билан мойлай бошладилар метин қамонни;
Лек шунда ҳам тошдек қаттиқ бу силоҳни ҳеч битта куёв
Эголмади; энди навбат энг қудратли иккита куёв –
Антиной ва Евримахга келган эди. Бу пайт Филойтий
Билан Евмей биргалашиб ташқарига чиқиб кетдилар;
190. Одиссея ҳам чиқди улар орқасидан; у кенг ҳовлини
Кесиб ўтиб дарвозадан сиртга чиқди. Сўнг бу ерда у
Икки ходимини чорлаб, ширин сўзлар айтди уларга:
«Аё содик хизматкорлар, сизга ўзим танитсаммикин?
Ёки ҳали шошмаганим яхшимикин? Ва лекин қалбим
195. «Гапир тез» деб қўймаяпти. Хўш, айтингчи, мабодо даймон
Ҳозир бирдан соҳибининг Одиссеини рўпара қиласа
Қаршингизда, нима қилган бўлардингиз? Кўёвларгами
Ё хожангизгами изҳор этардингиз садоқатингиз?
Менга очиқ аён қилинг қалбингиз ва ақлингиз амрин»,
200. Деди. Шунда Одиссеяга жавоб қилди покдил подачи:
«О сарпадар Зевс, сен бизнинг дуоларни вожиб этсанг-у
Хушлутф даймон олиб келсайди уйига шоҳ Одиссеини,
Кўрап эдинг бир четда қўл қовуштириб турмаганимни».
Кейин чўчқабоқар Евмей тангриларга ибодат қилиб,
205. Одиссеини ўз уйига қайтаринглар, дея ёлборди.
Бу икковин нияти пок, содик ходим эканлигига
Энди ишонч ҳосил қилган шоҳ Одиссея деди уларга:
«Билинглар, мен Одиссейман, кўп азобу уқубатларга
Йигирма йил бардош бериб, мана, охир қайтдим уйимга
210. Тангриларнинг хоҳиши-ла. Лекин билсам, мени уйимга
Қайтишимни хоҳлаганлар икковингиз экансиз фақат.
Бошқа ҳеч бир ходимимнинг мени уйга қайтаришларин
Сўраб, олий тангриларга ёлборганларини кўрмадим.
Яқинда бу ерда нелар бўлишини айтайн сизга,
215. Эшитинглар: гар Зевс бевош куёвларни қийратишимда
Мадад берса, сизларни мен уйлантиргум яхши қизларга
Кўп бебаҳо сеплар бериб. Сўнг саройим ёнгинасида
Сизларга уй қуриб бергум – мен ва ўғлим Телемах билан
Худди ака-укалардай яшагайсиз ён қўшни бўлиб.
220. Энди Одиссеилигимни исботловчи нишонани ҳам
Кўрсатайин: мана ўша таниш чандик; эсингиздами,
Бир пайтлар мен Парнасада тоғаларим билан шикорга
Чиққанимда, ботирганди оёғимга тишини қобон».
Шундай деб у ечди тиззасин ўраган исқирил латтани.
225. Тиззадаги таниш чандикни кўрган бу иккала қарол
Юм-юм йиғлаб хожаларин маҳкам қучиб унинг бошини,

- Елкалари, құллари ва оёқларин ўпа кетдилар.
Одиссей ҳам күзёш түкди қаролларнинг бошидан ўпид;
Қуёш ботгунча ҳам давом этар эди улар йигиси.
230. Гар Одиссей таскин бериб бир калима айтмаганида:
«Йифини бас қылинг, уйдан чиққан кимса бизларни мунгли
Холда күрса, сир бемарвид ошкор бўлиб қолиши мумкин.
Қани, энди ичкарига кирайлик, лек биргаллашибмас,
Битта-битта бўлиб; олдин мен кираман, ундан кейин сиз.
235. Ичкарида менинг имо-ишорамни кутинг кунт билан.
Ўйлайманки, ҳали мени камонимга ҳамда ўқ тूла
Садофимга ёв куёвлар яқин йўлатмасалар керак;
Лек сен, Евмей, кутмай буйруқ бўлишини, камоним билан
Садофимни менга келтир. Кейин бориб, жорияларга
240. Буюргинки, уйларига кириб улар қулфлаб олишсин
Эшикларни; базмгоҳдан бирон шовқин эшитсалар ҳам
Жойларидан жилмасинлар, ўз кундалик ишлари билан
Машғул бўлиб ўтирасинлар. Сен, Филойтий, дарвозамизга
Кўз-қулоқ бўл: уни қулфлаб зулфинини чандиб боғлаб қўй».
245. Шундай деди шоҳ Одиссей. Сўнгра кириб меҳмонхонаага,
Ўтириди у ўзи ташлаб чиқиб кетган харракка яна.
Кейин Евмей ва Филойтий бирин-кетин кириб келдилар.
Евrimах бу пайт Одиссей камонини юмшатиш учун
Лов-лов ёниб турган гулхан тепасида айлантиради;
250. Лек у ҳам забт этолмади бу камонни ва чидай олмай
Аламига, бор овози билан наъра тортиб ҳайқирди:
«Э воҳ, қандай шармандалик! Биз ҳаммамиз уятга қолдик:
Йўқ, қайғурмам бу никоҳнинг менга насиб этмаслигидан, —
Бизнинг Итакамизда ҳам, ундан кейин, Кефалленъянинг
255. Бошқа ўлкаларида ҳам бўйга етган дилбар қизлар кўп.
Лек Одиссей камонини биронтамиз хиёл бўлса ҳам
Эга олмай, нимжон бандалигимизни ошкор қилдикки,
Бу доғ ҳали бизнинг авлодларни ҳам кўп уятга кўюр».
Лекин унга қарши чиқиб деди Евпейт ўғли Антиной:
260. «Йўқ, Евrimах, бу айтганинг бўлмайди ҳеч; ўзинг ҳам яхши
Биласанку. Аполлоннинг қавми бугун байрам қилмоқда:
Камон чилласини тортиш одобданмас шундай айёмда;
Ҳозир бизлар бу камонни яширайлик; лек ҳалқаларни
Қузғатмайлик; қолсинлар ўз жойларида; уларни ҳеч ким —
265. На қуллар, на жориялар ўғирлашга журъят этурлар.
Ҳозир соқий қадаҳларни тўлдирисин тез муаттар майга;
Биз Зевсга май паймо қилиб, сўнг яшириб қўяйлик ёйни.
Доно эчкибоқаримиз Меланфий тонг отиши билан
Эчкиларнинг сараларин бу даргоҳга ҳайдаб келади;
270. Улар гўштин бағишлаймиз кумуш камон* Феб Аполлонга;
Камон эгишда бизга у ўзи мадад бергай албатта;
Ана унда терлаб-пишиб куч ишлатиб ўтирмаймиз ҳам».

- Шунда ҳамма маъқул кўрди Антиойнинг бу таклифини
Бу аснода удайчилар қўл ювгани сув келтирдилар;
275. Дастрёлар май жомин зилол майга лим-лим тўлдирилар-да
Қадаҳларни ҳаммага ўнг қўлдан бошлаб суниб чиқдилар;
Ҳамма паймо қилиб майдан қолганини ичди мириқиб.
Деди шунда кўзлаб ажиб бир найрангни доно Одиссеяй:
«Маликанинг ошиқлари, тингланг икки оғиз сўзимни,
280. Баён этай сизга қалбим ҳамда ақлим буюрганини:
Эй Еврилох ва Антиой, оқилона ҳал этдингиз сиз
Бу жумбоқни; энди тингланг менинг эзгу маслаҳатимни:
Қолган ишни тангриларга топшириング-у камонга тегманг.
Аполлон кўрсатур ғолиб бўлган касни эртага ўзи;
285. Лек сиз менга рухсат беринг, бу гаройиб камонни олиб
Ўзимни бир синаб кўрай – билагимда ёшлигимдаги
Кудратимдан оз-мозгина қолганмикин, ё дайди ҳаёт
Ва ночорлик ҳаммасини зулук янглиф сўриб олганми»,
Деди. Лекин ҳеч ким унинг илтимосин қувватламади.
290. Қурқиб кетган эди улар, агар эга олса-я ўйни,
Деган хаёлга боришиб. Жавоб қилди унга Антиой:
«Нима дединг, ялангоёқ! Еб қўйдингми эсингни буткул?
Даврамизга сени қабул қилганимиз камми, қани айт!
Сен биз билан бирга ишрат қиляпсан ва ҳамсуҳбатимиз
295. Бўляпсанки, ҳеч қачон ҳеч бир гадони йўлатмагандик
Ёнимизга. Яна нима истайсан сен? Чамамда, шароб
Ичавериб, айрилибсан сен ақлингдан; меъёрни билмай
Шароб ичган одам телба бўлиб қолур. Машҳур кентавр
Евритион бир пайтлар шундай телба бўлиб қолганди*.
300. У шавкатли шоҳ Пирифой саройига бостириб кириб,
Лапифлар-ла ишрат қилган; кейин эса маст бўлиб қолиб.
Эсини еб, ваҳшийлардек қутурган шоҳ базмгоҳида.
Унинг бундай қилиқлари лапиф халқин ғашига теккан
Ва бадмастни ташқарига олиб чиқиб мис шамшир ила
305. Ҳам қулоғи, ҳам бурнини шартта кесиб ташлаганканлар.
Дўлдай ёғилган таҳқирнинг тошларига чидай олмаган
Кентавр бош олиб қочган ўрмонларга. Ана шу пайтдан
Лапифлар ва кентаврлар ўртасида низо бошланган.
Евритион сал вақт ўтмай ўлиб кетди бадмастлик сабаб.
310. Сен ҳам, овсар, гар бу камон чилласини тортмоқчи бўлсанг,
Шу аҳволга тушажаксан, унда ҳеч ким ачинмас сенга;
Сени ёвуз шоҳ Эхетнинг даргоҳига сургун қилурлар;
У одамлар куишандаси – ўша ёқда ўлиб кетасан.
Шунинг учун хап ўтириб майнингни ич; қариганингда
315. Ким кўйибди сенга биздек ёшлар билан куч синашишини?
У жим қолди. Пенелопа унинг гапин маъқулламади:
«Йўқ, Антиой, инсофданмас Телемахнинг меҳмонларини
Ҳақоратлаб ерга уриш. Балки ҳали сен, бу қария
Чўнг камонни эгса агар маликага уйланади, деб

320. Ўйлаётган бўлсанг керак? Бундай фикр чолнинг тушига
Хам кирмаган. Сиз хотиржам бўлинг, бундай хом хаёл билан
Кўнглингизни фашламанг ҳам – бу амалда бўлмайдиган иш».
Жавоб қилди маликага Полибийнинг ўғли Евримах:
«О қария Икарийнинг доно қизи Пенелопа, биз
325. Қариянинг сени хотин қилишига ишонмаймиз – бу
Бўлмаган гап; лек қўрқамиз биз уятга қолишдан ҳамда
Авом халқнинг биз ҳақда миш-миш гаиларни тарқатишидан.
«Шармандалар, ул диловар эрнинг битта камонини ҳам
Эга олишга қурблари етмабдию. шоҳ хотинига
330. Уйланмоқчи бўлганлари қизиқ жуда. Лек ана бизнинг
Тоифадан бўлган ғарид саёқ келиб камон чилласин
Ҳеч қийналмай тортиб боғлаб, барча халқаларни оралаб
Отган ўқин теккизибди у нишонга». Бу халқ шундай деб
Бизни бадном қилур, унда бу уятга биз чидолмаймиз»,
335. Деди. Унга жавоб қилди Икарийнинг оқила қизи:
«Йўқ. Евримах, хожаси йўқ хонадоннинг мол-давлатини
Совурувчи уяти йўқ одамларни бадном қилурлар,
Таҳқирларлар; лек бу ишнинг ҳеч қандайин уяти йўқдир;
Бу мусофир – кўп хушқомат, билаклари бақувват ғоят,
340. Айтишича, аслзода кишиларнинг фарзанди экан.
Беринг унга Одиссейнинг камонини – кўрайлик ишин.
Яна бир гап (бу гап аниқ ижро бўлур), агар чол камон
Чилласини тортиб, Аполлон ҳамдига сазовор бўлса,
Унга хитон, мантия ва оёғига шиппак бераман;
345. Кейин найза билан икки дамли қилич тухфа этайки,
У ўзини безорилар ва итлардан ҳимоя қилсин.
Сўнгра уни жўнатаман ўзи севган мамлакатига».
Одиссейнинг оқил ўғли шундай деди волидасига:
«Эҳ онажон, Одиссейнинг камонига ҳеч ким – на тошлоқ
350. Итаканинг, на серйилқи Элиданинг қўшниси бўлган
Оролларнинг биронта ҳам фуқароси эга бўлолмас:
Фақат мен ҳал этгум уни кимга бериш, ё бермаслики.
Гар хоҳласам, бу камонни садоқ тўла ўқлари билан
Тортиқ қилгум бирон зотга, ҳеч кимсадан сўраб ўтирамай.
355. Онажон, сен уйинглаги тикиш, тўқиши ишлари билан
Машғул бўлгин; оқсоchlарнинг хизматини кузат дамо-дам.
Камон ҳақда гап юритиш аёлларнинг вазифасимас,
Бу эркаклар иши, яъни менинг ишим; бу хонаонда
Энди фақат мен соҳибман». Шундай деди. Бу баёнатдан
360. Ҳайрон қолган Пенелопа қайтиб чиқди хобхонасига
Ўғлонининг фаросатли гапларини дилга жо қилиб.
У меҳрибон оқсоchlари даврасида ўтирап экан,
Суюқ ёри Одиссейни қўмсаб аччиқ-аччиқ ёш тўкли
То Афина дийдасига totли уйқу уфурмагунча.
365. Бу пайт Евмей камон билан ўқ садогин олиб, Одиссей
Томон шошиб юра кетди. Күёвлар дўқ қилиниб унга,

Шундай дея чувиллашди ҳаммаёқни бошга күтариб:

«Тұхта, овсар! Сен камонни қайға олиб кетяпсан ўзи?

Феб Аполлон билан масъуд тантрилар гар эртага зафар

370. Бахш этсалар бизга, сени чүчқаларинг қўриқлаш учун
Ўзинг боқиб катта қилган итларингга ем қилажакмиз».

Шундай дерди улар. Евмей күёвларнинг ҳайқириғидан
Қўрқиб кетиб камонни қайта жойига қўймоқчи эди,
Лек Телемах газабланиб шундай деди чўчқабоқарга:

375. «Хей Евмей, сен довдирама, бўл, камонни олиб келавер;
Ё ҳамманинг кўнглин бирдай овламоқни истаб қолдингми?
Ўйлама ҳам; йўқса бўлсанг ҳам қария, сени дўппослаб
Кирга ҳайдам ишлагани; ёшман — кучим етади сенга.
Оҳ, жамики күёвларнинг кучи менда бўлсайди, улар

380. Бунда ортиқ зўравонлик қила олмай, уй-уйларига
Тирақайлаб қочардилар, юракларин ҳовучлаганча».
Шундай деди. Ва күёвлар хандон ташлаб кулдилар ундан,
Аммо энди сўнган эди Телемахга қарши ғаразлар.
Одиссейзод амри билан, Евмей камон ҳамда ўқларни

385. Базмгоҳдан олиб ўтиб соҳибининг илкига берди;
Сўнг чақириб шундай деди питрак кампир Евриkleяга:
«Телемахнинг амрин эшит: жориялар хоналарига
Кириб, ичдан қулфлаб олсин эшикларни; меҳмонхонадан
Бирон шовқин эшитсалар, жилмасинлар жойларидан ҳеч.

390. Машғул бўлиб ўтирсинлар ўз кундалик ишлари билан».
Бу сўзларни эътиборсиз қолдирмади доно энага.
У қулфлади оқсоҷларнинг хоналари эшикларини;

Филойтий ҳам базмгоҳдан аста-секин ҳовлига чиқиб,
Дарвозани қулфлади; у даҳлиздан кемалар учун

395. Мўлжалланган қамиш арқонини топиб, шу арқон билан
Дарвозанинг зулфинини боғлади-да сўнг ичкарига
Қайтиб кириб ўз жойига бориб инди. У кўз узмасди
Одиссейдан: шоҳ камонга бирон шикаст етмадимикин,
Ёки кемирмадимикин қурт-кумурсқа, леган ўй билан

400. Ҳар томонга айлантириб кўрар эди уни қўлида.

Күёвлар ўзаро шундай гаплашарди бир-бири ила:

«Камон тилин биладиган кўринади, чамаси, бу чол;

Балки ўзи камонсоздир ва уйида ўзи ясаган

Камонини қиёсламоқцидир шунга; ана, қаранглар,

405. Қандай диққат билан кўздан кечирмокда уни бу гадо!»
«Лекин, — дея кулди ҳамма мийифида, — бу амримаҳол!

Бу дайди чол Одиссейнинг камонини қандай эпласа,

Бундан буён шундай омад унга доим ёр бўла қолсин».

Бу күёвлар гапи эди. Лек Одиссей мудҳиш хаёллар

410. Оғушида қолиб, ҳамон кузатарди буюк камонни.

Соз чалишнинг ҳавосини олган машшоқ қўшиқ куйлашдан
Олдин унинг фоят нафис торларини чертиб кўргандек

- Таранг тортиб, Одиссей ҳам итоатсиз камон шохига
Зумда илди чилла ипин*. Сүнгра таранг чиллани аста
415. Чертган эди, у кўқлаги қалдирғочдай визиллаб кетди.
Куёвларнинг юраклари безиллади, кутлари ўчди;
Шу чоғ Зевс ҳам белги бериб, момақалдирогини кўкда
Гумбурлатди; шодумонлик қамраб олди Одиссей қалбин.
Зевс бу гумбурлаши билан эзгуликдан дарак берганди;
420. Одиссей ўз ёнидаги хонтахтада ётган бир учкур
Ўқни олди; қолганлари садоқдайди – ҳали уларнинг
Ваҳшиёна визиллашин эшитурлар барча куёвлар.
Одиссей у патли ўқни камонининг ёнига тираб,
Нишонга олди жамики халқаларни ва чилла тортиб
425. У ўқ узди – ўқ халқалар ичидан ҳеч биттасини ҳам
Шикастламай учеб ўтиб, бориб тегди тўғри нишонга.
Ана шунда Телемахга тангримонанд бу мерган деди:
«О Телемах, кўриб қўйгин, панд бермади сенга меҳмонинг;
Роса нишонга теккиздим; Одиссейнинг чўнг камонини
430. Эгишда ҳам қийналмадим. Кўпдан бери дарбадар юрган
Бўлсам ҳамки, ҳали кучим йўқотмабман; бу куёвларнинг
Мени ортиқча юқ дея хўрлашлари энди не бўлур?
Лекин биз қош қораймасдан меҳмонларга ўзга зиёфат
Тайёрламогимиз лозим, боз устига, ҳар зиёфатнинг
435. Гўзал кўрки – янгроқ созга жўр бўлувчи қўшиқларни ҳам
Янгиламогимиз керак мослаб бугунги зиёфатга».
У шундай деб қоши билан имо қилди. Шунда тангриваш
Телемах бу ишорани фаҳмлади; тез шамширини
Камарига қистирди-да, қўлга олди тиғдор найзасин
440. Ва отаси орқасига бориб, обдор мис силоҳини
Ярақлатиб, қонли жангга шайлигини билдириб турди.



ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҚҰШИҚ

- Кув Одиссей эгнидаги увадани тез ечиб ташлаб,
Садоқ ҳамда камон билан чиқди әшик остонасига;
Кейин тұқиб садоқдаги ўқларни у оёқ тагига,
Күевларга шундай деди: «Мана, азиз қуёвтүралар,
5. Нихоясига етказдим мен бугунги мусобақаны;
Энди бўлса мен ўзимга танладимки янги бир нишон,
Шу ҷоққача ҳеч ким унга ўқ узмаган; умид қиласман:
Бу нишонни маҳв этишда қўллаяжак мени Аполлон».
Деб у ажалкаш ўқ билан Антинойни нишонга олди.
10. Антиной бу пайт май тўла қўш қулоқли олтин қадаҳни
Ичмоқ бўлиб энди олиб борган эди оғзига лоқайд;
У ўлимни ўйламасди. Бу ердаги шунча меҳмоннинг
Биттаси ҳам ёлғизгина бир одамнинг шу қадар катта
Оломонга қарши чиқиб, ҳаммаларин қотил Керанинг
15. Чангалига топшириши мумкинлигин ўйламаганди.
Одиссей отган ўқ тегиб Антинойнинг кекирдагига,
Қаттол тифи тешиб чиқди энсасидан; у ёнбошига
Ағдарилди; ерга тушган май қадаҳи думалаб кетди
Ва бурнидан булоқ бўлиб қора қони оқа бошилади;
20. У оёғин питирлаб тепиб юборганди столни,
Стол қулаб гўшту, нону, кўп неъматлар ерга сочилиди.
Күёв аҳли Антинойнинг ўлганини кўриб дод солди.
Сакраб туриб кетиб улар олазарақ бўлиб ялангоч
Деворларга қарадилар қуролларни қидирарканлар,
25. Лек деворда қалқон ҳам, мис тиф найза ҳам энди йўқ эди.
Ҳаммалари ғазабланиб Одиссейга таҳдид қиласилар:
«Эй мусофир, ўз бошингга бало бўлур бу отган ўқинг;
Энди бошқа отолмайсан; бу – ўлганинг; тўлқинлар қучган
Итаканинг энг бонуфуз одамини ўлдирдинг-а сен;
30. Ўлимтихўр қузғунларга ем бўлишинг муқаррар энди».
Бу мусофир Антинойни билмай отиб қўиди, деб улар
Ўйлашганди. Эҳ овсарлар! Кўрмаётгандилар сўқирлар:
Аллақачон илинганди ҳаммалари ажал тўрига.
Шоҳ Одиссей деди қовоғи остидан мунгли тикилиб:
35. «Эҳ кўппаклар! Сенлар мени Троядан энди қайтмайди,
Дея ўйлаб уйимдаги бор давлатим совургансанлар,
Жорияларимни зўрлаб, номусларин булғагансанлар,
Садоқатли хотинимнинг юрагини заҳарлаб, унга
Ўйланмоқчи бўлгансанлар, писанд қилмай илоҳий аҳдни,

40. Тангриларнинг қаҳридан ҳам, бандаларнинг бир кун интиқом Олишидан ҳам ҳайиқмай қылғансанлар күп жиноятлар!
Мана охир ҳалокатнинг тузогига илиндинглар ҳам». Күёвларнинг ранги ўчиб қони қочди бундай даҳшатдан.
Олазарак бўлиб ҳамма, қочгани йўл қидирап эди.
45. Полибийзод Еврида шу чоғ барқанот бир қалом айтди:
«Гар сен чиндан ҳам уйига қайтиб келган Одиссей бўлсанг,
Бизга қўйган айбинг тўғри. Адолатсиз ишлар кўп бўлди
Уйингда ҳам, юртингда ҳам; лек бу ишнинг бош гуноҳкори
Ҳозир ўзинг маҳв этган Антиноидир – фақат шу эди
50. Жиноятларни бошлаган ва бизни ҳам ўчакиширган.
У нафақат хотинингга уйланишни, балки тангри Зевс
Хоҳишига зид ўлароқ, сенинг шоҳлик мартабангни ҳам
Ўғирлашни кўзлаганди; салтанатнинг вориси бўлмиш
Телемахни ўлдиришни ҳам режалаشتирган эди у.
55. Мана бугун ўзи гумдон бўлди; лек сен, эй шоҳ Одиссей,
Раҳм қилгил биз, қавминнга; кейин талаб қилаверасан
Ҳаммамиздан ўзинг тўлов қийматини* ейилган таом,
Ичилган май ҳамда бошқа буюмлар-чун хоҳлаганингча;
Ҳар биримиз йигирмата семиз буқа қийматида мис
60. Ҳамда олтин билан сенга тўлагаймиз жарима ҳақин,
Сўндиromoқ-чун дилингдаги разаб ўтин; ҳа, сен ҳақлисан
Ғазабланмоққа бизлардан; лек биз сендан ҳеч нолимаймиз». Шоҳ Одиссей деди қовоғи остидан мунгли тикилиб:
«Йўқ, Еврида, менга оталарингизнинг бутун бойлигин
65. Ва бегона қимматбаҳо анжомларни илова қилиб
Олиб келганингизда ҳам, бир зум тинмас менинг қўлларим
То етказган азиятларингизни хўб ювмагунимча
Тўкиб қора қонингизни; иложингиз фақат биттадир:
Ё ҳимоя қилиб ўзни, мен билан жанг қилинг, ёки сиз
70. Кералардан ва ўлимдан сақлаб жонни, қочинг бу ердан, –
Аммо билинг, йўлда тутиб олур сизни қаттол Кералар». Бу гап күёвлар тиззасин ва юрагин ларзалантириди;
Қўрқиб кетган эди улар ва Еврида деди: «Ўртоқлар,
Бу бадқаҳр олиб қўйди камон билан бир садоқ ўқни;
75. Энди силлиқ оstonада туриб олиб маҳв этаверар
Ҳаммамизни бирин-кетин. Дўстлар, жангиз таслим бўлмайлик;
Ханжарларни яланғочланг, қаттол ўқдан сақланмоқ учун
Столларни қалқон қилинг; гар бир йўла ҳужумга ўтсак,
Уни эшик паноҳидан қувамиз-да бу ердан қочиб,
80. Шаҳар бориб одамларни чақирамиз ёрдам бергани;
Балки шунда ўқ отишни тўхтатар у шаштидан тушиб». Шундай деб у икки дамли мис ханжарни суғирди қиндан*
Ва жаҳолат ила қаттиқ ҳайқирганча отилди олға.
Лек тангриваш шоҳ Одиссей қарши олди уни ўқ билан;
85. Ажалкаш ўқ унинг кўкрагидан кириб, бориб қадалди
Жигарига. Жон-жаҳд ила чангллаган ханжари қўлдан

- Тушиб кетди, у столга таянмоқчи бўлди-ю, лекин
 Тойиб кетиб стол билан ағдарилди; ундаги барча
 Егуликлар ва қўшқават қадаҳ ерга тушиб тўкилди;
 90. Ўзи боши билан ерга урилиб, жон талвасасида
 Оёқларин питирлатди титраб-қақшаб, курсини тепиб
 Ағдарди, сўнг кўзи олди бирданига қоронфилашди.
 Амфином шахт туриб шунда, ханжар ила жангга отилди –
 Одиссейнинг остонаядан тушишини кўзлаганди у;
95. Лек Телемах унга мистиф найзасини отди орқадан;
 Икки елка орасига ботган найза унинг қўксидан
 Тешиб чиқди; бир оҳ уриб йиқилди у ерга юзтубан.
 Лек Телемах тортиб олмай найзасини қатил танидан,
 Шошиб четга олди ўзин – у найзани суфираётганда
100. Бирон куёв пўсиб келиб, ханжар санчиб уни ўлдириб
 Қўйишидан қўрққан эди; бу жанговар вазифани у
 Ижро этгач, отасининг паноҳига борди шошилиб.
 Деди ўғлон отасига яқин бориб барқанот сўзлар:
 «Ота, бориб мен бир қалқон, икки найза, бошингга лойиқ
105. Бир дубулға олиб келай; ўзим совут кийиб оламан;
 Евмей билан Филойтийга ҳам кийдиргум; кўнгил тинч бўлур»,
 Деди ўғил. Кув Одиссей шундай жавоб қайтарди унга:
 «Баракалла! Югур, ўғлим; тез қайт ўқлар тугамасидан;
 Агар ёлғиз қолсам, маҳрум бўлгум эшик ҳимоясидан»,
110. Деди ота; Телемах тез ижро этди айтганларини:
 Тепадаги қазноқقا у чопиб чиқиб, тўрт дона қалқон,
 Тўртта ёлдор дубулға ва саккизта мис тиф найза олди;
 Ҳаммасини олиб дарҳол қайтиб тушди ота ёнига;
 Лек олдин у кийиб олган эди мисдан қуйилган совут;
115. Евмей билан Филойтий ҳам совут кийиб олган эдилар;
 Келиб улар теран хаёл оғушида бўлган Одиссей
 Атрофида саф турдилар. У ўқлари тугамагунча
 Душманларни бехато маҳв этаверди биттама-битта;
 Ҳалок бўлганлар чўзилиб ётардилар жон таслим қилиб.
120. Мана, ўқлар тамом бўлди; Одиссей чўнг камонни эшик
 Ёндорига суюб қўйди – қолмаганди унга эҳтиёж.
 Шундан сўнг у тўрт қатламли кўн қалқонни илиб елкага,
 Чўққисида от думидан ваҳимали кокили бўлган
 Мис дубулға кийиб бошга, икки найза олди қўлига.
125. Эшик ёнида хуфия яна битта эшик бор эди;
 Ташқарига чиқса бўлар эди унинг тор йўлагидан.
 Одиссей шу йўлга соқчи қилиб қўйди чўчқабоқарни –
 Куёвларнинг қочишига имкон бермасликни буюриб.
 Мурожаат қилиб деди кўёвларга шу пайт Агелай:
130. «Биронтамиз, дўстлар, маҳфий йўлдан чиқиб, шаҳар аҳлидан
 Ёрдам сўраб, айюҳаннос солсак агар қандай бўларкин?
 Одиссей ҳам, ана, ҳамма ўқларини отиб тугатди».

- Лек Меланфий Агелайнинг бу фикрини маъқулламади:
 «Йўқ, Агелай, – деди у, – бу мумкин эмас. Махфий эшикни
 135. Улар доим кузатмоқда; кейин унинг йўлаги шундай
 Торки, битта одам ҳам ғов бўла олур биз ҳаммамизга.
 Шошманг, ҳозир мен сизларга қурол-яроқ олиб келаман.
 Биламан мен бу ердаги қуролларни Одиссей билан
 Унинг ўғли қай қазноққа олиб чиқиб яширганларин».
140. Бадният айёр Меланфий шундай дея ими-жимида
 Чиқиб борди орқа йўлдан аслаҳалар турган қазноққа
 Ва у ердан олиб тушди ўн иккита баҳайбат қалқон,
 Ўн иккита найза ҳамда шунча думдор мис дубулғани.
 Олиб тушиб ҳаммасини куёвларга тарқатиб чиқди.
145. Одиссей ўгрилиб қараб, куёвларнинг дубулға кийиб
 Қўлларида найза силкитганларини кўрди-ю бирдан
 Кўрқиб кетиб тиззалири қалтиради; э воҳ, ажалим
 Етибди-да деб ўйлади; сўнг ўғлига ўгрилиб деди:
 «Ё биронта оқсоч ёрдам бериб ёвга, бизга хиёнат
150. Қилган, ёки бу ҳийлагар Меланфийнинг қилмишимикин?»
 Телемах бу саволга сал ҳадиксираб жавоб қайтарди:
 «Э воҳ, айб менда, ота; шошганимдан қазноқ эшигин
 Қулфлашни унугибман; оқибатда имкон туғилган
 Айғоқчининг кириб қурол-яроқларни ўғирлашига.
155. Аё содиқ Евмей, эшит, сен у ерга чиқиб эшикнинг
 Панасида пойлаб турчи – ким киаркин қазноқ ичита:
 Оқсочми ё Меланфийми? Кўпроқ шундан
 шубҳам бор менинг».
- Улар яна кўп нарсалар тўғрисида маслаҳатлашли.
 Бу он хоин эчкибоқар қуроллардан яна олгани
160. Чиқмоқ бўлди юқорига. Буни сезган тангриваш Евмей
 Ёнидаги Одиссейга пичирлади: «О Лаэртзода,
 Муруватли ва ҳийлагар шоҳ Одиссей, кўр, ана хоин;
 Яна силоҳ олгани у аста пўсиб чиқиб кетмоқда;
 Амр эт, шоҳим, нима қилай? Ўлдираими бу фитначини
165. Гар эпласам? Ёки судраб келсан, ўзинг жазолайсанми
 Ўз уйингда сенга қилган разолатли ишлари учун?»
 Деди Евмей. Қув Одиссей жавоб бериб шундай сўзлади:
 «Мен Телемах билан бунда куёвларни ушлаб турман
 Кутирсалар ҳам ит бўлиб; сен Филойтий билан икковинг
170. У хоиннинг оёқ-қўлин орқасига қайириб боғла;
 Сўнг арқонга чаңдинглар-да шифтга тортиб тўсинга боғланг;
 Уни ана шундай ҳолда ташлаб чиқинг эшикни қулфлаб;
 Ўлиб ўлмай, қолиб қолмай, азоб чекиб осилиб турсин».
 Шоҳнинг амри вожиб бўлди бир зумда, у бујрганидай:
175. Евмей билан Филойтий иккови бирга чиқиб тепага,
 Эшикнинг икки ёнида Меланфийни пойлаб турдилар.
 Мана, қазноқнинг ичидан чиқди хоин; унинг бир қўли

- Хашаматли узун думли мис дубулға билан банд эди,
Бошқа құли Лаэрт үйгитлик чөғіда хизмат күрсатған,
180. Лекин әнди эскирган ва мөғор босған, чоклары чирик,
Тасмаси йүқ ташландық бир матах бўлиб қолган каттакон
Бир қалқонни күтарғанди. Ўгри оёқ қўйған ҳамоно
Остонага, икковлари хужум бошлаб, унинг сочидан
Чангалашиб йиқитдилар ерга ҳамда парво қиласдан
185. Оҳ-воҳ қилиб додлашига, оёқ-қўлин қайирдилар-да
Орқасига, ўрма тасма билан чандиб боғладилар
Худди одил шоҳ Одиссей Лаэртзода амр этганидек.
Кейин уни арқон билан боғладаб, устун бўйлаб шифтгача
Кўтардилар ва тўсинга арқон учин боғлад қўйдилар;
190. Эчкибоқар қолди шифтга осилганча ғужанак бўлиб.
Деди шунда унга Евмей кинояли истеҳзо билан:
«Сен, Меланфий, әнди сергак қоровул бўл бу қўрхонада;
Биз ўзингга монанд тўшак ёзиб қўйдик; сен унда ётиб
Олтин тахти ҳур Эоснинг Океандан балқиб чиқишин
195. Кутиб ол-у олижаноб күёвларнинг зиёфатига
Семиз-семиз эчкиларинг кечиктирмай ҳайдаб келавер».
Шундай деди. Сўнг иккови Меланфийни осилган ҳолда
Уқубатда қолдиришиб, зарур қуролларни олишиб,
Қазноқ эшигин ёпишиб, пастга тушиб кетдилар шошиб.
200. Мана, улар шоҳ Одиссей турган ерга етиб келдилар
Ва тўртовлон бўсағада жасоратга тайёр турдилар:
Шу чоғ маъбуда Афина яқин келди шоҳ Одиссейга;
Унинг ўзи ҳам, сўзи ҳам ўхшар эди ҳозир Менторга.
Лаэртзода дадил тортиб деди унга барқанот сўзлар:
205. «О Ментор, кел, дўстлигимиз ҳурмати, сен бизга ёрдам бер;
Қадимда биз яхшиликлар қилган эдик бир-биримизга,
Азиз дўстим». Шундай деган бўлса ҳам у дилда сезганди
Унинг Афина эканин. Лек күёвлар шангиллашганча
Чақирдилар Менторни ўз ёнларига. Аввал Агелай
210. Дамасторзод деди унга: «Ментор, қулоқ солма гапига,
Эсинг бўлса, унга ёрдам бериб, бизга қарши жанг қилма.
У бир ўзи бизни енга олмагай ҳеч. Зафар бизга ёр;
Сен икковин – ота билан ўғил ёнин олсанг мабодо,
Уларни маҳв этгач, сени ҳам жонингдан айлармиз жудо,
215. Эй малъун зот; гар густоҳлик қилсанг бизга, калланг кетажак;
Энг аввало биз ҳаммангни битта қўймай қириб ташлаймиз;
Кейин сенинг уйингдаги, далантдаги бутун бойликни
Одиссейдан ундирилган ўлжаларга қўшиб, ҳаммасин
Бўлишамиз күёвларнинг ўртасида. Ана ўшанда
220. Қувилажак уйларидан хотин, бола-чақаларингиз
Ва уларга бирон пасқам жой топилмас Итакамизда»,
Деди. Унинг бадгўйлиги Афинанинг ғашига тегди,
Шунда унинг қаҳри қайнаб Одиссейдан ранжиган бўлди:
«Эй Одиссей, Зевснинг оқ билак қизи Еленани деб

225. Троялик муҳориблар билан түққиз йил шижаату
Жасорат-ла жанг қилиб сен, қирғин-барот муҳорабада
Адади йўқ ғанимларни маҳв этгандинг, найранг ишлатиб
Забт этгандинг Приамнинг улуғ шаҳри Илионни ҳам?
Энди нега имиллайсан, келгансанку ахир уйингга?
230. Нечун сусткашлик қулурсан күёвларга қарши бу жангда?
Дўстим, бардам бўл, ибрат ол мендан ҳозир, Алкинзод Ментор
Ҳеч унутмас сенинг қилган яхшилигинг; мен ялписига
Маҳв этурман сенга ҳамла қилаётган душманларингни».
Шундай деган бўлса ҳам у, Одиссейга ҳозирча зафар
235. Бахш этмади; энг аввал у ҳам шоҳнинг, ҳам унинг ўғлони
Телемахнинг жасоратин синамоқчи бўлди синчиклаб.
Ва у бирдан қалдирфочга айланиб, пир этиб учди-да
Меҳмонхона шифтидаги қурум босган тўсинга кўнди.
Агелай бу пайт Еврином, Демоптолем ва Поликторзод
240. Писандрни, яна Амфимедон билан Политосларни
Азза-базза мардонавор жанг қилишга даъват этарди.
Булар тириклар ичиди энг диловар мардлар эдилар;
Қолганларнинг бари тўп-тўп бўлиб ўлиб ётарди ерда.
Агелай бу дўстларига шундай сўзлар билан юзланди:
245. «Ўйлайманки, ҳозир анов қутурган ит жангдан тийилур;
Ментор уни қуруқ мақтаб, шу заҳоти ташлади-кетди;
Мана, охир ўзи қолди бўсафада қуллари билан
Ҳимоясиз. Сиз, дўстларим, найзаларнинг барини бирдан
Отманг ёвга; олдин отинг олтитасин; агар Зевс кўмак
250. Берса бизга ярамасни маҳв этишда, — бу баҳтимизнинг
Кулганидир; қолган учта ёрдамчисин иложи осон,
Агарда биз Одиссейни гумдон қилсак, — иш пишди ҳисоб».
- Шундай деди. Унинг сўзи билан олти найза отилди,
Лек Афина ул найзалар зарбасини пучга чиқарди:
255. Битта найза четга учиб, тегди эшик кесакисига;
Иккинчиси шахт қадалди эшикнинг бир тавақасига;
Учинчиси тахта қопланган деворга бориб михланди;
Күёвларнинг найзалари ҳеч кимсани шикастламади;
Деди шунда тангримоманд шоҳ Одиссей шерикларига:
260. «Энди бизга навбат, дўстлар, қани, ишга киришингизлар.
Найзаларнингизни энди бизларни маҳв этмоқчи бўлган,
Дилимизни кўп оғритган күёвларга қаратада отинг».
- Шоҳ амрини бажо айлаб ҳаммалари бараварига
Отди тиғдор найзаларин кўзлаб туриб ғанимларини;
265. Аввал Одиссейнинг ўзи ер тишлатди Димоптолемни.
Телемах ҳам — Евиадни, мард подачи — Писандрни ва
Кекса Евмей — Элатопни маҳв этдилар — гижир тишларин
Фижирлатиб, ёвлар гуп-гуп йиқилдилар бараварига.
Тирик қолганлар фуж бўлиб, чекиндилар бурчак-бурчакка.
270. Кейин қонли найзаларни мурдалардан суғуриб олиб,
Ғанимлари томон ота бошладилар яна уларни;

- Афинея яна улар зарбасини пучга чиқарди:
 Битта найза четга учиб, тегди эшик кесакисига;
 Иккиичиси шахт санчилди эшикнинг бир тавақасига;
275. Учинчиси тахта қопланган деворга бориб михланди;
 Бироқ фаним Амфимедон Телемахни сал яралади:
 Найза тифи ялаб ўтган эди унинг панжаларини.
 Ёв Ктесипп отган найза қалқон таққан Евмей елкасин
 Пича тилиб ўтди-да, сўнг учиб бориб қадалди ерга.
280. Шум хаёлларга ғарқ бўлган Одиссейнинг бу сафдошлари
 Яна ота бошладилар куёвларга найзаларини:
 Евридамантни ўлдирди Одиссей мис найзаси ила,
 Амфимедонни Телемах ер тишлатди, чўчқабоқар эса –
Полибни;
- Подачининг ажалкаш мис тиф найзаси бориб санчилди
285. Ктесиппнинг кўкрагига – эмчак учи ёнгинасига;
 Филойтий мўлжални тўғри олганидан мақтаниб деди:
 Эй авомни таҳқирлашни ўзи учун касб ҳисоблаган
 Полиферсод Ктесипп, сен тийсанг керак энди тилингни;
 Бу иш сенга ярашмайди: қолдир уни само аҳлига.
290. Зеро, улар минг бор юксаклирлар сендан иқтидорда. Мен
 Бўлсан фақат бул гадоваш Одиссейга сигир оёғин
 Отиб қилган садақанг-чун бори-йўғи бердим қаримта».
 Шундай деди эгри шохли сигирларнинг бош подачиси.
 Бу пайт маҳв этди Одиссей Агелайни – Дамастор ўғлин;
295. Телемах ҳам гумдон қилли Леокритзод ёш Евенорни:
 У қорнига санчилган мис тиф зарбидан ерга юзтубан
 Қуларкан, бир оҳ урди-ю шу заҳоти жони узилди.
 Паллада бу пайт тепадан машъум ўлимнинг даракчиси
 Эгидани кўрсатганди, ҳамма ундан даҳшатга тушди.
300. Улар эс-хушлари оғиб, худди баҳор маҳали кунлар
 Узайганда қонхўр сўналар талаган оғир оёқли
 Сигирлардек зир югурга бошлади ҳар ким ҳар томонга.
 Экинларга ёпирилган гала-гала қушларни тоғдан
 Учиб тушган дўнг тумшуқ ва эгри чангаль лочинлар қувиб
305. Ҳайдайдилар ҳар тарафга дехқонларнинг дилин хуш этиб.
 Одиссейнинг қўлдошлари ҳам ёвларни нақ лочинлардек
 Ҳар ён қувиб шафқат қилмай, бошладилар бир-бир қийрата;
 Куёвлар дод солиб, бошга кўтардилар меҳмонхонани;
 Лек миялар мажақланди, ҳаммаёқни қайноқ қон босди.
310. Леодей шу чоғ Одиссей олдига тез югуриб келиб,
 Унинг тиззаларин кучди ва зор қақшаб бир калом деди:
 «О Одиссей, ўпай ҳоки пойингни мен, раҳм-шафқат қил;
 Уйингдаги оқсоchlарнинг ҳеч бирини ранжитмадим мен,
 Биронтасин алдаб-сулдаб тортмадим ҳам бадаҳлоқ йўлга;
315. Бильакс, ўзим кўп куёвни шармандали жиноятлардан
 Қайтаришга уриндим – лек эплолмадим! Куфроний ишлар
 Қилмасликка даъват этдим, лек гуноҳдан четлатолмадим;

Мана, бугун ҳаммалари олдилар ўз шивағаларин
Қылмишларига яраша. Мен башоратгүйиман фақат

320. Күёвларнинг; ҳеч бир гуноҳ құтмаганман; наҳот ўлсам мен?
Ахир шуми савоб ишларга аталған ажр-мукофот?»
Деди шунда шоҳ Одиссей маҳзун боқиб қовоқ остидан:
«Бўлсанг агар сен чиндан ҳам күёвларнинг башоратгүйи,
Тез-тез Зевсга ибодатлар қилиб ундан мени уйимга
325. Қайтармаслигини, яна хотинимнинг сенинг хотининг
Бўлиб, ўғил-қизлар туғиб беришини сўрагансан-ку –
Шу ниятинг учун энди ажалингдан олдин ўласан».
Шундай деди. Сўнг Агслай ўлаётуб қўлдан туширган
Ханжарни ердан олди-да, Леодейнинг бўйини узди;
330. Бош узилиб ерга тушди – чала қолди унинг фифони.
Лек ўз қўшиқлари билан базмдаги қўёвлар кўнглин
Чоф айлаган машҳур ҳофиз Терпийзода Фемий маҳвкор
Кераларнинг ғазабидан жонин сақлаб қутулиб қолди;
У қўлида сози билан маҳфий эшик ёнида пўсиб
335. Турап экан, не қиласин билмай, ақли шошиб қолганди:
У ҳовлига чиқиб Зевес меҳробини (унда Одиссей
Бир вақтлар неча-неча бор буқалар сонин куйдириб,
Курбонликлар қилган эди ва бу меҳроб қўриқчисийди
Қасрнинг) қучиб ўтирасинми*, ёки оҳ-нола чекиб
340. Ёлборсинми Одиссейга қучиб унинг тиззаларини?
Ўйлаб-ўйлаб у Одиссей пойига тиз чўкиб астойдил
Раҳм-шафқат сўрамоқни мақбул кўрди ва янгроқ торли
Созини май жоми билан кумуш оёқ кўркам курсининг
Ўртасига аста қўйиб, Одиссейнинг истиқболига
345. Чопиб бориб тизин қучди ва титроқ сас ила ёлборди:
«Шоҳ Одиссей, ўпай ҳоки пойингни мен, раҳм-шафқат қил;
Тангрилар-у бандаларга хуш кайфият баҳш айлагувчи
Мен, ҳофизни гар ўлдирсанг, бўлажаксан кейин пушаймон;
Само аҳли руҳлантириди юрагимни қўшиқ куйлашга –
350. Хонандалик бўлди қасбим; ҳали сени ҳам, эй Одиссей,
Тангрилардек эъзозлабон, созимнинг хуш навоси ила
Маст этурман. Ўлдирмагил хонандани! Ана, ўғлинг ҳам
Тасдиқлагай: мен уйингга ўзим хоҳлаб келмаганман ҳеч,
Базмларда күёвларга ўзим хоҳлаб куйламаганман;
355. Бильякс, мени зўрлаб олиб келишарди доим бу ерга
Ва мажбурлаб қўшиқ айттиришар эди, хоҳламасам ҳам».
Шундай деди; ва Телемах унинг гапин эшитиб қолди;
Эшитди-ю янгроқ овоз билан деди отасига у:
«Тўхта, ота! Тий ўзингни ва қатл этма бу бегуноҳни!
360. Ҳофизни ҳам, удайчимиз Медонтни ҳам сақла ўлимдан:
Медонт гўдаклик чофимда кўп парвариш қилганди мени.
Ие, қани ўзи Медонт? Вой, ўлдириб қўймадимикин
Уни Евмей, ё Филойтий? Ё у шўрлик, фалокат босиб,
Учрамадимикин, ота, сенинг қаттол найзанг тифига?»

365. Деди у ва саодатли бу сүзларни эшитди Медонт;
 У бир хонтахта тагида боягина сүйилган сигир
 Терисиңи ёпинганча ётар эди ғужанак бўлиб
 Жон ҳовучлаб. Сакраб туриб у терини отиб юборди.
 Телемахнинг олдига у чопиб бориб унинг тиззасин
370. Кучиб олиб ўпар экан, деди шундай барқанот сўзлар:
 «Шу ердаман, Телемахжон; ҳимоя қиласи мени, тасаддуқ;
 Отангнинг авзои бузук, унинг мўл-кўл бойликларини
 Кўпдан бери торож қилиб ётган суллоҳ куёвлардан қасд
 Олаётуб, мени ҳам қатл этмасин-да уларга қўшиб».
375. Деди унга шоҳ Одиссей маҳзун боқиб қовоқ остидан:
 «Телемахга қуллуқ қилгин; у кутқарди сени ўлимдан;
 Бундан бўён, одамларга файрлик мас, яхшилик қилиш
 Қандай савоб ва хайрли иш эканин ўзинг ҳам билгин,
 Бошқаларга ҳам насиҳат қилгин доим ҳеч эринмасдан;
380. Энди эшит: сен хонанда билан бирга бу қатлгоҳдан
 Чиқиб, қопқа қаршисида ўтириб ол йўл ёқасига;
 Мен бу ерда қолиб ҳаммаёқни ўзим жобажо қилгум».
 Шундай деди; Медонт ҳофиз билан бирга ҳовлига чиқиб,
 Зевсга бағишланган меҳроб яқинига бориб индилар;
385. Улар ҳамон олазарак боқардилар ўлимдан кўркиб.
 Қув Одиссей, бирон куёв Кера кўзин шамғалат қилиб,
 Жонин сақлаб қолмадими, деб ҳар ёнга кўз югуртириди.
 Ҳамма қон ва чангга ботиб тўп-тўп бўлиб ўлиб ётарди
 Худди балиқ тутувчи эр ёйма тўрда теран денгиздан
390. Тутиб чиқиб қумлоқ жойга афдарган кўп балиқлар каби, –
 Бу ерда шўр сувдан жудо бўлган балиқларни Гелиос
 Ўзин қайноқ тафти билан ўлдиради жизғанак қилиб.
 Ўликлар ҳам қимир этмай ётардилар бунда уйилиб.
 Қув Одиссей шунда олдин ўз ўғлига деди юзланиб:
395. «Сен, Телемах, энди доно энагангни чақир бу ерга;
 У кампирга айтадиган икки оғиз зарур гапим бор»,
 Деди ота. Ва Телемах эшик очиб чақирди уни:
 «Эй меҳрибон знагам, сен уйимизда кўп йилдан бери
 Нозиралик қилмоқдасан оқсоchlар-у жорияларга,
400. Асраб авайлаб келасан доим барча бисотимизни;
 Туш бу ёқقا, сени отам чақиряпти, гапи бор экан».
 Кампир аввал оқсоchlарнинг эшикларин очди, сўнг тушди;
 Ва отаси ҳузурига бошлаб борди уни Телемах.
 Одиссейни у ўликлар орасида ҳаммаёғи қон
405. Ва тер босган ҳолда кўрли; ўхшарди у ҳозиргина бир
 Буқани еб қорни тўйган, мудҳиш оғзи ва ёллари қон
 Бўлиб, даҳшатли алфозда ини сари йўл олган шерга.
 Қув Одиссей бошдан оёқ беланганди қоп-қора қонга.
 Бунда тўп-тўп жасадларни ва қон қўлмакларини кўрган
410. Евриkleя қандай улуғ ишнинг вожиб бўлганлигидан
 Қувониб бор овози-ла ҳайқирмоққа чоғланган эди,

- Лек Одиссей унга ҳали севинишга шошилмасликни
Буюрди-да, янгроқ овоз билан деди барқанот сўзлар:
«Шошма, кампир, қичқирмасдан секингина ичингда қувон;
415. Ўликларни кўрган чоғда хурсанд бўлиш одобдан эмас.
Уларни Диј маҳкум этди номатлуб қилмишлари учун;
Адолатни билмасдилар, ҳақиқат ёт эди уларга;
Ҳеч бир замин фарзандини, — у улуф зот бўлсин ва ёки
Қашшоқ гадо, — иззат қилмас, илмасдилар назарларига.
420. Оқибатда учрадилар энг даҳшатли бало-қазога.
Энди сен бу ерга чақир уйимдаги барча оқсочни;
Ўзим кўриб билмоқчиман ким беҳаё суюқ оёқ-у,
Ким ҳаёли, садоқатли, пок ходима эканлигини».
Шундай деди шоҳ Одиссей, кампир унга жавоб қайтарди:
425. «Ўғлим, ўзим ҳамма гапни, сир сақламай, айтаман сенга;
Уйимизда эллик нафар ёшу қари оқсоч ишлайди;
Ҳаммалари қўл ҳунари билан машғул: жун титадилар
Ва ҳоказо; ҳар бирининг қиласиган вазифаси бор.
Фақат ўн иккита оқсоч бадахлоқдир; улар нафақат
430. Мени, ҳатто маликамизни ҳам иззат қилмайдилар ҳеч.
Ўғлинг рўзгорга бош бўлди; лек малика унга ман этган
Бу уйдаги хотин-халажнинг ишига аралашишни.
Мен тепага чиқиб ҳозир етказайин Пенелопага
Бу қувончли хушхабарни; у дам олур; эҳтимол боқий
435. Худовандлар маликамга ширин уйқу уфургандирлар».
Кув Одиссей кампир сўзин маъқулламай деди бир калом:
«Йўқ, уйғотма уни, кампир; энг аввало бошлаб келгин сен
Хузуримга ҳозир ўзинг санаб ўтган жорияларни».
Шундай деди. Евриклема оқсоchlарни ўз хожалари
440. Ҳузурига чақиргани чопиб чиқиб кетди тепага.
Сўнг Одиссей Телемаху, Филойтий-у кекса Евмейни
Чақириб, ўз фармонини эълон қилди уларга шундай:
«Мурдаларни олиб кетинг; жориялар бу ишда сизга
Ёрдам қилсин; кейин ҳамма столлар-у ўтиргичларни
445. Ювиб чиқишин яхшилаб ҳўл сочиқлар билан бирма-бир.
Мехмонхона йифиширилгандан кейин, ҳамма бадахлоқ
Чўриларни олиб чиқиб, ҳовлидаги ғалла омбори
Билан девор орасида ҳаммасини тиғлаб ўлдиринг;
Жазоларин олсин улар күёвларга ўйнаш бўлишиб
450. Саодатли пок уйимни нопок қилганлари жаддига».
Шундай деди. Бу пайт ҳамма жориялар зор қақшаганча
Ҳўнг-хўнг йиғлаб тўпландилар базмгоҳга. Сўнг ўликларни
Олиб чиқиб данғиллама кенг йўлакка, худди Одиссей
Айтганидек, ҳаммасини бир-бирига суяб бир қатор
455. Ўтқаздилар, гарчи бундай ишдан улар йиргансалар ҳам.
Кейин улар ҳўл сочиқлар билан стол ва стулларни
Артдилар топ-тоза қилиб. Бу пайт шоҳнинг ўғли Телемах,

- Чүчқабоқар ва подачи ҳашаматли меҳмонхонанинг
Кенг саҳнини қирғич билан қириб-қириб тозаладилар;
460. Жориялар бўлса дарров супуришиб қириндиларни,
Ташқарига олиб чиқиб ташладилар, гард ҳам қолдирмай.
Базмгоҳни тозалашиб келтирдилар тартибга; кейин
Олиб чиқиб ўлимга маҳкум этилган ходималарни
Ховлидаги омборхона билан девор оралиғига
465. Ҳайдаб киритдиларки, ҳеч ким ҳеч қачон бу авахтадан
Тирик чиқиб кетолмаган. Ва Телемах деди уларга:
«Эй ахлоқсиз фоҳишалар, куёвларга жазман бўлиб сиз
Макруҳ қилдингиз уйимни, ҳам мени, ҳам покдил онамни
Уятга қолдирдингизлар, энди ҳеч ҳам лойиқ эмассиз
470. Покиза қалб ила рихлат этмоқликка Аид қаърига».
Шундай деб у боғлаб чиқиб оқсоchlарни узун арқонга,
Унинг учин устунларга таранг тортиб боғлаган эди,
Ҳаммаларин оёқлари қолди ердан узилганича.
Шу сингари, капитлар ё узун қанот қораялоқлар
475. Ухлагани инларига қайтаётib, билмай тузоққа
Илинурлар ва ўлимга алмашинур улар уйқуси;
Маҳкумаларнинг бошлари қолди шилқ-шилқ осилганича,
Фақатгина оёқларин бир зумгина питирлатдилар, –
Ажал домига тортганди сиртмоқ солиб бўйинларига.
480. Сўнг ҳовлига эчкибоқар Меланфийни судраб чиқдилар;
Ва бераҳм шамшир билан унинг бурни, қулоқларини
Кесиб, қўл ва оёқларин чопдилар-да, бутун жисмини
Қийма-қийма қилиб барин ташладилар очкўз итларга.
Кейин ювиб қон юқи қўл-оёқларин, қайтиб кирдилар
485. Одиссейнинг ҳузурига. Ҳамма ишлар битганди энди.
Ва шоҳ деди энагага: «Евриkleя, энди сен тезроқ
Олов билан олтингугурт олиб кел; биз уни тутатиб
Гуноҳлардан поклашимиз жоиздир бу меҳмонхонани*.
Фақат шундан кейингина маликани ўз маҳрамлари –
490. Жориялар билан таклиф қил бу ерга. Қолган жамики
Оқсоchlарни ҳам унутма, таклиф қилгин уларга қўшиб.
Одиссейнинг бу амрига жавоб қилди энага шундай:
«Мақуллайман бу амрингни, бўтам, илло энг аввал сенга
Кийинтирай мен покиза кийим-бошлар; ахир яхшимас
495. Жулдирвақи бўлиб юриш ўзингнинг бу кўркам уйингда».
Эътиroz-ла жавоб қилди энагага закий Одиссей:
«Энг аввало, Евриkleя, тутатгани олов бер менга».
Евриkleя чиқиб кетди шоҳ амрини бажармоқ учун
Ва бир зумда олтингугурт билан олов кўтариб кирди;
500. Шоҳ Одиссей олтингугуртни тутатиб поклай бошлади
Базмгоҳни ҳам, ҳайҳотдай ҳовлини ҳам. Бу чоғ энага
Сарой кўшкларин айланиб чиқиб, барча жорияларни
Базмгоҳга тушмоқликка даъват этди; ва жориялар
Машъалаларин олишиб тушдилар тез меҳмонхонага;

505. Хожаларин таниб улар гул-гул яшнаб қувондилар ва
Уни кучиб, боши, құли, елкаларин ўпа кетдилар.
Одиссей ҳам ўзининг бу садоқатли ҳамда меҳрибон
Оқсоchlарин күриб, күнгли эриб кетиб, ҳам қувончдан, ҳам
Фам-аламдан күзёш түкиб, ўксиб-ўксиб йиглай бошлади.



ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚҰШИҚ

Маликага эри қайтиб келганини айтгани, кампир
Дили құвнаб юқорига чопиб чиқди гүмбүр зинадан, —
Эзгу хабар йүрға қилиб қўйган эди оёқларини.
Ухлаб ётган соҳибасин тепасига келиб энага

5. Деди унга: «Шириң қизим Пенелопа, очақол кўзинг,
Бўл, турақол, қанча йиллар юрак-бағринг доғлаб кутганинг
Азиз ёринг қайтиб келди, юр, чиқиб кўр ўз кўзинг билан;
Кеч бўлса ҳам қайтиб келиб, молларимиз қийратадётган,
Телемахни писанд қилмай, давлатимиз совураётган
10. Бу ердаги барча бадкор кўёвларни қириб ташлади».
Шундай жавоб қилди доно Пенелопа мунис кампирга:
«Евриклея, эс-хүшингни олиб қўйган шекил тангрилар!
Улар амри ила оқил зот бир зумда ақдан озур,
Ақли ноқис телба банда ақлу ҳикмат соҳиби бўлур;
15. Улар эсдан оғдирибди сени; ақлинг расо бўлгандা,
Бошим узра туриб олиб, ёлғондакам қувончлар билан
Ташвишимни орттирмасдинг! Нечун ахир менинг толиққан
Кўзларимга инган шириң ҳаловатли уйқумни буздинг?
Эрим ўшал серфалокат Илионнинг бўсағасига
20. Сузиб кетган кундан бери кўрмагандим бундай шириң туш.
Бор, энага, кет бу ердан, агар бошқа бирон жориям
Шунга ўхшаш жинни санғи хабар билан келиб тепамга
Уйғотганда борми, уни қаттиқ койиб берган бўлардим.
Лекин сени, Евриклея, аядим мен — ёшинг хурмати».
25. Лек энага эътиroz-ла шундай деди соҳибасига:
«Йўқ, маликам, ниятим пок, ёлғон эмас айтган гапларим;
Одиссейинг ҳозир шунда! Анов ҳамма масхара қилиб
Таҳқирлаган мусофири чол Одиссейидир; унинг келганин
Аллақачон билган экан Телемахинг, лек кўёвларни
30. Маҳв этишини мўлжаллаган отасининг қайтиб келганин
Бу ёвлардан ва уйдаги ходимлардан сир тутган у —
ва тўғри қилган»,
Деди кампир. Пенелопа дик ўрнидан сакраб турди-да
Севинч кўзёшларин тўкиб, энаганинг бўйнидан қучди
Ва янгроқ сас ила унга деди шундай барқанот сўзлар:
35. «Гар рост бўлса айтган гапинг, тасаддуғинг кетай, энага,
Гар чиндан ҳам қайтиб келган бўлса эрим, кўёвларнинг бу
Тўдасини қандай қилиб маҳв этдийкин ёлғиз бир ўзи?

- Улар доим уйимизга галалашиб келадилар-ку».
- Шундай жавоб қилди кампир фаросатли Пенелопага:
40. «Билолмадим; фақат ўлаётгандарнинг оҳу ноласин
Эшиздим мен; биз аёллар кириб олиб уй-уйимизга,
Хап ўтирик эшикларни ичдан қулфлаб, токи Телемах
Базмгоҳдан чиқиб, мени «энага» деб чақирмагунча:
Уни менга сенинг эринг юбориби. Мен пастга тушиб,
45. Одиссейни ўликларнинг орасида турганин кўрдим;
Ҳаммалари ётар эди тўп-тўп бўлиб қонга беланиб;
Мен бу ажиб манзарани кўриб жуда қувониб кетдим.
Ваҳший шерга ўхшар эди ҳаммаёғи қон ва тер эринг.
Энди жасадларнинг бари ташқарига уйиб қўйилган.
50. Ҳозир эринг олтин гугуртни тутатиб меҳмонхонани
Покламоқда; мени сенга юборди у; юрақол, қизим;
Иккингиз ҳам дош бердингиз не азобу фожиаларга,
Мана бугун шодумонлик кунларингиз келди ниҳоят;
Энг муҳими, бундан бўён ушалажак эзгу орзулар:
55. Эринг тирик, у соғ-омон қайтиб келиб суюқ завжасин
Ва ўғлини тирик топди, у беадад мол-давлатини
Торож қилган ғанимларни қириб ташлаб, ҳаммаларидан
Қилган манфур қилмишлари учун боплаб қасос олиби.
- Шундай жавоб қилди доно Пенелопа мунис кампирга:
60. «Эй онажон, элдан бурун севинма ҳеч; энг улуғ байрам
Бўлур эди эримнинг соғ қайтгани биз ҳаммамиз учун –
Хусусан, мен учун ҳамда иккимизнинг зурриётимиз
Телемах-чун; лек, барибир, ишонмайман айтган гапингта;
У эриммас, ким билади, балки бирон боқий тангридир –
65. Куёвларнинг палид, муртад ишларидан дарғазаб бўлиб,
Ҳаммаларин ўз қаҳрига олгандир у – бу ноинсофлар
Адолатни билмасдилар, ростгўйлик ёт эди уларга;
Ҳеч кимсани, – улуғ зотми, ё гадоми, – тан олмасдилар;
Ҳа, ўzlари етибди ўз бошларига; лек менинг эрим ...
70. Энди насиб этмас бизга уни кўриш; у аллақачон
Бирон олис мамлакатда ўлиб кетган хору зор дайдиб».
- Фаросатли Евриkleя жавоб қилди Пенелопага:
«Дилбар қизим, кўп аломат сўзлар учди дудоқларингдан.
Айтяпманку, эринг келган; лек сен мудом келмайди дейсан;
75. Ишонмасанг, у ўзини танитувчи белги кўрсатур:
Тиззасининг чандиғини; ҳабаринг бор, унинг тизини
Шикор чоғи тишлаб яра қилган эди ёввойи қобон;
Кўрдим ўша чандиқни мен оёғини юваётганимда;
Шу он буни сенга айтмоқ бўлган эдим, у кафти билан
80. Оғзим ёпиб, бу ҳақда гап очмасликни маслаҳат берди.
Юр, тушайлик; гапим ростдир, бошим билан жавоб бераман;
Агар ёлғон айтган бўлсан, ҳеч аямай жазола мени».
- Фаросатли Пенелопа жавоб қилди мунис кампирга:
«Сен, энага, ақти расо аёлсанку, лек тангриларнинг

85. Бандалардан пинҳон бўлган ниятларин англай олмассен.
Хўп, сен билан тушай ўғлим олдига мен; сўнг кўрмоқчиман
Шунчали кўп куёвларни ер тишлатган азаматни ҳам».
Шундай деб у пастга тушиб борар экан, боши қотарди:
Нима қилсин – гаплашсинми узоқроқда туриб у билан,
90. Ёки яқин бориб унинг боши, қўли, елкаларини
Ўпсинмикин? – Пенелопа кириб бориб меҳмонхонага
Ўчоқ ёнига ўтириди – шавҳарининг рўпарасига.
Эри эса ерга боқиб ўтиаркан устун тагида,
Кутар эди завжасининг оғзидан не гап чиқишини.
95. Хотин узоқ сукут қилди; така-пука эди юраги;
Дам тикилиб қараб унга, танигандай бўларди эрин;
Дамчувринди кийимда у ўхшамасди Одиссейига.
Шунда охир, онасидан дили ранжиб деди Телемах:
«Она, нима бўлди сенга? Бепарвосан нега бунчалик?
100. Нега ахир олиб қочиб ўзингни ўз эрингдан, четда
Ўтирибсан; яқин бориб сўрамайсан ундан ҳол-аҳвол?
Бу не қилиқ? Йигирма йил давом этган жудоликдан сўнг
Бардош бериб кўп азобу уқубатга уйига қайтган
Ўз эридан икки оғиз ширин сўзин аяб, шўрликни
105. Совуқ қарши оладиган хотин топилмайди дунёда.
Қара унга; гапирсангчи; нима бало, тошми юрагинг?»
Фаросатли Пенелопа жавоб қилиб деди ўғлига:
«Ўғлим, қаттиқ ваҳимада бу юрагим. Тилим лолдир бир
Сўз айтишга, не деб савол беришни ҳам билолмаяпман,
110. Журъатим йўқ дийдорига боқишига ҳам; лек у чиндан ҳам
Ватанига қайтиб келган шоҳ Одиссей бўлса мабодо,
Иккимиздан ўзга ҳеч ким билмайдиган хуфия сирни
Биламизки, шу сир бизни танитажак бир-биrimизга».
Машаққатларга бардошли шоҳ Одиссей жилмайиб қўиди,
115. Сўнг ўғлига ўтирилиб хўб барқанот сўзларни айтди:
«Кўй, безовта қилма, ўғлим, волидангни, ўз билганича
Сўроқ қилсин мени, шунда англаб олур бор ҳақиқатни;
Хозир жулдур кийимдаман; унга қийин мени бу тарзда
Одиссей деб тан олмоғи ва дурустроқ эъзозламоғи.
120. Биз ўзимиз танишувнинг иложини ўйлаб топурмиз.
Агар кимдир бирон касни маҳв этса, гарчанд ўлганнинг
Қасдин оладиган дўсту қондошлари бўлмаса, ё кам
Бўлса ҳамки, қотил бирон фалокатга йўлиқмаслиқ-чун
Ватанидан ўзга юртга қочиб кетур. Бизлар бўлсак, юрт
125. Ҳомийларин – Итаканинг энг нуфузли ўғлонларини
Қатл этдик битта қўймай; биз шу ҳақда пухта ўйлайлик».
Одиссейнинг доно ўғли жавоб қилди ўз падарига:
«Ўзинг ўйлаб кўр яхшироқ буни, ота; ҳамма одамлар
Ҳамма ерда сени теран ақл кони деб атармишлар;
130. Ҳеч бир banda тенг келолмас эмиш сенга ақду идрокда;
Айтган амринг бажарилур; кўмакдошинг бўлгум ҳар ишда».

- Ўғлонига жавоб қилди соҳибнайранг Одиссей бундай:
 «Унда эшит; энг қулай ва энг тўғри йўл, менимча бундай:
 Ҳамма ювиниб-тараниб ясансин нақ байрамдагидек;
135. Жориялар ҳам, қуллар ҳам безансинлар; ҳофизимизнинг
 Янгроқ сози навосига ҳаммалари кенг давра қуриб,
 Кўшиқ куйлаб, шўх рақсга тушсинларки, қўни-қўшнилар
 Ва кўчадан ўтган-кетган одамлар ҳам, бу хонадонда
 Никоҳ тўйи бўлмоқда, деб ўйласинлар. Демоқчиманки,
140. Токи бизлар қишлоқдаги боғимизга етиб олгунча,
 Ҳеч ким билмаслиги керак куёвларнинг бари қирилиб
 Кетганини; бизлар ўша кенг далада ўйлаб қўрамиз
 Олимпдаги тангрилардан қандай мадад сўрамоқликни»,
 Деди. Тезда бажарилди Одиссейнинг амри-фармони;
145. Ҳамма ювиниб-тараниб ясанди нақ байрамдагидек;
 Жориялар қўшиқ айтиб рақс тушдилар; тангриваш ҳофиз
 Созин чертиб сарой аҳдин гўзал куйлар куйламоқликка,
 Давра қуриб шўх рақслар тушмоқликка илҳомлантириди.
 Оқсоchlару қулларнинг ер тепиниб рақс тушишларидан
150. Уй ларзага келди, айтган қўшиқлари бутун атрофга
 Тарапалди акс садо янглиғ; бу аснода кўчадан ўтган
 Ҳар бир одам: «Мана, рози бўлибди-да малика охир
 Эр қилишга; эҳ бевафо! Кўнгил қўйиб теккан эрининг
 Қайтишини бу чароғон уйда кутиб ўтирмоқ учун
155. Унинг сабри чидамабди, аттанг, аттанг», деб ўйлар эди.
 Зеро, ҳеч ким билмасди бу уйда нелар бўлиб ўтганин.
 Бу аснода Евриkleя чўмилтириб ўз соҳибини,
 Унинг бутун баданига суриб чиқди зайдун мойини.
 Сўнг Одиссей кийди заррин ҳламида ва нафис хитон.
160. Зевснинг шаҳло қўзли қизи унга нодир ҳусн баҳш этди,
 Қаддин тиклаб, баданини миқти, сочин сунбул гулидай
 Жингалаклаб қалин қилди. Паллададан ҳамда Гефестдан
 Сабоқ олган моҳир заргар кумуш буюмларнинг сиртига
 Тилла суви юритаркан, мўъжизаваш бу санъати-ла
165. Кўрган кўзни кўп ҳайратга солур; Зевснинг моҳира қизи
 Афина ҳам Одиссейни ҳайратомуз бежирим қилди.
 У тангридек чехрасидан нур ёғилиб чиқди ҳаммомдан
 Ва завжасин қаршисига – ўз ўрнига бориб ўтириб,
 Шундай леди маликага: «Мен ҳайронман! Тангрилар сенга
170. Нозик аёл қалбинимас, тош юракни ато этиби.
 Ишонмайман! Йигирма йил давом этган жудоликдан сўнг
 Бардош бериб кўп азобу уқубатга, уйига қайтган
 Ўз эридан икки оғиз ширин сўзин аяб, бунчали
 Совуқ қарши оладиган хотин топилмагай дунёда.
175. Ҳой энага, алоҳида сол ўринни менинг ўзимга;
 Хотинимнинг юраги тош экан, ўзим ёлғиз ётаман».
 Лек оқила Пенелопа жавоб қилди эрига щундай:

- «Гапинг қизиқ! Мен кеккайиб сени менсимаётганим ҳам,
Е бўлмаса, танимаётганим ҳам йўқ. Ҳануз ёдимда
180. Илионга сузib кетаётгандаги қиёфанг сенинг.
Энага, у шуни хоҳлаётган экан, майли, ўрин сол;
Лекин фақат ўзи қурган ётоқдамас; бошқа хонага
Қўйиб катта каравотни юмшоқ пўстак тўшаб кўрпа ёп».
Пенелопа бу гап билан синамоқчи бўлганди эрин.
185. Эри эса қаҳри қайнаб шундай деди Пенелопага:
«Хозир айтган гапинг, хотин, юрагимни ўртаб юборди;
Ким экан у каравотни хобхонадан олиб чиқолган?
Ҳеч ким самовий қуввасиз уни жойдан жилдиролмасди;
Тангри эса осонгина сура олур уни жойидан,
190. Лек энг кучли фоний банда ҳатто пишанг ёрдамида ҳам
Қўзғатолмас уни жойдан; сир бор унинг ясалишида.
Уни ўзим ясаганман ўз қўлим-ла. Ҳовлида бир туп
Азим зайдун ўсар эди — нақ устундай йўғон танаси;
Девор тиклаб мен зайдуннинг атрофига силлиқ тошлардан,
195. Ётоқхона қурдим баланд қилиб ёпиб унинг томини,
Қўштавақа эшик ясаб, ошиқ-мошиқларга ўрнатдим;
Сўнг зайдуннинг тепасини кесиб ташлаб, унинг тўнкасин
Қолдирдим-да пардозлаб гир атрофини мис ранда билан,
Ҳар ёғини каноп билан аниқ ўлчаб ҳамда пармалаб
200. Тиргак қилдим каравотга; сўнг каравот ясаб, унинг ҳар
Томонини фил суюги, олтин, кумуш билан безадим
Ва устига узун-узун қирмизи ранг тасмалар тортдим.
Мана сенга каравотнинг белгилари! Фақат билмайман,
Ҳали ҳам у ўз ўрнида турибдими, ё бирон кимса
205. Каравотни бошқа ерга кўчирдими тўнкани кесиб».
Маликанинг тизи дағ-дағ қалтиради, зирқираб кетди
Юраги ҳам — У Одиссей белгиларин аниқ айтганди.
Пенелопа юм-юм йиғлаб сакраб туриб келиб, эрининг
Бўйнин қучди ва ўпаркан унинг азиз бошидан, деди:
210. «Оҳ Одиссей, хафа бўлма мендан, жоним! Сен фаросатли,
Софдил инсон эдинг доим. Раво кўрди бизга тангрилар
Фам-аламни; улар бизнинг саодатда ҳаёт кечириб,
Мудом шоду хуррам бўлиб кексаликнинг бўсағасига
Иккимизнинг биргаликда етишимиз хоҳламадилар.
215. Кечир, жоним, сени илк бор кўрган оним қучиб ўпмадим.
Менинг қалбим хавотирда бўлди мудом бирон ажнабий
Одам бирон қизиқарли хабар билан мени ўзига
Мафтун қилиб қўйишидан ваҳимага тушиб яшадим.
Зевснинг қизи Елена ёт бир йигитнинг хушомадига
220. Лаққа учиб, ишқ ўтида лов-лов ёниб қочиб кетмаган
Бўлар эди Трояга, агарда у билганидайди
Қўшин тортиб келган ахей лашкарлари уни қайтариб
Ватанига яна олиб кетишларин. Бадният даймон
Еленани файришоён жиноятга йўллаган эди;

225. Гар у дилбар ишлатганда эди ақтн, дуч этмас эди
Бизни бундай қабоғатли ва даҳшатли фалокатларга.
Сен, Одиссей, аниқ таърифладинг менга каравотимиз
Белгиларин – буни фақат сену мен ва бир садоғатли
Оқсочимиз (отам менга тўйимиизда армуғон қилган
230. Евриkleя) билар эдик; у туну кун қўриқлаб турди
Хобхонамиз эшигини. Сен, Одиссей, менинг бу бежон
Вужудимга жон баҳш этдинг», деди ёри. Шоҳнинг юраги
Эзилди ва йиғлаб туриб вафодори рафиқасининг
Қучоғига талпинаркан, унга сингиб кетгандай бўлди.
235. Посейдоннинг чақмоғидан пора-пора бўлган кеманинг
Қолдиғида бўрон кутиртирган жўшқин тўлқинлар аро
Сузиб юрган денгизчилар қўриб қолиб кўз олдларида
Куруқликни, севинурлар ва омади кулган бъзилар
Чиқиб ҳалоскор соҳилга, ўлмай тирик қолганларидан
240. Севинишиб, бағрин босиб ерга, уни ўпа бошларлар.
Пенелопа ҳам оқ билак қўли ила эрин бўйнидан
Қучар экан, унинг омон қайтганидан севинар эди.
Йиғлаб турган эр-хотинни кўрар эди навниҳол Эос
Гар Афина бу икки қалб ташвишини қилмаганида:
245. У тўхтатиб турди тунни; олтин тахтли Эосга эса,
Чаққон оёқ Фаэтон ва Ламп қўшилган жанграбода
Теран уммоннинг қаъридан балқиб чиқмоқликни* ман этди.
Шу пайт хушхулқ завжасига шоҳ Одиссей юзланиб деди:
«Оҳ, бизнинг бу риёзатлар тугагани йўқ ҳали, жоним»;
250. Билки, мени машаққатли кўп синовлар кутмоқда яна.
Фоят оғир жасоратлар кўрсатмоғим керакмиш ҳали.
Башоратгўй Тиресийнинг руҳи менга шундай деганди.
Ўшанда бу пайғамбардан, мен уйимга қайтармиканман,
Деб сўрашга тушган эдим зулмат Аид салтанатига.
255. Жоним, ётиб биз тўшакка ширин тушлар кўрадиган ва
Толган жисмимизга ором берадиган пайтимиз келди».
Фаросатли Пенелопа шавҳарига жавоб айлади:
«Тўшак тайёр бўлур, жоним, сен ихтиёр қилган ҳамонो;
Ҳожатбарор тангриларнинг ҳоҳиши-ла ўз ватанингда,
260. Ўз чароғон уйингдасан; мана ҳозир тангри кўнглингга
Солған мардлик тўғрисида гап очдинг сен, жоним, кел, тезроқ
Айтақолгин менга ўша қиладиган янги ишингни.
Буни кейин эшитсам ҳам бўларди; лек ҳозир билганим
Яхши сени қандай хатар кутишини». Одиссей деди:
265. «Қўймадинг-да! Мени ҳайрон қолдирмоқда бесабрлигинг.
Гар ҳоҳласанг, майли, сўзлаб берай, лекин эшитганларинг
Қувонтирмас асло сени; ўзим ҳам кўп қайғурган эдим
Тиресийнинг руҳи айтган башоратни эшитганимда.
У деганди: «Сен елкангда эшкак билан сафарга жўна –
270. То денгизни билмайдиган, овқатини тузсиз ейдиган,
Тўлқинларнинг тўшин тилиб тез сузуви қирмизи тумшуқ

Кемани ҳам, уни кучли қанот янглиғ дөнгизда қүшдай

Учирувчи эшкакни ҳам ҳеч күрмаган одам зотига

Дуч келгунингча тұхтама – сенга аниқ белги айтаман:

275. Агар йўлда учратсанг сен йўловчини ва у сўраса:

«Эй мусофир, сен елкангга кўтарганинг не белкурак?» деб,
Эшкак бандин ерга санч-у, қарит узоқ сафаринг шунда.

Сўнг қудратли Посейдонга атаб қўчқор, буқа ва қобон

Қурбонлик қил ва уйингга қайтиб бориб чексиз самонинг

280. Ҳокимлари Зевсга ҳамда қолган барча худовандларга

Атаб, тартиб билан бир-бир дабдабали ҳекатомба қил;

Шунда тошқин дөнгиздамас, ўз уйингда, ўз раиятинг

Бахтин кўриб, қадринг ортиб нуроний чол бўлиб ўласан».

Шундай деган эди менга Тиресийнинг руҳи Аидда».

285. Эрининг бу гапларига жавоб қилиб деди малика:

«Кексайгунча яшамоқни ҳожатбарор тангрилар бизга

Ато этса, азоблардан қутулурмиз, десак бўлади».

Кўп нарсалар тўғрисида улар ширин суҳбатлашдилар.

Евринома Евриклея билан бу пайт машъаллар олиб,

290. Жўнадилар қалин қилиб жой солгани эру хотинга;

Пар тўшаклар тўшалгандан сўнг толиққан энага кетди

Ётгани ўз хонасига; Евринома машъални олиб,

Аста-аста юрганича эр-хотиннинг йўлин ёритиб

Хобхонага бошлаб кетди; бу гўшага қувноқ дил ила

295. Кирди улар; Евринома чиқиб кетди; эр билан хотин

Бир тўшакка ётди шунда энг қадимий удум бўйича.

Салдан кейин Телемах ва чўчқабоқар билан подачи

Тўхтатиб куй ва рақсларни, оқсоchlарни хона-хонага

Жўнатдилар, сўнг ўзлари ҳам кетдилар ором олгани.

300. Бу аснода оташ севги лаззатидан баҳраманд бўлган

Одиссей ва Пенелопа суҳбат қуриб ётар эдилар.

Пенелопа ўз уйида не зуғум, не ситамларга дош

Берганини: куёвларнинг талончилик қилганларини,

Қанча-қанча эгри шохли буқалару, эчки, қўйлару,

305. Чўчқаларни сўйиб еганларини-ю қўза-қўзалааб

Асл навли шаробларни ичганларин гапириб берди;

Сўнг Одиссей ҳам бирма-бир сўзлаб берди ўз кечмишларин:

Ғанимларин бошига не кулфатларни солганини-ю

Ўзи ҳам не ситамларга дуч келганин битта қолдирмай;

310. Пенелопа эрининг бу қиссасини то тугагунч:

Мижжа қоқмай азза-базза жон қулоги билан тинглади;

Эри унга баён қилди: энг аввал у кикон қавмини

Қандай қилиб талагани; сўнг нилуфар еб кун кўрувчи

Одамларга дуч келгани; бир қўзли дев – циклоп Полифем

315. Чангалида нобуд бўлган ўртоқларин қасдини олиб,

Машъум фордан қандай қочиб чиққани-ю меҳмоннавоз шоҳ

Эол уни қандай яхши меҳмон қилиб, совғалар билан

- Ватанига жүннатгани; vale ёвуз тақдир шўрликнинг
Ўз юргига қайтишига ғов бўлгани; ва тўфон уни
320. Жўшқин дengиз қучогига топширгани; кейин одамхўр
Лестригонлар оролига тўлқин билан оқиб боргани:
Улар унинг кемаларин ва жамики ҳамроҳларини
Қандай қириб ташлагани, унинг ўзи қолган биргина
Қора биқин кемада жон сақлаб қочганлиги ҳақида
325. Сўзлаб берди. Кейин Цирцеяниг қилган жодуларини,
Тиресийнинг руҳидан ўз келажаги қандай бўлишин
Сўраш учун зулмат Аид даргоҳига тушганлигини
Ва у ерда ҳалок бўлган сафдошларин ва ўз онасин
Руҳларини учратганин; санамларнинг хавфли-шаҳвоний
330. Хонишларин қандай ҳолда эшитганин; сузуб юрувчи
Қояларни, Харибда ва Сцилланинг орасидан у
Шикаст кўрмай ўтганини (ваҳоланки, бирон бир кимса
У ердан соғ ўтолмаган); сафдошлари шаккоклик қилиб
Гелиоснинг буқаларин сўйиб еганлари ҳақида
335. Ва бу қилмишлари учун Зевс ўз момақалдириғининг
Чақмоғи-ла кемаларин фарқ этгани ҳамда жамики
Бахти қаро йўлдошларин шўр дengизга чўқтирганлиги,
Фақат ўзи Кераларнинг ҳамласидан жонини сақлаб,
Тўлқинларнинг кўмагида Огигия оролигача
340. Сузуб бориб қолгани ва у оролда санам Калипсо
Теран форда кўп эъзозлаб, яхши боқиб бу меҳмонини,
Ўзига эр қилмоқчи ва ҳатто унга боқий ҳаёту
Мангу ёшлик бахш этмоқчи бўлгани, лек унинг вафодор
Юрагини гўзал санам ҳеч ҳам мафтун этолмагани;
345. Кейин эса, дengиздаги тўфон уни феак аҳлининг
Оролига келтиргани, бунда уни нақ тангрилардек
Иzzат қилиб кутганлари; кейин улар армуғон қилган
Сон-саноқсиз мису олтин буюмларни ҳамда бебаҳо
Либосларни олиб, феак кемасида, охир-оқибат
350. Ота юрга етиб келгани ҳақида ҳикоя қилди.
Бу охирги воқеани сўзлаб туриб мудроқ аралаш,
Fарқ бўлди у фам-аламни уннутувчи тотли уйқуга.
Хайрли бир ният келди Палладанинг кўнглига шунда:
Одиссейнинг ўз завжаси оғушида тотли уйқуга
355. Тўйганини кўриб, шу чоқ олтин таҳти нозик Эосга
Амр этди Океандан балқиб чиқиб бутун башарга
Ёруғ нурин таратмоқни; уйқудан кўз очди Одиссей.
Пар тўшакдан турар экан, деди доно завжасига у:
«Иккимиз ҳам, Пенелопа, кўрдик бисёр мусибатларни:
360. Сен бу ерда кўп фам чекдинг мени қўмсаб; мени сарпадар
Зевс ва ўзга тангрилар кўп йил юртимдан олис ёқларда
Бошпанасиз, сарсон-саргардон юришга маҳкум қилдилар.
Мана охир насиб этди бизга яна матлуб тўшакда
Ҳузур-ҳаловатда ётиш. Сен, маликам, эҳтиёт қилгин

365. Қолган-қутган бисотларни. Мен қайтариб олишим керак
Күёвлар қийратган барча мол-давлатни: бирин жанг билан
Тортиб олсам, бошқасини ахейлар ўз ихтиёри-ла
Қайтарурлар. Қопланажак шунда бутун кўрган заарим.
Ундан олдин мен ғамбода падаримдан хабар олгани
370. Бофимизга ва экинзор даламизга боришим керак.
Сен, хотин, мен йўқлигимда хушёр бўлгин. Тонг отар-отмай
Бунда бўлган қотиллик тез ёйилади бутун шаҳарга.
Оқсоchlаринг билан ўтири сен жимгина тепа хонада,
Ҳеч ким билан учрашма ҳам, ҳеч кимга ҳеч бир
гап айтма ҳам»,
375. Деб у илди елкасига чиройли зирҳ, кейин ўғлига,
Евмейга ва Филойтийга амр этди қуролланишни
Жанговар мис яроқ-аслаҳалар билан; бу амр зумда
Бажарилди; учовлон мис зирқ кийдилар ва Одиссейнинг
Орқасидан эргашдилар. Эос майин ёғдусин сочиб
380. Балқди кўкка. Афинея қора парда билан уларни
Ўраб, гавжум кўчалардан олиб ўтиб, чиқди далага.



ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

Килленалик тангри Гермес қатил бўлган күёвлар руҳин
Бир ерга жам қиласр эди силкиб олтин таёқчасини.
Бу таёқча билан Гермес бедорларни ухлатар эди
Ё фафлатда ётғанларнинг, гар хоҳласа, кўзин очарди.

5. У силкиган эди олтин таёқчасин, барча арвоҳлар
Гермес ортидан учдилар* чийиллашиб; зимистон горнинг
Деворига қапишган қўршапалаклардан бири ерга
Гар қуласа, ҳамжинслари пир-пир учибчуввос солгандек,
Бу руҳлар ҳам ҷувиллашиб уча кетди ҳалоскор Тангри
10. Орқасидан; У руҳларни зулмат ва заҳ йўлаклар оша
Элтар экан, улар тошқин Океанинг қирғоғидан, сўнг
Гелиоснинг дарвозаси ёнидан* ва само аҳлининг
Ухлайдиган манзилидан учиб ўтиб, етдилар охир
Асфодилон ўтлоғига; бу масканда майитлар руҳи
15. Гала-гала бўлиб учиб юрадилар. Улар даставвал
Учратдилар Пелей ўғли Ахиллеснинг руҳини. Унга
Ҳамроҳ эди Патроклнинг, Антилохнинг ва иқтидорда,
Кўркамликда Ахиллесдан сўнг фоятда нодир паҳлавон
Телемонзода Аякснинг арвоҳлари. Бу мезбон руҳлар
20. Янги учиб келганларни аста-аста ўраб олдилар.
Шунда Атрейзод Агамемноннинг руҳи улар олдига
Яқин келди; унга эргашган эдилар Эгист уйида
Агамемнон билан бирга ҳалок бўлганларнинг руҳлари.
Аввал Ахиллес арвоҳи деди Агамемнон руҳига:
25. «Чақмоқдор Зевс ҳамма ахейлардан ортиқ сенга, Атрейзод,
Мехр кўйган, деб ўйлардик: зероки биз кўп изтироблар
Чеккан олис Трояда сен қудратли саркардаларга
Бош қўмондон эдинг; лекин мана, барча фоний бандалар
Қисматида бўлган ўлим ҳатто сени ҳам тортибида-да
30. Ўз домига. Ундан кўра, шон-шавкатинг, улуғ мартабанг
Бўлган чоғда Троянинг заминида мард лашкарларинг
Кўз олдилда ҳалок бўлсанг, муҳориблар қабринг устига
Баланд қилиб тупроқ уйган ва оқибат буюқ шуҳратинг
Ўғлонингга ота мерос бўлиб қолган бўлар эди-ку.
35. Ва лекин сен, тақдир экан, энг аянчли ўлим топибсан».
Жавоб қилди Агамемнон руҳи Ахиллеснинг руҳига:
«Эй тангрилар арзандаси хушбахт Ахилл, Аргос* юртидан
Сен олисда, Троянинг тупроғида маҳв ўлган бўлсанг
Ҳамки, жуда кўп ғанимни ер тишлатдинг ва шонли ахей

40. Лашкарлари жасадингни ҳимоялаб жангга кирдилар;
 Лек сен улкан ва баҳайбат вужудингни чангга ботириб,
 Тепангдаги қонли жангга парво қилмай тинч ётавердинг;
 Сен учун биз то кечгача уруш қилдик; жангнинг охири
 Кўринмасди, гар Зевс чақмоқ отиб бизни ажратмаганда.
45. Биз жанггоҳдан олиб чиқиб жасадингни, кемаларимиз
 Турган ерга олиб бордик; кейин уни тахта супага
 Ётқиздик-да ҳаммаёғин ювиб, мойлаб чиқдик яхшилаб;
 Кўп ахейлар жонсиз жасад тепасида хўнг-хўнг йиғлашди,
 Мархумнинг ҳурматин қилиб кесиши соч толаларини.
50. Кейин мотамсаро онанг* сузиб чиқди дengиз қаъридан
 Санам қизлар билан бирга; ва онангнинг оху фарёди
 Тарагибон дengиз узра, ваҳимага солди барчани;
 Улар қўрқиб, кема-кемаларга қоча бошлаган эди,
 Оқилона маслаҳатлар ҳазинаси қария Нестор
55. Шундай дея нидо қилди қочаётган муҳорибларга:
 «Тўхтанг, ахей ўғлонлари! Сиз нимадан қўрқиб қаёққа
 Қочмоқчисиз? Щўр дengиздан санам қизлар билан чиқсан бу
 Аёл ўлган ўғлонининг мотамсаро волидасидир».
 Деди Нестор; ахейларга далда бўлди унинг бу гапи.
60. Шундан кейин хур санамлар жасадингни ўраб олишиб,
 Заррин-чақмоқ саруполар кийдирдилар ва аза тутиб
 Йиғладилар; тўққиз Муза – хушдил овоз соҳибалари
 Номингни мадҳ этиб, тинмай мотам куйин ижро этдилар.
 Йиғламаган зот қолмади бу қалб шифокорлари айтган
65. Мунгли куйдан. Ҳам тангрилар, ҳам бандалар кечаю кундуз
 Ўн етти кун тепангда кўз ёш тўқдилар; ўн саккизинчи
 Кун келганда сени ўтда ёндирилар тантана билан;
 Шарафингга кўп қўй, эчки ва буқалар қурбон қилинди;
 Сени хушбўй мой, тотли бол ила ювиб, само аҳлиниңг
70. Либосида ёндирилар; сўнг ахейлар шов-шув кўтариб
 Ялтироқ мис совутларда ҳам отлиқ, ҳам пиёда елиб,
 Гир-гир айландилар гулхан атрофидан; Гефест олови
 Жасадингни ғажиб бўлгач, биз саҳарда суякларингни
 Йиғиб, асл шароб билан поклаб ювдик ва мойладик-да
75. Аста солдик онанг олиб келган нодир олтин кўзага;
 Гефест қўли бунёд этган бу кўзани Дионис совға
 Қилган экан волидангга. Ҳозир сенинг ҳокинг сақланур
 У кўзада; дўстим Ахилл, Патроклнинг ҳоки ёнида;
 Антилохнинг ҳокидан сал нарироқда; сен бу йигитни
80. Дўстинг Патроклдан кейин ҳаммадан кўп эъзозлар эдинг.
 Найзабардор лашкаримиз Геллеспонтнинг соҳилидаги
 Сувга туртиб кирган жойда дафн этилган учта кўзанинг
 Устига тоф янглиғ баланд қилиб тупроқ уйдиларки, у
 Ҳозирги баҳрийларга ҳам, биздан сўнгги авлодларга ҳам
85. Узоқ ердан маёқ каби мудом кўзга ташланиб турур.
 Сенинг онанг мусобақа голибига бериладиган

Совринларни тангрилардан сўраб олиб келди майдонга.
Сен, Ахиллес, машхур шоҳлар ва диловар қаҳрамонларни

Сен, Ахиллес, машхур шоҳлар ва диловар қаҳрамонларни Дафн этишга бағищланган ўйинларни ва соврин олиш

90. Ниятида йигитларнинг қандай файрат қилганларини
Кўп кўргансан; лекин сени дафн этиш маросимида
Фолибларни тақдирлаш-чун онанг кумушёёқ Фетида
Олиб келган совринларни кўрсанг эди ҳангу манг бўлиб
Лол қолардинг; сен тангрилар арзандаси эдинг, Ахиллес,
95. Ўлганинглан сўнг ҳам шундай бўлиб қолдинг ва

Сақланажак авлодларнинг юрагида абадул-абад.

Лек нимага эришдим мен ғолиб чикиб буюк урушда?

Ота юртга кайтишими фожиали килди тангри Зевс;

Катл этлидар мени хоин Эгист билан фохиша завжам».

100. Күп нарсалар түгристе улар очиқ сұхбатлашылар.
Бу аснода яқин келди Гермес улар истиқболига –
Одиссей қатл этган күёвлар рухини бошлаб келганди.
Икковлари ҳайрон бўлиб бу руҳларга яқин бордилар;
Келган бу руҳлар ичидаги Агамемнон арвоҳи бирдан
 105. Амфимедон арвоҳини кўриб қолди; бу итакалик
Зот бир пайт Агамемноннинг уйида меҳмон бўлганди;
Агамемнон руҳи ҳазин овоз билан Амфимедонга
Шундай деди: «Сизларга не бўлди ўзи? Нега бунча кўп
Навқирон ва барно ёшлар галалашиб келди Аилга?
 110. Айт, Посейдон қуюн ҳайдаб келиб, тўлқин қутуртириб,
Сизларни фарқ айладими кемаларингиз билан бирга?
Ё далада ўтлаб юрган бирорларнинг буқаларини
Ўғирлашга чоғланганингизда ёки бирон шаҳарни
Форат қилиб, аёлларин асир олмоқ бўлганингизда
 115. Сизларни маҳв айладими ўзингиздан кучлироқ ғаним?
Эсингдами, Одиссейни Илионнинг метин қальласин
Вайрон айлаб жанг қилишга унатгани келган эдик биз
Иним зулфизар Менелай билан бирга? Бизлар денгизда
Бир ой сузгандан сўнггина шаҳарларни форат айловчи
 120. Одиссейни жанг қилишга кўндиргандик ахирни зўрға».
Амфимедон руҳи жавоб қилди Агамемнон руҳига:
«Аъло ҳазрат Атрейзода, эл султони, Зевс дастпарвари,
Ҳозир айтган ҳамма гапинг хотирамда; гар билмоқ бўлсан
Ҳамма бўлган воқеани: тангриларнинг бизга не оғат
 125. Йўллагани, қандай қилиб паша каби қирилганимиз
Тўгриста сўзлаб берай; Пенелопа биронтамизга
Эрга тегишини хоҳламай ва тополмай бунинг иложин,
Ўйлаб-ўйлаб ўлдирмоқчи бўлган бизни. Мана, эшитгин
Унинг қандай хоинона найранг ўйлаб топганини сен:
 130. У ўзининг ётоғига катта дастгоҳ ўрнатиб, нафис
Мато тўқий бошлабди, сўнг бизни йигиб у шундай деди:
«Эй йигитлар, бугун эса – маъшуқларим, модомики шоҳ

- Одиссей йўқ экан энди, биз никоҳга андак шошмайлик, —
Аввало мен тўқиб бўлай бу матони охиригача;
135. Қайнотам тобутига ёпмоқ учун тўқилган уртук
Чол дунёдан кўз юммасдан олдин тайёр бўлмоғи керак,
Токи ахей аёллари бўлмасинлар мендан домонгир,
Шундай азиз инсон гўрга уртуксиз дафн этилди, дея.
Маликанинг бу гапига бизлар рози бўлдик мардона.
140. Хўш, кейин-чи? У кун бўйи тўқиркану ўша уртукни,
Лек кечаси чироқ ёқиб, тўқиганин сўкаркан қайта.
Уч йил давом этди алдов, уч йилгача ишондик унга;
Тўртинчи йил бошланганда бу сирни биз эшишиб қолдик
Бир оқсоҷдан; ўзимиз ҳам чиқиб қолдик найранг устидан
145. Мато сўкаётганида; шундай қилиб у мажбур бўлди
Уртугини битиришга, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам.
Ахири у битиришга мажбур бўлиб кўзлаган ишин,
Кўрсатганда бизга ойдек ё қўёшдек ёрқин уртукни,
Ёвуз даймон Итакага Одиссейни олиб келибди;
150. Энг аввало борибди у чўчқабоқар Евмейниги;
Қумлоқ Пилосга кемада сузиб бориб келган тангриваш
Телемах ҳам ўша ерда юз кўришган отаси билан.
Сўнг икковлон келишволиб бизларни не фалокатларга
Дучор қилиш режасини, олдин ўғил қайтган шаҳарга,
155. Сўнг кийими йиртиқ-ямоқ ва увала, ҳасса таяниб
Оёгини зўрга судраб босаётган гарип бир чолга.
Ўхшовчи қув Одиссейни Евмей бошлаб келди етаклаб.
Қаршимизда турган бу чол ўз уйига қайтган Одиссей
160. Ҳар балолар билан уриб, масхаралаб, ҳақорат қилдик;
Ўз уйида бўлса ҳамки, у тишини тишига қўйиб
Чидали кўп вақтгача бизнинг таҳқир ва пичингларга.
Сўнг билсак, у қаҳҳор Зевсдан мадад олиб, базмгоҳдаги
Барча силоҳ-совутларни тепадаги хилват қазноққа
165. Олиб бориб яширибди ўғли билан ўзи икковлон;
Шундан кейин у сермакр режа тузиб, Пенелопага
Одиссейнинг эгилиши қийин бўлган камони билан
Ажалкаш ўқларин олиб келиб қўйиб, биз шўрликларни
Нишонга ўқ отиш мусобақасига даъват этмоқни
170. Буюрибди ва шу тарзда ҳаммамизни қирмоқ бўлибди.
Бизлар бўлсак (ҳаттоқи энг зўримиз ҳам) камонни асло
Эголмадик, чилласини тортолмадик — етмади қудрат.
Вале Евмей ул камонни Одиссейга олиб бормоқчи
Бўлганида, бизлар унга: «Тўхта, Евмей, берма камонни
175. Гадо чолга!» деб ҳайқирдик. Лек Телемах парво ҳам қилмай,
Амр этди камонни қув Одиссейга элтиб беришни.
Машаққатларга бардошли шоҳ Одиссей буюк камонни
Олиб, зумда чилласини тортиб илди камон қошига
Ва у отган ўқ бешикаст ўтди барча ҳалқа ичидан;

180. Сүнг у чиқиб остоңага, садоқдаги ҳамма ўқларни
Ерга түкди ва атрофга вәхшиёна нигоҳ ташлади.
Эңг аввало у маҳв этди Антинойни; кейин гүёки
Қутурғандай, кетма-кет ўқ узаверди; хато кетмади
Бир ўқи ҳам; күевлар кетма-кет маҳв бўла бошлади;
185. Шу аниқки, қай бир тангри Одиссейга ёрдам қиласди.
Бизлар унинг ҳамласидан ҳар тарафга қоча бошладик.
Шум қотиллик бошланганди, доду фарёд авжга минганди;
Бошларимиз мажақланган, бутун саҳн қонга беланган.
Биз аянчли ўлим топдик, Агамемнон. Жасадларимиз
190. Ҳануз ўша ерда ётур дағн этилмай; ўлганимиздан
Бехабардир ҳали хешу ақраболар ва ёру дўстлар;
Ҳали ҳеч ким бизга аза тутмаган ҳам, бизларни ювиб
Тарамаган ҳам, оловда жасадимиз ёндирамаган ҳам».
Амфимедоннинг руҳига жавоб қилди Атрейзод руҳи:
195. «О тангриваш қув Одиссей, азиз дўстим, сен баҳтли эрсан!
Танлагансан сен ўзингга дили бегард, вафодор ёрни;
Зеро, кекса Икарийнинг доно қизи бил Пенелопа
Узоқ йиллар сенсиз яшаб пок сақлаган номус-орини
Ва ҳамиша содиқ қолган қалбан севиб теккан эрига;
200. Тангрилардан илҳом олган хонандалар Пенелопанинг
Бу вафосин ҳали алқаб ёяжаклар бутун заминга*
Лек ўз эрин қатл эттирган Тиндарейнинг маккора қизи*
Ҳақида эңг мудҳиш қўйлар хониш қилгай келажак авлод;
Бу бадкирдор малъун хотин ҳам ўзининг, ҳам диёнатли
205. Аёлларнинг пок номини қора доғлар ила булғади.
Улар зимистон Аидда шундай маъюс суҳбатлашдилар.
Бу аснода Одиссей ва ҳамроҳлари шаҳардан чиқиб,
Кекса Лаэрт жон қуидириб қараётган боғга етдилар;
Боғ ёнида уй бор эди; уй атрофи бостирма бўлиб,
210. Бунда қуллар кундуз куни овқатланар, кечаси шунда
Ухлардилар; бор эди бир кампир бунда секел қавмидан;
У чол хизматида бўлиб, уни боқар, парваришларди.
Шоҳ Одиссей ўғлига ва ўзгаларга юzlаниб деди:
«Ҳаммангиз уйга киринглар ва эңг семиз чўчқани сўйиб
215. Тушлик таом ҳозирланглар; мен бораман отам олдига:
Кўрайчи, чол хира тортган кўзин тикиб ўз ўғлонини
Танирмикин ё танимасмикин узоқ жудоликдан сўнг».
Шундай деб у қуролини қаролларга топшириди; улар
Телемахга қўшилишиб кирдилар чол Лаэрт уйига;
220. Одиссей боғ томон кетди кўришгани отаси билан.
Лек боғда у Долионни учратмади, унда қуллар ҳам,
Долионнинг ўғиллари ҳам йўқ эди. Уларнинг бари
Боғ атрофин ўраш учун тиканакли бута ўргани
Кетгандилар мўйсафид чол Долионнинг бошчилигига.
225. Одиссей бу боғда кекса отасининг ёлғиз ўзини
Учратди; у дараҳт тагин чопар эди боши ҳам бўлиб;

- Хаммаёғи исқирт эди; эгнидаги кийими жулдур;
 Тикан, кирмаслиги учун, болдирини хом тери билан
 Ўраганди, лат емасин, деб қўлига эскирган қўлқоп
230. Ва бошига тақир эчки терисидан тақя кийганди.
 Одиссей ўз отасини кўрди шундай аянчли ҳолда.
 У ўзини нок дарахти панасиға олганча, сукут
 Сақлаб аччиқ кўзёш тўкли анчагача. У не қиларин
 Билмас эди: шарт ўзини танитиб, у чолни бағрига
235. Босиб, унинг қўлларидан ўпиб, ота юртига қайтиб
 Келганини очиқ-ойдин айтсинми, ё саволлар бериб
 Отасининг аҳволини аста-аста билиб олсинми?
 Ниҳоят, у ўйлаб-ўйлаб, отасининг аҳволин сохта
 Гаплар билан ўсмоқчилаб сўраб билиб олмоқчи бўлди.
240. Шу ниятда яқин борди Одиссей ўз бузрукворига;
 Чолнинг боши эгик эди – дарахт тагин юмшатарди у.
 Нодир ўғил – шоҳ Одиссей яқин бориб деди отага:
 «Сен миришкор тажрибали боғбонмисан дейман, қария;
 Богинг жуда сариштадир; дарахтларнинг ҳаммаси: зайдун,
245. Анжир нок-у турфа узум токлари ҳам, гулхонангдаги
 Хушбўй гуллар, полиздаги кўкатлар ҳам батартиб фоят.
 Лекин, ота, хафа бўлма, дилимдаги сўзни айтаман:
 Нечун тузук қарамайсан сен ўзингга – қариганингда
 Андуҳдасан, ювуқсизсан, бир ҳолатда кийган кийиминг;
250. Хўжайнинг сени унча хуш кўрмаса ҳам, бунга сенинг
 Ялқовлигинг сабаб эмас. Қиёфандан сен асло қулга
 Ўхшамайсан; мен қандайдир шоҳларга ҳос аломатларни
 Кўрмоқдаман вужудингда; одатда, сен каби кексалар
 Пок ювениб, пок кийиниб, тўйиб овқат еб, пар тўшакда
255. Оёқларин узатишиб ҳузур қилиб ётиши лозим.
 Лекин, ота, қани, очиқ сўзла менга яширмай сирни:
 Соҳибинг ким? Сен боғбонлик қилмоқдасан кимнинг боғида?
 Яна очиқ айт-чи, ота, мен ростдан ҳам келиб қолдимми
 Итакага? – Шундай деди учратганим шу ерлик бир кас.
260. У жуда қўрс одам экан; мен унга бир маҳал уйимда
 Меҳмон бўлган бир азиз шахс тўғрисида гап очмоқчийдим,
 Индамали; у тирикми, шу ердами, ё зулмат Аид
 Қаъридами? Сен билишинг керак буни, эшиг гапимни:
 Бир пайтлар мен уйимда бир одамни меҳмон қилгандим;
265. Илгари ҳам узоқ-яқин ўлкалардан келган мусоғир
 Ва акобир кишилар кўп бўлганлару хонадонимда,
 Лек ҳеч қачон мен ундейин закий зотни учратмаганман;
 У ўзини итакалик деб, донғи кўп элларга кетган
 Аркесийзод Лаэрт ўғли эканини айтганди менга.
270. Одиссейни меҳмон қилдим мен дўстона муруват ила –
 Ширин-шакар ва лаззатли таомлар кўп эди уйимда;
 Мен бу азиз меҳмонимни кузатганда, асл нав етти

- Талант олтин, ажиб гулдор кумуш қадаҳ, ўн икки сидра
 Ёпинчиқ ва шунча хитон билан шунча мантияни ҳам
275. Тұхфа қылдым, яна түртта ёш ва гўзал чевар қизларни:
 Бу қўли гул оқсоchlарни Одиссейнинг ўзи танлади».
 Чолнинг кўзи намланганди; жавоб қилди у Одиссейга:
 «Сен, мусофир, дарҳақиқат, шу айтганинг юрга келгансан;
 Лек бу юртни кўпдан бери забт этганлар ёвуз одамлар;
280. Эссиз, шунча совға ҳадя қилибсан ул меҳмонингга сен;
 Лек агар у азиз зотни Итакада топганингдайди,
 У ҳам сени иззат ила кутиб олиб, кўмиб ташларди
 Талай-талай нодир, нафис ва бебаҳо совға-саломга;
 Меҳмон аҳлин совға билан қутлаш бизда азалий одат.
285. Ва лекин сен жавоб бергин менга ҳеч бир сирни яширмай:
 Ўша шўрлик эрни меҳмон қилганингдан бери уйингда,
 Орадан қанча вақт ўтди? Ўғлим эди ўша мусофир –
 Бахти қаро Одиссей! Ким билсин, энди у ватанидан
 Олис ёқда, теран денгиз қаъридаги балиқларга ё
290. Чўл қушлари ва ёввойи ҳайвонларга ем бўлган балки.
 Онаси ҳам, отаси ҳам уни дағн этолмадилар;
 Бебаҳо сеп бериб уйланган хотини Пенелопа ҳам
 Зор-зор йиғлаб аза тутиб эри кўзин, одат бўйича,
 Юмолмади; зурриётим ўлиги ҳам топмади қадр.
295. Сен, мусофир, очиқ айт бор ҳақиқатни, мен билиб олай:
 Кимсан? Қайси қавмдансан? Юрting қайда? Отанг, онанг ким?
 Итакага сени олиб келган кема қайда турибди?
 Ҳамроҳларинг қайда қолди? Ё бу ерга ёт бир кемада
 Келувдингми ва у кема сени ташлаб кетиб қолдими?»
300. Деди Лаэрт. Жавоб қилди унга соҳибнайранг Одиссей:
 «Майли, агар билгинг келса, айтай ҳамма гапни бир бошлан:
 Алибантда туғилганман; ўша ерда кўркам қасрда
 Яшайман мен; у мамлакат ҳукмдори Полипимонзод
 Афейд менинг отам, исмим Еперитдир*. Мен Секанъядан
305. Сузиб келаётганимда ёвуз даймон менинг кемамни,
 Хоҳишимга зид ўлароқ, бу томонга оқизиб келди;
 Мен кемамни Нейон тоги этагида қолдирдим, ота.
 Билсанг керак, меникида меҳмон бўлган ўғлинг юртига
 Сузиб кетганига роса беш йил бўлди. У йўлга чиқсан
310. Куни кўкка ўнг томондан учган қушлар билдиргандилар
 Сафар яхши ўтишини; мен ўғлингга оқ йўл тиловдим;
 У ҳам яхши кайфиятда сузиб кетди; биз чин юракдан,
 Тез-тез дийдор кўришишга ваъдалашдик ва хайрлашдик». Шундай деди шоҳ Одиссей; уқубатнинг қора булути
315. Сиё қилди чол дилини; аччик инграб чуқур хўрсинди
 Ва бир ҳовуч тупроқ олиб, сочди мўйи сафид бошидан.
 Ўғил дили пора-пора бўлди, қайтиб кетди нафаси –
 Ота қайғусин кўришга унинг ортиқ мадори қолмай,
 Ўз бағрига босди уни ва пешма-пеш ўпаркан, деди:

320. «Отажон, мен Одиссейман! Сен соғиниб кутган ўғлингман!
 Мана, йигирма йилдан сүнг, тангриларнинг ҳоҳиши ила,
 Қайтиб келдим ватанимга; қўй, йиғлама, фарёд на ҳожат!
 Эшит, ота: вақт зиқ жуда; мен уйимда ёв қуёвларни
 Битта қўймай маҳв этдим, қилган ёвузиликлари учун».
325. Шундай деди. Лаэрт ҳайрон қолиб жавоб қилди ўғлига:
 «Гар сен чиндан ҳам уйига қайтиб келган Одиссей бўлсанг,
 Менга бирон аниқ белги кўрсатгинки, қолмасин шубҳам».
 Қув Одиссей шу гап ила жавоб қилди кекса Лаэртга:
 «Аввал кўргин тиззамдаги чандиқни сен; эсингда бўлса,
330. Парнасада бир ваҳший тўнғиз ботирганди сўйлоқ тишини
 Шу тиззамга; (ўзинг ҳамда онажоним жўнатгандинглар
 Мени бобом Автоликнинг юртига, у бизларникида
 Мехмон бўлиб, кейин менга, гар Парнаста боргудек бўлсан,
 Кўп совфалар беражагин ваъда қилиб жўнаб кетганди).
335. Гар ҳоҳласанг, бир пайтлар гўдак бўлган чоғимда боғда
 Мен орқангдан чопиб юрар эдим доим; шунда бир куни
 Менга совға қилган эдинг анча-мунча дараҳтларингни;
 Улар номин ўзинг бир-бир айтган эдинг; санаб берайми?
 Мева туғган ўн уч туп нок, ўн туп олма ва қирқ туп анжир
340. Берган эдинг; яна эллик туп ток ваъда қилгандинг, ота;
 Йил бўйи ҳосил берувчи бу токларда унган узумнинг
 Йирик-йирик ғужумлари тангри Зевснинг марҳамати-ла
 Ҳусни ортиб етилганда, каҳрабодек олтин рангда ё
 Қирмиз рангда чарақларди Гелиоснинг порлоқ нуридан».
345. Чол вужуди титраб кетди ва юраги орзиқиб тушди;
 Ўғли аниқ санаб чиққан эди барча дараҳтлар номин.
 У дилбандин қучоғига босди йиғлаб; сўнгра ҳушидан
 Кетди; тангриваш Одиссей тамомила дилафгор бўлган
 Отасини қучиб олди. Салдан сўнг чол ҳушига келиб
350. Кўзин очди ва ўғлига шундай деди ҳазин сас ила:
 «Ҳамду сано бўлсин бузург отам Зевсга! Гар балкирдорлар
 Чиндан ҳам маҳв бўлган экан, Олимпда бор экан-да ҳали
 Қасос олгувчи тангрилар! Лек, Одиссей, шаҳарда исён
 Бошланажак ҳадемай ва бу ерга халқ бостириб келур
355. Ва чопарлар мулҳиш хабар тарқатурлар Кефалления
 Таркибида бўлган барча оролларга – шундан қўрқаман»,
 Деди Лаэрт. Қув Одиссей отасига жавоб қайтарди:
 «Ҳеч ҳам қўрқма; сен, отажон, бундан асло хавотир олма,
 Яхиси, юр, борайлик биз ҳозир сенинг уй-маконингга;
360. Мен бу ёққа кела туриб, юборгандим сенинг уйингга
 Телемахни, Филойтийни ва уларга қўшиб Евмейни –
 Бизлар учун пиширгани тўйимли ва лаззатли таом».
 Шундан сўнг йўл олди ота билан ўғил чолнинг уйига;
 Телемах у ерда кекса Евмей ҳамда Филойтий билан
365. Пишган гўштни тўғрадилар, қадаҳларга май қуярдилар.
 Бу чоф чўри хотин чолни чўмилтириб, мўрт баданига

Хушбўй зайдун мойи сурди ва кийдирди янги мантия;
Сўнг Афина кўринмасдан яқин келиб чолнинг қаддини
Адил қилди, вужудини тўлиштириди ва ёшартириди

370. Чехрасини. Чол ҳаммомдан чақнаб чиқди мисли чақмоқдай.
Отасини илоҳдай пок, кўркам кўриб қувонди ўғил
Ва тикилиб туриб унга деди шундай барқанот сўзлар:
«О отажон! Олимплик бир тангри сенга латофатли хусн
Бахш этибида ва мункайган қоматингни адил қилибди».
375. Ўз ўғлига майнин сасда жавоб қилди шавкатли Лаэрт:
«О чақмоқдор тангри Дий! О Феб Аполлон! О Афина! Мен
Кефалтенъя лашкарига сардор бўлиб Нерикон шаҳрин
Забт этганим чоғдагидек ёнбошингда зирҳ совут кийиб
Турсам эди кўмак бериш учун сенга, ёв куёвларнинг
380. Галасини шафқат билмай қийратардим. Ва сен албатта
Мамнун бўлиб ўз отангдан, кўнглинг тоғдай кўтариладарди.
Улар бир-бирлари билан шундай ширин суҳбатлашдилар.
Ва ниҳоят, ҳаммалари тўкин дастурхон атрофига
Тартиб билан ўтиришиб шоду ҳуррам қўл узатдилар
385. Эндиғина сузуб келинган лаззатли мўл-кўл таомга.
Салдан кейин Долион ва ўғиллари қайтди даладан.
Чиқди чўри улар барин дастурхонга таклиф қилгани.
(Чолнинг ҳамма ўғилларин секанъялик бу чўри кампир
Боққанди ва кекса чолни ҳам доимо парваришларди).
390. Улар кириб ошхонага, кутилмаган янги меҳмонни
Кўрдилар-у ҳанг-манг бўлиб остоноада тўхтаб қолдилар.
Одиссей хушатвор сўзлар билан шундай деди уларга:
«Нега қотиб қолдинг, ота? Қани, ўтири, овқатланамиз
Биргаликда; нега ҳайрон бўляпсизлар? Биз кутиб қолдик
395. Ҳаммангизнинг даладаги ишдан қайтиб келишингизни».
Шундай деди. Чол Долион елиб келиб, севинганидан,
Хожасининг қўлларидан қайта-қайта ўпа бошлади;
Кейин шундай барқанот ҳуш сўзлар айтди унга юзланиб:
«Вой, ахийри келибсанку, эркам менинг, қувончим менинг!
400. Оҳ, тангрилар насиб этди бизга сени тирик кўришни –
Биз бу баҳтдан умидимиз узган эдик. Соғ бўл ва қувон!
Тангрилар ёр бўлсин сенга! Қани, айт-чи, бизга бор гапни:
Ота юртга қайтганингни сен оқила Пенелопага
Билдиридингми? Ёки унга энди хабар қилмоқчимисан?»
405. Деди. Шундай жавоб қилди қув Одиссей чол Долионга:
«Ҳамма гапдан хабари бор унинг; мунча ташвиш қилмасанг».
Шу жавобдан сўнг ўтириди чол Долион силлиқ курсига.
Ўғиллари таъзим қилиб хожасига, ҳамма сингари
Ўтиридилар оталари қаторига овқатлангани.
410. Ҳамма бирдай тенг тановул қилар эди Лаэрт ўйида.
Бу чоғ бутун шаҳар аҳли куёвларнинг мудҳиш қисмати,
Ваҳшиёна ўлимлари ҳақида шум хабар эшитди;

- Бу хабарни эшитганлар ваҳимага тушиб, бақириб
Ва дод солиб тўпландилар Одиссейнинг уйи олдига;
415. Ўликларни олиб чиқиб, баъзиларин дағн этдилар,
Бошқаларин жўнатдилар оиласи турган шаҳарга –
Балиқчилар олиб кетди кемаларда бу мурдаларни;
Сўнг одамлар йўл олдилар кенг майдонга ғамбода ҳолда;
Ҳамма йигилтандан кейин олижаноб Евпейт даставвал
420. Мурожаат қилди ҳалқа; у изтироб чекарди қаттиқ
Одиссей отган биринчи ўқдан маҳв бўлган суюкли
Ўғлонидан жудо бўлганига асло-асло чидолмай;
Шундай деди жамоага бу қария ғам-ҳасрат ила:
«Азиз дўстлар, Одиссей биз ахейларнинг бошимизга энг
425. Фожиали қунлар солди. Бир пайт у бағоят нодир
Фарзандларимизни ўзи билан олиб кетиб, барини
Кемалари билан бирга шўр денгизга гарқ этган эди;
Энди бўлса, қайтиб келиб, маҳв этибди Кефалленъянинг
Энг азамат йигитларин; мен илтижо қиласман сиздан,
430. Ҳали қотил Пилосга ё Эпейларнинг муқаддас юрти
Элидага қочиб кетишга улгурмай, уни хибс этиб
Ўлдиришда менга ёрдам беринг, азиз биродарларим.
Акс ҳолда биз уятга қолажакмиз; гар сиз билан биз
Жигаргўшаларимизни қатл этган қотилдан ҳозир
435. Ўч олмасак, биз шарманда бўлажакмиз ва биздан кейин
Туғилажак авлодларимиз ҳам бўлур бадном ва бадбаҳт.
Мен бир кун ҳам яшай олмам агар ундан қасос олмасам;
Ва шу ўлганлар ортидан киргум қаро ерга ўзим ҳам.
Йўқ, ҳалойиқ, жазоламай туролмаймиз бу қотилларни!»
440. Шундай деди ғамзада чол; ҳамма теран қайғуга ботди.
Шу пайт бу ҳалқ мажлисига Одиссейнинг уйида тунаб
Қолган ҳофиз Фемий билан жарчи Медонт келиб қўшилди;
Мажлис аҳли ҳайрон қолди тирик кўриб бу икковини.
Шундай деди ҳалойиққа доно фикр соҳиби Медонт:
445. «Итакалик фуқаролар! Қулоқ солинг менинг гапимга
Адолатпеша Одиссей Зевс амрига зид қилмади ушбу ишини;
Ўзим кўрдим, тангрилардан бири Ментор қиёфасида
Дабдурустдан пайдо бўлиб, гоҳ Одиссей рўпарасида
Туриб унга далда берар, гоҳ куёвлар оломонини
450. Тирқиратиб қуввар эди ҳар томонга; куёвлар эса,
Ваҳимага тушиб тап-тап қулардилар жон қазо қилиб».
Бу гапдан ҳалқ қўрқиб кетди, қони қочди, ранги оқарди.
Шунда туриб кўпни кўрган чол Алиферс маъруза қилди.
У боҳабар эди кўҳна ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам;
455. Ва хушният ила шундай мурожаат қилди ҳаммага:
«Итакалик фуқаролар, қулоқ солинг менинг гапимга;
Мазкур машъум фалокатнинг сабабчиси фақат сизларсиз!
Мен ҳам, донишманд Ментор ҳам ўз вақтида дегандик сизга,
Бебош ўғилларингизни тийинглар, деб; лек бизга қулоқ

460. Солмадингиз – ва йигитлар құл урдилар күп гуноҳ ишга:
Одиссейнинг уйин ғорат айладилар ва унинг ҳеч вақт
Уйга қайтиб келмаслигин орзу қилиб, вафодор ёри
Маликага таҳқиromуз ёвузыллар қилдилар тинмай.
Энди сизга маслағатим – бу гапимга итоат этинг
465. Ва, баттарроқ фалокатга учрамайлик, десангиз агар,
Тинч ўтириңг уйингизда». Шундай деди. Йифилганларнинг
Кўпчилиги ғазабланиб ўрнидан дик туриб кетдилар.
Қолган одамлар қилт этмай жойларида ўтираверди.
Дарғазаблар парво қилмай Алиферснинг доно гапига,
470. Жангга ҳозирлик кўргани эргашдилар кекса Евпейтга.
Ҳаммалари ярақлаган зирҳ совутлар кийиб шаҳардан
Чиқдилар-да йифилдилар тайнинланган манзилга бориб.
Мотамсаро лашкарбоши Евпейт ўлган ўғлони учун
Қасос олиш ниятида эди; лекин пешонасига
475. Ёзилмаган эди унинг ўз уйига омон қайтмоғи;
Огоҳ бўлиб пойлаб турар эди уни йўлда қисмати.
Бу чоғ Зевснинг чақмоқ қўзли қизи* деди ўз падарига:
«Эй Кронзод, олий тангри, жавоб бергил сен саволимга:
Қандай ишга жазм қилдинг? Бошлаб яна энг фожиали
480. Фуқаролар урушини, аланталатмоқчи бўлдингми
Қонли жангни? Ё тинчтиб, яраштириб бу рақибларни,
Ҳаммаларин уй-уйига қайтармоқчимисан?» – деди у.
Булут қувар Кронзода жавоб қилди доно қизига:
«Асал қизим, менга берган бу саволинг қизиқ бўлдику;
485. Ахир ўзинг айтмабмидинг, Лаэртзода уйига қайтгач
Куёвларни битта қўймай қийратур, деб? Бу ёғини ҳам
Ҳал қилавер ўзинг билиб. Мен очайин ниятим сенга:
Куёвлардан қасос олди тангримонанд Одиссей – бунга
Ҳақли эди; у – шоҳ бўлур яна; буюқ қасам ичилиб,
490. Юртда тинчлик ўрнатилур; қатил бўлган ҳалқ ўғлонлари
Номларини биз фаромуш қилгаймиз эл хотирасидан;
Мехрибонлик қовуштирур бутун элни ва бошланажак
Мамлакатда фаровонлик, маъмурчилик ва тинчлик даври».
Деб тангри Зевс Афинанинг кетишига ижозат берди
495. Ва у парвоз этиб тушди Итакага юксак Олимпдан.
Ҳамма энди овқатланиб бўлган эди Лаэрт уйида.
Янгроқ овоз билан доно бир гап айтди Одиссей шунда:
«Биронтангиз чиқиб қаранг, келмаяптимикин бирон кас».
Деди у. Ва Долионнинг кенжә ўғли чиқди эшикка;
500. Чиққан заҳот кўриб қолиб келаётган одамларни, у
Ваҳимали овоз билан хожасига ҳайқириб деди:
«Эй хўжайин! Келишяпти! Қуролланинг! Улар кўпчилик!»
Ҳамма одам шоша-пиша кийди зарҳли мис совутларни;
Одиссейнинг ўзи тўртов*, ундан кейин чол Долионнинг
505. Олти ўғли сафга турди. Заруратдан икки мўйсафид
Лаэрт билан Долион ҳам қуролланиб жангга шайланди.

Хаммалари ялтироқ мис совут кийиб чиқдилар уйдан
Соҳиб, ила биргалашиб. Бу аснода эгидабардор
Зевснинг чақмоқ кўзли қизи, – ҳам ўзи, ҳам сўзи

Менторга

510. Ўхшагувчи Афинея яқин келди шоҳ Одиссейга;
Маъбудани кўриб, дили яйраб кетди Лаэртзоданинг
Ва ўғлига юзланиб у деди шундай барқанот сўзлар:
«О Телемах, шижаатли мардлар шуҳрат қозонмоқ учун
Жанг қилганлар. Энди сен ҳам, ўғлим,
- шундай мардлик кўрсатиб,
515. Ворис бўлгил ул диловар аждодларимизга муносиб».
Одиссейнинг оқил ўғли жавоб қилди бузрукворига:
«Кўрасан сен ҳозир, ота, мен бу жангда мардлик кўрсатиб,
Ворис бўлгум шижаатли аждодларимизга муносиб».
Набирасин бу гапидан фахрланиб деди Лаэрт чол:
520. «Ё шафқатли аҳли само, менга қандай саодатли кун
Бахш этдингиз! Эшигдим мен мард ўғлим билан
Набирамнинг диловарлик ҳақидаги баҳсларини!»
Шунда Зевснинг далир қизи яқин бориб деди Лаэртга:
«Аё менинг энг ардоқли дўстим Лаэрт Аркесийзода,
525. Зевсдан ҳамда Афинадан мадад сўраб сен киргил жангга
Ва найзангни фанимларга қаратса от таваккалига».
Маъбуданинг бу каломи ато этди чолга жасорат.
У сарпадар Зевсга ҳамда Палладага ибодат қилиб,
Олдга чиқди ва найзасин отди ёвга нишон танламай.
530. Ажалкаш тиф Евпейтнинг мис яноқпўшли дубулғасига*
Санчилди-да мажақлади қариянинг бошчанофини.
Евпейт срга қулар экан совутлари жаранглаб кетди.
Мана энди Одиссей ва унинг ўғли олдинги сафда
Келаётган фанимларни найзалар-у шамширлар билан
535. Маҳв эта бошладилар; ёвлар бари қирилиб кетган
Ва ҳеч бири ўз уйига соғ қайтмаган бўлар эди, гар
Эгидакаш олий тангри Зевснинг қизи бузург Афина
Бу қирғиннинг олдин олиб, наъра тортиб
- ҳайқирмаганда:
«Итакалик фуқаролар, тўхтант! Энди бас қилинг жангни!
540. Тарқ этинг шум адоваратни, қон тўкишини тўхтатинг дарҳол!».
Маъбуданинг ваҳимали даъватидан барча фанимлар
Кўрқиб кетиб дағ-дағ титраб, қўлларидан яроқларини
Туширдилар ва ерга тап-тап ётдилар; сўнг сал вақт ўтмай,
Шаҳар томон жон ҳовучлаб, азза-базза чопа кетдилар.
545. Шунда, ҳеч бир қонли жангдан тап тортмовчи
- Одиссей наъра
- Тортиб, худди бургут каби қочоқларни қува бошлади.
Лек шу маҳал Зевснинг момақалдириофин чақмоғи* кўкни
Торс иккига айирди-да чақнаб тушиб ерга урилди
Маъбудага яқин жойда. Одиссейга деди Афина:

550. «Эй ҳийлагар олижаноб Лаэртзода, сен ўзингни тий
Қон тўкишдан; тийинмасанг момақалдироқлари билан
Бутун осмону фалакни ларзалантиргувчи сарпадар
Кронзода тангри Зевснинг ғазабига дучор бўлгайсан».
Маъбуданинг айтган гапин ижро этди дарҳол Одиссей.
555. Шундан кейин, доно Ментор сиймосида бўлган маъбуда –
Зевснинг қизи Афина энг улуғ қасам ичиб, шоҳ билан
Халойиқни қовуштириди ва сулҳ тузди икки ўртада.



ХОТИМА

(Одиссейнинг ўлими)

Қадимги юонон ривоятларида ҳикоя қилинишича, Одиссей ўзининг жонажон ватани Итакада хотини Пенелопа ва ўғли Телемах билан саодатли, осуда ҳаёт кечира бошлайди. Жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган бу оилани энди тангрилар ўз илоҳий марҳаматларига мушарраф этадилар ва узоқ йиллар давомида беадад машаққатларга дош бериб дарбадарликда, муҳтоҗликда кун кечирган Одиссей ниҳоят ҳузур-ҳаловатда яшай бошлайди. Лекин фақат зилзилакор тангри Посейдон ҳали ҳам уни таъқиб қилишдан тўхтамайди. Чунки Одиссей Посейдоннинг ўғли циклоп Полифемнинг ягона кўзини кўр қилган эди-да. Э воҳ, нима қилса бу дарғазаб тангрининг дилини юмшата оларкин?

Ана шунда Одиссей ер ости салтанати Аидга тушганида соҳибкаромат Тиресийнинг руҳи айтган башоратни эслади; ўша башоратга кўра, Одиссей битта эшкакни елкасига қўтариб, узоқ сафарга чиқиши ва то денгиз нима, кема нималигини билмайдиган, овқатларини тусиз ейдиган одамларни учратмагунча йўл юриб кетиб боравериши, учратгач эса, ўша ерда Посейдонга бағишлаб ибодатхона ҳамда қурбонгоҳ меҳроб қуриши керак эди.

Мана, Одиссей бир ўзи сафарга чиқди ва Эпир соҳилигача қайиқда сузуб бориб, у ёғига пиёда юриб кетаверди. У кўп юрди, кўп юрса ҳам мўл юрди. Ниҳоят, бир ерга етиб борганида одамлар ундан, елкангдаги қанақа *белкурак*, леб сўрашди; шундагина у юришдан тўхтаб, эшкак дастасини ерга санчди ва Посейдонни улуғлаб деди: «Зилзилакор Посейдон, бу ернинг одамлари денгиз нималигини билмас эканлар, эшкакни белкурак дейишиди, ҳамду сано бўлсин сенга, эй қудратли тангри!»

Мана энди тангри Посейдонга бағишлаб бу ерда қилинган қурбонликлар Одиссей қурган меҳробда куйдирилганида, унинг тутуни осмонга ўрлаб, даҳшатли зилзилакорнинг димофига албатта етиб боражак. Одиссейнинг кўнгли таскин топди, Посейдон унинг гуноҳидан ўтган эди.

Лекин Одиссей бир пайтлар ўз тақдирини билиш учун Додонага борганида, у ердаги муқаллас эман дарахтидан эшитгани башоратли калима ҳануз унинг дилини фулбулага солар эди: эман унга, сен ўз ўғлингнинг қўлидан ўлим топасан, деб айтган эди.

Лекин ахир Одиссей зулмат Аидга тушганида, Тиресийнинг руҳи унга: «Тинч ва осуда ҳаёт кечирасан, қариган чоғингда,

ўлимингни сенга денгиз келтиргай», деб тамомила бошқача башорат қилган эди-ку. Наҳотки уни ўз ўғли қатл этса?

Бу машъум башоратдан ваҳимага тушган Одиссей, ўз ўғлининг падаркуш бўлишини хоҳламай, бир неча йил Итакага бормай, ўзга ўлкаларда яшаб юрди. Лекин ватан соғинчи, қалбининг вафодор хотини Пенелопага ва суюкли ўғли Телемахга талпиниши уни доим Итака заминига жалб қиласаверди. «Йўқ, бегона юртда дориломон яшагандан кўра, ўз қадрдон ватанингда ҳалок бўлганинг афзалдир», деган қарорга келди у ниҳоят.

Мана, Одиссей азиз юрти Итакага яна худди бир вақтларда бўлганидек, жулдуровоқи мусофири чол қиёфасида кириб келади. Бу сафар ҳам уни фақат кекса энага Евриклем танийди ва унга бошпана беради.

Шу куни кечаси кучли бўрон кўтарилиб, денгиз қутура бошлагани сабабли, бир гала денгиз қароқчилари кемаларини Итака қирғогига ҳайдаб келиб, оролга чиқиб оладилар. Орол ҳалқи бу босқинчи ёвларга қарши жанг бошлайди. Тонг отади, шунда ерли ҳалқ ҳалок бўлган ва жароҳатланганларни бир-бир санай бошлайди; ярадорлар орасида йиртиқ-ямоқ кийимдаги бир чол ҳам ётар эди.

«Вой, Одиссей-ку! Бу бизнинг соҳибимиз шоҳ Одиссей-ку!» — деб чинқириб юборади кампир Евриклем; Пенелопа фарёд чекиб йиглайди; Телемах бузруквори қаршисида тиз чўкиб, уни бағрига босади.

«Тангриларга шукур! — деб пиҷирлайди шунда жон таслим қила бошлаган Одиссей. — Ўғлим Телемах ўлдирмади мени. Ана менинг қотилим!» — деб у сал чеккарока теран сукутга толиб турган қароқчилар сардорини кўрсатади. Бу йигитнинг кўзлари филт-филт ёш эди.

«Агар сен Одиссей экансан, — дейди йигит, — унда ўз ўғлинг, яъни сен билан Цирцеянинг ўғли Телегон отган ўқдан маҳв бўлмоқдасан».

Телегон ўзининг машхур отасини қидириб топиш мақсадида олис Эя оролидан денгиз сафарига чиқсан, онаси Цирцея эса, ўғлини кузатаркан, унинг камон ўқлари тифига йиртқич скат балигининг заҳарини сурган эди.

«Ҳа-а, энди билдим, — дейди Одиссей, — денгиз олиб кела-диган тинч-осуда ўлим шу экан-да. Тангриларга ҳамду санолар бўлсин! Энди ҳаммангиз баҳтли бўлинг, болаларим, сен ҳам, Пенелопа, сен ҳам, садоқатли энага Евриклем!»

Бутун Итака фуқароси мурувватли ва эъзозли шоҳ Одиссейга аза тутиб ўқсиб-ўқсиб узоқ вақт кўзёш тўкли. Одиссей дағн этилган жой бутун орол аҳлининг энг қадрли зиёратгоҳи бўлиб қолди.

Кейин Телегон, Телемах ва Пенелопа, тангриларнинг хоҳиширодаси билан, Эя оролига кўчиб бориб, у ерда мангу навниҳол афсунгар Цирцея билан биргаликда, худди боқий тангрилар сингари ҳузур-ҳаловатда тинч ва фаровон яшай бошладилар.

ИЗОХЛАР

Биринчи құшиқ

11-сатр. *Үнинг сафдошлари – қуролдошлари* – Троя останасыда жант қилған юон саркардалари; Уларнинг саргузаштлари «Қайтиш» номли эпик достонда баён қилинған, лекин бу достон бизга етиб келмаган.

26-сатр. *Гекатомба* – бу сүзнинг айнан таржимаси «юзта тана» демакadir. Бу худолар йўлига юзта тана (буқа) қурбон қилиш маъносини билдиради. Кейинчалик ҳар қандай йирик қурбонликни шу «ҳекатомба» сўзи билан ифодалай бошлаганлар.

38-сатр. *Аргускуш* (Аргуснинг қотили) – (Луғатдан «Гермес» сўзига қаранг).

52-сатр. *Денгизнинг қоқ киндигида* – Соҳиллардан йироқда, денгизнинг қоқ ўртасидаги орол.

90-сатр. *Узун сочи* – Қадимги юонларда наинки озод одамлар қуллардан, шунингдек аслзодалар ҳам авом ҳалқдан сочининг узун-қисқалиги билан фарқ қилғанлар.

99-сатр. *Мис тиғли найза* – «Илиада» ва «Одиссея»да темирдан ясалган анжом ва қуроллар деярли тилга олинмайди: бу достонлардаги қаҳрамонлар одатда мис (биринж)дан ясалган ўта кўхна буюм ва силоҳлардан фойдаланганлар.

109-сатр. *Май ва сувни омухта қилар* – Юонлар тоза май истеъмол қилмаганлар; улар, одатда, майни маҳсус жомларда сув билан чапиштириб ичганлар.

202-сатр. *Гарчи қушлар парвозига қараб фол очолмасам ҳам – Қушларнинг учишига қараб фол очиш келажак ҳақида башорат қилишнинг қадимда жуда кенг тарқалған усулларидан бири бўлган.*

239-сатр. *Ахей аҳи (ахейлар)* – Энг қадими юон қабилаларидан бири; достонда баён қилинған вақтда бу ҳалқ Шимолий Юонистонда ва *Пелопоннесда* (луғатга қаранг) юон қабилалари ичida энг қурдатли ва ҳукмдор қабила ҳисобланған; шунга кўра ва у пайтда барча юонларни ифодаловчи «Эллинлар» атамаси бўлмаганидан, «ахейлар» сўзи барча юонларни, яъни эллинларни билдирган.

241-сатр. *Гарниялар олиб қочди* – Дом-дараксиз ғойиб бўлган одам ҳақида айтиладиган матал. (Луғатда «ҳарниялар» сўзига қаранг).

250–251-сатрлар. *Куёвлар эса молимизни талашибмоқда...* – Куёвларнинг жинояти фақат шундан иборат. Сабабки, йигирма йилдан бери эридан дом-дарак бўлмаган аёлга совчи қўйиш Гомер замонида асло уят ҳисобланмаган.

293-сатр. *Қабр устига баланд тена уйғил* – Яъни таомил бўйича, бегона юртда ўлиб, дағн этилмай қолған одам учун ковланиб устига тупроқ уйилған бўш қабр. Буни юонлар «кенотаф» деб атаганлар. Кенотафдан мақсад, юонларнинг тушунчаси бўйича, майитнинг руҳи, то у дағн этилмагунча Аидга (луғатга қаранг) тушолмай қўнимизсиз сарсон бўлиб учиб юраверар экан.

437-сатр. *Йигирмата шохдор буқача...* — Гомер яшаган жамиятда уй ҳайвонлари, күпинча буқалар, мол айрбошлаш бирлиги ҳисобланган. Чунончи, битта қулнинг баҳоси саккизтадан йигирматагача буқа қийматида бўлган.

Иккинчи қўшиқ

37-сатр. *Подшолик таёқчасин тутқазди унга* — Ҳукмронлик белгиси ҳисобланган скипетр (яъни подшолик таёқчаси) ҳалқ мажлисларида сўз олган одамнинг қўлига тутқазилган.

71-сатр. *Мис пойбанд* — Муҳориблар оёғининг тиззасидан тўпифигача бўлган қисмига, душман ўқидан ҳимояланиш учун, мис зирх боғланган.

119-сатр. *Микена* — Аргоснинг биринчи шоҳи Инахнинг Океан қизи Мелиядан туғилган қизи; Микена ҳақидаги афсона бизга маълум эмас.

132-сатр. *Мушкул бўлур Икарийга товон тўлашим* — Гуноҳи йўқ хотинини талок қилиб, ота-онаси уйига жўнатган эр (ёки, ушбу достонда баён қилинишича, отанинг йўқлиги чоғида айбиз онасини отасиникига кетказмоқчи бўлган ўғил) хотиннинг (бу достонда онасининг) отасига товон тўлаши лозим бўлган.

145-сатр. *Тўлов ҳам олмай* — Одат бўйича, Телемах (агар отаси ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолиб кетган бўлса), рўзгорини таракана қилган куёвлардан қасос олиши ва бу қасос оқибатида зарар кўрган гуноҳкорларга товон тўламаслиги керак.

293-сатр. *Бахрийларнинг энг тўйимли озуқаси — арпа уни...* — Арпа уни тўйимли таом, саломатлик гарови бўлган.

337-339-сатрлар. *Телемахнинг бутун молу давлатини тенг бўлишиб олиши мизга тўғри келар* — Агар Телемах ҳалок бўлса, унинг мол-давлати куёвлар ўртасида таракана қилинарди.

Учинчи қўшиқ

2-3-сатрлар. *Гелиос... балқди кўкнинг мис гумбазига* — Осмонни «мис» деб васф қилиш Гомер достонида тез-тез учраб туради, чунки у замонда осмонни мис гумбаз сифатида тасаввур қилганлар.

6-сатр. *Сўйиб... қора буқалар* — Қора тусдаги жониворлар, одатда, ер ости тангрilarига, шунингдек, денгиз худоси Посейдонга бағишлаб курбон қилинган.

26-сатр. *Зевснинг укки кўзли қизи* — Укки маъбуда Афина Палладанинг муқаддас қуши ҳисобланган.

45-сатр. *Дуо ўқиб, май паймо қи.т-у...* — Юнонлар қон тўкилмайдиган курбонликлар ҳам қилганлар. Бундай қурбонликнинг энг кўп тарқалган турлари — сув, асал, сут паймо қилиш бўлган.

68-сатр. *Герения қаҳрамони Нестор* — Достонда тез-тез учраб турувчи бу тавсифнинг аниқ таржимасини шоир Гнедич «Герения шаҳсувори» деб «Илиада»да кўрсатган. *Герения* — Спарта яқинидаги шаҳар бўлиб, Гомернинг таърифлашича, у Атрейзодлар (Агамемнон ва Менелай)нинг мулки бўлган. Несторнинг Геренияга ҳеч қандай яқинлиги йўқ. Шу боис, кейинги пайтда олимлар бу иборани «чавандозлик қилувчи қария» (юончада — «герон»), яъни «жисми соғлом қария», деб таржима қилишни тавсия этмоқдалар.

72-сатр. Ёки енгил ўлжас излаб... – Нестор Телемах билан Ментор (Афина)да, шунчаки, сизлар қароқчи эмасмисизлар, деб сўрайди. Чунки Гомер замонида кўшни элларга бостириб кириб талончилик қилишлар тез-тез бўлиб турар ва бундай ҳол асло айб ҳисобланмасди.

111-сатр. *Бебок Аякс* – Телемон ўғли Аякс назарда тутилмоқда.

138-сатр. *Маъбуданинг ғазабини қўзғаганлар* – Яъни Афинанинг. Ривоятларда айтилишича, у Оилей ўғли Аяксдан ниҳоятда қаттиқ газабланган, чунки Аякс, Троя забт этилган чоғда, ибодатхонада шоҳ Приамнинг қизи Кассандранинг номусига тажовуз қилган ва лекин ўзга ахей саркардалари бу ёвуз қилмиши учун Аяксга танбех бермаганлар.

139-сатр. *Атрейзодлар* – Яъни ака-ука Агамемнон билан Менелай.

141-сатр. *Лек машварат мавридимас эди* – Юнонистонда антик даврнинг охиригача сақданиб қолган анъанага кўра, ҳар хил кенгашлар ва халқ мажлислари эрталаб барвақт бошланиб, то кун ботгунча тугаши керак эди.

158-сатр. *Халқ чўбони* – Гомер саркардалар ва давлат арбобларини чўпонга қиёс қилган.

178–179-сатрлар. *Денгизнинг қоқ ўртасини кесиб ўтиб...* – Гомер замонида баҳрийлар денгизда сузганларида, одатда, оролларни четлаб ўтганлар. Лекин Зевс ҳар қандай қуруқликни четлаб сузиш ҳақида белги берадики, бу энг катта жасорат ва журъатни талаб қилган.

282–285-сатрлар. *Аполлон...* ўз ўқи ила маҳв этди – Соғ одам тўсатдан ўлиб қолганида, уни, агар эркак бўлса, Аполлон, аёл бўлса, Артемида ўлдирган, деб ҳисоблаганлар.

338-сатр. *Тилларни биз кесайлик* – Қурбонликка сўйилган молларнинг тилини кесиш – қурбонлик қилиш маросимининг энг сўнгги босқичидир.

378-сатр. *Тритогена* – Маъбуда Афинага Тритогена деб ном қўйилиши сабаби ҳали аниқланмаган.

392-сатр. *Эгидабардор* – Зевснинг васфларидан бири. Эгіда – Қадимда юон аскарининг кўқсини ҳимоя қилувчи чарм қалқон.

461-сатр. *Панжшохлар* – Бештадан тифи бўлган катта ҳаждаги санчқилар.

Тўртинчи қўшиқ

5-сатр. *Ахиллеснинг нодир ўғели* – Неоптолем.

7-сатр. *Ёвларни чилпора қилган Пелид* – Гап Ахиллес ҳақида кетяпти. Юнонларда фамилия бўлмаган; фамилия ўрнига улар исм ва патроникум (ота исми)дан фойдаланганлар (Пелид – Пелей ўғли дегани).

27-сатр. *Иккovi ҳам Дий наслидан* – Яъни Зевс авлодлари, бинобарин, шоҳ уруғидан: шоҳдар ўз аждодларининг худоларга олиб бориб тақашни яхши кўрганлар.

51-сатр. *Хитон* – Мантия. (Луғатга қаранг.)

134-сатр. *Талант* – Қадимги Юнонистонда оғирлик ўлчови; кейинроқ кумуш ё олтин таланти пул бирлиги ҳисобланган. Гомер давридаги талантнинг аниқ қиймати маълум эмас.

193-сатр. *Акажонни Антилохни эслаганди* – Антилох Троя урушида Ахиллеснинг энг яқин дўсти бўлган; уни Эоснинг ўғли занжилар шоҳи Мемнон ўлдирали; кейин Мемнонни Ахиллес маҳв этади. Бу воқеалар

«Илиада»нинг давоми ҳисобланмиш эпик достон «Эфиопиада»нинг асосий мазмуну бўлган.

202-сатр. *Кесилган соч толасини қабрга қўйиш* – Юнонларда майитга мотам тутиш учун ўз сочидан бир тола кесиб, уни мархумнинг қабри устига қўйиш одат бўлган.

214-сатр. *Анинг баҳти риштасини...* Зевс йигириб қўюр – Юнон асотирларида баён қилинишича, одамларнинг ҳаёти, яъни тақдирни риштасини, одатда, тақдир маъбудалари Мойралар йигиришган; бу ерда ҳаёт риштасини Зевс йигирмоқда.

234-сатр. *Улар Пеан наслидандирлар* – Гиёҳлар хусусиятини яхши билган мисрликларни Гомер кашф этган табиб Пеаннинг авлоди деб ҳисоблаганлар.

364-сатр. *Айёр денгиз қарияси* – Протей.

368-сатр. *Эгри қармоқ билан балиқ тутардилар* – оч эди улар – Гомер қаҳрамонлари фақат гўшт истеъмол қилганлар, балиқни эса оч қолган чоғларидагина тановул қилганлар.

475-сатр. *Мисрдаги самовий сув* – Ёмғирлардан вужудга келган деб фарауз қилинувчи Нил дарёси.

508-сатр. *Уч айрили асо* – Фақат Посейдонгагина тегишли бўлган ҳасса: юнон асотирларида Посейдон бу ҳассаси билан денгизда тўфон кўтаради ё, аксинча, тўлқинларни тинчтади.

566-сатр. *Масъудларнинг маскани* – Қадимги юнонларнинг тасаввурича, энг машҳур зотлар фоний бандалар яшамайдиган бу олис юртга тирикликларида кўчирилар ва у ерда боқийликка мушарраф бўлар эканлар.

572-сатр. *Зевснинг күёви* – Менелайнинг хотини Елена Спарта маликаси Леданинг Зевсдан туғган қизи; Зевс бу малика билан оқкуш қиёфасига кирган ҳолда қовушган.

755-сатр. *Тепадаги кўшкка чиқиб* – Яъни хонадондаги «гинекей» деб аталувчи аёллар хонасига. Гинекей, одатда, уйнинг устки қаватида бўлган.

759-сатр. *Аркесийзод* – Аркесийнинг ўғли Лаэрт.

765-сатр. *Арпа дони* – Арпа Пенелопанинг қурбонлик дони ҳисобланган.

843-сатр. *Кетганмикин Аид юртига* – Яъни қазо қилиб ер ости салтанатига риҳлат этганмикин.

Бешинчи қўшиқ

19-сатр. *Атрид* – Бу ерда Менелай назарда тутилмоқда.

49-сатр. *Пиерия оролига етиб бориб* – Пиерия сўзи ўрнига «Перия» сўзини қўйиб ўқилса тўғри бўларди. Чунки Перия шундоққина Олимп тоғининг этагига жойлашган, Пиерия эса анча шимолроқда, Македониядадир.

59-сатр. *Ҳаёт дарахти* – Жуковский достоннинг немисча таглама таржимасидан фойдаланаркан, сарв дарахтлари синфига кирувчи ҳамиша ям-яшил дарахт «туя» (lebensbaum)ни сўзма-сўз таржима қилган.

184-сатр. *Стикс суви ҳаққи...* – Гомер достонларида Стикс суви ҳаққи қасам ичиш худоларнинг одатий қасами бўлган.

231–232-сатрлар. *Икки дамли мис болта* – Кескичи икки ёқлама бўлган болта.

272–273-сатрлар. *Денгизга жуда кеч ботувчи Вoom – Шимолий ярим шардаги юлдузлар буржи.*

274–275-сатрлар. *Хеч ҳам океанда чўмилмайдиган Етти оғайни –* Бу юлдузлар буржи ҳеч ҳам уфқа ботмайди.

310-сатр. *Мен жанггоҳда турғанимда Ахиллеснинг жасади узра... –* Бизга етиб келмаган эпик достонларда баён қилинишича, Ахиллес Париснинг узоқдан туриб отган ўқидан ҳалок бўлган; шунда ахейлар ва трояликлар бу қаҳрамоннинг жасади ва силоҳларига эга бўлиш учун икки ўртада даҳшатли жанг бошлаганлар; бу жанг пайтида Одиссей Ахиллеснинг жасадини жанг майдонидан олиб чиқаётган Аяксни ҳимоя қилган.

419-сатр. *Даймон – Юнон тилида «илоҳий қувва» ёки «тангри» деган маънени билдирувчи «даймон» сўзини Жуковский, гап қайси тангри ҳақида бораётгани аниқ бўлмаган ҳолларда «Демон» («Иблис») деб таржима қилган. Биз достоннинг ўзбекча таржимасида юнонча «даймон» сўзини қолдиришни маъқул кўрдик. Зоро Гомер замонида дин ҳали иблисни билмаган.*

445-сатр. *Қодир дарё тангрисига нидо қилди –* Юнонлар ҳар бир дарёда шу дарё номи билан юритилувчи ўз тангриси яшайди, деб ишонгандар. Бу ўринда Одиссей дарёning номини, бинобарин, дарё тангриси исмини ҳам билмайди, шунга кўра, бу тангрига у «ким бўлсанг ҳам», деб тавалло қиласди.

Олтинчи қўшиқ

91-сатр. *Ким ўзарга тепкиладилар –* Тубига силлиқ тошлар терилган бундай ҳовузларда кир юувучи хотинлар сувга бўқтирилган кийимларни тепкилаб кирини кеткизганлар.

207–208-сатрлар. *Зевс гарibu дарбадарларни юртимиизга йўллаб турур –* Зевсни бошпанасиз беватан одамларнинг паногоҳи ҳисоблаганлар.

231-сатр. *Палладага ва Гефестга шогирд тушган... уста –* Маъбуда Афина Паллада ва тангри Гефест ҳунар аҳлига ҳомийлик қилганлар.

287–289-сатрлар. ... қизлар йигитлар ила эркин-эмин гурунглашас... – Ота-онаси ҳаёт бўлган қиз жамоадан холи яшаган ва кўпчиликнинг кўзи олдida эркакларга яқин йўламаган; фақат ота-онаси қазо қилгандан кейингина у мустақил ворис сифатида эркин ҳаёт кечира бошлаган.

332–334-сатрлар. – *Кўрқарди... ул бадқаҳр амакисидан –* Яъни Посейдондан. Чунки у Зевснинг, яъни Афина отасининг акаси, бинобарин, маъбуданинг амакиси эди.

Еттинчи қўшиқ

86-сатр. *Мис девор –* Яъни, қасрнинг ички деворлари мис тахталар билан қопланган бўлган; «олтин эшик», «мис бўсаға» ибораларини ҳам айнан шундоқ тушуниш керак.

97–98-сатрлар. *Мансабга қараб ўтиришар –* Жуковский «Одиссея»га қадимги рус удумини киритган; ваҳоланки, эски замонда рус ҳалқида бўлган «mansab» тушунчаси Гомер замонидаги юнонлар учун ётдири.

135-сатр. *Чақмоқ қўзли Аргускунга май паймо қиларди –* Юнонлар уйқуга ётиш олдидан бандаларга уйқу ато этгувчи тангри Гермесга ибодат қилганлар.

153-сатр. *Борди ўчоқ олдига ва кулга ўтириди* – Ўчоқ юонларда хонадон тангриларига сиғиниш маркази, мұқаддас жой ҳисобланган.

322-сатр. *Эвбебя* – Бу орол фақат Кичик Осиё юонлари учун әнг олис ҳисобланади; овруполик юонларга эса әнг яқын оролдир.

Саккизинчи құшиқ

64-сатр. *Күзини күр қылған бўлса ҳам* – Юонон ривоятлари, одатда, баҳши (ҳофиз)ларни күр қилиб тасвиrlаган. Гомер ҳам, Тамирид ва бошқалар ҳам күр бўлғанлар.

81-сатр. *Пифий ибодатхонаси* – Аполлоннинг Делфадаги ибодатхонаси.

91-сатр. *Қўшқадаҳ* – «Илиада»нинг таржимони Гнедич ҳам, «Одиссея»нинг таржимони Жуковский ҳам қўшқадаҳни «унинг остки қисми (яъни оёғи) ҳам тўнкарилган қадаҳни эслатади», деб тасвиrlаганлар.

114-сатр. *Халқ ичидан чиқди улар: Акроней...* – Достонда санаб ўтилган барча феакларнинг исмлари денгиз ишига алоқадор: Акроней – «Кема етакчиси», Окиал – «денгизда югурувчи», Навтий – «кема соҳиби». Примней исми «Кема қўйруғи» деган сўздан, Понтей – «денгиз» сўзидан, Прореон – «кема тумшуғи» сўзидан келиб чиқсан, Фоон – «тез сузар», Амфиал – «денгиз бўйи», Ана бесионей – «кемага чиқувчи», Полиний – «кемаси кўп», Тектон – «кемасоз» ва ҳоказо.

220-сатр. *Фақат доим Филоктетдан енгиллардим Трояда* – Бу сатрлар достонга кейинчалик киритилган бўлса керак. Чунки ушбу қўшиқнинг охирида (584–589-сатрлар) баён қилинишича, Одиссейнинг Троя жангидаги иштирок этганини унинг ҳикоясини тинглаётганлардан ҳеч ким ҳали билмасди.

285–286-сатрлар. *Лемнос шаҳрига кетаётган бўлиб гёё* – Вулқони бор Лемнос, умуман, оловларнинг ва, хусусан, вулқон оловининг тангриси бўлган Гефестнинг ороли ҳисобланган.

318–319-сатрлар. *To отаси...* бадал совгаларни менга қайтариб бермагунича – Мавжуд қоидага кўра, ўз эрига хиёнат қылған хотиннинг эри, уйланган чоғида хотини учун тўлаган сеп-совгаларни қайнотасидан талаб қилиб қайтариб олиши мумкин бўлган.

348-сатр. *Ҳаммасини тўлайди у* – Гап таҳқиrlанган кимсага жарима тўлаш ҳақида боряпти.

362-сатр. Арей билан Афродита ўзларининг әнг улуғ ибодатхоналари бўлган ерга қочадилар.

408-сатр. *Кувон* – Бу юононча «хайре» деган сўзнинг таржимаси бўлиб, у одамларнинг бир-бири билан кўришганда ва хайрлашганда айтадиган «салом» ва «соғ бўл» деган маъноларни билдиради.

Тўққизинчи құшиқ

67–68-сатрлар. *Марҳум дўстларимизнинг номларини уч марталаб чақирмагунча* – Одиссей ҳалок бўлғанлар исмини айтиб, уч марталаб чақиради. Бу билан у марҳумлар руҳини ўз юртларида улар учун ковланиб, устига тупроқ уйиладиган бўш қабрларга чақирмоқчи бўлади.

96–97-сатрлар. *Нилуфардан тотиб кўрган он унутибди ҳар нарсани* – Нилуфарга киши хотирасини ўчирувчи сехрли хислат нисбат берилган;

лотос (нилуфар)нинг юончада номидаги «лат» ўзаги «унутмоқ» маъносини билдиради.

121–122-сатрлар. *Ўтлаб юрар унда эчкиларнинг галалари* – Балки бу Капри оролидир. Румода уни Капрейя, яъни «эчки юрти» деб атаганлар; циклоплар яшаган орол эса Сицилиядир.

130-сатр. *Тўши қизил чўнг кемалар* – Одатда, кемаларнинг тумшуғи қизил рангга бўялиб, қолган ҳамма ёғи қатронланган; достонда кемаларни сиё (қора) деб таърифланиши сабаби ҳам шундан.

Ўнинчи қўшиқ

7–8-сатрлар. *Ўйлантириди ўғилларин қизларига* – Эол оиласининг бутун ҳаёти энг қадимий таомиллар таъсирида ўтади. Эол ўғилларининг қизлари, яъни ўз сингиллари билан турмуш қуриши энг кўхна гуруҳий никоҳнинг акс садосидир.

83-сатр. *Қўп қопқали шаҳар Ламосга* – Бу жумлани Жуковский нотўғри таржима қилган. Гомерда лестригонлар пойтахти Телепила (яъни «Қопқаси кенг»)дир; Ламос эса лестригонлар шоҳи бўлиб, у Телепилани бунёд этган.

88–89-сатрлар. *Зоро, бир хил у ерда чўпонлик қилиш ва тунда пода боқиши шаш ҳақи* – Лестригонлар мамлакатида тун жуда қисқа, кун узун бўлган; Гомер замонидаги юононлар эҳтимол шимолда ёзги тунларнинг қисқа бўлиши ҳақида эшитгандирлар. Улар ҳаттохи Кримдаги Балаклава туманини лестригонлар мамлакати деб таҳмин қилганлар.

241-сатр. *Прамнанинг тиниқ шароби* – Гап Прамна тоғидаги узумзорларнинг майи тўғрисида боряпти.

314-сатр. *Моли* – Афсонавий сеҳрли гиёҳ. *Моли* юончада сўз эмас, шу боис муаллиф «худолар қаломи»ни далил қилиб келтиради.

358–359-сатрлар. *Улар бари чашмалар-у ўрмонларнинг ҳамда сувин денгизга элтувчи дарёларнинг қизлари* – Санамлар Цирцеянинг хизматида бўлишган.

444-сатр. *Гарчи яқин қариндошим бўлса ҳам у* – Антик давр шарҳловчиларининг таъбирича, Еврилох Одиссей синглисининг эри бўлган.

496-сатр. *Фақат унда ақл мавжуд* – Гомернинг тасаввурича, марҳумларнинг у дунёдаги руҳлари тафаккур ва хотираларини йўқотар эканлар.

Ўн биринчи қўшиқ

103-сатр. *Сўқир қилиб ул арзандаси – ўғлонининг ёлнисиз кўзини* – Гап циклоп ҳақида боряпти.

292–293-сатрлар. *Бу... вазифани фақат бекусур башорстгўй...* – яъни Меламп; унинг акаси Биант Перага (лугатга қаранг) совчи қўяди. Лекин қизнинг отаси Нелей уни Филакия шоҳи Ификлеснинг подасини ҳайдаб келган йигиттагина беришга рози бўлади. Бу ишни Меламп бажармоқчи бўлади. Лекин у кўлга тушиб зиндонга ташланади. Бироқ орадан бир йил ўтгач, Ификлеснинг ўзи Мелампни тутқинликдан озод қилиб, унга ўз подасини беради. Чунки Меламп унга бепуштликдан қутулиш сирини очади. Ҳайвон ва қушларнинг тилини билувчи Меламп бу сирни тасодифан бир калхатдан эшитиб қолганди.

319–320-сатрлар. *Лета* (Латона)нинг Зевсдан туғилған ўғели – Гап Аполлон ҳақида боряпти.

476–477-сатрлар. Эдак набирасининг рұхы – Ахиллеснинг рұхы.

496-сатр. Ўғелим ҳақида – Яъни Неоптолем түғрисида.

526-сатр. Ҳаммалари олтинга ўч бир хотиннинг касофатига – Луғатдан Европа сүзига қаранг.

527–528-сатрлар. Ўғелинг ўзга саркардалар билан ажаб отнинг қорнига яшринганди – Уста Эпеос бунёд этган машхур ёғоч от назарда тутилмоқда; юнонлар унинг улкан қорнига беркиниб олиб Трояга кирғанлар ва шаҳарни забт этганлар.

542-сатр. Асфоделзор – Юнонларнинг тасаввурича Аид салтанатидаги гулзор.

545–547-сатрлар. Аякснинг рұхы... жисм турарди қаҳри қайнаб, Пелей ўғелининг силоҳларин менга ҳукм этгандарий-чун – Санам Фетида ўғли Ахиллеснинг тангри Гефест томонидан ясалған қоролларини, ўғелининг жасадини мұхофаза қилишда күпроқ жонбозлик күрсатған мұхорибга беришни буюради. Бу масалада Одиссей билан Аякс ўртасида тортишув вужудға келади. Ахейлар, бу тортишувни ажрам қилишда фақат душманлар эңг холис фикр айтиши мүмкін, деган қарорға келадилар ва мунозарани ажрам қилишни троялик асиirlарға ҳавола қиласылар. Лекин Афина асиirlарға баҳсни Одиссей фойдасыга ҳал қилишни үқдиради. Бу ҳолдан қаттық хафа бўлған Аякс телба бўлиб қолади; кейин ҳушига келгач ўз жонига қасд қилиб ўлади. Бу ривоятни биз Софоклнинг «Аяқ» фожиасидан биламиз.

567 дан 629-сатргача. Ушбу шеърлар гурухи мархумлар дүнёсини биз илгари Гомерда учратганимиздан бошқача намойиш қиласы. Бу сатрларда тасвиrlанған ўликларда жисм ҳам бор, онг ҳам бор, шу сабабли, уларнинг ер остидаги ҳаёти тирик одамлар ҳаётидан фарқ қилмайды, ваҳоланки, бундан олдинроқ Одиссей кўзига кўринған Троя қаҳрамонларнинг рұхларыда бундай хислатлар йўқ эди.

604-сатр. Ўзи бу пайт тангрилар ила – Бу сатрлар достонга анча кейин киритилған бўлса керак – фоний қаҳрамон Геракл ҳақидаги жуда қадимий тасаввурни, Гераклнинг ўлимидан сўнг тангри даражасига кўтарилгани ҳақидаги кейинроқ вужудға келган ривоят билан қовуштириш мақсадида.

623-сатр. Ношоён зот – Қаранг – Еврискей.

625-сатр. Уч бошли ит – Аид салтанатининг энг даҳшатли сақчиси Цербер.

Ўн иккинчи қўшиқ

61-сатр. Дайди тоғлар (ёки қоялар) – Улар Гомерда «планктлар» деб аталған, бошқа афсоналарда эса «симплегадлар» дейилган; бу афсонавий қоялар гоҳ бир-бирига урилиб, гоҳ яна бир-биридан узоқлаб турған. Улар бир-бирига урилганда, ораларидан ўтаётган кемани мажақлаб ташлаганлар. Лекин «Одиссея»нинг бу ерида қоятарнинг ҳаракат қилиши ҳақида аниқ бир гап айтилмаган. Фақат бу қоялар тагида кучли тўлқинларнинг кўпириб тошишигина айтилған.

85-сатр. Даҳшатли Сцилла – Гомер ҳақида фикр юритган антик давр шарҳловчилари Сцилла билан Харибдани Италия билан Сицилия ўртасидаги Мессин бўғозида бўлған деб ҳисоблаганлар.

129-сатр. *Етти пода буқалар* – Гелиоснинг еттита подаси; ҳар бирида эллик бошдан буқа бор. Бу – юонларнинг қамарий йил ҳисобидаги элликта етти кунли ҳафтага берилган мифологик тавсиф. Буқалар ва кўчқорлар кун ва тунларнинг рамзий ифодасидир.

304-сатр. *Оролнинг осуда ва тинч кўрфази* – Айрим тадқиқотчиларнинг тахмин қилишича, Гомер тилга олган ер Сицилиянинг Мессинаси яқинидаги кўрфаздир.

Ўн учинчи қўшиқ

15-сатр. *Қоплаймиз бу зарарни халқдан солиқ йигиб олганда* – бу пайдо бўла бошлаган оқсуяклар табақаси томонидан халқ оммасини эксплуатация қилинишини билдирувчи Гомер замонидаги ижтимоий тузумнинг бир нишонаси.

77-сатр. *Ва ечдилар тешик тошга банд этилган кема арқонин* – Бандаргоҳдаги бундай тешик тошга кема қўйруғидаги арқоннинг уни боғланган.

81-сатр. *Жангаробага қўшилган тўрт от* – Барча муқоясалар достонга кейинроқ киритилган, зеро энг қадимги шарҳловчилар ҳам Гомер даврида жангаробага тўрт от қўшилганлигини қайд қилмаганлар.

128-сатр. *Ўз илоҳий аймогимиз* – Эсингиизда бўлса, шоҳ Алкиной Посейдоннинг набираси эди.

154–156-сатрлар. *Кемани феакларнинг кўзи олдида қоя тошга айлантиурсанг* – Керкира ороли (ҳозир у Корфу деб аталади) яқинида кўриниши кемага ўхшаб кетувчи бир қоя бор. Гомернинг энг қадимги шарҳловчилари феаклар оролини Керкирия деб ҳисоблаган бўлсалар керак.

Ўн тўртинчи қўшиқ

263–264-сатрлар. *Мўмин-қобил мисрликларнинг далаларида этилган ҳосилларни торож қила...* – Қадимги Мисрдан қолган кўп сонли ёзма ёдгорликлар қандайдир «денгиз халқлари»нинг Мисрга босқинчилик ҳужумлари уюштириб тургани ҳақида маълумотлар беради. Бу «денгиз халқлари» юонлар эканлиги эҳтимолдан холи эмас, чунки Крит маданияти ривожланган даврда юонлар денгизда ғоят катта қудратга эга бўлганлар. Кўхна Миср ҳужжатларида яна шимолдан келиб фиръавнлар хизматида бўлган одамлар ҳақида ҳам кўп ёзилган. Бинобарин, Одиссейнинг ичидан тўқиган уйдирма қиссаси замирида ҳақиқий тарихий хотиралар мавжуддир.

286–288-сатрлар. *Қўрқар эди у...* Зевснинг қаҳридан – Гомернинг тасавурида, Миср фиръавни тангри Зевс ғазабидан қўрқади; бу сингари тарихий-маданий гализликлар барча даврлардаги юон адабиётига хос хусусиятдир.

330–332-сатрлар. *Додонага... Диининг муқаддас коҳини...* – Диј (Зевс)нинг Додонадаги башорат қилувчи коҳини муқаддас эман дарахти япроқларининг шитирлашига ёки шул дарахтга қўнганд қушнинг сайрашига қараб келажакни башорат қилган.

402–403-сатрлар. *Мени қоя бошидан жарга улоқтир* – Маҳкумни қоя чўққисидан отиб ўлдириш Юнонистонда кенг тарқалган қатл этиш усули бўлган.

483-сатр. *Бейбоғ* – Эркакларнинг қорнини ва оёғининг тиззасидан юқори қисми – сонини ўраб турувчи, ҳаммаёғига металл пластинкалар қадалган юбкасимон либос.

Үн бешинчи құшиқ

33-сатр. *Сен четылаб ўт бу оролларни* – Афина Телемахга Элидадаги Феа бурнининг гарбидан түғри шимоли-гарбга, яъни Итакага эмас (одатий кема йўли бўлган бу томонда күёвлар уни пиистирмада кутар эдилар), балки олдин қитъя ёқалаб шимолга, ундан кейин эса, Итакага жануби-гарб томондан бориш учун түғри гарбга сузишни маслаҳат беради.

102-сатр. *Шоҳ қўшиқават қадаҳ олди* – Бизнинг ҳозирги қадаҳларимизга ўхшаган тубида таянч супачаси бўлган қадаҳ.

158–159-сатрлар. *Қанотларин патиллатиб ўнг томондан учиб чиқди* – Кушлар парвозига қараб фол очиш усулларидан бири. Бу усулда, асосан, қушнинг қай томондан осмонга учгани энг муҳим аҳамиятга эга; юнонлар ўнг томонни баҳти, чап томонни эса баҳтсиз деб ҳисоблаганлар. Лекин кушларнинг овози (сайраши)га қараб фол очиш кам тарқалган усул бўлган.

246-сатр. *Хотинининг олтинпарастлиги уни маҳв этган эди* – Амфиарай Фивага қарши уюштирилган юришда иштирок этишини хоҳламайди, чунки башоратгўй бўлганидан, бу юришда ўзининг ҳалок бўлишини билади. Бироқ Фива шоҳи Эдипнинг Фивадан қувилган ва Фива таҳтини қайтариб олиш ниятида бўлган ўғли Полиник Амфиарайнинг отини Эрифилани тилла маржон билан ўзига оғдиради ва бу хотин эрини урушда қатнашишга мажбур қиласди.

299–300-сатрлар. *Телемах оролларнинг вахимали қирраларини кўриб кўрқиб кетди*. – Акарнания яқинидаги ороллар назарда тутилмоқда.

351-сатр. *Тангримонанд Евмей* – Гомер ҳатто чўчқабоқарни ҳам, пок қалб соҳиби бўлгани учун, тангриларга қиёс қилган.

Үн олтинчи құшиқ

16-сатр. *Кексаликда кўрган ёлғиз ўғли ўн йил бедарак кетиб* – Жуковский бу муддатни «йигирма йил» деб таржима қилган, Вересаев эса «ўн йил» деб. Агар биз бу жумлага мантиқан ёндашадиган бўлсан, Вересаев ҳақ. Чунки кексайганида (мас. 60 ёшида) ўғил кўрган чол, ўғли улғайиб, сўнг 20 йил бедарак кетган бўлса, бу пайт у камида 100 ёшга кирган бўлиши мумкин. Шунга кўра, биз ишонарлироқ бўлсин учун ўзбекча таржимада 10 йилни маъқулроқ кўрдик.

206-сатр. *Ўлжатонар Афинанинг хизмати* – Муҳориб маъбуда бўлган Афинани ҳарбий ўлжа маъбудаси деб ҳам ҳисоблаганлар.

285-сатр. *Бу ер тутун жуда ҳам* – Гомер замонида юон хонадонининг асосий зали – мегарон машъаллар ва зал марказида тўртта устун орасига ўрнатилган ўчоқдаги олов билан ёритилган. Тутун фақат шифтдаги туйнукдан чиққан, шунинг учун зал деворларини тез қурум боса бошлаган.

Үн еттинчи құшиқ

291—292-сатрлар. ... ювош әлларни хонавайрон құлыш учун — Чамаси, ғал қароқчилар кемалари ҳақида бораётган бўлса керак.

545-сатр. Аксирворди бирдан Телемах — Аксириш қадимги юнонларда яхши ниятнинг рўёбга чиқишидан хушхабар берувчи белги ҳисобланган. (Биз, ўзбекларда ҳам, суҳбат чоғида бирон киши аксирса, «ҳаққаст рост» деб айтилаётган гапнинг ростлиги билдирилади).

Үн саккизинчи құшиқ

6-сатр. Уни ҳамма Ир деб чақирап эди — Ир лақаби тангриларнинг муждачиси маъбуда Ириданинг номидан олинган бўлиб, куёвлар ўзларига югурдаклик қилувчи Арнеонни ҳазиллашиб Ир деб чақиришган.

83-сатр. Кенг замин — Қитъа. Шоҳ Эхетнинг қулларга бешафқатлиги бизга фақат «Одиссея»дан маълум.

159—163-сатрлар. Афинея Пенелопанинг юрагига базмогоҳга тушиб... — Маъбуда Афина Пенелопанинг кўнглига, ўзини куёвларга кўрсатишни солади. Бунга иккита сабаб бор эди; биринчидан, у куёвларнинг кўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб, яқинда юз беражак қирғиндан чалғитиш ва иккинчидан уларни тўй олдидан кўпроқ совға-саломлар келтиришга ундаш эди. Маликага уйланиш ниятида бўлган куёвлардан кўпроқ совға ундириб олиш билан, Пенелопа ўз оиласи бойлигини ошириши ва бу қилмиши билан эри ва ўғлининг ҳурматига яна-да кўпроқ сазовор бўлиши мумкин эди.

368-сатр. Гар беллашадиган бўлсак ким ўзарга биз иккаламиз — Гомер замонида жисмоний меҳнат озод одамлар учун ҳеч ҳам уятли иш ҳисобланмаган.

Үн тўққизинчи құшиқ

175-сатр. Ҳаммаёқда турфа забон ҳалқ — Гомер бу сатрларда ўз давридаги Крит ороли аҳолиларини аниқ манзараларда тасвирлайди: ахейлар салафи бўлмии Крит қабилалари ва пеласглар — ахейлардан олдин яшаб ўтган ҳалқ; ахейлар эса энг дастлабки фотиҳлар билан бирга кириб келганлар; «Илиада» ва «Одиссея» достонларида тасвирланган воқеаларга ана шу ахейлар жамоасида дунёга келган ривоятлар асос бўлган; дорийлар кейинроқ келишган, уларнинг достонлардаги воқеаларда иштирок этмаганларига сабаб шудир; дорийлар фақат бир марта, «Одиссея»нинг шу сатридагина тилга олинади.

178—179-сатрлар. Шоҳ Минос тўққиз йиллаб ҳукмронлик қилган экан салтанатига — В.Жуковский бу сатрни «Минос тўққиз ёшга тўлар-тўлмай шоҳ бўлган эди», деб нотўғри таржима қилган. Гап шундаки, Минос тўққиз ёшидан бошлаб эмас, балки тўққиз йиллаб подшолик қилган, сабабки, элга кам ёйилган бир ривоятга кўра. Минос ҳар тўққиз йилда ўз падари Зевсга (уни «Зевс ҳамнишини» деб юритилиши ҳам шундан) мурожаат қилиб, ундан давлатни бошқаришида қўлланма бўладиган янги қонунларни олади. Бу ривоятда шоҳларнинг мўъжизавий қувва соҳиби эканлиги ўз аксини топган бўлиб, шу қувва туфайли салтанатда фаровонлик ҳукм сурар экан; лекин вақт ўтиши билан бу мўъжиза қурдати заифлашаркан, ана шунда шоҳни ўлдиришар ё таҳтдан ағдаришар экан. Шоҳ Минос ҳар тўққиз йилда ўз падари бузруквори Зевсга мурожаат

қилиб, ундан олган мұйжизакор қуввасини янгилаб туради. Гомер замонида бундай тасаввур аллақачон унүтилган бўлиб, фақат ривоятлардагина қолган эдик, шоир ана шу ривоятни тилга олмоқда.

197-сатр. *Халқдан йигилган нон-намак* – Аслзода киборларнинг ўз сарф-харажатларини авом ҳалқ елкасига юклашларини тасдиқловчи яна бир далил.

413-сатр. *Неварамга Одиссей деб от құяман* – Гомер Одиссей исмини «одиссомай» (аччиқланаман, ғазабланаман) феълига тақовул қилиб олган. Лекин бу ҳол фақат оҳангдошлиқдан иборат.

520-сатр. *Аида ҳам йиғелар* – Яъни булбул йиғлайди (Қаранг *Аида*).

Йигирманчи құшиқ

66-сатр. *Океаннинг сарчаимаси бошланган ер* – Аид салтанати.

279–280-сатрлар. *Айни шу пайт мұждачилар қурбонлик мол етаклаб ўтди Гекатомба қилмоқ* учун шоҳ күчадан – Бу ерда тасвирланган воқеа янги ой туғилған кунда, яъни Аполлон байрами куни содир бўлмоқда.

355–360-сатрлар. *Эй бадбахтлар...* бошингиз күрінмай қолди... – Феоклимен қуёвларнинг бўлажак қисматини кўраётгандай бўлади. *Рұхлар* – ҳалок бўлғанларнинг Аид салтанати – Эребга учиб кетаётган арвоҳлари.

Йигирма биринчи құшиқ

120–121-сатрлар. *Волидамнинг ёт эрга тегиб, бу уйдан бош олиб чиқиб кетишига кўп қайғурмасмен* – Достоннинг аслиятида, агар Телемах камонни эга олса, унда Пенелопа ўз уйда қолади, деб айтилган.

141-сатр. *Темир патли ўқ* – Камон ўқининг дум томоғыга темир қанот ўрнатилар эди.

146–147-сатрлар. *У қурбонлик учун келтирилган молни кўриб, башорат қилар* эди – Леодейнинг вазифаси: қурбонлик амали бажарилаётган чоғда юз бериши мумкин бўлған бирон белги – мўъзижани кузатишдан ва қурбон қилинган жонлиқнинг ички аъзоларига қараб келажакни башорат қилишдан иборат бўлған; у яна меҳмонларнинг май паймо қилишларини кузатиб борган ва шу сабабли у майни сув билан омухта қилиш учун мўлжалланган катта жом яқинида ўтирган.

270-сатр. *Кумуш камон* – Аполлоннинг васфларидан бири.

299-сатр. *Евритион бир пайтлар шундай телба бўлиб қолганди* – Кентаврларнинг лапифлар билан қилган жанги ҳақида луғатдаги «Евритион» ва «Пирифой» сўзларига берилган изоҳдан ўқинг.

413–414-сатрлар. *Одиссей... камон шохига... илди чилла ишин* – Камон учлари бақувват бўлсин учун, уларга шоҳ (мугиз)дан қош ўрнатганлар.

Йигирма иккинчи құшиқ

56–57-сатрлар. *Кейин талаб қилаверасан... тўлов қийматини...* хоҳлаганингча – Евримах Одиссей хонадонига етказилган заарлар учун қуёвларнинг тўлов тўлашини ва устига устак, қилган хиёнат ва жиноятлари эвазига ҳар бир күёвдан жуда катта ҳақ, яъни 20 бошдан буқа олиб беражагини ваъда қиласидики, бу ўша даврдаги одатий ҳукуқ нуқтаи назаридан, Одиссейга етказилган зиён учун тўланадиган жарима

миқдорини тўла қоплаши мумкин эди; шундан кейин, Одиссей куёвлардан қасос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўларди.

82-сатр. *У икки дамли мис ханжарни сугурди қиндан* – Мехмонхонадаги барча қурол-яроқлар олиб чиқиб кетилган бўлса ҳам, ҳар бир куёвнинг доим ёнида тақиб юрадиган ханжари бўлган.

335–339-сатрлар. *Зевс меҳробини қучиб ўтиурсинми...* – Меҳробни қучган одам дахлсиз ҳисобланган.

487–488-сатрлар. *Олов билан олтингугурт олиб кел; биз уни тутатиб Гуноҳлардан поклашимиз жоиздир бу меҳмонхонани* – Қадимги юон эътиқодига кўра, қон тўкилган жойини макруҳ қилар ва тутатилган олтин гугуртнинг тутуни шу нопокликни ювар экан.

Йигирма учинчи қўшиқ

245–247-сатрлар. *Эосга эса, Фаэтон ва Ламп қўшилган жанграбада балқиб чиқмоқлигни...* – Қадимги юонларнинг тасавурича, Эос ҳам худди қуёшга ўхшаб икки от қўшилган аробада балқиб чиқар экан. Отларнинг номи: Ламп – «нурофшон», Фаэтон – «чаракловчи» маъноларини билдиради.

249-сатр. *Оҳ, бизнинг бу риёзатлар тугагани йўқ ҳали, жоним – Одиссейнинг бундан кейинги жаҳонгашталиги ва унинг Цирцеядан туғилган ўз ўғли Телегон («узоқда туғилган» маъносини билдиради) томонидан тасодифан ўлдирилиши ҳақида эпик достон «Телегония»да ҳикоя қилинган; лекин бу достон бизга етиб келмаган.*

Йигирма тўртинчи қўшиқ

6-сатр. *Гермес ортидан учдиilar.* – Бу ўринда Аид саҳнаси достоннинг ўн биринчи қўшиғида тасвирланган ўликлар дунёси ҳақидаги манзарадан тамомила бошқача тарзда таърифланган: бу ерда мархумларнинг руҳлари, улар дағн этилмасидан олдин Аидга тушяптилар, тангри Гермес қўлидаги олтин таёқчasi билан руҳларни Аидга кузатиб келмоқда, қолаверса, бу ерда руҳлар ўз ақл ва хотираларини сақлаб қолганлар... Шу ҳолатлардан келиб чиқиб, ушбу сатрлар достонга кейинчалик киритилган бўлиши мумкин, деган фикрга келиш мумкин.

12-сатр. *Гелиоснинг дарвозаси ёнидан* – Қадимги юонларнинг тасаввури бўйича, Гелиос дарвозаси энг чекка гарбда бўлган ва қуёш ҳар куни кечқурун шу дарвозага ботган.

37-сатр. *Аргос* – Бу ерда гап Пелопоннесдаги Аргос ҳақида эмас, балки Фессалиядаги пеласглар яшаган Аргос ҳақида кетяпти.

50-сатр. *Мотамсано онанг* – санам Фетида.

200–201-сатрлар. *Хонандалар Пенелопанинг бу вафосин ҳали алқаб ёйжаклар бутун заминга* – Достоннинг асл нусхасига айнан шундай дейилган. Лекин В.Жуковский ўз таржимасида бу сатрлар ўрнига «Каменалар ўз қўшиқларида Пенелопанинг садоқатини тараннум этгайлар», деган сатрларни киритган (Каменалар – Румо илоҳалари бўлиб, кейинчалик улар юон Музаларига қиёс қилинганлар.). Шу боис биз достоннинг ўзбекча матнига Жуковскийнинг бу иловасини киритмасликни маъқул кўрдик.

202-сатр. *Тиндарейнинг маккора қизи* – Бу ерда Елена эмас, балки Леда билан унинг фоний эри Тиндарининг қизи Клитемнестра (Агамемноннинг хотини) тилга олинмоқда.

303–304-сатрлар. *Пилипимонзод Афейд ва унинг ўғли Еперит* – Полипимон – «Кўп азоб чеккан», Афейд – «Хеч ким раҳм қилмаган» ва Еперит – «Қувғин қилинган» деган маъноларни билдиради.

477-сатр. *Зевснинг чақмоқ кўзли қизи* – Афина.

504-сатр. *Одиссейнинг ўзи тўртвот* – Одиссей ва унинг уч сафдоши – Телемах, Филойтий ҳамда Евмей – тўрт киши.

530-сатр. *Мис яноқпўши дубулға* – Жангда муҳорибнинг икки юзи ва чаккасини ҳимоя қилиш учун дубулғага қулоқчин сифатида ўрнатилган мис пластинка.

547-сатр. *Зевснинг момақалидирогин чақмоги* – Зевснинг қуролларидан бири – яшин.



ДОСТОНДАГИ МИФОЛОГИК ИСМЛАР ВА ГЕОГРАФИК НОМЛАР ЛУФАТИ

Автоликон (аниқроғи – *Автолик*) – Одиссейнинг она томонидан бобоси, донғи кетган қаллоб ва ўғри. У ўз падари Гермесдан ғоят ажыб эпчиллик, улдабуронлик ва мугамбирилк хислатларини мерос қилиб олади. Одиссей табиатидаги құвликтің шам шу бобосидан ўтган.

Агамемнон – Микена ва Аргос шоҳи, Атрейнинг ўғли, Спарта шоҳи Менелайнинг акаси. Троя остонасида у иттифоқдош юнон қүшинларининг олий бөш құмандони бұлған. Троя жангидан сүңг юртига қайтиб борганида ўз хотини Клитемнестра ва унинг ўйнаши Эгист томонидан ўлдирилған.

Аид – Крон ўғли, Зевснинг акаси, ўлғанларнинг ерости салтанати тангриси. Унинг исми «күрінмас» деган маңони билдиради ва одамларни дақшатға солувчи ўзға ном (дұзах) билан ифодаланади. *Аид* салтанати ёки күпинча соддагина *Аид* (дұзах) дейилганды, ўлуктар юрти, нариги дунё күзда тутилади.

Аида (таржимаси – «булбул») – Эфос шоҳи Пандарнинг қизи, Зефоснинг (қаранг: *Амфион* ва *Зефос*) хотини. У Амфионнинг ўн иккита боласи бұлған хотини Ниобага хасад қилиб, унинг суюкли кенже ўелини ўлдирмоқчи бўлади, лекин янглишиб ўзининг ёлғизгина ўғли Итилосни ўлдириб қўяди. Оқибатда у шу қадар оғир қайғуга ботадики, тангриларнинг раҳми келиб, бу онаизорни булбулга айлантирадилар; булбул сайраган чогида доим «Итил» исмини такрорлайди.

Акаст – Дулихий оролининг шоҳи.

Алибанлар – афсонавий халқ.

Алкиной – Схерия оролида яшовчи феак халқининг шоҳи.

Алкмена – Микена маликаси. Микенадан Фивага қочган Тиринф шоҳи Амфитрионнинг хотини. Бу шоҳ Фивадалик чогида, эрининг йүқлигидан фойдаланған Зевс Амфитрион қиёфасида келиб, Алкмена билан қовушади. Алкмена Зевсдан буюк қаҳрамон Гераклни, ўз эридан эса фоний Ификлесни туғади; бу икки ўғил эгиз туғилади.

Алкмеон – Амфиарай билан Эрифиланинг ўғли; у отасининг қасдини олиш учун, ўз онасини ўлдиради ва Эринийлар таъқибига учрайди (қаранг: *Амфиарай*).

Алоей – жуда қадим замонда янчилған бүгдей худоси бўлиб, уни Псейдоннинг ўғли деб ҳисоблаганлар. У ўз хотини Ифимедеядан Отос ва Эфиалтес исмли икки ўғил кўрган.

Аюсinda – денгиз маъбудаси.

Алфей – Пелопоннесдаги дарё ва шу дарёнинг тангриси.

Амифаон – Тиро билан Крефаянинг ўғли, *Мелампнинг* (қаранг) отаси.

Амнисий – Критдаги лиман.

Амфиарай – Аргос шоҳи, соҳибкаромат ва башоратгүй Мелампнинг эвараси. Фивадан бадарға қилинған шаҳзода Полиник (Эдип ўғли)

Фивага қарши юриш бошламоқчи бўлади ва бу юришга Амфиарайни жалб қилишга уринади, лекин бу урушнинг ҳалокат билан тугашини олдиндан пайқаган Амфиарай, ундан бош товладиди. Шунда Полиник Амфиарайнинг хотини Эрифилани пора билан ўзига оғдиради ва бу тилла тақинчоқларга сотилган хотини эрини Фива юришига қатнашишга мажбур қиласи. Уруш мағлубият билан тугагач, Амфиарай жанграбага чиқиб қочади, лекин ер ёрилиб уни ютиб юборади.

Амфилоҳ – Амфиарай билан Эрифиланинг ўғли, башоратгўй, у Троя жанги қатнашчиси.

Амфимедон – Пенелопага уйланмоқчи бўлган күёвлардан бири.

Амфином – Пенелопага уйланмоқчи бўлган күёвлардан бири.

Амфион ва Зефос – эгиз ака-укалар, Зевс билан дарё худоси Асопнинг қизи Антиопанинг болалари. Икковлари Фивада салтанатни бошқарганлар ва шаҳар атрофига юксак девор тиклаганлар: паҳлавон ва полвон Зефос улкан ва залвар тошларни қўлида ташиб келган, моҳир машшоқ Амфион эса, ўз тори садоси остида ул тошларни ҳаракатта келтириб, деворга ўрнаттган. Яна бир Амфион – Беотиядаги Орхомен шахрининг шохи, Несторнинг бобоси.

Амфитея – Автоликнинг хотини, Одиссейнинг она томондан бувиси.

Амфитрион – Алкменанинг эри, уни Гераклнинг отаси деб ҳисоблаганлар (қаранг: *Алкмена*).

Амфитрита – денгиз маъбудаси, Посейдоннинг хотини.

Антиклея – Автолик билан Амфитеянинг қизи, Одиссейнинг онаси.

Антилоҳ – Несторнинг катта ўғли, Троя жанги қатнашчиси; Патроклнинг ўлимидан кейин Ахиллеснинг энг жонажон дўсти. Урушнинг охирги кунларида кекса отасини ўз гавдаси билан пана қилган чоғда Мемнон томонидан ўлдирилади.

Антиноҳ – Евпейт ўғли, Пенелопага уйланмоқчи бўлган күёвлар ичида энг суллоҳи.

Антиона – дарё тангриси Асопнинг қизи; у Зевсдан эгиз ўғиллар – Зефос билан Амфионни туғади.

Антифат – 1) Мелампнинг ўғли, башоратчи; 2) Лестригонлар шохи; 3) Одиссейнинг итакалик дўсти.

Аполлон (Феб) – Зевс билан Латона (Лето)нинг ўғли, донишмандлик, санъат ва башорат худоси. Юнонистонда уни ҳамиша қўлида кифара (қўили чолғу асбоб) ва бошида дафна гулчамбари билан тасвирлаганлар. У камонидан ўқ отиб одамларни жадал ўлимга йўллайди. У Артемида билан эгиз туғилган. Гомер достонларида уни «чўнг мерган», «кумушкамон» деб васф қилиниши – унинг қирғин келтирувчи моҳир мерганлигига ишора.

Арго – Шу номли кемада Ясон ўз ҳамроҳлари билан заррин сурни олиб келгани Колхидага сузид боради. Бу кема «аргонавтлар» деган сўзнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Аргос – Гомер замонида Арголида деб аталган бу жой Пелопоннес вилоятида жойлашган бўлиб, кейинчалик унинг ўрнида Аргос шаҳри вужудга келган; баъзида бутун Пелопоннес «Аргос» сўзи билан ифодаланади.

Аргосликлар – Аргос ахолиси, демак. Гомер юоннларни ҳам шу сүз билан ңомлайды. Айни пайтда, у юоннларни яна «ахейлар», «данайлар» деб ҳам атайди.

Аргус – 1) Минг күэли маҳлук; Гера Зевснинг маъшуқаси Иога рашк қилиб, уни сигирга айлантиради ва Аргусни унга пойлоқчи қилиб қўяди. Бироқ Гермес Зевснинг топшириғи билан Аргусни ўлдиради; Гомер достонларида Гермесга кўпинча «аргускуш» (Аргуснинг қотили) деб нисбат берилишига сабаб ҳам шудир; 2) Одиссейнинг ити.

Аргускуш – қаранг: *Аргус*.

Арей – Зевс билан Геранинг ўғли, уруш худоси.

Арета – феаклар шоҳи Алкинойнинг хотини.

Аретуса – Итакада бир чашманинг номи.

Ариадна – Крит шоҳи Миноснинг қизи. У лабиринт ичидаги маҳлук Минотаврни ўлдиргани кириб кетаётган паҳлавон Тесейга ип учини тутқазади. Тесей Минотаврни ўлдириб, шу ип кўмагида лабиринт ичидан омон қайтиб чиқади; Тесей Ариадна билан қочиб кетади. Кенг тарқалган ривоятларда айтилишича Тесей Ариаднани Наксос оролига ташлаб кетади ва Ариадна у ерда ё тангри Дионисга хотин бўлади, ё Артемида отган ўқдан ҳалок бўлади. «Одиссея»да биз ривоятнинг бошқа талқинини кўрамиз: Артемида шахсан Диониснинг амири билан Ариаднани маҳв этади.

Аркесий – Лаэртнинг отаси, Одиссейнинг бобоси.

Артакий булоғи – лестрионлар мамлакатидаги чашма.

Артемида – Зевс билан Латонанинг Аполлон ила эгиз туғилган қизи, мангу бокира овчи маъбуда. Кейинчалик унга ой маъбудаси ва тўлғоқ тутганда кўмаклашувчи маъбуда сифатида сифина бошлаганлар. У ҳам акаси сингари камон ва ўқ билан қуролланган.

Асон – Биотиядаги дарё ва шу дарёнинг тангриси; Зефос билан Амфионнинг бобоси.

Астер («юлдуз» деган маънони билдиради) – Итака яқинидаги орол.

Асфодилон ўтлоги – марҳумлар салтанатида уларнинг руҳи сайр қиласидаги ўтлоқ.

Атлант – бузург паҳлавон; Прометейнинг акаси, санам Калипсонинг отаси. Худоларга қарши маккорона қилмишлари учун, осмон гумбазини елкасида кўтариб туришга маҳкум этилган. Кейинчалик эса, у тоғра айлантирилган ва ҳанузгача бу тоғ унинг номи билан аталади (Шимолий Африкадаги Атлас тоғи).

Атрей – Пелопснинг (қаранг: *Тантал*) ўғли; Агамемнон билан Менелайнинг отаси. У ўз акаси Фиест билан довлашиб қолиб, ниҳоятда мудҳиш жиноятга қўл уради: Фиестнинг болаларини ўлдириб, уларнинг гўшидан таом тайёрлайди ва акасига шу таомни едиради, кейин унинг тирик қолган ўғли Эгистни ўз отасини ўлдиришга даъват этади. Лекин Фиест билан Эгист Атрейнинг ўзини ўлдирадилар.

Аттика – Ўрта Юнонистондаги вилоят; пойтахти Афина.

Афина – Аттика вилоятининг асосий шаҳри, энг қадим замонлардан у Афина Палладага сигинувчи марказ бўлган. Милоддан олдинги V асрдан бошлаб бутун Юнонистон маданиятининг маркази ҳисобланади.

Афина Паллада (Афина, Афинея, Паллада) – Зевснинг калласидан туғилган қизи. Жангчи илоҳа, мангу бокира, донишмандлик маъбудаси, тўқимачилик касбининг пуштипаноҳи. Унинг доимий васфи – «шаҳлоқўз», аниқроғи «уккикўз» бўлиб, бу жуда қадим замонларда, маъбудани укки қиёфасида тасаввур қилганларидан далолат берадики, кейинчалик, укки маъбуданинг муқаддас тимсолига айланган эди. У Одиссейнинг доимий ҳомийси.

Афродита – муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси; бир мифологик ривоятга кўра – Зевс билан Дионанинг қизи, бошқа ривоятга кўра – денгиз кўпигидан бунёд бўлган. Уни яна Киприда ва Киферя деб ҳам атайдилар. Бинобарин, унга асосан Кипр ва Кифера оролларида сифинадилар ва тангридек эъзозлайдилар.

Ахейлар – энг қадими юнон қабилаларидан бири; бу қабила мамлакатнинг шимолидан келиб, унинг азалги аҳолиси – пеласгларни забт этган ва улар билан қоришиб кетган. Гомер ўз достонларида юнонларни кўпроқ «ахейлар» деб номлайди.

Ахерон – ўликлар салтанатидаги дарё; ўлганларнинг Аидга кетаётган руҳлари албатта шу дарёдан қайиқда сузиб ўтиши лозим.

Ахиллес – Троя жангининг асосий қаҳрамони, денгиз маъбудаси Фетида билан Фессалиядаги Фтия шаҳрининг шоҳи Пелейнинг ўғли. Юнон қаҳрамонларининг энг буюги; у Троя бўсағасида беҳисоб жасоратлар кўрсатади, лекин урушнинг ўнинчи йилида Приам ўғли Парис отган ўқдан ҳалок бўлади: бу ўқни тангри Аполлон Ахиллес баданидаги ягона қалтис жойга – товонига йўналтиради.

Аякс Оилей ўғли – Ўрта Юнонистонда яшовчи локр ҳалқи шоҳи; у Троя бўсағасидаги урушда ўз ҳалқига саркарда бўлади. Троя забт этилган чоғда у маъбуда Афина маъбадига беркинган Кассандра (Приам қизи)ни зўрлаб олиб кетмоқчи бўлади; лекин бу қилмиши учун Афинанинг ғазабига учрайди; маъбуда Аякснинг Троядан қайтаётган кемасига Зевс чақмоғини отади. Аякснинг ўзини эса, Посейдон юксак қояга парчинлаб қўяди.

Аякс Теламон ўғли – саламинлар шоҳи Теламон Пелейнинг оғаси бўлган (демак, Аякс билан Ахиллес – амакиваччалар). У Троя бўсағасида жанг қилган энг шавкатли қаҳрамонлардан бири. У қудрат ва жасоратда фақат Ахиллесгагина тенг келолмайди; Ахиллеснинг ўлимидан кейин у паҳлавоннинг силоҳларига эга бўлиш учун Одиссей билан баҳслашади. Лекин баҳс Одиссей фойдасига ҳал бўлади. Шунда Аякс аламдан ўз жонига қасд қилиб ўлади.

Борей – шимол шамоли

Вакх – Май тангриси Диониснинг диний номи.

Гарпиялар (ўғри санамлар) – қуюн ва ўлим маъбудалари; ривоятларга кўра, боши ва сийнаси аёлники бўлиб, кўзга кўринмай учувчи ва одамларнинг жонини ўғирловчи қушлар.

Геба – Зевс билан Геранинг қизи, инсон ҳаётининг етуклик даврини ифодаловчи мангу навниҳол илоҳа; бу давр, юнонлар таъбирича, одам

18 ёшга кирганида бошланар экан. Геба тангрилар базм қурган пайтда уларнинг хизматини қилган. Геракл боқийликка мушарраф бўлиб, тангрилар жамоасига кирганида, уни Гебага уйлантирадилар.

Гекатомба – биринчи қўшиқнинг 26-сатрига берилган изоҳга қаранг.

Гелиос – Күёш тангриси, Тонг шафаги (Эос) билан Ой (Селена)нинг акаси, титан Гиперионнинг ўғли.

Геллеспонт – Кичик Осиёни Европадан ажратиб турган бўғоз (ҳозирги Дарданел).

Гера – Крон билан Рейнинг қизи, Зевснинг опаси ва хотини, тангриларнинг сармаликаси.

Геракл – юонон мифологиясида энг севимли қаҳрамон; Зевс билан Алкменанинг ўғли. У кўп вақт Геранинг таъқибида бўлади ва шу сармалика уюштирган фитналар оқибатида, Микена шоҳи қўрқоқ ва нотавон Эврисфей қўлида хизмат қилади; унинг амри билан ўн иккита машҳур жасоратлар кўрсатади. У ер юзини мудҳиш маҳлуқлардан тозалайди, Прометейни озод қилади, ҳатто ўлим тангрисини ҳам енгади. Геракл ўлганидан кейин уни Олимпга олиб чиқиб кетадилар ва унга боқийлик ато этадилар.

Герения – (учинчи қўшиқнинг 68-сатрига берилган изоҳга қаранг).

Гермес – Зевс билан Маянинг ўғли, тангриларнинг даракчиси, тижорат ва фасоҳат тангриси. (қаранг: *Аргускуши*).

Гермиона – Менелай билан Еленанинг қизи; у Неоптолемга турмушга чиқади.

Геронтияр – оқсоқоллар.

Гефест – Зевс ва Геранинг ўғли, олов тангриси, темирчилик касбининг пуштипаноҳи ва ўзи ҳам моҳир темирчи; юонлар Гефестни ниҳоятда қудратли, аммо хунук ва иккала оёғи чўлоқ деб тасаввур қилганлар.

Гея – Ер; ер маъбудаси.

Гигантлар – Геянинг илоноёқ маҳобатли болалари; улар ғоятда улкан қудрат соҳиби бўлганлар. Гея бу болаларини худолар зарбини даф этувчи хислат билан таъминлаган. Шунга кўра, улар бутун жаҳонни забт этиш учун худолар билан ҳеч қўрқмай уруш бошлайдилар. Худолар уларни енга олмайдилар ва фоний банда Гераклни ёрдамга чақирадилар. Геракл ўз камонидан ўқ ёғдириб барча гигантларни қириб ташлайди.

Гипересия – Пелопоннеснинг шимолидаги шаҳар.

Гипересия замини – бу сўз «худуд ортидаги» ё «юқоридаги» деган маънони билдиради; у феакларнинг афсонавий ватани, кейин улар Схерияга кўчиб ўтганлар.

Гиперион – бу исм «юксакда юрувчи» деган маънони билдиради; титан; Гелиос, Селена (Ой) ва Эос (тонг шафаги)нинг отаси.

Гирей қоялари – Юнонистон архипелаги ороллари орасида сувдан қалқиб чиқиб турган қоялар. Оилем ўғли Аякснинг кемаси шу қоялар яқинида ҳалокатга учраган.

Горалар – (қаранг: *Оралар*).

Горгоналар – соч толалари илонлардан иборат бўлган қанотли мудҳиш маҳлуқлар. Гомер фақат битта Горгонани тилга олади. Медуза отли бу Горгона фоний бўлиб, уни аргослик қаҳрамон Персей ўлдиради.

Гортина – Крит оролининг жанубидаги йирик шаҳар.

Даймон – (Бешинчи қўшиқнинг 419 сатрига берилган изоҳга қаранг.)

Данайлар – Арголидада яшаган бир қабила номи. Гомер баъзан барча юоннларни ҳам шу ном билан атайди.

Девкалион – Крит шоҳи Миноснинг ўғли, Идоменейнинг отаси.

Деифоб (Дейфоб) – Приамнинг ўғли, Парис ҳалок бўлганидан кейин Еленани шунга хотин қилиб беришган.

Делос – Эгей денгизидаги орол; ривоятларда баён қилинишича, то Латонанинг Аполлон билан Артемидага кўзи ёrimагунча у мудом денгиз тўлқинларида қалқиб сузиг юрган. Делос Аполлонга сифинувчи энг муҳим марказ бўлган.

Деметра – Крон билан Реянинг қизи, ҳосилдорлик ва дехқончилик маъбудаси.

Дий – Зевснинг номларидан бири.

Диокл – Орсилохнинг ўғли, Пелопоннесдаги Фера шаҳрининг шоҳи.

Диомед – Тидей ўғли, ахейларнинг энг бузург қаҳрамонларидан бири.

Дионис – Зевс билан фоний аёл Семела (Кадм қизи)нинг ўғли. Узум токи ва май тангриси.

Дия – бир маълумотга кўра, Крит яқинидаги кичик орол, бошқа маълумотда айтилишича – Эгей денгизидаги Наксос оролининг энг кўхна адабий номи.

Додона – Эпирарадаги шаҳар, унда Зевснинг ибодатгоҳи бўлган. Ривоятларда ҳикоя қилинишича, бу муқаддас жойда одамлар эман дарахти япроқларининг шитирлаши, кабутарларнинг гув-гувлаши ва ариқдаги сувнинг шилдирашини эшишиб тангрilarнинг хоҳиш-иродасини билганлар.

Долион – Лаэртнинг қули, боғбон.

Дорийлар – Қадимги Юнонистоннинг асосий қабилаларидан бири. Бу қабила милоддан олдинги XII асрнинг бошларида Шимолий ва Ўрта Юнонистондаги Пелопоннеснинг жануби-гарбий ерларига кўчиб ўтган; кейинроқ эса улар Родос, Крит ва бошқа оролларда яшай бошлаганлар.

Дулихий – Гомернинг таърифлашича, Итакадан унча узоқ бўлмаган орол, лекин Гомер у атрофдаги ороллардан қай бирини назарда тутган – бизга маълум эмас.

Евмей – Одиссейнинг садоқатли чўчқабоқари.

Евмел – Фессалия вилоятидаги Фера шаҳри шоҳи Адмет билан Алкестиданинг ўғли. Алкестида эрининг ўрнига ўлишга рози бўлади, лекин бу пайт Адметникида меҳмон бўлиб турган Геракл Алкестидани ажал худоси чангалидан қутқариб қолади.

Евнейт – итакалик зодагон, Антиойнинг отаси.

Евр – шарқ шамоли.

Еврибат – Одиссейнинг муждачиси; Троя урушида хожасининг ҳамроҳи бўлган.

Евридика – Несторнинг хотини.

Евриклея – Телемахнинг энагаси.

Евримедонт – гигантлар шоҳи.

Еврином – Египтийнинг ўғли, Пенелопага уйланмоқчи бўлган күёвлардан бири.

Еверинома — Пенелопанинг кекса калитдори.

Европил — Трояликларнинг энг сўнгги иттифоқдоши, кетейлар шоҳи Телеф билан Приамнинг синглиси Астиоханинг ўғли; Астиоха акаси Приамнинг ваъдаларига учиб, ўғли Еврипилни Троя жангига юборади, ҳолбуки унинг бу жангдан тирик қайтмаслигини билган эди.

Еврит — машхур камонкаш. Унга камонни тангри Аполлон совға қилган, лекин Еврит бора-бора гердайиб кетиб, Аполлонни камон отишда беллашувга чақиради ва бу густоҳлиги учун тангри унинг жонини олади. Евритнинг камони унинг ўғли Ифитга тегади, сўнг Ифит уни Одиссейга туҳфа қиласди.

Евритион — кентавр, у Пирифойнинг никоҳ тўйида безорилик қиласди (қаранг: *Пирифой*).

Елена — Спарта шоҳи Тиндарейнинг қизи Леданинг Зевсдан туққан қизи. Эллададаги энг соҳибжамол аёл, Менелайнинг хотини. Приамнинг ўғли Парис Афродитани маъбуналар ичиди энг гўзали деб тан олгани учун, бу маъбуда Еленани Парис билан қовуштиришга ваъда беради. Парис Спартага боради ва Менелайнинг йўқлигидан фойдаланиб, Еленани ўзи билан қочишига кўндиради. Бундан хабар топган Менелай барча юонон қаҳрамонларини ёрдамга чақиради ва ахейларнинг беҳисоб лашкарлари Агамемнон бошчилигига Трояга қарши юриш бошлайди. Бу уруш тўққиз йил давом этади ва ўнинчи йили ахейлар ғалаба қозонадилар. Менелай Елена билан кўп саргузаштларни бошларидан кечириб, урушдан кейин саккиз йил ўтгач, ўз ватани Спартага қайтади.

Ерехтей — Афинанинг қадимги афсонавий шоҳи, Гея (Ер)нинг авлоди.

Ехем — фоний бандалар күшандаси, бадқаҳр одамхўр; у фақат Эпирадагина ҳукмронлик қилган. Гомердан олдинги мифологияда у ўлим тангриларидан бири ҳисобланган.

Закинф — Иония денгизидаги Итакадан жануброқда жойлашган орол.

Зам — Иония денгизидаги орол, — Кефалления (ҳозирги Кефалиния) бўлса керак.

Занжилар — (қаранг эфиоплар).

Зевс (Зевес) — Крон билан Реянинг ўғли; у ўз отасини таҳтдан ағдариб, бутун жаҳонга ҳукмронлик қила бошлаган. Зевс — тангрилар ва бандалар шоҳи, осмон, момақалдироқ ва чақмоқлар худоси, олий адолатпаноҳ, ибодат қилувчилар ва мусофиirlар ҳомийси.

Зефир — Фарб шамоли.

Идоменей — Девкалионнинг ўғли, Крит оролидаги Кнос шаҳрининг шоҳи, Троя урушида критликлар саркардаси.

Икарий — Тиндаренинг акаси, у Спартадан қувилиб, Акарнанияда истиқомат қилган; Пенелопанинг отаси.

Ил — Приамнинг бобоси; у Трояннинг шоҳи бўлган; Бу шаҳар Илнинг шарафига Илион деб ҳам юритилади.

Илион — (қаранг Троя).

Илифия қояси — тўлгоқ тутганда кўмаклашувчи маъбуда Илифияга бағищланган қоя.

Ино – (қаранг *Левкотея*).

Иолкос – Фессалияда денгиз бўйидаги шаҳар; аргонавтлар ўз сафарларини шу ердан бошлаганлар.

Ир – (Ўн саккизинчи қўшиқнинг 6-сатрига берилган изоҳга қаранг).

Исмар – киконларнинг Фракиядаги пойтахти; Исмар ўз шароблари билан донг таратган.

Итак – қаҳрамон; Итака ороли унинг номига қўйилган.

Итака – Одиссейнинг ватани, Иония денгизида, Юнонистоннинг гарбий соҳили яқинига жойлашган ҳаммаёғи тоф кичкина орол.

Итилос – (қаранг *Аида*).

Ификлес – 1) Гераклнинг фоний укаси; у акасига унинг кўп ишларида кўмаклашган; 2) Филакия шоҳи (қаранг: *Меламп*).

Ифит – Евритнинг ўғли; у Одиссейнинг меҳмони бўлганида унга машхур камон совға қилган. Уни Геракл ўлдирган.

Ифтима – Икарийнинг қизи, Пенелопанинг опаси.

Кавконлар – Пелопоннеснинг гарбига яшаган энг қадимий юон қабилаларидан бири.

Кадм – Финикия шоҳи Агенорнинг ўғли ва Зевс ўғирлаб кетган Европанинг акаси. Агенор уни синглисини қидириб топгани жўнатади. Лекин Кадм Европани топа олмайди. Шунда у Делфа ибодатхонасининг коҳини башорати билан бир сигир кетидан эргашиб кетиб, у бориб тўхтаган ерда шаҳар барпо қиласди. Бу Беотиянинг Фива шаҳри эди. (Беотия – «сигиробод» деган маънони билдиради.) Диониснинг онаси Семела ҳамда Левкотея – Ино Кадмнинг қизлари бўлган.

Калипсо – Атлантичеснинг қизи; Огигия ороли санами.

Кастор ва Полидевк – Леданинг ўғиллари. Еленанинг акаси ва укаси; Полидевк Зевс фарзанди бўлгани учун боқий банда эди. Лекин Тиндарнинг ўғли бўлмиш Кастор – фоний банда эди. Бу оға-инилар ҳамиша бирга бўлишган, жангларда биргаликда жасорат кўрсатишган. Кастор ўз амакивачаси Ид билан олишиб ҳалок бўлганида, Полидевк ўз боқийлигини у билан баҳам кўришга тангрилардан ижозат олади. Шундан кейин бу оға-инилар умрларининг бир кунини Олимпда ўтказишса, бир кунини Аидда ўтказадилар; уларни худди тангрилардек иззат қилганлар.

Кассандра – Приамнинг башоратгўй қизи. Бу фазилатни унга Аполлон ато этган. Бироқ қиз Аполлоннинг севгисини рад этади. Шунда тангрининг дуоибади билан одамлар Кассандранинг доимо тўғри айтган башоратига ишонмаганлар. Агамемнон уни асира қилиб ўз юртига олиб кетади. Лекин бу коҳина у ерда Агамемнон билан биргаликда Клитемнестра ва унинг ўйнаши Эгист томонидан ўлдирилади.

Кералар – (қаранг: *ҳарпиялар*).

Кетейлар – Кичик Осиёдаги бир қабила.

Кефалления (Кефалленья) – Таркибида Итака, Зам, Закинф, Дулихий ороллари бўлган бир гуруҳ оролларнинг умумий номи.

Кидонлар – Крит оролидаги қабила.

Киконлар – Фракиядаги қабила.

Киллена – Аркадиядаги тог; Гермес ўша ерда туғилган.

Киммерийликлар – Ҳамиша зулмат буркаган узоқ шимолдаги мамлакатда яшаган афсонавий қабила.

Кипр – Ўрта Ер денгизи шарқидаги орол; бу оролдаги Пафос шаҳрида Афродитанинг энг кўхна ибодатгоҳи бўлган.

Киприда – Афродитанинг тахаллуси; ривоятларга кўра, у денгиз кўпиги орасидан чиқиб, даставвал Кипр заминига қадам қўйган эмиш.

Кифера – Пелопоннес яқинидаги орол; бу орол Афродитанинг Киферея деб аталувчи ибодатхонаси билан машҳур.

Климена – Филакия шоҳи Ификлеснинг онаси.

Клит – Мантийнинг ўғли; Эос уни севиб қолади ва ўғирлаб кетиб, унга боқийлик баҳш этади.

Клитемнестра – Леда билан Тиндарнинг қизи; Агамемноннинг хотини (қаранг: *Orest*).

Кнос – Крит оролидаги шаҳар, афсонавий шоҳ Миноснинг пойтахти.

Коракс қояси – Итака соҳилидаги «қарға қояси».

Коцит – Аид салтанатидаги дарёлардан бири, *Стикснинг* (қаранг) ирмоғи.

Кратейя – куч-қудрат манбаи; Сиилланинг онаси.

Креон – Беотиядаги Фива шаҳрининг шоҳи.

Крефей – Эолнинг ўғли, Фессалия шоҳи.

Крит – Ўрта Ер денгизидаги улкан орол, қадимги юонон маданиятининг маркази; бу марказ Гомер давридан жуда илгари ҳам мавжуд бўлган.

Крон – Зевснинг отаси. Афсоналарда баён қилинишича, энг аввал жаҳонга Уран – Само ҳукмронлик қилган. Ундан Гея – Ер титанларни (қаранг) туққан. Мана шу титанлардан бири – Крон отаси Уранни таҳтдан ағдариб, жаҳонга ҳоким бўлади; унинг ҳукмронлик даври олтин давр деб юритилади. Лекин Крон хотини Рея туғиб берәётган ўз фарзандларидан биронтаси уни таҳтдан ағдариши мумкинлигини ўйлаб, қўрқанидан, ҳар битта туғилган боласини чақалоқлигига ютиб юбораверади. Шу зайлда у ўз фарзандлари: Гестия, Гера, Деметра, Аид ва Посейдонни ютади. Кенжа фарзандидан ҳам жудо бўлишига кўзи етган онаизор Рея Крит оролидаги теран форга бориб кўзи ёрийди ва чақалогини ўша ерга яшириб, Кронга йўргакланган узун катта тош узатади. Крон тошни ютиб юборади. Ўша асрар қолинган чақалоқ Зевс эди. У ўсиб улғайгач, отасини таҳтдан ағдараради, унинг қорнидан aka ва опаларини чиқариб қутқаради-да, ўзи жаҳонга ҳоким бўлади.

Круна – Пелопоннеснинг жануби-гарбидаги ҳудуд.

Ктесипп – Зам оролидан Пенелопага совчи бўлиб келган бой күёв.

Ктимена – Одиссейнинг кичик синглиси; у эри билан Итакага қўшни бўлган Зам оролида истиқомат қилган.

Лакедемон – Пелопоннеснинг жануби-шарқидаги вилоят; унинг пойтахти Спарта; шоҳ Менелай салтанати.

Лапифлар – Фессалияда яшаган афсонавий ҳалқ.

Латона (Лета) – Зевсдан Аполлон билан Артемидани туққан маъбуда.

Лаэрт – Одиссейнинг отаси.

Левкада (левкос — «оқ» сүзидан олинган) — энг чекка гарбда, Аид салтанатига кираверишда қад күттарған афсонавий «оқ қоя».

Левкотея — денгизнинг «оқбадан» маъбудаси, кўпикли тўлқинлар илоҳаси. У илгари Кадмнинг қизи, Семеланинг синглиси фоний аёл Ино эди. Ино Кадмнинг қизи, Семеланинг синглиси бўлган. Сармаъбуда Гера эри Зевснинг Семелага ошиқ бўлганига рашки келиб, унинг барча қариндошларидан нафратланади, Инони жинни қилиб қўяди ва у кичик ўғли Миликертни қўлига олганча, ўзини денгизга отади. Лекин тангрилар уни денгиз маъбудасига, ўғлини эса дельфинлар чўпони тангри Палемонга айлантирадилар.

Леда — Этолия шоҳи Тестийнинг қизи, Тиндарнинг хотини; у Тиндардан Клитемнестра билан Кастрорни, Зевсдан эса Елена билан Полидевкни туқсан.

Лемнос — Эгей денгизидаги орол; афсоналарда айтилишича, у ерда тангри Гефестнинг темирчиллик устахонаси, демакки бу тангрига сифиниш маркази бўлган.

Лесбос — Эгей денгизида катта бир орол.

Лестригонлар — афсонавий жуда дароз, одамхўр халқ.

Лета — (қаранг: *Латона*).

Ливия — Африканинг шимоли-ғарбий қисми.

Локр эли — Ўрта Юнонистонда яшовчи халқ.

Лотофаглар — (таржимаси: нилуфархўрлар.) Лотос, яъни нилуфар еб кун кечириувчи афсонавий халқ.

Майя — Атлантнинг қизи, санам, Зевснинг маъшуқаси бўлиб, ундан Гермесни туқсан.

Малея — Пелопоннес жанубида денгизга туртиб чиқсан тоғли бурун.

Мантий — Мелампнинг ўғли; унинг исми «башоратгўй» деган маънони билдиради.

Мантия — юнонларнинг оддий иссиқ плашчи бўлган хленани Жуковский шундай таржима қилган. Бу плашч *хитон* (қаранг) устидан кийилган.

Марафон — Аттика соҳилидаги кичик шаҳар.

Мегапент — Менелайнинг оқсоқ қиздан туғилган ўғли.

Мегара — Гераклнинг хотини; Гера Гераклни жиннилик дардига мубтало қилганида унинг тутқаноги тутиб Мегарадан туғилган ҳамма болаларини ўлдириб қўяди.

Медонит — Итака фуқароси; Одиссейнинг удайчиси; у йўқлигига куёвларнинг хизматини қилишга мажбур бўлади, лекин Телемах ва Пенелопага доим содик қолади.

Меламп (тўғрироги «Мелампод», яъни «қораоёқ») — машҳур башоратгўй, бир қатор соҳибкораматлар авлодининг бобокалони. Унинг фаолияти тўғрисида XI қўшиқнинг 293-сатридан бошлаб ўқишининг мумкин.

Меланфий — Одиссейнинг кули; у жулдор кийимда ватанига қайтган соҳиби Одиссейни танимайди ва уни ҳақорат қилиб калтаклайди. У Пенелопанинг куёвларига лаганбардорлик қилади; Одиссей куёвлардан ўч олишга киришганида Меланфий уларни қурол-яроқ билан таъминтайди. Бу хоинлиги учун Одиссей уни ўлдириб, жасадини итлар олдига ташлайди.

Меланфо – Пенелопанинг жорияси; адабсиз, беҳаё қиз.

Мемнон – Эфиоплар (занжилар) шоҳи, маъбуда Эоснинг ўғли. У Троя урушининг ўнинчи йили Приамга кўмаклашгани келади. Мемнон иқтидори беназир паҳлавон эди, унинг силоҳ-совутларини ҳам, Ахиллесники сингари, Гефест ясад берган эди. Мемнон жангда жуда кўп ахейларни, шу жумладан *Антилохни* ҳам (қаранг) маҳв этади. Фақат шундан кейинги Ахиллес уни ўлдиришга чоғланади, чунки у Мемнон билан бўладиган яккама-якка жангдан кейин ўзининг ҳам паймонаси тўлишини яхши биларди, шунинг учун ҳам у занжилар шоҳи билан олишишдан ўзини олиб қочиб юради. Занжилар шоҳи Мемнон ҳақидаги воқеа «Илиада»га ҳам, «Одиссея»га ҳам кирмаган; буни биз «Илиада»нинг давоми бўлмиш «Эфиопиада» достони баёнидан биламизки, достоннинг ўзи бизга етиб келмаган.

Менелай – Атрейнинг ўғли, Агамемноннинг укаси, Еленанинг эри (қаранг: Елена).

Ментес – тафосликлар шоҳи; у бир пайтлар Одиссей билан меҳмоннавозлик қилган.

Ментор – Алкимнинг ўғли, Одиссейнинг энг қадрдон тенгқур дўсти. Маъбуда Афина унинг қиёфасига кириб, Телемахнинг саёҳати пайтида унга ҳомийлик қиласи ва насиҳатлар беради.

Мессена – Пелопоннесдаги Мессения вилоятининг марказий шаҳри.

Микена – Гомер замонида Арголида вилоятининг бош шаҳри, Агамемнон салтанатининг пойтахти бўлиб, бу шаҳар қаҳрамон аёл Микена шарафига шундай деб номланган. Микена шаҳрида олиб борилган қазилмалар Юнонистон тупроғида энг қадимий нодир маданият ёдгорликлари бўлганини кўрсатди.

Мимант – Кичик Осиё соҳилидаги тог.

Минос – Зевс билан малика Европанинг ўғли. У бағоят доно, адолатли шоҳ бўлган. Шу сабабли, ўлганидан кейин у Аид салтанатида ҳакам этиб тайинланган. Минос Троя бўсағасида жанг қиласи ва критликлар саркардаси Идоменейнинг бобоси бўлган.

Мирмидонлар – Пелей ва Ахиллеснинг салтанати Фессалия Фтиясида яшаган қабила. Ривоятларда баён қилинишича, Ахиллесни бобоси Эак, Гера юборган ўлат пайтида бутун хал-қидан жудо бўлган; лекин унинг илтижосига кўра, падари Зевс чумолиларни одамларга айлантирган; шунинг учун ҳам, янги вужудга келган халқни «мирмидонлар» деб атай бошлаганлар («мирмекс» – юнон тилида «чумоли» демакдир).

Миср – 1) мамлакат; 2) Нил дарёси.

Мойралар – қисмат маъбуналари. Гомер фақат битта Мойрани – барҳақ ёзиқ маъбудасини тилга олади. Анча кейинги ривоятларга кўра, Мойралар учта бўлган: а) Клото – ҳаёт ипини йигиради; б) Лахесис – қарамай туриб одам қисматига тушган қуръани олади; в) Атропос – ҳаёт ипини узади.

Муза – қўшиқ, куй, мусиқа, рақс, шеърият маъбудаси. Музаларнинг анъанавий сони – тўққизта. Улар Парнас тогида истиқомат қиласидилар. Ҳар бир Муза санъатнинг муайян бир турига ҳомийлик қиласи. Музалар отаси – Зевс, онаси – хотира маъбудаси Мнемозина. Гомер аксар пайт

бир Музани тилга оладики, бу Муза санъатнинг барча турларини ўзида мужассам қылган, бинобарин бу Музадан илҳом олган санъаткор ҳам барча нарсадан воқиф бўлади.

Навсекая – феаклар шоҳи Алкиной билан малика Аретанинг қизи.

Навсифой – Посейдоннинг ўғли, феаклар шоҳи, Алкинойнинг отаси; унинг подшолик даврида феак аҳли Гипериядан Схерияга кўчиб ўтган. Унинг исми «абжир дарға» деган маънони билдиради.

Наядалар – чашма ва дарёларнинг санамлари.

Неера – Океаннинг қизи, Гелиос – Қуёшнинг маъшуқаси; у Гелиосдан Фаэтуса ва Лампетия исмли қизларни тукқан.

Нейон – Итакадаги Нерион тогининг бир тармоғи.

Нелей – Посейдоннинг ўғли, Пилос шоҳи, Несторнинг отаси.

Неоптолем – Ахиллеснинг ўғли. Ривоятларда баён қилинишича, Фетида, ўғли Ахиллеснинг қисматига Троя жангига ҳалок бўлиш ёзилганини билади ва уни қизлар либосида Скирос оролининг шоҳи Ликомеднинг саройига, унинг қизлари орасига яширади. Бу ерда Ахиллес шоҳнинг Дайдамия исмли қизини севиб қолади. Ахиллес Троя жангига жўнаб кетганидан кейин Дайдамиянинг кўзи ёриб ўғил кўради; чақалоққа Неоптолем деб исм қўядилар. Ахиллес Троя жангиҳида ҳалок бўлганидан кейин Одиссей билан Диомед Неоптолемни ҳам Троя жангига олиб борадилар. Йигит ахейлар қўшини сафида мардона жанг қилади. Урушнинг охирги кунлари у қаттиқ шафқатсизлик қўрсатиб, шоҳ Приамнинг кўпчилик болаларини, ҳаттоқи шоҳнинг ўзини ҳам ўлдиради.

Нерей – денгиз қарияси; Понт – Денгиз билан Гея – Ернинг ўғли.

Нерикон – Акарнания вилоятидаги шаҳар.

Нерион – Итакадаги ўрмон билан бурканган төғ; тогнинг номи шу исмли қаҳрамон номига қўйилган.

Нестор – Пилос шоҳи; Троя жангига қатнашган саркардаларнинг энг кексаси; у донишмандлиги ва сўзамол фосиҳтиги билан элга машҳур бўлган.

Ном – жануб шамоли.

Огигия – жуда узоқ гарбдаги афсонавий орол; у ерда маъбудалар маъбудаси Калипсо яшайди.

Одиссей – Итака оролининг шоҳи, Лаэрт билан Антиклеянинг ўғли; Троя урушининг қаҳрамонларидан бири.

Океан – 1) Ер курраси бўйлаб мангу оқиб турувчи дарё. Океандан нарида – нариги дунё – Аид жойлашган; 2) тангри Океан – титан; у Уран – Само ва Гея – Ернинг ўғли, Кроннинг акаси.

Олимп – боқий тангрилар маскани бўлмиш афсонавий төғ. Олимпни Фессалиядаги юксак тоққа қиёс қиладилар.

Оралар (хоралар) – йил фасллари маъбудалари. Олимп соқчилари; улар арши аълодаги булутлардан вужудга келган қопқа (дарвоза)ларни гоҳ очиб, гоҳ ёпиб турадилар.

Орест – Агамемнон билан Клитемнестранинг ўғли. Отаси қатл этилганидан кейин у мусофириликда ўсиб улғаяди, катта бўлиб кучга

тұлғач, қайтиб келиб отасининг қотиллари – ўз онаси ва унинг ййнаши Эгистдан қасд олади.

Орион – паҳлавон овчи, Эоснинг маҳбуби; у Артемида отган камон ўқидан ҳалок бўлади. Юлдузлар буржидан бири унинг номига қўйилган.

Ортигоя – маъбуда Артемидага сигинувчилар яшайдиган афсонавий орол.

Ортилоҳ – тангри Алфейнинг ўғли, Фера (Пелопоннес) шоҳи Диоклейнинг отаси.

Орхомен – Беотиядаги шаҳар. Аркадиядаги бошқа Орхомен шаҳридан фарқ қилиш учун, уни Юнонистонда яшовчи минийлар қабиласи шарафига «минийлар Орхомени» деб аташган.

Осса – 1) Фессалияда Олимп яқинидаги бир тоғ; 2) Зевс амрини овоза қилувчи тангри.

Отос ва Эфиалт – Ифимедея билан Алоейнинг ўғиллари (бошқа ривоятлар бўйича, улар Ифимедея билан Посейдоннинг фарзандлари). Бу болалар тўққиз ёшга кирганида, мудҳишона бўй ва қудратлари билан ўзгалардан ажралиб турганлар; бу ака-укалар зиндонга ташлаган тангри Арейни фақат Гермесгина озод эта олган. Отос билан Эфиалт Пелион тоғини Осса тоғи устига қўндириб, шу йўл билан Олимпга чиқмоқчи бўлишган. Лекин Аполлон уларнинг бу шум нияти олдини олиб, икковини ўз камони ўқи билан маҳв этган.

Пандар – Эфес шоҳи; у Зевснинг Критдаги муқаддас ибодатгоҳидан олтин итни ўғирлайди. Бу қилмиши учун тангрилар уни ва хотинини ажали етмасдан ўлдирадилар. Уларнинг икки қизи Клеотера билан Меропани тангрилар Олимпга олиб чиқиб кетадилар ва тарбиялайдилар; бироқ қизларнинг бўйи етиб, уларни эрга бериш пайти келгандা, Зевс уларни ҳам оталари қилган гуноҳ учун ўлдиради.

Паноней – Фокидадаги шаҳар.

Парнас – Аркадиядаги ўрмонли тоғ, шу тоғда Одиссейни ёввойи тўнғиз яраган эди; кейинроқ тўқилган ривоятларда айтилишича, Парнас тоғи Музалар маскани бўлган, шунинг учун ҳам Парнас қадимда шеърият рамзи бўлган.

Патрокл – Ахиллеснинг энг қадрдан дўсти; Троя жангидаги у Гектор томонидан ўлдирилган.

Пафос – Кипрдаги шаҳар; у ерда Афродитанинг машҳур ибодатхонаси бўлган.

Пеан – энг қадимги шифокор тангри.

Пеласглар – Юнонистоннинг энг қадимий ҳалқи; бу ҳалқ ахейлардан олдин яшаб ўтган.

Пелей – Эакнинг ўғли, мириидонлар шоҳи. Уни денгиз қарияси Нерейнинг қизи Фетидага уйлантирадилар. Уларнинг никоҳ тўйига низо маъбудаси Эридадан бошқа ҳамма илоҳлар таклиф этилади. Бу ҳолдан қаттиқ ранжиган Эрида тўй маракасига кириб келиб, сиртига «энг соҳибжамол маъбудага» деб ёзилган олтин олмани стол устига ташлайди. Бу олма устида унга маъбуда: Гера, Афина ва Афродита тортишиб қоладилар. Улар баҳсни ажрим қилиш учун Троя шаҳзодаси Парисга мурожаат

қиладилар. Парис Афродитани афзал кўради, чунки у Парисга дунёда энг гўзал аёлнинг севгисини ваъда қилган эди. Афродита Парисга Еленани ўғирлаши учун имкон яратиб берадики, бунинг оқибатида Троя жанги бошланиб кетади. Пелей билан Фетидадан Ахиллес дунёга келади.

Пелиас – Посейдон билан Тиронинг ўғли. У ўз акаси Эсонни таҳтдан ағдариб, Иолкасга ўзи шоҳ бўлиб олади; Эсоннинг ўғли Ясон ундан ҳокимиятни қайтариб беришни талаб қилади; шунда Пелиас жиянини заррин сурни олиб келиш учун Колхидага юборади (аргонавтлар сафарини эсланг).

Пелион – Фессалияда, Олимпдан ва Оссадан йироқ бўлма-ган тоғ.

Пелопоннес – Болқон ярим оролининг жанубидаги ярим орол.

Пенелона – Икарийнинг қизи, Одиссейнинг хотини.

Пера – Нелейнинг қизи, Несторнинг синглиси. Соҳибкаромат Мелампнинг укаси Биант унга уйланмоқчи бўлади, лекин Нелей: «қизимни Филакия шоҳи Ификлнинг сигирлари подасини менга ҳайдаб келган одамгагина турмушга бераман», деб эълон қилади. Меламп бу ишни бажариб укасини Перага уйлантиради.

Персефона – Зевс билан Деметранинг қизи. Уни Аид ўғирлаб кетиб ўзига хотин қилиб олади; теран ғамга ботган Деметра қизини қидириб бутун ер юзини кезиб чиқади; бу пайтда экинзорларда ҳеч нима унмайди. Бу ахволни кўрган Зевс Деметрага тасалли бериш учун, бундан буён Персефона ярим йил Олимпда, ярим йил Аидда яшайди, деган қарорга келади. Персефона ҳақидаги ривоятни табиатнинг қишида ўлиб, баҳорда жонланиши рамзи деса бўлади.

Пилос – Нестор давлатининг пойтахти. Пелопоннеснинг жанубидарбидаги денгиз соҳилига жойлашган шаҳар.

Пирей – Телемах билан Пилосга бориб келган унинг энг яқин дўсти.

Пирифлегетон – Аид салтанатида олов дарёси.

Пирифой – Фессалияда яшаган афсонавий ҳалқ – лапифларнинг шоҳи. Тесейнинг дўсти ва сафдоши. Унинг никоҳ тўйида маст бўлиб қолган кентаврлар лапиф аёлларига ташланиб, уларни ўғирламоқчи бўладилар. Бу ҳол лапифлар билан кентаврлар ўртасида мудҳиш қонли жанг бошланишига сабаб бўлади. Кейин Piрифой Персефонани ўғирлаб чиқиш ниятида дўсти Тесей билан биргаликда Аид салтанатига тушади, лекин бу иккала қаҳрамон ҳам у ерда Аид таклиф қилган ноёб курсиларга ўтириб, уларга ёпишиб қоладилар. Аид дарвозасида пойлоқчилик қилиб турган уч бошли кўпрак Церберни ўғирлаб чиқиш учун бу ўликлар салтанатига тушган Геракл Тесейни озод қилади, аммо Piрифой ноёб курсига ёпишганча Аидда қолиб кетади.

Писистрат – Несторнинг кенжা ўғли.

Пифий – илон Пифонни ўлдириган Аполлоннинг лақаби. Илон ўлдирилган жой – Делфада Пифий ибодатхонаси бўлган.

Полиб – Менелай хотини Елена билан жаҳонгашталик қилиб юрганида, уларни ўз уйида меҳмон қилган мисрлик бой.

Поликтор – Итаканинг энг қадимги қаҳрамони.

Полифейд – Меламп авлодидан бўлган башоратгўй.

Полуфем – циклоп; Посейдон билан санам Фоосанинг ўғли; Одиссей унинг кўзини кўр қилади.

Понтоной – Феаклар шаҳридаги жарчи.

Посейдон – денгизлар тангриси, Крон билан Рейнинг ўғли, Зевснинг акаси; лақаби зилзилакор.

Приам – Троя шоҳи, пири бадавлат қария, эллик ўғил ва эллик қизнинг отаси; Парис, Гектор, Деифоб, Кассандра шулар жумласидан.

Прокрида – Афинанинг энг биринчи шоҳи Ерхтейнинг қизи, овчи Кефалнинг хотини; Кефал уни бехосдан ўлдириб қўяди.

Протей – ўз қиёфасини ўзгартириш лаёқатига эга бўлган соҳибкаромат денгиз қарияси.

Псира – Эгей дengизида кичик бир орол.

Радамант – Зевс билан Европанинг ўғли, Миноснинг акаси; у соҳибадолат бўлгани учун, ўлганидан кейин тангрилар унга мангу масъуд ҳаёт ато этадилар ва марҳумларни суд қилиш хуқуқини берадилар.

Ретра – Итакадаги кўрфаз.

Рея – Уран – Осмон билан Гея – Ернинг қизи, Кроннинг синглиси ва хотини.

Салмоней – Фессалия шоҳи, Эолнинг ўғли, Тиронинг отаси. У ўзини тангри Зевс қилиб кўрсатиш учун жангаробада юриб, машъалларни чақмоқ қилиб кўрсатишга, тунукани чалиб момақалдироқ овозини беришга урунади. Бу қилмиши учун Зевс уни ўлдиради.

Самос – Кичик Осиё яқинидаги орол; бу ерда Герага сигинганлар.

Санамлар – табиат кучини гавдалантирувчи майда илоҳалар. Улар ўрмонларда (дриадалар), тоғларда (ореадалар), жилғалар ва дарёларда (наядалар) яшайдилар. Юнонлар санамларни гўзал навниҳол аёллар қиёфасида тасаввур қилганлар.

Секания (Секанья) – Сицилия.

Секемлар – Сицилиянинг энг қадимги аҳолиси.

Сидон – Финикияда йирик тижорат шаҳри. Сидония – Финикия; Сидонликлар – финикияликлар.

Сизиф – Коринфнинг ҳийлагар, айёр шоҳи; у ҳатто, жонини олгани келган Ажални ҳам занжирбанд қила олган. Тангриларга қарши қилган жиноий ишлари учун уни ер ости салтанатида оғир харсанг тошни тинимсиз равишда тоғ бошига думалатиб олиб чиқишга маҳкум этганларки, ҳар сафар у, энди чўққига етдим, деганида тош яна пастга думалаб тушиб кетаверган.

Синтийлар – Лемнос оролининг афсонавий ҳалқи.

Сира – афсонавий орол.

Скирос – Эгей дengизидаги орол.

Солим тоғлари – Кичик Осиёда солим қабиласи ютидаги тепаликлар.

Спарта – Пелопоннес ярим оролидаги шаҳар, шоҳ Менелайнинг пойтахти.

Стикс – ер ости салтанати Аиддаги дарёлардан бири; тангрилар шу дарё суви ҳаққи қасам ичганлар; бу энг мудхиш қасам ҳисобланыб, уни бузышга ҳеч бир жонзот ҳам, тангри ҳам журъат эта олмаган.

Суний – Аттика қирғоздаги бурун.

Схерия – Феак аҳли яшаган орол. Баъзи тадқиқотчилар уни афсонавий орол деб ҳисоблашса, бошқалари уни ҳозирги Корфу оролига қиёс қиласылар.

Сцилла – афсонавий денгиз маҳлүки.

Тайгет – Пелопоннесда ўрмон билан қопланған тог чўққиси.

Талант – Қадимги Юнонистонда оғирлик ўлчови; кейинчалик кумуш ё олтин таланти пул бирлиги ҳисобланған. Гомер давридаги таланттинг аниқ қиймати бизга маълуммас.

Тантал – Кичик Осиёдаги Сипила (Фригия) шаҳрининг шоҳи, ниҳоятда айёр ва очкӯз одам. У тангрилар билан иноқ бўлган ва кўп марта уларнинг зиёфатларида бўлган. Лекин неча мартараб Зевсга қарши жиноятлар қилган: тангрилар тановул қиласидаги оби ҳаёт ва хушбўй анбар таомларни ўғирлаган, илоҳий сирларни элга овоза қилган. Бир куни у тангриларнинг қанчалик сезгиригини синамоқ учун, тановул пайтида уларнинг олдига ўз ўғли Пелопснинг гўштини қўяди. Тангрилар буни сезиб, болани тирилтирадилар, Тантални эса Аидда абадул-абад азоб чекишига маҳкум этадилар. Пелопс ҳам жинояткорликда отасидан қолишмайди ва тангриларнинг қарғишига учрайди; бу қарғиш оқибатида унинг авлоди ҳаётида қонли фожиалар юз беради: амакиси Атрей билан отаси Фиест бир-бири билан довлашиб қолиб, жиноятга қўл урадилар, улардан кейинги авлод даврида Агамемнон ўлдирилади, яна кейинги босқичда Орест ўз онаси Клитемнестрадан қасос олади.

Тартар – ер ости салтанати Аиднинг энг тубан қатлами; тангрилар у ерга ашаддий душмаларини ҳибс этганлар.

Тафосликлар – Итаканинг рўпарасидаги Акарнания вилоятининг гарбий соҳилида яшаган қабила.

Телегон («Узоқда туғилган», деган маънени билдиради) – афсунгар санам Цирцея билан Одиссейнинг ўғли; у Одиссей Эя оролидан жўнаб кетганидан кейин туғилган.

Телемах – Одиссей билан Пенелопанинг ўғли. Унинг исми «Узоқда жанг қилувчи» деган маънени билдиради.

Темеса – Жанубий Италиядаги шаҳар.

Тенедос – Троядан унча узоқ бўлмаган кичик бир орол; ахейлар ичига энг жасур йигитлар яширинган улкан ёғоч отни Троя соҳилида пистирмада қолдириб, ёлғондакам чекинишганда шу оролга беркинишган.

Тесей – Худди Геракл сингари кўп жасоратлар кўрсатган, ўз ватанини баҳайбат маҳлуқлардан ва қароқчилардан тозалаган қудратли паҳлавон. Тесей – Афина шоҳи Эгейнинг хотини Эфра билан Посейдоннинг ўғли ҳисобланған, ўзи ҳам Афинада подшолик қилган.

Тидей – Калидония шоҳи Ойнейнинг ўғли; ўзи Аргос шоҳи бўлган.

Тиндар – Спарта шоҳи, Леданинг эри, Клитемнестра ва Кастроннинг отаси.

Тиресий – кўзи кўр машхур башоратгўй; у Фивада Эдипнинг (қаранг) жиноятини фош қиласи.

Тиро – Салмонейнинг қизи, Фессалия шоҳи Крефейнинг хотини. У Посейдондан Пелиасни ҳамда Несторнинг отаси Нелейни, ўз эри Крефейдан Эсон, Ферет ва Амифаонларни туққан.

Титанлар – Уран билан Геяning болалари. Кроннинг оға ва инилари. Зевс ўз отаси Кронни таҳтдан ағдарганида, титанлар Кронни ҳимоя қилиб исён кўтарадилар, лекин улар ёш тангрилардан мағлубиятга учрайдилар ва ҳаммалари *тартар* (қаранг) қаърига ҳисб этиладилар.

Титий – Ер ўғли, энг даҳшатли баҳайбат зот. У куч ишлатиб Латонани зўрламоқчи бўлганида Аполлон ва Артемида уни ўлдирадилар; Аид даргоҳида у фоят мудҳиш азобларга мубтало бўлади.

Тифон – тонг маъбудаси Эоснинг маҳбуби, Лаомедоннинг ўғли, Приамнинг оғаси, Мемноннинг отаси. Эос Тифонни ўғирлаб самога олиб чиқиб кетади ва уни Олимпда боқийликка мушарраф этадилар.

Тринакрия – Сицилиянинг бошқа номи («уч қиррали» деган маънони билдиради). Кейинчалик Гелиоснинг подалари ўтлоги бўлган афсонавий Тринакрия оролини Тринакрияга қиёс қилганлар.

Тритогена – маъбуда Афинанинг номларидан бири; маъноси аниқ эмас.

Троя (Илион) – Кичик Осиёда Скамандр дарёси бўйига жойлашган шаҳар. Шоҳ Приамнинг ўғли Парис Еленани ўғирлаб ота юрти Трояга олиб қочиб келади; бунинг оқибатида иттифоқдош юонон қўшинлари Трояга ҳужум бошлайдилар. Ўн йил давом этган қамалдан сўнг ёғоч от билан қилинган найранг ёрдамида шаҳар забт этилиб вайрон қилинади.

Уран – Осмон тангриси, Гея (Ер)нинг эри, титанларнинг отаси ва оламнинг энг биринчи подшоҳи; уни ўғли Крон таҳтдан ағдаради.

Фарос – Ўрта Ер денгизидаги орол; у Мисрнинг қўшниси.

Феа – Элида вилоятида денгиз бўйидаги шаҳар.

Феаклар – Гиперия заминидан Схерияга кўчиб ўтган афсонавий баҳрий масъуд халқ.

Феб – Аполлоннинг диний исми.

Феба – Артемиданинг диний исми.

Федим – Финикия шоҳи.

Федон – феспротлар шоҳи.

Федра – Тесейнинг хотини; у ўзининг ўгай ўғли (Тесейнинг ўғли) Ипполитни яхши кўриб қолади, лекин Ипполит Федранинг муҳаббатини рад қиласи; Федра эрига Ипполит устидан туҳмат қиласида ўзини ўзи осади. Тесей ўглини қарғаб оқ қиласи, бундай ота қарғишига чидай олмаган йигит ўз жонига қасд қиласи.

Фемий – итакалик хонанда; Терпийнинг ўғли.

Фемида – одил суд маъбудаси.

Феоклимен – Меламп авлодидан бўлган башоратгўй; у қонли интиқомдан қўрқиб Телемахнинг кемасига чиқади ва у билан бирга Итакага келади.

Фера – Пелопоннесда Пилос билан Спарта ўртасидаги шаҳар. Шу номли шаҳар Фессалияда ҳам бўлган.

Ферет – Фера шаҳрига асос солган одам; Адметнинг отаси.

Феспротлар – Эпирда яшаган юнон қабиласи.

Фессалия – Юнонистоннинг шимоли-шарқидаги вилоят.

Фест – Крит оролидаги шаҳар.

Фетида – дengиз қарияси Нерейнинг қизи, Пелейнинг хотини, Ахиллеснинг онаси; унинг васфи «кумуш оёқ». Фетида билан Пелейнинг никоҳ тўйида столга ташланган низокаш «олтин олма» устида учта маъбуда тортишиб қолади; бунинг оқибатида Троя уруши бошланиб кетади.

Фива – 1) Беотиядаги етти дарвозали шаҳар; 2) Мисрдаги юз дарвозали шаҳар – қадимги Мисрнинг пойтахти, у Нил дарёсининг ўрта оқимига жойлашган.

Фиест – Пилопснинг ўғли, Атрейнинг укаси.

Филакия – Фессалиядаги бир вилоят.

Филамиед – Лесбос оролининг шоҳи. У оролга келган ҳар бир мусофири ўзи билан муштлашишга мажбур қилган ва то ўзи Одиссейдан енгилмагунча ҳамма келганларни шу йўл билан ўлдираверган.

Филойтий – Одиссейнинг содиқ подачиси.

Филоктет – Троя юришининг қатнашчиларидан бири. Герактнинг қадрдон дўсти бўлгани учун, унинг камони ва ўқларини ўзига мерос қилиб олган. Ахейлар қўшини Трояга кетаётганида, йўлда Филоктетни илон чақиб олади, оқибат унинг бадани ёмон яра бўлиб, ундан шундай сассиқ ҳид тарқай боштайдики, лашкарлар уни ҳеч нима унмайдиган тақир Лемнос оролига ташлаб кетадилар. Бу оролда у ов билан шугулланиб ўн йил кун кечирали. Бироқ, ахейлар, Трояни Герактнинг камони ва ўқларисиз забт этиб бўлмаслигидан воқиф бўладилар; шунда улар Филоктетни Трояга олиб келиш учун унинг олдига Одиссей билан Неоптолемни юборадилар. Улар ўксиган Филоктетни авраб-савраб Троя бўсағасига бошлаб келадилар. Бу ерда табиб Махаон унинг яраларини даволайди.

Финикия – Ўрта Ер дengизининг шарқий соҳилидаги мамлакат.

Фоас Андремоний – Этолиядаги Калидон шаҳрининг шоҳи, Троя жангига қатнашчиси.

Фооса – санам; у Посейдоннинг маъшуқаси бўлган ва ундан циклоп Полифемни туққан.

Форк – дengиз тангриси, Фоосанинг отаси; Итакадаги Форки кўрфази унга баҳшида қилинган.

Фракия – Юнонистоннинг олис шимоли-шарқида Геллеспонт ва Пропонтида (ҳозирги Мармар) дengизлари соҳилидаги катта вилоят.

Фтия – миридонларнинг бош шаҳри, Пелей ва Ахиллес салтанатининг пойтахти.

Халкис – Элидадаги шаҳар.

Харипда – дengиз сувини дам ютиб, дам қусувчи маҳлуқ.

Хариталар – гўзаллик, назокат, шодмонлик маъбудалари, улар уч

нафар бўлиб мангу навниҳол қиёфада тасвириланадилар.

Хиос – Эгей денгизидаги орол.

Хитон – юнонларнинг ички либоси: енгиз қалта кўйлак; одатда хитон устидан хламида (калта плашч) ёки хлена (кенг узун плашч) кийганлар. (Жуковский хленани «мантия» деб таржима қилган.)

Хюрида – Нелейнинг хотини, Несторнинг онаси.

Циклоплар – бир кўзли девсифат афсонавий ҳалқ. Бу ҳалқ, Гомерни шарҳловчи олимларнинг ҳисоблашича, Сицилияда яшаган.

Цирцея – Гелиос билан Персанинг қизи, афсунгар санам; у Италия қирғоғига яқин бўлган Эя оролида яшаган.

Эак – Ахиллеснинг бобоси, Пелейнинг отаси, Зевс билан дарё тангриси Асопнинг қизи бўлмиш Эгинанинг ўғли; у ўзинингadolatparligi билан машхур бўлган, шу боис ҳатто тангрилар ҳам ўз мубоҳасаларини ажрим қилиш учун уни ҳакамлик қилишга чақириб турғанлар (қаранг: *мирмидонлар*).

Эвбея – Эгей денгизида катта бир орол; у ўрта Юнонистоннинг шарқий соҳилига яқин жойлашган.

Эвр – шарқ шамоли.

Эгіда – эчки терисидан ишланган қалқон («эгіда» – эчки тери дегани). Гомер замонида бундай қалқон урфдан қолган бўлиб, фақат тангрилардан Зевс билан Афинага нисбат бериларди.

Эгист – Фиестнинг ўғли; уни Атрей тарбиялаб ўстирган; кейин Атрей уни Фиестни ўлдириш учун зинданга юборади; ўғил отаси Фиестни билмасди, лекин Фиест ўғлини танийди ва у билан тил бириклириб, Атрейни таҳтдан ағдаради. Кейинчалик Фиест Агамемнон билан Менелай томонидан таҳтдан ағдарилгач, Эгист қочиб жон сақлаб қолади. Оқибатда у Клитемнестрининг ўйнаши бўлади ва у билан биргаликда Агамемнонни ўлдиради. Аммо ўзи ҳам Орест томонидан қатл этилади.

Эгия – Пелопоннес шимолидаги шаҳар; у ерда тангри Посейдонга атаб курилган ибодатхона бўлган.

Эдип – Фива шоҳи Лай билан унинг хотини Этикаста (Иокаста)нинг ўғли. Ўзининг ўз ўғли томонидан ўлдирилишини билган Лай, чақалоқ боласини ўлдиришни буюради. Лекин Эдипни ўлдирмайдилар ва у ватанидан узоқда тарбияланиб камол топади. Эдип ўсмирлик чоғидаёқ, пешонасига ўз отасини ўлдириб, ўз онасига уйланиш ёзилганидан воқиғ бўлади. Эдип уни асрар олиб боқсан ота-онасини ўзининг туғишган асл ота-онаси деб ҳисоблаб, машъум башоратнинг содир бўлишидан кўрқади ва жаҳонгашталик қилгани уйидан бош олиб чиқиб кетади. У йўлда учраган нотаниш бир чолни тасодифан ўлдириб кўяди, кейин Фивага бориб, у ерда одамларни даҳшатли маҳлуқ сфинкс балосидан кутқаради. Ҳалқ уни Фивага шоҳ қилиб кўтаради, натижада, у ўлган шоҳнинг бевасига, яъни Лайнинг хотинига уйланади. Лекин шаҳар аҳди вабодан ўла бошлайди. Бу вабо шоҳ Лайнинг қотили шу шаҳарда эканлигидан дарак беради. Эдип қотилни қидиришга тушади ва у йўлда тасодифан ўлдириб қўйган чол ўз отаси Лай эканлигини билади. Машъум башорат содир бўлган – Эдип ўз отасини ўлдирган ва туқсан онасига уйланган

эди. Эпикаста бундай бадбаҳтликка чидай олмай, ўзини дорга осади, Эдип икки кўзини ўйиб ўзини кўр қиласи.

Эйдофея – Протейнинг қизи; денгиз маъбудаси.

Элида – Пелопоннес гарбидаги вилоят.

Эллада – Юнонистон.

Энипей – Фессалиядаги дарё.

Эол – Шамолларни бошқарувчи кичик рутбадаги тангри.

Эолия – Эол яшайдиган орол; айрим тадқиқотчилар уни Сицилия яқинидаги вулканли Стромбол оролчасига қиёс қиласилар.

Эос – тонг шафаги маъбудаси. У Гелиоснинг синглиси, Гиперион билан Тейянинг қизи; Эос билан Астрайдан юлдузлар туғилган.

Эпейлар – Элидада яшаган энг қадимги қабила.

Энеос (Эпей) – ахей лашкарлари сафида жанг қилган санъаткор – уста; у ясаган улкан ёроч от ёрдамида Троя забт этилган.

Эпикаста (Иокаста) – Эдипнинг онаси ва хотини.

Эпир – Юнонистоннинг шимолидаги вилоят. Жуковский афсонавий мамлакат Апирани «Одиссея»да Эпир деб нотўғри таржима қилган.

Эреб – мудом зулматда бўлган ўликлар салтанати – Аид.

Эремблар – осиёлик афсонавий халқ.

Эримант – Пелопоннеснинг Аркадиясидаги тоғлар.

Эринийлар – қотилларни таъқиб қилувчи интиқом маъбудалари.

Эрифила – Амфиарайнинг хотини, Алкмеоннинг онаси (қаранг: Алкмеон ва Амфиарай).

Эсон – Тиро билан Крефейнинг ўғли, Пелиас билан Нелейнинг акаси, Ясоннинг отаси. У Иолкос шоҳи бўлган. Кейин Пелиас уни таҳтдан афдарган (қаранг: Пелиас).

Этолия – Ўрта Юнонистоннинг гарбидаги вилоят.

Эфиалт. (қаранг: Отос ва Эфиалт).

Эфиоплар – ривоятларга кўра, «ернинг икки чеккасида», шарқ ва гарбда, Океан соҳилида яшовчи масъуд халқ.

Эфира – Элидадаги шаҳар.

Ээт – Океан қизи Перса билан Гелиос (Қуёш)нинг ўғли, афсонавий мамлакат Колхиданинг шоҳи; кейинчалик уни Кавказнинг Қора денгиз бўйидаги ери билан муқояса қилганлар. Машҳур заррин сурни Ээтнинг кўл остида бўлган. Аргонавтлар ана шу заррин сурни олгани сафарга чиққанлар.

Эя – Цирцея яшаб турган орол.

Ярдан – Критдаги дарё.

Ясон – маъбуда Деметранинг маҳбуби бўлмиш фоний йигит.

МУНДАРИЖА

Биринчи қүшиқ.....	3
Иккинчи қүшиқ.....	13
Учинчи қүшиқ.....	23
Түртінчи қүшиқ.....	34
Бешинчи қүшиқ.....	53
Олтинчи қүшиқ.....	64
Еттінчи қүшиқ.....	72
Саккизинчи қүшиқ.....	80
Тұққизинчи қүшиқ.....	93
Үнинчи қүшиқ.....	106
Үн биринчи қүшиқ.....	119
Үн иккинчи қүшиқ.....	134
Үн учинчи қүшиқ.....	144
Үн түртінчи қүшиқ.....	154
Үн бешинчи қүшиқ.....	166
Үн олтинчи қүшиқ.....	179
Үн еттінчи қүшиқ.....	190
Үн саккизинчи қүшиқ.....	204
Үн тұққизинчи қүшиқ.....	214
Йигирманчи қүшиқ	228
Йигирма биринчи қүшиқ	237
Йигирма иккинчи қүшиқ.....	247

Йигирма учинчи қүшиқ	259
Йигирма түрттинчи қүшиқ	268
Хотима (<i>Одиссейнинг ўлими</i>)	281
Изоҳлар	283
Достондаги мифологик исмлар ва географик номлар лугати	297

Адабий-бадиий нашр

Гомер

ОДИССЕЯ

(Одиссейнинг саргузаштлари)

Қайта нашр

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*

Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*

Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*

Мусаҳхих *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензия рақами AI № 154. 14. 08. 09.

Босишига 2016 йил 1 февралда рухсат этилди.

Бичими 60x100^{1/16}. Таймс гарнитураси. Офсет босма.

22,20 шартли босма тобоқ. 22,18 нашр тобоги.

Адади 500 нусха. 173 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Faғur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz



Гомер.

Одиссея (Одиссейнинг саргузаштлари)/Гомер; таржимон К. Мирмуҳамедов. – Тошкент: Faafur Gulom номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, 2016. – 320 б.

I. Мирмуҳамедов, Қодир (тарж.)

Турли даврларда яратилган тадқиқотларда кўрсатилишича, юнон шоири Гомер милоддан аввалги 12-аср билан 7-аср оралигида яшаб ўтган. Унинг кўзлари ожиз бўлган ва ўз асарларини баҳшилар каби оғзаки айтган. Уларни ким, қачон ёзиб олгани аниқ эмас.

Гомернинг асрлар оша бизгача етиб келган ва ҳамон кўнгилларга ҳайрат ургуни сочишда давом этайдан «Одиссея» қаҳрамонлик эпоси юнон мифологияси асосида яратилган. Шу билан бирга, унда фақат шеърлар, афсоналар ва ривоятларгина эмас, реал тарихий воқеалар ҳам акс этган.

УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(4Гре)

30300

19

ГОМЕР

ОДИССЕЯ



ISBN 978-9943-03-462-4



9 789943 034624

